

Одил  
Ёқубов

---

# ИЗЛАЙМАН

РОМАН  
ҚИССА  
ҲИКОЯЛАР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1977

Уз  
Е 93

И 70803 — 17  
352(06) — 77 120-77



# ЭР БОШИГА ИШ ТУШСА

Р о м а н

БИРИНЧИ ҚИСМ

## Биринчи боб

Кечаси Ҳулкар тик тепага келганда ҳандалак ўғирлашга боришмоқчи эди.

Машраб шундай қаттиқ ухлаган эканки, уни уй-ғотишганда бир дақиқа ҳушини йиғолмай ётди. Лекин «ҳандалак» сўзи қулоғига чалиниши билан, назарида, Муяссарнинг: «Вой ҳандалак пишибди-я!» деган майин товуши хаёлида қайта янграгандай туюлди-ю, кўзлари чарақлаб очилиб кетди.

— Кўп имиллайвермасдан тезроқ бўл!— деди Қўчқор.— Ой чиқади сал ўтмай!

Машраб устидаги пўстиннинг илиқ оғушидан баэўр чиқиб қаддини тутиб ўтирди.

Одатда тўп отса ҳам уйғонмайдиган Акмал хом семиз бу сафар, нима бўлиб Машрабдан олдин уйғонган, ариқ бўйида ўтириб, пишиллаб этигини кийарди.

— Сув қалай? Хабар олдиларингми?

— Сувдан гапирма!— деди Қўчқор. — Тошқин эмаски, бир ёғини ўпириб кетса!

Аmmo Машраб бу гапни эшитмагандай қоронғида қоқиниб-суриниб ўқариқни ёқалаб чопиб кетди. Қўчқор ҳақ: чимлар жойида, сув ювиб кетган битта ҳам жўяк кўринмайди. Ғўзалар орасида симобдай ялтилаган кумуш тасмаларнинг ҳаммасиям картанинг охирига бориб қолган.

Машраб ҳар эгилганида жўякларда пар-пар ёнган сирғачаларни кўрарди. Ҳали ой чиқмагани учунми, сирғачалар гуж-гуж бўлиб ётар, Машраб, агар истаса, ҳовучлаб оларди.

Ниҳоят, Акмал хомсемиз кийиниб бўлди-ю, улар ариқ ёқалаб яқиндаги сойга томон йўл олишди.

Сойнинг у юзида, қишлоқнинг қоқ ўртасида, атрофи боғлар билан қуршалган ўн гектарча очиқ пайкал бор. Одатда пайкалга пахта экиларди. Бу йил, нима бўлиб, қовун, бир четига ҳандалак экилган.

Машраб, ҳандалак пишгандан хабари йўқ, бугун эрталаб елкасида кетмон Муяссарларни бир кўриш умидида боғлари четидаги ёлғиз оёқ йўлдан кетаётиб, тўсатдан унинг: «Вой, ҳандалак пишибди-я, ўртоқ-жон!» деган хитобини эшитиб қолди.

Бундоқ бўйинини чўзиб караса Муяссар билан унинг дугонаси — Акмал хомсемиз ошиқу беқарор бўлиб қолган дўндиқ Гулчеҳра шафтоли теришяпти. Муяссар шафтолининг тепасида, пакана бўлса ҳам юлдузи иссиққина Гулчеҳра эса, Муяссар қоқаятган шафтолиларга этагини тутиб турипти.

Муяссарнинг хитобига Гулчеҳра хандон ташлаб кулди-да:

— Кўнглинг ҳандалак тусаса... шу ҳам ташвишми? — деди шўх ўйноқи овоз билан, — Девонан Машрабингга қошингни бир учирсанг-ку, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келади!

— Вой, қаёқдаги гапларни гапирмай ў-ўл! — деди Муяссар.

У «ўл» сўзини шундай нафис чўзиб, шундай ноз билан айтдики, пахса девор тагига писиб қолган Машраб, юраги жаз этиб, вужудидан ўт чиқиб кетди.

— Йўқ, рост айтаман! — деди Гулчеҳра.

— Бўлди! Кўп алжирама! Ундан кўра хомсемизингга айт, топиб келсин! Даври давронингда биз ҳам бир тўйиб ҳандалак ейлик, дугонажон!

— Бе-е, ҳандалак қидирмасданоқ қорнини эплаб юрсин у бечора. — Дўндиқ қийқириб кулди. — Кошки, шоиринг менга ошиқ бўлса! Нима қилишимни ўзим билардим!

Бу сафар Муяссар чиндан зардаси қайнаб Дўндиққа қараб бир-иккита шафтоли отганди, биттаси Машрабнинг ёнидаги шотутга тегиб чалпак бўлди. Кейин шохлар силкиниб, ерга дув тўкилган шафтолиларнинг «тап-тап»и-ю, қийқириб қочган Гулчеҳранинг шўх овози эшитилди.



Машраб бир неча дақиқа анграйиб қолди.

У кўпдан бери Муяссарни пинҳон севар, унга атаб дафтар-дафтар шеърлар ёзиб, ўз ёғида ўзи қовурилиб юрар, лекин Муяссар ҳам уни севишини хаёлига келтирган эмас эди...

Назариди, тоғлар ортидан кўтарилган офтоб у ёқда қолиб, ўз кўкрагидан бошқа бир офтоб чиққандай, бу офтоб бутун оламни яшнатиб юборгандай, боғларга кўмилган катта қишлоқ, пастдаги сойлик, тўғон бўйидаги лайлак уя қўйган оқ тераклар, сувга салом бериб ўсган мажнунтоллар—ҳаммаси тўсатдан бўлакча бир жозиба кашф этгандай бўлди.

Кун бўйи қулоқлари остидан жуда ғалати, ҳам киёл хазин, ҳам кишини аллақандай эркаловчи, қаёққадири олис-олисларга чорловчи ажиб бир мусиқа кетмади. Кўзини бир зум юмса, гўё боғлар устида парвоз қилаётгандай туюлар, болалигида тушида учгандагидай енгил ва ғалати сезарди ўзини.

Тўғриси, дўстларини йўлдан урган ҳам Машраб бўлди.

Қўчқор усиз ҳам саргузашт талаб чақани йигит, бу фикрга жон-дили билан қўшилди. Акмал сал мужмаллик қилган эди, Машраб уни четга тортиб: «Қизларни бир хурсанд қиламиз, каллаварам!» дейиши билан у ҳам лаққа тушди қолди.

... Улар жар бўйидаги мажнунтоллар орасидан ўтиб, сойга тушдилар.

Сой жимжит, кимсасиз, фақат у ер-бу ерда ўтлаб юрган молларнинг қораси кўзга чалинади, олисроқда, тўғонда бақалар қуриллайди. Қўчқор, тор кўчага кираверишдаги қўшёнғоқнинг тагида тўхтади.

— Гап бундоқ бўлсин! Ҳандалак чангалзорнинг орқасида дейишувди. Ҳозир тор кўчадан кириб, шундоқ ўнгга буриламизу, ариқдан «лип» этиб чиқамиз-қўямиз. Уқтиларингми, хомкаллалар? Уқсаларинг... Уним бошлай қолай. Сен, хомсемиз, ўртага туш, Кўр Шермат бостириб келиб қолса бир бало қилиб икки ёнингдан судраб кочамиз.

— Аввал ўз ғамингни е, кейин мени айт!— пўнғиллади Акмал.— Бўйингни қара, Маккаю Мадинадан кўринади!

— Бўйимга яраша оёғим ҳам бор, хомсемиз!—

жушнуд кулди Қўчқор.— Сенда қорин зўру, пут йўқ — икки ҳатлашда етиб олади Кўр Шермат!

Кўр Шермат деганлари полизининг қоровули, бир кўзи болалигида чиллак тегиб оқиб тушган норғул йигит.

У болалигида жуда тегажоқ бўлгани учунми, азалдан Кўр Шермат деб чақирришади, бу лақабни айтмагунча қишлоқда уни биров танймайди.

Тор кўчанинги икки томонидаги мирзатераклар қоронғида баланг деворга ўхшайди, фақат у ер-бу ердаги жийдалар кумушга ботириб олингандай ғалати оқариб кўринади.

«Тиқ» этган товуш эшигилмайди, ўқтин-ўқтинда болохоналарда товуқлар питирлайди, ҳовлиларда мудраб ётган итлар уйқу аралаш ириллайди, қаердадир орқада, тўғонда қурбақалар қуриллайди.

Болалигида битта-яримта олма узиб қочганлари бўлмаса, ўғирлик нималигини билмаган Машраб, ҳовирданоқ юраги пўкиллаш бошлади. Назарида, ҳар бир дарахт, ҳар бир соя пойлаб тургандай.

Акмал хомсемиз ҳам бунақа ишларга уқуви йўқ. Елғиз Қўчқор ёқавайрон, яланг оёқ, яланг бош, олдинда зипиллаб кетяпти. Ана, икки ёндаги пахса деворлар чекиниб, олдинда теп-текис полиз кўринди. Улар чапга бурилиб, ўт босган катта ариқдан йигирма-ўттиз қадам юргач, тўп-тўп чангал бошланди.

Қўчқор чангалларнинг орасидан бўйнини чўзиб бир зум у ёқ-бу ёққа разм солди, сўнг ўзини ариққа олarkan:

— Эҳ, ой чиқиб қолди!— деди афсус билан.— Майли,— деди у яна,— уч кунлик ойни деб орқага қайтамизми? Полизда тирик бир жон кўринмайди... Кетимдан сен чиқасан хомсемиз, сенинг кетингдан девона...

Машраб вужуди қалт-қалт титраб чангал орасидан оқиста мўралаб қаради.

Уч кунлик эмас, камида бир ҳафталик ой тоғлар ортидан секин кўтарилиб келарди. Кафтдай текис полиз майин, сирли шуълага чўмиб, осойишта тин олиб ётипти. Узоқда — ўнг қўлдаги боғлар томонида, биттаю битта қамиш чайла қорайиб кўринади, бошқа на бир соя, на бир одам шарпаси!

Қўчқор билан Акмал чапга бурилган, ўзлариям

гўё амма-холаларининг полизида юргандай шатир-шутур қилиб, парвойи фалак кезиб юришипти.

Машраб ариқдан эмаклаб чиқиб, полиз четидаги сийрак палаклар орасига шўнғиди.

Полизга шудринг тушган, палакларнинг ғадир-будур япроқлари муздай.

Машраб, бахти бор эканми, ариқдан чиқиши билан катта палакка дуч келди-ю, қўлига чойнакдай бир нарса илинди. Машраб уни секин узиб ойга солиб кўрди. Ҳандалак! Етилиб, тўрлаб қопти. Тумшуғи сал ёрилибди. Ҳиди шундай хушбўй, шундай нафиски, Машраб қаерда ўтиргани эсидан чиқиб, қайта-қайта ҳидлади. Ахийри бир жилмайиб ҳандалакни қўйнига солди-да, қулоқларини диккайтирди: анави икки каллаварамга қаранг! Мунча бошларига кўтаришади палакларни! Буваларининг полизи бўлсаям агар...

У ичида бир сўкиниб, ўгирилиб қаради. Қаради-ю, тошдай қотди қолди.

Ундан нари борса йигирма қадам жойда қўлида таёқ, бошида ағдарма телпак, новча бир одам қоққан қозикдай серрайиб турарди!

— Кўр Шермат!

Машраб ўгирилиб қараши билан Кўр Шермат ҳам гўё шуни кутиб тургандай, қўққисдан:

— Бос! Ушла ўғрини!— деб сурон солди-да, таёғини кўтариб олдинга ташланди.

Машраб жон ҳолатда сакраб туриб, ўзини жўякка отди.

У Қўчқордай бақувват бўлмаса ҳам, зуваласи пишиқ ва анча чопқир эди. Бироқ ҳозир, назарида, оёқларига қўрғошин қуйилгандай оғир, устига-устиак палаклар ҳам худди Кўр Шерматга бўлишгандай, унга ёпишар, оёқларидан оларди!..

Ариққа атиги уч қадам қолганда югуриб кета туриб бурилиб қаради, қаради-ю, тирноқларигача музлаб кетди.

Ажабо, гарчанд Қўчқорлар жойидан жилмаса ҳам бир кўзлик Шерматвой уларнинг ёнгинасидан ўтиб, Машрабни қувиб келарди!..

Машраб ўзини ариққа отди, лекин суришиб кетиб ариққа кифти билан тушди-ю, бир қўли остида қолди. Кетма-кет гурсиллаб қулаган Шерматвой эса уни ерга қапиштирди қўйди.

— Ҳи, хумпар, полизни пайҳон қилиб, туёғини шиқиллатмокчиман де? Қани тур, муттаҳам!

У Машрабнинг қўлларини қайириб бир силташда турғазиб қўйди.

Боя сутдай оқариб ётган далалар энди созуқ чақнаган ой шуъласида гўё қора либосга ўралган, бу шуълада қоровулнинг юзи, ялт-ялт этган ёлғиз кўзи аллақандай ваҳимали кўринади.

— Э, сенмисан, ғирром?— кўр, ниҳоят уни таниб оғир энтикди.— Ҳандалак тусаб қоптилар-да кўнгиллари, лаббай? Ҳа, муттаҳам! Сен тенги йигитлар фронтда тиззадан қон кечиб немис билан беллашсину, сен хумпар бу ерда колхоз мулкига чанг сол!.. Менга қара, ҳай тирранча! Бу ошналаринг ким ўзи? Неча киши эдиларинг?

— Қанақа ошна?

— Қанақа дейди-я? Ҳали полизда писиб қолган иккитасини айтаман, хумпар!

Бир секунд Машрабнинг дилида Қўчқорларниям айтиб юбориш истаги «ярқ» этгандай бўлди. Лекин... наҳотки Машраб шундай номардликка борса? Куни кеча эмасми ўн олти яшар партизан қиз тўғрисидаги китобчани ўқиб, юраги зир титрагани, немислар тилини кесганда ҳам ўз дўстларини сотмагани ҳақидаги жойига келганда эса, уйга сиғмай тун ярмигача сойда айланиб юргани!

— Йўқ, билмайман... бир ўзим эдим мен...

— Шунақами? Жуда соз! Қани, олдимга туш! Бир ўзим дейди-я даюс! Шошма, ҳали шунақаям сайраб берасанки, булбул бўлиб кетасан!

...Улар катта кўчага чиқишди. Бу ёғи идорагача бир чақирим ҳам келмайди. Лекин бу масофани ўтгунча Машрабнинг хаёли минг бир кўчага кириб чиқдиёв! Бироқ қайси кўчага кирмасин, ҳаммасининг боши берк, олдинда «йилт» этган бир шуъла кўринмас эди.

Рост, қишлоқда бировнинг боғидан мева узип, айниқса қовун ўғирлаш азалдан айб ҳисобланмайди, аксинча, баъзилар буни шунчаки бир ҳазил деб билишадди. Лекин Кўр Шерматнинг: «Сен тенги йигитлар фронтда немис билан беллашиб юрсину, сен бу ерда колхоз мулкига чанг сол!» деган гапидан кейин кўзи очилиб кетди-ю, назарида, кечириб бўлмас бир гуноҳ қилиб қўйгандай туюлди.

Нега буни боя ўйламадийкин, Машраб? Бу ёғи нима бўлади энди? Одамлар нима дейди? Ойиси билан бувиси-чи? Бўлажак кеннойиси Барно-чи? Улар ҳам майли, ҳар нима бўлгандаям — жигар. Муяссарчи? Унинг дадаси Қурбон ота-чи? Уларнинг юзига қандай қарайди энди?

Колхоз идораси қишлоқнинг қоқ ўртасида, Боймат ҳожи деган машҳур бойнинг ҳовлисига жойлашган.

Машраблар ўғирликка барвақтроқ чиқишган эканми, ё иш кўп эканми, хуллас, идоранинг кўчага қараган қатор деразаларидан бир нечтаси ҳалиям ёруғ эди.

Ҳовлининг қўш тавақали катта темир дарвозаси берк.

Кўр Шермат оғир қўйма ҳалқаларни қоққанди, ичкаридан уйқу аралаш:

— Хў-ўш? — деган ҳорғин товуш эшитилди.

— Очинг дарвозани! Ўлжа келди омборингизга!

Қоровул оғир эснади, сўнгра дарвозанинг ўнг қанотидаги эшик очилиб, қўлида хира фонарь, эғнида пахтали чопон, паканагина бир чол кўринди.

— Идорада биров борми, ота?

— Қайдам, буғалтирлар ўтиришибди, чоғи.

— Сиз бунга қараб туринг, мен кириб чиқай,— деди Кўр Шермат.

— Бор, боравер,— чол фонарини кўтариб Машрабнинг юзига тўғрилади:

— Э-э... Аъзам ячейканинг ўғлимисан? Афтангорингни қоп-қора қон қилибди-ку, бу тентак!

Чол белидан белбоғини ечиб Машрабга узатди:

— Ма, арт, болам! Иккита хом сапчага-я? Аҳмоқ!..

Машраб гўё қишда офтоб чиққандай дили ёришиб, юзини, шилиниб кетган қўлларини артди. Шу пайт идора томондан қишлоқ советининг раиси Холмат чавандознинг овози эшитилди:

— Хўп, хўп, қамаб қўйинглар, эртага Инобатхонга айтасан. Ҳозир фурсат йўқ!

У чиндан бир ёққа шошиб турган бўлса керак, жеркиб галирарди.

Кўр Шермат боягидан ҳам дарғазаб бўлиб, тўнини тескари кийиб қайтди. Чолнинг: «Э, қўйиб юбор, бола фақирни, бўрк ол деса бош оласанми, тентак?»

деб, ялиниб-ёлворишларига қулоқ солмади. Машраб-ни омборга ёндош темир панжарали қоронғи бир хонага қамаб, калитни ўзи олиб кетди.

Хонага қуруқ пичан тўшалган, оёқ остида эгаржабдуқ ва бир неча боғ беда ётарди.

Машраб қоронғида тимискилавиб, ёруғ тушиб турган томонга ўтди. Деразани очиб, кўкрагини тўлдириб нафас олган ҳам эдики, деразанинг ёнгинасидан аёл кишининг жуда таниш, хиёл эрка ва аллақандай чўзиқ овози келди:

— Қўйинг, Холмат ака! Ярим кечада нима ҳам қилардим!

Машраб юраги томоғига тиқилгандай бўлиб, темир панжараларни чангаллаб олди. Эркаланиб гапираётган қиз... акасининг қайлиғи Барно эди!

— Шунақа қилманг, Барнохон!— деди Холмат Чавандоз.— Ярим соат суҳбатлашиб ўтирамин. Ўртоқ Эртоев қаттиқ илтимос қилдилар!..

— Вой, у киши... қанақа ишлари бор экан менда?

— Бе, иш нима қилсин, Барнохон! Бир нафас беғараз дилкашлик қилиш, вассалом!— деди Чавандоз бе-парво.

Барно, иккиланиб бўлса керак, бир лаҳза жим қолди.

— Майли-ю, бироқ... кўп эмас, бир нафас ўтирмам.

— Албатта. Барнохон, албатта!.. Бу ёқдан юра қолинг, қоровул чол кўрмай қўя қолсин.

Нозик туфлининг «дук-дук»лари, Чавандознинг «гурс-гурс» қадамларига қўшпилиб, узоқлаша-узоқлаша, ниҳоят, тинди.

Машраб ҳушига келди, бор кучини тўплаб панжарани юлқиди, сўнг, бу йўғон қўйма тўсиқларга кучи етмаслигини пайқагач, ўзини бедага отди. Ажабо, ҳовиргина эшитган гаплари олдида унинг ўз алами, шармисорлиги, ҳатто «Муяссар нима деркин?» деган ташвиши арзимаган бир нарса бўлиб қолди.

Тўсатдан унинг хаёлига акасининг бундан беш-олти ой олдин, десантга кетиш олдида ёзган хати (ўшандан бери ундан дом-дарак йўқ!) ва бу хатда Барнога аталган эҳтиросли сўзалари, ҳар бир мисрасидан ҳижрон тафти уриб турган оташ мактуби тушди.

— Ака, акажоним!..— деди-да, азбаройи алампага чидай олмаганидан бошини беда боғлари орасига яширди. Димоғига «гуп» этиб ялпиз ва какра ҳиди урилди-ю, ёруғ ва ғамгин бир оқшомни эсига солди...

\* \* \*

...Ўшанда ҳам вақт тун ярмидан оғиб кетган эди. Ака-ука иккиси икки қучоқ қуруқ пичан кўтариб сойга чиқишди. Сойда, «тахта кўприк» деб аталган эски кўприкнинг бир томонида, тол ва тераклар билан ўралган катта тўғон бор.

Улар тўғон бўйидаги лайлак уя қўйган оқ терак тагига, салқин шабадада шитир-шитир қилиб чайқалаётган ўсиқ қамишлар ёнига пичанни тўшаб, ёнма-ён ётишди.

Ашрафжон қўлларини бошининг орқасига олиб, осмонга тикиларкан, қандайдир маънос бир оҳангда:

— Қандай ажойиб қишлоғимиз бор!— деди.— Бу кўм-кўк сой, бу азим тераклар, бу тўғон!.. Балиқ сакрапти, эшитяпсанми, ука?

Ака-ука балиқларнинг чўлп-чўлп сакрашига, терак япроқларининг мулойим шивирлашига қулоқ солиб, узоқ сукутга толишди.

Осмон шундай тиниқ ва яқин туюлардики, гўё оқ терак учига майини қора чодир ёпилган, гўё япроқлар орасида юлдузлар эмас, минг-минг тиллақўнғизлар учиб-қўниб юрарди...

Ашрафжон қишлоқни жонидан ҳам яхши кўрарди.

Одатда у отпускага келганда бир нафас уйда ўтириб ором ололмас, эгнидаги темирйўлчилар формасини ечиб ташлаб (у транспорт институтини битиргандан бери Тошкент темир йўлида инженер бўлиб ишларди), оқ кўйлагини кияр, сўнг дам қўштиғ милтигини елкасига ташлаб, сой бўйидаги жийдазор ва қамишзорларга шўнғир, дам қўшёнғоққа чиқиб этак-этак ёнғоқ қоқар ва болалар билан ўйнар, дам маҳалланинг ёш-ялангини йиғиб, тўғондан балиқ овларди. Кейин сув бўйига қозон осиб, балиқ қовурар, овга кўпчилик қатнашгани учун бунинг номи «халфана» бўлар, шундай пайтларда тун яримгача маънос ва дилрабо қўшиқлар янграб, сойда мисоли тўй бўлиб кетарди.

Лекин акаси ҳеч қачон бундай ғамгин ўйларга толмас, бундай маънос гапирмас эди...

Ашрафжон, гўё укасининг фикрига тушунгандай:

— Эртага... урушга кетяпман, ука,— деди.

Машраб беихтиёр бир сапчиб тушди.

— Нега? Темирийўлчиларга бронь беришади дейишувди-ку, ака?

— Бронь беришмоқчи эди — унамадим, ука! — Ашрафжон Машрабга қараб ёнбошлаб ётди. — Сен энди катта йигит бўлиб қолдинг, билиб қўй, ука, бундан беш-олти йил олдин, отамизга ноҳақ осилиб, уни партиядан ўчиришга эришган баъзи нопок одамлар у киши вафот этганларидан кейин бизга анча ёмонлик қилишди. Фалончининг авлоди, деб кўзимизга чўп солмоқчи бўлишди... Айникса Эртоев деган биттаси кўп осилди. Сен ёшсан, билмайсан, ука, отамизнинг бошига иш тушишдан олдин бу аблаҳ дадамларга ўғил тутинганди!.. Ушалар энди билиб қўйишсин. — Ашрафжоннинг овози тўсатдан ўзгариб, шиддатли янгради. — Бир маҳаллар отамиз революция ишига қандай фидойилик қилган бўлса, биз ҳам шундай фидойи бўлишимиз керак, ука!

Ашрафжон қоронғида Машрабнинг қўлини топиб, қаттиқ сиқди, кейин аллақандай ўйчан товушда давом этди:

— Яқинда поччам ҳам фронтга кетсалар керак. Ҳамма оғирлик энди сенинг елкангга тушади, билиб қўй, ука.

Машраб ўшандан бир-икки кун аввал Сталиннинг радиодан гапирган нутқини эшитган, унинг: «Ака-укалар! Опа-сингиллар!» деган сўзларини ҳар эслаганда бир эти жимирлаб галати бўлиб юрганди. Бунга Ашрафжоннинг гаплари қўшилди-ю, юраги илиқ бир меҳрга тўлиб, акасини маҳкам қучоқлаб олди...

Уша кеча Ашрафжон укасига яна бир сирини, тўғ-рироғи, илтимосини айтди. Буниси — Барно ҳақида эди!

Барно!

У Тошкентда турадиган узоқроқ қариндошларининг қизи эди. Машраб уни фақат урушдан бир йил аввал қишлоққа келиб, тоғасиникида уч-тўрт кун меҳмон



бўлиб турганида кўрган, кўриб одам боласиям шунчалик кўхлик бўлишидан ҳайратда қолганди.

Барно майин қўнғир сочларини белига ташлаб, эғнида хонатлас кўйлак, оёғида пошнаси баланд қора туфли, қуралай кўзларини сал сузиб қишлоқ кўчаларидан виқор билан юриб ўтганида ўқишдан келган йигитлар деворларда чумчуқдай тизилиб қоларди...

Машраб ҳали-ҳали эслайди: Ашрафжон бир кун унинг қўлига аллақайси китобни тутқазиб, Барнога олиб бориб беришини илтимос қилди.

Машраб борганда Барно баланд ишқомнинг тагида бир тўп қизлар билан қошига ўсма қўйиб ўтирарди.

Қизлар, ҳар бирининг қўлида бир кўзгу, уни кўриб ҳар тарафдан гап отишди:

— Бу боғда берухсат нима қилиб юрибсиз, йигитча?

— Ростини айтинг, ким юборди, яхши йигит?

Машраб бу қочириқлардан қаёққа яширинишини билмай саросимага тушиб қолган эди, Барно ҳам уятдан қошлари чимирилиб, мулойим кулди.

— Сўраган китобимни олиб келдингизми, Машрабжон?

У Машрабнинг қўлидан китобни оларкан, ичидан икки букланган хат ерга тушди-ю, қиз мисоли оловдай ёниб, қуралай кўзлари ғалати ялтиллаб кетди.

Буни кўрган қизлар қийқириб кулишди. Барно эса:

— Майли, сиз бораверинг, Машрабжон,— деди энтикиб.

Эртасига Барно уларникида меҳмон бўлди. Боғда йигитлар тўпланиб, жўр ашула бошлаганда Машрабдан секин илтимос қилди:

— Боғларингизни бир кўрсатинг, Машрабжон!..

Кейин, «боғни кўриш» эсидан чиқиб олчазорга яшириниб, йигитларнинг қўшиқларига қулоқ солиб узоқ турди. У Машрабни ёнидан жилдирмас, унинг сочларини силаб эркалар. Ашрафжоннинг овози бошқалардан ажралиб, гўё Барно эшитаётганини билгандай бўлакча хушоҳанглар билан янграганида қизнинг бармоқлари титраб, кафтида олов тафти пайдо бўларди...

Барно аксарият Муяссарларникига, унинг Тош-Мида ўқийдиган опаси Зебохоннинг олдига меҳмон бўлиб келарди. Шундай пайтларда Муяссарларнинг

боғидан оқиб ўтадиган бир ариқ сув йигитларнинг исмлари ўйиб ёзилган нақш олмаларга тўлиб кетар, бу олмаларнинг энг катта ва энг чиройлиларида ҳаммша «А» ҳарфи бўлар, уларни Ашрафжон оқизарди.

Машраб бунинг ҳаммасини яхши билар, чунки кўпинча олмаларни Муяссар иккиси тутиб олишар, ёмон кўрган «почча»ларининг олмасини еб, ўзларига ёққанларнинг олмаларини қизларга элтиб беришарди. Барно «А» ҳарфи ўйилган олмаларни кўрганда қуралай кўзалари чарақлаб кетарди.

Охири бир кун Ашрафжон ойиси билан поччаси Расулжонни Тошкентга совчиликка жўнатди. Сўнг Барно билан тил бириктириб қўйганига қарамай, совчилар қайтгунча оёғи куйган товукдай питирлаб юрди.

Йўқ, хайрият, Гулсум опа билан Расулжон хушхабар билан қайтишди. Қиз томон, гарчанд тўйни бир йил кейин қилиш шарти билан бўлса ҳам, розилик берибди.

Бир йил кейин эса, Ашрафжон тўғон бўйида Барно тўғрисида гапираркан, овози дутор куйларидай ғамгин янграб, Машрабни титратиб юборди.

Ашрафжон шу келишда Барнонинг ўзи билан ҳам, ота-онаси билан ҳам гаплашиб келганини, яқин кунларда Барно қишлоққа келиб, то у фронтдан қайтгунча қишлоқда, тоғасиникида туришини айтди.

— Мабодо менинг гапларимни бошқача тушуниб юрмагин, — деди Ашрафжон. — Мен сени унга айғоқчи бўл демайман, иним. Фақат икковларинг дўстлашиб, ўртоқлашиб кетишларингни хоҳлардим. Ҳали танишганда кўрасан — у жуда яхши қиз...

Ашрафжон юрагини тўлдириб чуқур тин олди-да, қўшимча қилди:

— Бу уруш беш кун давом этадими, ё беш йилми — билиб бўлмайди, ука. Тўғриси яни айтсам ойимдан, сенлардан кўнглим тинчу Барно учун бир оа қўрқаман. Худо кўрсатмасин, бир нима бўлса... усиз ҳаётим нима бўлишини билмайман. Хуллас... Гап шу, ука!

Ашрафжон шундай деди-да, ўрнидан туриб кетди, сўнг, янчагача тўғон атрофида айланиб юрди...

... Наҳот, Барно унинг шундай севгисига рахна солса? Яна келиб-келиб қандай пайтда денг, олти ой-

дан бери Ашрафжондан хат-хабар бўлмай, бутун оила ташвишу таҳликада қолган бир пайтда!

Рост, Ашрафжон бултур ҳам бир-икки ой дом-дараксиз кетиб, бирдан қалқиб чиққанди. Кейин маълум бўлишича, душман орқасига десант тупганида ярадор бўлган, бахтига партизанлар отрядига дуч келиб, қутулиб қолган, сўнгра бир гуруҳ жангчилар билан фронт линиясидан қайта ўтишга муваффақ бўлган.

Бу сафар ҳам шундай бўлса эҳтимол, ҳар нечук, Моҳира буви айтгандек, «ноумид шайтон», ҳали ҳеч ким шум хаёлга боргани йўқ. Лекин... Барно-чи? Наҳот у олти ой ўтмасданоқ умидини узган бўлса? Берган аҳд-паймонлари эсдан чиқса? Ё акаси билан Барно ўртасида бир гап ўтдимикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, чунки, одатда Машрабларникига бир хат келганда Барнога уч хат келар, хат келган кунлари у гуллаган бодомдай очилиб, қуралай кўзларида ёш томчилари милтиллаб, бир неча кун бошқача бўлиб юрарди...

Демак... ҳамма бало Эртоевда!

Машраб тиканда ётгандай тўлганиб, бедада ағананди. Эркин Эртоев... Эркин Эртоев! Бу одам асли рай-ижроком раиснинг муовини бўлса ҳам, кўкламдан бери қишлоқдан кетмайди. Қишлоқдаги иккита колхозга доимий вакил, шаҳарга бир ҳафта, ярим ҳафта бориб келмаса, ҳамнша шу ерда. «Бундан чиқди... қишлоқда ўралашиб қолиши бежиз эмас экан-да!»

Биров деразани чертгандай бўлдими? Машраб секин туриб, мўралаб қаради. Деразанинг тагида кимдир писиб ўтирибди.

Машраб юраги «шиғ» этиб:

— Қўчқор!— деб юборди.

— Тисс!..— Қўчқор ваҳимали шивирлаб ён-верига қаради.

— Қидирмаган жойим, кирмаган тешигим қолмади-я! Эшикда отининг калласидек қулф! Энди нима қиламиз, девона?

— Майли,— деди Машраб.— Овора бўлма...

— Ие, эсинг жойидами, девона!— деди Қўчқор.— Бир бало қилиб қочиш керак. Бўлмаса ҳаммамизни тутиб олишади.

Бу гап Машрабга соққон тошдай тегиб, суяк-суягидан ўтиб кетди.

— Нима, айтиб қўяди деб қўрқяпсанми?

— Бе-е, гап унда эмас, каллаварам, қочишнинг иложи борми — қочиш керак, вассалом! Машраб: «Мени қўявер, ундан кўра дадангнинг ишларини бир билиб қўй», — демоқчи бўлди-ю, Чавандоз унга ўгай ота экани, Қўчқор ўзиям уни кўп хушламаслиги эсига тушиб, тилини тишлади.

— Шошма!— деди Қўчқор.— Мен ҳалиям бўлса калит топиб келаман. Болохонада темир-терсақлар орасида ётарди беш-олтитаси... Аммо сира гап ема, оғайни, бир бало қилиб қутқариб оламиз!

Қўчқор қандай қўққисдан пайдо бўлса, шундай тез ғойиб бўлди.

Қўчқор келиб кетгандан кейин Машрабнинг миясида гўё бурғидай айланган оғир ўйлар сал тарқаб, хиёл енгил тортди.

Йўқ, Қўчқор яхши йигит эканига шубҳа қилган эмас у. Лекин бултур, ўнинчи синф очилмасдан, Қўчқор билан Акмал «кетмончи»га айланиб, Машраб эса тўққизинчи синфда ўқиб қолганидан бери оралари бир оз совиди. Чунки ўшандан кейин Қўчқор уни гоҳ шоир, гоҳ «девонаи Машраб» деб чақириш одатларини чиқарди.

Бу йил мана, бир ой бўлдики, бирга гўза суғориш-япти. Шундан бери фикри сал ўзгарди чоғи, гарчи аввалгидай «девонаи Машраб» дейишини қўймаса ҳам, камситишлари озайди. Бу жиҳатдан, Машраб қўлга тушгани ҳам дуруст бўлди.

Ҳа, билиб қўйсин Қўчқор, Машраб у ўйлаганчалик инжиқ эмас. Қўчқор билан хомсемиздай кучли бўлмаса-да, ўзига яраша иродаси бор.

Фақат... шундай долзарб пайтда унинг бу ерда ётишию Барнонинг бундай бўлиши!..

Машраб яна юз тубан тушиб ётиб олди.

\* \* \*

Бу сафар уни Кўр Шермат уйғотди.

— Қани, олдимга туш, ғирром!.. Курортда ётгандай талтайиб ётишини қаранг бунинг!

Офтоб энди чиққан, ҳовлилардан, боғлардан бузоқларнинг маъраши, хотинларнинг қарғанган овозлари, «ушла бузоғингни, ер юткур» деган товушлари эшитиларди.

Машраб Кўр Шерматнинг олдига тушиб шаҳдам юриб боряпти, мақсад: таниш-билишлар учраб қолса, ўғирлик қилиб қўлга тушганини сездирмаслик.

Хайрият, идора билан полиз ораси унча олис эмас. Уч-тўртта таниш-билишлар учраса ҳам, ҳар нечук, кўчада одам кўпаймасдан етиб олишди.

Полиз ям-яшил бўлиб яшнаб ётибди.

Кечаси палак япроқларига тушган шудрингни ҳўп-ласа бўлади, ҳар бир япроқ офтоб билан ўпишиб, сув тўла пиёлалардай ялтиллайди. Палаклар орасида юмалаб ётган чойнакдай-чойнакдай босволдилар, амири қовунлар, тумшуғи дарз кетган кўкчалар, ҳали кўм-кўк бўлса ҳам, кўзни ўйнатади... Қани энди, Машраб қўлга тушмаган бўлса-ю, бу полизларни тонг палласи бир ораласа!..

Мана, ҳандалак полизи!..

Машраб чангал билан ўралган жойга қадам босди-ю, капалаги учиб кетди: ҳамма ёқда пайҳон бўлган палак! Узилган ҳандалак ва сапчалар тоғдай уйилиб ётипти!

Наҳотки, улар кечаси шунчаликка боришган бўлса?

— Хўш, нималар қилиб қўйганингни кўрдингми, хумлар?

Кўр дағал бармоқлари билан Машрабнинг иягидан ушлаб юқори кўтарди.

— Қани, ҳа, чакагингни оч!— деди.— Шерикларинг ким? Айтасанми, йўқми? Бундан чиқдики, битта ўзинг қилибсан-да бу расвогарчиликни! Тўнғиз бўп кет-е, даюс!— У қўлтиғидаги катта қора жун қопни ғазаб билан Машрабга отди:

— Қани, сол қопга! Палак-малаги билан қўшиб сол, хумлар!

Ҳандалаги тушмагур салкам бир қоп бўлди, ҳатто ушлайдиган жойи ҳам қолмади!

— Қани кўтар, ағраймасдан! Бу кунингдан баттар бўласан ҳали!— Шерматвой қопни тагидан кўтариб Машрабнинг елкасига қўйиб берди.

Қопни туртиб турган ҳандалаклар, айниқса сапчалар биқинига мисоли қирра тошдай ботиб, суяк-суягини зирқиратиб юборди.

Машраб лабини қаттиқ тишлаб, тишларини ғижирлатди. Майли! Вотмоқ тугул биқинини тешиб юборсин

бу ҳандалаклар! Майли, унга қолса бутун қишлоқ устидан кулсин! Кечаги ўйлари, «одамлар нима деркин», деган андишалари — ҳаммаси бекор! Унақа ўйларга борадиган бўлса дўстларини сотиши ҳам гап эмас. Афтидан, жанговар дўстларини сотган хоинлар ҳам ўзларини оқлайдиган миңг бир баҳона топишса керак!.. Йўқ, Машраб унақа беқарорлардан эмас. У чидайди. Фақат... Фронт тўғрисидаги гаплар... Йўқ, бу гаплар ҳам бекор, чунки Кўр ўзи узиб, жўрттага кўпайтириб қўйган бу ҳандалакларни!

Полиз орасидаги ёлғиз оёқ йўлдан юриб катта кўчага етгунча, Машраб тамом ҳолдан тойди.

Бу сафар кўча серқатнов бўлиб қолган, эшикларини «хих-хих» лаб, далага шошаётган мўйсафидлар, елкаларида кетмон, тўп-тўп қиз-жувонлар тез-тез учрай бошлади.

— Вой, ана уни қаранглар!

— О, ўлжа катта-ку, Шерматбой!

— Бола бечорани эзиб ташлабсан-ку, тентак!— каби хитоблар орасидан гоҳо:

— Ие, ячейканинг ўғли-ку бу!— деган овозлар ҳам эшитилиб қоларди.

Машраб бу овозларни ҳар эшитганида бир эти жунжикиб, ҳар қадамда бир қоқилиб борарди. У фақат бир нарсани — идорага тезроқ етиб олишини ўйларди, холос!

Лекин, аксига олиб, Машраб «етдим деганда, елкаси узилди», чунки шу топда ўнг қўлдаги олчазордан Гулчеҳранинг:

— Вой, Муяс, бу ёққа бир қара! Девонанг!— деган қувноқ овози жаранглади.

Машраб юраги бир ҳаприқиб, қўлидаги қоли «гурс» этиб ерга тушди. У ялт этиб овоз келган томонга қаради, қаради-ю, кўзи Муяссарнинг таажжуб ва ваҳима тўла катта очилган кўзларига тушди. Қиз, чаккасида райҳон, ранги бўздай оқарган, нафис қайрилма қошлари ғалати чимирилиб, қоққан қозиқдай қотиб турарди.

Тўсатдан Гулчеҳра қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ҳа... ҳан... ҳандалакка борган экан-да бу бечора!— деди у ва кулгидан йиқилиб кетай деб, Муяссарни қучоқлаб олди.

Машрабга Гулчеҳранинг кулгиси гўё заҳарли қам-

чидай тегди. Бу қамчи унинг вужудини, наинки вужудини — юрагини парча-парча қилиб тилиб юборди!..

У боши сиртмоққа илинган асов тойдай атрофига аланглади, шафқат тилаб Муяссарга тикилди. Лекин қизнинг мулойим серкиприк кўзларида, узунчоқ бугдой ранг юзида худди изтиробга ўхшаш бир ифода қолиб қолганди.

— Мама, госпиталга деган ҳавдалакларга бир қараб қўйинг, ўртоқ комсорг, — деди Кўр Шермат.

Муяссар илжайиб турган Кўрга қаради, кейин яна Машрабга тикилди, тўсатдан кўзлари қаҳр билан чақнаб:

— Сен! Сен!..—деди-ю, гапиролмай қолди. Бирдан кескин бурилиб ўзини орқадаги олчазорга урди. Кетмакет Гулчеҳра ҳам ўша ёққа отилди, сал ўтмай узоқдан унинг:

— Вой, жинни бўлдингми, дугонажон, қаёққа қочадсан? — деб кулган шўх овози эшитилди.

Илжайиб турган Кўр лаб-лунжини йиғиштириб:

— Қани, йиғ буларни! — деди тупроққа қорилиб ётган ҳандалакларга имо қилиб. — Бувингнинг полизидан чиққан эмас булар, колхозчининг пешана тери билан бўлган-а, хумпар!

— Йиғмайман! Узинг йиғ керак бўлса! — Машрабнинг кўзларида милтиллаган ёш бирдан булоқдай қайнади. — Отиб ташласанг ҳам йиғмайман!

— Йиғасан!

Кўр Шермат Машрабнинг бўйнидан «шап» ушлаб пастга эга бошлади. Машраб жон ҳолатда унинг ўзига тармашди, лекин шу маҳал орқадан:

— Вой, вой! Машрабжон! — деган сал бўғиқ, майин овоз эшитилди-ю, Кўр уни қўйиб юборди.

Машраб янглишини мумкин эмас, бу — Барно эди! Битгалаб терилгандай чиройли қошларининг бири паст, бири баланд, ҳамиша ноз билан сузилиб турадиган хумор кўзларида саросима. Чопқиллаб келди-да:

— Ҳа, сенга нима бўлди, Машрабжон? — деди, бурун катаклари пирпираб бир Кўр Шерматга, бир қайнисига қаради.

Кўр негадир жилпанглаб қолди.

— Ҳа шу... кўрмайсизми бу тентакни, опажон? Кечаси полизга тушиб ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилибди, бу аҳмоқ...

Барно бирдан воқеага тушуниб, юзидан қони қочди.  
— Энди шу... тўртта хом ҳандалакни деб, буни... шунчалик ҳақорат қиласизми?— деди норози товуш билан.

— Ахир бу... қандоқ қиламиз, опажон? Ўзингиз биласиз...

— Бас, қўйиб юборинг буни!— деди Барно кутилмаганда ўктам бир товушда.

— Қандоқ бўларкин, опажон?..

— Жуда соз бўлади-да! Қўрқманг, катталарга ўзим айтиб қўяман. Ҳозир бориб Комил акага айтаман. Лозим бўлса ўртоқ Эртоев билан ҳам гаплашаман...

«Эртоев» сўзини эшитган Машраб, худди калтакесак теккан одамдай бир сапчиб тушди. Лаблари титраб, Барнога томон энгашди:

— Керак эмас менга бунақа яхшилигингиз!— деди-ю нафаси етмай сўзида тўхтади. Барно ранги девордай ўчиб қараб турарди.— Керак эмас ўша бузуқдан тилаб олиб берадиган яхшилигингиз!— такрорлади Машраб ва негадир, эҳтимол заҳар томчилаб турган бу аччиқ гапни сеvimли янғасининг юзига солаётгани учундир, ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олди.— Ўзингизга буюрсин ўшандан келган яхшилик!

У шундай деди-да, ўзини ариқ бўйидаги олчазорга урди.

## Иккинчи боб

Идора қоровули: «Сизни ўртоқ Эртоев чақиряптилар» деб келганда Гулсум опа ўғли Машрабни кутиб ўтирарди.

Гулсум опа бир лаҳза ўйлангач, сандиқдан эски бўлса ҳам эгнидагидан дурустроқ атлас кўйлагини олиб кийди, бошига қизи Мастуранинг дуррасини ўради, сўнг кўзгудан жиддий тикилиб турган қорғин, қора мағиз юзли аёлга қараб, сочларини тузатаркан:

«Тағин қанақа иши чиқиб қолдийкин бу одамнинг?»— деган фикр кўнглидан ўтди.

Эртоев Гулсум опани бундан бир ой муқаддам ҳам бир чақиртириб, фронтга кетган мактаб директори ўрнида ишлаб туришни топширганди.

Гулсум опа бу буйруқни эътирозсиз қабул қилди, чунки қишлоқда қолган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг



ҳаммаси фронтчи бригада тузиб, усиз ҳам кўкламдан бери далада ишларди. Лекин ўша учрашувда уни бир нарса таажжубга солди, у ҳам бўлса Эртөөвнинг муомаласи.

Бир маҳаллар Аъзам ака ҳаёт вақтида у кишига анча осилган бу ёш йигит, тунов куни Гулсум опани жуда яхши қарши олди, гўё аввалги қилгуликларидан хижолат чеккандай ийманиб, шундай мулойим гаплашдики, Гулсум опа бир ой ўйлаб, ўйининг тагига етолмади.

Гулсум опа хаёл сурганича тахта кўприкдан ўтиб, қўшёнгоққа яқинлашганда тор кўчадан «лип» этиб Қўчқор билан Акмал чиқди.

Қўчқор кўйлаги камаридан чиққан, сал жингалак қалин сочлари тўзғиган, галати кўк-сарғиш кўзлари аллақандай бежо. Одатда оламни сув босса тўпигидан келмайдиган Акмал ҳам бугун бошқачароқ: ўсиқ қора қошлари бир-бирига туташган, қовоғи солиқ, негадир ўзини орқага олади.

— Ҳа, йўл бўлсин, йигитлар?— деди Гулсум опа бир унисига, бир бунисига қараб.— Машраб қани?

— Машраб?..— Қўчқор бошини қашиб, бир йўталиб олди.— Уйга бормадимми?

— Йўқ. Даладан келяпсанларми ўзи?

Қўчқор кўзларини яшириб:

— Даладан келяпмизу, бироқ...— деб имиллай бошлаганди, Акмал:

— Э, қўйсанг-чи, аравани қуруқ олиб қочмасдан,— деб пўнғиллади.— Идора томонга борувдик. Машраб қочиб кетди, дейишди. Гап шу.

— Қаёққа қочади? Нима қилади қочиб?

— Ҳа, шу... Кечаси ҳандалакка борувдик. Шу... Машраб қўлга тушиб қолди.

Гулсум опанинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

— Кейин нима бўлди, қамаб қўйишдимми?

— Ҳа, шунақа қилишувди, ҳозир билсак... у ҳам туёгини шиқиллатиб қолибди!— деди Қўчқор ва шошиб қўшимча қилди:— Биз уни кечасиёқ қутқариб олмоқчи эдик — бўлмади! Энди ернинг тагидан бўлсаям топмоқчи бўлиб...

Қўчқор Гулсум опанинг кўзларида, лабларининг теграсида истеҳзо аралаш маънос табассум жилва қилганини кўриб, дудуқланиб қолди:

— Йўқ, нон урсин, агар...

— Яхши. Ишдан қолманглар. Ҳандалак деб, гўзани сув босиб кетмадимми тагин?

Акмал, катта қийғир бурни галати қимирлаб, жилмайди.

— Хотиржам бўлинг, опагон.

— Хўп. Сувга қаранглар...

Мана энди ўртоқ Эртөөв нима мақсадда чақиргани равшан бўлди. Ахир... вақтинча бўлса ҳам мактабга директорлик қилаётган бир одамнинг ўғли колхоза поллизига ўғирликка тушиб қамалади-ю, Эртөөв буни юзига солмайдими? Лекин гап унда ҳам эмас, энг муҳими... Қаёққа қочдийкин, Машраб? Ҳали номуста чидай олмай ўзини бир бало қилиб қўймаса денг?

Гулсум онанинг юраги қаприқиб кетди, сўнг у ўзини койиди:

«Баъзан қаёқдаги гаплар келади-я кишининг хаёлига! Бувисиникига кетгандир-да, қочиб қаёққа борарди?..»

— Э, салом, опагон!

Қўштавақали таниш дарвозанинг олдида эғнида эскироқ гимнастёрка, оёғида катта этик, ўнг қўлининг остига тахта қўйиб, кўкрагига осиб олган Комил Жалолов деган жангчи йигит турарди.

Йигитнинг ўнг кўкрагида Қизил Байроқ ордени, чап кўкрагида иккита медали ялт-ялт этарди.

Комил фронтдан орден тақиб омон қайтган биринчи қалдирғочлардан бўлгани учунми, Гулсум опа уни ҳар кўрганда худди Ашрафжонни кўргандай дили ёришиб кетарди.

— Салом, Комилжон! Омонмисан?

Комил сал сепкил юзида кулгичлари ўйнаб, ўқ чизиб ўтган қоши чимирилиб, салом берди.

— Ўзингиздан сўрасак, опагон! Бардаммисиз?.. Э, кечирасиз,— деди у ва чан қўли билан кўришаркан, гўё ўнг қўли майиб бўлганига ўзи айбдордай, қизариб кетди.

— Қўлинг қалай, яраси битиб қолганми ўзи?— деди Гулсум опа, унинг қизариб кетганидан ичида кулимсираб.

Комил дока орасидан кўриниб турган чўпдай сўлиқ бармоқларини ушлаб қимирлатиб кўрсатди.

— Қўлдан гапирманг, опа. «Разрывная пуля» деган касофати теккан. Докторлар кесиб ташламоқчи эди-ю ўзим унамадим, ҳарна қўлга ўхшаб турсин, деби..

— Шукур қил, жоним,— Гулсум опа койиб гапирди.— Бола бечораларимизнинг жони қайтса ҳам қувонардик.

— Буям тўғрику-я, аммо... қани, ичкарига марҳамат, мажлисни боплайверсак ҳам бўлади,— деди Комил ва кулди.— Бизни табриклар қўйинг, онажон, парторг бўлдик.

— И, шунақами? Табриклайман, жоним.

Раиснинг чорасигина хонаси одамга тўла. Тўрдаги катта бесўнақай столнинг орқасида Эртсев ўтирипти, унинг бир ёнида колхоз раиси Инобатхон, бир ёнида қишлоқ советининг раиси Холмат Чавандоз. Чавандознинг ёнида бошида катта бесўнақай фуражка, тиззасида қалин чарм сумка — кекса коммунист Қурбон ота жой олган. Бурчакда, ниманидир ҳисоблаб Барно ўтирарди. Қолганлар — бригадирлар, завхоз, омбор мудирри, ферма бошлиғи. Уларнинг орасида илмий мудир Азиз домла ҳам кўринарди.

Комил билан Гулсум опа кирган ҳамон, Эртсов катта, олпоқ қўлларини столга тираб ўрнидан турди.

— Қани, бу ёққа ўтинглар,— деди у, Барнонинг ёнидаги биттаю битта бўш стулни кўрсатиб.

Гулсум опа унинг илтифотидан қандайдир тортишиб, шошқалоқлик билан тўрга ўтди, стулга ўтираркан, эгилиб Барно билан секин саломлашди:

— Яхшимисан, жоним.

Барно кўзини дафтардан узиб бир қаради:

— Раҳмат, ўзингиз,— деди-ю, юзини яна дафтарга яширди.

Барно қараганда сал сузук кўзлари ҳурккан кийикнинг кўзларидай жавдиради, айни замонда бу қарашда, айниқса, тўладан келган олпоқ юзида, сал қалинроқ лабларининг ҳимирилишида аллақандай совуқ бир ифода жилва қилди... Нега? Унга нима бўлди?

Бу ўй Гулсум опанинг хаёлида чақмоқдай чақнаса ҳам, у ўзини босиб, Эртсовга юзланди, чунки у бошини сал эгиб, ҳамманинг диққат-эътиборини талаб этган бир қиёфада қовоғини солиб турарди.

Оёғида сақичдай ялтиллаган хром этик, эғнида

кўкрак чўнтакли оқ шоҳи кўйлак ва кўк шерсть шим, белида сариқ ҳалқали қайиш камар, Эртоев худди фронтдан яқинда қайтган ёш командирларга ўхшайди.

— Бундай, ўртоқлар,— деди Эртоев ва ҳурпайган қалин сочларини икки қўллаб орқасига силади, семиз бўлмаса-да, тўладан келган юзи тагин ҳам жиддийлашди.

— Сизларни бу ерга таклиф қилишдан мақсад — асосан, ғаллани йиғиб-териб олиш масаласи... Бу масалада шуни айтиш лозимки, мен вакиллик қилаётган иккала колхозда, айниқса, сизларнинг колхозингизда аҳвол чатоқ!— Эртоев сўзида тўхтаб, ҳаммага бир-бир қараб олди.— Ўзларингиздан қолар гап йўқ. Шу кечаю кундузда душман Курск — Белгород районларида куч тўплаб, ҳужумга ўтишга ҳозирланяпти. Шундай оғир бир вазиятда бундай ишлаб бўладими, ўртоқлар? Ҳали ғалланинг учдан бириям ўрилгани йўқ, заготовка ундан баттар. Бунга... қандай баҳо берсак бўлади, ўртоқ... Ранс опа?

Инобат озгин юзида жуда катта кўринган қўй кўзлари ялтираб:

— Энди, нима қилайлик, одам бўлмаса? — деганди, Эртоев қўлини кескин силтади:

— Бу... бу жавоб эмас, Инобатхон! Бунақа бўлса... даштга олти юз гектар ғалла экишнинг нима ҳожати бор эди?

— Олти юз гектар эксак... ёмон бўптими?

— Мен ҳалиям ёмон бўпти деётганим йўқ!

— Демасангиз... Мен ҳамма эркаклар фронтга кетиб қолишини қаёқдан билай? — Инобат, худди бўғилиб кетаётгандай, гулдор рўмолини ечиб, томоғини силади.— Кўкламда меҳнат батальонига одам олишганда айтдим. Лоақал Эшмат акамлардай заҳматкашларни олиб қолайлик...

У гапини тугатмаган ҳам эдики, Холмат Чавандоз сўзини кесди:

— Қўйинг шу Эшмат ака-Тошмат ака деган гапларни. Бари бир фойдаси йўқ. Планни бажариш керакми? Керак! Шунини айтяптилар ўртоқ Эртоев.

— И бажарамиз ҳам!— Қурбон ота катта фуражканин тўғрилаб, бир қўзғалиб олди, овози қалтираб хитоб қилди: — Гражданлар уруши қаҳрамони ўртоқ

Чапаев айтганларидек, оламда биз большевиклар эбт этмаган қалъа йўқ, и бўлмайди ҳам!

— Яшанг, ота!— Эртоев атрофдагилар кулимсираётганини кўриб ўзи ҳам кулимсиради, кейин, қутилмаганда мулойимлашиб деди:

— Инобатхон хафа бўлсин-бўлмасин очиқ айтаман— аҳвол оғир. Аммо... умид қиламанки, янги парторганизмиз, халқимизнинг ажойиб фарзанди, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамони Комил Жалолов...— Комил бошини эгди. Унинг қулоқлари ловиллаб кетганини кўриб Эртоев жилмайди.— Уяладиган жойингиз йўқ, Комилжон, мен ҳақ гапни айтяпман, сиз чин қаҳрамон, биз фахрланамиз... Хуллас, дўстимиз Комил Жалолов ёрдамида бу камчиликларга тезда барҳам беришимизга аминман... Энди, бизни қувонтирадиган яна бир масала бор.— Эртоев Барнонинг қўлидан қандайдир қоғозни олиб, кўз югуртириб чиқди.

— Масала шундаки, район раҳбарлари колхозда одам танқислигини эътиборга олиб, қишлоғимизга бултур эвакуация бўлиб келган ўн тўрт оила, ҳаммаси бўлиб ўттиз икки кишини юборишга қарор қилди... Албатта, биз буларни оғир ишга соломмаймиз...

Ҳар жой-ҳар жойдан:

— Тўғри! Тўғри!— деган овозлар эшитилди. Эртоев яна эътибор талаб қилиб, қовоғини солди.

— Аммо... масаланинг нозик томони шундаки, меҳмонлар орасида шонли Ленинград шаҳридан эвакуация қилинган, тўғрироғи, салкам икки йиллик қамалдан кейин, яқинда самолётларда олиб чиқилган касалманд аёллар, ёш болалар ҳам бор... Бу ерга юборишдан мақсад, ўзларинг биласизлар, ҳозир курорт, санаторий деган гап йўқ. Бу ер, ҳар қалай, тоғ ҳавоси, мева-чева бор... тўғрими, Гулсум опа?

Гулсум опа шошиб бош ирғади:

— Тўғри.

Эртоевнинг оғзидан «Ленинград» сўзи чиқиши билан Гулсум опанинг вужудини иссиқ бир титроқ жи-мирлатиб юборди-ю, бир неча дақиқа Эртоевнинг гаплари ҳам қулоғига кирмай қолди.

Ашрафжон бултур ярадор бўлиб, Ленинград атрофидаги госпиталда даволаниб чиққандан бери бу сўз Гулсум опа учун бўлакча маъно кашф этган, у улуг шаҳар остонасида бўлаётган жанглар, шаҳар аҳлининг

продаси тўғрисидаги ҳар бир хабарни жон қулоғи билан эшитар, «Ленинград» деганда кўзига ёш келарди.

Мана ҳозир ҳам бир аум ғалати бўлиб кетди ва Эртотев:

— «Мен ишонаманки, ҳеч қанақа норозилик бўлмайди», дегандагина ҳушига келди.

— Қанақа норозиликни айтяпсиз, ўртоқ Эртотев? — Гулсум опа ноўрин қаттиқ гапириб юборганини сезиб, хижолатдан қошлари чимирилди.

— Сиз тушунмадингиз шекилли, — деди Эртотев на жилмайди. — Демокчиманки, азиз дўстларимиз, хусусан ленинградлик биродарларимиз, нақадар қаттиқ ваҳмат чекканини ҳисобга олиб, энг яхши уйларимиз, меҳмонхоналаримизни бўшатиб беришимиз лозим...

Гулсум опа босиқ бўлишга уринса ҳам, лна боягдай ўзини тутолмади:

— Мен ҳам шуни айтяпман. Марҳамат, ўзимда бўлмаса оймда бор уй! — деди-ю, қизариб кетди.

Гўё шуни кутиб тургандай ҳамма бирдан «гур» этди.

— Норози бўладиганлар йўқ!

— Воримизни баҳам кўрамиз!

— Одам кўрмапти дейсизми бизни, Эртотев ака?

Эртотев мамнуя бош ирғади ва ташкилий масалаларга ўтди.

Комил Жалолов раислигида меҳмонларни кутиб оладиган ва уларни уй-жой билан таъминлайдиган комиссия тузилди.

Комиссия иккига бўлинди: Инобат билан Холмат чавандоз дарҳол шаҳарга жўнаб, меҳмонларни олиб келади. Комил билан Гулсум опа бошлиқ иккинчи бир гуруҳ эса колхозчилар билан суҳбатлашиб уйларни шай қилиб туради...

Гулсум опа шу гаплар билан бўлиб Машраб ҳам эсидан чиққан экан, қалин дафтарни кўкрагига босиб, ичкаридан чиққан Барнони кўрганда эсига тушди-да, уни ҳовлига имлади: «Бу ёққа қара!»

Барнонинг кўзларидаги бояги ҳадиксираш ва аллақандай совуқлик тарқамаган, у негадир Гулсум опага қарамас эди.

— Сенга чима бўлди, жоним?

— Вой, ҳеч нима бўлгани йўқ! — Барно қизариб кулди.

Унинг кулгиси Гулсум опага аллақандай совуқ ва асама туюлди. Бир хўрсиниб:

— Машрабдан хабар топмадингми?— деб сўради.

— Кўрувдим боя,— Барно, тўсатдан бурун катакларни пирпираб, кўзлари муз парчасидай йилтиллаб кетди.— Ҳайронман, опа. Боя йўлда қоровул судраб келатган экан, қўйиб юборинг деб, орага тушувдим, раҳмат ўрнига ўдағайлаб берса бўладими!— Барно лаблари титраб четга қаради.— Ҳар нечук, кўп хўжайинлик қилавермасалар ҳам бўларди.

Барно бу гапни шундай кескин гапирдики, Гулсум опа Машраб иккиси аразлашиб қолганларинигина эмас, айни маҳалда Барнонинг ўзида қандайдир бир ўзгариш рўй берганини ҳам сизди. Юрагидаги ташвишини босиб:

— Билмадим энди,— деди.— Болалик қилгандир балки. Мен гаплашаман. Ҳар ҳолда, ҳеч ким сенга хўжайин бўлолмайди, жоним.

Гулсум опа шундай деди-да, идорадан чиққан Инобатни кўриб, унга томон юрди.

Инобат, бошида гулдор рўмол, оёғида катта этик, жуда ҳорғин кўринар, доим кулимсираб турадиган қўй кўчалари маъюс эди.

— Ҳорма, Инобат. Ишларинг яхшими? \_

— Раҳмат,— Инобат чуқур тин олди.— Эшитдингиз-ку ҳамма гапни.

— Хафа бўлма, катта одам...

— Нега хафа бўлай, у ҳам ўзи учун эмас, фронт учун жон куйдирыпти,— деди Инобат.— Ўз ишларингиз қалай? Анча бўлди хабар ололмадим.

Гулсум опа кулди:

— Биздаям аҳвол шу. Одам етишмайди.

— Биламак. Бўлмаса ҳалиги уч лочинингизни аллақачон даштга олиб кетардим.

— Уларни олиб кетсангиз мен нима қиламан? Сувни шулар эплаштиряпти.

— Сувни эплаштиряптими, ё...— Инобат бирдан тишлари ярқираб кулиб юборди.— Машрабжонни айтман, қизиқ қипти-ю, опажон?

— Ҳа, шунақа бўпти — мен ҳам ҳозир эшитдим.

— Булар Эртоевга айтиб, шов-шув кўтаришмоқчи экан, уришиб бердим.

— Қайдам...

— Э, қўйинг, опа!— Инобат мулойим кўзлари шўх ўйнаб яна жилмайди.— Қизлик чоғимизда ўзимиз ҳам қанча марта қилганмиз бунақа ишларни. Нима бўлти шунга?

У кулганича қамчиси билан этигини «чарс-чарс» уриб, дарвозага қараб кетди. Гулсум опа аллақандай енгил тортиб, Комилжоннинг олдига кирди.

\* \* \*

Машраб Моҳира бувининг болохонасида шифтга тикилиб ётибди.

Бувининг ҳовлиси қишлоқнинг ўртасида, бир маҳаллар эски қалъа жойлашган кўҳна телаликнинг шундоқ этагида.

Машраб бу ерга боғ оралаб, сув кечиб, деворлардан ошиб, зўрға етиб келган ва ҳеч кимга билдирмай болохонага чиқиб олган. Мана, пешин бўлиб қолди шекилли, ҳовли томондаги дарчадан тушган шуъла кўк пичанда сомондай сочилиб ётибди...

Болохонанинг шифтида, қуриб-буришиб қолган терилар орасида уч-тўрт тўрва қурт, ипга маржондай терилган қалампир, шафтоли қоқи, бир-икки боғ садарайҳон, тулкидай майин ойим супурги, эгар-жабдуқ ва яна алланарсалар кўринарди. Бу — меҳрибон бувининг «катта хўжалиги». Бошидан не-не очлик ва ялонғочликларни кечиравериб, юрак олдириб қўйган бечора буви ҳар бир туршак, ҳар бир данакни йиғади. Машраб шундай қўл чўзиб қуртданми, шафтоли қоқиданми олиб еса бўлади, лекин бунга ҳам тоқати йўқ. Эрталабдан бери ўзи билан ўзи олишавериб чарчаган, энди, гўё юрагини тилка-тилка қилган оғир ўйлар ўз кучини йўқотгану, уни ғалати бир лоқайдлик эгаллаб олган.

Тўсатдан пастдан, боғ томондан аёлларнинг таниш овозлари эшитилди: ойиси билан бувиси!

Машраб вужудини чулғаб олган лоҳасликни енгиб, дарчадан мўралаб қаради.

Болохонанинг шундоқ остида, кўчанинг у юзидан шарқираб оқаятган бир ариқ сувнинг бўйида бувиси чўнқайиб ўтирар, унинг ёнида Гулсум опа турарди.

Машраб ойсининг чехрасида акс этиб турган саросимага кўзи тушди-ю, беихтиёр юраги «шиғ» этди:



ойисининг чехрасида фақат ташвиш эмас, аллақандай қўрқув ҳаж бор эди.

Моҳира буви оппоқ сочларини ҳўллаб силади, рўмонининг учи билан артиниб ўрнидан тураркан:

— Ҳа, болам, намунача хавотирдасан? Бир нима бўлдимми?— деб сўради.

— Йўқ, ойижон, шунчаки... бугун уйга бормади.

— Уйга бормаса юргандир ўйнаб. Бирам серташвиш, бирам серташвишсанки, болагинам!

У «болагинам»ни эркалаб эмас, аллақандай норозиллик билан койиб гапирди, сўнг, она-бола боғдан чопқиллаб чиққан набираларни Фотима, Зухрани етаклаб, пастдаги уйчага кириб кетишди.

Машраб бирпас олис-олисларга тикилди. Дарчадан яқиндаги боғларгина эмас, анча наридаги сой, сойнинг у юзидаги Муяссарларнинг ҳовлиси, ҳатто қўшёнгоқ ва тўғон бўйида лайлак уя қўйган оқ тераккача кафтдек кўринади. Ана кечаси суғоришган яхлит карталари.

Машраб бу карталарга қараши билан эсига негадир илк кўклам, Азиз домла бошлиқ кекса ўқитувчилар ҳўкиз қўшиб ер ҳайдаганлари, ойиси қозон осиб, атала пиширганлари, улар эса эшак билан мола босганлари тушди, тушди-ю, безгак тутган одамдай жунжикиб, жойига чўзилди.

Аслида учови ҳам шу кунларда даштда, ўроқда бўлишлари керак эди. Қиз-жувонларни кечаси ғўза суғоришдан озод қилиш учунгина уларни олиб қолишган, юз гектар пахта учовига ишониб топширилган эди. Шундай оғир бир пайтда Машраб бу ерда писиб ётибди! Мактаб директорининг ўғли, кечагина бригадада агитаторлик қилиб, Гастелло билан Аҳмаджон Шукуров тўғрисида гапириб бериб, аёлларни йиғлатиб юрган одам... Эҳ!.. Шундан кейин ким деган одам бўлди? Бундан кўра уятни йиғиштириб қўйиб, юрак ютиб чиқиб боргани яхши эмасми? Ўз айбига иқрор бўлиб, жаво олгани тузук эмасми? Тузук бўларди-ю, бироқ... Муяссар-чи?

Уни ўйлаши билан ҳар сафаргидай эсига қизнинг катта очилган кўзлари, уларда акс этган изтироб тушди, қулоқлари остида: «Сен... сен!» деган бўғиқ овози янгради-ю, тиканда ётгандай тўлганди... Ахир Машраб қаёқдан билсин бу ҳандалаклар госпиталга мўлжал-

ланганини, Муяссар? Ахир у бу ишни сени деб, сени бир севинтираман деб, серкиприк, мулойим кўзларинг билан кулиб, бир оғиз «Раҳмат!» дейишингни эшитсам деб, қилганди-ку! Сен буни ҳеч қачон билармикансан? Унинг дардини эшитармикансан, Муяссар?

Пастдан яна бувининг овози эшитилди:

— Наҳот гурбат қувиб келган бева-бечоралардин ватанимни аясам?— дерди буви, уйдан чиқаркан.— Ишқилиб, болажонларим эсон келишса бўлди. Худодан тилагим шу. Витта эмас, юзта уй топилади.

— Раҳмат, ойижон,— деди Гулсум опа.— Шундай дейишингизни билувдиму, Ширинойнинг кўнглига келармикин, деб...

— Нега кўнглига келсин Ширинойнинг? Одам кўрмаган дейсамми уни?

— Майли бўлмаса, ойижон, ҳар нечук, сиз Ширинойнинг уйдан сўзана билан қозиқ лунгиларни олиб қўйинг. Мен болалардан у-бу нарса бериб юбораман.

Машраб хайратда қолди: «Қанақа бева-бечора, қанақа мусофирлар. Тоғасининг уйига бировлар келишмоқчими? Кўчиб келишганда ҳам ойисининг нима даҳли бор бу ишга?»

Сал ўтмай, елкасида кетмон, тоғасининг хотини Шириной даладан қайтиб келди. Бу ўртада ҳаммоллардай «пўшт-пўшт»лашиб ҳовлига Қўчқор билан Акмал хомсемиз кириб келишди.

Қўчқор, белида кўрпача, катта шкафга арқон боғлаб орқалаб олган, Акмалнинг елкасида Машрабнинг столи!

Машраб тепа сочи типпа-тик бўлиб кетди: «Ахир шкафдаги китоблар нима бўлди? Стол тортмасидаги ёзув дафтарлари-чи?»

Машраб қаерда ётгани эсидан чиқиб, болохонадан сакрашга чоғланган ҳам эдики, бири иккита стул, бири кўрпа-ёстиқ кўтариб Муяссар билан Гулчеҳра кириб келди.

Акмал билан Қўчқор бир-бирини туртиб-суртиб стол билан шкафни ичкарига олиб киришди, Муяссар уйни, Шириной билан Дўндиқ ҳовлини супуришга киришди, буви эса боғ билан ҳовли ўртасида ҳаллослаб чопиб юрар, дам сув ташир, дам ўчоқ бошида куймаланарди.

Бирдан боғ томонда шов-шув кўтарилди: тор кўчанинг бошида, олдинда Комил билан Азиз домла, уч-тўртта арава кўринди.

Беш-олтита ёшроқ аёллар жойлашган биринчи арава бувининг дарвозасида тўхтамасдан ўтиб кетди.

Аравани Мирза деган таниш бола ҳайдаб келар, унинг икки ёнида ўтирган икки ёш жувон малла сочларини силкитиб кулишар. Бу Мирзага хуш ёқса керак, оғзи қулоғида, атрофга гердайиб қаради. Уч-тўртта кампир ва ёш болалар минган иккинчи арава ҳам бувининг дарвозасида тўхтамади.

Булар биринчи аравадагиларнинг тамом тескариси эди.

Аёлларнинг юзлари касалманд ва тунд. Улар пичан тўшалган шотили аравада қоплар ва чамадонларга ёнбослаб ётишар, озгин, малла ранг юзларида бепарқ бир ифода бор, ўзлариям атрофга доқайд тикилишарди. Фақат болаларнинг сомон юзларида таажжуб жилва қилади, кўзлари милтирайди.

— Вой, вой, ана уни қара Володя, олмаларни кўрдингми? Тизилиб турипти-я!

— Олма эмас, шафтоли у, тентак!

— Эй, бу ёққа бир қара — лайлакнинг уяси!

— Ие, лайлак бу ёқда ҳам бўларкан-да, а?..

Машраб арава муюлишдан бурилиб кетгунча кузатиб қолди.

У «меҳмон»ларга кўзи тушган заҳотиёқ, улар қаёқдандир узоқдан, афтидан, фронтга яқин жойлардан эвакуация қилинган оилалар эканини, демак, кичик тоғасининг уйига ҳам шундай оилалардан бири кўчиб келишини, ўзининг ёзув столи билан шкафи ҳам шуларга мўлжалланганини тушунди.

У уруш бошлангандан бери Ўзбекистонга бунақа оилалар жуда кўп кўчиб келганини эшитган, уларга ёрдам берган одамлар, хусусан, ёшлар тўғрисида газетада босилган хабарларни ҳасад билан ўқирди.

Мана энди шундай одамлар ўз қишлоғига ҳам келишди, аммо бахти чопмаганини қарангки, унинг бошига иш тушган бир мавридда келишди.

Ана, тор кўча одамга тўлиб кетди. Боғ эшиклар олдида кампирлар, болалар, чоллар... Чолларнинг қўллари кўкракларида, хотин-халажнинг кўзларида ёш.

— Юзларига қаранглар — мисоли сомон!

— Сомон бўлмасдан нима қилсин — мусофирлик осон дейсанми, жонгинам!

— Бечора болаларимиз ҳам юришгандир мусофирликда мана шунақа сарғайишиб!

Ана, яна бир арава кўринди. Араванинг кетида Гулсум опа келарди. Бу аравада ҳам қоп ва чамадонлар орасида аёллар ва ёш болалар ўтиришпти. Ўртада жигар ранг одеялга ўралиб олган бир аёл чўзилиб ётипти.

Аёлнинг кўзлари юмуқ, ўйиб олингандай ичига ботган сўлгин юзи заъфарон. Аёлнинг ёнида унинг озгин қўлини ушлаб, ўн беш-ўн олти ёшлардаги бир қиз ўтирибди, қизнинг ҳар бири пиёладай қорамтир кўзлари кўчадаги одамларга жавдираб қарайди, гўё шафқат тилайди.

Арава бувининг дарвозасига келиб тўхтади, шу заҳоти изма-из келаётган Гулсум опа чалқанча ётган аёлга энгашди:

— Серафима Федоровна, келдик уйга.

Аёл бошини секин қимирлатди, кўзини бир очиб, яна юмди.

— Ҳозир, ҳозир,— аёл учун жавоб берди ёнидаги қиз.— Ойим... Ёрдамлашмасак туropolмайдилар.

Қиз чопиб келган Қўчқор билан Акмалга тугунларини олиб берди, сўнг, онасининг бошини суяб кўтарди.

Аёл қаддини ростлаб ўтиргач, узоқ йўталди. Ҳар йўталганда озгин кўкраги темирчининг дамидай бир кўтарилиб тушар, юмуқ кўзларидан ёш оқарди.

Ниҳоят, буви тутган бир пиёла совуқ чойни ичгач, йўтали бир оз босилди, кейин ён-веридан чўзилган қўлларга суяниб ерга тушди. Шу заҳотиёқ аравадаги аёллар:

— Хайр, Серафима Федоровна!

— Омон бўл!

— Илоҳим шифо берсин!— дейишиб, қўлларини қимирлатишди ва гўё узоқларга кетаётгандай, гўё бундан кейин юз кўришмайдигандай кўзларига ёш олишди.

Серафима Федоровна Гулсум опа билан қизининг қўлига суяниб ва бир-бир босиб ҳовлига томон йўл олди. Арава ҳам қўзғалди. Уйдагиларнинг кўзлари ҳамон Серафима Федоровнада.

Машраб бу кўзлардаги ҳадиксираш, ачиниш, ҳатто қўрқувга ўхшаш ифоданинг сабабига кейин тушунди.

Узоқ-узоқларда туғилиб ўсган бу одамлар учун боғларга кўмилган пастқам уйлар, тор кўча ва пахса деворлар, атрофларини қуршаган қорамғиз юзли оломон сирли ва ғалати туюлиши табиий эди!..

Машраб чопиб ҳовли томондаги дарчага ўтди.

Йиғилганлар касалманд аёлни қуршаб олганларича уйга кириб кетишди.

Ҳовлида фақат Акмал билан Қўчқор қолди.

Қўчқор деразадан мўралаб қаради-да, айвоннинг устунига суяниб ўтирган Акмалнинг ёнига келди.

— Хў-ўш, бу иш ҳам битди, энди бу ёғи қандай бўлди, хом семиз?

— Нимани айтяпсан?

— Нимани дейди-я! Девонани айтаман!

Акмал елкасини қисди.

— Ҳайронман. Изламаган жойимиз қолмади-ю!

Қўчқор қўлини бир силтаб уйдан чиққан Муяссар билан Гулчеҳрани четга имлади, бироқ кетма-кет эшикда Гулсум опа билан ҳалиги малла сочли қиз кўринди.

Қиз ҳам онасидай озғин эди. Лекин, елкасига тушган силлиқ сочлари, пешанасини, бўйинини қучиб, тўзғиб ётгани учунми, озғинлиги унча билинмасди.

— Менга қаранглар, қизлар,— деди Гулсум опа,— бемор дам олсин, сенлар Ларисага боғни кўрсатинглар.

Муяссар бир Ларисага, бир Гулсум опага қараб таклиф қилди:

— Бўлмаса бизнинг боққа бора қолайлик.

— Майли,— деди Гулсум опа.

Шу пайт, қўлида сопол коса, Моҳира буви пайдо бўлди:

— Ҳой, болам Қўчқоржон, болохонага чиқиб, бир коса қурт олиб туш. Бетобга жиндай сарёғ солиб қуртава қилиб берай, буving ўргилсин.

— Хўп бўлади, бувижон!

Кўп ўтмай болохонадан Қўчқорнинг.

— Топдим, топдим ўғрини!— деб оламни бошига кўтарган овози эшитилди. Кейин, бояги сопол коса дарчадан отилиб чиқди-ю, ерга тушиб чил-чил синди, бир ҳовуч оқ қурт ёнғоқ бўлиб сочилиб кетди. Ниҳоят, дарчада кимнидир оёғидан маҳкам ушлаб олган Қўчқор кўринди.

— Тутдим ўғрини, тутдим!

Кетма-кет Машрабнинг ўзи ҳам кўринди. У қўлларини дарчанинг икки томонига тираб ўтириб олди.

Унинг афти ангорини таниб бўлмас, ҳамма ёғи те-гирмончидай чанг-тўзон, саватдай тўзгиган сочларига пичан ва беда япроқлари ёпишиб қолган, умуман шун-чалик ғалати бир аҳволда эдики, ҳамма бирдан «гур» этиб кулиб юборди. Кулганда ҳам ҳеч ким Машрабдан кўзини узмай, негадир бир-бирига кўрсатишиб кули-шар, Дўндиқ эса қулаб кетишдан қўрқиб Муяссарни маҳкам қучоқлаб олганди.

Машраб Қўчқорнинг юзига бир шапати уриб, қо-чиш хаёлига ҳам борди-ю, Муяссарга кўзи тушиб беих-тиёр жилмайди. Муяссарнинг кулишида, қошларининг майин чимирилишида, бошини сал буриб қиё боқиб ту-ришида юракни жизиллатадиган бир нафосат ва илиқ-лик бор, гўё у Машрабнинг дилига озор берганини сез-гану, энди буни юмшатмоқчи бўларди.

Машрабнинг кўнглидаги бутун ғурбат бирдан бу-лутдай тўзғиди, у ерга сакраб тушди.

Шу заҳотиёқ йўқотган жўжаси топилган товуқдай чопқиллаб буви келди, бағрига босиб у юзидан, бу юзи-дан чўлп-чўлп ўпти:

— Вой болагинам-ей, юракларимни ёриб юбординг-ку, бўйгинангдан бувигинанг гиргиттон!

Машраб кампирнинг қучоғидан базўр чиқиб, айвон-нинг устунига суяниб турган ойисига қаради.

— Кечирасиз, ойижон, мен... шундоқ бўлди...

Гулсум опа унинг юзига қарамасдан:

— Бор,— деди,— боққа чиқинглар. Кейин... у ёқда сувга ҳам кеч қолманглар.

— Сувдан хотиржам бўлинг, опажон! Ҳаммаси жо-йида бўлади!— Қўчқор Машраб «топилганидан» хур-санд, кулиб жавоб берди ва чопиб Ларисанинг олдига ўтди:

— Қани, қани, боққа марҳамат қилинг, Ларисахон! Свой огород, персик мног. Асло тап тортманг. Хорошай девушка, персик не жалка!

Ҳамма кулиб юборди. Машраб ер остидан секин Муяссарга қаради. Қиз дарҳол кўзини олиб қочди, қо-воғи осилиб, лабларидаги табассум шабада теккан шамдай сўнди-қолди.

Йўқ, гап госпиталда ҳам эмас, ҳамма гап шундаки, госпиталга бу ҳандалакларни Муяссар олиб бориши керак эди.

Кеча пешинда, Муяссар, тушки овқатга чиққан аёлларнинг олдига бориб, газета ўқиб бераман, деб турганида, уни тўсатдан идорага чақириб қолишди. Кирса уни Комил кутиб ўтирипти.

У Муяссарни кулиб қарши олди:

— Келинг, Муяссархон! Узим ҳам ўйловдим-а, шунақа яхши қиз бўлсангиз керак деб!— деди Комил ва соғ қўлини бериб кўришаркан, қўшимча қилди:

— Эшитдим, эшитдим, жа яхши иш бўпти, Муяссархон!

Муяссар унга қарашга журъат этолмай:

— Вой, нима қипман шунча!— деганда, тўрда нималарнидир ёзиб ўтирган Барно кўзларини сузиб кулди:

— Камтарлигингиздан ўргилай, Муяссархон! Бозорга деган икки яшик олчани ярадорларга бепул улашадилару, тагин нима қипман дейдилар! Ойингиздан калтак емадингизми ишқилиб?

Комил, қиз хижолат чекканини сезди шекилли, гапни бурди:

— Бундоқ бир иш қилсак, Муяссархон, колхозда ҳандалак пишиб қолган эмиш. Шунақами?

— Ҳа, етилиб қолди, ака...— Пойгаҳда ўтирган Кўр Шермат ўрнидан туриб жавоб берди. Муяссар уни эндигина пайқади.— Бир қоп-ярим қоп топилиб қолади...

— Жуда соза!— деди Комил.— Бу киши шу бир қоп-ярим қоп ҳандалагини берса, боғдан бир-икки қути олма-полма олсангиз. Кейин... Дугоналарингиздан уч-тўрттасини топиб, ҳаммаларинг атлас кўйлаklarингни кийиб... Атлас кўйлаklarинг борми?— кулди Комил ва яна дарров жиддийлашди.— Хуллас, госпиталдаги ярадорларни бир хурсанд қилсак! Колхозда комсорг йўқ экан. Бироқ... Колхоз нима-ю, мактаб нима? Сиз мактаб комсорги сифатида шу ишни ўз зиммангизга олсангиз, нима дейсиз?

Муяссар нима ҳам дерди? Жон-жон дейди, холос!

Шу-шу, у кечаси билан госпиталь тўғрисида ўйлаб чиқди. Бир арава қандалагу мена-чевалар билан шаҳар касалхонасига жойлашган госпиталга кириб боришларини, уч-тўрт кун олдин танишган ярадор йигитлару, ҳамшира қизлар билан қайта кўришишларини ўйлаб тонг оттирди.

Унинг ярадорлар билан танишуви ҳам жуда қизиқ бўлганди. Бу йил дадаси эрта кўкламда даштда юргани учун олчаларини териб сотадиган одам бўлмади. Ахийри, ойнси Гулсум опага айтиб, бир кунга рухсат олиб берди-ю, Муяссар икки яшик олча териб, тонг палла йўлга тушди. У билмасдан қишлоқдан кеч чиққан экан, шаҳарга офтоб найза бўйи кўтарилганда кириб борди. Бунинг устига йўлни билмас экан, бир вақт шаҳар касалхонасининг ёнидан чиқди. Қараса, касалхонанинг ҳовлисида турна қатор бўлиб ярадорлар ўтиришпти!

Бировларнинг қўлида қўлтиқтаёқ, бировлар таёқсиз бир оёқлаб сакраб юрипти. Бировларнинг бошлари боғланган, бировлар қўлларини бўйинларига осиб олган...

Муяссар шаҳарга госпиталь кўчиб келганини эшитган, қанча одамлар ўз жигарбандларини ахтариб келиб-кетганини ҳам биларди. Шундай бўлса ҳам, юраги алланечук ўйнаб кетди. Шу пайт, кўзи темир панжарага суяниб ярадор йигит билан гаплашиб турган ёшгина қизчага тушди. Қизча Муяссарга худди бултур ёзда ТошМИнинг тўртинчи курсидан фронтга кетган опаси Зебони эслатди-ю, азбаройи унинг овозини эшитгиси келди:

— Бозор шу ёқдами, опажон?— деб сўради.

— Йўқ, орқангга қайтасан. Сал юриб, чапга бурилсан,— деди қизча ва кулимсираб сўради:

— Яшигинг-да ўрик эмасми, мабодо, синглим?

— Йўқ, олча, опажон,— деди Муяссар,— яхши олча.

— Яхши бўлса бир-икки стакан сотинг — бозор нархини берамиа.

— Вой, нега ундай дейсиз?— Муяссар эшагини тўхтатиб ерга сакраб тушди.— Сотиб олибманми сизга сотаман?..

У яшикнинг қопқоғини кўтариб, бир ҳовуч олча олди ва темир панжара орасидан қизга чўзди.



— Мана, еб кўринг, опажон!

Қиз битта олчани оғзига солиб тилини такилллатиб кулди-да:

— Алёша, стакан?— деб бақирди.

Бу ўртада, қўлларида мис товоқ ва котелок, дарвозадан бир-икки йигит чиқиб келди.

Муяссар шошганидан стакан ҳам эсидан чиқиб ҳовучлаб олча тарқатаркан, вужудини чулғаб олган иссиқ бир меҳрдан энтикиб дерди:

— Йўқ, йўқ, пул керак эмас, ўзимизнинг олча, ахир!..

Киши фақат яхшилик қилгандагина ҳис этадиган ажиб бир туйғу уни ўз қанотларида осмонга олиб чиқиб кетган, шу топда у заҳил юзли бу солдатларнинг кулимсираб айтган битта раҳмати учун икки яшик эмас, ўн яшик олчаси бўлса ҳам аямас эди.

Муяссар қишлоққа ҳам шу ҳислар қанотида кириб келди, фақат қўлида челақ, сойга сувга чиққан ойисини кўрганидагина... ҳушига келди.

Ойиси унинг палапартиш гапларини эшитиб, секин «уф» тортди.

— Майли, бўлари бўпти, бўёғи синибди, беш-ўн сўм пул қилиб келсанг... укаларингга уст-бош бўлармикин дедим...

Муяссар Комилнинг топширигидан кейин кечаси билан ухлай олмади. Хаёлида минг хил режалар тузиб, тонг оттирди-ю, эрталаб Гулчеҳрани олиб, дугоналари билан гаплашгани кетаётганида... бу кўнгилсиз воқеанинг устидан чиқди!

Ахир... Машраб қандай қилиб бунчаликка бордийкин? Бундан чиқди, унинг ҳамма гаплари, шу йил баҳорда комсомолга ўтаётган пайтда ичган қасамлари, севимли китобларнинг қаҳрамонларидай бўлишга уришишлари, ҳаммаси-ҳаммаси бекор экан-да?

Муяссар шу ўйлар билан бўлиб, сойга чиққанларини ҳам пайқамай қолди, фақат тахта кўприқдан ўтаётганларидагина ҳушига келиб:

— Вой, кечирасизлар, хаёлим қочипти,— деди ва олдинга ўтиб, чап қўлдаги дарвозага бошлади.

Муяссарларнинг боғи катта бўлмаса-да, дарахтлари ёш, қалин, ўзиям бир томони қир ён бағридаги пахтазорга бориб туташади. Фақат мева сийраклашиб қолган. Рост, кузги олма ва олхўрилар ҳали шундоқ ту-

рибди, бироқ шафтоли билан ўрик, битта-яримта чум-чўқ чўқиганлари бўлмаса, деярли қолмаган.

Шундай бўлса ҳам Лариса боғни кўриб, оғзи очилиб қолди.

Ҳар бир дарахт тагида узоқ-узоқ тўхтар, япроқлар орасида товланган битта-яримта шафтолиларни узишдан қўрққандай эҳтиёт билан силар, олхўри ва олмалар чинакам эканига ишонмагандан ушлаб-ушлаб кўрарди.

Атрофида гирдикапалак бўлган йигит-қизлар эса у тортинган сайин кўнглини олишга уринишарди. Айниқса, Қўчқор унга ёқишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилади. Гоҳ шафтолиларнинг энг баланд шохларига чиқиб, япроқлар орасида яшириниб қолган битта-яримта меваларни топиб этагига ташлайди, гоҳ қуш чўқиб асал бўлиб кетган ўриклардан териб тутади.

Лекин қизик, улар кўнглини олишга уринган сайин Лариса ҳам ўзини ғалати тута бошлади. Олдин тортиниб турган қиз салдан кейин кўзига нима кўринмасин— ҳаммасини қўлидаги челакага тера бошлади. Фақат Қўчқор тутган меваларнигина эмас, ерда, бедалар орасида ётган олма пўчоқлари, шафтоли ва олча данакларигача териб олар, кўзлари олазарак бўлиб атрофига қарарди.

Аввал ҳамма ҳайрон бўлиб қолди, кейин имо-ишора билан шафтоли ва олча данакларини еб бўлмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўришди, ахийри Қўчқор аччиғи чиқиб челагини қўлидан олди-да, шафтоли ва олча данакларини ҳар тарафга сочиб юборди.

— Буни еса жинни бўлади одам,— деди у, бармоғи билан пешонасини «дук-дук» уриб.— Горько! Тушунасанми, горько!

Лариса олдин қўрқиб кетиб, орқага тисарилди, сўнг лаблари титраб, кўзи жиққа ёшга тўлди-ю, ўзини бедага отиб йиғлаб юборди.

Ҳамма эсанкираб қолди. Айниқса, Қўчқор ўзини йўқотиб қўйди. Худди оғир жиноят устида қўлга тушгандай, кўзлари жавдираб, Машрабга қаради.

— Ахир мен... яхшиларидан териб берсам дедим...

Муяссар ўзи ҳам сезмасдан «сен»лаб юборди:

— Булар қайси шаҳардан келгани эсингдан чиқдими? Фаҳм-фаросат борми ўзингда?

У Ларисанинг елкасидан қучоқлади.

— Лариса, менга қара, Лариса...— деди, сўнг, қиз ўзидан уялгандай тескари бурилганини кўриб, йигитларга юзланди.

— Бораверинглар, ўзимиз юпатиб оламиз.

Қўчқор индамай пахтазорга томон йўналди, лекин беш-олти қадам юрмасдан тўхтади.

— Муяссархон, пахтазорга чиқинглар. Бирпас гаплашиб ўтирамиз...

Акмал хомсемиз ҳам бир-икки марта томоқ қоқиб олгач:

— Шундай қилинглар, биз кутамиз,— деди.

— Ҳа, сақлаб қўйган ҳандалакларинг борми?— Гулчеҳра «пиқ» этиб кулиб юборди.

Муяссар ер остидан Машрабга қаради: у кўзлари аянчли жавдираб, тескари бурилди. Муяссар унинг нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганини, бироқ гапиришга журъат этмаганини пайқади-ю, ойисининг угра ошини ичиб бўлиши билан, ўзи қизларни пахтазорга бошлади.

Қизлар ариқ ёқалаб, пахтазорга боришганда, йигитлар шимларининг почалари тиззаларигача шимарилган жўякларга чим босиб сув тақсимламоқда, четроқда дастурхонга ўроғлиқ овқатлари турарди.

Кун ботган, тоғлар устидаги нафис бўёқлар сўнган, лекин ҳали ёруғ, пастдаги сой, сойнинг у юзидаги тор кўчалар, машъум полиз, тепадаги гишт мачит, узоқда, боғлар орасида оқариб турган мактаб—ҳаммаси, ҳатто тўғон бўйидаги терак учида, уясида қўниб ўтирган лайлаккача аниқ кўринар, гўё офтоб сўниши билан қишлоқни тўсиб турган аллақандай парда кўтарилгану, ҳамма нарса бўлакча бир тиниқлик кашф этган...

Пахтазорда одам қолмаган, фақат олисда, қир этагида бир-иккита аёлнинг рўмоллари оқариб кўринадди.

Сал ўтмай осмонда илк юлдузлар милтиради. Сўнг кимдир уларни ҳовучлаб сочаётгандай бирпасда осмон гуж-гуж юлдузларга тўлди. Қаердадир олисда, қишлоқнинг у бошида ит ҳуриди, сойда адашиб қолган қўй маъради, у ер-бу ерда чироқлар йилтиради.

— Ит ҳуриши, қўй маъраши...— деди Лариса. Унинг овози чуқур таяжжубга тўла эди.— Ишонасанларми, ҳаммаси эсимдан чиқиб кетипти. Сув шилдираши, мушу.. мнёвлаши, сигир бўкириши—ҳаммаси-ҳам-

маси ғалати эшитилади қулоғимга,— у секин бурилиб Қўчқорга қаради.— Боя мен сизни хафа қилдим. Бироқ... Гапимга ишонинг: ўзим ҳам билмайман нима бўлганини. Мана, бир ой бўлдики, овқатимиз анча яхшиланиб қолди. Яхшиланиб қолди-ю... бари бир ейдиган нарса кўрсам кўзим тўймайди!..

Қўчқор хижолат чекиб, қўлини силтади:

— Э, нималар деяпсиз, Ларисахон, Ленинград дегандаёқ тушунганмиз ҳаммасига!

Лариса бўйнигача сип-силлиқ тушиб, елкасида шаршарадай кўпириб ётган сарғиш сочларини тўғри-лаб ўйланиб қолди. Кейин кўзларини олисларга тикди, унинг кўзалари кипригининг қалинлигидан қоп-қора кўринар, аслида кўм-кўк эди. У ўзига гапираётгандай секин гапира бошлади.

— Йўқ, улар бошдан кечирган икки йилни, икки йил қамалда қолган Ленинградни бошқалар кўз олдига келтира олмайди. Салкам етти юз кун милт этиб чироқ ёнмаган катта шаҳар... Қорга кўмилган, ҳувиллаб қолган кўчалар. Чаналарга ортилган тарашадай мурдалар... На кулги, на шўхлик! Уқтин-ўқтин фақат тўп гумбурлайди, снарядлар портлайди-ю, хароба уйлар орасида аллақандай соялар, тўғриси, қалин кийимларга ўранган тирик мурдалар юради. Лекин бу соялар негадир таслим бўлмайди, кечалари музхонага айланган уйларда яхлаб қолишса ҳам, қандайдир бир куч уларни оёққа турғизади-ю, ҳар куни эрталаб қор босган кўчаларда, завод дарвозаларида, мактабларда пайдо бўлишади...

Ларисанинг дадаси Владислав Мефодьевич Гордий машҳур хурург эди. Эҳтимол, эшитишгандир — у кишини газеталар ҳам тилга олган эди. Бултур қишда уни, госпиталда операция қилаётган жойида, самолётга ўтқазиб, Белоруссия ўрмонларидаги қайси бир партизан отрядига олиб кетишди... Шу-шу қайтиб келмади. Уликми, тирикми, ҳеч ким билмайди.

Ойиси Герцен институтида чет тилидан дарс берарди. Уларни бултур Ладога кўлида машҳур муз йўли очилгандаёқ эвакуация қилишмоқчи эди, бувиси қаттиқ касалга чалинди-ю ойиси уни ташлаб кетишни хоҳламади. Бироқ ташлаб кетмаганидан нима фойда, бувиси бари бир бу қийинчиликларга бардош беролмади... Очлик, совуқ ҳаммани шунчалик ҳолдан тойдир-

ган эдики, уни қабристонга элтиб кўмадиган одам ҳам топилмади. Ойиси билан Лариса ҳовлиларидан чуқур қазиб, ўзалари кўмишди. Балки ойиси ҳам ўшанда тамом бўлгандир!

Лариса юзини кафтлари билан босгангча индамай қолди. Муяссар уни қучоқлаб, сочларини тузатиб нималардир деб пичирлади.

Узоқ жимлик чўкди. Машраб кўнгли бузилиб кетганидан чурқ этмас, Қўчқор билан Акмал ҳам қовоқлари осилган, пишиллаб нафас олишар, ҳатто енгилтак Гулчеҳра ҳам индамай қолганди.

Лариса ғамгин хаёллардан қутулмоқчи бўлгандай бошини силкитиб:

— Майли,— деди,— ойим сал ўзига келсин, яна кетамиз шаҳримизга. Албатта кетамиз!

Лариса ҳали гапириб бўлмаган ҳам эдики, ёнбошлаб ётган Машраб юрагини тўлдирган туйғулардан ўпкаси тўлиб:

— Дўстлар!— деди,— мен... менинг битта таклифим бор: келинлар ўша улуғ шаҳар учун, Ленинград учун курашларда ҳалок бўлган буюк одамларнинг ёруғ хотираси олдида... қасамёд қилайлик... Халқимиз бошига оғир кунлар солган душманни тор-мор келтириш учун қўлимиздан келган ёрдамимизни, керак бўлса жонимизни ҳам аямайлик. Шу олтовимиз... эндиликда қўлни қўлга бериб, бир тан, бир жон бўлиб курашайлик!

Эҳтимол, бошқа пайт, бошқа вазият бўлганда Машрабнинг бу гапи одатдагидай ҳамманинг лабида табасум уйғотарди, лекин ҳозир, бошқалар у ёқда турсин, Қўчқорнинг ўзи (баландпарвоз гапларни жинидан ҳам ёмон кўрадиган Қўчқорнинг ўзи!) биринчи бўлиб Машрабга қўлини чўзди:

— Қасамёд қиламан!

— Қасамёд қиламан!

Дағал ва нозик қўллар чирмашди.

Қалбларини сўз билан ифода қилиш қийин бўлган, шунинг учун ҳам сукутга даъват этган аллақандай юк-оак ва мусаффо бир туйғу эгаллаб олди. Мардликка, сабот ва софликка ундовчи бу туйғу уларнинг ўзалари учун ҳам шундай янги ва аллақандай ёқимли эдики, ҳеч ким бу сукутни бузгиси келмас, шу ҳолда бир-бирларининг юрак уришларига қулоқ солиб, тонг отгунча туришга тайёр эдилар.

Муяссар Машрабнинг қўллари титраб кетаётганини ҳис этар, бу титроқ унинг вужудини ҳам жимирлатар эди.

Машрабга ўхшаб, ўзиям осмони фалакда юрадиган қиз, шу бир гапи учун ҳозир унинг ҳамма гуноҳини кечиришга тайёр эди. Чунки Машраб шу топда унинг дилида қайнаб турган туйғуларини ҳис этди, унинг тили учида турган гапларни топиб айтди!..

Машраб ўзиям гўё кечирим сўрар, Гулсум опаникига ўхшаган сал маънос қўй кўзлари — Муяссар буни аниқ кўриб турарди — гўё эндиликда ҳеч қачон бунақа аҳмоқлик қилмасликка, ҳамиша пок ва ҳаққоний бўлишга ваъда берар, ҳатто қасам ичарди.

Муяссар, унинг дилидаги изтиробларига эндигина тушунгандай юраги бирдан алланечук бўлиб, «қилт» этиб ютинди.

«Йўқ, ҳозир айтиб бўлмайди... Виламан, ўзинг ҳам уялиб юрибсан, ҳаммасини биламан, Машраб!»

### Учинчи боб

Эркин Эртөөв кечқурун бўладиган ўтиришни ҳар ўйлаганда юраги бир ўйнаб, Чавандозникига барвақтроқ борди.

Чавандоз катта боғнинг энг хилват жойига, ариқ бўйига ёғоч каравот қўйдириб, атлас кўрпача тўшаб, пар ёстиқлар қўйганини кўрди-ю, яна ҳам яйраб кетди,

Аввалги ўтириш меҳмонхонада бўлиб, Барнохон билан ёзилиб суҳбатлашолмаган ҳам эди. Бу сафар... гилослар билан ўралган бу хилват, атлас кўрпачаю пар ёстиқлар...

Эртөөв кулимсираб ариқ бўйига чўнқайди, шариллаб оқаётган ғалати яшил сувга бўлиқ билакларини, келишган бўйинини, юзларини юваркан, сувдаги кўзачага кўзи тушиб Чавандозга юзланди:

— Балиқнинг подшоси илинибдими дейман, Холмат ака?

— Балиқ ҳам гапми, Эртөөв ака, бу кўзачада шунақа бир тилсим борки, оғзини очсангиз кўнгилдаги ҳамма ғурбатни юзиб, ўзингизни арши аълога олиб чиқиб кеталми!

Улар кулиша-кулиша, каравотга чиқиб ёнбошлаган ҳам эди, рўпарадаги гилос шохлари силкиниб, олдин дастурхон, қўлида бир патнис шафтоли, новчадан келган, худди Чавандоздай қора кўз, қора қош бир йигит кўринди, йигитнинг кетидан қўлида бир сават патир, юмалоқ лўппи юзлари иссиқ нондай қизарган, бўйи пастроқ бўлса ҳам, хушбичим, дўндиққина бир қиз чиқиб келди.

Йигит гилослар орасидан чиқиб бирдан тўхтаган эди, қиз қўлидаги баркаш билан унга урилди-да, майда садаф тишлари ярқираб кулиб юборди.

Чавандоз пешанаси бир тиричиб яна ёзилди:

— Намунча қозиқ бўлиб қотиб қолдинг, Ёдгорбек? Эртоев аканг билан кўришмайсанми, ўғлим?

— Э, кечирасиз... Ассалому алайкум!..— Йигит қандайдир ўнғайсиз лапанглаб келиб патнисни дадасига чўзди-да, эгилиб кўришди.

Қиз баркашни каравотга қўйиб ўзини ғилосзорга урган эди, йигит ҳам орқасидан бесўнақай лапанглади, лаҳзадан кейин у ердан қизнинг хандон ташлаб кулган овози эшитилди.

— Бу қиз ким ўзи?

— Ҳа, шу... қўшнимизнинг қизи. Ўзи сал ҳалигидақа... бир қайнови камроқми, билмадим?

— Қайнови камми, ё қитиғи қўзғаб юрибдими?

— Қитиғи қўзғаса, ёнида биттаси юрипти-ку.

Эртоев истехзоли кулимсираб пичинг қилди:

— Ҳа, кишнаб турибди айғирингиз!

Чавандоз қалтис гапирганини тушуниб ўзидан ғижинди: у бугун Эртоевни меҳмон қилишидан мақсад— Ёдгорбек тўғрисида гаплашмоқчи эди. Ёдгорбек биринчи хотинидан кўрган, ўз пушти камаридан бўлган биттаю битта фарзанди. Қўчқорга қолса «бўрини қанча боқма този бўлмайди» деганларидек, ўғайни қанча бағрингга тортмагин, бари бир ўғайлигига борар экан, Чавандоз Фотимага уйланганида, Қўчқор олти-етти яшар бола эди, ўшандан бери ардоқлайди, Ёдгорбекдан ортиқ кўрса кўрадики, кам кўрмайди, лекин Қўчқур ҳамон ундан ётсирайди, ҳалиям бўлса кўнгли ўз отаси Қиличда. Чавандоз буни сезгандан бери Ёдгорбекка тағин ҳам меҳри ошди.

Ёдгорбек тенги йигитлар бултур куздаёқ армияга чақирилган. Чавандоз уни бир ёш «кичрайтириб»

вўрга олиб қолди, баҳорда эса, бронь беради деган умидда, тракторчилар курсига юборди. Кейин тракторчилар тугул, ундан «йўғонлар» ҳам омон қолмаслигини пайқади-ю, МТС дан чақиртириб олди. Энди битта йўли — темир йўлга жойлаштириб қўйиш қолди, холос.

Бу жуда нозик гап, албатта, чунки бир томони военкомга бориб тақалади, лекин Эртоев «йўқ» деёлмаслигига Чавандоз ишонади, чунки «ўтказиб қўйган» жойи бор.

Бу йил қишда «меҳнат батальонига йигирма одам берасан», деб буйруқ келганда Эртоевнинг қил ўтмас қадрдони Эшвой Мўмин ҳам кетадиган бўлди. Лекин жўнашдан бир кун олдин Эртоев орага тушиб, унинг қолишига сабаб бўлди.

Эшвойнинг бахтига, қишлоқда қўй оғзидан чўп олмайдиган Эшмат Мўмин деган бир одам бор эди. Чавандоз Эртоевнинг илтимосига йўқ деёлмади-ю, Эшматни бир-икки ёш яшартириб, Эшвойнинг ўрнига жўнатди юборди. Шу-шу, Эшмат Мўмин Эшвой Мўмин бўлиб Уралга кетди, чин Эшвой эса ханузгача колхозда экспедиторлик қилиб, гаштини суриб юрибди.

Рост, ўшандан кейин Чавандоз Эшмат Мўминнинг ўғли Акмали ва ундан кичик бешта боласини кўрганда виждони сал азобланиб қўяди, лекин... наҳот Эртоев унинг бу яхшилигини унутса?

Чавандоз баркашдаги патир билан сомсаларни Эртоевнинг олдига сураркан:

— Бу ёғи қандоқ бўлди?— деди кулимсираб.— Кўзачанинг оғзини очамизми, Эртоев ака?

— Сўраб бергунча уриб бер, деган гап бор...

— Яшанг, Эртоев ака, битта олдингиз!

Шаробнинг ютуми майин бўлса ҳам, ўзи ошқозонларни чўғ теккандай жизиллатиб юборди.

Иккинчи қадаҳдан кейин Эртоевнинг чеҳраси очилиб, пешанасидан маржон-маржон тер оқа бошлаганини кўрган Чавандоз, секин кўнглидаги галнинг учини чиқарди, лекин Эртоев, гарчи олдин кулимсираб эшитса ҳам, кейин негадир пешанасини ишқалаб, ўйланиб қолди.

— Сиздан яширадиган гап йўқ, Чавандоз,— деди у ниҳоят.— Янги военком келган, Абубакир деган одам, биласиз.



— Билганимиз учун ўзларига мурожаат қиляпмиз-да, Эртөөв ака!

— Тушуниб турибману, лекин тўғриси айтсам, қалтис одам. Бунақа чўрткесарини кўрмаганман. Ўзи фронтвик. Капитан. Бир оёгидан айрилиб келгану, аммо лекин сиртидан ўтсангиз тепади, олдидан келсангиз тишлайди, хумпар!

Абубакиров Ёдгорбекни кўриб, «Шундай соғлом йигит фронтга бормаи нима қилиб юрибди бу ерда?» деган маънода шама қилганлари Эртөөвнинг эсига тушиб, шикоятмуз гапирди-ю, Чавандоз индамай қолганини кўриб, лабини тишлади. Самимий гапираман деб, ожизлигини ошкор қилиб қўйишига оз қолибди!

Эртөөв йўталди, сўнг, гапни юмшатиш учун:

— Хайр майли, бир гап бўлар, Чавандоз,— деди. — Гаплашиб кўрармиз. Эшвойга ўхшаб бунинг ҳам бир йўли топилиб қолар. Аммо унгача бу ерда юрмасин. Даштда тарозибон йўқ дейишаётувди. Бу ёғи тўғрилангунча бир ой-ярим ой ўша ерда ишлаб турсин.

— Ҳа, балли! Мана бу гапингизга бормиз-да, Эртөөв ака!

Чавандоз мўйловини силаб кулди.

— Ке, қўйинг, хурсандчиликдан қолмайлик, ака!

Маладес Чавандоз: айни Эртөөвнинг кўнглидагини топди!

Ҳар кун, ҳар соат манман деган йигитлар ўққа ўчиб, дом-дараксиз кетаётган бир маҳалда гам-ғуссага бало борми? Бир кун бўлса ҳам ўйнаб қол!

Эртөөв бу гапни кўнглидан ўтказса-да, бу сафар Чавандоз тутган шаробни ичмади. У энди шаробни жаннат фариштаси билан қадаҳ уриштириб ичишни орзу қилар, Чавандозга сездирмасдан гилосзорга зимдан назар ташлар, у ердан қуралай кўзларини сал сузиб, нафис қора қошларини чимириб, бир-бир босиб чиқиб келадиган гўзални орзиқиб кутарди.

Эртөөв Барнони дастлаб кўрганда тамом бошқа нарсаларни кўмсаган, яъни ҳар бир соғлом эркак кўҳлик қизни кўрганда нимани ўйласа, у ҳам шуни ўйлаганди.

Бора-бора қалбидаги туйғу тобора алангаланиб, қандайдир янги, илгари ҳеч қачон ҳис этмаган ширин изтиробга айланди. Бурноғи кун, ниҳоят, Барно билан биринчи марта холи суҳбатлашишга муваффақ бўлди.

Бу учрашув у кутган лаззатларни беролмади, ак-

синча, Эртоев ўз орзуларига эришиш осон эмаслигини, бунинг учун ҳали кўп «меҳнат» қилиши кераклигини тушунди. Бироқ шуниси қувонтирадики, агар сабот билан иш тутса, орзуси ушалиши эҳтимолдан холи эмас эди!

Барно айниқса хайрлашаётганларида очилиб кетди. Эртоевнинг қўлини қўйиб юбормасдан бир нафас ушлаб турди, сўнг, оппоқ тишларини кўрсатиб:

— Майли, бўлмаса, кўришгунча хайр, Эркинжон ака,— деб кулди.

Шу-шу, Эртоев тонг отгунча ухлай олмади. Кафтида гўё қиз қўлининг илиқ тафти, қулоқлари остида «Эркинжон ака» деган майин товушининг ажиб ҳарорати қолган, бу ҳарорат иситмасини чиқарар, қиз кўзларини сузиб кулишлари эсига тушганда аъзойи баданидан ўт чиқиб кетарди.

Ана, гилослар яна силкинади. Олдинда, негадир бошини елкасига қисиб олган Кўр Шермат, кетида...

Эртоевнинг юрагига қўйилган иссиқ тўлқин тош чироқ кўтарган Ёдгорбекни кўрганда музга айланиб, вужудини қақшатиб юборди.

Ёдгорбек тош чироқни гилосга осиб, орқасига қайтди. Кўр Шермат каравотнинг четига омонатгина ўтирди, савол назари билан тикилиб турган Чавандозга қараб гуноҳкор жилмайди:

— Охир замоннинг бузуқларидан куйдик куйганда! На ўзлари бир нимани эплайди, на эплаганни кўра олади!

Эртоев шаҳд билан қадини ростлаб ўтирди.

— Хўш, нима гап ўзи?

— Ҳа, шу...— деди Кўр Шермат.— Барнохоннинг битта ҳанги қайниси бор.

— Хўш?

— Уша бир нимани сезиб қолганми, кеча Барнохоннинг юзига солувди. Вугун тўнини тескари кийиб олибди.

— Ҳм...— деди Эртоев...

— Ўзи шунақа сал нобпроқ бола,— гап отди Чавандоз.— Ҳалиги... Бизни ўгай болани ҳам йўлдан урибди, аҳмоқ!

Чавандоз ер остидан Эртоевга қаради, қаради-ю, урушдан аввал, Аъзам ячейка ҳаёт вақтида унинг уйига бир арава мева-чева олиб боргани эсига тушиб кетди.

Чавандоз аравани дарвозанинг олдида тўхтатиб, қутиларни тушираётганида МТСнинг қизик қашқа отини елдириб ячейка келиб қолди.

Чавандоз унга пешвоз чиқаркан, кулимсираб:

— Мана колхоз боғида мева-чева пишган экан, жиндек совға...— деган эди, ячейка:

— Нима, нима?— деди ранги ўчиб.— Ким айтди сенга мени колхоз боғидан текин мева ейди деб? Ким? Қани кўтар қути-путингни! Кўтар!

Чавандоз, гўё Аъзам ячейканинг овози қулоқлари остида қайта янграгандай, титроқ босиб:

— Биласиз-ку, бу боланинг отаси ўзи шунақа эди,— деди.— Отдан тушсаям, эгардан тушмайдиган ман-манлардан бўлади булар!

— Манман деб аста айтасизми?— деди Кўр Шермат.— Турган-битгани маҳмадана!

«Отаси!»...

Эртөөв, оғир энтикиб, Чавандозга юзланди:

— Қани кўзачангизни очинг. Фаришта келмасалар, соғликлари учун биттадан отайлик!

Чавандоз шаробни пиёлага «қилт-қилт» қуяркан:

— Фаришта жон-жон деб келадилару, боласи тушмагур ишнинг белига тепибди-да!— деб қўйди.

— Аллақачон фронтга кетадиган давангидай йигитни ёш бола дейсиз-а, Холмат ака!— ясама кулди Кўр Шермат.

Эртөөв унинг гапини эшитмагандай, бир пиёла шаробни индамасдан ичиб юборди-да, ёстиққа ёнбошлади.

Йўқ, Эртөөв Аъзам ячейканинг оиласига ёмонлик қилиш пайида эмас. Бунга сабаб, Аъзам ячейканинг яхшиликлари эсига тушганидан эмас, йўқ, биттаю-битта сабаб — уруш!

Эртөөв бир амаллаб бу ёқда жон сақлаб юрибди. Лекин у чаплашиб қолган кўп одамлар ҳозир фронтда. Уларнинг орасида ячейканинг ўғли билан куёви Расул-жон ҳам бор. Гулсум опанинг иккита укаси ҳам фронтда. Бир оиладан тўрт киши урушда ҳисоб! Булар фронтдан қайтишса, айниқса Комилга ўхшаб, қўш-қўш орден тақиб келишса нима бўлади? Умуман... урушдан кейин аҳвол нима кечади?

Гарчанд ҳали-ҳозир урушнинг охири кўринмаса-да, бу тўғрида ўйламасдан илож йўқ! Умуман... фронтовиклар билан чаплашиш яхшиликка олиб бормади!

Эртөөв шу қарорға келгандан бери негадир Аъзам ячейкани кўп эслаш одатларини чиқарди.

Йўқ, Эртөөв ячейка олдида ўзини гуноҳкор, деб билмайди. Агар у ўша маҳалларда Аъзам ячейкага қарши чиққан бўлса, катта мажлисларда уни фош қилиб гапирган бўлса, буни ўша даврнинг талаблари тақозо этган. Эртөөв бунга амин. Амину, лекин шунга қарамай, негадир кўнглининг бир чети ғаш, назарида кимдир унинг ўша пайтлардаги хатти-ҳаракатларини, гапирган гапларини кўнглига тугиб юргандай, урушдан қайтган ҳамон дарҳол дастак қилиб кўтариб чиқади-гандай туюлади.

Ахир-оқибат Эртөөв, бир маҳаллар қилган ишларини бу оиланинг кўнглидан чиқариш, чиқаролмаган тақдирда ҳам, бундан кейин эҳтиёт бўлиш, хуллас, мумкин қадар уларга тегмаслик керак, деган тўхтамга келди. Гулсум опага яхши муомала қиладиган бўлди, ҳатто РайОНО билан келишиб, унга вақтинча мактабнинг директорлигини топширди. Лекин кутилмаганда Барно чиқиб қолди-ю, ҳамма ўйлари ағдар-тўнтар бўлди.

Рост, Барнони қўлга тушириш режаларини тузаркан, Эртөөв ўртадан бунақа ғов чиқишини кутмаганди, бироқ кутганда ҳам шундай қиздан воз кеча олармиди? Йўқ, аксинча, адабини бериб қўймаса бўлмайди бу тирранчанинг! Чавандоз ҳақ: яхшилик билан эл бўлмайди булар. Буларни эл қилишнинг фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса шафқатсизлик!

Эртөөв қалин сочларини тўзғитиб қаддини тутиб ўтирди.

— У тенгилар урушда қон кечиб юрипти-ю, булар бу ёқда текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб кишнаб юрибди де?

— Кишнаб юриш ҳам гапми?— деди Кўр Шермат.— Колхоз полизига тушиб, бор ҳандалакни кўтариб кетганларини айтинг!!

— Ҳали колхоз мулкига қўл чўзаяпти де? Нега мен ошитмадим бу гапни?

— Ҳа, шу...— деди Кўр Шермат.— Инобатхон босди-босди қилиб юборди.

— Инобатхон!— Эртөөв титроқ босиб Кўр Шерматга қаради.— Ҳозир топиб бўлармикин уларни? Топиб бўлса... Дарҳол қувиб ке идорага! Мен бир кўрсатиб

қўй уруш йиллари колхоз мулкига қўл чўзиш қанақа бўлишини!

Чавандоз кўзлари мўлтираб бир Эртоевга, бир Кўр Шерматга қаради.

— Бу ёғи қандоқ бўларкин, Эртоев ака?

— Яна қадёғини айтасиз?

— Ҳалиги... боя айтдим-ку у муттаҳам бизнинг тен-такниям йўлдан урибди деб!

— Яшанг! Ҳали қишлоқ оқсоқолининг боласи колхоз полизига ўғирликка тушиб юрибди денг!

— Энди илож қанча, Эртоев ака, ўзи ҳалигадақа... ўгай-да, ўгай!

— Ўгай бўлса намунча жонлари ачийди?

— Уэларидан қолар гап йўқ, ўртада кеннойлари бор, Эртсев ака!

— Кенной!.. Раис акамларнинг боласи... Ўғри! Шармандачилик!— Эртоев бу гапларни ғазаб билан эмас, сал ясама писанда билан айтди. У «раис акамларни» яна бир оз эзмоқчи эди, лекин шу пайт, қўлларида лаган, олчазордан чиққан Ёдгорбек билан Гулчеҳрага кўзи тушди-ю, илжайди:

— Хўп, раис акамларнинг ўғлига тегмагину, нариги иккисини дарҳол ҳайдаб бор идорага!

У сармаст кўзларини сузиб ва уни аллақандай шерсифат қилиб кўрсатадиган қалин сочларини тўзғитиб, Гулчеҳрага тикилди.

— Жон оғритмай жонона қайда, дегандек, бу жў-жахўрозлар ҳам билиб қўйишсин ҳандалак ейиш қанақа бўлади? Лаббай, дўндиқча?

Гулчеҳра «пиқ» этиб кулиб, ўзини Ёдгорбекнинг орқасига олди, сўнг, лаганини унга тутқазди-да, олчазорда ғойиб бўлди.

Чавандоз ўғлига караб имо қилди: рав бу ердан!

Уч-тўртта чучварани оғзига солар-солмас Кўр Шермат ўрнидан турди: кўп ўтмай Эртоев ҳам қўзғалди.

\* \* \*

Қўчқор у ёнидан бу ёнига ағдарилиб ухлай олмай ётарди.

Лариса... қандай мулойим экан бу... кўзлари бир қарасангиз денгиздай мовий, бир қарасангиз қоп-қора кўринган рус қизи!

Қўчқор шу маҳалгача бирорта қизга кўнгил берган эмас, умуман «севги»ни тан олмас. Машраб билан Акмалдан кулиб юришининг бир сабаби ҳам шунда эди. Лекин бугун унгаям бир бало бўлди! Ғалати малла сочлари бўйвида шаршарадай кўпириб ётган бу мулойим қиз унга шунчалик хуш ёқиб қолдики, боя уни кузатиб қўйганида сал ноқулайроқ бир иш қилиб қўйди.

Ким билсин, балки Лариса унинг таклифига тез кўна қолгани учундир, балки қизнинг мулойим кулиб боқишлари бошқача кўрингандир, ишқилиб, йўлда кетаётганларида у қизни секин белидан олди.

Лариса бир чўчиб тушди-ю, унинг қўлидан чиқиб кетди. Қўчқор шошиб қолди, азбаройи кечирим сўраш учун тўхтамоқчи бўлган эди, Лариса куч билан силтаб ташлади.

Қўчқор ўзини тамом йўқотиб қўйди. Лекин қиз унинг саросимага тушиб қолганини сезди-ю, хайрлашаётганларида сал тушди, қўлини бермаса ҳам, ҳар ҳолда «хайр бўлмаса» деди мулойимгина кулиб.

Қўчқор ҳозир тўшакда ётганда қулоғига ҳамон ўша овоз, ўша мулойим кулги эшитиларди.

Бирдан Қўчқорнинг ширин хаёлини бузиб, ўғай отаси Чавандоз:

— Фотма!—деб бақирди, сўнг жавоб кутмасдан:— Бу ёққа қара!— деди-да, меҳмонхонага кириб кетди.

Лаҳзадан кейин кавуши билан ерни «шип-шип» босиб ойиси ўтди, меҳмонхонада чироқ ёнди.

— Яна эски ҳаммом, эски тос!— Қўчқор тескари қараб ётди.

У ҳозир Чавандоз билан ойиси ўртасида одатдаги жанжал бошланишини билади. Бу ғиди-бидиларнинг ҳаммасига Қўчқор сабаб бўлганга учун ойиси оғиз очиб эътироз билдира олмайди. Шунинг учун бир томондан ойисига ич-ичидан ачинса, иккинчи томондан ойиси билан ўз дадаси ўртасидаги муносабатлар эсига тушиб, ғижинади, юрагига қуйилиб келган раҳм-шафқат совуқ қояга урилган тўлқиндай зарра-зарра бўлиб парчаланиб кетади.

Қўчқор ёши улғайиб, ўз отаси тўғрисида кўпроқ эшитган сайин, бу туйғу ўсиб боради, баъзан ҳатто бу остонадан бошини олиб шартта чиқиб кетгиси келади.

Дарҳақиқат, отаси Қиличнинг шуҳрати қишлоқда Аъзам ячейканинг шуҳратидан ўтса ўтадики, қолишмайди. Чунки улар оқ пошшонинг мардикорлигига бирга кетиб, бирга «большевик» бўлиб қайтишган, шушу бирга ҳуррият учун курашган, ячейка тузишган, босмачилар билан олишган, ахири САКУда ҳам бирга ўқишган.

Худди ўша пайтларда, дадаси САКУда ўқиб юрган пайтларда, нима ҳам бўлиб, ойиси Чавандознинг илмоғига илинган!

Қўчқор бунинг сабабини билмайди, албатта фақат шунини биладики, ойиси ёшлигида жуда кўҳлик бўлган. Унга отасидан ҳам олдин Чавандоз кўз тиккану, бошда қўли етмаса-да, ахири йўлдан урган.

Шу-шу, қишлоққа келмай кетган отаси етти-саккиз йил деганда, бурноғи йили кузда Қўчқорни кўргани келди. Ота-бола Гулсум опанинг уйида учрашдилар. Бироқ Қўчқор, гарчи дадасининг аллақандай таниш туюлган озғин чеҳрасини, оқ оралаб қолган сочларини кўрганида, айниқса маънос кулимсираб: «Же, ўғлим, кўришайлик», деган бўғиқ овозини эшитганида юраги эриб кетса ҳам, очилиб гаплаша олмади. Чавандознинг: «Ўғли борлиги энди эсига тушибди-да! Фарзандининг бошини силагиси келган одам шу пайтгача қаёқларда юрибди?» деган сўзлари кўнглидан чиқмай, совуққина муомала қилди. Фақат эртасига отаси қишлоқдан тўғри урушга кетганини эшитганида—Қилич ака буни негадир Қўчқорга айтмаганди—айниқса, унинг йўлдан ёзган ғамгин хатини олганда, совуқ хайрлашганлари эсига тушиб, ич-ичидан зил кетди.

Отаси ҳозир қаердадир жанубда, Донбасс томонларда, отлиқ қўшинлар сафида эскадронга командирлик қилади, ўзиям капитан.

Отаси унга жанг тафсилотларини ёзмайди, бироқ болаликдан «чапаев»ларни кўриб катта бўлган. Қўчқор учун «эскадрон» деган сўзнинг ўзи кифоя, шунинг ўзи дилини илиқ нурга, юрагини ғурурга тўлдирарди. Умуман, аксарияти қалам билан ёзилган бу қисқа хатларни ўқиган сайин Қўчқор бир отасига ҳурмати ошса, бир Чавандознинг «ошпичоқ» эканига ишончи ортади!

Мана бугун ҳам у Чавандознинг «ошпичоқ» эка-

нига яна бир ишонди. Дўндиқ Гулчеҳра боя қайтаётганларида Эртоев билан Чавандоз ҳандалакни баҳона қилиб Машраблардан қасд олмоқчи бўлганини айтиб қолди...

...Эшик қарс этиб ёпилди. Гурс-гурс юрган Холмат Чавандоз кўчага чиқиб кетди. Бир оздан кейин меҳмонхонадаги чироқ ўчиб, уйдан ойиси чиқди, «шип-шип» юриб ўғлининг ёнига келди:

— Қўчқор, ухлаб қолдингми, болам?

Она секин ва аллақандай гуноҳқор гапирди, бироқ Қўчқор жавоб бермади. Фотима сўрининг четига омонатгина ўтирди, қўлини ўғлининг бошига қўрқибгина чўзди:

— Болам, онанг ўргилсин, болам...

Унинг қўллари ўғлининг сочларига оҳиста тегди, лаблари нимадир деб пичирлади...

Қўчқор бирдан юраги «шиғ» этиб, томоғи ғип бўғилди, бироқ индамади, тишини тишига қаттиқроқ босиб, кўзларини чирт юмиб олди.

Фотима қимир этмай узоқ ўтирди, ўғлининг сочларига теккан бармоқлари секин қимирлади-ю, силашга ҳам журъат этолмай, тўхтаб қолди. Сўнг, оғир уф тортиб, айвонга ёзилган тўшагига томон кетди.

Қўчқор сўнгги пайтларда ойисидан қанча гина қилмасин, ҳозир кечирिशга тайёр эди. Чунки биринчи ойисининг юрагида ҳам катта бир дард борлигини ҳис этди. Ким билсин, аҳтимол, у ҳам ўз тақдирини «ошпичоқ»нинг қўлига топшириб қўйганидан пушаймон чекиб, кўп йиллардан бери ич-ичидан зил кетиб юргандир? Дардини айтай деса тили, айтмай деса дили куйиб, ўз ёғида ўзи қовурилиб келгандир?

Қўчқор секин ўгирилиб қаради. Бир парча муздай совуқ ялтиллаган ой шуъласида тўшагида хаёлчан ўтирган ойисининг озғин юзи касалманд кўринди. Бир вуктага тикилган кўзлари шувдай ғамгин эди... Ойисини бу кўйга солган Чавандоз ҳозир идорага бориб нима қилаётганикин? Қўчқор бирдан Гулчеҳранинг гапларини эслади. Эҳтимол, ҳозир у ёқда Машраблар жазо олаётгандир?.. Чавандоз Қўчқорни энг яқин дўстларидан ажратиб қўймоқчимми? У сакраб ўрнидан турди.

Қўчқор идорага етиб борганда, Машраб билан Акмални аллақачон қувиб келишган, Эртоев қўлларини



силтаб ваъз айтмоқда, улар эса ички бир туғёндан қалтираб, чўян ҳайкалдай қотиб туришарди.

Қўчқор эшикни шарақлатиб очганда Чавандоз билан Кўр Шермат тугул, Эртөөв ҳам бир сапчиб тушди. Қўчқор йўл-йўлакай шундай тутаб, фиғони чиқиб боргандики, кириши билан Чавандозга қараб, бўғилиб сўради:

— Дада! Бу қанақа гап ахир? Ҳамма қилғиликни мен қилсаму, сизлар буларни қийнасаларингиз!

Пойгаҳда ўтирган Чавандоз, кўзлари ўйнаб, бақирди:

— Аҳмоқ бўпсан, аҳмоқ!

— Майли, мен аҳмоқ бўла қолай. Бироқ... дўстларим олдида ерга қаратманг одамни!

Машраб унга томон толпиниб:

— Қўчқор, Қўчқор...— деди-ю, тили гўлдираб гапиролмай қолди.

Акмал ҳам кўзлари пирпираб, бир-икки марта «қилт-қилт» ютунди.

Чавандоз, мўйлови дикрайиб:

— Сен... биласанми кимни ёқлаяпсан? — деганди, Эртөөв истеҳзоли жилмайиб:

— Ким бўларди, ўша машҳур ячейканинг боласини ёқлапти ўғлингиз!— деди.— Билмайдики, у одам ким бўлган!

Машраб ранги ўчиб:

— Отамни тинч қўйинг, ўртоқ Эртөөв,— деди. Чавандоз унга ялт этиб қаради.

— Бир гапдан қолсанг ўтирган тахтингдан тушасанми, ҳей бола?— деди.— Тўғри айтдилар Эртөөв акамлар. Отанг ўзи шунақа одам эди. Бошини ўзи еди у!

Машраб, гўё юрагида пориллаб турган ўт сўниб қолгандай, бирдан бўшашиб, бошини эгди, Қўчқор эса, аксинча, қалтироқ босиб Чавандозга юзланди:

— Қўйинг, дада! Ёмонлаб нима қиласиз ўлган одамни? Тирик бўлгандаям бир сари. Аммо ўшандаям бутун қишлоқ билади у одамни...

— Лаббай? Бутун қишлоқ билади денг?— деди Эртөөв, деди-ю, столни зарб билан урди.

— Бас! Шерматвой, шу бугун, ҳозир ҳайданг буларни даштга!— деди у, столда қурбақадай «дик-дик»

сакраган бўш сиёҳдонларни четга суриб.— Қишлоқда юриб семириб кетибди бу ҳаромтомоқлар. Бу тенгилар урушда юрганда, колхоз мулкига қўл суқиб қутуриб кетибди булар! Борсин, буғдой ўрсин жазирамада! Тикан кечиб заготовка ташисин! Ушанда билишадди қайси даврда яшаётганларини... Ҳайданг! Шу бугун ҳайданг даштга!

Иигитлар, худди шуни кутиб тургандай, эшикдан ўқдай отилиб чиқишди-ю, даҳлизда турган Гулсум опага тўқнашди. Гулсум опа ҳамма гапни эшитган бўлса керак.

— Бор, бораверинглар,— деди ва эшикни очиб ичкарига кирди...

\* \* \*

— Кечирасиз, сизга бир оғиз гапим бор эди, ўртоқ Эртюев.

— Марҳамат.

— Шу ёш болага... отаси тўғрисида гапириб, дилига озор бериб нима қилардингиз?

— Демак, сиз, мактаб директори бўла туриб, ўғлингизнинг хатти-ҳаракатларини оқламоқчимисиз?

— Йўқ, оқламайман. Бироқ, бу йўсин унга озор бериш... адолатданми?..

— Ҳм... Балки сиз... партия эрингизни ўз сафидан ўчириб, нотўғри қилган, деб ўйларсиз?

— Уни партиямас, баъзи шахслар ўчирган.

— Бунинг аҳамияти йўқ, чунки бу шахслар...

— Йўқ, аҳамияти катта. Чунки... Агар уруш бўлмаганда у киши партиёга қайта тикланарди. Мен бунга аминман!

— Ой.. Мен биламан. Сиз мени Аъзам ака учун ёмон кўрасиз. Лекин сиз... бу масаланинг бутун мураккаблигини билмайсиз. Эрингиз ўзи...

— Майли. Мен ҳозир сиз билан бу ҳақда баҳслашишни истамайман. Чунки гап ҳозир отаси эмас, боласи устида борапти. Унинг отаси қандай одам бўлишидан қатъи назар, туғишган акаси, поччаси, иккита тоғаси шу кунларда кўкракларини ўққа тутиб Ватан тупроғини ҳимоя қиляпти, ўртоқ Эртюев!

— Бундан чиқди, ўғлингиз акаларим фронтда деб, билган номаъқулчилигини қилавериши мумкин эканда?

— Мен унақа демадим-ку. Нима қиласиз гапни буриб?

— Демасангиз... тўғри қилибмиз! Борсин даштга.

— Ишласин! Кучи бўлса ўша ерда кўрсатсин!

— Майли, борсин. Лекин мен нима қиламан? Юз гектар пахта...

— Яна юз гектар пахта! Бутун бир қишлоқ зиёдилари! Мактаб! Амбулатория! Матлубот жамияти! Экканлари юз гектар пахта-ю, машмашалари оламни бузади!

— Бу ишни бошлаган одамлар шу ерда бўлганда, мен сизга бу гапни айтиб ўтирмасдим. Ҳаммасини билиб туриб, нима қиласиз тагин бунини юзимга солиб?

— Мен ҳол-аҳволга тушунаман, деб, ҳаммага енгиллик берадиган бўлсам... давлат мени бу ерга қўйиб нима қилади? Йўқ, кечирасиз. Сизга берадиган ёрдамимиз йўқ. Вассалом. Аммо шунини билиб қўйингки, план учун бошингиз билан жавоб берасиз.

— Агар жавобгарликдан қўрқсам... бошда бу ишни бўйнимга олмас эдим. Раҳмат.

Гулсум опа Эртосевнинг гапларидан тутаб кетса-да, дадил туриб гаплашгани учун ўзидан анча мамнун эди.

Ҳа, нега ҳам ўзини паст олсин?

Хатарли топшириқдан оғир яраланиб қайтган ўғли Ашрафжон яна фронтга кетган бўлса, кувви Расулжон билан икки жигари ўт ичида юрса... нега ҳам қаддини тутиб юрмасин? Тагин ҳам қаттиқроқ гаплашмади бу нопок билан!

Отаси эмиш!.. Машрабнинг отаси революция учун қон тўккан пайтларда... сен оғзингдан сўлагинг оқиб юргандирсан! У киши хато қилса қилгандир, бироқ бу хато шундан иборатки, сендай бир мансабпарастни билмай бағрига тортган экан!

Гулсум опа уйга етгунча хаёлида Эртосев билан баҳслашиб келди.

Машраб қайтмаган эди. Уйга қоронғи тушган...

Гулсум опа чироқни ёқди-ю, уйнинг ўртасида нима қилишини билмай анча турди, кейин боққа қараган деразани очиб, ювини шабадага тутди. Деразанинг олдидаги бир туп ўрик япроқлари майин шитирлайди, боғнинг этагида, тўғонда бақалар тинимсиз қуриллайди. Майин оқшом осойишталикка ундайди, маъюс ўйлар

уйғотади, лекин Гулсум опанинг юрагида туғён. У билади: кимдир Машрабнинг кўнглига шубҳа солган. Ҷар қалай, Эртоевга ўхшаган одамлар отаси тўғрисида гапирса титраб-қақшаб кетади-ю, жавоб тополмай қолади... Гулсум опанинг ўзи эса қанузгача бу ҳақда бафуржа гаплашолмади. Бир ўғлим вояга етсин деди, бир олдин отасининг иши тўғрилиансин, кейин гаплашарман деди, энг ёмони — Ҷар сафар бу тўғрида гапирмоқчи бўлса, негадир Аъзам ака юрагини чангаллаб йиқилган ўша машъум оқшом эсига тушади-да, хаёли тўс-тўполон бўлиб кетади...

Гулсум опа оғир хўрсинди, деразани ёпиб, лампагач ўчирмоқчи бўлди-ю, кўзи китоб терилган жавон устидаги суратга тушиб, тўхтади. САКУни дастлаб битирганлардан бир гуруҳи, Аъзам акадан қолган битта-ю битта эсдалик!..

Гулсум опа аллақандай ички бир туйғуга бўйсуниб, суратни жавондан олди...

Ўттизинчи йилларнинг боши. Одамларнинг кийимларида, ҳатто чеҳраларида ўша йилларнинг акси бор: эгниларида гимнастёрка, белларида камар, бошларида қизил юлдуз тақилган фуражка, ўзлари ҳам гўё суратчи эмас, командирнинг буйруғини эшитаётган жангчилардай кўзларини бир нуқтага қадаб қотиб қолишган. Ёлғиз Аъзам аканинг чеҳрасида — у ўртада қўллари тиззаларига қўйиб ўтирарди — лабларининг четида билинар-билинемас бир табассум бор... Унинг бир томонида Қилич — у қўлини қайиш камарига суқиб, Аъзам акага сал суяниб турибди. Бир томонида... бошида худди ҳозиргидай катта бесўнақай фуражка, ёнбошида қалин чарм сумка... Қурбон ота. У киши ўқишни битира олмаган бўлсалар ҳам, негадир суратга тушганди!

Сал ғалатиноқ, лекин ниҳоятда пок одам, Қурбон ота мардикорликдан қайтаётиб «фалакнинг гардиши» билан Урал томонларга бориб қолгану, Колчакка қарши урушларда қатнашган, шу-шу ўзини «чапаевчи» деб ҳисоблайди. Ота суратда ҳам худди «Россияда ўртоқ Чапаев бўлса, Ўрта Осиёда мана биз олишганмиз революция душманлари билан!» деб хитоб қилаётганга ўхшайди...

Йўқ, Гулсум опа минг йил умр кўриб, ҳамма нарса эсидан чиқса чиқадики, у йиллар эсидан чиқмайди.

Қишлоқ ўртасидаги ғишт масжид. Ҳар куни кечаси йиғилиш. Тонг отгунча баҳс-мунозара.

Мардикорлик йиллари Киевда туя билан казармаларга ўтин ташиб, шаҳар болаларига «томсша» бўлиб юрган уч киши (Аъзам ака бу воқеаларни ҳикоя қилганда кулавериб ичаги узиларди киши!) энди бутун қишлоқни ларзага келтиради. Манман деган бой-ваччаларнинг юрагига гулгула солади, ўзлари «инқилобий қонун» чиқариб, ер-сувларини мусодара қилади, камбағалларнинг ҳақларини ажратиб беради... Гулсум опа эса уч яшар қизи Мастурани бағрига босиб, мижжа қоқмай тонг оттиради. Чунки кечаси билан уйлари атофида от туёқларининг дупури тинмайди, кимлардир таҳлика солади, милтиқ отади, ҳар куни эрталаб эшикларининг тирқишидан бир хат чиқади: «Большавойга имонингни неча пулга сотдинг, ячейка? Қаллангни минг тиллага тикдик, эҳтиёт бўл, имонсиз кофир!»...

Ажойиб давр, ажойиб одамлар! Гулсум опанинг сира эсидан чиқмайди: худди ўша бетинч, таҳликали пайтларда... Қилич Фотимани севиб қолди.

У Қилич деса қилич, мардликда ёлғиз эди. Битта-ю, битта камчилиги — киссасида сариқ чақаси йўқ, шипшийдам эди, отаси эса, гарчи ўзига тўқ деҳқон бўлса-да, хасисликда ягона эди.

Шунинг учун Қилич отасининг омборига доим катта этик кийиб кирар, қўнжини ғаллага тўлдириб чиқар, кейин уни сотиб, ҳар хил мева-чева олиб келарди:

— Жон Гулсумхон, мана шу... арзимаган совға... Фотимахонга ўзингиз бир бало қилиб тушунтиринг — сойга чиқсин. Бир оғиз гапим бор. Тезда тўй қилмасак бўлмайди...

Тўй кечасининг эртасига эса, тепада, ўша ғишт масжидда яна мажлис, фаҳат бу сафар — бутун қишлоқ, етти ёшдан етмиш ёшгача йиғилган деса бўлади.

Юм-юм йиғлаган ёш келиннинг бир ёнида Гулсум опа, бир ёнида Қурбон отанинг хотини.

Аъзам ака, ўзини вазмин тутишга уриниб:

— Ўзинг бошлайсан, Гулсум,— дейди секин,— бошқа иложи йўқ.

— Ҳа, сиз бошланг, кейин келинингиз...— Қилич, қўли тўппончада, бир олисроқда кулишиб турган сал-

паликларга, бир ёш қайлигига қарайди. Қурбон ота эса, фуражқасини тўғрилаб, қўшимча қилади:

— Асло қўрқма! Қани, ғинг деб кўришсин-чи бу салласи қозонлар!

— Узинг бошлайсан, Гулсум. Бошқа иложи йўқ...

Ловиллаб ёнаётган гулханга дастлаб унинг паранжиси тушади, кейин бошқаларнинг. Биринчи марта юзлари очилган уч ёш аёл, бир-бирларининг пинжигга суқилишиб денгиздай гувиллаган оломон орасидан зўр-базўр ўтиб, ўзларини тор кўчага уришади... Кейин нималар бўлди? Ер ислоҳоти, лекбез, САКУ, САКУ-дан кейин коллективлаштириш, кейин райком, райкомдан кейин МТС...

Оғир бўлса ҳам аллақандай нурга, оловга йўғрилган у йиллардан шу эсдалиқдан бошқа нима қолди? Қимлар бор? Қурбон ота қариб қолди. Қилич эса, Фотима воқеасидан кейин қишлоққа қайтиб келмади, қаёққадир олисларга, чегара қўшинларига ишга ўтиб кетди.

У саккиз-тўққиз йил деганда бурноғи йил кузда, уруш бошланганда келди.

У ўғлини бир кўриб кетиш учун келган эди, бироқ Қўчқор болалик қилиб, дадасини совуқ қарши олди-ю, Қилич Гулсум опа билан гаплашиб тонг оттирди.

Гулсум опа ҳамма ўзгарса ҳам, Қилич ўзгармагандир, деб ўйлаганди, йўқ, у ҳам сочларига оқ ора-лаб, чиройли дўнг пешанасига ажиялар тушиб, хийла қариб қолибди. Узиям қандайдир ўйчан, ҳатто маъ-юс эди. Утмишни, Аъзам ака билан ишлаган чоғларини эслаб, узоқ-узоқ жим қолар, шунчадан бери бир келиб хабар олмагани учун Гулсум опадан қайта-қайта кечирим сўрарди.

Тонг палла хайрлашаётганларида Қилич Гулсум опадан Қўчқорга кўз-қулоқ бўлиб туришни илтимос қилди. Бироқ Фотима тўғрисида бир оғиз бир нима демади.

Қўчқор Чавандознинг қўлида катта бўлгани учун Гулсум опа анча ташвишланиб юрарди. Хайрият, ўз отасига тортди. Қуйиб қўйган Қилич! Уша жусса, ўтдай ёнган ўша кўк-сарғиш кўзалар, ўша бир сўзлик, ўша самимият!

Акмал ҳам отасидай деҳқон табиат, содда, дангал. Бироқ... бола бечорага қийин бўлди. Эшмат ака меҳ-

нат батальонига олингандан кейин жўжабирдек жон унга қарам бўлиб қолди...

Машраб Акмалларникига кетганга ўхшайди. Энди келмайди, ана хўроз қичқиряпти...

Гулсум опа суратни жавонга қўймоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди-ю, эшикда серрайиб турган Машрабга кўзи тушди. Кийимлари ғижим, сочлари тўзғиган, кўзлари... гўё таъна қилаётган одамнинг кўзларидай сал қисилган.

— Бери кел!

Машраб бир-бир босиб яқинроқ келди.

— Утир!

Машраб итоаткорлик билан ўтирди.

— Қаёқларда юрибсан?

— Юрибман...— Машраб юзини четга бурди.— Эртосевнинг гапларини бир эшитсангиз, сиз ҳам юриб чиқардингиз кечаси билан. Дадамлар...

— Дадагнинг хотирасини тинч қўй! Сен яхши бўлсанг Эртосев юзингга солелмас эди бу гапларни! Ўзинг ҳамма қилгуликни қилиб, уялмайсанми даданга тош отгани? Билмадим, даданг ҳаёт бўлганда нима қиларди?

Машраб энтикиб:

— Ҳаёт бўлганда!— деди ва қоронғи дарчадан боққа қаради. Қани энди у ҳозир кўнглидаги бор гапни айта олса. Шу бугун... Эртосев отаси тўғрисидаги гапларни айтмаганда... Машраб ўзи биларди нима қилишини. Унинг қўлида ўлса ўлардики, бироқ Барно учун, сеvimли акаси учун ўчини оларди у!

— Бундав чиқди... ҳали дадамдан номус қилиб юрибман дегин?— Гулсум опа пастки лабини тишлаб бирпас жим қолди, кейин секин қўшимча қилди:

— Йўқ, болам. Сен номус қиладиган одам эмас эди даданг...

Машраб бошини кўтариб қарашга журъат этолмади, назарида, ойиси бўғилиб йиғлаётгандай туюлди-ю, аъзойи бадани жимирлаб кетди.

— Мен сенга ҳали отанг тўғрисида гапирмоқчи эмас эдим, ўзинг гап очганинг учун айтяпман. — Гулсум опа қўлини ўглининг бошига қўйди. — Отанг яхши одам эди, болам. Сен нимани ҳам биласан? Бир бўлса ўша сўнгги оқшом эсингда қолгандир...

Машраб сочларини силаётган узун бармоқлар тўсатдан титраб кетганини сезди-ю, миясида нимадир «ярқ» этиб, сояда ётган бир эсдаликни ёритиб юборди.

\* \* \*

...Ўша куни у мактабдан «беш» баҳо олиб, боши осмонга етиб қайтганди.

У эшикдан кириб келганда — ўшанда тўртинчи синфда ўқирди шекилли — Гулсум опа тўрда мужмайиб, хафақон бир ҳолатда ўтирарди. Ҳозир эсида йўқ. — ниманидир сўраган эди — қаттиқ жеркиб ташлади.

— Бор, ўйна! Сенсиз ҳам ғамим бошимдан ошиб ётибди! — деди ойиси. — Нонингни егину, ўйна!

Лекин, нима бўлиб, ўйин ҳам қовушмади. Машраб баттар мунғайиб ён қўшнилариининг пахса деворида ўтирган эди, муюлишдан икки отлиқ чиқиб келди.

Уларнинг бири — бошида катта фуражка, ёнбошида чарм еумка, отда сал ғўдайиб ўтирар, иккинчиси, паҳлавон жусса, ёш бўлса ҳам шоп мўйлов, чапанироқ йигит (Машраб кейин билса фуражкалиги Муясарнинг дадаси Қурбон ота, ёшроғи Инобат опанинг эри Ҳошим полвон экан), келишган кўк айғирини ўйнатиб, негадир кулимсираб келарди.

Отлиқлар Машрабнинг рўпарасига келганда ёшроғи:

— Аъзам ячейканинг ҳовлисини биласанми, оғайни? — деб сўради.

Машраб севинганидан баланд девордан сакраб тушди.

— Мана шу бўлади-да, бизни ҳовли, амаки!

Гулсум опа ҳам отлиқларни кўриб, чеҳраси очилиб кетди:

— Бор, дадангга чоп! — деди шошиб, — қишлоқдан дўстларингиз келди, дегин. Ҳовлиқмасдан тушунтириб айт: босмачилар билан олишган эски қадрдонларингиз дегин! Ҳа, айтмоқчи поччанг ҳам эсингдан чиқмасин!..

Машраб борса, дадаси МТСда йўқ эди, райкомга кетган, дейишди. Лекин райкомда мажлис бўлаётган экан, киритишмади. Машраб ойисининг гапини ко-



ровулга тайинлади-да, Мастураларникига қараб чопди.

Райком биноси шундоқ йўл устида эди, қайтишда Машраб яна кирди.

Афтидан, у қайтгунча мажлис тугаган бўлса керак, Аъзам ака ниманидир ҳаяжонланиб гапираётган уч-тўртта одамнинг ўртасида бошини эгиб турарди.

Эсида бор: отаси тўладан келган, новча, сочларига оқ оралаган бўлса ҳам, қош-кўзлари коп-қора, қийғир бурун, келишган бир одам эди. Эгнида сур ранг коломенка кўйлак, белида қайиш камар.

У Машрабнинг гапини эшитиб, тўсатдан маъюс жилмайди.

— Восмачилар билан олишган дўстларингиз дегин, ўғлим?

— Ҳа, ойим шунақа дедилар. Ўзлариям... Во!— деди Машраб, қўллари билан меҳмонларнинг мўйловларини таърифлаб.

Бу сафар даврадагилар ҳам кулиб юборишди. Шу пайт, райкомнинг ҳовлисидан дадаси миниб юрадиган МТСнинг қизил қашқа арғумоғини ўйнатиб... Эртөөв чиқиб келди.

Даврадаги кулги бирдан босилди. Эртөөв эса, аксинча, билинар-билинемас жилмайиб:

— Партбилетингизни топширмаган эмишсиз, ячейка ака, — деб сўради.

Аъзам ака кескин бурилиб қаради, катта тим қора кўзларида ўт чақнаб:

— Вилиб қўй, Эртөөв,— деди.— Мен.. партбилетини топширадиган бўлсам... фақат Марказкомга топшираман.

Сўнг даврадагиларни четга суриб, Эртөөвга томон юрди. — Менга бу билетни сендай игвогар, мансаб-парастлар берган эмас. Мен бунини инқилоб учун жонини аямаган одамлар қўлидан олганман! — Аъзам ака юрагини ғижимлаб тўхтади-ю:

— Йўқол кўзимдан! Йўқол!— деди бўғиқ ва даҳшатли бир овозда.

Эртөөв яна боягидай билинар-билинемас кулимсираб отига қамчи урди, даврадагилар эса, Аъзам акани яна қуршаб олишди, кимдир бир пиёла сув тутди.

— Қўйинг, шу одам билан ғижиллашиб асабингизни бузманг, ячейка.

— Босиқ бўлинг!

— Қаддингни тут. Ҳақ қарор топади, дўстим!  
Аъзам ака бир зум кўзини юмиб бошини осилтириб турди, кейин Машрабнинг бошига қўлини қўйиб:

— Юр ўғлим, — деди секин.

Машраб негадир юраги ачишиб унинг қўлига сурканган эди, дадаси тўхтади ва яна боягидай маъжус жилмайиб:

— Оббо сени-эй... шундай қилиб... босмачилар билан олишган дўстларингиз келди дегин? — деб сўради.

Умуман олганда у киши болалар билан иши йўқроқ, уларни кўп эркалатавермайдиган, вазмин бир одам эди. Ҳар қалай, отаси бирор марта бошини силагани Машрабнинг эсида йўқ. Лекин ўша куни Аъзам ака ўғлининг бошини силаб, куларкан:

— Юр, болам, сенга битта мороженое олиб берай! — деди тўсатдан. — Мороженоени яхши кўрасанми?

Мороженоени ёмон кўрадиган бола бўладими. Аммо ўша куни отасининг «болам» дейиши Машрабга мороженоедан ҳам ёқимлироқ туюлди.

Лекин буни қарангки, улар боргунча дўконда мороженое қолмапти!

Аъзам ака олдин астойдил хафа бўлди, кейин:

— Ҳа, майли, йўқча чора ҳам йўқ-да! — деди-да, чўнтагини ковлаб уч-тўрт танга олди: — Мана ўғлим, эртага ўзинг олиб ерсан мороженоени!

Улар қайтиб боришганда ҳовлиларига қандайдир жон кириб, яшнаб кетганди.

Гулсум опа елиб-югуриб ўчоқ бошида ўралашиб юрар, қозонда сабзи-пиёз жаз-жуз қиларди.

Машраб отларга қараб чолди. Отлар, эгар-жабдуқлари олинган, секин пишқириб охурдаги ёш бедани қирт-қирт чайнаб турар, бири биридан чиройли, киши уларга қараб тўймас эди.

Машрабга айниқса Ҳошим полвон миниб келган кўк аргумоқ хуш ёқиб тушди. Узиям ховошгина экап, Машраб ойисидан бир бурда нон олиб қўли билан егизди, сўнг аргумоқнинг пешанасини, чиройли уаун бўйнини силаб, жажжи қулоқларини қашлаб, эркалаб турганда, уйдан Ҳошим полвон, унинг кетидан дадаси билан Қўрбон ота чиқиб келишди.

Ҳошим полвон, оғзи қулоғида, лорсиллаб келиб, кўк аргумоқни бостирмадан етаклаб чиқди.

— Мана бу гўзалга бир қаранг, Ячейка ака! Эсингиадами, «Рустам довон»нинг ёнида жанг қилганимизда онасининг кетидан чопиб юрган тойча эди... Эсингиадами?

Аъзам ака бошини чайқаб ғамгин кулимсиради.

— Эсимда, ука, ҳаммаси эсимда...— У ўнг қўли билан кўкрагини силаркан, Машрабга юзланди:

— Бир пиёла сув бер-чи, ўғлим.

Машраб чопиб бориб, қудуқдан бир челак сув олиб келган эди, уст-устига икки пиёласини шимирди-да:

— У йилларни эсдан чиқариб бўлармиди, ука,— деди ва гўё юраги куйиб кетаётгандай, узоқ уф тортди.

— Ҳей, менга қара, ячейка! — Қурбон ота бесўнақай фуражкасини тўғрилай-тўғрилай Аъзам аканинг ёнига келди.

— Между прочим, чин большевикка ярашмайди бунақа тушкунлик. Парво қилма, ячейка...

Отанинг сўзи оғизда қолди, чунки шу пайт Аъзам ака кўзлари ғалати ялтиллаб чолга қаради.

— Нима? Нима? Парво қилма дедингми? Утакетган мансабпараст, ирвогар бир ифлос мени партиядан ўчиришга эришсину, мен парво қилмас эмишман. Ундан кўра сен мендан гуноҳинг нима, деб сўра! Коллективлаштириш пайтида қулоқларни яширган эмишман! Мен-а? Қариндошларимниям аямаган одам, мен энди... энди...

Аъзам ака тўсатдан чап кўкрагини чангаллади-ю, худди ҳаво етмагандай бўйнини чўзганича бир томонга оға бошлади.

У йиқилмади, чунки Ҳошим полвон чаққонлик қилиб тутиб қолди. Кейин ҳовлига кириб келган Ра-сулжон билан Мастура ҳам чопиб келиб суяшди-да, биргалашиб уйга олиб кириб кетишди.

Ҳовли сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Ёлғиз Мастура, кўзларида милт-милт ёш, бир телефонга югуриб шифохонага қўнғироқ қилар, бир қўлида капкир, ҳайкалдай қотиб қолган Гулсум опага сув тунтарди.

Сал ўтмай, врачлар келишди. Машраб ундан кейин нима бўлганини билмайди, тун ярмига яқин ойиси уйғотиб меҳмонхонага бошлаб кирди.

Аъзам ака, юзи бўрдан ясалгандай оппок, қийғир бурни қандайдир сўррайиб қолган, деразанинг олдидаги каравотда чалқанча ётарди.

У каравотнинг ёнида тўхтаган ўғлига қандайдир маънос бир меҳр билан бир зум тикилди, лаблари билинар-билимас пичирлаб:

— Шундай қилиб... битта мороженое ҳам олиб беролмадим-а, ўғлим,— деди.

Машраб бирдан ўпкаси тўлиб, унга томон интилмоқчи бўлди, бироқ каравотнинг ёнида ўтирган Расулжон унинг қўлидан етаклаб, олиб чиқиб кетди.

Эртасига дадасини дафн этишди...

...Ажабо: отасининг «шундай қилиб... битта мороженое ҳам олиб беролмадим-а, ўғлим» деган сўзлари, маънос тикилган кўзлари, гўё кечагина бўлгандай хаёлида шундай жонли гавдаландики, Машраб юраги «зир» титраб кетди. Лекин... Машраб нега илгари бу манзарани эслашни ёмон кўрарди? Буни эслаш оғир бўлгани учунми ёки Эртоевга ўхшаганлар кўнглига шубҳа солиб қўйгани учунми?

Машраб уйқу босган одамдай кўзларини уқалаб, ойисининг оғзига тикилди.

Йўқ, Гулсум опанинг гаплари Машраб учун янгилик эмас. Гарчи Гулсум опа дадаси ҳақида биринчи марта жиддий гаплашаётган бўлса-да, Машраб бу гапларни у ер-бу ерда кўп эшитган. Лекин қизиқ: илгари унинг бир қулоғидан кириб, бир қулоғидан чиқиб юрган бу ҳикоялар, энди гўё чанги артилган нодир буюмдай ярқираб, тамом янги бир маъно кашф этмоқда эди!

— Шундай, болам, отанг ҳеч қачон халққа хиёнат қилган эмас. Революциянинг содиқ солдати эди у киши... Ифвогарларнинг туҳмати билан партиядан ўчгани рост, бироқ мен дил-дилимдан ачинаман, ўғлим — уруш бўлиб қолмаганда даданг шу пайтгача партияде тикланарди. Ҳалиям бўлса тикланади, болам.

Гулсум опа кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, қўлини ўғлининг бошига қўйди:

— Сен ҳам энди қадамингни ўлчаб босгин. Мен вҳтиёткор бўл дейман, пок бўл дейман, отангдай одил, аканг ва поччангдай ҳаққоний бўл дейман. Ҳозир ҳамманинг хаёли фронтда. Буни унутма, болам! Мана, даштга кетяпсан. Яхши ишла, жонинг қийналса ҳам

қатордан қолма! Шунда Эртөөв ҳам сенга бир нима деёлмайди!

Йўқ, Гулсум опа буни насиҳатомуз эмас, қандайдир койиб гапирди, лекин Машрабнинг юраги офтобга интилган ёш ниҳолдай бу шиддатли сўзларга қараб толпинар, эшитган сайин эшитгиси келарди. Назарида, бу гаплар такрорланган сайин, юрагининг бир четидаги музлар эриб, дили равшан тортар, юрагига ёруғ бир нур қуюлмоқда эди.

Машраб, шу сўзлар қулоғида, худди гўдаклик пайтидагидай боши ойисининг тиззасида, уйқуга кетди...

### Тўртинчи боб

Комил билан Инобат райком биноси олдидаги қатор толларга отларини боғлаб, ичкарига кирганда қабулхонадаги катта деворий соат ҳали тўққизга жомурмаган эди.

Афтидан, райком секретари тайинлаб қўйган бўлса керак, ёшгина секретарь қиз уларни кўриб шошиб ўрнидан турди, лекин шу пайт чарм қопланган оғир эшик ўзи очилиб, остонада Эртөөв кўринди.

— Э, келдиларингми? Балли, балли.

У катта ояпоқ қўлини чўзиб, хушвақт кўришди-да, Инобатга йўл берди.

— Қани, Инобатхон, марҳамат.

Райком секретари — олтмишларга бориб қолган, босиқ, камгап одам, деразалари боққа қараган чорси хонанинг тўрида, қўлида трубка, кўзлари ярим юмуқ, ким биландир секин гаплашмоқда эди.

У Комиллар билан бош ирғаб кўришди-да, қатор стулларга имо қилди — ўтиринглар.

Комил эсида бор — биринчи секретарь бундан бир ҳафта олдин уни чақириб суҳбатлашганида ҳам худди шундай жуда ҳорғин кўринган, лекин сўрамаган саволи, айтмаган гапи қолмаганди, тагин нимага чақиртирдийкин?

Комил савол назари билан Эртөөвга қаради, бироқ у: «ишлар жойида», деган маънода кўз қисди-да, кўкрак чўнтагидан ён дафтарини олиб ниманидир ҳисоблашга киришди.

Биринчи секретарь ниҳоят, трубкани жойига қўй-

ди, лекин шундан кейин ҳам бирмунча вақт ярим юмуқ кўзларини силаб сукут сақлади, гўё кўнглидаги гапни айтишга ийманган одамдай бир-икки марта йўталиб қўйди.

У чиндан ҳам гапни узоқдан бошлади. Душман яна куч тўплаб, Орёл — Курск районларида ҳужумга ўтгани, умуман, аҳвол жиддий экани, шундай бир вазиятда пахта, сабзавот, хусусан ғалла масаласи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани ҳақида гапирди, кейин, «Ленин йўли» колхози районда энг катта хўжаликлардан бири эканини таъкидлаб, битта таклиф киритди:

— Инобатхон, асосан, пахтани қўлга олсин, ғаллага эса Қурбон ота билан... уруш қаҳрамони, орденли парторг, — биринчи секретарь бун кулиб гапирди, — Комилжон жавоб берсин.

Райком секретари, бу гап Инобатга қаттиқ тегишидан қўрққандай:

— Пахтанинг аҳамиятини ўзингиз биласиз, Инобатхон, — деганди, Эртоев:

— Аҳамияти катта дейсиз қўясизми? — деди. — Пахта — бу ўқ-дори демакдир, бомба ва замбарак демакдир!

Инобат, гўё Эртоевнинг гапини эшитмагандай, биринчи секретарга юзланиб:

— Нега бундай дейсиз, Умаров ака, — деди секин. — Унисиям керак, бунисиям. Ишқилиб... ишимиз юришса бўлди-да, шунчаки...

— Ҳа, айтаверинг, айтаверинг, — Умаров бошини бир томонга эгиб Инобатга тикилди.

Инобат рўмолини пешанасига тортаркан:

— Шунчаки... — деди лаблари титраб. — Уртоқ Эртоев бунчалик катта кетмасалар бўларди. Мен яхшиманми, ёмонманми, ҳар нечук, ҳали-ҳозир ўша ерда раисман.

Эртоев қўлини кенг ёзиб қизариб кулди.

— Мен катта кетиб нима қилдим, Инобатхон?

— Тагин нима қилдим дейсиз! Бир оғиз айтмасдан бутун бир бригаданинг ишини тебратиб турган уч йигитни даштга ҳайдабсиз. У ёқда Ёдгорбекни хирмонга тарозибон қилиб қўйибсиз...

— Сиз айтган йигитлар нима қилиб юрганини биласизми ўзи? — Эртоев биринчи секретарга қараб сох-

та жилмайди. — Уч барзангидай йигит колхоз полизига тушиб денг...

— Қўйинг, пашшадан фил ясаманг!— Инобат қўлини бир силтаб шартта ўрнидан турди. — Пича ёшлик қилишпшти йигитлар. Шунгаям ота гўри қозихонами? Ундан кўра бу учовининг ишидан гапиринг. Қилган меҳнатидан гапиринг.

Умаров «босиқ бўлинг», деган маънода Эртоевга кўз қисди.

— Мен одамларга, хотин-халажга қилаётган дағаллигингизни айтмай қўя қолай,— деди Инобат.

— Кечирасиз, мен бировнинг кўнглини оғритган бўлсам... Ишимиз юришсин, деб, фронтни ўйлаб оғритгандирман.

Инобат гўё сўз тополмаган одамдай бир зум жим қолди, сўнг қилт ютиниб:

— Одамлар ҳозир бусиз ҳам кўнгли ярим, ўртоқ Эртоев,— деди. — Уларнинг дилини оғритиш эмас, далда бериш керак. Чунки ҳамма оғирлик ўша бевабечораларнинг, хотин-халажнинг елкасида. Ҳа.

Умаров ер остидан Комилга бир қараб олди-да, ўрнидан турди.

— Бир жиҳатдан Инобатхон ҳақ, Эркинжон,— деди у жиддий.— Иккинчи томондан, сиз ҳам қизишманг, Инобатхон. Ҳозир унча-мунча гапни кўнгилга оладиган пайт эмас. Хўш, йигитлар масаласига келсак... Улар қаерда ишлашини ўзларинг ҳал қилинлар. Айтмоқчи, у ёқда меҳмонлар бор. Улар ҳам ёрдам беришар.

— Майли, бир гап бўлар, Умаров ака.

Инобат шунидай деди-ю, Комилни ҳам кутмасдан хайрлашиб чиқиб кетди. Комил жуда ўнғайсиз бир аҳволда қолди. У гарчи Эртоевни яхши билмаса-да, Инобат ҳақ эканини ич-ичидан сезиб турар, чунки Инобатнинг ўрнига даштга борганида ишни жадаллата оладими, йўқми — буни яхши тасаввур этолмас, айни замонда биринчи секретарнинг топширигини рад этиш ҳам қандайдир ноқулай эди.

Комил заготовкани тезлаштириш тўғрисида қатъий буйруқ олиб, райкомдан чиққанида, Инобат толга боғланган отларнинг ёнида хаёлга чўмиб маъюс турарди.

Мана, ўшандан бери бир соатча вақт ўтди, шаҳар боғлари орқада қолиб, олдинда куйган калладай таптақир дашт, паст-баланд адирлар бошланди. Лекин Инобат ҳамон чурқ этмайди.

У бир оз олдинда, тагидаги саман йўрғанинг бир текис юришига мос сал чайқалиб, хаёлга чўмиб ўтирипти. Ёноқлари туртиб чиққан кенг юзида, кунда куйган сарғиш киприкли кўзларида аллақандай бир мунг, дардини ичига ютишга ўрганиб қолган аёллардагина бўладиган бўлакча бир ўйчанлик бор.. Наҳот райкомдаги гаплардан хафа бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, чунки Комил билади: Инобат майда-чуйда нарсаларни кўнглига олаверадиган хотинлардан эмас — жуда содда, оқ кўнгил, пок жувон. Комилнинг асида бор: унинг номи урушдан олдин, машҳур юз центнерчилар билан бирга чиққанди. Комил у маҳалда агротехниклар техникумида ўқир, ёзда таътилга келган чоғларида кўрарди: Инобатхон кечаю кундуз пахтазордан чиқмайдиган, ҳозиргидан ҳам озғин, қотма, нозиккина бир келинчак эди. Шунчалик озғин ва нозик эдики, ҳазилкаш дугоналари доим унинг ёрига тош отишар:

— Полвон ака, овқатнинг ёғлигини ўзингиз еб, Инобатхонга лавлаги шўрва берадиганга ўхшайсиз-а, қуруқ суяги қопти-ю бечоранинг? — деб кулишарди. Ҳошим полвон эса — у чиндан ҳам исми жисмига монанд, олти-етти пуд келадиган пахта тиқилган қанорларни шундоқ кифтига олиб кетаверадиган дуркун йигит эди, соддадиллик билан кулиб жавоб берарди:

— Опаларинг сал семирса мен ҳам жон дердим-а! Қулоғигача сарёққа ботириб боқсам ҳам қовурғасига жир битмаса нима қилай, оппоқ қизлар!

Комил сира эсидан чиқармайди — Инобатнинг худди ўзига ўхшаган нозиккина, қора қош, қора кўз бир синглиси бор эди.

Комил уни мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ севиб қолган, қизнинг ҳам унга кўнгли бор эди. Чунки кейинчалик, Комил техникумдан таътилга келган пайтларда, орасига хат қистириб бировлардан бериб юборган китобларини олиб қолар, хатларига жавоб бермаса-да, китобларининг орасига қизил гул ва райҳон солиб қайтарарди.



Кейин Комил армияга чақирилди-ю, қиз бошқа йигитга турмушга чиқиб кетди. Комилнинг бисотида эса райҳон ва қизил гул баргларига тўла бир даста китоб қолди...

Инобат ўшанда ҳам Комилдан бир хафа бўлган өди, мана энди яна кўнгли қолди.

Комил отининг жilовини силтаб, саман йўрға билан қаторлашди.

— Бир нимадан хафага ўхшайсизми, Инобатхон? Инобат вазиятини ўзгартирмасдан олисларга тикилди.

— Нимага ҳам хафа бўлай? Шунчаки... ўзим.

— Ҳошим акамлар госпиталдан қачон чиқармиш? Хатида айтмаптимми?

— Йўқ. У бечора қаёқдан билсин? Содда одам, оёғи қачон тузалса, шунда чиқадигандир-да! — деди Инобат, сўнг, гулдор рўмолчаси билан мунчоқ-мунчоқ терларини артаркан:

— Сиз... кўнглингизга бир нима келмасин, Комилжон, — деди. — Шунчаки ўзим... аёл киши шунақа бўлади ўзи...

— Наҳот тушунмасам, Инобатхон? Майли, агар лозим бўлса йигитлар қишлоқда қолсин.

— Йўқ! — деди Инобат қатъий. — Сиз улардан фойдаланиб, эшак карвонни икки марта қатнайдиган қилинг. Агар шундай қила олсангиз ҳаммаси ўрнига тушади. Мен бўлсам... Мени қўяверинг, Комилжон. Аёл киши шунақа бўлади ўзи...

Тўсатдан унинг офтобда куйган сарғиш киприклари ғалати титраб кетди-ю, шошиб отига қамчи урди: чуқ, жонивор!...

Йўқ, Инобат ранжиса, фақат ўзидан ранжийди. Комил киму, у ким? Иш юришса бўлди-да! Шунчаки... ҳадеб олти юз гектар ғаллани юзига солишгани оғир тегяпти унга! «Бошда кўрпангга қараб оёқ узатгин эди!» қабилдаги гаплар дилига озор беряпти. Ахир... осонга тушдимми бу «Қатрабод» дашти? Ҳўкиз ва от етмаганда омоч ва плугга сигир қўшиб ер ҳайдаган нозик жувонлар, белларига дастурхон боғлаб кетмон чопган мўйсафидларнинг меҳнати билан бўлди-ку бу ғалла!..

Бултур куз қаттиқ келди. Совуқ бўлди. Шунда ҳам бир киши нолимади. Ойлаб қамиш қапаларда, зах ерларда тунаб, кунда фақат бир маҳал аталаю жўхо-

ри тўқач еб ишлашди. Кимни деб — фронтни деб, урушда юрган севикли ёрларини, жигарбандларини деб бардош қилишди. Ҳа, ҳалиям бўлса боя Эртоев билан юмшоқ гаплашди. Оладигани раислик бўлса — олсин. Қўйиб беришса Инобат ҳозир ҳам жон-жон деб ўз тенги жувонлар билан ўроқ ўради, кетмон чопади, бироқ бу аёлларнинг дилини оғритишга ҳеч кимга йўл бермайди. Ҳеч кимга!

Инобат, гарчи «Қоровултепа»ни ён бағирлаб ўтиш мумкин бўлса ҳам, саман йўргани жўрттага тикка солди, тепага чиққандагина тўхтади ва чеҳраси бирдан ёришиб:

«— Қатраобод!» — деди кулимсираб.

Дашт чиндан ҳам кўркам эди.

«Қоровултепа»нинг этагидан бошланиб, оч яшил денгиздай нафис чайқалган буғдойзор олисларда осмон билан қўшилиб кетарди. Буғдой шундай ўсиқ ва бўлиқ эдики, бу масофадаги пастқам тепаликлар, сойликлар билинмас, фақат баландроқ адирларгина мавж урган тўлқиндай сал кўтарилиб турарди. Лекин энг яхшиси — уфққа туташиб кетган бу азим денгиз тепадан чумоли уясини эслатар, қатор-қатор чайла-ларга, қамиш қапа ва ўтовларга, худди лаган-лаган паловдай уюлган буғдой хирмонларига, тўп-тўп одамлар, от-арава, жуфт-жуфт ҳўкиз, туя ва эшакларга тўлиб кетганди.

Комил тандирдан янги узилган сўлқилдоқ нонни вслатувчи тотли ҳидни тўйиб-тўйиб ҳидларкан:

— Ҳа, хўп ажойиб бир буғдой бўпти! — деди кўнгли яйраб.

Инобат кўзини олислардан узиб унга қаради.

— Қўлимиздан келгани мана шу, укажон, — деди-ю, тўсатдан лаблари титраб отига бир қамчи урди-да, пастга қараб учиб кетди.

Комил унинг кетидан отининг бошини қўяркан, беихтиёр кўнгли эриб:

«— Кафа бўлманг, Инобатхон, — деди ўзича, — мен сизни ҳеч қачон ранжитмайман, ҳеч қачон!»

\* \* \*

Комил йигитларни «штаб» деб аталган қапага бошлаб кириши биланоқ, сепкил юзида кулгичлари ўйнаб:

— Ҳамманг комсомолми? — деб сўради.

Машраб жавоб беролмади, чунки ёш бўлса ҳам кўкрагида Қизил Юлдуз ордени чақнаган бу йигитни кўргандаёқ вужуди аллақандай жимирлаб кетган, унга ҳатто Комилнинг кўкрагига осилган ярадор қўли ҳам ўзига ярашиб тургандай туюлганди.

— Биэми? — деди Қўчқор. — Йўқ, мана девона комсомол, бизлар партиясиз большевиклардан.

— Жуда соз! — кулди Комил. — Демак, сенларга вшак карвонни топширамаиз. Ҳарбийчасига айтганда... Сен икковинг, командиру, Машраб — комиссар! Карвонбоши Ёдгорбек ҳисобланса ҳам, юкнинг оғири сенларга тушади. Хўш, бунга нима дейсанлар, лочинлар?

— Нима ҳам дердик? — деди Қўчқор, — камбағалнинг қорни тўйса бас, у ёғини дўндириб ташлайди.

Комил тўсатдан хахолаб кулиб юборди.

— Тўғри, масаланинг энг муҳими эсдан чиқибди. Қани, бу ёққа юринглар-чи! — У йигитларни хирмоннинг орқасидаги соаликка бошлаб ўтди. Созликнинг четидаги бир туп тол тагида юзлари лов-лов ёнган хотинлар, энгларини шимариб, ер тандирларда нон ёпишмоқда, қозонларда нимадир биқирлаб қайнамоқда эди.

— Ошпаз опа! — деди Комил. — Мана, яна учта азамат келди карвонга. Қоринларини бир тўйдириб қўйинг. Бугун роса иш кўрсатишади бу лочинлар!

Ошпаз опа — элик-элик беш ёшларга бориб қолган узун бўйли, юзи чўтир аёл, ёпилган нонларни даста-даста қилиб ўраркан, кулиб жавоб берди:

— Жоним билан, ўргилай. Булар иш кўрсатишади-ю, мен қоринларини тўйгазмайманми? Қани, эшакларингни тушовлаб кела қолинглар, айланайлар. Ҳой, сен Гулсумнинг ўғлимисан? Опанг Мастура ҳам шу ерда, нариги бригадада ўроқ ўряпти. Кечқурун кўришасан-да энди, болам.

Йигитлар эшакларини тушовлаб соаликка қўйиб юборишди.

Даштдаги жазирамадан сўнг муздай булоқ сувини ҳовучлаб, ё кўкракни захга бериб, юзингни сувга ботириб тўйиб-тўйиб ичишга нима етсин!

Қўчқор устма-уст икки дўппи сув ичиб, ўзини ажриққа отди, худди ёш боладай ағанаб ўйнаркан, хушнуд қичқирди:

— Сургунингдан ўргилай бунақа бўлса, Эртөөв ака!

Шу пайт уч коса арпа гўжа билан учта иссиқ нон кўтариб ошпаз опа ҳам келиб қолди.

— Олинглар, айланайлар, камбағалнинг бир тўйгани бой бўлгани, бир тўйинглар, айланайлар.

Нон, гарчанд арпа қўшилган бўлса ҳам, шундай иссиқ, сўлқилдоқ: ўзиям шундай қизариб пишганки, кўргандаёқ тамшанади киши. Совутилган арпа-гўжачи? Ундан ачиган айрон билан тагига олган қўғирмоч ҳидига ўхшаш сал нордон ва ширин ҳид келади, бу ҳид димоқни ёрвораё дейди!

— Оҳ, оҳ, оҳ!— деди Қўчқор. — Кошкийди бунақа қийинчиликлар кўпроқ бўлса! Қани, мана шу қийинчиликдан ўтиб олайлик, кейин бир гап бўлар!

У билан Машраб нонларини гўжага тўғраб тушириб олишди. Акмал эса нонидан бир бурда синдириб олди-ю, қолганини белбоғига ўраб, хуржунига солиб қўйди: дадаси меҳнат батальонига кетгандан бери жўжабирдек жон унинг қўлига қараб қолган, у, бирор қоп нон орттириб кетиши керак бу ердан!

Машраб, қорнини силаб, ажриққа чўзиларкан: «Ишлар чакки эмас, ўртоқ комиссар!»— деди ўзига ўзи. Назарида, Комилнинг бу бир оғиз сўзида қандайдир бир ҳурмат, тўғрироғи, катта бир ишонч бор эди. Бу ишонч, Эртөөвнинг ҳақоратларидан, наинки Эртөөв, ҳатто Муяссарнинг ўша кеча: «Яшанг, ўртоқ комсомол!» дея отган пичингларидан кейин қалбига нур қуяётгандай бўларди.

Ҳа, ўша кеча Муяссар уни аямади: «Ахир... ҳандалак бўлсаям... Колхоз мулки-ю, нега буни ўйламадинг?» деган гапни такрорлайвериб, ўлганнинг устига чиқиб тепгандай қилди.

Машраб бир-икки марта кўнглидаги бор гапни айтиб юборишга жазм қилди-ю, яна юраги дов бермади.

Қизиқ: бу йил узун қиш оқшомлари Моҳира буниникида йиғилишиб бирга ҳар хил романлар ўқийдиган бўлганларида ёки Машраб — Ғофир, Муяссар — Жамила бўлиб, «Бой ила хизматчи»да ўйнаган маҳалларида бунақа эмас эди. У доим Машрабнинг оғзига қарар, кўзларига термилар эди. Мана энди комсорг бўлди-ю... Майли!

Тўсатдан Қўчқор унинг биқинига бир туртди:

— Юзингни яшир, девона, қайнатанг келяпти.

Машраб унинг қўлини силтаб ташлади-ю, лекин катта йўлда келаётган Қурбон отани кўриб, аллақандай питирлаб қолди.

Қурбон ота ёки қишлоқ болаларининг тили билан айтганда «Ўртоқ Чапаев», қулоғи кесик кул ранг хангисида худди арғумоқда ўтиргандай кеккайиб ўтирар, бошидаги катта кўк фуражкеси ва унга тақилган қизил юлдуз узоқдан ялтиллаб кўринарди.

«Ўртоқ Чапаев» шаҳардан, тўғри почтадан келаётган бўлса керак, катта хуржунининг икки кўзи газеталардан дўппайган, узун қалин қора қошлари туташган, сийракроқ мўйловининг учлари буралиб-буралиб кетган.

Игитлар баравар ўринларидан туришди:

— Салом бердик, ота.

— Ҳорманг энди!

Учови баравар берган салом отага ҳуш ёқиб тушди чоғи, у бир жилмайиб, эшагининг юганини тортди, сўнг, кўзларини қисиб жиддий тикилди:

— Ҳуш, сенлар ҳам кепсанлар-да меҳнат фронтига!

— Келдик, ота!

— Тўғри қипсанлар, — деди ота. — Биз сенлардай пайтимида босмачилар билан олишганмиз! Россияда ўртоқ Чапаев, Ўрта Осиёда мана биз курашганмиз инқилоб душманлари билан. Ҳа! Между прочим, сенинг отанг Аъзам ячейка билан Қилич ҳам бор эди! — қўшиб қўйди у; ер тагидан бир Қўчқорга, бир Машрабга тикилиб.

Қўчқор бошини қуйи солиб, яланг оёғи билан ер чизарди. У боя Қурбон ота: «Россияда ўртоқ Чапаев, Ўрта Осиёда мана биз» дегандаёқ товушсиз титраб кула бошлаган, энди бутун кучини тўплаб, ўзини бошига ҳаракат қилар, чунки ота сезиб қолса қаттиқ панд ейишини биларди. Хайрият, ота энгашиб хуржунидан газета ола бошлади-ю, унинг кулганини пайқамади.

— Мана, — деди у газетани Машрабга чўзиб. — Ҳа, тўхта, китобга ошиқсан-ку сен, мана буни ҳам ол! — Ота газетага қўшиб юлқагина бир китобча берди, кейин қаддини яна тик тутиб, эшагининг юганини юлқиркан, қўшимча қилди:

— Бошқаларга ҳам овоз чиқариб ўқиб бер, ўртоқ Ленин айтгандай, газета-журнал ўқимаган одам сиёсий жиҳатдан кўрдир!

Чол беш-олти қадам узоқлашмаган ҳам эдики, Қўчқор ажриққа ағанаб, қоринини чангаллаб кула бошлади:

— Зап ажойиб қайнатанг бор-да, девона!.. «Россияда ўртоқ Чапаеву, Ўрта Осиёда мана биз!» Ха-ха-ха!

Машраб «Қизил Ўзбекистон»ни ёзаркан:

— Бўлди-да энди!— деди жеркиб.

— О, — кулди Қўчқор.— Қизгинаси жигарингдан ургандан бери отасиям кўзингга иссиқ кўринадиган бўлди-я, девона!

— Қўйсанг-чи, бировни қитиғига тегавермай,— деди Акмал. Лекин Машраб бу гапларни эшитмади ҳам. У кўкрагини ажриққа бериб, газетага киришиб кетганди.

«Душман ҳужумга ўтди. Аҳвол яна жиддий!»— Йирик ҳарфлар билан терилган бош мақола сўнгги пайтлардаги бош мақолаларга ўхшамас, унда ўтган йили душман Сталинградга яқинлашганда вужудга келган бўлакча бир жиддийлик, таҳлика, ҳаяжон, айни замонда кишининг қалбини титратадиган бир куч бор:

Орёл — Курск райони!

Душман бу фронтга ўн бештадан танк дивизияси, ўн тўртта пиёда аскар дивизияси, икки мингдан ортиқроқ самолёт ва бошқа кучларини ташлаган, шиддатли жанглар бошланганди!

Машраб аъзойи бадавни жимир-жимир қилиб, Информбюро ахборотини қайта-қайта ўқиб чиқди, кейин сарғиш жилдли китобчани очди. Таниш исмлар: Ҳамид Олимжон «Қўлингга қурол ол», Ғафур Ғулом «Сен етим эмассан», Абдулла Қаҳҳор «Барон фон Ринг», Борис Горбатов «Она тупроғининг ҳар бир қаричи»... Борис Горбатов... Ҳа, эсига тушди: «Оддий солдат Иван Куликов» деган ажойиб китобчани ёзган одам!

«Дўстим! Сен биров марта «Она тупроғимизнинг ҳар бир қаричи» деган оддий сўзларни ўйлаб кўрганнинг борми?»

Машраб, гўё китобчани биров қўлидан тортиб оладигандай, унга қаттиқроқ ёпишди.

Шу пайт, рўпарадаги довод орқасидан эшакларнинг ҳанграши, «Ол-ол!», «Ур-ур!» деган шовқин-сурон эшитилди-ю, қамишлар чайқалиб, созлиқни эшак қоплади. Эшак эгаларининг кўпчилиги ўн уч-ўн тўрт яшар болалар — ҳаммасининг юзлари чўяндай қорайган, лаблари қуруқшаб ёрилиб кетган, ёқавайрон, оёқлари тимдаланган, қонаган, лекин ўзлари нимагадир хушнуд, гўё оламни сув босса тўпиқларидан келмайди!

Созлик гўё жанг майдонига айланди: тўқимлар, қоплар осмонга учди, бировнинг ҳангиси шаталоқ отиб, бировнинг ургочи эшагини қувиб кетди, орқасидан чопган болаларнинг сўкинган овози, таёқларнинг қарс-қарс синиши оламни тутди.

— Овқат тайёрми, ошпаз опа? "

— Нон-чи? Нон?

— Яшанг, холажон!

— Иссиқ нон денг? Ваҳ-ваҳ-ваҳ!..

Ниҳоят, баъзиларининг кўзи Машрабларга тушди.

— Э, Қўчқор акамларми? Бормисиз оламда?

— Хом семизу, девонаи Машраб ҳам кептилар-да!

Қўчқор болалар билан қучоқлаша кетди. Акмал ҳам айиқдай олишиб ўйнаша кетди, ёлғиз Машраб ҳеч нарсани сезмас, у ҳамон кўзлари газетада эди.

Мақола шундай эҳтирос билан ёзилган эдики, ўзи азалдан кўнгли бўш Машраб кўзларига милт-милт ёш олиб ўқиди. Бир оздан кейин Комил пайдо бўлганда ўрнидан ирғиб туриб олдига чопиб борди.

— Комил ака! Жон ака, мана буни бир ўқиб чиқинг!

— Нима гап ўаи? Тинчликми, дўстим?

— Тинчлик, буни бир ўқиб кўринг. Шунақа зўр ёзилганки, нақ титратади!— деди Машраб энтикиб.— Яна денг, ўзбек жангчиси Сирожиддин Валиев тўғрисида.

Комил қошларини чимириб, юзида кулгичлари ўйнаб китобчани секин варақлади.

— Ҳа... ажойиб мақола!.. Тўхта!— У чеҳраси очилиб кўзлари ялтиллаб кетди:

— Мен болаларни тўплайман. Ўзинг ўқиб берасан!

Бу ўртада болалар қопларини ҳар жой, ҳар жойга ёзиб ошхонадан гўжа билан нонларини таший бошла-

ган, баъзилари узала тушиб овқатга киришган эди. Шунинг учун бўлса керак, Комил уларни мақола эшитишга таклиф қилганда истар-истамас йиғилишди.

Комил чап қўлини ярадор қўлининг устига қўйиб, фронтдаги аҳвол тўғрисида қисқагина гапириб бердида, Машрабга имо қилди.

— Энди сўзни бу ёқдан эшитинглар.

Машраб юзига иссиқ қон уриб, чуқур тин олди, сўнг товуши қандайдир ёқимли титраб ўқишга киришди:

«Дўстим! Ростов, ноябрь кунлари, Дон кечувларидаги музлар, Ростовдаги дорлар, йўлкалардаги дорларга осилган кишиларнинг кўкариб кетган оёқлари ёдингиздами?..»

Машраб бир секунд болаларга зимдан кўз ташлади. Ёнбошлаб ётганлари қадларини тутиб, олдинга сурилиб ўтирганларини кўрди-ю, овози боягидан ҳам қаттиқроқ титраб давом этди:

«— Дўстим!.. Биз сен билан она тупроғимизда жанг қилмоқдамиз. Дон далалари ёшлигимизнинг ҳамроҳи, Шимолий Дон эса, болалигимизнинг дарёси эди...»

Кимдир йўталди. Шу заҳотиёқ «тсс», «жим» деган хитоблар эшитилди.

...«Фарғоналик ўзбек йигити разведкачи Сирожиддин Валиевдан ҳам ажойиброқ жангчи бутун фронтимизда йўқ эди.

Унинг ватанида, олтин Фарғонада, муздай сувлар ариқчаларда жилдираб оқади, Валиев бўлса менинг тутун босган Донбассим учун жанг қилгани келди. Унинг ватанида, шамшод тераклар остида авлодлари тинч ётипти. Сирожиддин бўлса...— Сирожиддин бўлса... шахтанинг ёнидаги жангда ўлди ва шу ерда кўмилди...»

Валиевни дафн қилаётганда бутун дивизия йиғлади, таманлик, темир иродали жангчилар... кўз ёшларини... кўз ёшларини яшира олмадилар...»

Машрабнинг овози баланд пардаларга чиққан дутор торларидай янгради-ю, узилди. У бошини эгиб жим қолди. Шу пайт қаердандир ён томондан, «олларнинг орқасидан, Қурбон отанинг таниш, ҳоким товуши қатъий жаранглади:



«Ўртоқлар! Чапаев авлодининг содиқ фарзанди ҳамда Ватан урушининг довурак жангчиси ўртоқ Сирожиддин Валиевнинг хотираси учун ўринларингдан туришларингни илтимос қиламан!..»

Қурбон ота оғир кўк фуражкасини бошидан олиб кўксига босганича гоз турар, мунчоқ-мунчоқ терлаган дўнг пешанаси, тақир боши мис лагандай ялтирар эди. Лекин ҳеч ким, ҳатто одатда отанинг гапларидан кулиб юрадиган болалар ҳам бу сафар индамас, бошларини қуйи солиб сукут сақлашарди.

Жимликни яна отанинг ўзи буади, юлдузи ярқ-ярқ этган катта фуражкасини тақир бошига қўндираarkan, деди:

— Между прочим, ўртоқ Чапаевнинг ёркин хотирасини қалбимизда қандай сақласак, ўртоқ Сирожиддин Валиевнинг хотирасини ҳам худди шундай сақлайлик ҳамда бунга лойиқ бўлайлик, ўртоқлар!

Отадан кейин Комил сўз олди:

— Фронтдаги аҳволни эшитдиларинг. Вазият оғир. Бундай пайтда бир қадоқ дон ҳам халқимизга мадад. Чарчаб келдиларинг, кўриб турибмиз. Аммо илтимос: хирмонда анча ғалла тўпланиб қолди. Агар барвақтроқ йўлга тушсан яна бир қатнашга улгурамиз.

Негадир ҳамон бошини осилтириб турган Қўчқор биринчи бўлиб жавоб берди:

— Мана биз тайёр, кечаси ташийсанлар десангиз ҳам, йўқ демаймиз!

— Раҳмат, дўстларим!— деди Комил. — Бўлмаса эшакларингни суғоринглар, ҳозир йўлга чиқамиз.

\* \* \*

Бу жуда оғир, олатасир воқеаларга бой, ғалати бир сафар бўлди. Олдин хирмонларга ўтиб, панжалар орасидан шовиллаб оққан оппоқ буғдойни катта жун қопларга қоплашди, кейин эшакларни қузиб келишди.

Эшаклар ҳар хил, бировда айғирдай депсинган ҳанги бўлса, бировда елкаси яғир бўлиб кетган қирчанги урғочи эшак, яна бировларда хўтик. Бироқ ортилган юк бир пуд-ярим пуд бўлмаса кўп фарқ қилмайди — ҳангиам эшак, хўтик ҳам эшак!

Болаларнинг кўпчилиги ўн уч-ўн тўрт ёшдан ошмайди. Шунинг учунми, уларнинг хатти-ҳаракатларида болаларга хос бўлакча бир шўхлик ва бепарволик бор, гўё бу иш улар учун оғир меҳнат эмас, шунчаки бир ўйин.

Улар тинимсиз тегажаклик қилишади, бир-бирларининг эшакларини савалашади, суришади, ҳатто улоқ қилиб тортқилашади, аския ва мазах қилишиб сабабсиз хахолашади.

«Қатраобод» билан шаҳар ўртасидаги масофа ўн олти-ўн саккиз чақирим келади, бир-икки жойда кесиб ўтадиган сувсиз сойлар бўлмаса, бу масофанинг ҳаммаси ёнғоқ отса юмалайдиган теп-текис дашт. Фақат олис-олисларда, саратон қуёшида ёниб кетган тепаликлар, паст-баланд адирлар қорайиб кўринади... Қуёш ғарбга ёнбошласа-да, ҳануз тафтидан тушмаган, аксинча, гўё баттар авжига чиқиб, дашт мисоли қизиган тандирга айланган. Бутун кенг далада бирорта жонли махлуқ кўринмайди, ҳатто одатда кўкда мағрур сузиб юрадиган бургут ва калхатлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлган, гўё осмон бағрига сингиб кетган. Фақат, сарғая бошлаган тўнғиз тароқлар орасида гоҳо юмронқозиқларнинг муғомбир тумшуги бир кўришиб, яна йўқолади. Ўқтин-ўқтин бир парча жонли тилладай ялтиллаб бузоқбоши ўтади, баъзан оёқ остидан хипчиндай тебраниб ингичка ўқилонлар чиқиб қолади.

Қатта йўл арава қатнайвериби, тупроғи тиззадан келади, шунинг учун «эшак карвон» йўл ёқасидан юришга мажбур. Бироқ бу ердан юриш ундан ҳам мушкул, чунки оёқ ости туршакдай ғадир-будур тошлар ва тўнғиз тароқ билан қопланган. Шунинг учун йўлнинг учдан бирини ўтмасданоқ бояги хуррамликдан асар ҳам қолмади. Бу ҳам етмагандай чарчаган эшаклар тез-тез қоқила бошлади-ю, кўпчилик болалар пиёда чопқиллашга тушди.

Бир-бирига тегмай учган оёқлар қоп-қора бўлиб, шилиниб, тирналиб кетган, боя булоқ сувига ювинган-да мис барқашдай товланган чеҳралар ҳозир чўяндай қорайган, лаблар қаттиқ қисилган, қизарган кўзлар олис-олисларга, адирлар ортида саробдай дам нишона бериб, дам ғойиб бўлаётган шаҳар боғларига тикилган.

Машраб бу оёқлардан, бу чўян юзлардан кўзини узолмай, зипиллаб бораркан, юраги қандайдир илиқ акалик меҳрига тўлади, эсига негадир урушдан олдинги илиқ ёз оқшомлари тушади. У маҳалда, ҳар куни кечқурун бу ёшдаги болалар пода кутиб сойга йигилишар, қўш ёнғоқ пишганда кеча-ю кундуз ёнғоқ отишар, аксарият тўғон бўйидаги азим теракларни марра қилиб, тараф-тараф бўлиб беркимачоқ ўйнашар, негадир яқиндаги боғларга яширинмай, болохона ва сомонхоналарга бекинишиб, тонг отгунча излашиб, қувлашиб чиқишарди. Булар бўлса... эҳ, уруш!

Машраб ўзи ҳам бундай оғир сафарга биринчи чиқиши эмасми, сувдай оққан тердан кийимларини сиқса бўлади, тиззалари қалтирайди, лекин тишини тишига қўйиб:

— Яна бу киши комиссар эмиш! — дейди ўзича. — Сен бу норасидаларга, бу чўян юзларга бир қараб қўй, комиссар!

Эшакдан тушиб пиёда кетаётганлар орасида Акмал хом семиз ҳам бор. У, семизлиги етмагандай, маймоқ ҳам эмасми, пиёда чопқиллаш унга бошқалардан ҳам қийин: пешанасидан оққан тер юзидаги чангга қўшилиб қора лойга айланган. Ўзи ҳам ҳансирайди, гоҳо-гоҳо хўтигидан орқада қолмаслик учун оғир лўкиллаб, маймоқланиб югуради, шундай бўлса-да, Қўчқорнинг илтифотига кўнмайди, лабини ўжарлик билан қисиб боради.

Эшак карвон икки сойни ўтиб, шаҳарга олти-етти чақирим қолганда тўсатдан олдинги эшаклардан бири суриниб кетиб катта йўлга йиқилди-ю, қора булут орасида қолди. Унга қоқилиб яна бир-иккитаси гурс-гурс ағдарилди.

Қий-чув тўполон даштени тутиб кетди.

Кўтарилган тўзон сал тарқалгач, ўртада эшагига суяниб қолган озгингина қора бола кўринди. У эшагининг қулоғига ниманидир пичирлаётгандай бўйнидан қучоқлаб турар, ағдарилган қопи ёнида ётарди.

Ён ёқдан дарҳол:

— Ие, «Информбюроми?»

— Нима бўлди, «Информбюро!» — деган хитоблар эшитилди.

Орқадан саман йўргасини қамчилаб етиб келган Ёдгорбек ўшқириб берди:

— Кўзингга қараб юрсанг ўласанми, дардисар?

Ёдгорбек «Қатрасбод»дан чиққандан бери бир та-розибонликдан бўшатиб, эшак карвонга юборгани учун Комилдан ранжиб, бир болалар уни писанд қилмасдан олатасир боришларидан ғижиниб келарди. Энди ўзини кўрсатиб қўядиган пайт келганини сезиб, авжига чиқа бошлаган эди, Қўчқор эшагидан сакраб тушиб йўлини тўсди:

— Кўп ўдағайлайверма! Кўриб турибсан-ку бола бечоранинг аҳволини!

У «Информбюро»нинг ёнига ўтиб елкасига қўлини қўйди:

— Бир жойинг оғриб қолдим, оғайни!

Қора бола секин бошини кўтарди. Ёноқлари туртиб чиққан озғин юзида аянчли ва айни маҳалда шўх табассум жилва қилди:

— Йўқ, оғриққа бало борми? Шунчаки... Мас-лаҳатлашиб турибман қора дулдулим билан!

Хушнуд қаҳқаҳа кўтарилди.

— Хўш, нима дейди қора дулдулинг?

— Кечирасиз, мудроқ босиб билмай қопман дейди, тентак!

Кулги босилар-босилмас кимдир қичқирди.

— Тағин қанақа янгилик бор оламда? Сўраб кўргин дулдулингдан.

— Сўраганда қандоқ, Жўравой. Дулдулим айтди: асти хафа бўлма, хўжайин, ошпаз опамлар бугун хўп ажойиб угра оши қиляптилар, деди.

— Ростданми, Информбюро?

— Информбюро бўлади-ю, ёлгон ахборот берадим, каллаварам?

Қора бола кулиб гапирса ҳам юра олмас — оёғи қайрилиб қолган эди. Қўчқор унинг эътирозларига қулоқ солмасдан даст кўтариб ўз ҳангисига миндирди, сўнг, камида тўрт пуд келадиган қопни бир силташда кўкрагига олиб, «қора дулдул»нинг белига ташлади-да, қичқирди:

— Қани кетдик, жўралар!

Иссиқдан, чангдан, йўл азобидан толиқиб, мудроқ боса бошлаган болаларга «Информбюро»нинг гаплари бир сабаб бўлди-ю, яна сал жон кирди. Бу ўртада шаҳар ҳам яқинлашиб қолди. Кўм-кўк боғлар орасидан осмонга бўй чўзган машҳур водопровод башни.

си — у шунинг учун ҳам машҳур эдики, шаҳарда темир йўл станцияси билан бирга қурилган биринчи янгилик эди — кўринди. Сал юрмай, станция томондан паровоз гудоги эшитилди, кейин туташ боғларни ёриб катта состав отилиб чиқди-да, уфқдаги қирларга томон йўналди. Эшиклари ёпиқ қизил вагонлардан, гумбаздай цистерналардан, брезент ёпилган сирли контейнерлардан иборат бу состав шундай узун эдики, сира орти кўринмасди!

— Бир, икки, уч, ўн олти, ўттиз тўрт!

Ниҳоят, узун состав тугади, кўк ва қизил фонарь осилган охириги вагон тепалик орқасида ғойиб бўлди...

Темир йўлни, олис нотаниш ўлкаларга кетаётган поездни кўрганда кўзлари ўйнамаган, паровоз гудогини эшитганда дилида ажиб ораулар уйғонмаган, юраги жиз-жиз этмаган қишлоқ боласи бормикин?

Ҳозиргина боғлар орасидан чиқиб, қирлар ортида йўқолган бу поезд ҳам ҳамманинг юрагини ўйнатиб, хаёлларини ўзи билан олиб кетди, оғир меҳнат билан ўтаётган бир-бирига ўхшаш кунларда мисоли «ярқ» этган бир юлдуз бўлди...

Улар «сирли» поезд тўғрисида баҳслаша-баҳслаша «Заготзерно»га бориб қолганларини ҳам билмай қолишди.

«Заготзерно» деганлари темир йўлнинг орқасида, семафорнинг рўпарасида эди. Бу — деворларига: «Ҳамма куч, ҳамма ғалла фронт учун!» деб ёзилган, қизил ғиштдан қурилган, катта дўнғалак бино бўлиб, атрофи баланд девор билан ўралган, деворнинг устидан тиканли сим тортилган.

Қўрғоннинг учта катта дарвозасидан ташқари поезд кирадиган тўртинчи дарвозаси ҳам бор, бу дарвоза уни айниқса салобатли қилиб кўрсатади.

Лекин ҳаммадан ҳам дарвозалар олдида йиғилган аросат от-улов ҳайратга солади кишини!.. Бу ерда алмисоқдан қолган эски қўқон арава, ҳўкиз қўшилган бричка ва шотили аравалардан тортиб, эшак араваларгача бор, даштни бошларига кўтариб бақирган кортуялардан тортиб, хачиргача топилади. Эшакнинг эса сон-саногги йўқ.

Бу оломон, бу аросат, бақирган туя ва тўп-тўп эшак карвонлар орасида йўқолиб қолиш осон, зотан,

кимга учраш, галлани кимга топширишни ҳам англаб олиш қийин.

Карвонбоши Ёдгорбек ҳам биринчи келиши эмасми, кўзлари олазарак бўлиб, шошиб қолди. Лекин «эшак карвон» ҳали дарвозага етмаган ҳам эдики, қаердандир бақалоққина бир одам тарвуздай юмалаб чиқди-да, ҳарсиллаб югуриб келди. Нима қилишини билмай, саросимага тушиб қолган Ёдгорбек, уни кўриб:

— Э, бормисиз, Эшвой ака! Сиз йўқмикинсиз, деб қўрқиб кетибман!— деди қувониб.

— Биз шўтта бўлмай, қатта бўламиз, акаси?

— Карвонбоши ўзлари бўптилар-да? Балли, балли! Қани, йигитларни жадалланг, акаси. Тагин бир оз кечиксак, тунаб қолишга тўғри келади, акаси жонидан!

Эшвой ака карвоннинг олдида тарвуздай юмалаб, учинчи дарвозага бошлаб борди. Бу ерда оломон нисбатан оз, навбат кутаётганлар ҳам тезроқ силжимоқда эди.

Эшвой ака Ёдгорбекни етаклаб от-аравалар орасига шўнғиди. Болалар ўзларини ерга таппа-таппа ташлаб чўзила кетишди, баъзилар дўппиларидан игна олиб, товонларини ковлашга киришди.

Қаердандир «Информбюро» пайдо бўлди, қаттиқ оқсоқланса ҳам, хушвақт тиржайиб хабар берди:

— Ҳозир навбатсиз топширадиган бўлдик. Йўлини қилди, Эшвой акамлар!

Дарҳақиқат, лаҳза ўтмай, тарвуздай юмалаган бақалоқ билан Ёдгорбек етиб келди. Эшвой ака навбат талаб қилиб йўлни тўсганларга:

— Пландан ташқари Қизил Армия фондига толшириляпти бу буғдой. Олдин планингни бажар, кейин йўл тўсасан, нодон!— деб ўшқириб берди ва тинимсиз «пўшт-пўштлаб», карвонни дарвозадан олиб ўтди.

— Ҳозир ер тарозига чиқамиз. Биласанлар-а, лочинлар?

— Биламиз, биламиз!

Машраб «ер тарози» деганларига тушунмай ҳайрон бўлди, фақат ликиллаб турган тахта полга чиққанларида ва гуж бўлиб бир лаҳза тўхтаганларидагина фаҳмлаб қолди: ер тарози деганлари қимирлаб турган шу тахта пол экан!

Заготпунктнинг одамлари эшакларни санашди!

— Қирқ саккизтами?

— Қирқ саккизта!

— Гатоп!

Эшак карвон баланд қизил бинонинг қўш тавақали дарвозасига бориб тўхтади.

— Қани, лочинлар, тагин бир зўр беринглар!— Эшвой ака шўх чақнаган кўзларини Қўчқор билан Машрабга тикди:

— Келганларинг зап яхши иш бўпти-да, лочинлар. Ёрдамлашиб юборинглар мана бу жўжахўрозларга!

Машраб бу гапларнинг маъносига тўрт пуд келадиган бир қоп буғдойни елкалаб қалтис тахталардан юриб, тоғдай уйилиб ётган буғдойнинг устига чиқа бошлаганидагина тушунди. Буғдойнинг баландлиги икки қаватли бинога тенг, тахталар эса шундай тик қўйилганки, Машраб, ярмига бормасданоқ тиззалари қалтираб қолди. У ҳар уч қадамда бир тўхтаб, нафасини ростлай-ростлай тепага зўрға етди, қопни ағдарди-ю, мувозанатини сақлай олмай ўтириб қолди. Лекин ўз қопимни тўқдим деб, четта чиқиб туриш мумкин эмас, чунки «жўжахўроалар»нинг кўпчилиги бу «тоққа» тўрт пуд тугул, бир пуд юкни ҳам кўтариб чиқолмасди.

Ўлимдан номус. кучли деганларидек, Машраб, гарчанд тиззалари қалтираб, тўхтаб-тўхтаб бўлса ҳам, тагин уч-тўрт марта қатнади, кейин, юришгаям мадори қолмай дарвозанинг соясига чўзиларкан, истеҳзо билан кулиб қўйди:

«Яшанг, ўртоқ комиссар!»

Машрабдан кейин даврада фақат Қўчқор билан... Акмал хом семиз қолди!

Қўчқорнинг бундай пайтларда ишга жон-дили билан киришини, айниқса одамлар мақтаб турган пайтларда пойгага тушган чопқир отдай ўзини аямаслиги маълум.

Мана, ҳозир ҳам, у шилта кўйлагини ечиб ташлаб, қип-қизил танаси мисдай ялтиллаб, жон-дили билан берилиб ишляпти, тўрт пудлик қопларни бир силташда кифтига олиб, тик тахтадан чопқиллаб чиқиб, чопқиллаб тушади, шиф-шиф терлаган пешанасини кафти билан сидириб ташлаб, елкасини «жўжахўрозларга» тутади:

— Қани, бир силташда қўйинглар!

Лекин қизиги шундаки, Акмал ҳам ундан қолишмас эди. Рост, унинг айиқдай кучли эканини ҳамма биларди, бироқ оёғи маймоқ бўлгани учун бундай пайтларда кўп жонбозлик кўрсатавермас, Қўчқорга ўхшаб одамларнинг мақтовларига ҳам унча учавермас, умуман, бир оз дангасалиги ҳам бор эди.

Ҳозир эса, у ҳам қўйлагини ечиб ташлаган, гўштордор, бўлиқ гавдаси лорсиллаб, тўрт пудлик қопни енгилгина кифтига олиб, оқсоқланса-да, ҳеч жойда тўхтамасдан тўкиб тушяпти. Тагин Қўчқорга ўхшаб мақтовларга эътибор бермайди, танасидан сув бўлиб оқаётган шиғ-шиғ терларни ҳам артмайди, фақат гоҳо-гоҳо:

— Сув!— деб қўяди ҳансираб. Сўнг, бир коса қудуқ сувини бир шимиради-да, тагин қопга тармашади.

Машраб бор кучини йиғиб ўрнидан турганда кўп бўлса етти-саккиз қоп ғалла қолганди.

— Бормисан, девона! Комиссар деган мана бунга қа бўпти!— қичқирди Қўчқор.

Машраб бу сафар телага кўп бўлса икки-уч марта чиқиб тушди, лекин назарида, қолган бўтун иши бир бўлди-ю, шу икки-уч қоп буғдой бир бўлди, чунки ғаллани тўкиб бўлиб, «Заготзерно»дан чиққанларида ўзига нисбатан дилида қандайдир бир ишонч, ҳатто ҳурмат уйғонганди.

\* \* \*

Мастура!

Унинг қўлларидай майин, илиқ, меҳрибон қўллар борми оламда? Унинг бармоқларидай нозик, кишининг бошини силаганда қалбини нурга тўлдириб, дилини равшан қиладиган бармоқлар бормикин дунёда?

Одатда опа-сингил, ака-укалар унча иноқ бўлавермайди, бироқ Машраб эсини танийдики, қулоғида Мастуранинг меҳрибон, мулойим овози янграйди.

Илгари, Мастура турмушга чиқмасдан бурун, Гулсум опа ёки Аъзам аканинг тазйиқи ўтган маҳалларда ёки бирор гуноҳ килиб қўйиб калтак ейиш хавфи туғилган пайтларда, Мастура билан Машраб



бирга бекинишар, ғазаб ва калтакни бирга баҳам кўришарди.

Аксарият Мастура орага тушиб, аччиқ калтаклардан қутқариб қолар, қутқара олмаганида эса, бирор холи бурчакда унинг бошини кўксига босиб, бирга йиғлар, бирга кулар эди.

Машраб ўз сирларини, дард-ҳасратларини бемалол, бежавотир айта оладиган, мазаҳ қилишидан қўрқмай ўртоқлаша оладиган биттаю битта одам... Мастура!..

Машраб уни яхши кўришига яна бир сабаб — Мастуранинг поччасига бўлган муҳаббати, садоқати.

Мастуранинг севгиси, чидами, ҳижрон доғлари (мана уч ойдан ошдики Расулжондан ҳам хат йўқ) унинг ўзидай пок, чиройли, самимий! Эҳтимол, шунинг учундир. Машраб вафосизлик тўғрисидаги китобларни ўқиса, ё эркаклар оғзидан хотин-қизлар ҳақида шалоқ гаплар эшитса эсига ҳамиша Мастура тушади-ю, бутун вужуди исён кўтаради, бундай гапларнинг биронтасига ишонмайди.

У Муяссар тўғрисида ўйлаганида ҳам хаёлига дом Мастура келади, Муяссар ҳам Мастурадай бўлишни орзу қилади.

Меҳрибон, жафокаш, заҳматкаш опа!

Кападаги мойчироқ шуъласида аллақандай тилла учқунлар сочган кўзларини Машрабнинг кўзларидан узолмайди, қорайиб дағаллашиб қолган кафтлари билан укасининг қўлларини сал ийманиб, гўё унинг капкатта йигит бўлиб қолганини эндигина сезгандай, тортиниброқ силайди.

У озиб, қўлларини янтоқ тирнаб, лаблари ёрилиб кетган бўлса-да, чеҳраси тиниқ қорамағиз тусга кирган дудоқлари бурунгидай мулойим, ёқимтой. У Машрабнинг сўзларини аллақандай, яшнаб, меҳрибон сарғиш кўзлари пор-пор ёниб эшитади, қайта-қайта савол беради, сўнг бир энтикиб:

— Поччангдан... Хат йўқдир, албатта,— дейди секин.

— Йўқ...

— Ашрафжондан-чи?

— Ундан ҳам.

Мастуранинг киприклари титрайди, ёрилган лаблари қаттиқроқ қисилади.

Машрабга шундай туюладики, гўё Мастуранинг

киприклари титраганда унинг дилидаги қандайдир но-  
вик, нафис торларга тегиб, ҳазин куйлар янграйди. У  
ўтирган жойида эгилиб, Мастуранинг дағал қўлини  
ўпгиси келади, лекин шу пайт, Мастура секин «уҳ»  
тортади-да, сўрайди:

— Фотима қалай? Яхши юриптими?

— Юрипти, дуруст.

— Зухра-чи?— деди Мастура ва кўзлари ялтиллаб  
жилмайди. У ҳеч қачон «Фотима Зухра» деб гапир-  
майди, ҳар бирини аҳолида-алоҳида айтади, афтидан,  
унинг учун иккиси икки бошқа олам!

— У ҳам тузук... Уйнаб юришипти бувимларни  
қўлида!

— Бувижон!— дейди Мастура ва бирдан тошқин-  
дай ёпирилиб келган меҳр-муҳаббатдан юраги тўлиб,  
хитоб қилади:— Бувижонгинам! Қалай, яхши юрип-  
тиларми? Ҳали-ҳали ўшандаймилар?

— Йўқ, жуда ўзгариб, ёшариб кетганлар!

— Сен кулма!— деди Мастура ва ўзи ҳам жил-  
майди.— Баъзан шундай туюладики, худди қишлоқ-  
дан кетганимизга бир ой эмас, бир йил бўлган. Рост-  
рост!— деди у, кейин ниманидир эслагандай Машраб-  
нинг қўлини ушлади:

— Барно-чи? Кўрдингми уни?

— Кўрдим,— деди Машраб.— Юрибди шекилли  
ишлаб.

Мастура Машрабнинг кўзларига қадалиб қаради.

— Нега бундай дейсан?

— Нима дедим? Юрипти ишлаб. Шу...— Машраб  
бўлган воқеаларни бир айтгиси келди-ю, яна ўзини  
тутди. Гапни бошқа томонга буриш учун:

— Узинг-чи?— деди.— Аҳволинг қалай? Қийнал-  
маялсанми?

— Йўқ, нега қийналарканман? Урганиб кетдик...—  
деди Мастура ва Машраб ҳадеб қўлига қараётганини  
пайқаб қолиб, ёш боладай орқасига яширди.— Ҳадеб  
қарайверма!— кулди у.— Дастлабки кунлар тажриба-  
сизлик қилиб тўнғизтароққа тирнатиб олдим. Ҳозир  
шунақа ҳам абжир бўлиб кетдимки, бир кунда чорак  
гектар ўрялман. Рост, рост. Нега куласан?

Лекин Машраб Мастуранинг гапларидан эмас,  
унинг овозидаги ғурурдан, болаларга хос самимий қу-  
вончдан жилмаярди. Мастура эса унинг илжайишини

бошқа маънода тушуниб, ўз бригадалари тўғрисида қизишиб ва фахрланиб гапира бошлади.

Бригадалари, гарчанд «зиёлилар бригадаси» деб аталса ҳам, бошқа ҳеч бир бригадadan қолишмас, балки ўзиб кетганмиш!

Мастуранинг айтишича, улар кундуз кунларигина эмас, баъзан ойда ҳам ўроқ ўришган, Мастура эса, амбулаториянинг фельдшери бўлгани учун врачлик ҳам қилган. Бугун Мастура унинг келганини эшитиб, сал олдин кетган, тўғрироғи, бригадирлари Қурбон ота ўзи юборган, бошқалар ҳанузгача далада...

Мастура бунинг ҳаммасини қандайдир шошиб-пишиб, ҳам севиниб, ҳам ғурурланиб гапираркан, кўзлари ёниб сўради:

— Жуда зўр нарса ўқиб бериб ҳамман титратиб юборган эмишсан. Ростми?

— Ҳа, шу...— деди Машраб қизариб.— Кошки мен ёзган бўлсам! Битта катта ёзувчининг мақоласи.

— Қурбон ота шундай мақтадиларки, ўзинг ёзипсан, деб ўйлабмиз!— кулди Мастура.

Узоқдан жўр бўлиб айтилган ҳазин қўшиқ эшитилди.

— Қизлар қайтишяпти,— деди Мастура.— Чарчоқ нималигини билмай ишлашади бечоралар... Фронт, фронт дейишади, бироқ фронтдан осон бўлаётган йўқ бу ер!

Қўшиқ тобора яқинлашиб, бирдан шўх лапарга айланди:

«Ариқ бўйини ўй,  
Гулазорларга сув қуяй.  
«Қизсан» деманг, аяжон,  
Аскарликка қўл қўяй!»

Капанинги ёнгинасига келганда қиз-жувонлар қандайдир шўх бир қайсарлик билан такрорлашди:

«Қизсан» деманг, аяжон,  
Аскарликка қўл қўяй!»

Сўнг, фиғонга тўла бир овоз:

— Рост, айланай қизлар!— деди куюниб.— Агар Муроджонининг ёнига юборишадиган бўлса, сира

ўйланиб ўтирмасдим. Ҳозир кетардим ўша фронт деган балойи азимларига!

— Қўй, шукур қилгин, жонгинам!— деди бошқа бир босиқроқ товуш, лекин қизлар атрофдан унга ёпишиб кетишди:

— Нимасига шукур қилайлик!

— Рост айтади, дугонам! Еридан айрилиб бу ерда юргунча, бирров дийдор кўришиб ўлган яхши!

— Сабр қилгин, сабр таги сариқ олтин, деганлар эскилар.

— Қўйинг опажон, «узоқдаги думба»дан яқиндаги ўпка яхши!

— Қани ўша ўпка ўлгир? Ўпка тугул талоқ ҳам йўқ-ку, дугонажон?

Қизлар даштни бошларига кўтариб қийқириб кулишди. Мастура кулимсираб ўрнидан тура бошлаган эди, капага кирган қизлардан бири тўсатдан:

— Вой, ўлмасам, бу ёқда кап-катта йигит бор демайсиз-а, Мастурахон опа!— деб кулди. Қизлар ёпирилиб капага киришди.

Машраб қафасга тушган мусичадай ўзини қаёққа уришни билмай қолди. У мойчироқ шуъласида оппоқ чақнаган тишларни, шўх қора кўзларни кўрар, назарида, қизлар тутиб олиб қитиқлаша бошлайдигандай аъзойи бадани тотли жимирларди.

Ҳар ёндан илтимослар ёғилди:

— Яхши шеър ёзибсиз, деб эшитдик, ўқиб бering, Машрабжон!

— Ўқиб бермасалар чиқармаймиз кападан!

— Қаёқда дейсиз, бизни назарларига ҳам илмайдилар шоир акамлар!

Хайрият, Машрабнинг бахтига Мастура бор эди! У қизлар билан ҳазиллашиб, кулишиб, укасини уларнинг қуршовидан қутқариб олди.

Қоронғида ўнқир-чўнқир жойлардан эҳтиёт билан юриб бораркан, Мастура секин деди:

— Нима қилишсин: ҳаммаси ёш, ҳижрон ўтида куйишади бечоралар!

Қизларнинг капасидан бошқа капаларда жинчироқлар ўчган, фақат хирмонларда қўш-қўш фонарлар ёниб турипти. Уларнинг хира нурида буғдой янчаётган одамларнинг «пўшт-пўшт» деган уйқули овозлари келади, гоҳо қамчининг заҳарли чарсиллаши, таёқнинг

«қарс» этиб синиши ва ғазабли ҳайқириқ эшитилади:

— Оқсамай ўл, аблаҳ, ким айтади сени эшак деб Их-их!

Опа-ука қоронғида тоғдай қорайиб турган буғдой ғарами ёнида тўхташди. Мастура Машрабнинг пешанасидан ўпди:

— Ҳадемай тонг отади. Дамингни ол.

— Сен ҳам.

Машраб уйилиб ётган буғдой ғарамларини айлана-айлана булоқ бўйига зўрга етиб борди. Тағларида похол, бошларида тўқим, жун қопларга ёпиниб бужмайиб ётган болалар орасидан Қўчқор билан Акмални топиб, юмшоқ похолга чўзилди, кўзи уйқуга кетаркан, ўзича жилмайиб деди: «Даштдан қўрқитмоқчи эдилар. Уйладиларки бардоши етмай, дод деб юборади деб. Йўқ, кечирадилар, ўртоқ Эртоев, чидаймиз. Фронт учун чидаймиз, ака. Ҳа!»

### Бешинчи боб

Муяссар қабристондаги бойўғлининг ваҳимали «ҳув-ҳув» лашидан уйғониб кетди-да, қайта ухлай олмади.

У йигитлар даштга кетгандан кейин Гулсум опа сувга одам тополмай қийналганини кўрса ҳам, маңа шу ваҳималардан қўрқиб индамай юрган эди. Бироқ кечаги мажлисдан кейин индамасликнинг иложи қолмади.

Муяссар бу мажлисга бормоқчи эмас эди, кечқурун ишдан қайтаётганда Гулсум опа чақириб олди-да, идорага бошлаб борди.

Улар борганда бригадирлар йиғилган, Инобат тўрдаги катта столнинг ёнида туриб гапирмоқда эди.

Мулойим кўзлари аллақандай қисилган, ёноқлари бўртиб чиққан, қорамағиз юзи ловиллаб ёнар, овози кескин янграрди. Қўлида на бир қоғоз, на бир дафтар, у ғўзаларини ўт босган звено бошлиқларини, сув бостириб юборган сувчиларнинг номларини ёдаки айтиб, шафқатсиз танқид қилар, бригадирларни ўринларидан турғазиб қўйиб сўроққа тутар, ўзларини оқламоқчи бўлганларнинг гапларини бўлар, умуман фақат бир нарсани — ғўза ўтдан қачон тозаланади — шуни би-

лишни истар, холос... Ҳзиям гап эшитмаган биттаю битта одам — Гулсум опа бўлди. Инобат негадир «зиё-лилар бригадаси»ни тилга олмади, бироқ мажлис ту-габ, Гулсум опа ўрнидан тура бошлаган эди, сиз қо-линг, деган маънода имо қилди-да, келиб кўришди:

— Ҳорманг, опа, аҳволлар қалай?

Гулсум опа истеҳзоли кулимсиради:

— Ҳаммасини кўриб-билиб туриб аҳволимни сўраб нима қиласиз, жоним?

— Биладан... Билганим учун ҳам сизга бир нима дейишга тилим бормади. Бироқ, мен нима қилай, опа-жон?

Инобат кўзалари жавдираб, Муяссарга қаради. Шун-дан кейин Гулсум опа ҳам сал тушди-ю, икки аёл ол-дин одам етишмаслигидан шикоят қилиб кетишди, ке-йин бу мушкулдан қутулишни ўйлаб, минг бир кўчага кириб чиқишди. Бироқ қайси кўчага киришмасин, ҳам-масининг боши берк, айниқса сувчилар масаласи иш-кал эди.

Инобат билан Гулсум опа ўйлай-ўйлай, охири меҳмонларга мурожаат қилишга аҳд қилишди. Лекин бу гапни уларга айтишдан олдин Гулсум опа Серафи-ма Федоровна билан маслаҳатлашиб олишни лозим кўрди.

Серафима Федоровна қишлоққа келгандан бери анча ўзига келиб қолган, кечқурунлари каравотини айвонга чиқартириб, ён-верига ёстиқ қўйиб ўтирар, «нишламай нон ейишдан» эзилиб, кечаю кундуз русча-ўзбекча луғат ўқир, мактаб очилса дарс беришни орзу қиларди. Лариса эса Моҳира бувига қарашар, баъзан кечқурунлари пахтазорга чиқиб, Муяссарга ёрдам-лашган бўларди.

Гулсум опа идорадан чиқиб, тўғри Моҳира буви-никига кетди. Муяссар эса, кўнгли бир хил бўлиб, уйларига қайтди.

Гарчи, Инобат билан Гулсум опа унга қаттиқ те-гадиган бир гап айтмаган бўлса-да, уларнинг ҳамгин суҳбатлари қизни минг хил ўйга солиб қўйди: ахир, наҳот эл бошига иш тушган бу оғир кунларда у ақал-ли даштга кетган йигитларнинг ўрнини билдирмай-диган бир иш қилолмаса?.. Йўқ, Муяссар меҳнатдан қочмайди. Фақат кечалари бу кенг пахтазорда ёлғиз қолиш, қир ён бағридаги эски қабристоннинг ваҳи-

маси босиб сув суғориш... Ёлғиз шундан қўрқади Му-  
яссар!

Қабристоннинг ваҳимаси эмиш! У тенг қизлар ҳо-  
зир фронт учун нималар қилмаяпти! Ана ўз опаси  
Зебо ўт ичида юрипти! У бўлса ўзиям бу йил қишда,  
Машраб қўйган пьесаларда гоҳ Жамила, гоҳ парти-  
зан қиз ролида чиқиб, оташин монологлар ўқиб юр-  
маганмиди? Бундан чиқди, саҳнада бошқа, турмушда  
бошқа экан-да у!

Муяссар ўйлай-ўйлай охири қизларни йиғиб гапла-  
шишга аҳд қилди.

Бугун эрталаб уни Гулсум опа уйғотди.

Муяссар шоша-пиша унга кечаси ўйлаган ўйла-  
рини гапира бошлаган эди, Гулсум опа:

— Раҳмат, жоним. Жуда яхши ўйлабсан буни,—  
деди. Кейин ҳаяжонланиб қўшимча қилди:

— Ҳозир ойимларникига меҳмонлар йиғилишади.  
Ёшлар ҳам бор. Юр, сен ҳам бирга бўлгин суҳ-  
батда.

Гулсум опанинг бунчалик ҳаяжонланиши бежиз  
эмас экан. У Моҳира бунининг боғига йиғилган йи-  
гирма чоғли аёлларнинг орасига кириб, ишдан гап  
очган ҳам эдики, четроқдаги олманинг соясида ўтир-  
ган Святковская деган опа-сингилларнинг бири, чир-  
силлатиб писта чақаркан, луқма ташлади.

— Сиз нима деяпсиз ўзи? Ўйлаб гапиряпсизми?  
Гулсум опа негадир шошиб:

— Нима қилди?— деган эди, опаси ўрнига синг-  
лиси жавоб берди:

— Сиз газета ўқийсизми ўзи? Бизларга ғамхўр-  
лик қилиш тўғрисидаги гапларни эшитганмисиз?

— Ҳа, эшитганман,— деди Гулсум опа.— Бироқ...

— Яна кўпчилик касалманд...

— Буниям биламан...

— Билсангиз енгилроқ иш топиб беринг!

— Енгилроқ иш бўлмаса илож қанча?

— Топиб беришга мажбурсиз!— Бу сафар опа-  
сингил баравар луқма ташлашди, кейин ёшроғи ла-  
бини сал буриб:

— Идорадаги гўзал хонимча келинингиз деб эшит-  
дик,— деди ва кулди.— Келинингизга айтинг— бўша-  
тиб берсин стулини. Виз ҳам уддасидан чиқамиз ўша  
ишнинг!

Гулсум опа бунақа гапларни кутмагани учунми, саросимага тушиб ёнида ўтирган Серафима Федоровнага кўз ташлади.

У ранги девор, қўлларини ўрикка тираб, қаддини ростлади, гўё икки опа-сингилга қарашга уялгандай!

— Бу оғир кунларда... ғамхўрлик бундан ортиқ қандай бўлади, ўртоқ... Святковская?— деди секин.— Мана бошпана беришди. Толган-тутганларини аямай...

— Ҳа, ўзингиз яхши жойга тушгандан кейин шундай дейсиз-да!— бошини ликилатди опаси.— Биз турган жойни бир бориб кўринг. Ертўладан баттар. Зах, қоронғи. Яна шунақа кампирга топширишганки, хасисликда ягона!

— Майли, у ер тўғри келмаса, бошқа жой топайлик...

— Раҳмат, ойиси ёмон бўлсаям, ўғли билан тил топишдик!

Даврага ғалати сукут чўкди. Гарчи йиғилганлар орасида бу луқмаларга битта-яримта кўз қисишиб ўтирганлар бўлса ҳам, кўпчилик бошлари эгик, ер чизиб қолди.

— Ленинградликлар... илтимос қиламан, қўл кўтаринглар!..— Серафима Федоровна ўзини босиб олди шекилли, овози босиқ, ҳатто қатъий эшитилди.

Бир четда ғуж бўлиб ўтирган ўн чоғлиқ аёл баравар қўл кўтарди.

— Азия ҳамшаҳарларим... Агар мен соғ бўлганимда ҳозир нима дейишимни ўзим билардим. Майли, опа-сингил Святковскаялар... билганларини қилсин. Лекин биз ленинградликлар — мен бўлмасам, мана, қизим бор, Лариса бор, биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб колхозга ёрдам берайлик. Урушни унутиб бўладими ахир?..

Серафима Федорованинг сўзи оғзида қолди. Чунки бирдан ғовур-ғувур кўтарилди:

— Ҳеч ким меҳнатдан қочмайди!

— Бу оғир кунларда иш танлаб ўтириш ўзи уят! Лариса эса, секин Муяссарнинг ёнига ўтди, ҳаяжондан ранги ўчиб:

— Мен, — деди, — мана шу қиз... Муяссар нима иш қилса, мен ҳам шу ишни қилишга тайёрман!

Лариса «биз ленинградликлар...» деб ғурурланиб гапирганича бор экан! Умрида ғўза нималигини кўр-



маган қиз, боя кечқурун жўякларга чим босиб, сувни тақсим қилаётганларида, кийимлари шилта бўлиб кетса ҳам, бир оғиз нолимади. Кейин Гулчеҳра бойўғлининг совуқ ҳув-ҳувлашини эшитиб, ҳиқиллай бошлаган эди, уришиб берди. Сўнг тағларига пичан тўшаб, кўрпага ўраниб ётганларидан кейин, дам Ленинградни эслаб (бомба билан замбаракдан кўрқмаган одам қабристондаги бойўғлидан кўрқадими?), дам Қўчқорнинг тунов кунги қилиқларини гапириб бериб, кулдириб ётди.

Муяссар седи: Лариса буни уларнинг хаёлини бошқа ёққа буриш учун жўрттага гапирди. Шу-шу гапчиндан ҳам йигитларга кўчди-ю, уларни эслаб, осмонда ёнган ғуж-ғуж юлдузларга тикилиб ётиб ухлаб қолишди...

Мана, ҳозир ҳам Муяссар бойўғлининг ваҳимали «ҳув-ҳув» лашидан уйғониб кетиши билан қоронғида Ларисанинг қўлини топиб, маҳкам ушлаб олди.

Ҳар бир нарсани бошлаш мушкул. Бу ишда ҳам мана шу биринчи кеча қийин. Шу кечадан эсон-омон ўтиб олишса, у ёғига ўрганиб кетишади...

Муяссар кўнглидаги ваҳимадан қутулиш учун яна жўрттага Машрабни ўйлай бошлади. Одатда, у кечалари Машрабни ўйлаганда эсига мактаб саҳнасида бирга ўйнаган пьесалари, бирга ўқиган китоблари ёки сойда, булоқ бўйида ўтириб ёнғоқ чақиб еган пайтлари тушиб, ичи чироқ ёққандай ёришиб кетарди. Лекин бу сафар негадир нурга йўғрилган бу ёруғ эсдаликлар эмас, йигитлар даштга жўнайдиган кечаси бўлган учрашув, Машрабга айтган аччиқ гаплари хотирасида жонланиб, ўзидан ранжиди. Лекин... Машраб-чи! У нега ўшанда ҳандалак ўғирлашга борди? У шундай қилмаганда-ку, эҳтимол ҳозиргача Муяссарлар госпиталь билан алоқа боғлашарди? Ё... ҳалиям бўлса Инбат опанинг эсига солиш керакмикин бу ишни?

Тўсатдан, катта ариқда нимадир шалоплаб қулагандай бўлди-ю, Муяссар беихтиёр «вой» деб юборди. Чўчиб уйғонган Гулчеҳра ҳам «ойижон» деб унинг пинжига суқулди, ёлғиз Лариса бошини кўтариб:

— Бу ким ўзи? — деди қоронғига тикилиб. Унинг овозига жавобан олдин кимдир: «Қоқилмай ўл, лаънати!» — деб сўқинди. Кейин от туёқларининг тасир-

тусури ва ниҳоят эркак кишининг «Қўрқитиб юбордимми, жонон қизлар?»—деган товуши эшитилди.

— И, Едгорбек акамлар-ку!— деди Гулчеҳра. Муяссар титроқ босиб ўрнидан сакраб турди:

— Тун ярмида нима қилиб юрибсиз бу ерда?

Едгорбек ариқнинг у томонига келиб тўхтади. Гирашира қоронғиликда остида ўйнаб турган оти ҳам, ўзи ҳам жуда катта ва қандайдир ваҳимали кўринарди.

— Авваламбор тун ярми эмас, тонг отиб қолди, Муяссархон,—кулди у.—Қолаверса, даштга кетаётиб мана шу арзимас совғани бериб кетай девдим...— Едгорбек эгилиб катта бир тугунни чўзди.— Жиндай узум. Олинг буни, Гулчеҳрахон!— деди ёлворгансимон.

Гулчеҳра «пиқ» этиб кулди-да, чўзилиб тугунни олди. Қиз тугунни олиши билан Едгорбек ҳам қаддини ростлади.

— Жаҳлингиз чиқмасин, Муяссархон, чин юракдан бу.

У шундай деди-да, отига қамчи уриб, қирга ўрлаб кетди.

Муяссар ҳамон жаҳлидан тушмай, Гулчеҳрага юзланди:

— Бу нега бунақа жонкуяр бўлиб қолди сенга? Нега оласан узумини?

— Вой, нима қилай берганларидан кейин?— деди Гулчеҳра чўзиб.

Муяссар уни гап билан яна узиб-узиб олмоқчи эди, Лариса кулиб таклиф қилди:

— Еч тугунингни! Ейлик яхши узум бўлса. Ана, ўзиям тонг отиб қолди...

Гўё унинг гапини таъкидлагандай сойда эшак ҳангради, олисда хўроз қичқирди, гўза баргларини шитирлатиб тонг шабадаси эса бошлади...

Қизлар кулиша-кулиша узумни еб бўлиб, ўринларидан турганларида Гулсум опа ҳам етиб келди. У Муяссар билан Гулчеҳранинг ҳаяжонли гапларини, «Лариса бўлмаганда билмадим нима қилардик?» деган хитобларини эшитиб, Ларисанинг елкасини силаб қўйди, кейин:

— Эртага бошқа меҳмонлар ҳам ишга чиқишади,— деди ўйчан товушда.— Билмадим, сенга ўхшаб улар ҳам ўрганиб кетишармикин, ё?..

— Урганиб кетишади,— деди Лариса.

Қизлар жўяклардаги чимларни кўриб, пайкални бир айланиб чиққунча уфқ қизариб, қушларнинг чуғур-чуғури эшитилди. Муяссар айтган энг қийин кеча ўтди — тонг отди.

\* \* \*

Эрталаб меҳмонларнинг кўпчилиги, жумладан, опа-сингил Святковскаялар ҳам Гулсум опанинг бригадасига чиқди.

Марина деган кичик Святковская ўз ихтиёри билан Муяссарларга қўшилди. Опаси Катерина эса табелчиликни олди. Бошқалари кетмонга тушди.

Гулсум опа биринчи кунданоқ меҳмонларни шогирдликка олиб, ўзбек аёлларига қўшиб қўйди. Шу билан кетмон кўрмаган рус аёлларининг кетмонга ўрганиши анча осонлашди. Дастлабки кунлари оғиз-бурунларини рўмоли билан ўраб, белларини дастурхон билан боғлаб олган ўзбек аёлларига ётсираб қараган меҳмонлар сал кундан кейин ўзлари ҳам юзларини ўраб, белларини боғлайдиган бўлишди. Бир ҳафта ўтар-ўтмасданоқ, юзлари, бўйинлари кунда куйиб, олдин териси шилинди, кейин мис лагандай қизариб, баъзилари ҳатто қорайиб кетди. Фақат тилла ранг сочлари ва мовий кўзларигина аслидай қолди. Улар ўзлари ҳам, гоҳо бир-бирларига таажжуб билан тикилишар ва:

— Мана, биз ҳам ўзбечка бўлдик!— деб кулишарди. Марина эса негадир Муяссарга кўз қисиб:

— Ўзбечка бўлдигу, бироқ ўзбек йигитлари олармикинлар бизларни?— деб куларди.

Муяссар лоладай ёниб, юзини четга бурар, Гулчеҳра билан Лариса қотиб-қотиб кулишар, Марина эса баттар тегажаклик қиларди:

— Яхши кўрган йигитинг борга ўхшайди-я, Муясархон, галим ёқмаяпти. Эҳтиёт бўл, тортиб оламан йигитингни!

Бу кулги ва ҳазиллар аксарият яна ўша эски дардни — ҳижрон доғи, висол орзусини қўзғайди. Кексалар урушни ўйлаб сабр қилишса ҳам, ёшлар гоҳо тўлиб кетар: «Ахир қачонгача давом этади бу фалокат, қачон бу мусибатдан қутуламан, қачон қайтади йигитлар»,— деб нола қилишади-ю, кексаларнинг: «Бу ҳам

фронт, фронтча ишлайдиган бригада бу!» деган гапларини эшитиб, индамай қолишади. Чунки, ишнинг оғирлиги кечаю кундуз фронтни ўйлаган одамларни олис-олисларда қон кечиб юрган жигарбандларига алланечук яқинлаштиради, гўё улар билан жипслаштиради.

Хуллас, меҳмонларнинг далага чиқиши ишга анча ёрдам берди. Бир ҳафта — ўн кун ичида юз гектар ғўза учинчи чолиқдан чиқиб, текис гуллади. Гулсум опа ҳам кўнгли бир оз тинчиди. Ғўзадан тинчиди-ю, бироқ бошқа бир ташвиш кўнглига ғулғула сола бошлади.

\* \* \*

Бу ташвиш — мактабга боғлиқ эди.

Мактаб очиладими, йўқми, башарти очиладиган бўлса... ўқитувчиларнинг етишмаслигини айтишнинг ҳам ҳожати йўқ, бор муаллим ва муаллималар билан бир амаллашга тўғри келади. Бироқ ремонт ишлари нима бўлади? Қишга ўтин-чи?

Гулсум опа, гарчи ўзини «вақтинча директор» деб ҳисобласа ҳам, фурсат ўтган сайин ташвиши ортиб, ахийри Чавандозга учрашишга аҳд қилди. Учрашишдан олдин Азиз домла билан мактабга кирди.

Урушдан аввал бундай пайтларда усталар ва ҳашарчилар тўлиб кетадиган катта ҳовли бўм-бўш, рўпарама-рўпара қурилган иккита катта бино ҳувиллаб ётарди.

Гулсум опа билан Азиз домла кимсасиз синфларни айланиб, синган ойналарни, эшик ва парталарни битта-битта санаб чиқишди. Уруш бошлангандан буён мактаб ремонт қилинмагани учун анча иш йиғилган, бу тўғрида гаплашмасдан илож йўқ эди.

Гулсум опа ҳамма гапни бир қоғозга ёзиб олди-да, Чавандознинг олдига кетди.

Қишлоқ совети ҳам колхоз идорасидай катта бойнинг уйида, гузарнинг қаршисида эди.

Гулсум опа икки тавақали дарвозадан кенг ҳовлига кирганда Чавандоз рўпарадаги бостирманинг олдига қора айғирини эгарлаётган қоровул чолга гап уқтириб турарди.

Гулсум опани кўриб нимагадир кулимсиради, янги чуст дўпписини пешанасига суриб ва қамчиси билан этигини «чарс-чарс» уриб пешвоз чиқди:

— Э, келинг, Гулсумхон! Аҳволлар қалай?

— Раҳмат, юрибмиз тупроқдан ташқарида,— деди Гулсум опа.— Сиз билан гаплашадиган бир маслаҳатли иш чиқиб қолди.

— Қуллуқ! Мен ҳам сиз билан бир гаплашсам деб юрувдим,— Чавандоз ўзига ярашиб тушган ўсиқ мўйловини силаб, идорага бошлади.— Қани, марҳамат!

Улар олдинма-кетин юриб, қўш деразали катта хонага киришди. Хонанинг шифти ва деворлари кўхсиз, лекин ялтироқ бўёқлар билан бўялган. Ўзиям сертоқча, тўрда кўрпа йиғадиган тахмони ҳам бор, фақат ўртадаги катта стол ва граммофонга ўхшаш телефонгина идорани эслатарди.

Чавандоз ҳамон мийиғида кулимсираб, тўрдаги чарм қопланган, салобатли креслога ўтиб ўтирди, қамчисини столнинг четига қўйиб, Гулсум опага қаради:

— Хўш, хизмат, Гулсумхон?

— Олдин ўзларидан эшитайлик,— деди Гулсум опа.

— Шунақами?— Чавандоз дўпписини тўғрилаб ва кўзларини аллақандай сузиб:

— Ҳа, битта нозик гап бор эди,— деди ва кулди.— Мабодо гапимизни ерда қолдирмасалар... қуда бўлсак девдик ўзалари билан!

— Қанақа қуда?— Гулсум опа қошларини чимирди.— Бундан чиқди, ўзим билмаган қизим бор эканда?

Чавандоз дўпписини кафтига «чарс» уриб хахолаб кулди.

— Ҳалиям соддасиз-да, Гулсумхон. Ўзларида бўлмаса, мактаб тўла қиз! Олма отса — қизга тегади. Ушаларнинг биттасига ўғлимиз Едгорбекнинг ишқи тушиб қопти, Гулсумхон!

— Ким экан у қиз?

— У қиз... бир томони ўзимизга жиян ҳам бўлади. Фазлиддин оқсоқолнинг қизи... Гулчеҳрамикин исми?

— Гулчеҳра? Ҳали ёш бола-ку?— Гулсум опа бу гап оғзидан қандай чиқиб кетганини ўзиям пайқамай қолди.

Чавандоз дўпписини бошига қўндираarkan:

— Бее,— деди чўзиб.— Нимаси ёш! Баайни етилиб чирсиллаб турибди-ку!

Чавандоз Гулсум опанинг ёш қизлардай «дув» қизарганини кўриб, хуррам жилмайди.

— Билмадим анди. Бир суриштириб кўриш керак, ёши нечада экан? Энди ўзи тўққизинчини битирди...

Чавандоз лабидаги истеҳволи табассуми сўниб, кўзлари қисилди, бурун катаклари пирпираб учди.

— Ёши ўзига етади!— деди қатъий.— Отаси ҳам рози. У ёғини сўрасангиз... Қизингиз ўзиям гаҳ деса учади.— Чавандоз мўйловини силаб кулди.— Ўқиш бўлса ўқийверади-да, мактаб қочиб кетмас ахир!

— Биз турмушга чиққан қизни ўқита олмаймиз,— деди Гулсум опа.

— Ўқимаса ўқимас!— Чавандоз қовоғини солди.— Гоҳо қизиқ гапларни гапирасиз-а, Гулсумхон. Шу даврда ўқиш кимга керак ўзи? Беш кунлик дунё, ўйнаб қолишсин-да ёшлар! Кўриб турибсизки — бугун бор йигит— эртага йўқ. Дилга тушибдими — ўйнаб-қолишсин!

Гулсум опа кўкрагида мавж урган туғённи ичига ютиб, секин хўрсинди:

— Ўзлари топишган бўлса мен нима ҳам дердим. Фақат ёшини айтаман...

— Ҳмм... Чавандознинг дўнг пешонаси бир тиришиб, яна ёзилди.— Хўп. Яхши. Ўзларидан эшитайлик? Хизмат?

Гулсум опа столдаги матони тўғрилаб қўйди. Кўнглига тугиб келган гапларини айтиш истаги қолмаган, фақат бу одамсиз иш битмаслигига кўзи етиб тургани учунгина гапиришга мажбур эди.

Бу сафар, Чавандоз қовоғини солиб бўлса ҳам, унинг гапларини бўлмасдан, сукут сақлаб эшитди, кейин:

— Хўп, майли, ўйлаб кўрамиз!— деди.

— Ўйлаганингиз яхши-ю, бироқ... ўзингиз биласиз, фурсат кетяпти.

Чавандоз қаламни столга гилдиратиб юборди-да, ўрнидан турди.

— Фурсат кетаётганини мен ҳам биламан, Гулсумхон.— Аммо лекин шунга аминманки, ҳозир ўқиш эмас, фронтни ўйлайдиган маврид. Фронтни ўйлаш

деган сўз — ғаллани ўйлаш деган сўз, пахтани, картошка, пиёз, гўшт, тухум-сутни ўйлаш деган сўз.

Чавандоз «Гап тамом!» деган маънода қамчисини қўлига олди.

Гулсум опа ҳам секин ўрнидан турди:

— Муносабат бунақа бўлса... мени директор қилиб нима қиласизлар? Ундан кўра бўшата қолинглар!..

Қамчисини қўлида ўйнаб, эшикка томон йўналган Чавандоз бирдан тўхтади.

У Гулсум опани қизлик чоғидан, Аъзам ячейка ошиқ бўлиб юрган даврлардан бери билар, гарчи кўпдан буён суҳбатлашмаган бўлса ҳам, илгаригидан бир поғона тушгандир, деб ўйларди. Йўқ, ўша-ўшалигича қолибди!

— Менга қаранг, Гулсумхон, — деди Чавандоз. — Ячейканинг бошига ипк тушишигаям мана шунақа димоғдорлигу, манманлик сабаб бўлувди.

Гулсум опа, рангидан қони қочиб, лаблари ингичка чизиққа айланди:

— Мен нима дедим сизга шунчалик ботадиган?

— Нима деганингиз эсингиздан чиқдимиз?

— Бўлмаса нима қилай ахир? Мактабни очамизми, йўқми? Очмасак нима қиласиз мени овора қилиб? Ундан кўра бўшата қолинг!

— Сизни бўшатишадими, йўқми — сизни бу ишга ким тайинлаган бўлса, ўшандан сўранг! Мен ҳозир бу гапларга тобим йўқ. Мен фақат фронтни ўйлайман. Фронт учун хизмат қиладиган одамман. Васса-лом!

— Биз ҳам фронтни ўйламасак, кўкламдан бери пахтазордан чиқмай, бундай қилиб юрмасдик.

— Ҳалиям бўлса шу ишни қилаверинг!

Чавандоз полни ғарча-ғурч босиб чиқиб кетди.

Гулсум опа анчагача турган жойида қошиқ бўлиб қотиб қолди.

Бу «суҳбатдан» кейин Гулсум опа мактабни йиғиштириб қўя қолсаммикин, деган фикргача борди-ю, тагин «Бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйишдан» бўлмасин деб, Эртоевга учрашишга аҳд қилди.

Эртоевни топиш осон эмас — дам даштга кетиб қолар, дам қўшни колхоз ва қишлоқларда юрарди.

Ниҳоят, учинчи кун оқшом уни идорадан топди.

Эртоев Инобатнинг кабинетида бир ўзи тик туриб, телефонда гаплашмоқда, тўғрироғи, гаплашиб бўлган эди. Гулсум опа эшикни очганда у қандайдир жуда ҳаяжонланган, шошган бир қиёфада:

— Хўп, хўп, ҳозир етиб бораман,— деди-да, трубкани илди.

Гулсум опа ўтиришини ҳам, чиқиб кетишини ҳам билмай, лол бўлиб турган эди, Эртоев уни кўриб тўсатдан жилмайди:

— Салом, опа, келинг, келинг. Ишингиз борми менда?

— Ҳа, икки оғиз гапим бор эди. Шошиб турганга ўхшайсиз...

— Ҳа, шу... Нима гап эди ўзи?

— Мактаб ишлари. Майда-чуйда бўлса ҳам ремонт қилмай илож йўқ. Энг муҳими — ўтин керак, лампа мой керак.

— Чавандозга учрашдингизми?

— У кишининг эшитгисиям келмади бу гапларни.

— Ноо!— деди Эртоев ва йўғон қора қошларини чимириб, яна жилмайди. Жилмайганда тўладан келган силлиқ юзининг ўнг томонида чуқурча пайдо бўлиб, чеҳрасида болаларга хос ғалати бир маъсумлик бахш этди: Гулсум опа қанча марта кўрган таниш табассум!..

Эртоев қайиш камарига қўлини суқиб, оқ шоҳи кўйлагининг ғижимини тўғрилади, хром этигини ғарчиллатиб столнинг орқасидан чиқди.

— Хў-ўш... шу гапларни эрта-индин гаплашсак қандоқ бўларкин, опажон?

— Шошиб турган бўлсангиз, майли. Шунчаки... фурсат ўтиб кетаётгани учун...

— Бўлмаса бундоқ қилайлик...— Эртоев стол тортмасидан бир варақ қоғоз олиб нималарнидир тез ёзди.— Буни Чавандозга беринг. Мен ўзим ҳам айтиб қўяман! Хўп!..— Эртоев қўлини чўзиб, тагин кулди-да, тез юриб чиқиб кетди.

Гулсум опа унинг фавқулодда яхши муомаласидан кўнгли ёришиб, берган хатини очди:

«Хўр. Хол. ака!

Бу кишига мактаб масаласида ёрдам беринг. Ҳозир фурсати эмасу, аммо иложи йўқ. Сиёсий масала. Йўлини топинг.



Эхтр. ила — Эр-ев».

Гулсум опа Барнони бир кўрай деб бухгалтерияга кирди. Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди.

Қишлоқ ипакдай майин қоронғиликка чўмган. Боғларда, қоп-қора дарахтлар орасида чироқлар милт-милт қилади. Терак учида осилиб турган уч кунлик ой нафис тилла камондай ялтиллади.

Гулсум опа, ўз ўйлари билан банд, бир-бир босиб борар. Муюлишда хурпайиб турган мажнунтолларга етганда от туёқларининг дупурини эшитиб, ўзини четга олди, тўхтаб қайрилиб қаради.

Ундан йигирма беш-ўттиз қадам нарида от қўшилган извош кўринди. Извошда оқ кийимли иккита одам ўтирарди.

Извош муюлишга яқинлашиб қолганда йўртиб келаётган от тўсатдан қадамлаб юра бошлади-да, извошдагилар—уларнинг бири аёл, бири эркак эди—қовушгандай бўлди.

Гулсум опа ижирганиб юзини тескари бурган ҳам эдики, ёнгинасидан ўтган извошдан Барнонинг:

— Вой, мунча бесабр экансиз, хафа бўламан,— деган сал бўғиқ овози эшитилди-ю, вужудидан ўт чиқиб кетди.

— Сабр қилсак... орзумиз пучга чиқмайдимиз?— Буниси... Эртөөв эди!

— Орзулари нима экан?

— О, нима бўларди, латиф лабларидан битта бўса, холос!

— Ҳоо! Олдин хулқ-атворингизни кўрайлик-чи?..

— Бунақа экан... қўйдан ювош бўламан, жонгинам!..

Ҳар биридан заҳар томчиллаган гаплар секинлашиб бориб эшитилмай қолди. Извош қоронғиликка сингиб кетди...

Гулсум опа биров бошига тўқмоқ билан ургандай анчагача карахт бўлиб қолди.

Боя Эртөөвнинг бунчалик хушмуомала бўлиши сабабини у эндигина тушунди-ю, ёзиб берган қоғозини ғижимлади. Бутун аламини шу қоғоздан олаётгандай уни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. У: «Баттар бўлсин. Куюнишга ҳам арзимади!» деб дилида Бар-

нога қарши ғазаб уйғотишга уринса ҳам, эсига яна Ашрафжон тушиб, ярасига туз сепилгандай тўлғанди, ўпкаси тўлиб кўзига ёш келди.

Гулсум опа кечаси билан тўлғаниб чиқди. У ўғлини эслаб бир эзилса, бир Эртоев билан шафқатсиз юлишгиси келар, лекин Барнонинг гапларини эслаши билан қалбидаги туғён сув сепгандай сўнарди қоларди.

\* \* \*

Чавандозга ёзилган буйруқ йиртилган, унга боришнинг ҳам ҳожати қолмаган, бир ҳафтадан бери куюниб, талашиб-тортишиб юрган ишлари энди илгариги маъносини йўқотгандай туюлар эди. Бироқ, бирикки кундан кейин қишлоқ советидан одам чиқиб, Чавандоз чақираётганини айтганда Гулсум опа яна чидаб туролмади. Ахир, битта Барнони деб, мактаб ёпидсинми? Бу фикр кўнглидаги аламдан устун чиқиб, киришга мажбур этди.

Бу сафар, Чавандоз уни аллақандай маънос бир қиёфада кутиб олди, кўришар-кўришмас кўзини ундан узиб, қўлидаги қаламинни айлантира бошлади.

— Уртоқ Эртоевга арз қилган экансиз?— деди секин.

— Агар буни арз, деб тушунсангиз... билмадим энди...

— Хўп, майли!— Чавандоз кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди.— Бу дунёнинг ишлари ҳеч қабққа қочиб кетмайди, Гулсумхон,— деди.— Ёлгон дунё депти бунини!..

У шошмасдан столнинг тортмасини очди, икки букланган сарғиш қоғозни олиб Гулсум опанинг олдига ташлади.

— Дунёнинг иши шу экан. Военкоматдан юборишибди, на чора?

Гулсум опа юраги шув этиб, қоғозни олишга ҳам мажоли қолмади, фақат аллақандай жавдираб қолган кўзлари кўк сиёҳ билан ёзилган:

«С/с Каря Буляк... Мастуре Рустамовой» деган сўзларга тушгандагина миясида гўё яшин чақнади: «Расулжон!»

Бу фикр, тўғрироғи, бу фикрнинг тагида ётган маъно шу қадар даҳшатли ва адолатсиз эдики, Гулсум опа азёойи бадани музлаб кетди. Фақат миясининг бир четида нимадир шамчироқдай милт-милт қилади, ҳамма ўйлари шу ерда «ялт» этиб, шу ерда сўнади. Бу ўйлар негадир Расулжондан ҳам кўра, кўпроқ Мас-турага кетар, кўз олдига ҳадеб жазирама дашт, юзини рўмолига ўраб, белини боғлаб олган қизининг ҳорғин чеҳраси, ҳам чўккан нигоҳи келади. Тўсатдан, кўз ол-дига набиралари Фотима-Зухра келди-ю, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди... У рўмолининг учини лабига босиб, товушсиз йиғлар, лекин бу йиғи шундай чуқур алам-га, шундай ва... иш ва сокин бир қайғуга тўла эдики, ўзини полга отиб, фарёд чекиб йиғлаганларни ҳам кўрган Чавандоз, бадани жимирлаб кетди.

— Бандалик экан, иложи қанча? Ҳаммага баравар келган улуг тўй бу, қаддингизни тутинг, Гулсум-хон!..

Гулсум опа, гўё шу гапни кутиб тургандай, шошиб кўзини артди; қўрқибгина қоғозни олди-да, Чавандоз-га қарамасдан бир-бир босиб чиқиб кетди.

У жўрттага камқатнов кўчалардан, боғлар, экин-зорларни оралаб кетди. Моҳира бувининг уйига яқин-лашиб қолгандагина ҳозир ойисини кўрса фарёд кў-таришидан қўрқиб, шийпонга бурилди.

Хайрият, одамлар ҳали овқатга чиқмаган, ший-понда эски газеталарни варақлаб ёлғиз Серафима Фёдоровна ўтирарди.

Софдил, меҳнаткаш аёл, у уйда ётишга вуждони ёр бермай, уч-тўрт кундан бери далага чиқа бошлаган, кетмонга ярамаса ҳам, қизига ёрдамлашишга ҳаракат қилар, тушки дам олиш пайтларида ҳамшаҳарлари би-лан суҳбатлашиб ўтирарди.

Афтидан, Гулсум опанинг ранги рўйи жуда ўзгариб кетган бўлса керак, Серафима Фёдоровна уни кўриши билан безовталаниб сўради:

— Сиага нима бўлди, Гулсумхон?

Гулсум опа индамасдан қўлидаги қоғозни унга чўа-ди, ҳолсиаланиб толга суянди ва кўзини юмди.

У бир неча дақиқа шу вазиятда ўтиргач, кўзини очди, қўлларини тиззаларига ташлаб, ўйланиб қолган аёлни кўрди-да, кўзига ёш олди.

— Нима қилишимни билмай бошим қотиб қолди,

Серафима Фёдоровна, қизимга кандай кўрсатаман буни? Унинг ҳоли нима бўлади?

— Ҳа, ҳа...—деди Серафима Фёдоровна, кейин бир нима эсига тушгандай Гулсум опанинг қўлини ушлади.

— Буни кўрсатиб нима қиласиз, Гулсумхон? Кўрсатманг... Ҳа, ҳа, сира кўрсата кўрманг!— деди у.— Нима керак умидини узиб?

Гулсум опа энтикди.

— Шундоқ қилсаммикин, а? Айтмай қўя қолсаммикин?

— Албатта, шундоқ қилинг. Бу ўзи чалкаш бўлишиям мумкин. Фронтда нималар бўлмайди дейсиз, жонгинам?— деди Серафима Фёдоровна.— Мен ҳаммасини кўрганман. Баъзан дом-дараксиз кетганларга ҳам шунақа чалкаш хабар юборишади. Мана мени олинг. Эрим бедарак кетганига бир йил бўп қолди-ю, ҳали-ҳали умидимни узганим йўқ, жонгинам!

— Тўғри, тўғри. Мен ҳам эшитганман!..— Гулсум опа шундай қилиш кераклигигагина эмас, бу хабар, Серафима Фёдоровна айтгандек, хато эканига ҳам ишона бошлади.

— Тўхтанг,— деди у яна алаҳсиб,— Чавандозни нима қиламиз? Гап тарқатиб юбормаса эди у!

— Бориб айтинг, овоза қилмай қўя қолсин.

— Тўғри, тўғри, шундоқ қиламан.— Гулсум опа шошиб ўрнидан турди.— Мен ҳозир,— деди у ва кўз ёши аралаш жилмайди.— Раҳмат сизга!— У шошганидан текис ерда қоқилиб-сурилиб югуриб кетди.

### Олтинчи боб

Акмал пешана терини сидириб ташлаб, даштга кўз югуртирди.

Кун ботай деб қолган, «Қоровултепа»нинг кўланкаси пастдаги сойни тамом эгаллаган, фақат олисдаги капалар, ўнг қўлдаги ҳали ўроқ тегмаган қизғиш буғдой денгизи ипакдай майин товланиб ётипти...

Қўчқор кўринмайди, Машраб эса Акмалдан бир оз нарироқда, қизларга ёрдамлашиш учун бўлса керак, анча жойни эгаллаб, қўли қўлига тегмай ўр-япти.

Йигитлар, Комилнинг илтимоси билан ўроққа ўтган кунлари Машраб анча заҳмат чеккан эди. Илгари ўроқ ўриб кўрмаган одам, сира қўли келишмас, бугдойни яхши қамраёлмас, бугдойга қўшилиб янтоқ ва тўнғизтароқ илинар, қўли бир лаҳзада қоп-қора қон бўларди. Мана энди Қўчқор билан Акмалдан қолишмайдиган, ҳатто қизларнинг ўртасига тушиб ёрдамлашадиган бўлиб қолди.

Акмал бир жилмайиб, яна ўроққа киришди. Ўзи қайраб ўткирлаб олган ўроқ унинг қўлида худди сартарошнинг устарасидай ўйнайди. У ғир-ғир шабадага кўксини тутиб, доим анқиб турадиган иссиқ нон ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидларкан, бутун вужуди яйраб кетади, гўё оғир қўл меҳнати эмас, кишига илҳом бахш этадиган бир иш қилаётгандай завқ олади.

Аммо бугдой ҳам бўлиб берган: бўйи кўкракка келади, ўзиям, деҳқон таъбири билан айтганда, «тиралиб» қолган, ўрган сайин ўргинг келади... Ўқтин-ўқтинда оёқ остидан, бугдой орасидаги янтоқлар тагидан катта-катта тарвузлар, пичоқ тегмасдан тарс-тарс ёрилиб кетадиган кўкчалар чиқиб қолади.

Бундай пайтларда, илгаридан ҳукм сурган одат бўйича, қовун-тарвузни ким топса дарҳол ҳаммани чақиради, шу заҳотиёқ қиз-жувонлар жўрттага қий-чув кўтаришиб, ёпирилиб келишади, кейин ўроқ билан сўйилган тарвуз-қовунни талашиб-тортишиб ейишади.

Иш шундай шиддатли тус олганки, тушки овқатни Қурбон ота ўзи челақларда ташиб беради. О, айрон қўшилган муздай гўжага нон бўктириб ейиш, суюғини шимириб-шимириб ичиш, кейин, оғриқдан без-без қилган оёқларни чўзиб хиёл дам олиш... бунинг гаштига не етсин!.. Ҳар куни намозшомда қиз-жувонлар даврасида даладан қайтишлар-чи?

Кундузги оғир меҳнатдан ва жазирама иссиқдан сўнг майин дашт оқшоми тоғ ҳавосидан ҳам хуш ёқим туюлади, қизларнинг маъюс куйлари эса муҳаббат қўмсаган қалбларни шундай нафис қитиқлайдики, чайлагача бўлган масофа чексиз-чегарасиз бўлса дейди киши, бу ҳазин ва хушоҳанг куйлар, дам қувноқ, дам мунгли лапарлар тонг отгунча давом этишини истайди.

Фақат ўқтин-ўқтин уруш совуқ нафасини пуркаган кунларда, шўх кулгилар фарёд билан алмашиб, дашт-

ни зир титратади-ю, бу кичик бахтни ҳам кўп кўриб, юракларни минг пора қилиб кетади. Бир-икки кун дашт гўё қора кийиб мотамга чўмади, кейин ҳаёт яна ўз изига тушади — жозибали қўшиқлар, ғамгин ва ўйноқи лапарлар аста-секин даврага қайта бошлайди.

Кечалари эса, Комил штабга бригадирларни йиққанда, Қўчқорларни ҳам чақиради. Бригада бошлиқларининг ахбороти эшитидиб, топшириқлар берилиб бўлгач, Комил четлари йиртилиб кетган харитани Машрабга чўзади, ўзи янги газеталарни олиб, «Информбюро» ахборотларини ўқишга киришди.

Энг қаттиқ жанглар ҳамон Курск — Белгород районларида давом этади. Лекин душман ҳужумга ўтган дастлабки пайтлардаги таҳлика босилган, энди қайтага Қизил Армия зарба бера бошлаган. Комил «Информбюро» ахборотини ўқиркан, Машраб картадан кичик станцияларгача топиб, қизил қалам билан тагига чизади, Қўчқор билан Акмал эса, қўлга тушган асирлар ва қурол-аслаҳаларни ҳисоблашади, кейин бу тўғрида мулоҳаза юритишиб, фронтга кетган йигитларни эслашиб, алламаҳалгача ўтиришади... Эртасига тушки овқат маҳалдами, кечқурунми, Машраб қизларни йиғиб, қисқа ахборот беради, овози ёқимли титраб, Олий Бош Қўмондоннинг озод бўлган шаҳарлар шарафига салют берип ҳақидаги буйруғини ўқийди...

Умуман, инсоф билан айтганда, ишлар ёмон эмас. Акмал яқинда уйларига ярим қоп қотган нон юборди, энди меҳнат кунига ҳам оз-моз дон тегса керак, ҳар нечук, дадасининг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қиляпти. Фақат бир нарса сал қийнайди, у ҳам бўлса қишлоқни, тўғрироғи, қизларни соғинишади.

Рост, Қўчқор унча парво қилмайди. У даштдаги қизлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган. Узиям кечаю кундуз қиз-келинчаларнинг даврасидан чиқмайди, билса-билмаса қўшилишиб ашула айтади, ҳазиллашади, баъзан уч-тўрттасини бирдан қучоқлаб гарамга отади-ю, даштни бошига кўтариб олиша кетади. Ҳатто Машраб ҳам ўқтин-ўқтинда қизларга шеърлар ўқиб бериб, уларнинг раҳматларини эшитади. Ёлғиз Акмал қизларга сира яқинлашолмайди. Уларнинг қўшиқларини, шўх қочириқларини эшитганда яйраб кетади-ю, бироқ ўзи тузукроқ бир гап топиб айтолмайди. Эҳти-

мол, шунинг учундир, Гулчеҳрани кўп эслайди, чунки бутун қишлоқда у билан илиқ муомала қиладиган биттаю битта қиз... шўх бўлсаям, шу Гулчеҳра!

Уларнинг ғалати муҳаббати бултур ёзда, шаҳар бозорига ўрик олиб кетаётганларида бошланган.

Йўлда, шаҳар яқинидаги сойликка борганларида Гулчеҳранинг эшаги тўсатдан ётиб қолди.

Хўтигини савалаб пиёда кетаётган Акмал чошиб бориб, қизга ёрдам қилди, кейин бир тепиб, эшагини турғизди-да, юқини ортиб берди. Лекин эшагини тепганда чап оёғининг бош бармоғи чиқиб кетган экан, қаттиқ оқсаб қолди. Шу-шу Гулчеҳра ҳам унга жони ачиб, жуда меҳрибон бўлиб қолди. Ҳатто бозордан тухум олиб кечқурун қайтаётганларида тухумнинг сариғи билан бармоғини силаб, рўмоли билан боғлаб қўйди. Шундан кейин қизлардан кулгидан бошқа нарса эпитмай юрган Акмал... адоий тамом бўлди-қолди!..

Йўқ, Қўчқор бекорларни айтипти! Гулчеҳра сал енгилтак ва шўх бўлса-да, ўзи жуда... меҳр-оқибатли қиз. Тунов куни, йигитлар даштга кетаётганларида Гулчеҳра уни уйларига бошлаб борди, хайрлашаётганларида йўлда ейсиз деб, рўмолчасига иккита зогора нон билан бир пиёла сузма тугиб берди.

— Э, ҳорманглар, йигитлар, ҳорманглар!..

Акмал қаддини ростлаб, овоз келган томонга қаради. Ундан беш-олти қадам нарида Эртоев билан Комил турар, уларнинг кетида Қурбон ота билан Қўчқор кўринарди.

— Қани, яқинроқ келинглари-чи, азаматлар...

Акмал Машрабга қаради. Машраб ўроғини камарига қистириб истар-истамас Эртоевга томон юрди. Қўчқор ҳам бошини қашиб олдинга ўтди.

Эртоев уларга кулимсираб тикилиб турарди:

— Балли, йигитлар! Мен ҳаммасини эпитдим. Даштга келиб кўп азаматлик қилибсанлар.

— Азамат деб аста айтасизми? Маладес денг буларни, маладес!— Қурбон ота фуражқасини тўғрилаб йигитларга қийғир қараш қилди.

— Тўғри айтасиз, ота, йигитлар ҳам маладес, бу ишларни ташкил қилган Комилжон ҳам. Асти Комилжон раис бўлиши керак эди-я!..

— Қўйинг! Кимга керак шу гап?— Комил буни шундай кескин гапирдики, Эртоев сўз тополмай бир-икки марта томок қириб олди.

У Инобатнинг тунов кунги таъналаридан кейин өндиликда одамларга нисбатан қўполлик қилмасликка аҳд қилган, бу ерга ҳам йигитлар билан «ярашиш», қолаверса, Комилнинг кўнглига қўл солиб кўриш учун атайин келган эди. Энди маълум бўлишича, ошириб юборганга ўхшайди...

— Камтарлигингизга қойилман, Комилжон!— Эртоев ясама хушнуд кулди-да, яна жиддийлашди:

— Хулласи калом, раҳмат йигитлар! Райком ва район ижроия комитети номидан, агар истасанглар... Фронтда фашист билан олишадиган қаҳрамон жангчиларимиз номидан катта раҳмат!

У оппоқ кафтини чўзиб йигитлар билан битта-битта хайрлашди, навбат Акмалга келганда, тўсатдан Эшмат ака воқеаси эсига тушиб, юраги «шув» этди, кейин:

— Дадангдан... хат келиб турибдими?— деб сўради.

— Келиб турибди.

— Ойинг, укаларинг... тузукми?

— Раҳмат...— деди Акмал.

— Жуда содда, жуда ажойиб одам эди-да, Эшмат ака!— Эртоев оғир хўрсиниб, Комилга юзланди.— Бу йигитга бирор пуд буғдой тўғрилаб бериш керак. Нима дейсиз, ота?

— Зап тўғри иш бўлади-да, ўртоқ Эртоев! Нега-ким, бой-қулоқлар билан олишган пайтларимизда ҳам кўп жонбозлик кўрсатган бунинг отаси Эшматбой!

— Яхши,— деди Комил,— бир пуд-ярим пуд ғалланинг иложини толамиз.

Улар қапага қараб кетишди. Қўчқор бошини чайқаб:

— Ие, бу одамгаям инсоф кирибди-ю!— деди ва кулди.— Қани, ўртоқ Эртоевнинг раҳматларини оқлаш учун яна пича ишлайлик!

Машраб индамай ўроқ ўраётган жойига қараб кетди. Акмал ғалати жилмайиб, бирпас хаёл суриб турди!

«Агар... Эртоев айтган бир пуд-ярим пуд ғалла тегса... у ҳам Гулчехрага чиройли бир нарса олиб



совға қилади...» 'Акмал кўнгли сув ичгандай бўлиб, ўроққа киришаркан, эсига дадасининг доим айтадиган гаплари тушди:

— Меҳнат қилган хор бўлмайди. Меҳнат қил, болам, меҳнат!

\* \* \*

«Ажабо, бу одам... нега тўсатдан бунчалик ўзга-риб қолдйкин. Ё қишлоқда бир гап ўтдимикин? Ёки бўлмаса... у аслида ёмон одам эмасу, Машраб уни илгаридан хушламагани учун ёмон одам, деб юрганмикин?»

Машраб энди ўроққа киришган ҳам эдики, олисроқдан:

— Ҳой, қизлар, Барнолар келди, Барнолар!— деган овоз эшитилди.

Машраб тўхтади; Барно... У нима қилиб юрибди бу ерда. Э... Эртөөв билан бирга келдимикин?»

У ҳайрон бўлиб, яқиндаги ғарамга томон бурилди, лекин шу пайт, қаёқдандир ёпирилиб келган бир тўда қиз-келинчаклар уни қуршаб олишди.

— Жон Машрабжон! Сувадан сулуви учрасин — битта шеър ўқиб беринг.

— Битта бўлса бўлди — бошқа сўрамаймиз!

Машраб кийик боласидай кўвлари жавдираб, атрофга қараган эди, нарироқда қўлларини белига тираб турган Қўчқор:

— Ҳой, менга қара, шоир,— деди.— Ҳар қалай, девонаи Машраб деган номинг бор, кўп керилавермай, бундоқ бир нима деб юбор ахир!

Одатда гапга аралашмайдиган хом семиз ҳам бу сафар:

— Битта ўқиб берсанг бир жойинг камиб қолади-ми?— деди хушнуд жилмайиб.

Машраб хижолат чекиб бошини қашиди, кейин, шеър ўқишдан ҳам бурун, Барнони кўриш учун, туя бўйи келадиган ғарамга тармашиб ошди. Ошди-ю, ғарамнинг шундоқ ён томонида турган бричкага кўзи тушиб, юраги ўйнаб кетди.

Бричкада, кўндаланг қўйилган иккита тахтанинг бирида... Муяссар билан Барно, иккинчисида Лариса билан Гулчеҳра ўтирар, улар атрофларини қуршаб олган қизларга шафтоли улашарди.

«Қизияқ: қизларнинг тўртови ҳам эгниларида атлас кўйлак, бошларида чуст дўппи, гўё, даштта эмас, тўйга келгандай яسانيб олишган. Булар нима қилиб юрибди ўзи? Ё Барно билан Эртоев бошлаб келдимикан?»

Муяссарни кўрганда юраги «жаз» этган Машраб, энди бошига сояқ сув қуйилган одамдай ҳушёр тортиди, ўқийдиган шеъри эса, гўё аввалдан ўйлаб қўйгандай хаёлига ўзи келди.

— Хўн, қизлар, бўлмаса мен сизларга... шоир Уйғуннинг фронтда юрган жангчиларнинг орзу-истакларини ифода этиб ёзган «Жафо қилма» деган бир шеърини ўқиб бераман...

Машраб нафасини ростлаб томоқ қираркан, Барно «ялт» этиб қараганини, Муяссар эса қошлари майин чимирилиб тикилиб қолганини кўрди, овози беихтиёр титраб, бошлади:

«Тарк этма назокатни, хулқингга жафо қилма,  
Изагин бериб елга, беҳуда сафо қилма,  
Умрингни хароб этма ўтқувчи ҳавас бирла,  
Ишқ бошқа, ҳавас бошқа — бу йўлда хато қилма.

Говур-ғувур бирдан тиниб шундай майин ва осуда бир жимлик чўкдики, гўё ғарам атрофидаги қизларгина эмас, бутун бепоён дашт Машрабга қулоқ соларди.

Сев сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,  
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма...  
Ноз этма, садоқатли ошиққа тараҳҳум қил,  
Кўнглига ғараз тўлган номардга имо қилма...

Машраб ҳар тўртликдан кейин бричкага бир қараб қўярди. Муяссар ҳамон қошлари чимирилиб мулоим тикилиб турар. Гулчеҳра билан Лариса ҳам ундан кўзларини узишмас, Барно эса, биринчи тўртликдан кейинроқ бурун катаклари пирпираб ерга қараб қолган, бир ўрим қўнғир сочини ўйнаган қўллари асабий титрарди. Шу ҳам сабаб бўлдики, бошқами, Машраб бошқа шеърга ўтиб кетганини ўзиям пайқаймай қолди:

Ҳижрон тунида дилбар беҳуда тўкмагин ёш,  
Сабр айлагин, топилгай дардинга чора, ёрим,  
Ғолиб бўлиб борурман, Уйғун бўлур гувоҳим,  
Наҳра ажал фашистин олғаш кавора, ёрим...

Машраб сўнги мисраларни ўқиркан, Барно эси-  
дан чиққан, назарида бу мисраларни ёлғиз Муяссар  
учун, унинг кулимсираб турган мулойим кўзлари,  
илиқ табассуми учун ўқир, бу билан гўё қалбидаги  
бутун севгисини, айтмоқчи бўлиб юрган бутун дард-  
қасратларни гапирар, назарида, қиз ҳам унинг гапла-  
рига тушунар, юрак уришини дил-дилидан ҳис этар  
эди.

У шеърни ўқиб бўлиш билан Муяссарга қараб  
отилмоқчи эди, бироқ аллақандай ҳазин ўйчанликка  
чўмиб, қилт-қилт ютиниб қолган ўроқчи қизлар дав-  
расида хиёл тутилиб қолди. Ниҳоят, даврани ёриб  
ўтиб, бричкага яқинлашганда эса, ғарамнинг орқа-  
сига ўтган Барно:

— Бу ёққа қаранг, Машрабжон,— деб қолди.

Машраб нима қилишини билмай Муяссарга қа-  
рагани, аллақачон бричкага чиқиб, отнинг жиловини  
ўз қўлига олган Қўчқор, кўзини қисди:

— Тезроқ бор, булоқ бўйида кутиб турамиз!— У  
отнинг бошини чайлага бураркан, Акмалга пўнғил-  
лади:

— Мен еб, сен қуруқ қолгандай нима қилиб туриб-  
сан бир четда? Чиқ аравага? Гулчеҳраҳон кутиб қол-  
ди-я, каллаварам!

...Барно ғарамнинг орқасида олисларга тикилиб  
турар, нафис қайрилма қошлари чимирилган, кўзлари  
қисилган эди.

— У куни ундай қилдингиз, бугун бундай... Ни-  
ма, мендан ололмай юрган қасдингиз борми?

Машраб қути ўчиб:

— Мен нима қилдим сизга шунча тегиб кетади-  
ган?— деди секин.

— Тагин нима қилдим дейсиз... Агар билсангиз...  
бусиз ҳам ўз дардим ўзимга етади. Тушундингизми?—  
Барнонинг лаблари титраб кетди— Менга ҳеч ким хў-  
жайин бўлолмайди. Вилдингизми?

— Ҳалиям сизга ҳеч ким хўжайин бўлаётган йўқ...

— Биламан!

— Агар бояги шеър учун шу хаёлга борган бўлсан-  
гиз... уни шунча қиз-келиндяклар эшитди, бироқ  
ҳеч кимнинг хаёлига бу гап келгани йўқ. Чунки улар-  
нинг фикр-хаёллари фронтда, урушда юрган ёрла-  
рида.

Барно, кўзлари совуқ чақнаб, олдинга эгилди.

— Мен фронтни эсимдан чиқариб қўйганимни қа-  
ёқдан биласиз? Ўша одам билан... гаплашиб юрган  
учунми? Балки биз беғараз, шунчаки дўстларча гап-  
лашиб юргандирмиз?

Машраб бошини эгди.

— Мен акамни ўйладим. Акам... урушда юрган ҳар  
бир йигитнинг хаёли бу ёқда, ўз севгилисида. Улар ўз  
ёрларининг илиқ сўзларига муҳтож...

— Мен-чи? Мен ҳам ёшман. Мен ҳам... — Барно  
бир-икки марта ҳиқиллади-да, овози яна кескин ян-  
ради:

— Акангиз яхши бўлса... кетимдан айтоқчи қўйма-  
син!

— Сиз... акамни билмас экансиз! У ҳеч қачон...

— Майли. Билсам билмасам — шу! Ҳеч ким мен-  
га хўжайин бўлолмайди.

Барно шаҳд билан бурилиб, олисда мойчироқлар  
милт-милт ёнган капаларга қараб кетди.

Машраб хаёлида бир Барно билан баҳслашиб, бир  
юраги ачишиб, увоқ турди.

Тўсатдан, шундоқ ёнгинасидан:

— Машраб... — деган майин товуш эшитилди.

— Муяссар?

— Ҳа, нима қилди? — деди қиз.

— Йўқ, ҳеч нима...

— Мен кутдим, кутдим — бормадинг.... — Муяссар  
оҳиста кулиб капаларга томон бурилди.

Машраб оғир туш кўриб уйғонган одамдай, бирдан  
енгил тортиб, қиз билан ёнма-ён кетди.

Ҳали даштга қоронғилик чўкмаган бўлса-да, ос-  
монда илк юлдузлар милтираган, уларни гўё кимдир  
биров битта-битта артиб қўймоқда эди.

Машраб қизнинг офтобда куйган мулойим чехра-  
сига тикилиб бораркан, Барно тамом эсидан чиққан, у  
ҳозир фақат бир нарсани — Муяссарни қўлидан ушлаб  
ўзига қаратгиси, унинг майин товушини эшитгиси ке-  
ларди.

Лекин қиз кўзларини олис-олислардан узолмай жим борарди.

У кўпдан бери, айниқса севикли опаси Зебо фронтга кетганидан бери ўзидан аллақандай норози эди. Қишлоқда қилинаётган ишлар қандайдир майда, фронтга нисбатан арзимаган бир нарса бўлиб кўринарди. Бугун биринчи марта бу фикри ўзгарди. Унларча қамиш капаларга, от-араваларга, чумолидай қимирлаган одамларга тўлган, тўп ҳайдаган болаларнинг қий-қириқларидан ларзага келган бу кенг дашт, назарида, катта жанг майдонига ўхшаб кетди-ю, қизни ҳайратда қолдирди.

Ана олисроқда, қандайдир ҳарир қора пардага ўралган капаларда мойчироқлар милтиради, хирмон ёнидаги ўчоқлардан қизғиш аланга кўтарилди, узоқдан қизларнинг ҳазин хиргойиси эшитилди.

— Менга бу дашт, бу буғдой... ҳу анави капалар... жуда ғалати кўриняпти...— Муяссар секин кулди.— Кичкиналигимда, дадамлар билан отга мингашиб, қовун сайилга чиқардик. Ушанда ҳам шунақа қамиш капалар бўларди, одамлар кечалари гулхан ёқишиб, суҳбат қуришарди. Мен бўлсам эски жангномаларни эслардим...

— Ҳа, ҳа, мен ҳам эслайман қовун сайлини,— деди Машраб қувониб.— Урушдан олдин... Эшакларга, туяларга миниб чиқардик. Тонг палла уйғониб, дирдир титраб, полизга тушардик...— У чеҳраси ёришиб, Муяссарга қаради ва секин қўшимча қилди.— Бу ер, қовун сайли эмас албатта...

— Биламан, қийин,— деди Муяссар, сўнг овози ўзгариб давом этди.— Болаларга бош бўлиб яхши ишлар қиляпган эмишсанлар, эшитдик...

— Бизни қўявер,— деди Машраб, яйраб.— Ўзингдан гапир. Қаёқдан келяпсанлар? Даштга шунақа ясениб келдиларингми?

Муяссар кулди.

— Ҳалиям тушунмадингми биз қаёқларга борганимизни? Биз... Госпиталга, ярадорларга бир арава қовун олиб бориб бердик!

Муяссар қоронғида кўзлари ялт-ялт чақнаб госпиталга қандай кириб борганларини, севиниб кетган ярадорлар, ҳамшира қизлар, врачлар ўз қовунлари

билан ўзларини меҳмон қилганларини ҳикоя қилиб берди.

— Мана, ҳандалак бўлмасаям, ишқилиб...— Муяссар шундай деди-ю, бирдан дудуқланиб қолди.— Ушанда, нега шундай қилдинг-а?— сўради у.

Машраб юраги бир ҳаприқиб тўхтади.

— Наҳот... Наҳот мен бу ишни нима мақсадда қилганимни билмасанг?

Қиз жавоб бермади. Лекин у ҳам кутилмаган бир нарсани сезгандай, нафас олишга қўрқиб индамай қолди.

— Мен ахир... сени деб, сени бир хурсанд бўлсин деб қилувдим бу ишни! Нега десанг, ўша куни эрта-лаб, боғларингнинг ёнидан ўтаётиб эшитиб қолувдим. Сен...

— Қўй... индама!— деди Муяссар.

У бутун ҳақиқатни эндигина тушунган, тушунгану ҳам қўрқиб, ҳам севиниб кетганди.

Машраб юрагида кутилмаган бир журъат сезиб, Муяссарни секин ўзига тортди.

Бир секунд лабида қизнинг чўғдай иссиқ, лола баргидай майин лабларини сезиб, уни қаттиқроқ қучоқламоқчи бўлди, бироқ қиз тўсатдан қушдай типирлаб оғушидан чиқди-да, тескари бурилиб пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Машраб ҳушёр тортди, эсанкираб:

— Муяссар,— деди.— Менга қара, Муяс...

Қиз жавоб бермади. Кафтларини юзига босганича олисроқда қорайиб кўринган капаларга томон чопқиллаб кетди.

Машраб тиззалари қалтираб ғарамга чўзилди. У, гарчанд дағаллиги учун ўзидан ижирганса ҳам, бир нарсани аниқ сездди — Муяссар ҳам уни севади!..

Қаёқданир яқиндан, ғарамнинг шундоқ орқасидан Қўчқорнинг овози келди:

— Нима бўлди, гаплашдингми Гулчеҳра билан?

— Қандоқ гаплашаман?— деди Акмал.— Атрофида парвона бўл қолди-ю аканг Ёдгорбек!

— Э-э, латта!— деди Қўчқор.

Улар Машрабнинг ёнгинасидан қапага қараб ўтиб кетишди.

«Ёдгорбек? Парвона?»— деди Машраб, лекин бу гапнинг маъносига тушунмади.

Муяссар, жонгинам!

Унинг хаёлига ҳеч нарса кирмас, шу топда бутун даштни қучишга тайёр, ўзиям жаҳонда энг бахтли йигит эди.

\* \* \*

Қалам билан ёзилган бир варақ хат қайта-қайта ўқилавериб, ёд бўлиб кетди.

«Азиз ўғлим Қўчқоржон!

Хат ёзган экансан, олдим. Сендан хат келган кун мен учун мисоли бир байрам бўлди. Раҳмат, болам.

Шу кунларда мен бир юмуш билан бир ёқларга кетяпман, қачон қайтаман — буни ҳеч ким билмайди.

Азиз фарзандим! Мен сендан кечирим сўрашим керак эди. Лекин бўлари бўлиб, бўёғи сингандан кейин энди гуноҳимга иқрор бўлиб, ё аксинча, айбни бошқаларга тўнкаб, сендан кечирим сўраб ўтиришни эп кўрмадим. Уйлайманки, ҳамма нарсага ақлинг етади... Фотима ёшлик қилди. Мен бўлсам... Мен уни жуда яхши кўрардим. Хуллас, шу иш бўлди.

Хатингнинг бир жойида: «Мен Сиздан фахрланаман, дада!» дебсан. Қайдам, бировларга зарда қилиб ўз фарзандининг бошини силамаган ота... фахрланишга лойиқми, йўқми — буни ўзинг биласан, болам. Менинг сендан битта-ю битта тилагим — доим пок бўлишингни истардим. Шу юртим деб, халқим деб, унинг бахт-саодати деб яшашингни хоҳлардим, чунки инсониятнинг энг яхши фарзандлари шу мақсад билан яшаган, шу мақсад деб, мана, не-не, одамлар ҳатто жонини ҳам аямаяпти...

Хайр, саломат бўл, ўғлим, дийдор кўришиш умидида

отанг Қилич.»

10 август, полевая почта 92625 «Р».

Кечадан бери Қўчқор камида ўн марта ўқиб чиққандир бу катни. Ахири сўзлар тугул нуқталаригача ёд бўлиб кетди. Лекин ажабо: ҳар ўқиганда янги бир нарса топгандай бўлиб, кўнгли аллақандай ёришиб кетади. Фақат бир нарса — «Шу кунларда мен бир

юмушга кетяпман. Бу юмушдан қачон қайтаман — буни ҳеч ким билмайди, ўғлим...» деган жойларигина кўнглига гулгула солади, хаёлида ғамгин ўйлар уйғотади.

Оқшом Комил тушунтириб берди: отлиқ қўшинлар кўпинча душманнинг орқасига ўтиб, ўша ерда ҳаракат қилади. Афтидан, Қилич аканинг «юмушга кетяпмиз» дегани ҳам фронт орқасига ўтиб жанг қиламиз дегани бўлади...

Шу-шу, Машраб иккиси ярим кечагача минг хил хаёлларга бориб, гаплашиб ётишди. Хом семиз одатдагидай пишиллаб ухлаб қолди. Машраб эса худди ўз отасидан фахрлангандай фахрланиб, Қўчқор севинса севиниб, қайғурса қайғуриб ётди.

Қўчқорга энг оғир ботгани — ҳар сафар хатни ўқиганида отасини совуқ қарши олгани эсига тушарди. Тушарди-ю, ич-ичидан эзилиб кетарди.

Мана бугун ҳам Қўчқор кўнглига қил сиғмай, ишдан қайтган заҳоти ётиб қолмоқчи эди, лекин қапага қайтиб гўжаларини ичар-ичмас, уларни штабга чақириб қолишди.

«Штаб» деб аталган таниш қапада Комил ўнг қўли билан ярадор қўлини оҳиста силаб, фонарь ёруғида ниманидир ўқиб ўтирар, «Информбюро» Саид пакана ҳам негадир шу ерда эди.

— Э, келинлар, келинлар, — деди Комил ва дабдурустдан: — Қалай, лочинлар, разведкага юборсам борасанларми? — деб сўради.

Машраб «разведка» сўзини эшитиб юраги ўйнаб кетди:

— Сиз юборасизу, биз йўқ деймизми, Комил ака!

Акмал хом семиз ҳам узун қийғир бурнини бир томонга қийшайтириб кулимсиради. Ёлғиз Қўчқор бир Комилга, бир «Информбюро»га қараб:

— Қанақа «разведка» ўзи? — деб сўради.

— Разведка деганим шуки... Эшак карвондан талон-торожнинг ҳиди келяпти. Ҳар куни бир қоп буғдой гумдон бўлаётган эмиш.

— Ҳар куни бир қоп буғдой? — Қўчқор сапчиб тушди. — Ким қияпти бу ишларни?

— Ким бўларди? — бурчакда ўтирган «Информбюро» сакраб турди. — Ўша карвон боши Ёдгорбек акам-



лар билан Эшвой акамларнинг иши-да! Дадавой шил-қимни йўлдан уришган. Ҳар куни шаҳарга яқинлаш-дик дегунимча у киши орқада қоладилару, ўзларини тор кўчага урадилар. Узоқ куни у ёқ-бу ёғини суриш-тириб қолувдик: ўзларингга ҳар куни биттадан нон ёптириб берамиз, деб жавоб қилдилар. Биз: нонни хирмондан оляпмизу, буниси қанақа нон, деб суриш-тирувдик, Ёдгорбек акамлар:

— Ўзларингни билларингу, бошқаларни ишига суқилавермаларинг!— деб силтаб ташладилар.

— Аблаҳлар!— деди Машраб.

Қўчқор қўлини силтади:

— Эҳ! Уртада ойим бўлмаганда-ку, ўзим билардим нима қилишимни!

— Демак, сен бормайсан разведкага?— деди Ко-мил.— Бир жиҳатдан бормаганинг ҳам маъ-қул.

Қўчқор индамади. Комил тузган «жанговор план» бўйича йигитлар тун ярмида йўлга чиқишадиган, «Ин-формбюро» айтган ҳовлини топиб, «эшак карвон» бо-ришини пойлаб ётишадиган бўлди. Қўчқор Машраб билан Акмалга оқ йўл тиларкан, қўли киссасидаги хатга тегиб кетди-да, чидаб туролмади:

— Тўхтанглар. Унақа қариндош керак эмас мен-га,— деди тўсатдан ва кулди.— Мен бормасам адашим Қўчқор Турдиевнинг юзига қандай қарайман?

Разведка!..

Уруш йиллари бу бир оғиз сўзни эшитганда юраги жизилламаган, вужудини титроқ босиб, кўзлари чақ-намаган бирорта ўспирин бўлганмикин оламда? Парти-зан қиз Таня билан Аҳмаджон Шукуровнинг ажойиб ишларини эшитиб ҳаяжонга тушмаган, ўшалардай бў-лишни орзу қилмаган бирорта ёш йигит бўлганмикин Машраблар авлодида?.. Бу пок, ажойиб ўспиринлар-дан, уларнинг соддалигидан, қаҳрамон бўлиш истаги-дан кулиш мумкин бўлса мумкиндир, лекин уларга қойил қолмасдан илож йўқ!

Шаҳар боғлари элас-элас кўзга чалинганда осмон ҳали юлдузга тўла, дашт қоронғи эди.

Улар эшакларини шаҳар четидаги сойда қолдириш-ди-да, у ёғига пиёда кетишди.

Информбюронинг тасвирлашича «ўғрилар макони» биринчи тор кўчадаги учинчи ҳовли бўлиб, олдидан

бир ариқ сув оқиб ўтади, ариқ бўйида катта чинор ўсади.

Мана, ўша тор кўча. Мана, ҳовлидан оқиб чиққан бир ариқ сув, сув бўйида юлдузларга қўл чўзган азим чинор! Унинг шохлари шундай тарвақайлаб кетганки, кўча тугул, ҳовлини ҳам ўз қанотлари остига олган!

— Ҳозир!..— Қўчқор майин тупроқда мушукдай товушсиз одимлаб бориб пахса девордан мўралаб қаради, кейин Машраб билан Акмални четга тортиб шивирлади:

— Ҳовлининг ярми бедазор экан — иккита катта ғарам турипти. Айвоннинг олдида қулинг ўргилсин пашшахона, пашшахонада хурракни отиб ётишипти хумпарлар!

— Хўш?— деди хом семиз тоқатсизланиб.— Кўп валдирамасдан лўнда қил гапни: бу ёғи қандоқ бўлади?

— Бу ёғи... Мен пашшахонанинг ёнгинасидаги ғарамга кириб ётаман. Сен... хоҳласанг чинорга чиқ, хоҳласанг нариги ғарамга бекин, Машраб...

— Чинорга мен чиқа қолай,— деди Машраб.

— Бўпти!..

Қўчқор бир сакрашда деворга миниб, кўздан ғойиб бўлди. Машраб Акмалга елкасини тутиб берди, сўнг унинг ҳовлига «гурс» этиб йиқилганини эшитиб бир сапчиб тушди: «Уйғотиб юбормаса эди қўпол!»

Йўқ, хайрият, ҳеч ким сезмади шекилли, шитир-шитирлар тиниб, ҳамма ёқ тагин сукутга чўмди.

Машраб ерга тегиб турган йўғон шохга тармашиб юқори чиқди. Баландроқдаги айри шохга чиқиб ўтираркан, беихтиёр жилмайиб қўйди: «Мана бунақа бўпти разведкачи деган!»

Улар айна пайтида келишибди. Юлдузлар битта-битта сўниб, уфқ оқара бошлади...

Машраб ўтирган жойдан, агар тўсиб турган шохлар сал очилса, бутун ҳовли қафтдай кўринади. Ғарамлардан «шитир» этган товуш эшитилмайди, фақат бостирма томонда ёнбошлаб ётган тарғил сигирнинг кавш қайтариши қулоққа чалинади.

Ариқ бўйидаги пашшахонада кўрпага ўранган икки одам гумбаздай дўлпайиб ётипти.

Сал ўтмай ҳовли тагин ҳам ёришиб қолди. Пашша-

хонадаги «гумбаз»ларнинг бири қимирлади, кўрпа очилиб аёл кишининг ярим яланғоч танаси кўринди.

Машраб юзига аланга ургандай кўзини бир юмиб қайта очди. Қараса, аёл эғнида атлас кўйлак, оёғида амиркон кавуш, енгларини билакларигача шимариб юзини ювяпти.

Ювиниб бўлгач, жувон пақирни тиззалари орасига олиб, «шиғ-шиғ» ситир соғди, кейин уйдан катта оқ самовар олиб чиқиб олов ташлади, ниҳоят, айвондаги кўзгунинг олдида тўхтаб, гажакларини тўғрилагач, пашшахонага келиб, ҳарир парданинг четини кўтарди.

— Нима бало, бугун девдай ухладиягиз? Тура қолинг, жонгинам!

Жувон эркаланиб, иккинчи «гумбаз»нинг кўрпасини тортувди, тўсатдан юм-юмалоқ, қип-яланғоч бир одам тез ағдарилди-да, аёлни белидан қучоқлаб олди:

— Бирпас кўрпага кириг, акаси гажагидан!

Гажакдорни қучоқлаб олган яланғоч одам — тарвуздай юмалаб юрадиган Эшвой бақалоқ эди!

Аёл қийқириб кулиб, унинг қучоғидан чиқишга интилиб кўрди, лекин Эшвой бақалоқ қўйиб юбориш у ёқда турсин, уни ёстиққа ағанатиб, лабларидан, юзларидан «чўлп-чўлп» ўпа бошлади.

— Вой ўлай, эзвордингиз! Хотинчангиз бир кўрса эди бу қилиғингизни! — гажакдор шундай деб кулди-да, тўсатдан бир толпиниб, бақалоқнинг қучоғидан чиқиб олди. — Пашшадай ёпишавермасдан ўрнингиздан туринг, ҳозир эшак карвониягиз ҳам етиб келади.

Аёл этакларини тўғриларкан, сўради:

— Айтмоқчи, ўрани нима қиласиз? Молхонадагиси тўлиб қолди-ку, ёнидан ковлайсизми?

Бақалоқ бўйинини қашиб эснади:

— Қўйинг шу гапни, акаси гажагидан! Бугун қўлларида бир пиёла май ичиб, пича яйрайлик энди!

— Яйрайман деб, келадиган буғдойни қаёққа тўкасиз, жоним?

— Э, бир қоп буғдойга жой топилар бу ҳовлидан! — Бақалоқ ён-верига қаради, — бугунча ана у ғарамнинг тагида турса ҳам бўлади!

— Ҳеч қўрқмайсиз-а, тавба қилдим! — деди гажакдор ва кўзларини қисиб, муғамбирона кулди. — Менга қаранг, Эшмат ака!

Илжайиб турган бақалоқ бирдан қовоғини солди.  
— Ҳа! Эшмат акани эсга солсам дод дейсиз-а? У бечора...

— Бас!

— Тавба қилдим, Эшвой ака.

— Ҳа, гап бунақа бўпти! Ишқилиб, хўжайин омон бўлсинлар!

— Хўжайин эмиш!— жувон сурма қўйилган кўзларини нозли сузиб, қиё боқди.— Шу ошнангиз бирам ёмон, бирам ёмонки!..

— Уртоқ Эртоевми? Ҳа, дўндиқча кўрса қўймайдиган хилидан, аблаҳ.

— Қуриб кетсин!— деди жувон.— Кўзлари бирам суқ, бирам суқки, кирсам ҳам қадалади, чиқсам ҳам!

Бақалоқ хурсандлигини ҳам, аччиқланганини ҳам тушуниб бўлмайдиган бир товушда:

— Аммо лекин, ўзлариям ҳадеб қиё боқавермасинлар,— деди.— У киши кетворган битта жононни қўлга олганлар. Тайёргарлигини кўриб қўйинг — шу кунларда ўшани етақлаб кеп қоладилар... Битта айш қиламиз жуфт-жуфт бўлиб!..

Машраб бу иккисининг бепарда қочириқларини вшитаркан, бир совуқ терга тушар, бир иссиқ аланга уриб, вужудини ловиллатарди. Фақат Эшвойнинг сўнгги сўзларини эшитгандагина юрагига бир нима қадалгандай бўлиб, ачишиб кетди.

— «Наҳот Барнони айтаётган бўлса?.. Наҳот Эртоев бу муттаҳам билан алоқада бўлса?..»

Машраб Эртоевнинг тунов кунги меҳрибонликлари эсига тушиб, хаёли тўс-тўполон бўлиб кетди.

Бақалоқ ювинди, артинди ва сержун кўкрагини ишқалай-ишқалай қаршидаги меҳмонхонага кириб кетди, унинг кетидан самовар кўтариб гажакдор ҳам ўтди-ю, ҳовли сукутга чўмди.

Уфқдан балқиб, чарақлаб чиққан ёз қуёши бир зумда найза бўйи кўтарилиб, ҳовлига гўё иссиқ симоб бўлиб қуйилди. Яхшиям ўйнашлар меҳмонхонага кириб кетишди-ю, Қўчқорларга пичанни очиб нафас олиш имконияти туғилди.

Эшак карвонни, табиий, биринчи бўлиб Машраб кўрди.

Карвон шаҳар четидаги боғларга яқинлашганда олдинда келаётган отлиқ (у Ёдгорбек эканини Машраб

узокданоқ таниди) йўлни чангитиб бошқалардан ўзиб кетди.

Эшвой карвонни барвақт келади, деб ўйламаган бўлса керак, Ёдгорбек чинор тагида тўхтаб, эшикни қоқиш билан ичкаридан югуриб чиқди, энтикиб сўради:

— Ҳа, тинчликми, намунча кўзларинг бежо?

Ёдгорбек пешанасидаги терларини сидириб ташлаб илжайди:

— Тинчлик, ака, тинчлик. Парткомимиз барвақт ҳайдади, икки марта қатнайсанлар, деб!

— Жуда саз!— деди бақалоқ.— Хўш, сен отни чинорга қантаргину, карвоннинг олдига тушиб кетавер. Аммо лекин, маладес йигитсан! Ўзиям тўйингни жа гуллатадиган бўлдик-да, акаси!

Уйдан чиққан гажакдор кўзини сузиб кулди:

— Базмини ўзим қизитаман худо хоҳласа!

Ёдгорбек бу гаплардан сарёғдек эриб, ҳадеб жил-маярди.

Афтидан, Машрабларнинг разведкага чиққанини ҳеч ким билмаса керак, эшак карвон одатдагидай кўча чангитиб, шовқин-сурон билан чинор ёнидан ўтиб кетди. Ёлғиз «Информбюро» у ёқ-бу ёққа аланглаб, кўзлари жавдираб кимнидир қидирарди.

Эшак карвон ўз тўзонига ўзи кўмилиб муюлишда ғойиб бўлганда дашт томондан эшагини «қиқ-қиқлаб» яна бир бола кўринди. Эшикда дарҳол яна Эшвой пайдо бўлди.

— Кўп ағраявермасдан тезроқ бўл, такасалтанг!— деди-ю, эшак ҳовлига кириши билан эшикни шартта ёпиб олди.

Ундан кейинги воқеа шу қадар тез содир бўлдики, Машраб ҳатто чинордан тушишга ҳам улгурмай қолди.

Эшак ҳовлига кириши билан Эшвой тўрт ярим, балки беш пуд келадиган қопни даст кўтариб кўксига олди-да, тиззалари қалтираса ҳам тўхтамай, Қўчқор ётган ғарамга қараб зипиллаб кетди. Ғарамга ундан олдин етиб борган гажакдор беданинг орасини оча бошлаган ҳам эдики, тўсатдан:

— Тўхта, муттаҳам,— деган бўғиқ овоз эшитилди-да беш-олти боғ бедани бошига кўтариб, Қўчқор чиқиб келди. Унинг овози ҳали босилмасданоқ, иккинчи ғарамда худди шу йўсинда Акмал отилиб чиқди. Иккиси ҳам афт-ангорлари чанг-тўзон, уст-бошлари беда

япроқлари билан қопланиб, шундай ваҳимали кўри-  
нардиларки, ўйнашлар баравар «дод» солиб йиқилиб  
тушишди. Эшакни ҳайдаб келган бола эса ўзини кўча-  
га отди.

Маҳалладан уч-тўртта гувоҳ тўплаб «акт» тузишга  
ҳаммаси бўлиб ярим соат фурсат кетди. Бу ўртада Ак-  
мал сойга бориб эшакларни ҳайдаб келди. Яна чорак  
соатдан кейин, ўрадан топилган тўрт қоп бугдойни  
эшекларга юклаб ва «асир тушган» бақалоқнинг қўл-  
ларини орқасига боғлаб, Қатраободга равона бўлишди.

\* \* \*

Йигитлар Қатраободга пешинда етиб боришди.

Штабда ҳеч ким йўқ. Комил қишлоқдан келган  
бошлиқларни ўроқчилар томонга бошлаб кетипти.

Йигитлар Эшвойни қоровулларга топшириб, ғарам-  
нинг панасида овқатга киришдилар.

Қўчқор гўжани косаси билан кўтараркан, одатда-  
гидай Машрабга тегишди:

— Бу дейман... севикли кеннойинг ўртоқ Эртосен  
билан дон олишиб юрганга ўхшайди-ю, девона, боя пай-  
қадингми?

Машраб, чайнаб турган нони томоғига тикилди,  
сўнг Барнонинг гаплари эсига тушиб:

— Нима ишинг бор сенинг?— деди қалтироқ бо-  
сиб.— Вилганини қилсин! Тушундингми? Бу гапни бир  
айтдинг бўлди! Агар яна айтадиган бўлсанг...

У, хирмон томондан келаётган Мастурани кўриб,  
жим қолди.

Мастура, ёнбошида таниш аптечка, йигитларнинг  
ёнига келиб ўтирди, бир Машрабга, бир Қўчқорга қа-  
раб:

— Ҳа, тинчликми?— деб сўради.

— Тинчлик...— Машраб кўзини олиб қочди.— Қа-  
бқдан келяпсан?..

— Учинчи бригададан. Виттасининг қўлини ўроқ  
кесиб кетган экан, ўшанга борувдим.— Мастура укаси-  
га аллақандай термилиб қаради-да, секин қўшимча  
қилди:

— Бугун кечаси... ғалати туш кўрибман. Поччанг  
бир оёғидан айрилиб, қайтиб келганмиш. Қайтиб кел-

ганмишу, менинг даштга кетганимни эшитиб, аччиғи чиққанмиш...

Муяссар қизариб кулди.

— Ё хат-пат келдимикин қишлоққа?

Унинг сўзи оғзида қолди, чунки шу пайт, ўз гўжасини ичиб бўлиб, яна бир коса сўрайман, деб ошпаз ошанинг олдига кетган Қўчқор чопиб келди.

— Қани, юр, девона, келишяпти!

Қўчқор бунчалик талвасага тушиб қолганининг сабабини Машраб ғарамга боргандагина тушунди.

Ғарамга томон келаётган Комил билан Қурбон отанинг ёнида... Чавандоз ҳам бор эди!

Чавандоз қишлоқ советининг машҳур қора айғиринда бир томонга қийшайиб «Ўртоқ Чапаев»га гап уқтириб келарди.

Комил йигитларни узоқдан кўрганидаёқ юмалоқ юзидаги кулгичлари ўйнаб сўради:

— Қалай? Буйруқ бажарилдими, ўртоқ разведкачилар?

Машраб, юраги гурс-гурс уриб, Қўчқор билан Акмалга юзланди. Хом семиз оғзи қулоғида, жилмайиб турар, Қўчқор эса, ранги девор, ер остидан Чавандозга тикилиб қолганди. Машраб, четдан қараганларга ғалати туюлишини сезмасдан, қаддини роз тутиб олдинга ўтди, қўлини чаккасига қўйиб рапорт берди:

— Ўртоқ командир! Разведкачилар буйруғингизни шараф билан бажаришди! Ўғрилар қўлга олинди...— У нафаси етмай, энтикди.— Тўрт қоп бўғдой ўлжа бўлди. Ўғриларнинг биттасини асир олдик ва штабга топширдик!

Комил, ярадор қўли кўксида, мулойим кулимсираб турипти, «Ўртоқ Чапаев» қўлини катта фуражкасига қадаб қотиб қолган, Чавандоз ҳайрон.

— Яшанглар, азаматлар! Ниҳоят,— деди Комил ва кўзини қисиб сўради:

— Ўғриларнинг яна бири қаёқда? Тутқич бермадими?

— Яна бири...— Машраб Чавандозга кўз қирини ташлади.— Яна бирови, ўзингиз биласиз,— Ёдгорбек акамлар Заготзернога кетганлар,— деди беихтиёр дудуғланиб.— Буғдойни топшириб келсинлар, кейин...

Эгарда чапаниларча қийшайиб ўтирган Чавандоз бирдан қаддини ростлади.

— Нима?— деди кўалари ўйнаб.— Ёдгорбекка нима бўпти?

Машраб беихтиёр бошини эгиб:

— Уғлингиз Ёдгорбек... буғдой ўғирлаётган жойида қўлга тушди,— деди секин.

— Қўлга туширган ким? Сенми?

— Мен!— Машраб билмай қолди: бу гапни жўртага айтдимиз ё бехосдан оғзидан чиқиб кетдимиз.

— Тўхта, тўхта, нима дединг? Ҳали сен... ёт унсур... Менинг ўғлимни ўғрилиқда айблайдиган бўлдингми? Сен-а?

Устма-уст қамчи еган айғир бирдан аччиқ кишнаб осмонга сакради, икки оёғи билан ер ковлаб жойида ўйнаб қолди.

— Тўхта!— Машраб яна билмай қолди: буни Қўчқор қичқирдимиз ё Комилми, ёки бўлмаса иккаласи бараварми. Фақат шунисини аниқ биладики, осмонга сакраган отга биринчи бўлиб Комил ёпишди. У ҳатто отнинг жиловини ушлаб, осилиб қолди, бироқ тагин қамчи еган айғир ўзини орқага ташлади-ю, Комилни четга отди. Бу сафар жиловга Қўчқор ёпишди.

— Тўхтанг, дада! Урсангиз мени уринг!

— Йўқол кўзимдан! Сендақа ўғлим йўқ, дайюс! Оқ қилдим, сендақа муттаҳамни, оқ!

Биринчи қамчи Қўчқорнинг елкасига тушиб, кўйлагини «чарс» йиртиб юборди. Бироқ иккинчи ва учинчи қамчилар яна отнинг бошига тегиб, у қайта осмонга сапчиди-ю, Қўчқорнинг қўлида узилган нўхта қолди.

Лекин Холматни бекорга «чавандоз» демаганлар. Гарчи айғир, нўхтаси узилиб, югани оғзидан чиқиб кетган бўлса ҳам, қапа атрофини гир айланиб, бошини уриб келди, кейин узангига оёқларини тираб, қамчисини ҳавода ўйнатди.

— Менинг ўғлимга осилганча, бориб поччангнинг азасини оч! Қорахат келганига бир ҳафтадан ошди-ю, тарала бедод қилиб юрибсанлар бу ёқда!

— Бас! Мунча тош меҳр бўлма, бас!

Машраб «ялт» этиб қаради. Қурбон ота катта фуражкаси бошида қалтираб айғирга томон тўғри юриб борарди.

— Тўхтанг, ота! Агар... шунинг қўлида ўлсам... мен ўлай!— Машраб, икки қўли мушт, отга томон ташланди. Аммо Мастуранинг:



— Машраб... Машраб... жон!— дея инграганини  
вшитиб яна тўхтади.

Мастура кўзлари юмуқ, юзи ганчдан ясалгандай  
оппоқ толнинг тагида, ошпаз хотиннинг қўлида беҳуш  
ётарди.

Машраб, аъзойи бадани музалаб, орқасига чопди.

— Мастура ола!

Мастура кўзини очди, бир секунд, балки бир се-  
кунднинг ўндан бирида, нима бўлаётганига тушунол-  
магандай гарангсиз қолди, сўнг қорахатни эслаб, кўз-  
лари кечаси ёнган гулхандай қуруқ ялтиллади.

— Расулжон ака!..— деди-да, яна ҳушидан кетди.

Машраб жонҳолатда уни қучоқларкан, қулоғига  
кимнингдир:

— Сув, сув!— деб қичқиргани эшитилди, назарида,  
бутун даштни ўт олгандай туюлди: — Сув, сув!..

\* \* \*

Райком бюросига одам шунчалик кўп келдики, би-  
ринчи секретарнинг хонасига сиғмасдан, катта залга  
кўчишга мажбур бўлишди.

Бюронинг кун тартибида битта масала — давлатга  
ғалла топшириш бўйича қўшимча мажбурият олиш  
эди. Сўнги бир-икки ҳафтада аксарият колхозлар  
учинчи бор қўшимча мажбурият олишди. Шунинг учун  
биринчи секретарь бюро бошланишидан олдин Эртоев-  
ни ўз кабинетига чақириб гаплашди, қўшимча мажбу-  
рият олиш тўғрисида биринчи бўлиб гапиришни, уму-  
ман шу масалада ташаббус кўрсатишни зиммасига  
юклади.

Эртоев унинг топшириғини бошини бир томонга  
сал эгиб, солдатчасига ғоз туриб эшитди: модомики,  
биринчи секретарь бу масъулиятли ишни унга юкла-  
моқчи экан, демак у ҳақда фикри чакки эмас, демак,  
чеккан машаққатлари, жон куйдиришлари беҳуда кст-  
маган!

Эртоев биринчи секретарнинг олдидан чиқди-да,  
шу заҳотиёқ ўз қарамоғидаги колхоз раҳбарлари-  
ни бошқа хонага таклиф қилиб, агитацияни бошлаб  
юборди.

Эртоев кутгандай, бу гап, гарчанд ҳеч кимни хуш-  
нуд қилмаса-да, ортиқча эътироз ҳам туғдирмади.  
Фақат битта нарса — бунни кутилмаганда Қомил ўртага

ташлади-ю, Инобат ҳам қўллаб чиқди — уруғлик масаласи сал ўйлантириб қўйди, чунки талаб қилинаётган қўшимча мажбурият топширилган тақдирда, колхозлар меҳнат кунига бир нима бериш у ёқда турсин, уруғликсиз қолиш хавфи муқаррар эди.

Бу гапнинг учи чиқар-чиқмас қолган раислар ҳам илиб кета бошлаган эди, Эртөөв шартта бўлди:

— Бўлмаган гап! Ким айтди давлат колхозларни уруғликсиз қолдиради деб? Бу тўғрида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас!

Шу билан маслаҳат тугади-ю, бюро бошланиши билан биринчи бўлиб Эртөөв сўзга чиқди. У жуда ёниб, қайнаб гапирди ва сўзининг охирида ўз ихтиёридаги колхозлар номидан қўшимча қарийб бир ярим минг пуд галла топшириш мажбуриятини олди.

У, ўз нутқидан мамнун, биринчи секретаринг ўнг томонидаги бўш стулга бориб ўтирди. Энди фақат бошқалар чиқиб унинг нутқини қизгин қувватлаши, ҳар сўзда бир «ўртоқ Эртөөв жуда тўғри таклиф киритганларини» қайд этиб, қўшимча мажбурият олишлари қолди, холос. Лекин бу сафар нима бўлди-ю, мажлис Эртөөв чизган чизиқдан бормай, кутилмаганда бошқа томонга бурилиб кетди.

Биринчидан, сира кутилмаган жойдан Комил ўртага ташлаган масала келиб чиқди. Гарчанд, бирорта раис Эртөөвнинг таклифига қарши гапирмаган ва ҳозир фронт талабларига бўйсунуш кераклигини инкор этмаган бўлса-да, уруғлик масаласини дангал айтишди. Яна шундай усталик билан, имо-ишора билан айтишдики, ҳамма гапнинг бир чети Эртөөвга бориб тегар, «унинг жонбозлиги аслида бўрк олиш ўрнига бош олиш бўляпти», деган маъно чиқар эди. Бу ҳам етмагандай, кутилмаган жойда бу гапни ҳарбий комиссар Абубакиров ёқлаб чиқди.

Рост, Абубакиров ҳам қўшимча мажбурият олишга рўйи рост эътироз қилмади, бироқ буни уруғлик ҳисобига бажариш зарурлигига шубҳа билдирди.

Яхшиям биринчи секретарь дарҳол гап олиб, қалтис вазиятни бир оз тўғрилаб кетди. У биринчи навбатда фронтни унутмаслик кераклигини; кечаю кундуз давом этаётган уруш ҳамма куч, ҳамма маблағни сафарбар қилишни талаб этаётганини яна бир уқтириб ўтди. Айни замонда уруғлик ҳақидаги гапларни

инкор этмаган ҳолда битта таклиф — бу таклифни аслида обком ўртага ташлаган эди — киритди. Бу таклиф бўйича, район колхозлари ўзларида бор ғаллани давлатга топширишади-ю, қўшимча мажбурият ҳисобига ўтказган уруғлик ғаллани кейинчалик тоғ орқасида жойлашган даштлардан ташиб олади.

Шундай қилинганда ҳам колхозлар оғир аҳволдан чиқади, яъни уруғлик билан таъминланади, ҳам давлат катта фойда кўради, чунки тоғ орқасидаги колхозлар ҳозир ўз ғаллаларини бу ерга ташиб беришга кучлари етмас эди.

Шундай узоқ жойдан ғалла ташиб олиш бу ердаги колхозчиларга ҳам осон эмас! Мунозара чўзилди-ю, бошда бир соатга мўлжалланган мажлис силлиқ ўтмаганидан ташқари, бир неча соатга чўзилиб, Эртөөвнинг кўнглини хуфтон қилди. Хуфтон қилишга яна бир сабаб — биринчи секретарнинг қабулхонасида уни... Барно кутиб ўтирарди.

Эртөөв бошда Барнони райкомга олиб келмоқчи эмас эди. Бироқ Эшвой айтган ҳовли негадир берк бўлиб чиқди-да, бошқа иложи қолмади.

Райкомга келганларидан кейин, Эртөөв Барнони ижрокомга олиб киришга журъат этмасдан, биринчи секретарнинг қабулхонасидаги машинистка қизининг ёнида қолдирди, қолдирди-ю, бундан ўзиям хурсанд бўлмади. Мажлис бошлангунча идорага ким кирмасин — ҳамманинг кўзи Барнода бўлиб қолди. Баъзилар ҳатто илмоқ ташлаб кўришди:

— Ие, иккита бўпти-да қизчаларимиз!

— Секретарларимиз ҳам бало: билишади қанақа қизларни ишга олишни!

Эртөөв Барнони бошлаб келганидан минг пушаймон, қабулхонага дам кириб, дам чиқар, Барно ошкора хушомадлардан кўзлари ноали сузилиб, оҳиста жилмайиб ҳўяётганини кўрар ва ўзидан баттар гижинарди.

Бу ҳам майли, Комил билан Инобатнинг ўтирганини айтинг пойлоқчи бўлиб!

Мажлис эртарақ тугаганда-ку бирор йўли топиларди. Улар қишлоққа боришадиган бўлса шаҳарда қолиш мумкин. Қатраободга кетишса, қишлоққа кетиш баҳонасида ажраш мумкин. Кейин...

Эртөөв кейин нима бўлишини ҳар ўйлаганда бор ву-

жуди ловиллаб, учқун теккан қуруқ бутадай ўт чиқиб кетар, тоқатсизликда папирос устига папирос чекарди.

Ниҳоят, соат чорак кам тўққизларга борганда мажлис тугади. Биринчи секретарнинг таклифи ўлди. Эртоевнинг бахтига, иккинчи секретарь ҳам кичик мажлис чақирган экан, ҳамма парторглар, шу жумладан, Комил ҳам райкомда қоладиган бўлди.

Эртоев ташқарига чиққанда раислар тарқаб кетишган, извош олдида Барно билан Инобатдан бошқа ҳеч ким қолмаганди.

Эртоев Барнонинг қош-қовоғи осилиб турганини пайқади-да, жўрттага:

— Хўш, бу ёғи қандоқ бўлди, Инобатхон? — деди ясама лоқайд бир овозда.

Инобат елкасини учирди.

— Билмадим энди. Барнохонга айтяпман синглимникига бора қолайлик, деб. Уч ойдан бери кўрмовдим, баҳона билан бир кўриб, сахарлаб чиқиб кетамиз.

Эртоев Барно рози бўлиб қолмаса, деб бир сесканиб тушди, йўқ, қиз ноз билан бошини чайқади:

— Раҳмат, опа, мен қишлоққа кетаман!

— Қандоқ кетасиз? — деди Инобат. — Уртоқ Эртоев ҳам уйларида қолсалар керак...

— Уртоқ Эртоев қолаверсинлар, ўзим кетавераман!

«Куттириб қўйганим учун аразлаб қопти-да!» хаёлида деди Эртоев. У вазият жуда қалтис эканини сезиб, бир дақиқа иккиланиб қолди, лекин Эшвойникида кутаётган гулгун ўтириш эсига тушди-да:

— Майли опа, нима ҳам қиламиз, — деб кулди. — Мен Қатраободга бормасам бўлмайди. Сиз қолаверинг. Мен бу кишини Қатраободгача кузатиб қўяй, нарёғига яна бир ҳамроҳ топилиб қолар.

— Шу яхшими, Барнохон? Уртоқ Эртоев ҳам бир кеча бола-чақаси билан бўлсин-да энди! Қишлоқда эмизикли болангиз йиғлаб қолсаям бир сари. Ярим кечада нима бор шунча жойдан овора бўлиб?

Инобатхон Эртоевнинг ниятларини сезиб, жўрттага ёпишиб олдим, ё умрида қувлик нималигини билмаган содда аёл, ҳалиям ҳеч нарсага тушунмадими — буни билиш қийин, лекин энди чекиниш ҳам мумкин эмас! Эртоев: «Бор, бўлганича бўлар!» деган фикрни кўнглидан кечирди-да, яна кулгига олди:

— Нима ҳам деймиз, Инобатхон, бир кеча дам олмасак олмабмиз-да, ишқилиб бугунги мажбуриятни одамларга тезроқ бориб тушунтирайлик.

Инобат елкасини қисди.

У «Заготзерно»га буриладиган кўчагача бирга борди, сўнг совуққина хайрлашиб синглизиникига кетди.

Эртөөв биринчи марта ер остидан Барнога қаради.

У елкасига ташлаб олган оқ ғижим рўмолига ўралиб, совуқ ва виқорли бир қиёфада қоронғиликка тикилиб ўтирар, қошларининг чимирлишидан, сал сузук кўзларининг қисилишидан кайфи бузуқлиги шундоқ билиниб турарди.

— Хафага ўхшайсизми, Барнохон?

Барно вазиятни ўзгартирмасдан:

— Йўқ, жуда хурсандман! — деди виқор билан.

Эртөөв: «Қўйинг энди, бир сафар кечиринг, жонгинам!» деб кулмоқчи бўлди-ю, журъат қилолмади, — тўлиқ чиройли юзида гуноҳкор болаларнинг юзида бўладиган саросималик ифодаси пайдо бўлди.

У ўз умрида қанча хотинларни, не-не қизларни кўрган, аммо биринчи дафъа шундай журъатсизлик қил-япти. Барно билан уч-тўрт марта суҳбатлашган бўлса ҳам, ҳамон унинг олдида довдирайди, аксарият ўзини қандай тутишни билмайди. Ё бунга Барнонинг «қизиқ» лигимикин? У ҳақиқатан ҳам қандайдир ғалати! Баъзан жуда очиқ-ёруғ бўлиб, ёзилиб, яйраб-яшнаб гаплашади, ўзи ҳам эркаланиб, уни ҳам унча-мунча эркалайди. Баъзан эса, тўсатдан бунинг аксини қилади. Эртөөв эркаламоқчи ё ҳазиллашмоқчи бўлса кутилмаганда бир гап билан шундай силтаб ташлайдики, у беихтиёр эсанкираб қолади...

Майли, «бузоқнинг югургани сомонхонагача...» Қўлга бир тушсин, кейин... Эртөөв ўзи билади нима қилишини!

Извош вокзал ёнидаги таниш тор кўчага яқинлашаркан, Эртөөвнинг овози беихтиёр ўзгариб:

— Бир жойга кириб жиндай дам олсак, Барнохон, — деди, сўнг Барнонинг эътироз билдиришидан қўрқиб тез қўшимча қилди. — Жуда яхши, ишончли одам, меҳмондўст, очиқ-ёруғ.

— Қўйинг бу гапни, — деди Барно ва истеҳзоли кулимсиради, — ҳалиям бўлса... оилангизга қайтинг, Хотинчангиз билиб қолса балога қоларсиз тагин!

«О, бояги гап суяк-суягидан ўтиб кетипти-да!» деди Эртоев пчида севиниб.

— Қўйинг энди, Барнохон. Шу бугундан бошлаб менинг ҳеч қанақа хотиним йўқ. Мен учун энди бу жаҳонда ёлғиз сиз борсиз, холос!

— О,— деди Барно ва ясама кулди.— Бола-чақам ҳам йўқ, дерсиз ҳали!

— Йўқ, Барнохон, худо ҳаққи, йўқ! Сиз бир оғиз «хўп» десангиз бас, бола-чақа тугул жонимдан ҳам воз кечишга тайёрман!— Эртоев чиндан ҳаяжонланиб, нафаси бўғилиб гапираркан, гарчанд Барно ҳамон, истеҳзоли кулимсираётган бўлса ҳам, сал тушганини сезди-ю қизнинг майин кафтини ушлади.

— Галимга ишонинг, Барнохон. Сиз нима десангиз ҳаммасини бажо келтираман. Ҳозир бир ажойиб жойга борамиз, йўқ деманг, жонгинам!

Барно унинг илтимосига рози бўлганини ҳам, бўлмаганини ҳам билдирмади.

У ўзини суянчиққа ташлаб кўзини юмди. Аллақандай қизиб кетган бошида тўс-тўполон фикрлар қуюндай айланарди.

Йўқ. Барно унчалик ёмон, унчалик беҳаё қиз эмас. Бироқ... Нима қилсин ахир? Бутун бир институтда ундан чиройли қиз йўқ эди. Тошкентнинг манман деган йигитлари босган изларини ўпишга зор эди. У шундай йигитларни рад этиб, Ашрафжонни деганди. Мана икки йилдан ошдики — кутади. Бироқ қани у? Қани? У шундай зориқиб кутганда омон қайтадимми, йўқми?

Бу ёқда эса умрининг энг яхши мавсуми, ёшлик баҳори ўтиб кетяпти, бироқ бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Эртоев билан бир-икки учрашганидаёқ ҳаммаси тўнларини тескари кийиб олишди, ҳатто ҳақорат қилишди... Улар нимани билишади? Эртоев унинг олдида маймундай ўйнайди, ёт деса ётади, тур деса туради. Барно йўқ деса, тегиб кўрсинчи қани?.. Наҳот шундай йигит оёғига йиқилса-ю, бир оғиз суҳбатлашиб ўтириш ҳам айб бўлса? Йўқ, Барнога ҳеч ким хўжайин бўлмайди, на Ашрафжоннинг қариндошлари, на Эртоев!..

Извош қаергадир келиб бир силкиниб тўхтади. Барнога шундай туюлдики, гўё уни зим-зиё бир ўтовга қамаб қўйишганди. У бир неча дақиқадан кейингина— ўшанда ҳам япроқларнинг шитир-шитиридан ўтов деб

ўйлагани катта чинор эканини, извоши кўприкдан ўтиб, шу чинор тагида тўхтаганини фаҳмлади.

Извош тўхтаган ҳамон сакраб тушган Эртоев оқариб кўринган қўш тавақали эшикнинг ҳалқаларини секин қоқди.

У Эшвой кутиб олмаганидан сал безовталанган, сал тажанглашган, айни маҳалда унинг йўқлигини ўзининг кечикканига йўйганди.

Лаҳза ўтмай, эшик тирқишидан кимдир кўринди:

— Вой, бу ким?

— Мен, кутиб оласизми меҳмонни?

— Эркин ака, сизмисиз? Вой ўлай, танимапман-а?

— Аёлнинг боши девор орқасида ғойиб бўлди, шу заҳотиёқ уйнинг айвонида нимадир «ярқ» этиб, ҳовлининг бир қисмига шуъла тушди, кейин эшикнинг иккала тавақаси баравар очилди.

Эртоев отнинг жиловидан ушлаб, ҳовлига етаклаб кираркан:

— Хўш, хўжайин кўринмайдилар, янга?— деб сўради секин.

Жувон Эртоевнинг атрофида парвона бўларкан, шипшиб жавоб берди:

— Хўжайиннинг ишлари чатоқ, Эркин ака, ҳали гапириб бераман!..

Жувон уни қўйиб, Барнонинг ёнига ўтди.

— Хуш келибсиз, азиз меҳмон... Қани, туша қолинг, ўргилай...

Барно айвондаги осма чироқ шуъласида қош-кўзилари ўсма-сурмадан коп-қора, бир оз тўладан келган, ҳали ҳуснини йўқотмаган, диркиллама жувонни кўриб, аллақандай ижирганиб кетди:

«Ҳали яхши ошналари шу киши бўлдимиз?»

У ҳар бир ҳаракатидан виқор ёғилиб турган бир қиёфада елкасини учириб, ғижим рўмолини тўғрилади, сўнг, извошдан енгилгина сакраб тушди-да, жувоннинг саломига жавоб ҳам бермасдан, қаршидаги ёруғ меҳмонхонага тикилди.

— Қани, яхши қиз... Қадамларингизга ҳасапот, ўргилай.

Эртоев отини чиқариб, бедазорга боғларкан, бўйини чўзиб ичкарига қаради. Меҳмонхона тузуккина ясалтилган — ҳамма ёққа шоҳи кўрпачалар ёзилиб, оқ ёстиқлар қўйилган, ўртадаги хонтахта мева-чевага тўкин.

Эртоев бу жиҳатдан кўнгли сал тинчиса-да, Барно тўсатдан айнаб, ё ғалати қилиқларидан бирортасини «кўрсатиб» қолишидан шунчалик қўрқардики, агар жувоннинг бояги гаплари бўлмаганда, уни бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмас эди.

«Хўжайиннинг ишлари чатоқ! Бу сўзлар юрагини така-пука қилиб юборди. Шунинг учун ҳам жувон эшикдан чиқаётганда жўрттага Барно эшитсин деб, баланд товушда:

— Қани, кеннойи, ёрдам керакми сизга?— деб сўради ва пашшахона ёнида турган бўш челақни шарақлатди.— Келинг, ақалли бир челақ сув олиб берай қудуқдан!

Аёл ҳам унинг мақсадига тушунди шекилли, «шип-шип» юриб ёнига келди. Эртоев қудуққа челақни тушираркан, энгашиб сўради:

— Хўш, гапиринг тезроқ: Эшвойга нима бўлди?

Жувон бир энтикиб:

— Иш чатоқ, Эркин ака,— деди.— Эшвой акамлар қўлга тушдилар!

Эртоев олдидан илон чиққан одамдай бир сапчиб тушди.

— Нима, нима? Қанақа қилиб қўлга тушади?

Жувон ҳиқиллай-ҳиқиллай воқеани гаприб берди.

— Ҳмм.— Эртоев, қалин қора қошлари туташиб ўйланиб қолди.

У Эшвойнинг қўли эгрилигини сезарди, албатта, ҳар ҳолда Эшвой унинг уйига олиб келадиган арава-арава қовунлар, яшик-яшик узумлар, қоп-қоп унлар осмондан тушмаслигини биларди, Эшвой унинг мансаби-ю, райондаги обрўсидан фойдаланишини пайқарди. Лекин уни бунчаликка боради, ошкора ўғирлик йўлига ўтиб олади, деб сира ўйламаганди.

Рост, «бу яхшиликлари» учун Эртоев унга тилхат берган эмас, албатта, у билан оғайни тутинганини бировга ошкор ҳам қилган эмас. Шундай бўлса ҳам, бугун Эшвой қўлга тушган бир пайтда унинг уйида, уйда ҳам эмас, ўйнашининг уйида кайф-сафо қилиб ўтириши қандоқ бўларкин?

Эртоев айш-ишратни қанча яхши кўрмасин, мансабига, шунча меҳнат билан орттирган мавқеига сўз тегадиган жойда ўзини тийиб олишга қурби етарди. Жононлар ҳамиша топилади, лекин мавқе...



— Энди ўзингиз бир нима қилмасангиз бўлмайди, жон Эркинжон ака...— жувоннинг овози бу сафар аллақандай сирли эшитилди.— Мен биламан, сизнинг қўлингиздан ҳар нарса келади...

«Фронтга жўнатиш керак!»

Эртөөв тўсатдан елкасини босиб турган оғир юкни ағдариб ташлаган одамдай енгил тин олди.

«Дарҳол, эрта-индиндан қолдирмай жўнатиш керак уни фронтга! Штрафной батальонга жўнатиш керак!»

Ногаҳон унинг кўзи меҳмонхонага тушди. Барно кафтини пешанасига қўйиб ҳовлига тикилмоқда, афтидан, уларнинг жим бўлиб қолишидан шубҳаланмоқда эди.

— Хўп,— деди Эртөөв.— Кейин гаплашармиз, бир йўли топилиб қолар... Челақдаги сувни ағдаринг бошимга...

У оқ шоҳи кўйлагининг ёқасини чапаниларча очиб, ювилган сочлари баттар ҳурпайиб, меҳмонхонага кирганида Барно тўрдаги тошойнанинг олдига ўтган, аразлагандай тескари ўгирилиб турарди.

Битта қилиб ўрилган майин сочлари бу сафар орқасига ташланган, учлари ечилиб, белини қоплаб ётипти!

Эртөөв вужуди жазиллаб олдинга толпинди.

— Барно, Барнохон!— деди овози титраб.

Барно қайрилиб ҳам қарамасдан ўша босиқ ва совуқ товушда:

— Қаёқларда юрибсиз, ўртоқ Эртөөв?— деб сўради.

— Сизга чой-пой деб...

— Мен сизга чой девдимми!..—Барно ўзига хос виқор билан бошини сал буриб қаради.— Меҳмондўстлигингиз учун... Раҳмат. Кетайлик.

— Кетайлик? Қаёққа?

— Қаёққа бўларди? Уйга, қишлоққа!

Эртөөв унинг қаршисида тўхтаб, бир зум бошини сал эгиб тикилиб қолди.

— Мен сизга тушунолмаб қолдим, Барнохон. Ё мени аҳмоқ қилмоқчимисиз?

Барнони унинг совуқ чақнаган кўзларидан ҳам овозидаги кескинлик қўрқитиб юборди.

— Вой, нега аҳмоқ қиларканман?

— Чунки... келишга келиб энди кетаман дейсиз, Тун яримдан ошди. От ярамайди. Қаёққа борамиз?

«Нега бу одам бундай дағал гапиради? Боя тамом бошқача эди-ю! Нима ҳаққи бор мен билан бундай гаплашишга?»

— Йўқ, мен кетаман!

— Ҳеч қаяёққа кетмайсиз. Кетолмайсиз!— Эртоев кескин гапирганини сезиб қолди шекилли, бирдан юмшаб:

— Барнохон, жоним!— деди-ю, қўлида бир шиша вино, эшикда пайдо бўлган гажакдорни кўриб, сўзида тўхтади.

Гажакдорни кўрганда Барно ҳам, назарида, кўнглида милтираб турган бир чироқ «лип» этиб сўнгандай бўлди.

Эртоев эса, аксинча, ўзида янги бир журъат сезиб, қизнинг биллагидан ушлаб кўрпачага тортди.

— Энди ҳеч қаяёққа кетолмаймиз. Утиринг. Бирпас яйрайлик, жоним!

#### Еттинчи боб

Эшвойни қишлоққа олиб кетган куни эртасига даштга от чоптириб келган Эртоев, икки-уч кун ўтмасдан яна қайтиб келди. Машҳур қора қашқа айғирининг чилвирини жирмондаги болаларга тутқазди-да, давдурустан чоллар билан гаплашиб турган Комилга юзланиб:

— Эшвой муттаҳамни тутган азаматларни чақиртириб беринг, дўстим,— деди.— Райижроком номидан бир ташаккур билдириб қўяй...— у қўлларини биқинига тираб, чолларга қаради:

— Нима дейсизлар, бобойлар?

— Жуда тўғри қиласиз-да, ўртоқ Эртоев!

Комил ошпаз опани йигитларга юбориш учун ошхонага томон кетаркан, ҳамон жилмайиб турган Эртоевга ер остидан кўз ташлаб, ўзича ажабланди:

Олдинги келишида, у, қовоғи қора булут, ҳеч ким билан гаплашмаган, ҳатто Комилнинг машоққа рухсат бериш тўғрисидаги илтимосига ҳам қулоқ солмаган, Эшвой қишлоққа жўнатилганини эшитиши билан бир сўкиниб, от чоптириб кетган эди. Бугун жуда вақти чоғ?..

Комилнинг эсига тўсатдан Эшвойнинг гаплари тушди:

— Сизга айтадиган бир гапим бор, Комилжон.

Аммо ҳозир қийнамайсиз, ука. Бир кун пайт келади— ҳаммасини ўзим айтиб бераман...

«Эшвой нега ундай деди-ю, бу нега бундай хурсанд?...»

Комил ошпаз опани йигитларга юбориб, хирмонга қайтганида, Эртоев, қўллари орқасида, «штаб»нинг олдида айланиб юрарди.

У Комилни кўриб, мийғида кулимсиради.

Тунов куни Эшвой қўлга тушганини эшитганида Эртоев ҳаммадан бурун Комил унинг сирларини сезиб қолишидан хавфсираган эди. Хайрият, ўша куни Чавандоз усталик қилиб Эшвойни қишлоққа жўнатибди! Эртасига Эртоев етиб борганида у ҳали шаҳарга кетмаган, қишлоқ советининг қоровулхонасида ётарди!

Бечора Эшвой! Бир кундаёқ кўзлари ичига ботиб, таранг бақбақалари суви тўкилган мешдай осилиб қолибди. Ўзиям Эртоевни кўриб ёш боладай пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Лекин Эртоев гапни калта қилди: «Белинга бел боғнинг бор йигитмисан, ё хотин?» деб бир ўшқиришдаёқ ҳушига келтирди-да дарҳол ариза ёзиб фронтга кетишни маслаҳат қилди.

Эшвой ияғи қалтираб:

— Жон Эркинжон ака, бир иложини қилинг, болачакам кўчада қолмасин...— деб ҳиқиллай бошлаган эди, Эртоев ёқасидан ушлаб қаттиқ силкиди:

— Болачақангни ўйлаганим учун шу гапни айтяпман, каллаварам! Сен фронтга етиб боргунча уруш тавом бўлишиям мумкин!.. Ё ўн йил олиб бир жойда чириб кетишни афзал кўрасанми, нодон?

Шу гапдан кейин Эшвой қўллари титраб «аризага» қўл қўйиб берди, қолганини Эртоев ўзи тўғрилади. Тўғрилади-ю, елкасидаги бир тоғни ағдариб ташлагандай бўлди.

Эртоев Комилни очиқ чеҳра билан қарши олди:

— Оббо Комилжон-эй! Шундай қилиб, машоққа рухсат бермоқчиман денг?

— Рухсат бермаганимиздан кимга фойда? Бари бир ерда қолади.

Эртоев «ҳайронман» деган маънода елкасини учирди, сўнг овозини сал кўтариб деди:

— Олдин мажбуриятни бажаринг, ука, кейин билганингизни қиласиз!— Комил ҳам овозини кўтариб:

— Нечанчи мажбуриятни айтяпсиз? — деди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Олдин бажаринг, кейин гаплашамиз!

— Бундан чиқди... ишлаган одамлар ишёқмасларнинг кафилини олар экан-да!

— Кафилини олиш керакми, йўқми, аммо район ўз мажбуриятини бажариши керак, вассалом!

— Мажбуриятни ўйлаган раҳбарлар ҳамма оғирликни тўртта илғор хўжаликка юкламасдан, ҳамма колхозларни кўтарсин, қойил қолайлик!

— Хўп, бу фикрингизни раҳбарларга етказаман! — деди Эртөөв, лекин Комилни титроқ босаётганини кўриб, сал тушди:

— Ўзингиз фронтовик бўлсангиз ҳам, фронт эсингиздан чиқибди, ука.

— Фронт ҳам халқ билан, шу қора кўзларнинг меҳнати билан фронт. Шунча галла топширган халқни оч қолдиролмайман. Машоққа рухсат бермасдан иложим йўқ.

— Марҳамат, лекин масъулиятиниям бир ўйлаб қўйинг!

— Мен масъулиятни бировга ағдармайман!

Эртөөв пешанаси тиришиб, бир зум сукут сақлади. Хаёлидан:

«Бу нега бундай чўрткесарлик қиляпти? Ё Эшвойдан бир гап эшитдимикин? — деган фикр ўтди. Лекин шу заҳотиёқ ўзини тинчитди. — Йўқ, Эшвой сирни очиши мумкин эмас, очолмайди...»

— Қолган гапни ичкарига кириб гаплашайлик, — таклиф қилди у. Ичкарига киргач, бошини маъюс чайқаб:

— Хўп, нима ҳам дердим, — деди. — Факат... ёшлик қиляпсиз, ука. Очигини айтсам... мен сиздан умидим бошқа эди, Комилжон.

— Раҳмат!

Эртөөв индамай «стол»да турган нонни олиб ея бошлади. У Комилнинг олдида сабабсиз довдираб қолганидан норози эди. Бу хатосини қандай тўғрилашни ўйлаб турган эди, қапага Акмал билан Қўчқор кириб келишди. Эртөөв нон чайнашдан тўхтамаган ҳолда, йигитларга ер остидан бир қаради-ю, пешанасидаги ажинлари ёзилиб, кутилмаганда хушнуд жилмайди.

— Э, ўзимнинг оғайниларим-ку булар! Қалай, ўшандан кейин қайта полизга тушмадиларингми?

Эртөөв тўсатдан шундай самимий хаҳолаб кула бош-ладики, унга қараб Қўчқор билан Акмал ҳам кулиб юборди, ҳатто Комил ҳам чеҳраси очилиб, тишининг оқини кўрсатди.

— Оббо сенлар-эй, — деди Эртөөв, кўз ёшларини ар-тиб. — Ҳандалак ўғирлашда орттирган тажрибалари-дан фойдаланиб, бу ёқдаги ўғрини тутибдилар-да, лаб-бай?

— У хандалак эди-да, — деди Қўчқор хўмрайиб. — Бу бўлса... галла! Қулинг ўргилсин оқ буғдой!

— Ҳа, албатта! — Эртөөв яна хаҳолаб кулди. — Ҳандалак полизда ўсади, буғдой — даштда!..

Сўнг, бир томоқ қириб:

— Умуман олганда... жуда қойил иш бўпти. Молод-цы! — деди. — Ҳандалак тўғрисидаги гаплар шунчаки ҳазил! Зап қойилмақом иш бўлган. Унақа муттаҳам-нинг додини бериб қўйиш керак эди! Мен ҳам уни бир боплай деб, қидириб борсам... шартта фронтга жўнаб қопти, гирром!

«Стол»нинг бир четида ярадор қўлини силаб ўтир-ган Комил тўсатдан ўрнидан туриб кетди.

— Нима? Нима? Қандай қилиб фронтга жўнайди? Эртөөв қўлларини ёзди:

— Мен ҳам ҳайрон бўп қолдим, дўстим. Военко-мимиз областга кетган экан, ўшандан фойдаланиб, их-тиёрий суратда урушга бораман, деб ариза берибди-да, жўнаб қопти, — кўкрак чўнтагидан тўрт букланган қо-ғоз олиб Комилга чўзди.

— Ихтиёрий суратда эмиш! Оббо тулки-ей! — Эртөөв бир жилмайди-да, яна жиддийлашди. — Аммо лекин, сенинг аканг... — у Қўчқорга маънодор қараб қўйди. — Аканг Ёдгорбекда айб йўқ. Ёшлик қилганга ўхшайди...

Комил қоғоздан кўзини узиб, ялт этиб қаради:

— У тенги ёшлар тиззадан қон кечиб юрибди. Уму-ман... мен унинг бу ишда ишлашига қаршиман. Фрон-товикларга бериш керак бунақа енгил ишларни!

— Бу энди бошқа масала, дўстим. Узаро ҳал бўла-диган гап. Ҳозирча... — Эртөөв йигитларга юзланди. — Гап шу. Саломатликлари керак!

Акмал билан Қўчқор қападан чиқиб сал юрмай кетларидан Комил қувиб етди.

— Қани, бир косадан гўжа ичайлик,— таклиф қилди у.

Ғақат кенг даштда, адирдагина бўладиган осуда, серюлдуз бир оқшом эди. Терак бўйи кўтарилган ярим ой артилган тилла сирғадай ялтиллади, узоқ-яқин капалар, хирмонлар, у ер-бу ерда ўтлаб юрган эшак ва отлар, олисдаги қирлар аллақандай сирли кўринади. Тоғдан эсангир-ғир шабада кучли бўлмаса-да, этни жунжиктиради.

Комил бўшаган косасини четга суриб, ажриққа чалқанча ётиб осмонга тиқиларкан, худди юраги куйиб кетаётгандай қаттиқ уф тортди.

— Аттанг! Эшвойнинг фронтга жўнаб қолганини қаранглар! Бу ерда бир сир борга ўхшайди.

Сухбатга аралашмай жим ётган Акмал бирдан:

— Э, сиз ҳали кўп нарсани билмайсиз!— деди.— Уша Эшвойнинг уйида ўйнашлик қилади бу одам!

Комил соғ қўлини ерга тираб, қаддини ростлаб ўтирди.

— Қанақа ўйнаш?

— Қанақа бўларди, ўйнаш-да!— деди Акмал ва Қўчқорни туртди:

— Айтиб бер тунов кунги гапни!

Қўчқор кула-кула Эшвой билан гажакдорнинг гапларини айтиб берди. Комил унинг ҳикоясини тоқатсизлик билан эшитаркан, яна Эшвойнинг гаплари эсига тушиб:

— Нега шунчадан бери индамадиларинг?— деди қайнаб.

— Бунга Машраб айбдор,— деди Акмал.— Бу ёғини айтмай қўя қолайлик, деган у.

— Нега?

— Нега бўларди, Барно кеннойиси бор-да ўртада!

Комил лабини тишлаб:

«Э, ҳамма гап бу ёқда экан-да!— деди ичида.— Аттанг! Қўлга тушган жойида қутулиб кетибди-да бу тулки?»— Комил соғ қўлини бошининг орқасига қўйиб чалқанча ётди. У аллақачон сезиб юрган шубҳаларигина эмас, Эртөөв ўзини унга яқин олишга уринаётганининг сабабларини ҳам эндигина тушунди.

Тунов кунни, Барно билан келганда, Эртөөв уни четга чиқариб тоза мақтади: Комил даштда чинакам ҳарбийларча иш қилганини қайта-қайта таъкидлади, сўнг,

сўз орасида уни раисликка тавсия қилмоқчи эканини қистириб ўтди.

Комил бу гапни эшитишни ҳам истамай, эътироз билдирган эди, Эртоев:

— Майли, майли, буни кейин гаплашамиз,— деб кулиб қўя қолди. У ҳатто бугун, Комил кескин гапирганида ҳам баланд келмади, сал дўқ қилиб кўрди-ю, дарҳол паст тушди. Тўғри, агар у овозини кўтарганда Комил ҳам аямас эди, чунки халққа рухсат бермаса машоқ ерда қолишига кўзи етиб турарди. Лекин энди ўйлаб қараса, Эртоев унга қаттиқ гапирадиган ҳолиям йўқ, тили қисих экан!

Эҳ, Барно!

Эҳтимол, у Ашрафжонни яхши танигани учундир, эҳтимол, бир маҳаллар уларнинг севгисига, пок ва широна муносабатларига ҳавас қилгани учундир, Акмалнинг гапи юрагини зирқиратиб юборди. Барно-ку ёш қиз, балки янглишгандир, бироқ бу ифлос-чи? Хотин, бола-чақаси бўла туриб, урушда юрган ажойиб бир йигитнинг севгилисини йўлдан уриши... Бу қандай разиллик, қандай дасткашлик ахир?

— Майли!— Комил кўкрагини тўлдириб нафас олди.— Бир суриштириб кўрайлик-чи? Ахир шу гаплар рост бўлса... Битта ташлашамиз булар билан!

— Ҳа, яшанг! Гап мана бунақа бўпти!— Қўчқор, азбаройи қойил қолганидан, ўрнидан туриб кетди.

— Буюринг буйруғингизни! Бошимиз кетсаям қайтмаймиз бу йўлдан! Тўғрими Акмал?

— Бўлмаса-чи?— деди Акмал.— Ушалардан қўрққан жонимни итга ташлай!

— О!— Комил ўзича жилмайди. Йигитчаларнинг қандайдир бўлакча поклиги, курашга тайёрлиги унинг ўзини ҳам жуда тўлқинлантириб юборди.

— Хўп,— деди Комил.— Ҳали-ҳозир шошманглар. Керак бўлганда ўзим айтаман. Энди тагин бир гап бор. Қулоғингга қуйиб ол, Акмал, эшитяпсанми?

— Эшитяпман.

— Сенга бир пуд-ярим пуд ғалла тўғрилаб беришга ҳаракат қиламиз. Лекин ўзинг ҳам ҳаракат қил, ука, орта-индин ўроқ тамом бўлади. Кейин бир ҳафта халқни машоққа қўйиб юбормоқчимиз. Шундоқ қилмасак берадиган бир дон йўқ. Машоқдан фойдаланиб қолиш керак. Уқдиларингми? Хўп бўлмаса!..

Комил штабга, йигитлар олисроқда қорайиб кўринган капаларга қараб кетишди. Йигитлар хушнуд, улар қоронғида жилмайишар, Машраб кетгандан бери юракларини хуфтон қилган ғуборлар тўзғиб, ўрнини Комилга нисбатан аллақандай илиқ, укалик меҳри эгаллаганди.

\* \* \*

Машраб қандайдир ўзгарган, вазминлашган, чеҳрасида худди Гулсум опанинг юзидагидай маънос бир ўйчанлик пайдо бўлган, ўзиям камсухан бўлиб қолганди.

Чавандоз Расулжондан қорахат келганини Мастурага эшиттириб айтиб, Машрабдан қасд олган кунни опа-ука Комилнинг отига мингашиб йўлга чиқишди-ю, қишлоққа ярим кечада кириб боришди.

Машраб орқасида ўтирган Мастуранинг йўл бўйи безгак тутган одамдай титраб, товушсиз йиғлаганини пайқаб, ич-ичидан эзилиб борди.

Қишлоқ чуқур сукутга чўмганди. Гулсум опа уйда йўқ экан, опа-ука Моҳира бувиникига кетишди.

Бувининг боғ эшигида тўхташлари билан Мастура отдан сидирилиб тушди-да, худди нимагадир шошаётгандай, қоқиниб-суриниб зим-зиё уйга кириб кетди.

Машраб отни етаклаб бостирмага ўтаркан, бутун вужуди билан қоронғиликка қулоқ солди. Бир вақт уйчанинг кичик деразасида «милт» этиб чироқ ёнди-ю, Машраб шу маҳалгача эшитмаган, ваҳимали бир фарёд борлиқни зир титратди.

Машраб ушлаб турган эгар-жабдуқлари қўлидан тушиб, уйга қараб югурди. У кирганда Мастура Гулсум опанинг қўлида чалқанча ётарди.

Буви, боши сарак-сарак, оқ дока рўмоли елкасига тушган, қўлида чойнак, ниманидир қидириб:

— Вой, бувигинанг ўргилсин болагинам-эй, вой ўла қолай, оппоққинам-эй,— деб қидирган нарсасини тополмас эди.

Қизиқ. Мастуранинг чеҳраси шундай осойишта ва ҳорғин эдики, гўё уйқуга кетганга ўхшарди. Унинг ёнидаги Гулсум опанинг юзига қараб бўлмас, рангида қон йўқ, жавдираган кўзлари шундай чуқур бир изтиробга тўлган, гўё ҳамма алам, ҳамма оғриқ беҳуш Мастурадан унга ўтганди.

Ниҳоят, буви пиёла топиб келди. Мастурага бир



амаллаб сув ичиришди, юзига сув сепишди. У секин кўзини очди. Катта қўй кўзлари тагин ҳам улканлашган, худди бир йил тўшакда ётган хастанинг кўзларидай ичига ботган.

Мастура бир дақиқа нима бўлганини билмагандай, ёнидагиларга бир-бир тикилиб қаради, сўнг ҳамма воқеа эсига тушди шекилли, кўзалари чақмоқ чақнагандай ялтиллаб кетди. Машраб уни яна боягидай фарёд чекармикан деб ўйлаганди, бироқ Мастура тўсатдан унга кўзи тушди-ю, титраб, қушдай толпиниб:

— Машраб,— деди аянчли ва ожиз бир товушда.— Машраб ука, укажоним...

Машраб бунга чидай олмай уйдан ўқдай отилиб чиқди-да, ўзини боққа урди, қоронгида беда ғарамига юз тубан тушиб, ўша ерда тонг отирди.

Эрталабгача уйчадан йиғи овози, атрофдан бир лаҳзада тўпланган хотин-халажининг ғала-ғовури тинмади. Эрталаб Шириной келиб Машрабни Мастура чақираётганини айтди. Кирса, кечаси тўпланган хотин-халаж тарқаб кетган, торгина пастқам хонада бувиси, ойиси ва Серафима Федоровна ўтирарди.

Мастура тўрда тўшакда ёнбошлаб ётар, чуқур ботган кўзлари аллакандай мўлтирар, лекин сўлгин юзи иситмаси баланд одамнинг юзидай ловиллаб ёнарди.

— Машрабжон!— У иссиқ қўлларини Машрабнинг қўлларига қўйди.— Машрабжон, мана Серафима Федоровна, ойим, бувимлар ҳаммаси... Ҳаммаси мени уришяпти. Урушда бунақа англашмовчиликлар жуда кўп бўлади, дейишяпти. Оғир ярадор бўлиб госпиталга тушса ё бир жойда қолиб кетса ҳам... чалкаш хабар беришлари мумкин дейишяпти. Шунақа бўлиши мумкинми, Машрабжон?

Унинг мўлтиллаган кўзларида, овозида, бутун вужудида зўр бир умид бор, кимдир ўйлаб топган бу афсонага ишониш истаги шундоқ акс этиб турар, энди гап фақат Машрабда қолган, агар у ҳам таъкидласа бас—бу афсонанинг муқаррарлигига шубҳа қолмайди!

— Албатта,— деди Машраб.— Фронтда нималар бўлмайди! Мен бунақа воқеалар тўғрисида қанча-қанча китоблар ўқиганман.

Уйдагиларнинг ҳаммаси бирдан чуқур тин олишди. Мастуранинг ёнгинасида ўтирган Серафима Федоровна уни қучоқлаб:

— Мастура, жонгинам,— деди.— Мен ўзим бунақа воқеаларнинг нечасига шоҳид бўлганман. Ҳар куни бўлиб турадиган нарса бу!

— Ҳа, ҳа,— деди Мастура ва кўз ёшлари аралаш жилмайди.— Илгари ўзим ҳам эшитганман, эшитганману... аҳмоқ эканман-да бундан чиқди!

Машраб унинг аянчли табассумига қараб туролмай ўзини эшикка урди, йиғлаб юбормаслик учун кафтини тишлаб, кўчага чиқди, кейин бир поччасини эслаб, бир Чавандозни ўйлаб, боғда узоқ ётди... Бунчалик бемехр, бунчалик бағритош экан бу Чавандоз! Усиз ҳам ёстиқдошидан хат келмайди, хунибийрон бўлиб юрган бир бечоранинг юрагини баттар қон қилишдан нима манфаат кўрар экан бу одам, ўйларди Машраб. Лекин ёмонлик нималигини билмаган, умрида бировга ёмонликни раво кўрмаган пок йигит, у қанчалик ўйламасин, бу ўйларнинг тагига етолмади.

\* \* \*

Машоқ теришга бутун қишлоқ кўчиб чиқди деса бўлади. Бепоеъ даштда одам чумоли бўлиб кетди. Бу оломон орасида Машраб ҳам бор эди. Йигитлар даштни кезиб юриб, қапа томондаги қамишзорга яқин бориб қолишди. Қўчқор ўрилган қамишга қопини ташлаб, ёнбошлади.

— Қани бери кел,— деди у Машрабга.— Томоқлар қақраб кетди-ю, бир қултумдан сув ичиб, бир бурдадан нон еб олайлик, оғайни.

— Акмал қани?

— Хом семизми?— деди Қўчқор.— Дўндиқча машоққа чиқмаганидан хунибийрон бўлиб юргандир. Нариги иккитаси кўринмайдими?

«Нариги иккитаси»— Муяссар билан Лариса — анча олисда, хирмон томонда машоқ териб юрарди.

— Майли,— деди Қўчқор.— Қизнинг жони қирқта. Утир, ўзимиз бирпас дам олайлик, ўлиб бўлдигу, оғайни!

У қопнинг тагидан бир шиша сув ва қотиб қолган нон олиб, ўртага қўйди. Машраб унинг ёнига ёнбошлаб, нонга қўлини чўзган ҳам эдики, худди ернинг остидан чиққандай, қаердандир «Информбюро» пайдо бўлди.

Елкасида ярим қоп машоқ, юзи, қўллари ҳабашдай  
қопқора, у нон билан сувни кўриб, жилмайди.

— Иштаҳалар карнай бўлсин, акалар!

— Балли. Сен айтмасанг сурнай эди,— деди Қўчқор.— Шу битта нонниям ҳидини олибсан-да. Майли энди, ке ўтир.

«Информбюро» Машрабнинг ёнига чўккаларкан:

— Биз бир қултум сувниям текин ичмаймиз,— деди муғамбирона кулиб.— Хизматимизга ичамиз. Нозик бир гап чиқиб қолди, ака.

— Қанақа гап? Яхшиликми ишқилиб?

— Яхшиликми, ёмонликми, аммо нозик бир гап, ака.

— Хўш?— деди Қўчқор тоқатсиаланиб.

«Информбюро» шундай «нозик» гапни биринчи бўлиб топиб келганидан ўзиям мамнун бўлса керак, мунчоқ кўзлари садафдек ўйнаб жилмайди.

— Балки эшитгандирсизлар, хом семизнинг читтаги... калхат билан топишармиш? Эшитдиларингми?

— Қанақа читтак?— Тушунмади Қўчқор.— Нималар деяпсан ўзинг!

— Қанақа бўларди, ўша Дўндиқчани айтаман-да! Акангиз Ёдгорбекка тегармиш. Яқинда тўй бўлармиш!—Истеҳзоли жилмайди «Информбюро».

— Топиб келган янгилинг шуми?

— Озми?—саволга савол билан жавоб берди «информбюро» ва кулди.—Ё биратўла тўйга чақириб келганимда хурсанд бўлармидилар?!

— Бор, бор! Топиб келган гапини қара-ю, тагин уялмасдан нон ейди-я! Бор, бор, тошингни тер!— Қўчқор, фигони чиқиб, «Информбюро»нинг қўлидаги нонини ҳам тортиб олди.—Тунов кун иккаласи кўз қисишиб, жилпанглашиб қолгандаёқ билувдим-а бир балолари борлигини!

— Булар нима қилишяпти ўзи? Индамаган сайин бошимизга чиқиб кетишяпти-ю!— Машраб тишлаган нони томоғидан ўтмай, ўрнидан сакраб турди.—Тўхта, мен ҳозир қизларни чақириб келаман! Улар билишлари керак!— У хирмонга қараб кетди. Қўчқор қамишга чўзилиб осмонга тикилди.

Ҳа, у тунов кун Ёдгорбек билан Гулчеҳра бир-бирларига жилпанглашиб, муқом қилишларини кўрган-даёқ юраги «шув» этувди!

Аҳмоқ қиз!

Акмалнинг ўрнида бўлса Қўчқор бу гап учун дўписини осмонга отарди. Лекин, биринчидан, Қўчқор дили суймаган бу қизни хом семиз жонидан ҳам яхши кўради. Иккинчидан, илгари дўстларидан кулиб юрган Қўчқор ўзи ҳам, Лариса билан танишганидан бери кўп нарсага тушуниб қолди.

Бечора хом семиз!.. Қаёқдан учрай қолди бу субутсиз читтакка?

Гулчеҳра-чи? Бунақа субутсизлиги бор экан, нима қиларди бошини айлантириб бу бечоранинг!

Капа томондан Лариса билан Муяссарни бошлаб Машраб келди. Лекин, маълум бўлишича, қизлар ҳам бу гапдан беҳабар экан, эшитиб ҳайратда қолишди.

— Одам ишонгиси келмайди-ю, бироқ... Жуда ғалати бўлиб юрувди шу кунларда,— деди Муяссар.

— Ҳа, мен ҳам сезувдим,— деб Лариса бўйнида кўпириб ётган сочларини тузатиб, бош ирғади.

Дашт офтсби уни шафқатсиз куйдирган, лекин у Муяссардай қораймаган, узунчоқ юзи, бўйинлари, қўллари қандайдир қизгиш-жигар ранг тусга кирган, шунинг учунми, баҳор осмонидай кўм-кўк кўзлари бурунгидан ҳам мовийроқ туюларди.

— Ўзи комсомол аъзоси... Яна мактабни битирмаган бўлса...— Муяссар одатдагидай куйиб гапира бошлади.— Йўқ, мен ишонмайман!..

Унинг сўзига Қўчқор истеҳзоли жилмайди-да, қўлини силтади.

— Ишонмайман дейди-я! Ҳамма қизлар шунақа! Лафа йўқ уларда!

Машраб Қўчқорга ўқрайди:

— Нимага керак шунақа гап? Биринчидан... Ҳамма қизлар ўшанақа эмас!

Муяссар «ялт» этиб Машрабга қаради. Ёниб турган коп-қора кўзларида чуқур миннатдорлик ифодаси жилва қилди.

— Хўш, иккинчидан?— деди Қўчқор.

У Маршабнинг нима учун асабийлашганини ҳам, Муяссарнинг кўзларидаги миннатдорлик ифодасини пайқаб, ўзича кулимсиради.

— Иккинчидан...— деди Машраб.— Агар бу мишмишлар рост бўлса... Бир гаплашиб қўйиш керак Гулчеҳра билан!

Тўсатдан Лариса сўраб қолди:

— Агар уни эрга чиқишга мажбур қилишаётган бўлсачи! Шунақа воқеалар ҳам бўлармишу бу ерларда?

— Агар унақа бўлса...— Машраб сўз қидириб Му-  
яссарга қаради-ю, қалбида зўр бир илҳом жўш уриб:

— Унақа бўлса... қутқариб оламиз!— деди энти-  
киб.— Агар бошимиз кетса ҳам қутқариб оламиз! Ак-  
мал учун, уларнинг соф муҳаббати учун жонимизни  
ҳам аямаймиз. Менинг таклифим шу!

Машрабнинг гаплари ғалати эшитилса ҳам, ҳеч  
ким кулмади.

— Бўпти, машоқ битсин, бир олишиб кўрайлик бу-  
лар билан!—Қўчқор шундай деди-да, ўрнидан турди.

— Бас. Мажлис тугади. Бир оғиздан қарор қабул  
қилинди. Энди машоққа борайлик!

\* \* \*

Даштдаги буғдой асосан ўроқ билан ўрилгани  
учун машоқ сийрак, фақат тўнғизтароқ ва янтоқ ка-  
лин жойлардагина кўпроқ учрарди. Шундай бўлса-  
да, тома-тома кўл бўлар дегандек, биринчи куни баъ-  
зилар бир қопгача машоқ терди.

Лекин кун ботиб, қош қорая бошлаганда тўсатдан  
машоқчилар орасида Ёдгорбек билан Кўр Шермат  
пайдо бўлди.

Иккиси икки отда, одамларни олдиларига солиб,  
хирмонга томон ҳайдашди.

Тарози олдида негадир Қурбон ота турарди. У,  
янги лавозимидан хушнуд ва мағрур, қулоғида қисил  
қалам, ёнбошида чарм сумка, ҳар бир қопни қайта-  
қайта торттирар ва ярмини хирмонга тўктирарди.  
Навбат Машрабларга келди.

У йигитларнинг қопларини тортаркан, олдин:  
«Маладес-маладес; қани, ярми сизга, ярми бизга» деб  
турди-ю, исмларини ёзаётиб тўсатдан:

— Между прочим, хирмонга яна беш килодан  
ташаб қўйилсин, маладеслар!— деб қолди.

— Сабаб, отахон?

— Сабаб шуки, сенлар комсомолсанлар! Сенлар-  
дақа пайтимизда, биз наинки, машоқ, оғзимиздаги но-  
нимизни ҳам эл дастурхонига қўйганмиз, ҳа!

Ота шундай деб навбат кутиб турган қизига юз-  
ланди:

— Қани, қизим, сен беш кило эмас, етти кило таш-ла хирмонга!

Муяссар отасини чин дилдан яхши кўрса ҳам, негадир, аҳтимол, тенгдошлари у ҳақда кулиб гапиришгани учундир, уяларди.

У қопини хирмонга тез ағдарди-да, Ларисанинг қўлидан тортиб, ўзини қоронғиликка урди. Шу пайт, ғаёқдандир пайдо бўлган Комил:

— Майли ота, бу ёғи ихтиёрий бўлсин!— деди кулиб.

Ота қўлидаги фонарини баланд кўтариб, товуш келган томонга тикилди. Бошқа одам бўлганда у жеркиб ташларди, албатта, лекин Комилни таниб:

— Ҳалиям ихтиёрий бўляпти, ўртоқ комсомоллар айта қолсин,— деди Машрабларга ишора қилиб.

Комил Қурбон отанинг гапларига жавоб бермасдан сакраб ғарамга чиқди.

— Эшитишимча, бугун қоровуллар жонбозлик кўрсатиб одамларга йўл беришмаганга ўхшайди,— деди у.— Эртадан бошлаб истаган жойда теришларингиз мумкин, чунки машоқ кўп терилса сизларга ҳам фойда, колхозга ҳам!

Хирмонни ўраб олган оломон бирдан «гув» этиб, шов-шув кўтарилди.

— Раҳмат, Комилжон!

— Умрингдан барака топ!

— Бу қоровулларга қўйиб берсаларинг... хор қилишадиганга ўхшайди, болам.

Четроқда от ўйнатиб турган Ёдгорбек оёгини узангига тираб бўйнини чўзди.

— Биз район каттаконларининг буйругини бажардик, холос! Мана!— У камзулининг ён чўнтагидан бир қоғоз олиб, Комилга чўзди.— Бу ишда ўзбошимчалик қилганингиз учун райком бюросида масалангиз кўрилар эмиш. Бизга кўп ўдагайлайвермасдан тезроқ йўлга чиқинг! Кутиб қолишмасин тагин!

Комил хатни олиб, фанарь ёруғида ўқишга киришди.

Атрофини қуршаган оломон бирдан жимиб, унга тикилиб қолди.

Комил хатни ўқиб бўлгач, бир лаҳза ўйланиб турди, кейин соғ қўлини кўтарди.

— Хўп, бунга ўзим жавоб бераман, аммо ҳалиги гап — гап, машоқ тўхтамасин!

Оломон яна «гув» этиб, «Балли, азамат», «Умринг узоқ бўлсин, болам!» деган хитоблар эшитилди, одамларнинг табассумидан, шодлигидан кенг дашт ёришиб кетгандай бўлди.

Олдин йигитлар ҳам, оғизлари қулоқларида, мамнун жилмайишиб турдилару, кейин, Комил аллақандай ғамгин одим ташлаб «штаб»га томон кетганини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

— Юринглар,— деди Машраб.— Балки у кишига бирор ёрдам керакдир.

— Тўғри, у кишининг масаласи бюрога қўйилди-ю, биз қараб турагимизми?— деди Қўчқор.

Одатда бундай гапларни эшитганда бурнини ғалати қимирлатиб пўнғиллаб қўя қоладиган Акмал бу сафар, қопини елкасига ташлади-да, индамай қапага томон йўналди.

Бироқ «штаб»да ҳеч ким йўқ, ҳатто фонарь ҳам ёқилмаган, ичкари қоп-қоронғи эди.

Машраб Комил кетиб қолишидан қўрқиб, Қоровултепага чиқиб, пойлаб ўтиришни таклиф қилди.

Комил улар Қоровултепанинг ярмига чиқмасданоқ кетларидан қувиб етди. Қоронғида уч одам баравар йўлини тўсганини кўриб, олдин шошиб қолди, кейин йигитларни таниб отдан сакраб тушди.

— Йе, тинчликми, йигитлар?

— Тинчликми дейди-я!— деди Қўчқор.— Масалангизни райком бюросида кўришади-ю, тинчлик бўладими, ака?

Комил кулиб юборди. У гарчи йигитларнинг гапларига ҳазил билан жавоб берса ҳам, аллақандай дўстлик туйғуси кўнглини эритиб юборди.

У қоронғида йигитларнинг қўлларини топиб, битта-битта сиқди.

— Мен виждонимга қарши, халқимга қарши ҳеч иш қилганим йўқ, наҳотки танбеҳ эшитсам! Бўлмаган гап! Бюро эмас, Эртөөвнинг иши бу. Аммо лекин... мени деб бу ерга келганларнинг учун, яхши ниятларинг учун катта раҳмат, дўстларим!

Комил саман йўрғасига қамчи урди.

Йигитлар эса, юраклари баҳор қуёшидай илиқ бир меҳрга тўлиб, от туёқлари узоқлашиб кетгунча кутиб туришди, сўнг, нотинч ўйларга чўмиб, орқага қайтишди.

### Биринчи боб

Даштда ўрим-йғим тугаши билан қишлоқда терим бошланди.

Гулсум опа бригадасининг шийпонида қизил бўёқ билан ёзилган катта шиорлар пайдо бўлди:

«Пахта — бу ўқ-дори!»

«Пахта — бу жангчига кийим!»

«Азиз ўртоқ, сен фронт хирмонига қанча пахта тўкдинг?..»

Терим бошланадиган куни пахтазорга бутун қишлоқ зиёлилари—колхоз идораси, сельпо, амбулатория ходимлари, юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилар йиғилиб, хийла тантана бўлди. Бригада аҳлини табриклагани Комил билан Инобат, кейинроқ Холмат Чавандоз келди. Одамларда шундай бир кайфият ҳукм сурардики, гўё ҳозиргача қилинган ишлар — топширилган минг-минг пуд ғалла, сабзавот, мевачева — бунинг ҳаммаси шунчаки бир гап, гўё «фронт» деган улуғ сўзга лойиқ иш мана энди бошланади!..

Терим бошланган куни йигитлар Қурбон ота бошлиқ қизил карвоннинг араваларида пахта топшириб келишди. Шу кундан бошлаб уч киши иккита шотили аравани ҳайдайдиган бўлишди.

Иш оғир. Улар ҳар куни тонг пайти йўлга чиқиб, кун ботиш олдида қайтишади. Кейин отларини сойга тушовлаб, хирмондаги пахтани қоп-қанорларга тиқишади, тоғдай қилиб араваларга ортишади. Шундан кейингина сойга тушиб дам олишади. Пахтани барвақтроқ топшириб, эртароқ қайтганларида эса, дам олиш ҳам эсларидан чиқиб, қизларга ёрдамга шошилишади: пахта теришади, қопларини хирмонга ташиб беришади. Кечқурунлари сойдаги ажриқзорларга чў-



зилиб, белбоғларига тугиб келинган қовоқ соғсалару, қўрга кўмижган жўхори думбулларини ейишади. Кечалари эса йигитларнинг ёнига Муяссар билан Лариса чиқиб келишди, тўғон бўйида, лайлак уя қўйган оқ теракнинг тагида узоқ суҳбатлашиб ўтиришади.

Умуман, меҳнат қанчалик оғир бўлмасин — Машраблар турмушдан нолишмайди. Чунки иш оғирлашган сайин улар ўзларини фронтга, урушда юрган йигитларга яқинроқ ҳис этишади-ю, виждонлари қийналмайди. Ҳатто ёздаги кўнгилсиз воқеалар, Эртоевлар билан бўлган тўқнашувлар ҳам эсларидан чиққан, чунки фронт деган улур сўз олдида бунинг ҳаммаси қандайдир жуда майда кўринади. Фақат бир нарса йигитларни сал қийнайди, у ҳам бўлса... Гулчеҳра!

Субутсиз киз!.. Бир қарасангиз Акмал билан бурунгидай илиқ гаплашиб, йигитнинг сўнган умидини қайта ёқади, бир қарасангиз Ёдгорбекка кўзларини сузиб, юрагини ўртайди.

Ёдгорбек эса даштдан қайтгандан кейин почтальон бўлиб олди-ю, Гулчеҳранинг атрофида ўралашиб қолди.

Ёдгорбекнинг бу хатти-ҳаракатлари негадир Акмалдан ҳам кўпроқ Қўчқорни хуноб қилади.

— Айб ўзингда! Латта бўлмасанг... бундоқ бир танобларни тортиб қўймайсанми, сўтак?— дейди у жиғибийрон бўлиб.

Бу гаплар Акмалнинг усиз ҳам ачишиб турган ярасига туз сепгандай бўлди-ю, ахийри Гулчеҳра билан бир гаплашишга аҳд қилди.

Бугун улар пахтани заготпунктга топшириб бўлиб, бир пиёла чой ичгани чойхонага кирганларида Акмал «лип» этиб, йўл бўйидаги бозорчага ўтди. У бир-икки кундан бери белбоғига тугиб юрган уч-тўртта зоғорасига чиройлироқ бир шоҳи рўмолча олмоқчи эди, бироқ рўмолчага пули етмади-да, зоғорани эскироқ бир ипак қўлқопга алмаштирди. Мана энди белбоғида шу қўлқоп, тагида қош-қанорлар, шотили аравада осмонга тикилиб чалқанча ётибди.

Олис йўлга ўрганган отлар, бошларини секин чайқаб бир-бир босиб бормоқда. Олдинда кетаётган арваларнинг биридан Қўчқорнинг беўхшов хиргойиси эшитилади:

Ул париваш қадрим билмас,  
то камолга етмагунча...

Акмал боя қўлқопни белига тугиб бозордан чиқаётганда кўнгли жуда равшан эди, энди қишлоққа яқинлашган сайин уни гўё совуқ хабар кутаётгандай юраги сиқилиб борарди.

Қиз билан учрашганда нима дейди? Совғасини қандай қилиб беради? Сўнги пайтларда пахтазорга бошига янги-янги шоҳи рўмолчалар ўраб, қулоғига бежирим сирғачалар тақиб чиқаётган Гулчеҳра унинг арзимаган ҳадясини қабул қиладими, йўқми?

Акмал шундай хаёллардан боши говлаб ахийри кўзи илинган экан, бир пайт, Қўчқор елкасидан қаттиқ туртди:

— Хурракни отиб ётишини қара бунинг! Ўргилиб кетай сендақа куёв йигитдан!.. Тур, пайтни бой бермай чоп, каллаварам!

Акмал апил-тапил ўрнидан турди.

Аравалар сойга келиб тўхтаган, Машраб отларни тушовламоқда эди.

— Имилламасдан тезроқ бўл, лапашанг! — Қўчқор Акмални аравадан судраб тушириб, жарлик ёқасидagi толзорга имо қилди. — Бундай қулай пайт сира келмайди. Чоп!

Акмал нима бўлаётганини тушунмасдан Қўчқор кўрсатган томонга қараб лапанглаб югуриб кетди.

У жарлик тагидаги одам бўйи келадиган қамишзорга киргандагина бир оз ҳушига келиб, қадамини секинлатди, лекин шу пайт, олдини тўсган қамишлар чайқалиб, тор йўлда... Гулчеҳра кўринди.

Акмал, гўё йўлини бўри тўсган қуёндай бир сапчиб тушди, қиз эса, аксинча, лўппи юзларида чуқурчалари ўйнаб:

— И! — деб кулди. — Сиздаям йўл тўсиш одатлари бормиди, Акмал ака!

У бошида бинафша ранг нафис шоҳи рўмол эгинда ўзига ярашиб тушган гулдор чит кўйлак, оёғида этикча, кўзаларини сузиб, жилмайиб турарди.

Акмал унинг ёқимтой кулгисидан эриб кетиб белбоғидан қоғозга ўралган ҳадясини олди, сал дудуқлашиб:

— Шу...— деди.— Шу арзимас ҳадяни... атайин сизга деб олувдим...

— Ҳадя?.. Вой, нима қилардингиз?— Гулчеҳра қоғозни олиб очди, чеҳраси ёришиб, қўлқопни қўлига кийиб кўрди-да, тўсатдан:

— Йиртиғу қўлқопчангиз...— деди, бир четидан жимжилоғини чиқариб.

Қўлқоп чиндан ҳам чокидан сўкилган эди. Акмалнинг қовоғи тушиб кетди.

— Нима қилайлик, боримиз шу... Биз баъзи бировлардай шойи рўмолчага чамамиз етмайди.

— Нима, нима, шойи рўмолча? Ҳали рашк қиламан денг?— Гулчеҳра тўсатдан овози пўлат қўнғироқчадай жаранглаб кулиб юборди.— Биров текин рўмолча беради-ю, ман олмайманми? Мана, сизнинг ҳам қўлингизни қайтарганим йўқ. Қўлқопчангиз учун раҳмат. Бироқ рашк қилсангиз... хафа бўламан!

Гулчеҳра оппоқ майда тишларини ярқиратиб яна бир кулди-да, ўзини сой томонга урди.

— Гулчеҳра. Тўхта...

Акмал юраги гурс-гурс уриб, унинг кетидан интилган ҳам эдики, орқадан, пахтазор томондан Ёдгорбекнинг:

— Ҳой, менга қара, хом семиз!— деган товуши эшитилди.

У ёнбошида четлари қирилиб кетган эски брезент сумка, лапанглаб келиб, Акмалнинг олдида тўхтади-да, қўлига икки букланган бир конверт қистирди.— Қизларнинг кетидан юришни сенга ким қўйди? Ундак кўра отанг бечорага битта-яримта посилка юборсангчи, оғайни!

Ёдгорбек шундай деб, кўзини қисди-да, Гулчеҳранинг кетидан чопиб кетди.

Акмал муштини тугиб, унинг орқасидан бир-икки қадам юрди, кейин қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, конвертни очди.

Анчадан кейин унинг йўқолиб қолганидан ҳайрон бўлган Машраб билан Қўчқор югуриб келишганда, Акмал бошини қўллари орасига олиб, ерда ўтирарди. У Машрабларнинг саволларига жавоб бермасдан қўлидаги хатни чўзди.

Хатни ўқиб Қўчқор билан Машраб ҳам гаранг бўлиб қолишди.

Хат битта эмас, иккита эди. Бири Эшмат акадан, иккинчиси қишлоқ совети номига ёзилган ва шифохона муҳри босилган расмий мактуб эди.

Маълум бўлишича, Эшмат ака заводда ишлаб турган жойида вагонетка қоқиб кетиб, операцияга тушган, ҳозир завод шифохонасида даволанмоқда эди.

«...Кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, тўнғич ўғлимиз Акмалхонга етиб маълум бўлсинки, бизким, отанг Эшмат Мўмин ўғли Магнитогорск шаҳрида, олло-таолонинг паноҳида соғ-саломат ўз ризқимизни териб еб юрибмиз ҳамда сизлар ул томонда соғ-саломат бўлишларингизни табиатнинг энг нозик жойидан тилаб турибмиз»... деб бошланадиган ва камида юз кишининг номига битта-битта дуойи салом йўлланган бу узун хатнинг энг нозик жойи охирида эди.

Эшмат ака ҳозир саломатлиги ёмон эмаслигини, агар қишлоқдан қарамоғидаги болалари тўғрисида справка келса уйга қайтаришлари мумкинлигини айтиб, охирида шундай деб ёзарди:

«Сизга айтадиган эндиги гап шуким, бошда Чавандоз янглиш ёзганми, билмадик, биз Эшмат Мўминов бўлмай, Эшвой Мўминов бўп кетибмиз. Ўзимиз ҳам уч-тўрт ёш яшариб қопмиз. Справка беришганда, шул томонларини ҳам тўғрилаб ёзишса, негаки, кейин чақоғи чиқиб юрмасин.

Холмат акамларга кўпдан-кўп дуойи саломимизни айтинг, ўзлари яхши одам, йўқ демаслар...»

Дарҳақиқат, шифохона бош врачининг қишлоқ советига ёзган расмий хатида ҳам Эшмат эмас, Эшвой Мўминов деб ёзилган эди.

Акмал бунга эътибор бермади, у фақат бир нарса — отаси қасалхонага тушганини онасига билдирмасликни ўйларди, холос. Лекин Машраб хатни биринчи ўқишдаёқ:

— Тўхта, нега энди Эшмат ака Эшвой бўлади? — деди. — Эшвой... Эшвой Мўминов...

Тўсатдан унинг кўз олдига ўша олис ёз тонги-ю, ярим яланғоч гажакдор жувон келди, эсига унинг «Ҳорманг энди, Эшмат ака!» деб кулгани. Эшвой эса: «Иккинчи айтма шу номни!» деб силтаб ташлагани тушди.

— Эшвой Мўминов! Э, бу ўша муттаҳам бақалок-ку! — Машраб кўзлари ғазабдан чақнаб бир Қўчқорга, бир Акмалга қаради,

Акмал қош-қовоғини уйиб чурқ этмади, Қўчқор эса, бошини қашиб:

— Эшвой ўз ихтиёри билан армияга кетган-ку, бу ёғи қандоқ бўлди? — деган эди, Машраб кўрсаткич бармоғини пешанасига бигиз қилиб:

— Шунга ҳам ақлинг етмадими, каллаварам, — деди. — Армия тугул рабочий батальондан қочиб юрган одам, фронтга кетармиди? Ушанда қўлга тушмаганда кетиб бўпти у!.. Эсингдами, қишда рабочий батальонга фалончиларни ёзишибди, деганда ҳар хил гаплар тарқалувди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Мана энди билинди!

Машрабнинг гапларига ишониш қанчалик қийин бўлмасин, у ҳақ экани кўп ўтмай сезилиб қолди. Кечки пайт справка сўраб қишлоқ советига кириб кетган Акмал, қош-қовоғи осилиб чиқди: Чавандоз аллакимлар билан маслаҳатлашиб олишни важ қилиб, справкани пайсалга солибди.

Усиэ ҳам Гулчеҳрани ўйлаб эзилиб юрган Акмал сойга тушиб, кўкрагини захга бериб ётиб олди. Қўчқор ҳам, гўё бунинг ҳаммасига Чавандоз эмас, ўзи айбдордай индамай қолди, Машраб эса сойда қирт-қирт ўт чайнаб юрган отларга, терак учларида милт-милт ёнган юлдузларга тикилиб ўйга чўмди. Негадир кўз олдидан Эшмат ака кетмасди.

Акмалдан ҳам содда, меҳнаткаш одам, у кечаю кундуз пахтазордан чиқмас, колхозда энг яхши сувчи ҳисобланарди. Қишу ёз кийимлари қуримасдан ҳўл бўлиб юрар, шунинг учун ҳам одамлар унга «шилта этак» деб ном қўйишганди. Лекин шу соддалигига қарамай, Акмалдай «ичимдагини топ» эмас, сўзга чечан, аскияда не-не одамларни мот қилиб юрарди. У колхоз боғида бўлган қайси бир ўтиришда Инобат опанинг эри Ҳошим полвонни бир оғиз сўз билан мот қилиб кетгани Машрабнинг эсидан чиқмайди... Уша йили тоғдан эртароқ тушган йилқи қирда ёйилиб юрарди. Эшмат ака бошидаги дўпписини тўғрилай-тўғрилай, шу йилқига имо қилиб:

«Бу йил худо сенинг тилагингни берди-я, полвон!» деб бир жилмайди-да, патнисдай кетмонини елкасига

ташлаб, пахтазорга қараб кетди. Даврада зўр қаҳқаҳа кўтарилди: «Бас, мот бўлдинг, полвон! Қойил, Эшмат ака, қойил!» деган хитоблар эшитилди.

Машраб кейин суриштириб билса, Ҳошим полвоннинг лақаби «Қўнғиз» экану, Эшмат ака бу йил тезак кўп бўлишига ишора қилиб, уни жуда нозик жойидан ушлаган экан!

Шу заҳматкаш одам бировнинг ўрнига кетганини ҳалигача билмайди. Нима қилиш керак? Албатта, Қомилга дод солиб бориш мумкин. Лекин, биринчидан, унинг ҳам ташвиши бошидан ортиб юрибди, иккинчидан... улар ўзаларичи? Наҳот уларнинг қўлидан бир иш келмаса?..

Машраб титроқ босиб ўридан туриб кетди-да, тўсатдан:

— Ёзамиз!— деб қолди.— Ҳаммасини айтиб областга ёзамиз. Хўш, нега ёзмас эканмиз?

Акмал яна индамади. Лекин бу фикр Қўчқорга маъкул тушди. Улар Машрабларникига бориб хат ёзишга киришдилар. Хатни Машраб ўзи ёзди. У шундай шоирона тил ва алам билан ёздики, ҳар қанақа бағритошниям эритишга қодир эди. Хат тезроқ етиб борсин учун эртасига шаҳарга бориб, уни скорий поезднинг почта қутисига солиб юборишди.

\* \* \*

Серафима Фёдоровна янги ўқув йилига шунча жон куйдириб тайёрланганига яраша ёлчитиб дарс бера олмади: мактаб бир ҳафта ишлар-ишламас эшикларга қулф осилиб, ҳамма пахтага сафарбар қилинди.

Пахта!

Серафима Фёдоровна «оқ олтин», деб ном чиқарган бу афсонавий ўсимликнинг очилишини биринчи кўриши.

Бу шуҳратнинг лофи йўқ: оппоқ очилган бўлиқ пахтазор қор босган боғлардай майин, илк ёққан лайлакқордай кишининг кўнглини равшан қилади. Бироқ одамлар пахтазорни фронтга ўхшатиши бежиз эмас: ипакдай майин кўринган пахтанинг меҳнати тошдан ҳам қаттиқ.

Серафима Фёдоровна бунга ўзидан ҳам бурун қизи Лариса билан ҳамшаҳарларининг қийналишидан билди.

Лариса Муяссар бошлиқ юқори синф қизларидан тузилган алоҳида звенода ишлайди. Даштдан қайтгандан кейин юзи сал тиниқлашиб, ўзига келиб қолган қиз энди бир ҳафтадаёқ кўзлари ичига ботиб, қўллари шилиниб, озиб кетди. Лекин ёп эмасми, қизлардан қолишмасликка ҳаракат қилади: улар кўпроқ теришса, кўпроқ теришга уринади, кулишса кулади, йиғлашса йиғлайди. Баъзан кечалари Ленинградни, ўқиган мактабини, дугоналарини, отасини эслаб ўқийди:

— Нега бошқа фронтларда душман чекиняпти-ю, Ленинград жим? Дадамларга нима бўлди?— деб сўрайвериб, онасининг усиз ҳам зирқираган юрагини баттар зирқиратади. Лекин эртасига гўё бунинг ҳаммаси эсидан чиқади-ю, бутун вужуди билан ишга киришади, гўё кўнглидаги ғуборни меҳнат билан ювмоқчи бўлади.

Серафима Фёдоровна қўйиб берса Лариса унинг нормасини ҳам ўз зиммасига оладиган. Бироқ Серафима Фёдоровна қийналса ҳам унамайди. У ўзи учун фақат битта енгилликни тан олади, у ҳам бўлса, ҳолдан кетган чоғларида пайкалнинг четига чиқиб сал ҳордиқ чиқаради ёки бир-бир босиб пахтазорни оралайди, озиб-қорайиб кетган болаларнинг бошларини силайди, юраги аллақандай илиқ бир меҳрга тўлиб, қиз-жувонларга фронтдаги аҳвол ҳақида гапириб беради, кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилади. Лекин у кўпроқ ўз ҳамшаҳарлари билан бирга бўлишга тиришади.

Ленинградлик саккиз-тўққиз аёл ишга бирга чиқиб, бирга қайтишади. Ёзда, Моҳира бувининг боғида бўлган гаплардан кейин, улар Серафима Фёдоровнага қандайдир суяниб қолишган. Ҳатто она-сингил Святковскаялар ҳам унинг оғзига қарашади.

Ёздагидан ҳам баттар офтобда куйиб, қорайиб, қўллари шилиниб кетган бу аёлларни узоқроқдан ўзбек қиз-жувонларидан ажратиб бўлмайди, фақат ўқтин-ўқтинда:

Прощай любимый город,  
Уходим завтра в море.  
И ранней порой, мелькнет за кормой  
Знакомый платок голубой...—

каби кўшиқлар бошланади-ю, пахтазорга қандайдир бўлакча, рус далаларидай бепоён ва аллақандай маъ-юс бир руҳ кириб келади. Шундай пайтларда ҳозир уруш бораётгани, узоқларда — Украина даштларида, Белоруссия ўрмонлари ва севимли Ленинград остоналарида ҳамон қаттиқ жанглар бўлаётгани аниқроқ сезилади-ю, бу қийинчиликлар кўзга кўринмай қолади.

Ҳамма учун бўлмаса ҳам, Муяссар билан Лариса учун, умуман қизлар учун битта кичик шодлик бор, у ҳам бўлса... Уч йигит!

Улар, гарчанд ҳар куни кечқурун шаҳардан чарчаб, йиқилиб-сурилиб қайтишса ҳам, дарҳол ўзларини пахтазорга уришади: йигитлар келиши билан далага қандайдир жон киради, кулги, ҳазил-мутойиба, баъзан шўх кўшиқлар бошланади.

Серафима Фёдоровна ўзи ҳам йигитларнинг бу шўхликларини, белларигача қип-яланғоч бўлиб, баданлари тердан чўяндай ялтиллаб хирмондаги пахталарни қоплашларини, кейин одам бўйи келадиган қанорларни даст кўтариб, араваларга босишларини завқ билан томоша қилади, у фақат бир нарсадан — қизи билан Қўчқор ўртасидаги муносабатлар жиддийлашиб кетишидан қўрқарди, холос.

Чунки Серафима Фёдоровна сезади — йигитнинг шўх қилиқлари, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари қизига хуш ёқади, ҳар қалай, Қўчқор келганда Лариса ноз билан кулиб, аллақандай яшнаб кетади... Бунинг устига беш-олти кундан бери нима ҳам бўлиб, Гулчеҳра ишга чиқмай қолди-ю, қиз-йигитларнинг учрашувлари, шивир-шивирлари кўпайиб кетди. Онани бу ҳам бир оз безовта қилади, кўнглига ғулғула солади.

...Бугун йигитлар шаҳардан барвақтроқ қайтишди. Жар ёқасида пахта тераётган Серафима Фёдоровнага шоша-пиша салом беришиб, олисда, қир этагида ишлаётган қизлар томонга ўтиб кетишди. Бир лаҳзадан кейин Муяссарни бошлаб орқага қайтишди. Серафима Фёдоровнанинг:

— Ҳа, нима гап, тинчликми? — деган саволига:

— Тинчлик, тинчлик, — деб жавоб беришди-да, сойга тушиб кетишди...

«— Буларга нима бўлди?!» — деганича Серафима Фёдоровна кўнгли бир хил бўлиб, кетларидан тикилиб



турган эди, ўнг қўлдаги қатор тутлар панасидан Гулсум опа чиқди. Қўлида бир ҳовуч пахта, у узоқроқда тўхтаб, таклиф қилди:

— Юринг, бир пиёла чой ичайлик. Серафима Фёдоровна, чарчаганга ўхшайсиз.

Хирмонда, тут тагида нималарнидир ёзиб ўтирган Катя Святковскаядан бошқа ҳеч ким йўқ, терилган пахта тоғдай уюлиб ётарди.

— Йигитлар қани?— деди Гулсум опа.— Боя шу ерда юргандай бўлишувди-ю!

— Қаёқда бўларди. Яна ўша... қизларга кетишгандир-да,— ноз билан кулди Катя.— Шаҳардан қайтди дегунча ўша ёққа югуришгани югуришган.

Серафима Фёдоровна маъюс жилмайди:

— Йигит бўлгандан кейин шунақа бўлади-да, Катенька!

У этагидаги пахтасини хирмонга тўкди-да, Гулсум опани четга чақириб, боя кўрганларини айтиб берди.

Гулсум опа кўзаларини сал қисиб сойга, қий-чув кўтаришиб қўш ёнғоққа тош отишаётган болаларга тикилиб ўйланиб қолди.

— Яна ўша Гулчеҳра можаросидир,— деди ниҳоят Гулсум опа.— Яшириқча тўй бўлармиш, деган гап чиқиб қолди, шунини эшитишганга ўхшайди — тўлиб юришипти!..

— Ҳайронман!.. Ахир ҳали ўн еттига чиқмаган қиз... Нима ҳақлари бор?

— Кошки, ҳақ-ҳуқуқни билишса булар! Биз кечаю кундуз ўйлаганимиз фронт, меҳнат, план. Булар бўлса...

Гулсум опа пахтазордан чиққан Барнога кўзи тушиб, индамай қолди ва чуқур тин олиб, ерга қаради.

Барно, бошида шойи дурра, эгнида сал эскирган атлас кўйлак, оёғида пошнаси баланд бежиримгина этикча, ҳамон бурунгидай виқорли кўринарди. Лекин Гулсум опа сезади — Барно ичида қандайдир бир мурвати синган ўйинчоққа ўхшайди. Кўзларини тез олиб қочиларида, лабларининг қаттиқ қисилишида, юриш-туришларида аллақандай аянчли бир нарса пайдо бўлган.

Мана ҳозир ҳам Барно пахтасини топширди-да, ёнидаги қиз-келинчақларни кутмай, сойга қараб шопилди. Афтидан, у тут панасида ўтирган Гулсум опа-

ларни яқин боргандагина қўрди шекилли, бир зум тўхтаб:

— Салом,— деди секин.

— Салом,— Гулсум опа оҳиста тин олди.— Ҳорма, жоним. Қалай, яхшимисан?

— Раҳмат...— Барно, қуралай кўзлари маъюс жавдираб ерга тикилди, кейин:

— Менинг... идорада ишим бор эди,— деди-да, тез юриб ўтиб кетди.

— Мана, буниям йўлдан урган ўшалар!— Гулсум опа, ранги ўчиб Серафима Фёдоровнага қаради:

— Майли, тўғри қилишяпти йигитлар!.. Ёзишсин. Курашсин. Кўрайлик, токайгача булар шундай қиларкин! Тилимиз қисик жойимиз йўқ. Биз эмас, улар ҳайиқсин!

Гулсум опа бошини аллақандай мағрур кўтариб, хирмонга қараб кетди. Серафима Фёдоровна эса Моҳира бувининг эшагига миниб, йўлга тушди.

У Барно ҳақида ҳам, Гулчеҳра тўғрисида ҳам анча гаплар эшитган, Акмалнинг изтироб чекиб юрганлини ҳам билар, лекин Гулсум опа бунчалик фиғони чиқиб гапиришини биринчи кўриши эди.

...Вақт тун ярмидан оғиб кетган эди. Гулсум опанинг гапларини ўйлай-ўйлай, зўрға кўзи илинган Серафима Фёдоровна қулогига чалинган аллақандай шовқин-сурондан чўчиб ўйғонди.

Ҳовлида қандайдир бир тўполон бошланган, кимлардир гурс-гурс юрар, эшиклар очилиб-ёпилар, кимдир чироқ кўтариб у ёқдан-бу ёққа ўтар, кимдир йиғлар. Моҳира бувининг:

— Вой, болажонларим-ей! Нималар қилиб қўйдинглар?— деган овози эшитиларди.

Серафима Фёдоровна юраги шув этиб, Ларисанинг тўшагига қўлини чўзди — Лариса йўқ! У пешанасини совуқ тер босиб, апил-тапил ўрнидан турди-да, эшикка отилди.

Кеча сутдай ойдин. Ҳовлининг ўртасидаги сўрида Машраб билан Қўчқор ўтирар, четроқда Акмал ҳам кўринарди. Моҳира буви, қўлида лип-лип этган еттинчи лампа, Машрабга ниманидир куйиниб гапирарди.

— Ҳа, нима бўлди, тинчликми, буви?

— Вой айланай Серафим қизим,— Моҳира буви аёлни кўриб югуриб келди.— Булар халиги... Фазлид-

дин оқсоқолнинг қизи... Гулчеҳрагонни олиб қочиб келишибди.

Машраб қўлини силтади:

— Нега энди олиб қочар эканмиз? Шунчаки.. бошқа жой бўлмагандан кейин... бошлаб келдик-да бу ерга.

Моҳира буви, қўлида лампаси титраб, бир Серафима Фёдоровнага, бир йигитларга қаради.

— Тагин қизи тушмагур гапга кўнса-чи? Дод солиб йиғлапти...— Кампир йўрғалаб сўрининг ёнига борди.— Нима қиласанлар энди, куёв кирди қиласанларми?

«Куёв кирди» сўзини эшитган Акмал ўрнидан сапчиб туриб, эшикка томон йўналди. Қўчқор қаҳқаҳ отиб унинг кетидан югурди, Машраб эса:

— Бўлмаса нима қилайлик?— деди титраб.— Ёдгорбеклар олиб қочаётганини кўриб, индамай тураверсак яхши бўлармиди?

— Яхши бўлмаса... боятдан бери дод солиб йиғлапти-ю қизларинг!

Серафима Фёдоровна эндигина пайқади. Катта уйнинг деразалари ёп-ёруғ, у ердан бўғиқ йиғи овози эшитилар, Лариса билан Шириной қизни юпатишга ҳаракат қилишарди.

Серафима Фёдоровна кулимсираб Машрабга юзланди:

— Уйга кирайлик. Бир бошдан гапириб беринглар-чи? Нима гап ўзи?

У бувининг қўлидан лампасини олиб, уйга бошлади.

\* \* \*

Йўқ, йигитлар бундай воқеа рўй беришини ўзлари ҳам кутмаган эдилар. Аксинча, улар юборган хатларига жавоб келмагунча тинч юришга аҳд қилишган, чунки бу хат бежавоб қолмаслигига имонлари комил эди. Гарчи юқоридан ҳамон дом-дарак бўлмаса-да, ёзилган хатнинг дастлабки таъсири сезила бошлади. Кеча қишлоқ советининг котиби Акмални чақириб Магнитогорскдан келган хатларни олиб киришини, олиб кирса справка беришини айтди. Кечқурун Гулчеҳра билан гаплашгани кетган Муяссар ҳам хушха-

бар билан қайтди: беш-олти кундан бери қизини ҳеч кимга кўрсатмай қўйган Гулчеҳранинг ойиси бу сафар Муяссарни очиқ чеҳра билан қарши олибди, эртиндин қизини ишга чиқаришга ваъда берибди.

Шу-шу, йигитлар оғизлари қулоқларида, ярим кечагача уйқулари келмай, сойда, жар ёқасидаги оқ теракларнинг майин шовиллашига қулоқ солиб узоқ ётишди.

О! Кенг сойда тағларига қалин пичан тўшаб, ғир-ғир эсан шабадада қоп-қанорларга ёппииб, тўғондаги бақаларнинг сайрашига қулоқ солиб, ширин хаёллар оғушида ухлаб қолишнинг гаштига не етсин!

Машраб, қандайдир ёруғ ўйлардан кўнгли сув ичгандай бўлиб (у ёзган хатлар бекорга кетмади ахир!), энди кўзи илинган экан, Қўчқорнинг турткисидан уйғониб кетди.

У анчагача ҳеч нарсага тушуна олмади, кейин от туёқларининг дулури эшитилган томонга тикилиб, боғ кўчадан чиққан икки отлиқнинг қорасини кўрди.

Отлиқлар қўш ёнғоқнинг ёнидан ўтиб, тўғонга қараб бурилишди.

— Кўр Шермат билан Ёдгорбек!— деди Қўчқор, ваҳимали шивирлаб.— Бу ерда бир гап бор. Тун ярмида бекорга юрмайди булар!

Дарҳақиқат, отлиқлар тахта кўприкнинг ёнидан ўнгга бурилиб, тўғон бўйида тўхташди.

— Гулчеҳрага келишган!— тўсатдан деди Қўчқор.— Гузардан олиб ўтишдан қўрқишибди-да, муттаҳамлар!

У олдинга толпинган Акмалнинг қўлини қайириб зўрға тўхтатди.

— Шошма, ишнинг пачавасини чиқарасан, каллаварам! Жим! Қани, кетимдан юринглар!

Улар юраклари гурс-гурс урар, қалбларини худди разведкага чиққан оқшомдагидай, йўқ, ундагидан ҳам бўлакча — сал ваҳимали ва ширин бир туйғу, йигитликка хос бир ғурур чулғаб олганди. Ҳозир гап ғалла эмас, инсон тақдири устида борарди ахир!

Йигитлар тахта кўприкни паналаб бориб, тўғонга яқин жойда тўхташди. Энди шубҳага ўрин қолмаган, Ёдгорбек лайлак уя қўйган оқ терак остида отларнинг жиловидан ушлаб турар, Кўр Шермат эса, тў-

гон устида қулаб ётган толдан юриб ўтиб, қаршидаги боғда ғойиб бўлган эди.

Афтидан, олдиндан гаплашиб қўйилган бўлса керак, сал ўтмай, тўғон устида иккита аёл билан Кўр Шерматнинг қораси кўринди.

Кўр Шермат паранжига ўралган Гулчеҳрани — уни паканалигиданоқ билса бўларди — даст кўтариб, Ёдгорбекнинг отига миндирди-да, ўзиям бир сакраб отига минди. Гулчеҳранинг йиғиси, «Оқ йўл! Ваъдалар эсдан чиқмасин!» деган хитоблар эшитилди.

Икки отлиқ йигитларнинг ёнгинасидан ўтиб, негадир жарликка томон йўл олишди.

Қўчқор билан Машраб тўсатдан айиқдай олиша бошлаган Акмални зўрға тўхтатишди, сўнг, дарахтларни паналаб отлиқларнинг орқасидан кетишди.

Лекин отлиқлар қўш ёнғоққа етмасданоқ, Акмал бир толпиниб қўлларидадан чиқди-да, лапанглаб бориб қиз минган отнинг жиловидан ушлади:

— Тўхта, босқинчи!

Машраб тўполон бўлиб кетармикин, деб қўрққанди, йўқ, жанжал чиқмади.

Қўчқор Кўр Шерматни бир сакрашдаёқ ёқасидан ушлаб, отдан туширди. Шермат хириллаб олишиб кўрди, Ёдгорбек эса, эсанкираб қолдими, ё одамлар уйғониб, тўполон бўлиб кетишидан қўрқдими, олишмади ҳам, бир-икки сўкинди-да, қизни ташлаб, Кўр Шерматгаям қарамасдан, отига қамчи босди.

Гулчеҳра бўлса аввал қўрқиб кетди. «Вой, ойижон!» деб қичқириб юборди, кейин йигитларни таниб, овозининг бориचा ҳўнграб йиғлади...

...Мана, у ҳанузгача ўзини босолмайди, катта меҳмонхонанинг бурчагида юзини ёстиққа босиб пиқлиқ йиғлайди...

Машраб бир бувисига, бир Серафима Фёдоровнага қараб, сўради:

— Шундан кейин... бу ерга олиб келмай нима қилайлик? Ё ўша иккита босқинчига бериб юборсак яхши бўлармиди?

Серафима Фёдоровна кўзини қисиб, бурчакка имо қилди.

— Буни ана... Гулчеҳраҳондан сўрагин-да!

Ҳамма кулиб юборди.

Гулчеҳра эса юзини ёстиқда қаттиқроқ босиб индамай қолди.

У ҳозир нима ҳам дейди? Мана, бир ойдан опдики, Ёдгорбек кечаю кундуз қизнинг йўлини пойлайди. Ҳар куни янгаларидан совға-саломлар, ҳеч қаердан топилмайдиган ироқи совунлар юборади.

Аввал Гулчеҳра йигитдан ўзини олиб қочиб кўрди. Лекин шундай нафис ҳид таратган ироқи совунларни қайтариб бўлармиди? Кичкиналигидан чиройли безакларга ўч қиз бу совғаларни битта-битта оладиган, кейинроқ эса, йигит кечалари пахса девор ёнидаги гилосларининг ёнига секин ҳуштак чалиб келганда, юраги ўйнайдиган бўлиб қолди.

Лекин у Ёдгорбекни бунчаликка боради, деб ўйламаган эди. Кеча кечқурун янгалари уйларига бир сандиқ кийим-кечак кўтариб киришди-ю, уни атлас кўйлак, гижим рўмол, амиркон маҳси-кавушларга кўмиб ташлади. Гулчеҳра, гарчи бу кийим-кечакларни кўриб, кўзлари ўйнаб кетса-да, юрагини аллақандай ваҳима босиб йиғлай бошлади. Шунда бир томондан ойиси, бир томондан дадаси ўшқириб беришди. Бунинг устига Кўр Шермат кириб келди-да, қизни худди қўйни судрагандай қўлидан шап ушлаб судраб чиқиб кетди. Шу-шу — қиз гўё эс-ҳушидан ажради, ҳатто дод солишга ҳам чамаси келмай қолди, фақат Акмалларни кўргандагина бирдан ўпкаси тўлиб, ҳўнграб йиғлаб юборди... Мана энди эса, нима қилишини ўзи-ям билмайди: қувонишини ҳам, ўқинишини ҳам.

Қўчқор Гулчеҳранинг индамаётганидан хуноб бўлиб, унинг ёнига келди.

— Ҳей, менга қара, Гулчеҳра,— деди у.— Агар хоҳламасанг, марҳамат, ҳалиям бўлса олиб бориб қўямиз куёв йигитникига.

Унинг ҳазили Ларисага хуш ёқиб тушди шекилли, сочларини силкитиб кулди-да:

— Рост,— деди.— Сени чиндан йиғлаяпти, деб, олиб бориб қўйишса нима қиласан, ўртоқжон?

Бу сафар Гулчеҳра ҳам «пиқ» этиб кулиб юборди-ю, ҳамма эркин тин олди.

Серафима Фёдоровна ҳамон гуноҳкорона термилиб турган Машрабга юзланди:

— Молодцы! Жуда соз бўпти! Бўлмаса жавоб кутиб юраверганларингда бошлаб кетишаркан улар. Айт-

моқчи, ҳалиги... Магнитогорскдан келган хатлар қани?

— Хатлар куёв тўрада. Ҳозир,— Қўчқор ҳовлига чиқиб қўлида тўрт букланган конверт билан кирди.

Серафима Фёдоровна Эшмат аканинг хатини қайтариб берди-да, шифохонадан келган қоғозни олиб, еттинчи лампанинг хира шуъласига яқин тутиб ўқишга киришди.

Бу — дағалроқ сарғиш қоғозга «о» ҳарфи сийқа бўлиб қолган пачоқроқ машинкада ёзилган расмий хат эди.

Қоғознинг нап томонида «Магнитогорск металлургия заводи ёнида № 2 шифохона» деб ёзилган штамп, тагида уч бурчакли муҳри бор...

Серафима Фёдоровнанинг кўзи негадир ҳаммадан бурун шу муҳрга, тўғрироғи, унинг ёнидаги имзога тушди. Тушди-ю, гўё биров кўкрагидан туртгандай, чайқалиб кетди, ранги ўчиб бир Машрабга, бир қизига қаради, сўнг яна қоғозга тикилди.

Йўқ, у янглишиши мумкин эмас, ҳарфлари жуда хира кўринса-да, аниқ ўқиш мумкин: «Магнитогорск металлургия заводи ёнидаги 2-шифохонанинг бош врач» деган жойда... «Гордый В. М.» деган ном турар, анг муҳими «г»ни «т»га ўхшатиб чекилган имзо — унинг эри, Владислав Мефодьевичнинг имзоси эди...

Серафима Фёдоровна ҳолсизланиб кўзларини юмди.

Лариса югуриб келди.

— Ойижон, сизга нима бўлди, ойижон?

Ҳамма шошиб қолди. Моҳира буви бир чойнак чой топиб келди. Лекин Серафима Фёдоровна чойдан бир қултум ичиб: «Қоғоз» деди-да, яна чуқур энтикиб деворга суянди.

Лариса бир зум қоғозга кўз тикди, бироқ ҳеч нарсага тушунолмади ойисига қаради.

— Ойижон! Нима қилди, ойижон?

— Даданг,— деди Серафима Фёдоровна ва нафас етмай томоғини силади.— Даданг. Имзо.

Бу сафар Лариса ҳам қоғозга кўз ташлаши билан ҳамма нарсага тушунди. Тушунди-ю, у ҳам ранги ўчиб атрофига жавдираб қаради, кейин, қоғозни кўксига босиб, онасининг кучоғига отилди.

— Дада! Ойижон, дадам!

Уй тўполон бўлиб кетди, ҳамма нарса, ҳатто Гулчеҳра ҳам эсдан чиққан эди.

Серафима Фёдоровна ҳамон ўзига келолмас, дам лаблари ғалати титраб, кўзидан тирқираб ёш оқар, дам ўз кўзларига ишонгиси келмагандай, қоғозга қайта-қайта тикилар эди. Лариса эса бир жойда ўтира олмай уйни гир айланар, гоҳ Гулчеҳрани, гоҳ Моҳира бувини қучоқлар, ҳар хил тахминлар айтарди.

... Дадаси, албатта, ўша партизан отрядидан қайта-ётганида яралангану, Магнитогорскдаги госпиталга тушган. Кейин... инвалид бўлганми, завод шифохонасида ишда қолган.

У бирдан ранги ўчиб:

— Ишқилиб... оёқ-қўли бутун бўлсин-да!— деди-да, яна ўзидан кулди.— Чўлоқ бўлса ҳам майли. Ишқилиб тирик! Тирик!

Қўйиб беришса Лариса шу бугуноқ Магнитогорскка қараб учадиганга ўхшарди. Кейин бу кайфият Серафима Фёдоровнага ҳам ўтди. У олдин Гулчеҳрани қучоқлаб: «Сен бўлмасанг балки бу гаплардан беҳабар қолардим, жоним!» деб қайта-қайта ўпди, сўнгра Акмални чақириб, гўё эрининг тирик қолишига Эшмат ака сабаб бўлгандай, уни ҳам бағрига босди.

— Хафа бўлма. Владислав дадангга ёрдам беради. Ҳаммасини тўғрилайди. Бу яхшиликларинг учун...— деб яна йиғлаб юборди.

Ҳали бу гапларни аниқлаш керак-ку, телеграмма юбориш, хат ёзиш лозим-ку, деган фикр она-боланинг эсига Машраблар қўзғалгандагина келди.

Она-бола анча баҳслашганларидан кейин, ниҳоят, шаҳарга Серафима Фёдоровна кетди.

У шаҳар почтасидан бир йўла иккита телеграмма ва учта хат ёзиб жўнатди. Иккала телеграммани эрининг ўзига (биттаси бўлмаса биттаси тегар), хатларнинг биттасини завод кадрлар бўлимига, яна биттасини шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига, яна биттасини эрига жўнатди ва шундан кейингина кўнгли сал жойига тушди.

Кечқурун Серафима Фёдоровна ҳориб-толиб қайтганда Моҳира бувининг уйи одамга тўлиб кетган, кутилмаган шодликни ўртоқлашиш учун бригаданинг арми йиғилганди.



Рост, Моҳира бувининг гапига қараганда, кечаси Серафима Фёдоровна шаҳарга кетгандан кейин уйда анча кўнгилсиз гаплар бўпти.

Тонг палла доду фарёд солиб Гулчеҳранинг ойиси билан дадаси, қандайдир қариндошлари кириб келишибди. Қишлоқ советидан одамлар чиқиб писанда қилишибди, акт тузишибди, хуллас, Моҳира бувини роса қўрқитишибди.

Серафима Фёдоровна ўз қувончидан ўзи маст, бу гапларга кўп эътибор бермади. «Қўйинг, буви, ваҳима қилманг!» — деб кулиб қўя қолди. Фақат индинига эрталаб ранги бўздай оқарган Гулсум опа кириб келганда ва ички бир аламдан титраб шаҳардан терговчи чиққанини ва йигитлар устидан тергов бошлаганини айтганидагина ҳушига келди-ю, ўзи билан ўзи овора, ҳаммани унутганини эслаб, аллақандай ижирганиб кетди.

— Қанақа тергов? Айби нима йигитларнинг?

Гулсум опа жавоб бермади. У ҳам худди шу саволлар билан ҳозиргина Чавандознинг олдига кирган, лекин аниқ бир жавоб ололмаган эди.

\* \* \*

Қиз можароси бошланишидан икки кун олдин Чавандоз Комил билан бирга тоққа чиқиб кетганди. Улар колхоз йилқисидан йигирма чоғлик от танлаб олишлари, кейин чорвани кўриб қайтишлари керак эди. Йигирма от танлаб олишдан мақсад, уларни сотиб, колхоз номидан алоҳида танк заказ қилишмоқчи эди. Гарчанд, бу ишнинг бутун шон-шуҳрати Инобат билан Комилга тегадиган бўлса-да, Чавандоз бу ташаббусдан четда туришни ўзига эп кўрмаган ва ёрдамга шошилган эди. Лекин Эшмат Мўминнинг ўғли хат кўтариб киргандан бери кўнгли ёришмай юрган Чавандоз, тоққа чиққач, худди бир бахтсизлик бўлишини сезгандай безовталаниб қолди-ю, отлар танлаб олингач, қўй фермаларини оралаб юришга сабри чидамай қайтиб кетди.

Унинг кўнгли хижил бўлиши бежиз эмас экан, идорага кирса, столда бир даста шикоят.

Гўё Чавандоз меҳнат батальонига одам ўрнига одам юборган, гўё бурунги замон бойларидай вояга

етмаган қизни бир қоп бугдойга сотиб олган, яна бу бугдой ўзиникиям эмас, колхоз хирмонидан ўғирланган эмиш. Уртоқ Эртоев эса, буни фош қилиш ўрнига, ўзиям фронтовикларнинг қайлиқларини йўлдан уриб, бузуқчилик қилаётганмиш...

Унинг бахтига ҳамманинг хаёли фронтда эмасми, шикоят «текширилиб чора кўрилсин», деган бир парча қоғоз билан олдин ижрокомга, ижрокомдан Чавандознинг ўзига келибди. Урушдан олдинги замонлар бўлса нима бўларди?

Чавандоз бу гапларни Эртоевга айтишини ҳам, айтмасликни ҳам билмай (айтса Эртоев хафа бўлади, айтмаса бир жойдан чатоғи чиқиши мумкин), боши қотиб, фиғони чиқиб турганда... Гулчеҳра можароси чиқса бўладими?

Ўзи-ку Чавандоз гап-сўз кўпайиб кетгандан кейин, тўй-томошадан воз кечиб, ишни зимдан битириб қўя қолмоқчи эди, йўқ, бу сафар ҳам тўғаноқ солишди.

Киши бир марта чидайди, икки марта чидайди, босаверса қурбақа ҳам «вақ» дейди ахир...

Яхшиям, «хўжайин»га тегиб ўтишган экан, Чавандоз телефонда учини чиқариши биланоқ Эртоев бир сапчиб тушди, кейин хиёл ўйланиб тургач, қисқа қилиб: Ҳозир етиб бораман,— деди-да, трубкани илиб қўйди...

Мана энди Чавандоз йигирманчи лампа ёқилган ёруғ меҳмонхонанинг тўрида кўкрагини ёстиқча бериб Эртоевни кутиб ётибди.

Олдидаги хонтахтада чақилган ёнғоқ, мева-чева. Бежирим кўкиш кўзачада мусаллас, унинг ёнида икки-та жонон пиёла. Лекин Чавандоз мусалласниям кўнгли тортмай, шамолда чайқалган дарахтларнинг ваҳимали гувиллашига қулоқ солиб, хаёл денгизида сузди, ўзи билан ўзи олишди.

Йўқ, инсоф билан айтганда, Холмат Чавандоз Гулсумхон ўйлаганчалик виждонсиз эмас, қаримасдан сочлари оқарган бу аёлни яна дилсиёҳ қилмоқчи эмас эди. Умуман, ёзда куёвидан хат келиб, Гулсумхон жуда мунғайиб, аллақандай чўкиб қолганини кўрганида-ёқ унга раҳми келган, кейин, Аъзам ячейка билан ишлаган чоғлари, оғир бўлса-да, дилида аллақандай ёруғ бир шуъла қолдирган ёшлик йиллари эсига тушиб, кўнгли баттар эриган, ҳатто ҳар хил сабаблар билан у

оилага яхши муомала қилмаганларини ўйлаб, ўзини койиган эди. Негаки, бундоқ дўппини олиб қўйиб ўйлаб қараса, эсидан чиқиб кетган ўша мушкул даврлар умрининг энг соф, энг олижаноб чоғлари экан.

Рост, ўша маҳаллардаям Чавандоз билан кўп тўқ-вашадиган, уни кўп койийдиган одам... Аъзам ячейка эди! Аммо, биринчидан, ячейка койиса ҳам бошқача койир, бугун уришиб, зртасига ярашиб кетаверадиган мард йигитлардан эди. Иккинчидан, у маҳалдаги тўқ-нашувлар ҳам бўлакча бўлар, уларнинг тагида қандайдир жуда катта, пок, олижаноб мақсадлар ётарди.

Хуллас, Чавандоз ўшанда кўп нарсалар эсига тушиб, анча мулоҳазаларга борганди. Лекин нима қилсинки, ўалари унинг жинига тегишди!..

Чавандоз айвонда кимнингдир гурс-гурс қадамини сезиб шахт билан ўрнидан турди. Лекин эшик секин очилиб, Ёдгорбек кирди.

— Чой берайми, дада?

— Чой...— Чавандоз ўғлининг аллақандай гуноҳкор қиёфасига тикилиб, бирдая юраги «шиғ» этди.

— Менга қара, ўғлим, намуноча сувга тушган товуқдай бўшашиб кетдинг?

Ёдгорбек узун бесўнақай қўлларини қаёққа яширинини билмай ғудранди.

— Йўқ, нега энди...

— Қаддингни тут, ўғлим! Парво қилма! Мен тирикманми — қиз сеники! Эшитдингми?

Ёдгорбек битта тилла тиши ялтиллаб жилмайди.

— Қиз ўзиям... янгалар орқали сир олишдик — кўнгли йўқ эмас, дада.

— Шунақами: Нур устига нур! Бор, дарвозага чиқ. Хўжайин келадиган пайти бўп қолди.— Чавандоз ўғлининг бесўнақайроқ бўлса-да, ўзига хос хушбичим қоматини кузатиб қоларкан, юраги аллақандай оталик меҳрига тўлиб кулимсиради:

«Сал бўшроғу, аммо... чакки эмас! Энди Қўчқордан умид йўқ. Уйдан безгани безган, Гулсумхоннинг маҳмадонасига қўшилиб Чавандозга чанг соляпти. Эшакка мугиз битса эгасини сузади, деган гап тўғри экан. Энди Чавандознинг биттаю битта умиди шу Ёдгорбек».

Тўсатдан эшик шарақлаб очилди-ю, остонада Эртов пайдо бўлди.

Оёғида гарчиллаган хром этик, эгнида янги кўк китель, Эртоев Чавандоз билан қўл бериб кўришди-да, қовоғини солиб бурчакдаги стулга ўтиб ўтирди.

— Боя айтган шикоятлар қани? Чўзинг!

Унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларида шундай бир қатъият бор адики, ҳатто Чавандоз ҳам шошиб қолди.

Эртоев бошидаги фуражкасини олиб, ёстиққа ташлади, хатларга кўз югуртириб чиқмасданоқ:

— Эшмат аканинг справкасини бердингизми?— деб сўради.

— Йўқ...

— Нега?

— Энди... Сиз билан бир маслаҳатлашсам дедим...

Эртоев «ялт» этиб Чавандозга қаради.

— Гап-сўзни кўпайтирмасдан тўғрилаб беринг ҳамма справкаларни!— деди кескин.— Эшмат ака рабчий батальонда бўлса... Эшвой ака фронтда юрибди. Нимадан қўрқасиз? Ҳеч ким бу гапларни исбот қилолмайди. Аммо справка бермасангиз гап-сўз кўпайиб кетади. Шунга ҳам ақлингиз етмадими? Хўп. Бу нима. Актларми?— деди у, лекин қоғозларни ўқир-ўқимас яна сўради:

— Шундан бошқа қиз қуриб қолдимиз, Холмат ака? Чавандоз бошини қашиб:

— Энди...— деди,— ёлғиз ўғил. Шу қизга кўнгли тушибди...

— Жигаридан урибди денг?..— кулди Эртоев ва қоғозларни кителининг кўкрак чўнтагига жойларкан, буйруқ оҳангида деди:

— Майли, у ёғини ўзингиз биласиз! Аммо шуни қулоғингизга қуйиб қўйингки, бунақа хатларнинг йўли бекилиши керак. Ҳар қолда ҳозир, шу кунларда чиқмаслиги керак бунақа гаплар!

У Чавандозга ер остидан тикилиб, қўшимча қилди:

— Мени шу кунларда... обком чақариши керак. Хушхабар чиқиб қолди. Холмат ака!..

Чавандоз унинг гапларидаги қатъиятга эндигина тушуниб, хушнуд кулди:

— Рост гапми, Эртоев ака? Учини чиқаринг қитдек-қитдек қилиб, бундоқ бир табриклар қўяйлик.

Эртоев қовоғини солишга ҳаракат қилса ҳам, беихтиёр жилмайиб:

— Подадан олдин чанг чиқармайлигу, лекин... ижроком раиси ёқмаяпти обкомга,— деди.— Тўғрисиям раис эмас, латта ўзи!

Кейин, уст-устига икки пиёла мусаллас ичиб, кўнглидаги ғуборни бир оз тарқатгач, тамом очилиб кетди.

— Ҳозир бунақа кўнгилчанлик кетмайди, Чавандоз. Темир иродали раҳбарлар керак ҳозир. Уласанми, тириласанми — аммо планни бажарсанг бас — сендан яхши раҳбар йўқ! Мана шу нуқтаи назардан қараганда... — Эртөөвнинг лабидаги табассуми яна сўнди, катта оппоқ муштини хонтахтага қўйди. — Шу нуқтаи назардан қараганда сизни ҳам танқид қилиш керак, Чавандоз. Сиз ким ўзи? Каттакон бир қишлоқнинг раиси! Раиснинг ҳуқуқи ўсганми ҳозир? Ўсган! Армияга одам юбориш, яъни, ҳамма рўйхат ўзларининг ихтиёридами, ихтиёрида! Колхоз сизга ҳисобот бериши шартми? Шарт! Хўш, жаноблари бу ҳуқуқлардан қандай фойдаланяптилар. Очиғини айтиш керакки, яхши фойдаланяпганлари йўқ! Интизом пасайиб кетган қишлоқда! Ҳар ким ўзига бек, ўзига хўжайин! Бунга чек қўйиш керак, раис ака!

Чавандоз, гарчанд кўнглидаги шубҳалари тарқаб, бу гаплардан яйраб кетса ҳам, табассумини яшириб, ҳазиллашди:

— Ҳақ-ҳуқуқ дейдилару... аммо лекин, ўзлари ҳам биз билан ҳисоблашаётганлари йўқ, Эртөөв ака!

— Масалан?..

— Масалан ўша..! Арзимаган ёш болани уруш қаҳрамони деб, кўкларга кўтардилар, парторгликка сайладилар... Хўш, ўшанда каминаларидан бир оғиз маслаҳат сўрадиларми?

— Э, хафа бўптилар-да бундан чиқди! — Эртөөв олдин хахолаб кулди, кейин ёстиқни четга суриб, қаддини ростлаб ўтираркан:

— Бу — бошқа масала, Чавандоз,— деди. Сиёсат бу, ака! Бунақа масалада эҳтиёт бўлиш керак, ҳа!

— Хўп, униси-ку сиёсат экан, ячейканинг хотиничи? Бу кишиниям сиёсат учун директор қилиб қўйдиларми?

Эртөөв пахмоқ сочларини силаб яна илжайди:

— Кечирадилар, ячейканинг хотини ўзларига ёқмаслигини билмабмиз, ака!

— Гап унда эмас, Эртоев ака. Худо ҳаққи, шу аёлга ёмонлик раво кўрмайман. Аммо лекин... кўриб турибсизку ахир?.. Сийлаганни сигир билмас экан...

— Биладан!— деди Эртоев.— Унинг директорлиги вақтинча бир гап. Истаган маҳалда ирғитиб ташлаймиз. Парво қилманг, Чавандоз!

— Ҳалиям парво қилаётганим йўқ, Эртоев ака. Аммо лекин...— Чавандоз, юзига қон тепиб, келишган мўйловини қимирлатиб кулди.— Яхшиликни билмас экан булар! Сиз ўйлайсизки бу гаплардан Гулсумқоннинг хабари йўқ деб! Кечирасиз, балони билади бу хотин! Шошманг, пахта планини бажарсин, нималарни кўрсатаркан у киши!

— Бажарса... ўқувчи-ўқитувчиларнинг пешана тери билан бажаради!

— Шундоқ деймизу, аммо лекин, раҳматни бари бир директор олади-да, Эртоев ака. Боя ўзлари айтдилар-ку...

— Тўғри, лекин... ҳар қалай, ўғли, иккита укаси фронтда. Бу ёғини ҳам ҳисобга олиш керак, Чавандоз!

— Биладан. Билганим учун ҳам тегмай девдим шуларга. Аммо лекин, андишанинг номини қўрқоқ қўйишди-ю булар, Эртоев ака!

— Тўғри, бир йўлини топиб, сал босиб қўймасак, ҳаддан ошиб кетяпти булар...— Эртоев актларни қўлига олиб ўйчан варақлади.— Вояга етмаган ёш қизни йўлдан уриб, ёмон ният билан уйларига олиб боришган... Чакки эмас... Аммо... ўғлингизни кўрган одам йўқми? — тўсатдан сўради у.

— Худо демасангиз, бандаси кўрган эмас.

— Хўп, қиз-чи? Қиз чатоқ қилмасмикин?

— Қиз...— Чавандоз Ёдгорбекнинг гаплари эсига тушиб, кулимсиради.— Авваламбор, бизнинг ўғил ҳам чакки эмас, қиз билан дон олишиб юрганга ўхшаб қолди. Иккиламчи... қизнинг гапи инobatга ўтмаслиги мумкин ..

— Хўп!— Эртоев хонтахтага қўлини тираб, шиддат билан гапирди:

— Мен бу ҳужжатларни тегишли жойларга топшираман. Иш судга чиқиши қийин. Бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин теровга тушиб, бир-икки кун ётиб чиқишса... ҳушлари жойига келиб қолар дейман!— Эртоев қошини учуриб кулимсиради-да, яна

жиддийлашди. — Демокчиманки, шу иш юришиб кетса... Гулсум опани олдингизга чақирасизу, мулойимгина қилиб муҳрини қўлидан оласиз. Сабабини суриштирсалар, жавоб тайёр: ўз фарзандини тарбия қилолмаган одам бошқаларнинг фарзандини қандай тарбия қилади? Тўғрими?

— Тўғрийам гапми? Михдек денг, михдек! — Чавандоз азбаройи завқланиб кетиб кўзачага қўл узатган эди, Эртоев имо билан тўхтатди.

— Бас! Энди камина йўлга чиқади.

— Шунақами? — деди Чавандоз ва сал ийманинқираб сўради:

— Ҳа, бу... Шерматовга одам юборсак... бошлаб ксларди-ю нозанин буғалтирни, лаббай!

— Нозанин буғалтир... — Эртоев негадир қизаринқираб кулди. — Майли, Чавандоз, кўнгил толпинса ҳам бирор ҳафта сабр қилмасак бўлмайди. Қўлга тушган қуш у нозанин! Ҳар қанча толпинса ҳам қочиб қутуллолмайди энди!

— Ҳали қочмоқчими нозанин? Шундай бургутдан-а?

— Ҳа... энди... нозанин бўлгандан кейин нози бўларкан-да, Чавандоз! — деди Эртоев ва ўрнидан турди.

— Хуллас калом — бояги гап! Агар ҳалиги иш юришиб кетса... ўзлариям белидан босадилар. Унгача вазифалари — маълумот тўплашу, гувоҳларни пухталаш!

«Маълумот тўплашу, гувоҳларни пухталаш!» Чавандоз Эртоев кетгандан кейин ҳам бу ҳақда узоқ ўйлади, уйқуси қочиб, минг бир кўчага кириб чиқди, кейин, хаёли чуваланиб кетаётганини сезди-да, қўлини силтади:

«Баттар бўлсин! Нима, менми уларга арбоб билан ўйнашгин деган?»

Эрталаб Фотиманинг кўз ёшларидан боши гаранг (Қўчқор араалаб уйларига келмай қўйганидан бери унинг кўз ёши қуримай қолди!), идорага кирди.

Чавандоз захрини кимга сочишини билмай, тўлиб ўтирган эди, бир маҳал, гўё: «Эчки ўлгиси келса, чўпоннинг таёгига суркалар», дегандек, Гулсумхон ўзи кириб келди.

Маълум бўлишича, у йигитларнинг устидан акт

тузилганини эшитиб, гаплашгани келибди. Лекин гаплашиш шунақа бўладими?

Йўқ, Чавандоз бир қони қайнаса, бир жони ачиб, минг хил мулоҳазаларга бориб юришлари бекор экан! Бўлмаса... Гулсумхоннинг ўрнида бошқа одам бўлса, таёқ ютса ҳам агар, сал ўпкасини босиб кирмасмиди унинг олдига!

Йўқ, ўпкасини босиш у ёқда турсин, баттар ранглари ўчиб, гўё Чавандозни еб қўядигандай кўзлари ёниб, қалтираб кирди!

Ўзиям рўмоли елкасига тушиб, оқ оралаган сочлари тўзғиб кетган, ҳар бир сўзидан заҳар томади!

Эмиш, ҳамма балога сабабчи Чавандоз билан Эртоев!

Ўзлари истаган номаъқулчиликни қилиб, ҳамма айбни пок, беғубор ёшларга ағдаряпган эмиш. Лекин тухматнинг умри қисқа, барибир бир кун бўлмаса, бир кун ҳақиқат юзага чиқармиш! Ҳаддидан ошганини қарангки, Чавандоз жаҳли чиқиб кетиб, бригадирликни бошқа бировга топширишни талаб қилган эди:

— Ҳозир мендан бу ишни оламан деб овора бўлманг!— деб жавоб берди.

— Сабаб?

— Сабаб... озмунча меҳнатим сингмади бу пахтазорга. Аввал ҳосилни ўз қўлим билан йиғиб-териб топшираман, кейин, марҳамат, хоҳлаган одамнингизни қўйинг!

Лекин энг қаттиқ ботгани шуки, Чавандоз унга жавоб беролмай қолди, тўғрироғи, жавоб беришга улгуролмади. Чунки Гулсумхон, бу гапларни шартта-шартта айтди-да, Чавандоз ўзига келиб, жавоб топгунча эшикни «қарс» ёпиб чиқди кетди.

Кўпдан бери бундай муомалани кўрмаган, фақат таъзимга ўрганиб қолган Чавандоз бу гаплардан вужуди заҳарга тўлиб, қоққан қозикдай қотди қолди. Анчадан кейин ҳушига келиб:

— Шошмай тур,— деди муштини сиқиб.— Бошингга не кунларни солар эканман ҳали!

Лекин у бу гаплар билан ўзини қанчалик қамчилмасин, кечқурун шаҳардан таниш терговчи чиқиб, учала йигитни барабар қамоққа олганда, яна кўнгли бир хил бўлиб кетди...



## Иккинчи боб

Мана, инсон ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган энг оғир, энг даҳшатли нарса юз берди! Халқнинг мард ўғлонлари урушда душман билан олишайтган бир маҳалда зўравонликда айбланиб қамалиш... Бундан ёмон нима бор? Улимми? Йўқ, ўлимдан ҳам ёмон бу!..

Машраб икки қўли бошининг орқасида, қоронғи холада шифтга тикилиб ётибди.

Тўғри, бу чинакам қамоқхона эмас, қишлоқ советининг қоровулхонаси, лекин номи қамоқ бўлгандан кейин...

Ундан нарироқда оёқларини деразанинг темир панжараларига тираб Қўчқор ётибди. Акмал эса бу ерга келгандан бери бурчакка тиқилиб, тескари бурилиб олган.

Дастлаб уларни бу ерга қамаб кетишганда Қўчқор унга тегажаклик қилиб кўрди. Бироқ Акмал қўққисдан айиқдай бўкириб, шундай ҳамла қилдики, Қўчқор аранг чап бериб қолди.

— Ие, жинни бўлганми бу хом семиз?

— Ҳа, жинни бўлдим!— Акмал чопонини бошига ўраб ғужанак бўлиб ётиб олди.

Акмалнинг бунчалик эзилиши бежиз эмас, кеча терговчининг олдидан чиққанларидаёқ у ҳамма бало ўзи туфайли бўлганини сезди. Буни терговчи истиҳзоли жилмайиб: «Ҳамма қилғуликни ўзлари қилиб, тагги бошқалар устидан араз ёғдиришини қаранг буларни!» дегандаёқ тушунди, тушунди-ю, дўстларининг юзига қарай олмай қолди.

Рост, Эртоевларнинг устидан шикоят қилиш унинг хаёлига ҳам кириб чиққан эмас. Буни Машраб билан Қўчқор бошлади. Лекин улар бу ишни Акмалнинг кўнгли учун, унинг дадаси-ю, севгиси учун қилишди.

Акмал гоҳ дадасининг содда хатларини, кетаётганда: «Болам, укаларингни сенга, сени худога топширдим», деган насиҳатларини эслаб тўлғанади, гоҳ Гулчеҳра, унинг сал дағалроқ, лекин жозибали қилиқлари кўз олдига келиб, ичи ёнади... Эҳ, қаёқдан ҳам бултурги воқеа бўлди-ю меҳрибонлик қила қолди бу қиз. Эҳ-тимол, ўшанда Акмал Гулчеҳрани ётиб олган эшагини бир телиб турғизаман деб, оёғи чиқиб кетмаганда, қиз эса шундан кейин Акмалнинг атрофида парвона бўлиб,

рўмсли билан оёғини боғлаб, меҳрибонлик қилмаганда ҳозир бунчалик бўлмас эди у!..

Йўқ, на қамоқхонасидан, на сурғунидан қўрқади Акмал! Гулчеҳрасиза ҳаёт керак эмас унга! Гулчеҳрадан айриладиган бўлса... отиб юборишсалар ҳам пинагини бузмайди. Ишқилиб, дўстларига зарари тегмаса бўлди — бошқасидан қўрқмайди.

Қўчқор унинг хаёлидаги ўйларини билади ва ичида кулади. У Акмалга тегажоқлик қилишининг сабаби ҳам шунда. Бу билан уни аҳмоқона ўйлардан халос қилмоқчи бўлади.

Ҳа, Қўчқор ҳали кўриб қўяди ким енгиб чиқаркан бу курашдан? У кеча терговчига ҳам худди шу гапни айтди. Умуман, у ҳар қандай синовга тайёр, фақат битта нозик масала бор. У ҳам бўлса... ойиси!

Ойисига оғир. Қўчқор шу топда ойиси қанчалик эзилиб, хунибийроҳ бўлиб юрганини билади. Юраги тошдан ясалган эмас — ақли етади бунга. Бироқ... на чора? Қўчқорми унга шундай нопок одам билан бир ёстиққа бош қўй деган?

Хаёл уни ҳар қаёққа олиб қочади. Отасининг қандайдир бўлакча меҳрга, кузпишар олманинг ҳидидай ҳазин муҳаббатга тўла сўнгги мактуби эсига тушиб, кўнглидаги эски дард яна қўзғалади... Ушандан кейин отасидан хат келмади. Тирикмикин ё ўққа учиб, бир жойда қолиб кетдимикин?

Қўчқор чуқур тин олиб, бир ёнига ағдарилиб ётди, бу ўйлардан қутулиш учун Машрабга гап қотди:

— Ҳа, девогани Машраб? Жандасидан айрилган қаландардай тўмтайиб қолдинг? Гапирсанг-чи бундоқ!

— Э, қўй! Кўнгилга қил сиғмайди!

— Ке, бўлмаса қучоқлашиб бир йиғлашайлик! — деди Қўчқор. — Бунақа экан, йўғонлар билан олишиб бало борми? Ё «Олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган гапни эшитмаганмисиз, ўртоқ шоир?

— Бўлмаса нима қилайлик, рақсга тушайликми?

— Рақсга тушмасанг, гаплашиб ётайлик бундоқ, тонг отсин!

— Усиз ҳам тонг отяпти. Эшитяпсанми — эшак ҳанграяпти.

— Э, бор-э! — деди Қўчқор. — Ётавер бўлмаса ўз ёғингга ўзинг қоврулиб.

У тескари ўгирилиб чопонини ёпиниб олди. Хиёл ўтмай хуррак ота бошлади.

У чиндан уйқуга кетдими ё Машрабнинг гашига тегиш учун жўрттага шундай қиялпими — буни билиш қийин. Лекин Машрабнинг кўзида уйқудан асар ҳам йўқ.

Унинг ўйлари шамчироқ атрофида айланган парвонадай ҳамон бир нарса теграсида айланади: наҳотки уларнинг хати областдан Эртоевнинг ўзига қайтган бўлса! Қайтмаса нега кеча терговчи аризабозлик тўғрисида пичинг қилди? Умуман... Наҳот шунча номаъкулчилик қилган одамлар қутулиб кетса-ю, булар гуноҳкор бўлиб чиқса? Ҳозирги замонда-я? Совет ҳокимияти даврида-я?..

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Рост, кўп нарса Гулчеҳрага боғлиқ. Кеча терговчининг гапидан ҳам шу нарса аён бўлди. Умуман, тергов, айниқса, терговчи Машрабнинг дилида ғалати таассурот қолдирди.

Одатда «терговчи», «прокурор» деганда Машрабнинг кўз олдига гаплари қатъий, кўзлари ўткир одам келарди. Бу эса худди Эшвой экспедитордай хўппасемиз, ҳар бир қоши мўйловдай келадиган, кўрган кишининг лабида табассум уйғотадиган ғалати бир одам эди. Узиям сўроқ пайтида кулиб, ҳатто аския қилиб ўтирди.

Йигитларнинг олдига савол-жавоб қоғозини суриб қўяркан, кулиб деди:

— Мана бу... ёлгон гапирсам ойимни Учқўрғонда кўраман, деган қоғоз. Марҳамат, табаррук қўлларини қўйсинлар!

Кейин, ҳар биттаси бир мўйловдай пахмоқ қошларини силаб, ҳазиллашди:

— Аттанг, шундай йигитмисан йигитлар хотин олгиларинг келти, бунақа қиз опқочиб юргунча, ўзимга учини чиқарсаларинг-ку, онаси ўпмаганидан топиб берардим.

Қўчқор бошини ликиллашиб:

— Аттанг, сиздай меҳрибон акамиз борлигини билмапмиз-да, — деганди:

— Мана энди таниб қўясиз! — деб яна кулди.

Фақат «суҳбати умумийдан» кейин йигитларни битта-битта чақириб сўроққа тутгандагина ўтган гапларни суриштирган бўлди. Ушандаям, гоҳ ҳандалакдан олиб,

гоҳ: — Атданг, қиз билан битишмапсанлар-да, қиз билан битишганларингда-ку, олам гулистон, туя кўрдингми — йўқ, бия кўрдингми — йўқ! — дея ҳазиллашиб ўтирди.

Лекин, гарчи унинг гап-сўзлари ва тақаётган айблари кулгили кўринмаса-да, одам қўрққулик эди. Чунки Ёдгорбекнинг зўравонлигини кўрган тирик бир жон йўқ, Гулчеҳра бўлса... Биринчидан, ҳали у нима деб, нима қўйиши номаълум, иккинчидан, башарти чинини айтганда ҳам, унинг гапи инobatга олинмаслиги мумкин, негаки, улар қизни йўлдан уришган эмиш!..

Машраб, азбаройи куйиб кетиб, Эшмат акадан гап очган эди, терговчи:

— Эшмат акани қўйиб турунг, олдин Акмал акадан гапиринг, — деб пичинг отди, сўнг, тўсатдан калта, йўғон қўлини ҳавода силкитиб, бунақа номаъқулчиликларга йўл қўймаслигини, Совет ҳукумати, совет қонуни олдида жавоб беражакларини гапириб кетди.

..Совет қонуни дейди-я! Қонунни ҳимоя қиладиган одам ўзи оқни қора, қорани оқ қилиб турибди-ю, тагин қонундан гапиради!

Олдин дарча тақилладими, ё аввал аёл кишининг изтиробли овози эшитилдими — Машраб буни ажратолмай қолди.

— «Болам... Болажоним!» — изтиробга тўла майин овоз яна такрорланди.

— «Ойим! Йўқ, бувим!» — Машраб пастки ойна ўрнига ёпиштирилган қоғозни йиртиб, синчиклаб қаради:

— Ойи!.. Буви!..

Ғира-шира қоронғиликда аёл кишининг рўмол ўраган боши кўринди.

— Болам! Қўчқоржон!

— Фотима хола! — Машраб шошиб Қўчқорни туртди.

— Тур, ойинг келди!

— Ойим? — Қўчқор уйқу аралаш тимирскиланиб деразага ўтди. У ойисининг келишини кутмаган, яна тўғрироғи, истамаган бўлса ҳам, кўнгли аланечук бўлиб:

— Ойи! — деди. — Нима қилиб хорибсиз ярим кечада?

Фотима хола жавоб бермади. Бошини темир панжарага суяб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Қўчқор, томоғи ғип бўғилиб, шипшиди:

— Ойи! Ойи дейман?

Фотима хола нимадир деб пичирлар, бироқ «пиқ-пиқ» йиғи орасидан гапларига тушуниб бўлмас, фақат ўз-ўзидан койиниб, куйиб, дилида тўпланган дардларини тўкиб пичирлаётганини сезиш мумкин эди, холос.

Қўчқорнинг дилидаги гина-кудурат, ойисига нисбатан сўнгги кунларда кучайиб бораётган норозилик— ҳаммаси бир зумда тўзғиб кетди, онанинг кўз ёши гўё бир сел бўлди-ю, қалбидаги ҳамма ғуборни ювиб ташлади.

— Ойи,— деди у, кўнгли юмшаб.— Ҳеч гап бўлгани йўқ, эрта-индин чиқаришади ахир!

— Вой ойигинанг айлансин, болам,— деди Фотима хола.— Бу Чавандозга тегмай ўла қолсам бўлмасмиди мен, қулуним, ўла қолсам бўлмасмиди?

— Бас, ойи!— деди Қўчқор.— Бас, ё бўлмаса...

Гарчи, «ё бўлмаса» нима қилишини Қўчқор ўзиям билмаса-да, унинг бўғилиб айтган бу гапи Фотима холани сал ҳушига келтирди. У кўз ёшларини шошиб артди-ю, кичик бир тугунни узатди.

— Ма, болам. Кулча билан сарёғ. Пича палови ҳам бор. Кечаси даданг меҳмонларга ош дамлатувди, томоғимдан ўтмади.

— Раҳмат, ойи. Энди кетаверинг. Эрта-индин қўйиб юборишади. Сира хавотир бўлманг.

— Қўйиб юборишса уйга борасанми?!

— Бораман ойи, бораман. Кетаверинг... Боринг...

Қўчқор қаттиқ қисташига қарамай, Фотима хола нималарнидир пичирлаб яна анча турди, кейин кўз ёшларини рўмолининг учига арта-арта ғойиб бўлди.

Қўчқор дарҳол Машраб билан Акмални туртди.

— Қани турларинг, лапашанглар, қоринни тўйғазиб олайлик, кейин бир гап бўлар!

Кўпдан бери ош тугул, унинг таъминини ҳам унута-ёзган учта нор йигитга бир коса палов нима бўлади? Ошдан кейин патирни ҳам туширишгач, Қўчқор қоринини силаб хушнуд кулди:

— Аммо-лекин, шунақа ошлардан бўлиб турса, бир ҳафтада бўрдоқи бўлиб кетардик, лаббай?

— Ҳа, сени бўрдоқи қилиш учун олиб келишган бўтга!— пўнғиллади Акмал.

— Мени семиртириш учун, сени оздириш учун,—  
яна кулди Қўчқор.

Тонг палла эшик орқасида қандайдир ғовур-ғувур  
кўтарилди, кейин таниш ғазабли овоз эшитилди.

— Қани, эшикни очинг, оқсоқол!

— Хафа бўлмайсиз, партком ука, терговчидан бе-  
рухсат...

— Терговчига ўзим жавоб бераман!

Машраб Қўчқорни уйғотди.

— Комил ака!

Учови ҳам қулоқларини эшикка тутиб, қотиб қо-  
лишди.

Лекин, Комил қанча ялиниб-ёлвормасин, қорс-  
вул:

— Сира иложи йўқ, ука, овқат бераман десангиз,  
майли, аммо кўришишнинг иложи йўқ,— деб туриб  
олди.

Комил, ҳафсаласи пир бўлиб:

— Милиционер бўп кетивг-э!— деди-да, гурс-гурс  
юриб, дераза томонга ўтди. Дарчадан қўйилиб турган  
ёругликни тўсиб ичкарига қаради.

— Ишлар қалай, лочинлар?

Сал сепкил юзи офтобда куйиб, аллақандай жигар  
ранг тусга кирган, ўзига ярашган кўк кўзлари кулим-  
сираб турибди.

Ўйигитлар гўё дилларига нур тушгандай бўлиб, ба-  
равар жилмайишди:

— Мана, ётибмиз маза қилиб!— деди Қўчқор.

— Ҳа, дуруст,— кулди Комил, кейин чеҳрасида та-  
бассум сўниб, кўзалари қисилди.

— Тоғдан кечаси қайтувдим,— деди у.— Келсам  
шу гап. Мен ҳозир ҳаммасини суриштираман. Сенлар-  
да айб йўқ. Қаттиқ турларинг, уқтиларингми?

— Уққанда қандоқ!— деди Қўчқор, қувончи ичига  
сиғмай.

— Хўш, мен нима дегандим? Чинакам кураш мана  
энди бошлавди. Ҳа!

Комилдан кейин сал ўтмай Моҳира буви келди.  
Юм-юм йиглаб дарчадан тугунини бериб кетди. У дар-  
возадан чиқар-чиқмас Акмалнинг ойиси Солиа хола  
келди. У деразага ёпишиб олиб, ҳадеб бир гапни так-  
рорларди.

— Нималар қилиб қўйдинг, болам? Даданг бўлса

ҳам бир сари эди, ҳолимиз нима кечади, энди, худо-йим? — деб лаблари титраб, ўксиб-ўксиб йиғларди.

Йигитлар учовлашиб уни зўрға тинчитишди, кейин, навбатма-навбат дарчадан мўралаб, Комилнинг йўлини пойлашди. Лекин кун ботди ҳамки, Комилдан дарак бўлмади.

\* \* \*

Йигитлар воқеасини Комилдан олдин эшитган ва ундан ҳам қаттиқ ғазабланганлардан бири — Инобат эди.

Уша куни эрталаб у бир-икки мўйсафидларни олиб, даштга кетган, мақсад — кузги буғдойга ер танлаб, қилинадиган ишларни мўлжаллаб қайтиш эди.

Кун илиқ, куз офтоби ипакдай майин, қизғиш шивоқ билан қопланган кенг дашт олтиндай товланиб сокин мудраб ётар, кишини ўйчанликка, ёруғ эсдаликларга ундар, Инобатнинг кўнгли ҳам шунга мойил эди.

Сўнгги пайтларда ишлар анча юришиб қолди. Ёзда чекилган қийинчиликлар, қилинган оғир меҳнат беҳуда кетмади: пахта яхши бўлди, колхоз районда биринчи бўлмасада, ҳар қалай илғорлар сафида боряпти. Айниқса Қизил Армия фондига беш юз минг сўм ўтказиб, алоҳида танк заказ қилишга қарор қилгандан бери, колхознинг обрўси ошиб кетди. Энди биттаю битта ташвиш қолди, у ҳам бўлса кузлик буғдойни экиб олиш.

Рост, экишнинг ўзидан ҳам кўра уруғлик топиш қийин бўляпти, чунки, ёзда уруғлик топиб беришни ваъда қилиб, бор ғаллани топширишга мажбур этган одамлар ҳозир ҳеч нарсани билмаган бўлиб, четга чиқиб туришипти. Энди фақат битта йўл — қозоқ даштига эшак карвонни юбориб, қарз ғаллани олдириш қолди, холос! Шунинг учун ҳам йигитлар тўғрисидаги хабар Инобатни титратиб юборди.

Инобат ёзда, Эшвой қўлга тушгандан кейин йигитлар Чавандоз билан чаплашиб қолганини билар, яқинда бўлган Гулчеҳра можаросидан ҳам хабари бор эди. Лекин... Наҳот бунинг учун қамашса? Ахир бу иккажа воқеада ҳам йигитлар ҳақ-ку? Борингки ҳақ бўлмасин, борингки, қизиққонлик қилишиб, сал ошириб юборишган тақдирда ҳам, наҳот шундай долзарб пайтда уларни қамаб қўйиш ақлдан бўлса?

Инобат шу чопганича, саман йўргаси кўпикка ботиб, қишлоққа қош қорайганда кириб борди.

У бир ўйи тўғри қишлоқ советига кириб, Чавандоз билан гаплашмоқчи эди, кейин: «Олдин бир суриштириб кўрай-чи, нима гап экан?» деган хаёлга борди-да, Гулсум опа бригадасига бурилди. Бурилди-ю, боши балога қолди. Чунки йигитлар ўрнига хирмонда қопқанорларга пахта тикаётган қиз-жувонлар унинг ўзига ёпишиб кетишди: «Уч бегуноҳ йигитни баравар қамаиб қўйиб, қаёқларда юрибсиз, раис опа?» дея чақиб-чақиб олишди. Бунга Гулсум опа билан Серафима Фёдоровнанинг босиқ, лекин аламли гаплари қўшилди-ю, Инобат ҳеч қаёққа бурилмасдан тўғри қишлоқ советига кирди.

Чавандоз қаёққадир кетган, лекин терговчи — ҳар бир қоши бир мўйловдай келадиган юм-юмалоқ, семиз одам — қишлоқ советининг ҳовлисида, катта шотутнинг тагидаги сўрида, терга ботиб чой ичиб ўтирдди.

У Инобатни очиқ чеҳра билан қарши олди, кўйлагининг тугмаларини иларкан:

— Э, оламда бормисиз, опажон?— деди хушнуд жилмайиб.— Қишлоғингизга йўқлаб келсак ҳам кўринмайсиз?..

Инобат сўрининг четига омонатгина ўтирди.

— Худди яхши иш билан келган одамдай гапирасиз...

Терговчи, мунчоқ кўзлари қисилиб, хахолаб кулди.

— Бизнинг ишимиз ўзи шунақа... ёқимсиз иш бўлса нима қиламиз, опажон?

Инобатга унинг кулгиси ҳам, гап-сўзлари ҳам жуда бачкана кўринди-ю, гапни чўзгиси келмай:

— Бу ишингиз... чиндан бўляптими, ўзи?— деб сўради.

Терговчи пиёлада чой узатаркан, яна кулимсиради:

— Яъни?

— Яъни, йигитларни чиндан қамамоқчимисиз ё пўписа қилмоқчимисиз?

— Ҳмм...— терговчи ҳақорат қилинган одамдай, қовоғини солди.— Ғалати гапларни гапирасиз-а, опажон?

— Ғалати бўлмаса... айтинг-чи, шу йигитларга қўйилаётган айбга ўзингиз ишонасизми?



— Балли! Биз ҳам худди шуни ҳақиқат қилгани келдик-да, жон опа!

— Ҳақиқат!— деди Инобат.— Ниҳоят бунӣ ҳақиқат қилиш учун шундай „олзарб кунларда колхознинг энг яхши, энг ишчан учта йигитини барабар қамаб қўйсангиз?

Терговчининг лабидаги табассум секин сўнди, мўйловдай қошлари туташди.

— Биринчидан,— деди у,— қамаган бўлсак, бунга прокурорнинг санкцияси бор. Иккинчидан... тергов қилаётган сизми, опажон, ё бизми?

— Сиз!— деди Инобат кескин.— Бироқ чин терговчи бўлсангиз ҳақ гапни айтинг! Бўлмаса... ҳақиқатга қарши бораман деб, мансабингиздан айрилиб қоласиз мулла ака!

Инобат бунинг ҳаммасини шартта-шартта айтди-да, шахт билан ўрнидан турди. У кескин бурилиб ҳовлидан чиқаркан, терговчи сўз тополмай анграйиб қолганини кўрди.

Эрталаб кун чиқар-чиқмас Инобат Қурбон ота билан бирга райкомга борди.

Терим бошланганидан бери заготпунктда туриб, борган лахтани пешма-пеш топшираётган Қурбон ота бирдан икки арава тўхтаб қолганидан хуноби чиқиб, қишлоққа келаётган экан, ярим йўлда Инобатга учраб қолди-ю, унинг райкомга бораётганини эшитиб, орқасига қайтди.

Райком секретари Умаров бир ёққа кетаётган бўлса керак, бошида қишки телпак, эгнида ҳарбий шинель, «қорни катта» папкасига нималарнидир жойламоқда эди. Ҳамиша вазмин, камгап одам, бу сафар Инобат билан Қурбон отани бир талай илиқ сўзлар билан қарши олди.

— Э, келинг, отахон!.. Ҳорманг, Инобатхон! Газетага чиққандан бери бизларни назарга илмай қўйдингиз, дейман, лоақал бир келиб ҳол-аҳвол ҳам сўрамайсиз? Инобат ёш қизчадай «дув» қизариб:

— Қанақа газета?— деди тушунмай.

— Ҳали ўқимадингизми? Ана холос!.. «Фронтга алоҳида танк заказ қилган ватанпарварлар!» деб ёзиб чиқишди-ю!— Умаров кулимсираб «семиз» папкасидан газета олиб Қурбон отага чўзди.

Қурбон ота бурнига кўзойнагини қўндирааркан:

— Аммо лекин, ўзиям мақтаса арзигудек маладес иш бўлди-да, ўртоқ Умаров!— деб хитоб қилди.

Инобат газетадаги хабарни ўқипдан ийманиб, кўчага тикилди, сўнг:

— Ундан кўра... қишлоқдаги ажойиб ишлардан гаплашайлик, Умаров ака!— деди секин.

— Нима гап? Тинчликми ўзи?— Умаров бошидаги телпагини олди, оппоқ сочларини силай-силаё Инобатнинг рўпарасига бориб ўтирди.

Инобат уф тортди:

— Тинчлик бўлса тонг отмасдан сизнинг олдингизга чопиб нима қилардик, Умаров ака?— деди, овози титраб.— Ҳар бир одам олтинга тенг бўлиб турган бир маҳалда уч азамат йигитни бегуноҳ-бесўроқ қамаб қўйишса... бунга нима дейсиз ахир!

— Бегуноҳ дейсизми!— Умаров кўзларини юмиб пешанасини ишқалади.— Менга уларни ёш қизга зўравонлик қилишган дейишувди-ю?

— Зўравонлик қилишган бу азаматлармикин, ё Чавандознинг қутуриб юрган ўғлимикин?

— Между прочим, бу йигитларнинг таърифини билгингиз келса мана мендан сўранг!— Қурбон ота бошида фуражкаси қалтираб йигитларнинг ёздаги ишларини ҳикоя қилиб берди. Унинг гапини Инобат илиб кетди. У бўлган воқеаларни битта-битта айтиб бергач, тўсатдан:

— Эсингиздами, ёзда қозоқ даштларидан оламиз деб, уруғлик ғаллани ҳам топшириб юборувдик,— деб сўради.

Умаров хижолат чекиб йўталди.

— Ҳа, эсимда...

— Эсингизда бўлса... Пахта терими ҳам майли, бир бало қиламиз. Бироқ кузлик буғдой экилсин десангиз... бу уч йигитнинг ишини бир ёқли қилиб беринг. Бўлмаса... Қозоқ даштидан буғдой олиб келадиган одам йўқ колхозда!

Инобат қизишиб кетиб, писандага ўтганини эмди пайқайди-ю, уялиб ерга қаради. Бироқ Умаров буни сезмади, у бир-бир босиб тўрға ўтди, трубкани олиб прокурорни, кейин Эртоевни сўради. Лекин ҳар иккаласи ҳам топилмади шекилли, трубкани жойига қўйиб, Инобатга юзланди:

— Хўп. Мен прокурорга ҳам, Эртоевга ҳам тайин-

лаймак: терговни тезлатишсин. Бир-икки кунга қолмай масала ҳал бўлади.

Инобат Эртоевнинг исмини эшитганда баданига изғирин теккандай сесканиб кетди, бир ўйи: «Эртоев аралашмай қўя қолсин шу ишга!» демоқчи ҳам бўлди-ю, райком секретари «нега» деб сўраса тузукроқ бир далил келтира олмаслигини сезиб индамади.

Бу гапдан кейин икки кун ўтди. Лекин умид уйғотадиган биронта ҳам хушxabар эшитилмади.

Бугун эрталаб Инобатнинг олдига Серафима Фёдоровна билан Гулсум опа кириб келишди.

Нима қилиш керак? Яна райкомга бориш керакми? Ё тўппа-тўғри обкомга борган маъқулми?..

Инобат шу ўйлар билан боши қотиб ўтирганида юзлари қорайиб, соқол-мўйлови ўсиб кетган Комил кириб келди.

\* \* \*

Комил Инобатнинг саман йўрғасида қишлоқдан чиқиб кенг дашт қўйнига кираркан, негадир кўз олдидан ўша илиқ, серюлдуз ёз оқшоми кетмас, «Қоровултепа»да уни кутиб ўтирган уч йигит, уларнинг гаплари, қандайдир бўлакча бир дўстлик туйғуси билан кузатиб қолишлари қайта-қайта эсига тушарди.

Инобат билан Серафима Фёдоровнанинг гаплари етмагандай, Комил саман йўрғани етаклаб дарвозадан чиқаётганида Барно учради.

У олдин ийманиб маъюс кўзларини Комилдан олиб қочди, кейин бош ирғаб саломлашди-да:

— Эшитдингизми? — деди оҳиста. — Манрабларни айтаман?..

— Эшитдим...

Барно бошини яна ҳам пастроқ эгди:

— Бу ўшанинг... ўша одамларнинг иши, — деди эшитилар-эшитилмас бир товушда.

Комил ундан бу гапни кутмагани учунми, бир нафас тикилиб қолди.

— Биламан. Мана, шу тўғрида гаплашгани кетяпман.

Барно «ялт» этиб қаради. Унинг маъюс кўзларида аллақандай илиқ меҳр порларди!

Мана энди Комил катта йўлда Инобатнинг саман йўрғасини елдириб бораркан, Барнонинг қараши юраги-

ни бир ғамгин ҳисларга тўлдирар, бир хаёлида аламли ўйлар қўзғарди.

У урушда ўлим хавфи остида душман билан олишиб юрган чоғларида фронт орқасида бунақа ҳодисалар бўлишини хаёлига келтирганмиди? Ёлғиз Комил эмас, у билан ёнма-ён туриб жанг қилган ҳар бир йигитнинг назарида, бутун эл, ёш-қари, ҳамма фақат бир ўй, бир ният билан яшар, у ҳам бўлса, Ватан тупроғидан душманни ҳайдаб чиқариш, ғалаба қозониш эди! Чунки эркинлик ва адолат учун кураш бўлаётган бу улуг айёмда бирорта ноҳақлик рўй беришини ўйлашнинг ўзи бемаъни кўринарди. Битта-яримта нопоклар топилса ҳам, улар урушдан эсон-омон қайтганларнинг кўзларига тик қарай олмасликларига, ғолиблар олдида «ер бўлиб» кетишларига ишонишар эди.

Комил бу ўйлардан дам вужудини аланга олар, дам хаёлида Эртоев билан баҳслашар, дам райком секретари ёздаги жанжални босди-босди қилиб юборгани эсига тушиб, хуноби чиқарди.

Ушанда, Эртоев ўзбошимчаликда айблаб, масаласини райком бюросига қўймоқчи бўлганида, Комил бир жиҳатдан қувонган эди. Бюро кўрадиган бўлса, Эртоев билан бир беллашмоқчи, агар боши кетса ҳам, бор гапни бир айтиб қолмоқчи эди. Бироқ, бюрога чорак соат қолганда райком секретари Комилни чақириб олиб, бу масала кўрилмаслигини айтиб қолди. Комил унинг гапига тушунмай:

— Қачон кўрилади бўлмаса? — деб сўраган эди, райком секретари мулойим жилмайди-да, Комилнинг елкасига қўлини қўйди.

— Умуман... машоқ масаласини кўтармоқчи эмасмиз, — деди. — Ватан урушининг қаҳрамони унча-мунча хатога йўл қўйса қўйибди-да энди!

Комил қизариб:

— Эртоев ҳақ экан-да бундан чиқди! — деган эди, райком секретари ундан ҳам мулойимроқ бир оҳангда:

— Мен уни ҳақ деяётганим йўқ, — деди. — Лекин... қаттиққўллик қилган бўлса... шахсий манфаати учун эмас-ку, ука. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ватан талаб қилипти буни!

Сўнг Комилга ўйчан тикилиб қўшимча қилди:

— Битта фронт ҳам етар, бу ерда яна бир фронт очиб юрмайлик, қўйинг шу гапни, иним!..

«Ўз манфаати учун эмас, фронт учун!»

Комил ҳам шундай деб ўйлаган эди, шундай деб ўйлагани учун ҳам унинг баъзи хатти-ҳаракатларини кечирган, ҳатто бошда ҳурмат қилиб юрганди. Лекин энди... Пичоқ суякка бориб тақалди. Жим туриш мумкин эмас энди!..

Комил шу тарзда ўзи билан ўзи баҳслаша-баҳслаша тап-тақир адирларни босиб ўтиб, кузнинг нафис сарғиш дуррасини ўраган шаҳар боғларига кириб борганида, офтоб ғарбга ёнбошлаган, шаҳар кўчалари сояга кўмилган эди.

Райком биноти негадир кимсасиз ва жимжит.

Комил ҳайрон бўлиб, зинапоёга қадам қўйганида ичкаридан таниш секретарь қиз чиқиб қолди. У Комил ичкарига киришидан қўрққандай шоша-пиша ҳамма секретарлар областга кетганини айтди ва бир жилмайиб қўшимча қилди:

— Бир-икки кун беғалва дам олишингиз мумкин, Комил ака!

Комил Инобатнинг бояги гапларидан кейин тўғри обкомга кетаверсаммикин, деган хаёлга борган, бироқ райком секретарига учрамасдан туриб, областга чопишни яна эп кўрмаган эди. Энди нима қилади? Кетаверадимми?

У хаёлга чўмганича отининг жиловидан ушлаб орқасига қайтаркан, муюлишдан қорабайир қўшилган таниш извош чиқиб келди. Йавошда... Эртоев ўтирарди!

Эртоев уни кўриб, отининг бошини бурди, яқин келгач, енгилгина сакраб ерга тушди:

— Э, Комилжонми? Келинг, ука!

Комил сабабини ўзи ҳам англай олмаган ғалати бир ҳолга тушиб:

— Ҳа шу...— деди.— Секретаримиз билан бир гаплашмоқчи эдим.

— Тинчликми ўзи?— Эртоев бошидан шляпасини олиб, қалин қора сочларини силади.— У кишини обком чақирганлар. Ҳозир телеграмма келди — мен ҳам эрталаб кетяпман!— Эртоев Комилдан гап кутиб кўзига тикилди, жавоб ололмагач, кулиб сўради:

— Ўзи нима гап? Сир эмасми?

— Йўқ, сир эмас. Мен ноҳақ қамалган ўспиринлар тўғрисида гаплашгани келувдим. Уртоқ Умаров сизга айтган бўлишлари керак...

— Ҳа, айтувдилар. Лекин... ноҳақ эканини қабъдан биласиз, дўстим Комилжон?— Эртөөв чиройли катта кўзаларини қисиб, билинар-билинимас жилмайди.— Ёки бизнинг жазо органларимизга ишонмайсизми? «Гапни буришини қара, аблаҳ!»

— Жазо органларимиз эмас,— деди Комил,— юборган терговчингиз ҳақ бўлса... нега чинакам ўғрилар, чинакам зўравонлар ҳозиргача озодликда-ю, бу ёш ўспиринларга туҳмат қилинади?

Эртөөвнинг қисилган кўзлари қоронғида «ялт» этган пичоқдай йилтиллаб кетди. Бироқ Комил ҳам қадалиб турганини кўриб, юзини четга бурди.

Бошқа пайт ва бошқа одам бўлганда-ку, Эртөөв, нима дейишни ўзи биларди. Лекин райком секретарининг терговни тезлатиш ҳақидаги топшириғидан кейин, энг муҳими, ҳозир яхши хабар билан обком чақиртирган бир вазиятда бу фронтовик йигитни силтаб ташлаш... мақсадга мувофиқ бўлармикин? Айни замонда, унинг олдида ўзини паст олса... ҳаддидан ошиб кетмасмикин бу йигитча?

Эртөөв томоқ қириб олгач:

— Биринчидан,— деди ўзини босишга уришиб,— терговчи меники эмас, Совет ҳокимиятиники бўлади, ўртоқ Жалолов. Иккинчидан, кимки жиноят қилган бўлса—ўзига яраша жазосини тортади. Учунчидан, менга кўп писанда қилавермасдан, даъвоингиз бўлса... ўша органларнинг ўзига мурожаат қилинг, ука... Сизни фронтовик деб ҳурмат қилганда эшитган гапимиз шу бўлдими?.. Андишанинг номи қўрқоқ бўлмасин-да, дўстим.

— Ҳурматингиз шу бўлса... раҳмат!— деди Комил.— Назаримда, сиз мени ҳеч нарсани билмайдиган бир гўл деб ўйлаётганга ўхшайсиз.

Эртөөв ён-верига бир алаанглаб олди, гаши келиб:

— Масалан, нимани биладилар?— деди.

— Масалан... урушда юрган йигитларнинг қайлиқларини йўлдан ураётган раҳбар ўртоқларни ҳам биламиз!

Эртөөв, ранги бўздай оқариб, деди:

— Яна қанақа туҳматлари бор раҳбар ўртоқларга нисбатан?

— Туҳмат эмас, ҳақ гап бу! Софдил йигитларга бўҳтон ортиш, халқ мулкига қўл чўзган Эшвой қочоқ-

ни ўз қанотига олиб, унинг уйида хотинбозлик қилиш, урушда дом-дараксиз кетган бир йигитнинг севгилисини йўлдан уриш!.. Барнохон...

— Бўлди! Бунақа тухматларингиз бор экан, истаган жойингизга шикоят қилишингиз мумкин. Аммо шуни билиб қўйингки, раҳбар ходимларга тухмат қилиб, уларнинг обрўсини тўкишга ҳеч ким йўл қўймайди.

— Қўрқитманг!

— Мен қўрқитаётганим йўқ, огоҳлантиряпман, холос!— Эртөөвнинг юзига қон югуриб, лабларида бояги истеҳзоли табассум пайдо бўлди.— Эшвой-Ташвойингизни билмайман. Аммо... Барнохон масаласида... Сизнинг рашкингиз келса ҳам айтай... У қиз ўзи менга кўнгил берса... мен нима қилай? Йигит одамсиз... биласиз.

Комил Барнонинг маънос порлаган қуралай кўзларини эслаб, қалбида нимадир портлагандай бўлди.

— Елғон!— у бу гапни жуда секин, ҳатто пичирлаб айтди. Бироқ унинг бу пичирлашида, оппоқ оқарган юзида шундай даҳшатли бир ифода бор эдики, Эртөөв бир лаҳза индамай турди, сўнг, оғир тебраниб извошига чиқди, лекин отининг жилловини силташдан олдин, атрофига яна бир кўз ташлаб, деди:

— Майли, ука. Бу ишларда мен айбдор бўлсаму, қўлингизда фактларингиз бўлса — билганингизни қиларсиз!..

Эртөөв жаҳл билан отига қамчи босди.

Комил ариқ бўйидаги толга суянганича узоқ турди. У худди иситмаси ошиб кетаётган хастадай, ҳамон қалт-қалт титрарди.

«Раҳбар ходимларнинг обрўсини тўкишга ҳеч ким йўл қўймайди!..» Толган гапини қара, муттаҳам! «Ўзи кўнгил берса... мен нима қилай?..»

Комил сўнгги пайтларда Барно аллақандай чўхиб, эзилиб юрганини эслади-ю, ўзидан ҳам норози бўлди. Нега бирон марта чақириб гаплашмади, ҳол-аҳвол сўрамади ундан?

Комил чуқур тин олиб, эгарга қўл чўзган эди, кимдир елкасига қўлини қўйди. Комил бурилиб қаради: ёнгинасида протевли оёғини гичирлатиб, ҳарбий комиссар Абубакиров турарди.

Чуқур ботган қисиқ, кўзларида, ёноқлари туртиб чиққан кенг юзида, юпқа лабларида майин табассум.

— Мен сенга боя телефон қилиб тополмадим, Жалолов!— деди Абубакиров.— Қишлоғингга эрта-индин биздан комиссия чиқади, ёшларни рўйхатга олади. Ёрдам берасанми?

— Қўлдан келган ёрдамни аямаймиз, ўртоқ капитан.

— Раҳмат, старшина. Хўш, ўзинг бу ерда нима қилиб турибсан?

Комил бирдан юраги «шиғ» этди.

— Битта гап бор, ўртоқ капитан. Жангчиларнинг оилаларига нисбатан ноҳақлик бўляпти.

— Жангчиларнинг оилаларига нисбатан ноҳақлик? Бу қанақаси бўлди? Қани юр-чи, бир гаплашайлик!

У протезли оёғини силтаб босиб, ҳарбий комиссариат томонга йўналди, Комилнинг кўнгли бирдан ёришиб, унинг орқасидан эргашди.

\* \* \*

Ухшатмаса учратмас, деганларидек, Муяссар ҳам Машрабга ўхшаб ҳамisha осмони фалакда юрар, ўзиям Машрабдай шоиртабиат бир қиз эди.

Бу одат унга ота қонидан ўтганми ё Машрабдан юққанми, ёки бўлмаса у берган ишқий романлар таъсирими — буни айтиш қийин. Шу маҳалгача у турмушдаги ҳамма нарса китобларда тасвир қилингандек «тўппа-тўғри» деб ўйлайди, ҳар ишда яхши кўрган қаҳрамонларига тақлид қилади, ўшалардай катта ишлар қилиш, севгида вафодор бўлиш, яхши кўрган йигитнинг қувончига шерик, дардига ҳамдард бўлиш орзуси билан яшайди.

Шунинг учун ҳам Машрабларнинг қамалиши ҳаммадан кўра Муяссарга қаттиқ тегди. Шу маҳалгача, бировнинг тариқдай гуноҳини кечиришни истамай, комсомолчасига шартта-шартта гапириб, оловдай ёниб юрган қиз, биринчи марта ўйланиб қолди, биринчи дафъа ҳаётда ҳамма нарса у хаёл қилгандек тўппа-тўғри эмаслигини, баъзан нотўғри, ҳатто ноҳақ ишлар ҳам бўлиб туришини сизди. Сизди-ю, сўнги кунларда атрофига тўпланган дугоналаридан мамнуи, қалбида ғунчадай очилиб келаётган илк севгининг тотли туйғула-



ридан маст бўлиб, шўх ишлаб, шўх кулиб юрган қиз энди тўсатдан вазминлашиб жимиб қолди.

Бу воқеа кўпларни қаттиқ ғазаблантирганини, Се-  
рафима Фёдоровна билан Инобат опа тўполон қилаёт-  
ганларини Муяссар ҳам биларди. Лекин, назарида,  
ҳамма, айниқса, алоҳида звено бўлиб ишлаётган юқо-  
ри синф қизлари ундан ниманидир кутишарди, улар-  
нинг кўзларида гўё «ҳа, Муяссархон, комсорг деган  
ҳам шунақа бўладими? Ҳаммасини кўриб-билиб туриб,  
индамай ўтираверасизми?» деган бир савол бордай  
туюларди.

У айниқса биринчи кун и ўзини қаёққа қўйишини  
билмай, гўё кенг далага сигмай қолди, Машрабсиз гўё  
бутун қишлоқ ҳувиллаб қолган, ҳатто ипакдай нафис  
боғлар ҳам ўз латофатини йўқотган эди!

Кечқурун терган пахтасини топшириб уйларига  
қайтаркан, боғларидаги катта ариққа етганида, кўнг-  
лини бирдан ҳазин туйғулар чулғаб олди-ю, узоқ тур-  
ди.

Ҳозир ариқда сув йўқ, тагида фақат кўк-сарик яп-  
роқлар ётипти. Лекин мана, ўша ариққа салом бериб  
ўсган ва опаси Зебо билан Барнохонга оқизилган нақш  
олмаларни «тутиб» қоладиган кумуш жийдалар... Маш-  
раб иккиси худди шу ерда ўтириб бу олмаларни битта-  
битта териб олишар, ўйилган ҳарфлардан қайси олма  
қайси йигитники эканини билишар, сўнг «ёқмаган» йи-  
гитларнинг олмасини ўзлари еб, қолганларини Барно-  
хонларга олиб бориб беришарди...

Эҳтимол, ҳар эслаганда қалбини илиқ бир нурга  
тўлдириб юборадиган бу ажиб ҳислар ўшанда, мана  
шу жийдалар тагида «поччалар»ни мазахлаб, ҳар бири  
пиёладай олмаларни карс-карс тишлаб, кулишиб ўтир-  
ганларида куртак очгандир?

Йўқ, бу илиқ меҳр қиз дилида ундан ҳам олдин,  
Гулсум опалар шаҳардан кўчиб келганда ва жуда би-  
лимдон кўринган Машраб ҳеч кимни менсимай юрган  
чоғларидаёқ уйғонган. Чунки Машраб, ўша маҳаллар-  
да ҳам тут пишгандан кейин уларнинг боғидан чиқмас,  
ҳозир аллақандай ҳазин куз либосига ўралиб турган  
ана шу шотутнинг тепасига чиқиб, Муяссарга дўппи-  
дўппи тут териб берарди...

Йўқ, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, ҳаммаси шеърӣ ки-  
тобларда, бирга ўқиган романларидан бошланди.

Бу ўқишлар аксарият Моҳира бувиникида, Ширин-ойнинг уйида, узоқ қиш кечаларида бўлар, ҳар хил гап-сўз тарқамасин деб, Муяссар бу кечаларга Гулчеҳрани ҳам бошлаб келарди.

Бироқ Гулчеҳра билан Широной қандай қизиқ китоб бўлмасин, тезда уйқуга кетишар, жинчироқ ёнида ёлғиз Машраб билан Муяссар иккиси қолишарди.

О, бутун қишлоқ уйқуга чўмган пайтларда танҳо ўтадиган бу сирли ва унутилмас кечалар!

Ташқарида бўрон увиллайди, шамолда чайқалган дарахтлар ваҳимали шовиллайди, деразаларга урилган қор учқунлари эриб кўз ёшидай тирқираб оқади, гоҳ оёқлари бир-бирига тегиб кетадиган иссиқ танча ва жинчироқ ёрита олмаган ярим қоронғи хона муҳташам саройдай гўзал туюлади. Негадир, ўқилган севги китобларининг ҳаммасида қиз ўз севгисини, ўз қайноқ ҳисларини кўради, гўё бу китобларни ёзган шоирлар худди, уларнинг — Машраб билан Муяссарнинг муҳаббатларини куйлагандай туюлади.

Машраб, сочлари тўзғиб, овози дам майин жаранглаб, дам ҳаяжондан титраб шундай чиройли ўқийдики, қиз унинг тўзғиган сочларини силагиси, ўт чақнаган кўзларидан ўлгиси келади.

Лекин ўпиш тугул унинг қўлини ушлашга журъат қани қизда? Шунинг учун ҳам аксарият ярим кечада, истар-истамас тарқалишаркан, дилларида айтилмаган гаплари қолар, «яхши ётиб тур», «яхши тушлар кўр», деган оддий сўзларнинг тагида улар учун бир дунё маъно бўларди!

Кейин Муяссар, уйқуси қочиб, қоронғи уйда узоқ ётаркан, дам Раъно бўлиб Машраб билан олис юртларга қочар, дам қаҳрамонона ишлар қилиб, унинг бошига тушган мусибатлар билан олишарди...

Мана, Машрабнинг бошига иш тушди. Бироқ қизнинг қўлидан нима келди? Опаси Зебога ўхшагандаку... бир йўлини топарди! Шу кечаю кундузда опаси Днепр бўйларида жанг қилаётган қўшинлар орасида эғнида гимнастёрка, елкасида аптечка, ярадорларни ўқ остидан олиб чиқиб, юзлаб одамларни ўлим чангалидан юлиб оляпти. Бу бўлса... нима қилиши мумкин? Кимга боради? Нима дейди?

Бу саволга кутилмаганда Барно жавоб берди.

Одатда Барно тушгача идорада ишлаб, пахтага ке-

шиндан кейин чиқар, лекин аксарият Муяссарлар билан эмас, сельпо ва идора хизматчилари билан терарди.

Бу сафар у четроққа чиқиб қолган Муяссарнинг ёнидаги жўякка тушди, қўлидаги этагини белига боғларкан:

— Салом, Муяссархон, — деди мулойим.

Муяссар бурилиб қаради, саломига бош ирғаб жавоб берди-да, қўллари чаноқлар устида яна ҳам тезроқ уча бошлади: У бировни хушламаса шундай қилар, гўё «кечирасиз, вақтим йўқ», дегандай, жон-жаҳди билан ишга ёпишарди.

Барно бир лаҳза қизнинг нафис эгилган нозик қомастига, чиройли қирра бурнига, эгик килрикларига тикилиб турди, кейин чуқур тин олиб, теримга киришди.

У Муяссарнинг ёнига ҳар куни бўлмаса-да, гоҳо-гоҳо келиб турар, бироқ қиз ҳар сафар шундай қиларди: баъзан кўрмаган бўлиб қўя қоларди, баъзан совуққина саломлашади-ю, ишга киришиб кетади.

Муяссар уни кўп хушламаслигини Барно сезади, бунинг сабабларини ҳам билади, лекин шунга қарамай ўзини бу қизга, умуман, бу пок, шўх, самимий ёшларга яқинроқ олгиси келади.

Бу истак гажакдор жувонникида ўтган ўша машъум кечадан кейин бошланди.

Йўқ, Эртосев уни «алдаб» кетгани йўқ, гулни узишга узиб, сўлмасданоқ отиб юборадиган баъзи одамлардай, дарров «совиб қолмади, аксинча, унга янада яқинлашиш, уни тамом ўзиники қилиш пайига тушди. Айни замонда унинг муомаласида аллақандай, хўжайинларча ғурур, ўз қирсини қондирган одамларда бўладиган жирканчли бир дағаллик пайдо бўлди. Барно буни ўша кеча гажакдор жувонникида қолиб, Эртосевга ён беришга мажбур бўлгандаёқ сизди. Уша дақиқагача қизнинг қўлини ушлашдан ийманиб юрган одам, энди унинг аламли кўз ёшларига эътибор бермай, ўз қирсини қайта-қайта қондиришга уринар, кўкрагини ишқаб хушнуд жилмаярди... Барно буни сизди-ю, қалбида ғурур уйғотиб турган бир нарса сингандай, ҳаёти поймаол бўлгандай туюлди.

Шу-шу, у негадир Ашрафжонни кўп эслайдиган бўлди. Биринчи марта у билан Тошкентда, анҳор бўйида учрашганлари, кейин қишлоққа келганлари, Аш-

рафжон кечалари боғлари атрофида танҳо айланиб айтадиган маъюс қўшиқлари, тўғон бўйидаги лайлак уя қўйган оқ терак тагида берган илк бўсаси, йигит унинг сочларини аллақандай қўрқиб, титраб силаганлари хаёлида жонланиб, ич-ичидан эзиладиган бўлди. Барно Муяссарга ва софдил ёшларга яқинлашгиси келишининг боиси ҳам шу. Буларнинг муносабатларида унга ўз ёшлигини, илк муҳаббатини эслатадиган ажиб бир софлик, беғуборлик бор. Рост, бу яқинлик унинг дилига таскин бермайди, аксинча, шу маҳалгача қалбини нурга тўлдириб турган аллақандай бир нарсадан айрилганини эсига солиб, усиз ҳам ўртанган юрагини баттар ўртайди. Лекин Барно, худди шам теграсидан кетолмаган парвонадай, ўзини яна ҳам яқин олгиси келади уларга.

Бугун Муяссар бурунгидан ҳам совуқ муомала қилди, ҳатто саломига жавоб ҳам бермади.

Илгари пайтлар бўлганда Барно унга қайта гапирмас, бошини мағрур силкитиб, индамай ўтиб кетарди. Лекин ҳозир аламини ичига ютди-да, қизга яқинлашди.

— Муяссархон,— секин чақирди Барно, лекин Муяссарнинг ёнида тераётган Лариса ҳам ўгирилиб қараганини кўриб, тортиниброқ сўради:

— Сиз... Гулчеҳраҳон билан гаплашдингизми?

— Йўқ,— Муяссар бошини чайкади.

— Бўлмаса бир гаплашинг,— деди Барно.— Биладиган одамлардан эшитдим. Қиз қаттиқ туриб берса иш анча осонлашармиш. Терговчи қачон чақиради деб, кутиб ўтирмасин. Борсин, ҳақ гапни айтсин, ахир!

Барно бир Ларисага, бир Муяссарга қаради ва секин қўшимча қилди:

— Боя сиз... мен билан гаплашишниям хоҳламадингиз. Мен шунчаки... шунини айтиб қўймоқчи эдим...

У лаблари титраб, ерга қаради, кейин, ҳар жой-ҳар жойдан битта-яримта пахтани олиб, жадаллаб кетди.

Муяссар, кўзларини катта очиб, унинг орқасидан тикилиб қолди. У сўнгги пайтларда Барно нимагадир жуда мунғайиб қолганини пайқаб юрар, бироқ ҳар хил миш-мишлар қулоғига чалиниб, унга баттар ўчакишар эди. Лекин ҳозир...

Муяссар юраги бир орзиқиб, ундан узр сўрашга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Лариса хаёлини бўлди.

— Рост, Муяссар, Гулчеҳра билан бир гаплашайлик,— деди бўйнида кўпириб ётган сочларини тўғри-лаб.— Нега бундай қилади? Бир нима десин ахир!

Муяссар кўзини Барнодан узиб, бош ирғади.

— Майли, бугун ишдан эртарақ бўшаб, бориб келайлик. Борасанми?

— Бораман,— деди Лариса.

\* \* \*

...Эшикни Гулчеҳранинг ойиси — элик ёшларга бориб қолган, ранг-рўйи заҳил, касалманд аёл очди. Қизларни кўриб бирдан ўзгариб кетди.

— Гулчеҳра уйдаими?

— Ҳа,— деди аёл, истар-истамас ва дарҳол эшикни ёпди, чунки шу пайт ҳовлидан:

— Тағин ким келди?— деган овоз ва бўғиқ йўтал эшитилди.

— Ҳа, қўшининг қизи!— аёл шундай деди-да, истар-истамас қўшимча қилди:

— Шўтта туринглар, ҳозир айтаман...

Гулчеҳра анчадан кейин негадир эшикдан эмас, чап қўлдаги тор кўчадан чиқиб келди-ю, қизлар билан қучоқлаша кетди.

— Вой, сизларни кўрадиган кун бор экану, жон дугоналар!

Бошида янги дурра, эгнида гулдор чит кўйлак, у ҳеч ўзгармаган, гўё бўлаётган тўполонлардан беҳабар-дэй, кулиб турар, фақат дадасидан қўрқса керак, ойна-сига ўхшаб шивирлаб гапирарди.

Муяссарга ҳаммадан ҳам унинг шу кулгиси оғир ботди.

— Нимага илжайсан?— деди у шартта.— Нималар бўлаётганини эшитдингми ўзи?

— Эшитдим...

— Эшитсанг нега индамай ўтирибсан?

Гулчеҳра ранги ўчиб, юзини четга бурди.

У нима қилишини билмай боши қотиб қолди.

Қиз тунов кунги воқеалардан кейин Ёдгорбекдан бошим балога қолади, деб ўйлаган эди. У эса тамом аксини қилди. Ҳатто ўшанда юборган бир сандиқ кийим-кечакларини ҳам қайтариб олмади. Ўтган кун

кечаси эса бир белбоғ майиз ёнгоқ кўтариб яна келди. Янгаси орқали Гулчеҳрани чақиртириб олиб, уни олиб қочмоқчи бўлганлари учун кечирим сўради. Ахийрида уни белидан олиб, усиз туrolмаслигини айтиб, шундай мулойим гаплар гапирди, шундай ялиниб-ёлвордики, Гулчеҳра бошини йўқотиб қўйди.

Лекин қиз буни ҳозир бу икки дугонасига қандай айтсин? Муяссар билан Ларисанинг хатти-ҳаракатларидаги бўлакча бир софлик, беғубор ўртоқлик туйғуси, йигитларга ёрдам бериш истаги ва яна алланималар уни индамасликка, сирини очмасликка ундайди. Айниқса ҳозир, уч йигит баравар унинг дастидан қамалиб ётганда бир нима деб бўладими?

— Ҳа, нега индамайсан?— деди Муяссар.— Гипир!

Гулчеҳра мунғайганича:

— Нима ҳам дейман? Иложим қанча?— деган эди. Муяссар баттар қайнаб кетди.

— Иложим қанча дейди-я! Терговчига учраш, ҳамма гапни гапириб бер. Яна бу киши комсомол аъзоси эмиш! Ахир улар сени деб, сен учун жабр тортишяпти-ку!

Муяссар, томоғи гип бўғилиб, гапиролмай қолди. Тўсатдан Гулчеҳра ҳам кўзига ёш олди.

— Сенга осон бундай дейиш! Отанг коммунист бўлса!— деди ҳиқиллаб.— Менинг дадамлардай... касал бўлсалар кўрардим, нима қилардинг?

Гулчеҳра бу гаплар Муяссарга таъсир этганини сизди-да, юзига дуррасини босиб йиғлаб юборди. Муяссар чиндан ҳам нима қилишини билмай эсанкираб қолди. Хайрият, Лариса бор экан, Гулчеҳрани қучоқлаб юпатди, кейин терговчига бориб учрашиш шарт эканини, агар бормаса йигитларнинг иши оғирлашиб кетишини битта-битта тушунтириб берди.

Гулчеҳра бу «ташвиқот»дан кейин, ниҳоят, боришга кўнди, лекин битта шарт қўйди: терговчининг олдига учалови бирга боришади, бирга гаплашади.

Муяссар билан Лариса унинг бу шартини ҳам қабул қилди. Бироқ шунча қийинчилик билан бошланган иш натижа бермади, чунки улар ийманиб-тортиниб идорага кириб боришганда... терговчи шаҳарга кетган эди. Комилдан сал кейин уни прокурор чақиртириб олибди.

Елғиз Машраб эмас, биринчи кунн ҳеч нарсани писанд қилмаган Қўчқор ҳам учинчи кунга ўтганда алақандай жимиб, оғир хаёлга чўмиб қолди.

Вақт жуда секин ўтарди. Меҳнатга, кенг далада қизлар даврасида тўполон қилиб юришга ўрганиб қолган йигитларга ҳар бир соат йилдай туюларди.

Эсларига негадир кўпроқ отлар тушар, улар қаровсиз қолгандай туюлиб, юраклари ачишарди. Отларни сойга тушовлаб қўйиб, қиз-келиндяклар бериб кетадиган қовоқ сомсаларни еб, серюлдуз осмонга тикилиб ётадиган сокин оқшомларни эслашганда ичлари пишиб, юраклари туғёнга тўлиб кетарди.

Шундай пайтларда тераклар дарёдай шовиллаган сокин кечалар, бир хурма қатиқми, гўжами кўтариб келадиган Муяссар билан Ларисанинг сал уятчан хуш-ёқим овозлари, ҳатто тиним билмай пахта ташиб қопқанор кўтариб юрган дамлари ҳам қандайдир жуда завқли кўриниб кетар, қалбларида бўлакча бир нафосат касб этарди! Энг ёмони шундаки, улардан атиги бир-икки кўйлакни олдин тўздирган йигитлар кўкракларини ўққа тутиб урушда юришипти! Газеталар ҳар кунн Аҳмадjon Шукуровдай азамат жангчилар тўғрисидаги ҳикоялар билан тўлиб чиқяпти... Шундай пайтда улар энг ёмон жиноятчилардай қамоқхонада ётишипти!.. Терговчи бўлса Комил келиб кетгандан кейин уларни яна бир марта чақиртириб, палапартиш гаплашди-ю, қаёққадир гумдон бўлди. У чақириб тургани ҳам бир жиҳатдан дуруст экан, ҳар қалай, таллашиб-тортишиш, баҳслашиш мумкин эди. Бундан ҳам айрилгандан кейин йигитлар худди кимсасиз бир оролга тушиб қолгандай бўлишди.

Терговчи, ниҳоят, учинчи кунн пешинда келди ва йигитларни чақиртирди.

У Чавандознинг хонасида бир ўзи ўтирарди.

Бурноғи кунн ғалати тиржайиб, бачкана гаплар билан қарши олган одам, бугун ҳар биттаси бир мўйловдай ўсиқ қошлари туташган, кўзлари киртайган бир қиёфада:

— Қани, марҳамат, ўтирсинлар, — деди.

У йигитларни биринчи марта кўраётгандай кўзалари баттар қисилиб бир зум тикилди-ю, тўсатдан Эртоел-

нинг: «Хўш, нега терговни бунча чўзиб юбордингиз, ака?» деган гапи эсига тушиб, ўрнидан туриб кетди. Қалта қўлларини орқасига қилиб деразининг олдига борди ва йигитлар ҳам эсидан чиқиб бирпас ўйланиб қолди.

Кеча, Эртоевнинг, бир келиб кетинг, деган гапи билан йўлга чиққанида у муғамбирлиги билан донг таратган бу одамнинг бунчаликка боришини хаёлига келтирганмиди?

У қиплоққа кетаётганида тилидан бол томиб гап-лашган, ёш қизларга зўравонлик қилаётган бебошларнинг танобини тортиб қўйишни қаттиқ тайинлаган Эртоев кеча уни совуқ қарши олди, қўл бериб кўришар-кўришмас:

— Намунча чўзиб юбордингиз терговни?— деди, қовоғини солиб.

Бундай муомалани кутмаган терговчи олдин гап тополмай довдираб қолди, кейин ўзини сал босиб:

— Ахир... ўзлари айтувдилару...— деган эди, Эртоев оппоқ муштини столга қўйиб, гапини бўлди:

— Хўш, нима дебман? Мен сизга бу ишни бир ойга чўзинг деганмидим? Балки терговни бошқа йўлга буришни ҳам талаб қилгандирман? Лаббай?

«Сурбетлик ҳам эви билан-да!»... Терговчи юрагига биров ниш ургандай оғир тебранди, кейин ўзидан ғижиниб:

— Менга қаранг, ўртоқ Эртоев,— деди.— Агар мени ёш бола деб ўйласангиз... чучварани хом санабсиз! Сиз шохида юрсангиз, мен баргида юрадиган хилиданман, ҳа!..

Эртоев шахт билан ўрнидан турди, қўлларини орқасига қилиб, узун кабинетининг нариги бурчагига борди-ю, тўсатдан хахолаб кулиб юборди.

— Ҳали ҳазилни чинга олдим денг? Оббо сиз-эй!..

У кўз ёшларини арта-арта терговчининг олдига келди ва унинг елкасига қўлини қўйиб:

— Бундай, дўстим,— деди жиддий оҳангда.— Ҳазилни қўйиб турайлик... Қўлингиздаги иш билан жуда кўплар қизиқиб қолди. Бир ёқда райком, бир ёқда военком Абубакиров... Хуллас, прокурор ўзиям айтар— ишни тезлатиш, умуман йигитлар фойдасига ҳал қилиш керак. Албатта йигитлар айбдор! Аммо...—Эртоев



елкасини қисди.— Бир ёқдан уруш... Бир ёқдан катталар... Энди ён босишга тўғри келади, дўстим.

Эртоев буни «илож қанча?» деган маънода кулиб айтди, лекин терговчи унинг нимадандир ташвишланиб, ҳатто қўрқиб қолганини аниқ сезди.

Ташвишланмай кўрсин-чи?.. У ўзи ҳам йигитларга тақилган айбнинг пуч эканини бошдаёқ сезган, фақат Эртоев қаттиқ илтимос қилгани учунгина уларни сал «босиб» қўйишга розилик берган эди. Илоннинг ёғини ялаган бу муғамбир эса... иш чигаллашиб кетганини сир тутишга уринаяпти!..

Терговчи чуқур ўйга чўмган одамдай, хонани бир айланиб бориб жойига ўтирди.

— Биз ўртоқ прокурор билан маслаҳатлашиб шундай бир тўхтама келдик,— у томоқ қириб, йигитларга бир қараб олди.— Бир томондан, ёшликларингни, бир томондан, колхоз раҳбарларининг илтимосини ҳисобга олиб, қонунга хилоф бўлса ҳам, сенларни ҳозирча қамоқдан озод қилишни лозим кўрдик.

Машраб ялт этиб Акмал билан Қўчқорга қаради, Қўчқор эса, унинг қарашларини сезмагандай, ер остидан терговчига тикилиб турарди.

— Ҳозирчами ёки мутлақоми, терговчи ака?

— Бу ёғи...— терговчи бошини силаб жилмайди.— Бу ёғи ўзларингга боғлиқ, ука.

— Масалан?— деди Қўчқор.

— Масалан, бунақа ножўя ишлар қилмасаларинг, бировларнинг ишига суқилишавермасдан ўз йўлларингдан юрсаларинг...

Қўчқор зимдан Акмал билан Машрабга бир қараб олиб деди:

— Гапнинг пўскаллеси... барча номаъқулчиликларни кўра-била туриб писиб юраверларинг, демоқчисизда, терговчи ака!

Терговчи чўнтагидан дастрўмолчасини олиб бошини, пешанасини артди-да, аллақандай маъжус бир товушда:

— Сизга битта маслаҳат, ука,— деди, тўсатдан негадир «сиз»лаб.— Кўп маҳмадоналик қилаверманг, сал босиқ бўлинг. Ҳали ёшсиз, кўп нарсанинг фаҳмига бормайсиз, иним.

Қўчқор нимадир демоқчи эди, терговчи қўлини битга қилиб эшикни кўрсатди.

— Боринг, ука, кўп билимдонлик қилавермасдан, қутулганингизга шукур қилинг, ҳа!.

— «Шукур қил эмиш! Ўзинг шукур қил бу ноҳақликлар учун бошинг кетмаганига!» — деди Машраб ичида.

Улар ҳовлидаги ариқда юз-қўлларини ювишди. Кейин фақат эркинлик туйғуси бера оладиган бўлакча бир қувончга, ғалаба ғурурига тўла ажойиб дамлар бошланди.

Биринчи бўлиб йигитлар Моҳира бувини кўргани боришди. Меҳрибон кампирнинг гўжалари-ю, зоғора исиларига қоринларини тўйдиришди. Кейин, у кишининг айланиб-ўргилишларидан кўнгиллари тоғдай ўсиб, Акмалларникига ўтишди, Солия холани тинчитгач, Қўчқор ойисига бир лаҳза кўриниш берди-да, ниҳоят далага, қизларнинг олдига кетишди.

Ажабо: улар қайси кўчадан юрмасин, кимлар билан учрашмасин — ҳамма севинар, ёмонлардан дакки емай, эсон-омон қутулиб чиққанларидан астойдил қувонарди.

Муяссар билан Лариса эса уларни чинакам қаҳрамонлардай кутиб олди. Оқшом яхши кийимларини кийиб сойга чиқишди. Худди шу куни Ларисанинг отасидан телеграмма келипти. Рост, телеграмма жуда қисқа: «Хат ёзинглар, хат кутаман, хат кутаман!» деган хитоблардан иборат эди, холос. Лекин у бир парча қоғоз Ларисага қандайдир қанот берган: бир жойда бирпас тек туrolмас, дам сабабсиз кулар, дам тахта кўприк устида ўйинга тушар, дам Қўчқорнинг ғашини келтириб, Магнитогорскка кетишлари тўғрисида минг хил режалар тузарди.

Ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган эркинлик қувончига, ғалаба ғурурига тўла бу бахтиёр кун ўтиб эртаси куни қишлоққа ҳарбий комиссарликдан комиссия келди, ўн саккизга тўлган ҳамма ёшларни ҳисобга олиб, қўлларига билет бера бошлади. Бу ёшларнинг орасида Қўчқор билан Акмал ҳам бор эди.

Машраб комиссия келганини эшитган заҳотиёқ: «Улар урушга кетса... мен нима қиламан, бу қишлоқда бир ўзим қандай юраман?» деган фикрга бориб, титраб кетди. Уша куни қаерга бормасин, қайси кўчадан ўтмасин, ҳамма унга истеҳзоли қараётгандай, «жўжа-хўроз» деб кулаётгандай туюларди. Ҳатто далада пахта

тераётган хотинларнинг: «Ҳа, Машрабжон, қалайсан, сени комиссияга чақиришмадими?» деган жўн саволлари ҳам қулоғига бошқача эшитилар, гўё улар: «Ҳа, ўз дўстларингдан айрилиб нима қилиб юрибсан?» деётгандай бўларди.

Комиссия қишлоқ советининг идорасига жойлашган, идоранинг олдидаги гузар хотин-халажга тўлиб кетган эди. Комиссияга чақирилган йигитлар Машрабнинг назарида ўзлари билан ўзлари бўлиб, уни назарга илмаётгандай, ҳатто Қўчқор билан Акмал ҳам у билан баланддан туриб гаплашаётгандай кўринарди.

Комиссия иш бошлашининг иккинчи куни эрталаб, Қўчқорларни кўриш умидида гузарга борган Машраб қишлоқ советининг олдидаги майдонда протезли оёғини ғарчиллатиб Чавандоз билан айланиб юрган капитан Абубакировни кўриб қолди.

Абубакиров қўлини пахса қилиб Чавандозга нима-нидир уқтирар, чиройли мўйлови аллақандай шалпайиб қолган Чавандоз эса бошини тез-тез ирғаб шалпайиб турарди.

Машраб, эҳтимол Чавандоз бўлгани учундир, Абубакировнинг олдига боришга журъат этолмади. Лекин кейинроқ комиссиядан чиққан бир тўп йигитлар капитанни ўраб олиб, у билан суҳбатлаша бошлаганларини кўрганда чидаб туролмади. Бир сакрашда пахса девордан ошиб, майдонга тушди, кейин, қадамларини солдатчасига гурс-гурс босиб Абубакировнинг олдига борди, азбаройи нафаси етмаганидан, сўзларни бўлиб-бўлиб деди:

— Ўртоқ капитан! Мумкин бўлса... Битта арзим бор... шунга... шунга қулоқ солсангиз!

Йигитлар чекиниб унга йўл беришди. Абубакиров иссиқ кўзларини баттар қисиб, қизиқсиниб тикилди.

— Хўш, қандай арз экан, бўз бола?

— Арзим шуки...— Машраб капитаннинг кўзларидаги илиқ меҳрни кўриб енгил тортди.— Арзим шуки, мен ҳам шу йигитларга тенгқурман. Ёшимиз бир. Шунчаки... қишлоқ советининг китобида янглиш ёзилиб, бир ёш кичик бўлиб қолибман. Агар мумкин бўлса... Мен ҳам комиссиядан ўтсам!

Абубакиров, гўё уни биринчи марта кўраётгандай унга яна бошдан-оёғ разм солиб чиқди, юпқа лабларида мулойим табассум кўринди:

— Хўш, буларга тенгдош эканингни қаёқдан биламиз?

— Мана, ўртоқ капитан...

Машраб: «Мана, Қўчқор айта қолсин!» демокчи эди, бироқ, Қўчқорнинг хўмрайиб турганини кўриб шошиб қолди-да:

— Худо урсин агар ёлғон гапирсам!— деб юборди.

Зўр қаҳқаҳа майдонни янгатди.

Абубакиров, ёш боладай силкиниб-силкиниб кулархан, қўлини Машрабнинг елкасига қўйди, кулги аралаш сўради.

— Унақа бўлса... Ишониш керак! Кимнинг ўглисан ўзи? Исм-фамилиянг нима?

— ИсмиМ Машраб. Аъзам ячейка деганнинг ўглиман.

— Девонаи Машраб!— деди кимдир.

— А-а!.. Адолат қидириб юрганларданман дегин?

Абубакиров кўз ёшларини артди ва «жим» деган маънода қўлини кўтарди:

— Молодец йигит экан бу! Бор, комиссияга кир— комиссия ҳал қилади бу ёгини!

«Ҳамма нарсани Абубакиров ўзи ҳал қилади», деб юрган Машрабнинг руҳи тушиб кетди, комиссия кўрмасданоқ қайтариб юборади, деб ўйлади. Лекин Чавандознинг катта хонасида ўтирган врачлар унинг ёшини суриштирмади ҳам. Бирови бўйнини ўлчади, бирови кўкрагига қулоғини қўйиб ниманидир эшитган бўлди, яна бирови гоҳ ўнг кўзини, гоҳ чап кўзини босиб, қандайдир ҳарфларни ўқитиб кўрди. «Яроқли», «Яроқли» дейишиб, беш минутга қолдирмай комиссиядан ўтказиб қўйишди. Ўзиям энг қизиқ ишлар шундан кейин бошланди.

Абубакиров йигитларни саф қилиб, Машрабни олдинга ўтказди, кейин қаёқдандир Ёдгорбекни етаклаб келиб ёнма-ён қўйди-ю, қўлларини силкитиб:

— Бу икки йигитга бир қаранглар!— деди.— Мана бу хўроз йигит ўн саккизга чиқибди-ю, буниси ҳали ўн олтида эмиш!

Ҳар жой-ҳар жойдан пиқ-пиқ кулги эшитилди.

— Ҳей,— деди Абубакиров Ёдгорбекка ер остидан тикилиб.— Хотининг борми? Хотин олсанг, беш боланинг отаси бўлардинг-ку!

Зўр қаҳқаҳа гузарни янгротиб юборди. Бечора Едгорбек! У, гўё кимдандир нажот кутгандай кўзлари жавдираб, атрофига қарар, худди совқотаётгандай, ҳадеб бошини елкасига қисарди.

— Йигит деган мана бунақа бўпти!— деб Машрабни кўрсатди Абубакиров.— Туришини қара — хўроз, а, хўроз!..

— Қани, марш комиссияга!— кўзлари чақнаб бурди у Едгорбекка.

Едгорбек бесўнақай лапанглаб идорага қараб чопди. Машраб эса, уят, ғурур, шодлик ва яна аллақандай туйғулардан маст бўлиб ўзини қаршидаги боғларга урди.

У кун бўйи шу қувонч, шу кайфиятда юриб, уйларига кечқурун, пахтани араваларга ортиб бўлгандан кейин борди, борди-ю, сўрида Фотма-Зухрани бағрига босиб ўтирган Мастурани кўриб тўхтади.

Поччасидан қора қоғоз келгандан бери чўпдай сўлиб қолган Мастура секин ўрнидан турди. Хаста одамнинг кўзларидай ичига ботган кўзларида нафратга ўхшаш бир учқун чақнади.

— Сен... ақлинг жойидами ўзи. Мени... Бизни ўйламансанг ойимларни ўйласанг бўлмасмиди, аҳмоқ!— у лаблари титраб юзини четга бурди.— Бор, ойимнинг аҳволига бир қара!

Машраб, юраги увушиб, эшикни журъатсизгина очди.

Гулсум опа тўрдаги каравотда, қўлларини тиззаларига қўйиб худди Машрабнинг кириб келишини кутгандай, эшикка тикилиб ўтирарди.

Йўқ, у Мастура айтган аҳволда эмас, одатдагидай ўйчан ва босиқ кўринарди. Бироқ... илгари қам шунчалик жуссаси кичкинаמידди, ё... ҳозир шундай кўриняптими Машрабга? Рўмоли елкасига тушиб, оқ сочи очилиб қолган... Пешанасидаги, лабларининг четидаги ажйнлар бунчалик кўп эмас эди шекилли илгари?

Машраб оҳиста юриб унинг олдига борди, аъзойи баданини жимирлатиб юборган ички бир туйғуга бўйсуниб тиз чўкди.

— Ойижон, кечиринг. Бошқа иложим бўлмади. Дўстларимдан айрилиб...— у, ойисининг кўзлари жиқ-

қа ёшга тўлганини кўриб, сўзини ичига ютди, бошини унинг тиззасига қўйиб қучоқлаб олди.

### Учинчи боб

Ғалати нарса-да, турмуш: киши бир қоқилса уст-ма-уст қоқилади, бир бахти чопса, устма-устига чопади.

Йигитларнинг Чавандоз устидан қозонган дастлабки ғалабаларидан кейин... ишлари юришиб кетди. Яна ўша, оғир бўлса-да, кишига қандайдир ғурур бахш этадиган улкан меҳнат кунлари бошланди. Бунинг устига ҳар куни бир қувончли воқеа юз берарди: гоҳ фронтда янги шаҳарлар озод бўлар, гоҳ кечалари қизлар сойга Гулчеҳрани бошлаб чиқишар, гоҳ Ларисанинг отасидан хат келиб, бутун бригада шов-шув бўлиб кетарди...

Октябрнинг охирлари эди.

Бир кун йигитларни Гулсум опа чақиртирди. Октябрь байрамигача бутун колхоз пахта планини бажаришини айтди ва шунга уч-тўрт номерлик бўлса-да, бир концерт, ёки кичик бир пьеса қўйиб беришларини илтимос қилди.

Улар олдин концерт қўйиб беришмоқчи эди, бироқ машшоқларнинг мазаси бўлмагач, Машраб шаҳар кутубхонасини ахтариб «Улим босқинчиларга» деган бир пьеса топиб келди-да, учинчи пардасини қўйишга киришди.

Мактабнинг ҳувиллаб ётган бўш зали кечалари чинакам жанг майдонига айланди. Еттинчи лампанинг хира ёруғида гранаталар «портлаб», ёғоч пулемётлар тарақлаб, эҳтиросли монологлар ўқилди. Одатда кеч-қурун кун ботганда пахталар қанорларга тиқилиб, арваларга ортилиб бўлгандан кейин бошланадиган бу репетициялар кўпинча тун ярмидан ошгунча давом этар, лекин на чарчоқ билинар, на уйқу келарди. Аксинча, машқ тугагандан кейин ҳам чуқур сукутга чўмган қишлоқ кўчаларини бошларига кўтариб, баҳслаша-баҳслаша зўрға тарқалишарди.

Бир кун кечаси репетиция айна авжига чиққанда залга Комил кириб келди.

Белида қилич, қўлида автомат, партизан қиз Оксана — Муяссарга гап ўргатиб турган Машраб Комилни

кўриб шошиб қолди. Кўнглидан: «Наҳот, репетицияни эшитиб келган бўлса?» деган фикр кечиб, эти жимирлаб кетди.

Комил мулойим кулимсираб уларнинг ўйинини кузатиб турди, кейин мақсадга ўтди.

Ҳа, Машраблар жуда яхши, жуда керакли иш бошлаган, лекин, афсуски, Комил пьесани кўриш учун эмас, балки тўхтатиш учун келган. Чунки қўшни колхозлардан қарз олиб экилаётган уруғлик тугаган, энди тоғ орқасидаги қозоқ даштларига бориб, ёзда улар ҳисобига ўтказилган бугдойни олиб келиш керак...

Муассар билан Лариса тумтайиб қолишди. Лекин йигитлар хурсанд эди. Чунки, биринчидан, улар кўрмаган жойларни кўрар, иккинчидан, бу, Комил айтмоқчи, фронт учун, ғалаба учун, урушда қон кечиб юрган жигарбандлари учун қилинадиган катта ва масъулиятли бир вазифа эди!

Репетиция тўхтади, бу гапдан икки кун кейин, байрам арафасида, яна эшак карвон ташкил қилишиб, тонг палла йўлга чиқишди.

\* \* \*

Ёзда ғалла ташиб чиниққан машҳур карвонга бу сафар эшаклар жуда саралаб олинган, хўтиқлар йўқ. Карвон сон жиҳатидан ҳам ёздагидан кўпроқ — эшаклар юзга борарди.

Машраб билан Акмал Комилнинг илтимосига кўра карвоннинг охирида («бирорта жўжахўроз уйқусираб қолиб кетмасин») борарди. Олдинда — саман йўрғага минган Комил билан машҳур кўк ҳангисида қаққайиб кетаётган Қурбон оталар, Қўчқор ҳам уларнинг ёнига ўтиб олган.

...Узоқ йўлнинг ўзига хос гашти бўлади. Уйдаги ҳамма ташвишлар орқада қолади, олдинда эса кишини нотаниш эллар, одамлар, узоқ ва хатарли йўллар кутади. Аммо энг яхшиси — хуржунда колхоз берган беш-олтита зоғора, бир-икки қадоқ қурт ва меҳрибон бувилар қўшган бир ҳовуч-ярим ҳовуч туршак, олма қоқи, pista, ҳеч бўлмаганда ҳовурмоч бор. Комил сафарга чиқишдан олдин озиқ-овқатни эҳтиёт қилишни қаттиқ тайинлаган бўлса ҳам, баъзилар ҳозирданоқ

бир лунжида туршак, бир лунжида қурт, оғайлари қулоқларида, чақчақлашиб кетяпти.

Қишлоқдан чиққач, йўл куйган калладай тап-тақир қирлар оша ўнг қўлдаги тоғ тизмалари билан ёнма-ён кетди.

Офтоб эндигина чиққан, олдиндаги қир ва чўққилар аллақандай майин, илиқ нурга чўмилиб ётибди.

Беш-олти чақирим юрилгач, йўл тоққа қараб бурилди. Сал ўтмай, ярми яхлит тошдан иборат баланд тепаликка кўтарилишди. Пастда кўк-сариқ яйлов кўринди. Кенг яйловда оқ ўтовлар гулдор дастурхонга тўнтарилган оқ пиёлаларга ўхшаб кўринарди. Утовларнинг атрофида аёллар, итлар билан қувлашиб юрган ёш болалар кўзга чалинарди.

Эшак карвон шарқираб оқаётган сой бўйида тўхтади. Яйлов аҳли, айниқса кексалар Қурбон отани яхши танишаркан, дарҳол, сув қовоқларда қатиқ, заранг товоқларда сузма, қурт пайдо бўлди.

Қурбон ота фуражкасини тўғрилаб жилмаярди:

— Ҳа, инқилобга хизмати синган одамни унутмайди, қозоқ! Яхшиликни билади бу халқ! Қани, олинглар!..

Болалар бир-бирларини туртишиб, кўз қисиниб олишди: отанинг гапи кулгили бўлса ҳам, қурт ва сузмадан кайфлари чоғ эди.

Яйловдан кейин йўл тобора ўрлаб, баланд қирларни ён бағирлаб, олмазор ва ёнғоқзорларни оралаб кетди.

Илиқ куз офтоби баланд кўтарилган сайин тоғ-тошлар бўлакча бир латофат кашф этади: қалин олмазорлар ўт олган гулхандай ловиллайди, сап-сариқ ўрикзорлар ипақдай майин товланади, баланд мусаффо осмонда секин сузган лочинлар кўринди... Лекин энг қизиғи шундаки, узоқда яхлит бир қоя, катта бир чўққи бўлиб кўринган тепаликлар яқинлашганда гўё ўз бағирларини очадилару, янги яйловлар, сойликлар, шовиллаб оққан дарёчалар намоён бўлади... Бояги шўхлик ва кулги тинган, ҳамма жим, ўйчан...

Акмал эшагининг кесик қулоғига тикилиб ниманидир пичирлайди: унинг сафардан умиди катта, чунки Қўчқор ўзига тегадиган ғалланинг ҳаммасини, Машраб эса ярмини унга берадиган бўлди. Бунга ўз тегиши қўшилса ҳам укалари сал тинчийди, ҳам Гулчеҳра-



нинг отасига бир-икки пуд дон бериб, маъшуқасини Чавандознинг чангалидан қутқариб қолади... Мабодо унгача дадаси ҳам қайтса, ошиғи олчи бўлади унинг!

Машраб, аксинча, қишлоқни тамом унутган. Гарчи у қишлоқда ўсган бўлса-да, бундай тоғ олмазорларини, ипақдай майин ўрикзорларни, тошларни ёриб чиқиб, тоғ ёнбағирларини қоплаб ётган асрий ёнғоқзорларни биринчи кўриши. Бу ерда ҳамма нарса бўлакча, аллақандай улуғвор, айни замонда, ҳаёдайдир нафис. Машрабга шундай туюладики, гўё тоғ ажиб бир сахийлик билан ўз сирларини очмоқда, гўё уни мафтун этмоқчи бўлгандай, ўз латофатини кўз-кўз қилмоқда!..

Қўчқор ҳам қойил бу тоғлардан. Лекин у хаёлга чўммайди, аксинча, бу кенг яйловлар, баланд чўққилар устида от ўйнатиб юргиси келади. У айниқса, олқарларни кўрганда ичи пишиб кетади. Ҳар сафар шохлари буралиб-буралиб кетган бу ғалати ҳайвонлар йўл ёқасидаги қояларда пайдо бўлганида Қўчқор ҳасад ва алам билан Комилга тикилади.

Қани энди Комил остидаги саманини берса-ю, Қўчқор унинг бошини қўйиб, бу олқарларни қувиб кетса!

Лекин Комил йўл ташвиши билан банд. Эҳтимол, у оғир сафарнинг бутун масъулиятини сезгани учундир, тоғ манзараларининг гўзаллигини эмас, бу йўллардан ёсон-омон қайтишни ўйлайди.

Албатта, йўлга олдинроқ чиқиш керак эди. Лекин аввал пахта, кейин кузги дон экиш билан бўлиб, бош қашишга ҳам фурсат бўлмади. Вунинг устига, ёзда бир дон қолдирмай, ҳаммасини топширишга мажбур этган Эртоев, кузги ғалла экиш планини кечиктирдиги, деб Инобат иккисини ҳар қуни ижрокомга чақиртиравериб, тоза жонларига тегди...

Комил ҳар сафар Эртоевни ўйлаганда эсига негадир Барно тушади-ю, хуржундаги тивит рўмолнинг майинлигини сезгандай ва кўнглидаги ҳамма ғубор тўзғиб кетгандай бўлади.

Кеча кечқурун Барно секин эшикни очиб, унинг кабинетига кирди, кўзлари жавдираб, қўлидаги тугунчани узатаркан: «тивит рўмол, совуқ бўлса... ярадор қўлингизга ўрарсиз», деди, Комил кейин очиб қараса, рўмолдан ташқари бир жуфт жун пайпоқ билан тўрт букланган қоғоз ҳам чиқди:

«Ҳурматли Комил ака!

Буни шунчалик бир дўстлик совғаси, деб билгайсиз. Ҳамма мenden юз ўтирган. Бутун қишлоқда ёлғиз сиз: «шу ҳам одам-ку», дегандай сал дурустроқ муомала қиласиз. Яхшиликка яхшилик қилгиси келаркан кишининг. *Барно*».

Яхшиликка яхшилик! Комил қизнинг эзилиб юрганини, дуч келганда ўзгариб кетишларини билса ҳам, ҳанузгача у билан очилиб гаплашмаган эди. Бунинг учун у гоҳ ўзидан ғижинарди, гоҳ қайтган ҳамон қиз билан қандай учрашишини ўйлаб, юраги ҳаприқиб кетади.

Унинг ўйларини баъзан Қурбон ота бўлади.

Ота гоҳо кўк ҳангисини тўхтатади, узангига оёғини тираб, қаддини ростлайди, бошидаги фуражкасини ва ёнбошидаги чарм сумкасини тўғрилай-тўғрилай болаларга жиддий тикилади:

— Ўртоқлар... Биз ҳў ўша даранинг орқасида не-не ёт унсурлар билан олишганмиз. Между прочим, ўша жойларда не-не одамларнинг қабри бор. Телпаклар олинсин, ўртоқлар!..

Сўнг олис-олисларга тикилиб, бир зум сукут сақлагач, Машраб билан Қўчқорга имо қилиб, қўшиб қўяди:

— Между прочим, буларнинг оталари ҳам бор эди ўша жангларда!..

Қўчқор болаларга қўшилиб пиқ-пиқ кулса ҳам, Машраб кулмайди, кулолмайди. Отанинг гаплари юрагига жиа-жиз тегади-ю, пиқ-пиқ кулаётган Қўчқорга қараб ўшқиради:

— Аҳмоқ! Қовоқ калла! Ким бўлсан бу гапдан куладиган?

Офтоб рўпарадаги Рустам довои чўққисининг орқасига бота бошлаганда олисда қандайдир қўралар, уйлар кўзга чалинди. Уйларнинг мўрисида тугун бурқирар, атрофида қўй-қўзилар ўтлаб юарди.

Қурбон ота яна узангига оёғини тираб, болаларга мурожаат қилди:

— Бугун шу овулда дам оламиз, негаки, эртага Ёмонтошдан ўтамиз. Ёмонтош деганни эшитгансанлар-а?

Кўп йўловчиларнинг бошига етган, кўп карвонларнинг юкини йўлда қолдирган бу машҳур дарани ҳали кўрмаган бўлсалар ҳам, унинг совуқ таърифини эшитган болалар бош иргашди:

— Биламиз, отахон

— Балли!— деди ота.— Эшитган бўлсаларинг эшакларни тўйдириб, ўзларинг ҳам яхшилаб дам олинглар!

Эшак карвон яқинлашганда овулдан далани бошига кўтариб бузоқдай-бузоқдай бўрибосарлар чиқди, кетма-кет болалар чопиб қелишди, ниҳоят, бошларига ғалати оқ ёпинчоқ ташлаган кампирлар, сочларига чўлпи таққан қиз-келинчалар кўринди.

Қурбон отани танийдиган мўйсафидлар бу овулдан ҳам топилди шекилли, қўрғонларнинг бирига кириб кетган ота лаҳза ўтмай, ҳассага суянган чўққи соғол бир чолни бошлаб чиқди.

Чол сойдаги карвонга узоқ тикилиб тургач, аёлларга нимадир деди.

Шундан кейин болалар уйма-уй таралиб кетишди.

Лочинларнинг чекига овулнинг чеккасидаги кичик қўра тушди.

Улар эшакларини тушовлаб, қўрага яқинлашганда ичкаридан қўйларнинг тапир-тупури, ёш аёлнинг жангангли товуши эшитилди:

— Ўйноқламай ўлиб кетгур!

Қўчқор кулимсираб қўрага кириб кетди.

Қўрага кираверишда қизил кўйлакли нозиккина бир жувон сигирга толпинаётган бузоқ билан олишмоқда эди. Бузоқ ҳар толпинганда жувон бир неча қадам кетидан чопқиллаб борар, шунда орқасидаги бир ўрим сочи силкиниб, чўлпилари кумуш қўнғироқчалардай майин жирингларди.

Қўчқор чопиб бориб, жувоннинг қўлидан арқонини олди ва бузоқни бостирманинг устунига боғлаб берди.

Жувон кутилмаган меҳмонлар тўғрисида эшитган бўлса керак, унча таажжубланмади.

— Раҳмат, қалқам!— деди-да, бир кулиб қўйди.

Жувоннинг кулгиси ҳам, юмалоққина юзи ҳам, кичкинагина бурни ҳам — ҳаммаси аллақандай ўзига ярашиб турар, жуда ёқимтой кўринар эди.

Жувон ўз ҳусни билан йигитларни «лол» қилиб қўйганини сеади шекилли, кўзлари қисилиб яна бир жилмайди. Сўнг елиб-югуриб сигирни соғди, ўчоққа ўт қўйиб, сут пиширди ва ниҳоят меҳмонларни чойга чақирди.

Унинг «чой» дегани одатдаги чой эмас, балки сут, қатиқ, сузма ва қуртдан иборат тамадди экан.

Чойни ичиб бўлар бўлмас, уйда набирасини бағрига босиб ўтирган кампир бурчакка тўшак ёзиб ётиб олди. Бирпасдан кейин Акмал хом семиз ҳам мудрай бошлади. Қўчқор ёш жувонга кўзини қисиб, ҳазиллаша бошлаганини кўрган Машраб эса, негадир гаши келиб, ўрнидан турди.

Ташқари шундай зим-зиё эдики, Машраб ҳеч нарса-ни ажрата олмай, бир неча дақиқа эшикда туриб қолди, фақат осмонда қандайдир оқиш юлдузлар чарақлар, улар шундай йирик эдики, гўё қора бахмалга сочилган оппоқ олмаларга ўхшарди.

Машраб, қоронғиликка кўзи ўргангач, бир-бир босиб қўрадан чиқди, қир ёнбағрида «қирт-қирт» шивоқ чайнаган эшакларнинг ёнидан ўтиб, сой бўйига тушди.

Оламни чулғаган қоронғилик энди гўё чекинган, атрофда асрий соқчилардай сукутга чўмган мағрур чўққилар қорайиб кўринарди. Жимжит. Пастда, сойликнинг зим-зиё ўпқонида, бебош тоғ дарёси оҳиста гувиллайди. Унга шамолда чайқалган азим чинорларнинг шовиллаши қўшилиб, водий гўё денгиздай улугвор садо беради.

Машраб сой бўйидаги чинорга суяниб, сукутга сукут қўшган бу ажиб садоларга қулоқ соларкан, тева-ракдаги чўққилар яна ҳам сирли туюлиб, хаёлини олис-олисларга олиб қочди...

Ҳа, кимлар ўтмаган бу қадимий йўллардан? Кимларни кўрмаган юлдузлар билан сўзлашиб турган бу асрий чўққилар?

Эски ривоятларга қараганда, бу қадимий йўллардан Искандар Зулқарнайн ҳам ўтган, Чингизхон лашкарлари ҳам, оқсоқ Темур эса тоғлар орасида лашкар тўплаб тахт ва салтанат учун курашган!

Ким билсин, эҳтимол ҳозир Машраб ўтирган дарё бўйида бутун Осиёни титратган фотиҳлар фотиҳи Амир Темур ҳам ўтирганмикан? Эҳтимол, ҳозир эшаклар ёйилиб юрган қир ёнбағрида отлар кишнаб, қиличлар шарақлагандир. Неча-неча довюрак ўғлонлар дарёнинг у юзидаги қоронғи дараларда яшириниб юриб, адолат учун курашгандир?..

Бу ўйлардан ҳаяжонланиб, осмон фалакда юрган Машраб тўсатдан ўн қадамча нарида кимдир пиқ-пиқ кулганини эшитиб, ҳушини йиғиб олди.

Қўнғироқдай нафис янграган овоз — ёш жувонники!

Хушнуд дўриллагани—Қўчқор!

— Ҳой, ўзбекнинг боласи, қўйиб юбор!— дейди жувон ёлвориб.— Қозоқнинг текин хотини бор дейсанми бу ерда?

— Менга каранг, жон Гулжамол!— Қўчқор ҳанси-  
рар эди.— Битта ўпай, жон янга!

— Бўлди. Бўлди дейман ўзбекнинг боласи!

Жувон Қўчқорнинг қўлидан қутулиб чиқди чоғи, чўлпиларини нафис жаранглатиб қўрага қараб қочди. Қўчқор унинг кетидан эргашиб:

— Гулжамол!— деди.— Гулжамол. Жоним, бирпас тўхта!..

Машраб хаёли чувалашиб, ўтирган жойида лол бўлиб қолди.

Қанақаси бўлди бу? Ахир кечагина эмасми, Қўчқор Муяссардан Ларисани чақириб беришни сўраб, ёлвориб юргани?

Мана, Машраб ҳамон қўлида Муяссарнинг кичкина мулойим кафтини ҳис этади, қулоқлари остида унинг: «Йўл оғир, эҳтиёт бўл, Машраб!» деган майин овози янграйди. У бўлса... шу ҳам муҳаббат бўлдими? Бунақа экан, нима қилади соддадил қизни чалғитиб?.. Эҳ!

Қўрғончанинг ёнидан беш-олти болани эргаштириб Комил ўтди.

— Эшакларни қайтаринглар, бу атрофда қашқир бўлиши мумкин,— деди у.

Лаҳзадан кейин болалар эшакларни тапир-тупур қувиб қўраларга ҳайдаб тушишди. Қўчқор билан Комил кўринди.

— Йигитлар қалай?— деди Комил.

— Намозшом бўлмасданоқ пинакка кетишди икки-  
сиям!

— Сен нима қилиб юрибсан ухламасдан?

— Менми?— Қўчқор жўрттага овози дўриллаб кулди.— Мен бирорта сулув келинчак йўлиқиб қолмасмикин, деб пойлаб юрибман!

— О!

— Комил ака,— деди Қўчқор.— Бу... севги деган бало сизниям бошингиздан ўтганми?

— Ким билсин, ука.

— Нима қиласиз алдаб — сирингизни биламан-ку.

— Қанақа сир?— кулди Комил.

— Фикри зикрингиз Барнохонда!

— Яна қанақа сирларимни биласан? — Комил яллақандай ясама кулди...

Машраб уларга кўринмас эди, кўнгли бир хил бўлиб, қўрага томон юрди. Қўчқорнинг гапи унинг учун янгилик эмас, сўнгги пайтларда Комил Барно билан учрашганда кўзлари чақнаб кетишларини пайқаб юрарди. Бу ҳол Эртоевдай юрагини тилка-пора қилмаса ҳам, ҳар қалай, акаси асига тушиб, қаттиқ ўксинади. Мана, бугун ҳам шундай... Машраб уйга кирди-да, кўрпага буржаниб ётиб олди.

\* \* \*

Эртасига карвон тонг отмасдан йўлга тушди, кун чиқар-чиқмас Ёмонтош дарасига кириб борди ва ўн бир жойдан сув кечиб, ундан пешинга яқин зўрға ўтди, кейин Рустам довондан ошиб, кечга яқин қозоқ даштларига чиқиб олди.

\* \* \*

Қишлоқдан чиқишда уч-тўрт кунда қайтиб келишни мўлжаллаган эшак карвоннинг иши «уйдаги гап бозорга тўғри келмайди» дегандай бўлди: бир ҳужжатлардан нуқсон чиқиб, бир бошлиқлар топилмай, бир юқоридан қўшимча ижозат келмай, даштда ҳафта — ўн кун қолиб кетишди.

Яхшиям қозоқ овуллари келди-кетдига ўрганиб қолган, меҳмондўст, сахий бўлади, акс ҳолда болаларнинг аҳволи танг бўларди. Чунки колхоз берган нон, қурт, туршак уч-тўрт кундаёқ тугаб, хуржунларнинг таги кўриниб қолди.

Бу сафар ҳам тоғ орасидаги овулдагидай болалар иккита-учтадан қўра-қўрага тақсим бўлган, овул аҳли улар билан топганини баҳам кўрарди.

Қиладиган тайинли иш йўқ, болаларнинг куни овул айланасидаги тўқай ва шувоқзорларда эшак боқиш билан ўтади.

Қишдан дарак йўқ, ўқтин-ўқтин осмонда булут пайдо бўлса ҳам, ёгин ёғмас, кунлар худди қишлоқдагидай илиқ, майин.

Болалар эртадан кечгача тиззадан келадиган бўлиқ пичанзорларда кураш тушишади, бир-бирларига тега-

жаклик қилишади. Зерикиб, ўзларини қаёққа уришни билмай, гоҳо эшакларига миниб, улоқ чопишади.

Эшакларга маза. Улар додли шивоқлардан қоринлари қаппайиб, бир-икки кундаёқ дикиллай бошлаган. Буни кўрган Комил, болаларнинг: «Қачон кетамиз?» — деб қисташларига:

— Шошманглар, йўл оғир, эшаклар семирсин! — деб кулиб қўяди.

Шундай кунларнинг бирида, шивоқзорда ағанашиб бекорчиликда кураш тушаётган «уч оғайни»нинг ёнига юз чоғлик қўйларини олдига солиб, Қалбек деган ўланчи, дўмбирачи йигит келиб қолди.

Қўлида узун таёқ, елкасида дўмбира, кигиз қалпоғини бошнинг орқасига суриб, шўх кўзларини қисиб бир лаҳза Акмал билан Қўчқорнинг курашига разм солиб турди, сўнг, таёғига суяниб кулди:

— Ҳа, ўзбекнинг бўз боласи, зерикиб ичларинг пишяптими дейман?

Қўчқор Акмални қўйиб юбориб, ўгирилиб қаради:

— Зерикмай нима қилайлик, қозоқнинг боласи? Овулингда қўйдан бошқа нарса йўқ!

— Қўйдан бошқа нарса йўқ? — Қалбекнинг кўзлари қисилиб, юпқа лабларида истеҳзоли табассум жилва қилди. — Бу овулнинг чечан қизларини кўрмапсан, ўзбек!

«Чечан қизлар!»

Машрабнинг юраги чўғ теккандай жизиллаб кетди, Акмал ғалати жилмайди. Қўчқор эса Қалбекка тегишди:

— Биз кўрмасак чечан қизларингни! Кўрсатадиганинг биттаси сен бўлсанг, қош қораймасдан туғингни шикиллатиб қоласан!

— Танишасанларми сулув қизлар билан? — деди Қалбек ва муғомбирона кулди. — Аммо битта шарт бор.

— Қанақа шарт? Хўш?

— Сўзга чечан, ўланга уста йигитларни ёқтиради қозоқ қизлари! Сўзига сўз, ўланига ўлан билан жавоб бермасаларинг кулги бўласанлар!

— У ёғни бир бало қилармиз! — ўйламай-нетмай жавоб берди Қўчқор, сўнг Машрабга қараб кўзини қисди. — Ўланчи оқинимиз ҳам бор ичимизда.

Машраб негадир қизариб, дудуғланиб қолди:

— Бекорларни айтяпти бу. Улан билмайман мен!  
Қўчқор хуноби чиқиб, қўлини силтади:

— Майли! Бу билмаса... ўзим боплайман. Аввал танишайлик-чи сулувларинг билан, оғайни!

— Хўп, урдасидан чиқсанг таништириб қўяман, ўзбекнинг боласи!

Акмал йигитнинг кетидан тикилиб:

— Ҳали шарманда қилмаса эди бу пучуқ!— деб пўнгиллаган эди, Қўчқор жеркиб ташлади:

— Сулув қизлардан шарманда бўлишининг ҳам ўзига яраша гапти бор. Қўрқсанг уйда қолавер, хомсемиз!

Машраб индамади. У қозоқ романларини, Обой китобларини кўп ўқиган, қозоқ қизлари билан бўз болаларининг эркин муносабатлари, айниқса, қизларнинг шўхликлари, гапга чечанлиги тўғрисида кўп эшитган. Шунинг учун ҳам Қалбекнинг таклифини эшитган заҳоти кўз олдига галати нарсалар келиб, юраги питирлаб қолди.

У дам Муяссар асига тушиб, ўзидан нафратланар ва боришдан бош тортмоқчи бўлар, дам ихтиёридан кучлироқ қандайдир бир нарса хаёлини олиб қочар ва тобора тоқатсизланар эди.

Қалбек кош қорайганда дўмбирасини чертиб ва секин киргойи қилиб кириб келди.

Оёғида пошнаси баланд қизил этик, эғнида янги яхтак, кўзини муғамбирона қисиб деди:

— Улан топиб қўйдиларингми, ўзбекнинг болалари? Кетдик бўлмаса. Бу ёғини толеларингдан кўринглар!

Улар овул оралаб кетишди. Бир-биридан хийла узоқ жойлашган қўраларда таниш говур-ғувур босилган, ўчоқларда олов сўнган, фақат кичик-кичик дарчаларда мойчироқлар милт-милт қилади.

Ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит. Уқтин-ўқтин қўралардаги бўрибосарлар ваҳимали ириллайди-ю, Қалбекни таниб, дарҳол думларини ликиллатиб қолади.

Улар овулнинг энг четидаги қўра эшигида тўхташди.

Ичкаридан ловиллаб олов ёнар, унинг қизгин шуъласида пастқамгина уйнинг ланг очилган эшиги ва остонада ўраланган қандайдир аёллар кўзга чалинарди.

Қалбек ичкарига қадам қўяркан:



— Бўз болалар келди, кутиб оласанми, янгажон! — деди.

Дарҳол тунов кунгидай чўлпилари майин жаранглаб, рўпарада оғзини рўмол билан ўраб олган новчагина жувон пайдо бўлди, ўзбек сўзларини сал бузиб таклиф қилди:

— Хуш келибсизлар, йигитлар.

Йигитлар торгина даҳлизга киришганда, ўнг қўлдаги эшик бир очилиб ёпилди-ю, мўралаган қизларнинг юлдуздай чарақлаган қисик қўзалари, кулимсираган юзлари кўринди, шўх кулги эшитилди.

Йигитлар чап қўлдаги хонага киришди.

Хона пастқам бўлса ҳам кенг, уч жойда мойчироқ липиллайди. Деворга осилган сўзана ва гиламларгина эмас, тахмондаги тўшаклар, ерга ёзилган кигиз ва палослар, ҳатто сандиқлар — ҳаммаси қирмизи рангда. Шунинг учун ҳам хона чироқ шуъласида қип-қизил товланади.

Қалбек йигитларни тўрга ўтқазди-да, ўзи қаёққадир ғойиб бўлди.

Йигитлар бир-бирига қараб олишди. Бу овлоқ қўра, қўшни хонага йиғилган қизлар, хушмуомала янга — ҳаммаси қандайдир ғалати туюлади, эшик ҳар очилиб, даҳлиздан қизларнинг жарангли кулгиси, чўлпиларнинг нафис жаранглаши эшитилганда йигитлар бир сапчиб тушишади.

Ниҳоят, эшик очилди-ю, остонада... қўлларида қўлтиқтаёқ, эғнида ҳарбий гимнастёрка, ёлғиз оёғини силтаб босган бир йигит кўринди. Кетма-кет Қалбек кирди.

— Ассалому алайкум, меҳмонлар, — чўлоқ йигит, қўлтиқтаёғини бир силташда, «дик» этиб уйнинг ўртасига келиб қолди. Машраблар ўринларидан тургунча, у қўлтиқтаёқларини деворга суяб:

— Қалай, аҳволлар яхшими, йигитлар? — деди-да, лочинлар билан қўл бериб кўришди. Кўрпачага ўтириб, Қалбекнинг қўлидаги дўмбирасини олди, секин чертиб, унга қаради.

— Янганга айтсанг-чи, қалқам, — деди. — Олиб кирсин сулувларини! Кутавериб ичимиз пишиб кетди-ку, иничагим!

Қалбек ўрnidан қўзғалгунча бўлмади, қўлида дастурхон, янга ўзи кириб келди.

Дастурхонда яна ўша қурт, сузма, сўк пайдо бўлди, салдан кейин эшикда бир гуруҳ қизлар кўринди.

Улар аввал худди ўзбек қизларидай ийманишиб, юзларини сал яшириб, «сен юр, сен юр» дея бир-бирларини туртишиб, кулишиб туришди. Кейин дастурхоннинг бир томонига ўтиришди.

Қизларнинг ҳаммаси деярли бир хил кийинган: оёқларида пошnasi баланд қизил этикча, бошларида қизил шол рўмол, қизил шойи кўйлақларининг устидан хипча бел барқут нимчалар кийган. Нимчаларига тақилган қатор-қатор кумуш тангачалар майин жаранглаб, уйни янградиб юборди.

Еноқлари бўртиброқ чиққан юмалоқ юзларда, қисқроқ бўлса-да, шўх чақнаган қора кўзларда ийманиш эмас, балки қизиқиш ифодаси жилва қилади, лаблар беихтиёр кулимсирайди.

Бу қизиқсиниб қарашлар, тортиниш ва зимдан кузатишлар бир лаҳза давом этгач, чечан янга:

— Ҳой қизлар,— деди кулиб,— қанчадан бери йигитларга зор бўлиб, энди бир тўпландик. Тортинмасдан йигитларга ёпишинқираб ўтиринглар!

Қуруқ гулхандай «гув» этган кулги ўртадаги ётсирашни бир оз кўтарди, юзларида табассум ўйнаб, қизлар ёзилиққираб ўтиришди.

Буни кўрган янга яна ҳам авжига чиқди.

— Ҳой, ўзбекнинг бўз болалари! Жон борми ўзларингда? Қизларни кулдириб, гапга солиб ўтирсангларчи! Ё қизга яқинлашишдан қўрқадими ўзбекнинг бўз боласи?

Бўлди кулги!.. Айниқса Машрабнинг ёнидаги Сулувсоч деган хипча бел, нозиккина қиз қотиб-қотиб кулар, янгроқ овози силкинган чўлпиларининг нафис жаранглашига қўшилиб, йигитнинг юрагига жаз-жаз тегарди.

Қўчқор аллақачон янганинг ёнига ўтиб олган, улар кўз уриштира бошлаган, у ҳатто ёш жувоннинг қўллари ушлаб-ушлаб қўяр, умуман, ўзини қишлоқдагидай эркин сезар эди. Ёлғиз Акмал ҳамон оғзига сўк солгандай жим ўтирар, баъзи-баъзида ғалати жилмайиб қўйса ҳам, гапга аралашолмас, бахтига, ёнидаги қиз ҳам тортинчоқроқ шекилли, кўп кулавермас, камсуқум эди.

Бир-бир пиёла чой ичилиб-ичилмасданоқ ярадор йигит:

— Чойингни қўй, янгатой,—деди.—Дастурхонингни йиғиштир. Бари бир қўй сўймайсан-ку бизга!

— Қўйим бўлса сўярдим-а бундай меҳмонларга!—деди янга ва кулди.— Қўйнинг калласини оғанг келганда ейсан, қайним!

— Сира қайғурманг, янга. Келиб қолади, оғам!.. Дўмбирани чўз, Қалбек. Яқинроқ ўтир. «Қора тўрғай»ни ол, иним!

Сулувсоч қошларини учириб:

— Яна «Қора тўрғай»ми?— деб кулди.— Ҳеч тўймас экансиз шу ўланга.

Ярадор йигит дўмбирани секин куйга соларкан:

— Вой қалқам-қалқам!— деди хўрсиниб.— Элдан узоққа кетсанг билардинг бу куйнинг қадрини! Урушда, окопда ётиб орзу қилардик—эл-юртга омон қайтиб, бир эшитсак «Қора тўрғай»ни деб! Не-не бўз йигитлар ўлиб кетди сендай сулув қизларни бир кўрсаму, «Қора тўрғай»ни бир эшитсам деб, қалқатойим!

Бир лаҳза шўхлик ва кулги маънос сукут билан алмашди.

Ярадор йигит дўмбирани созлаб, қаттиқроқ чала бошлади. Унинг қизларникидай ингичка, нозик бармоқлари тагидан чиқаётган ва негадир дарҳол бепоеъ даштни эслатган нафис куй дилларни қитиқлай бошлади. Қалбек ҳам яқинроқ ўтирди ва кўзини юмиб, секин тебрана бошлади, бироқ шу пайт йигит бармоғи билан дўмбирани бир уриб, куйни уади-да:

— Юринглар, далага чиқайлик!— деди тўсатдан.— Шундай яхши кечада нима қиламиз бу уйга қамалиб. Кетдик, қизлар!

Кеча ҳақиқатан ҳам жуда илиқ, гўё ҳозир кеч куз эмас, майин ёз оқшоми эди. Негадир жуда паст тушиб дашт билан қўшилиб кетган осмон юлдузларнинг қалинлигидан кўзни қамаштиради. Бир ҳафталик кўкиш ой шуъласида олис-олислардаги овулларгача қорайиб кўринади, нурсиз чироқлар кичик юлдузлардай милтираб, кишини ўзига чорлайди.

Ярадор йигит ўтлоққа чўзиларкан:

— Вой айланай, она ерим, жон далам!— деди, ён-веридаги ўтларни кафти билан силаб.— Сенга етадиган кун ҳам бор экану, ота яйловим-ов!

Қизлар аллақандай нозли кулишиб, турна қатор бўлиб ўтиришган ҳамон, йигит дўмбирани қўлига олди.

— Қани, қалқам Қалбек, ўтир ёнимга! «Қора тўрғай»ни бошла, иничегим.

Қалбекнинг овози бошда сал бўғиқ эшитилса ҳам, хиёл ўтмай очилди, тобора тиниқлашиб, нозик, ўйноқи оҳанглар касб этди.

Чиндан ҳам, бўзтўрғайнинг овозидай майин, хуш-ёқим куй олис-олисларга тарқалиб, майинликка майинлик қўшди-ю, дашт яна ҳам кенгайиб, ёришиб кетгандай бўлди.

Машраб Сулувсочнинг ёнида ёнбошлаб ётиб бу куйни эшитаркан, ўзини худди хаёлий бир оламга тушиб қолгандай сезарди.

Кейинчалик, Машраб бепоён қозоқ даштларидаги кичик-кичик овуллари кўрганида, кишиларнинг: «Одамлар қандай яшаркан бу кимсасиз далада?» деган гапларини эшитганида, ҳамиша ўша илиқ ёз оқшомини эслайдиган бўлади. Ярадор йигитнинг кўксини ерга бериб, она тупроқни ўлгани, шувоқ ва пичанларни худди севгилиснинг сочларини силагандай силаганлари, ўша серюлдуз осмон, қиз-келиндякларнинг эрка кулгиси, чўлпиларнинг нафис жаранглаши ва Қалбекнинг қозоқ даштларидай дилрабо ўлани эсига тушадиган бўлди. Ўша куни биринчи марта жаҳонда ёмон ер, ёмон юрт йўқлигини, ҳар бир жой, ҳар бир элатнинг ўз чиройи, ўз ҳусни, латиф куй ва ўланлари борлигини дил-дилидан тушунди Машраб.

У сезган яна бир нарса — бутун халқ бошига тушган мусибат бу кичик овулни ҳам, кенг дашт қўйнида йўқолиб қолган бу заҳматкаш элни ҳам зилдай босиб турганини, ҳамқишлоқлари тортаётган ҳамма мусибат: ҳижрон доғи ва висол қувончи, ўлим даҳшати ва айрилиқ, умид ва умидсизлик — ҳаммасини бошидан кечирётганини ич-ичидан ҳис этди.

«Қора тўрғай»дан кейин қизлар «Айтишув»ни бошлаймиз, деб туриб олишди.

— Ўлан билмаган йигит ҳам йигит бўлдими? — деб лочинларга тоза тегажаклик қилишди.

Қўчқор Машрабни туртиб:

— Бир бало қил, девона! Шоир деган номингни оқла энди! — деганда, усиз ҳам қиз-келиндякларга жа-

ноб тополмаганидан эзилиб ўтирган Машраб, силтаб ташлади:

— Бўлди-да энди! Айтдим-ку сенга бахши эмасман деб!

Янга йигитларга ачинди шекилли, тўсатдан ўзи ўлан бошлади:

Ўзбекнинг бўз боласи тойдай экан,  
Қомати кучга кирган нордай экан,  
Улани, дўмбираси йўқ, деманглар  
Қизларжон, кулиб боқсак араир экан.

Янга ўланни тугатмаган ҳам эдики, Сулувсоч илиб кетди:

Ўзбекнинг бўз боласин кўп мақтадинг,  
Елгонни кўп гапирдинг, қизармадинг,  
Улани йўқ йигитни йигит дерми?  
Ўзимизнинг Қалбех пучуқ дуруст экан!

Бояги кулги ҳам гапми, энди бўлди кулгининг каттаси!

Кенг даштни қизларнинг хуррам қаҳқаҳаси, чўлпиларнинг латиф жаранглаши тутиб кетди.

Бу сафар Машраб чидаб туrolмади, ҳеч ким ёлвормасданоқ, «Зулфия, Ҳижрон...» — деди-да, чуқур нафас олиб бошлади.

Барглари сарғайган гуллар, дарахтлар,  
Окшом туманда сокин боққан чоғ,  
Ёрим, севар ёрим, жўнади жангга,  
Менинг юрагимга тушди ҳижрон — доғ.

Мен севган дилдорнинг севган юрти бор!  
Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.  
Бу ҳижрон мангумас, висоли ҳам бор —  
Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи.

— Бормисан, девона! — деди Қўчқор, лекин унинг хитобига ҳеч ким қўшилмади. Ҳамма бир нафас сукутга чўмди, сўнг Машрабнинг шеъридан таъсирланган қизлар секин ўлан бошлашди.

Ўланлар ҳар хил эди: шўхи ҳам бор, кулдирадигани ҳам. Аммо аксарияти яна ўша, урушда юрган бўз

Йигитлар ҳақида, севгилисини кутавериб, юзлари заъфарон бўлган қизлар, ёридан айрилиб тул қолган ёш келинчаклар тўғрисида эди.

Айниқса янга билан Сулувсочнинг овозлари ёқимтой ўланлари кўнгилни эритиб юборгудек гўзал эди. Афтидан, ёлғиз янга эмас, Сулувсоч ҳам ҳижрон доғида ёнар, кимнидир соғиниб кутарди!..

Тарафма-тараф бўлиб айтилган ўланлар тугаб, қайтишга жазм қилишганда ой ботган. Ҳулқар тик тепага келганди. Овулларда милтиллаган чироқлар ҳам ўчган. Ҳамма уйқуга чўмган, фақат у ер-бу ерда итлар вовиллайди.

Йрадор йигит билан Қалбек ўз танлаганлари билан орқароқда қолди, Қўчқор, аксинча, янга билан илгарилаб кетди.

Сулувсоч ёш бўлгани учунми ёки Машрабдан гап кутгани учунми, худди Муяссарга ўхшаб ерга қараб борарди. Машраб ўзи ҳам гўё Муяссар билан кетаётгандай юраги «гуп-гуп» урар, қизни секин қучоқлаб бағрига босгиси, чўлпи тақилган сочларидан оҳишта силатгиси келарди. Айни замонда, Муяссарнинг қўлидан ушлашга иймангандай ийманар, бир нима дейишга журъат этолмас эди. Фақат биричи қўралар кўринганда секин сўради:

— Уйингиз қаёқда, Сулувсоч? Олиб бориб қўяйми?

Қиз «пиқ» этиб секин кулди-да, «сен»лаб жавоб берди:

— Овулда ит кўп. Қайтишда қўрқасан.

Қиз рост гапиряптими, пичинг қиляптими — тушуниш қийин эди. Шундай бўлса ҳам, Машраб юрагида бир журъат уйғониб, деди:

— Ит тугул олдиндан бўри чиқсаям узатиб қўяман сизни, Сулувсоч!

Қиз бу сафар қия боқиб:

— Ўзбекининг боласидан ҳам гап чиқар экан-ку!— деди кулиб.

— Сиздай қиз бўлади-ю, гап чиқмайдими, Сулувсоч!

— Ўзбекининг юртида мендай қиз йўқми?

Машраб бир дақиқа эсанкираб қолди-да, ниҳоят:

— Йўқ, сиздай қиз оламда йўқ, Сулувсоч!— деб юборди. Қиз тўхтади ва қоронғида кўзлари чақнаб кулди:

— Қувликни билади-я, Ўзбекининг боласи!

— Йўқ, қувлик эмас, Сулувсоч, рост гап бу!— Машраб юраги қинидан чиқай деб, қизнинг нозик белидан қучоқлаб.— Сулувсоч деса Сулувсочсиз сиз...

Қиз чаққонлик қилиб, бир толпинишда унинг қучоғидан чиқди, кутилмаганда бир кескинлик билан:

— Қўлингни торт, ўзбекининг боласи!— деди, Машрабнинг қўлига бир уриб.— Қизга ёпишгунча ўлан ўрганиб кел олдин!

Машраб тўсатдан уйғониб кетиб, ширин тушидан айрилган одамдай, эсанкираб қолди.

Қиз чўлпиларини ноз билан жаранглатиб ғойиб бўлгандагина ҳушига келди, сўнг, сукутга чўмган овулни оралаб, ўз ётоғига кетди.

У қайтиб борганида Акмал ухлаб қолган, Қўчқор эса, ҳозиргина қайтган бўлса керак, чироқ шуъласида ечинмокда эди.

— Ҳа, қалай, ишларинг бешми дейман, кеч қолдинг?— сўради Қўчқор ва жавоб кутмасдан, жилмайди.

— Аммо-лекин, бизнинг ишимиз ҳам ёмон эмас, оғайни. Хўп жувонмисан жувон экан-да, янга деганлари!.. Ортиқча шўхликка йўл қўймайди-ю, аммо лекин, лабидан ўпдим. Узиям, мен сенга айтсам, олов экан қуриб кетгур!.. Агар ишонсанг!..

— Бўлди... кўп вақиллайверма!— Машраб шундай газаб билан гапирдики, Қўчқор бир лаҳза оғзи очилиб қолди, кейин илгаригидан ҳам хушнуд илжайди:

— Нима, Ларисани унутди деяпсанми мени? Шунчаки... Ҳазил-да бу, девона!

Машраб жавоб бермасдан бошини чопонига ўраб олди.

Йўқ, Машраб на Сулувсочдан хафа, на Қўчқордан. У ўзига ўзи шундай нолок, нафси бузуқ, пасткаш туюлиб кетдики, инграб юборишидан қўрқиб, кафтини тишлади:

Ахир... бир ҳафта бурун, унинг ўзи худди шунақа қилиқлари учун Қўчқордан нафратланган эди-ку? Ҳовир эса... ўзи ундан баттар бўлди. Яна севган қизи бўлмаса ҳам майли! Севган қизи, Муяссардай тенги йўқ маҳбубаси бор-ку, ахир? Борганда нима дейди? Унинг юзига қандай қарайди энди?

Машраб ўзи билан ўзи олишиб тонг оттирди.

## Тўртинчи боб

Гулсум опа негадир Муяссарни кўчагача кузатиб чиқди.

Кун ботиб-ботмаган, дарахт шохлари ва пахса деворлардаги оппоқ қор зар пуркалгандай нафис товланади. Моҳира бувининг боғидаги мирза теракларнинг учида олақарғалар яхлаган қанотларини шақ-шақ уришиб, гоҳ «гур» учади, гоҳ «гур» қўнади, совуқ шабада юзларга минг тикан бўлиб қадалади.

Гулсум опа Муяссарга ўйчан тикилиб:

— Бор, боравер, жонгинам,— деди.— Изғиринда кўп турма.

Муяссар Гулсум опанинг юзига қарамасдан (у доим бу аёл билан гаплашганда, негадир, эҳтимол Машрабнинг онаси бўлгани учундир, ийманиб қоларди):

— Мен оймларга айтаману дарров қайтаман,— деди.

Гулсум опа бошини чайқади:

— Майли, бугун келмай қўя қол, Мастура бор бугунча. Икки кеча ухламадинг ҳисоб. Дамингни ол, жоним.

Муяссар оҳишта бошини кўтариб Гулсум опага қарарди, ёлворгансимон:

— Наҳот энди ҳеч умид бўлмаса?— деб сўради.

Гулсум опа кўзларини узоқлардан, тоғлардан узмасдан ўйчан деди:

— Қайдам, икки томонлама крупозное воспаление, дейишди врачлар...

— Ҳаммадан Ларисага қийин бўлди-да, опажон. Яна Магнитогорскка кетамиз деб туришганда...

— Ҳа, қийин бўлди... Бу ёқда йигитларни айт... Тоғда қолиб кетишмаса бўлгани ишқилиб... И! Ҳалиям турибмизми шу совуқда? Бор, жонгинам, дамингни ол!

Муяссар қаршидан урган ачиқ изғириндан сал эгилиб, илдам юриб бораркан беморнинг оғир аҳволи кўз олдидан кетмасди. Сўнгги бир ҳафтада эридан хат устига хат олган Серафима Фёдоровна қаддини анча тутиб олган эди.

Гулсум опанинг бригадаси пахта планини ортиги билан бажариб, бутун мактаб аҳли эркин нафас олган кун, бетоблигини билдирмай, бошқалар қатори хур-



сандликка қўшилди. Уқиш бошланишдан бир кун аввал эса, ўқитувчиларнинг эътирозига қарамай, ҳамма билан барабар мактаб ҳовлисини, синфларни тозалашга ёрдамлашди, Ларисани ёнига олиб, деразаларни артди, пол ювди.

У айниқса ўқиш бошланган куни яшнаб-яшариб кетди: қайси бир газетада у ўн йил дарс берган ва икки йилдан бери ёпилиб қолган сеvimли институти қайта иш бошлагани ҳақида хабар чиқипти!

Серафима Фёдоровна қирқ беш минут давомида, дарс ҳам эсидан чиқиб, жонажон институтини, у ерда ўтган студентлик чоғларини, ўн йил бирга ишлашган ҳамкасабаларини, шаҳар қамалда қолгандан кейин кечирган қийинчиликларни эслаб кетди. Герцен ва Огарев ўқиган, Пушкин ва Гоголлар юрган Нева соҳилларини гапириб берди, озғин заҳил юзи ғалати ловиллаб, кўзлари чақнаб, шеърлар ўқиди.

Уша куни дарсдан кейин Муяссарни Гулсум опа чақиртирди. Кирса, унинг хонасига ўқитувчилар йиғилган Серафима Фёдоровна тўрда, Гулсум опанинг ёнида ҳамон мовий кўзлари чақнаб, юзлари ловиллаб ўтирарди.

— Эшитгандирсан, — деди Гулсум опа. — Ленинградда Герцен номидаги Серафима Фёдоровнанинг институти қайта иш бошлабди. Шунга... биз ўқитувчилар маслаҳат қилдик. Ҳар ким баҳоли-қудрат — туршакми, ёнғоқми, майизми — ишқилиб, топганини қўшса-ю, бир-иккита посилка юборсак. Сен ҳам комсомолларни тўплаб, бир гаплашсанг. Ҳар ким кучи етганча...

Шу-шу Серафима Фёдоровна кечаю кундуз тиниб-тинчимай қолди. Узиям, бошда ўқитувчилар доирасидагина бошланган бу иш, кейин жуда катта бўлиб кетди. Олдин бу гапни эшитиб, ҳамма рус аёллари топган-тутганларини кўтариб келишди, уларга ўқитувчилар қўшилди, ниҳоят, бу гапни унга айтмаганларидан қаттиқ ранжиб Инобат кирди ва колхоз омборидан бир қоп ёнғоқ ва бир қоп туршак ёзиб берди.

Бу ўртада Серафима Фёдоровна районга бориб, багаж қилиб жўнатиш масаласини ҳал қилиб келди.

Бир неча кун давомида Гулсум опанинг хонаси омборга, ўқитувчилар кабинетини эса қути ясайдиган устахонага айланди. Ниҳоят, бурноғи куни Серафима

Фёдоровна бир арава юк билан шаҳарга кетди-ю, меваларни поездга ортиб жўнатди. Лекин ўзи базўр юрган одам, ўпкасидан айрилиб қайтиб келди... Шундан бери иситмаси 39 — 40° дан тушмай, дам ўзини билмай, дам ўтда ёнгандай алаҳлаб ётипти. Бугун эрталаб Инобат от юбориб шаҳар касалхонасининг врачини чақиртирди. Муяссар врач нима маслаҳат берганини эшитмаган эди, ҳозир Гулсум опа айтди...

«Икки томонлама крупозное воспаление!..»

Наҳот икки йиллик оч-яланғочлик, хасталик, қамал — ҳаммасига бардош берган одам, келиб-келиб энди, йўқолган ёстиқдоши топилиб, яқинда кўчамиз деб турганда... Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!..

Муяссар бир бу ўйлардан кўнгли бузилиб, бир кечикиб кетган Машраблар эсига тушиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай бораркан, тўсатдан:

— Муяссархон! Мунча шовшасиз? — деган товушни эшитиб сесканиб кетди.

Сойга буриладиган тор кўчанинг бошида Ёдгорбек билан Кўр Шермат турарди!

Ёдгорбек куёвлардай ясанган — эгнида кўкраги очиқ банорас тўн, белида белбоғ, оёғида кўзгудай ялтиллаган хром этик. Кўр Шерматнинг кийими жўнроқ бўлса ҳам, янги сур телпакни чап кўзига бостириб кийган, соғ кўзи артилган тилла узукдай ялтиллади... Икковининг ҳам кайфлари тарақ, қўлтиқлашиб олган, баравар жилмайишади...

Муяссар юраги гурс-гурс уриб, беихтиёр қадамини секинлатди.

— Салом, Муяссархон! — Ёдгорбек қўлини кўксига қўйиб кулимсиради. — Биз сизни тўйга таклиф қилгани кетаётувдик. Комсомолчасига қизил тўй қилмоқчимиз. Борасиз-а?

— Раҳмат.

— Нима, ишонмайсизми? Ишонмасангиз... — Ёдгорбек қошини маънодор учирди. — Дугонангиздан сўранг, Муяссархон!..

Муяссар, Кўр Шермат сармаст кулимсираб олдини тўсмоқчи бўлаётганини кўрди-ю, тор кўчага бурилиш ҳам эсидан чиқиб, катта кўчадан чопқиллаб кетди.

Орқасидан йигитларнинг кулгиси ва Ёдгорбекнинг истеҳзоли товуши эшитилди:

— Бу йигитга бир қиё боқинг, яхши қиз! Лочин-а, лочин!

Муяссарни тўсатдан қалтироқ босиб, қадамини секинлатди, бир ўйи орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди-ю, юраги ҳамон гуп-гуп уриб, журъат этолмади. Лекин йигитлардан узоқлашган сайин дилида уйғонган тугён пўртанадай кучайиб борарди.

Нимадан шунча қўрқди у? Нега гап билан узиб-узиб олмади? Қизил тўй эмиш!.. Гулчеҳра ҳам яхши! Наҳот энди ҳамма нарсани унутиб, тақдирга тан бериб қўя қолса?

Муяссар ўзи билан ўзи олишиб, гузарнинг ёнига бориб қолганидагина ҳушига келди-ю, пастки лабини тишлаб... бир зум иккиланиб турди, сўнг шартта бурилиб, Гулчеҳраларникига қараб кетди.

Бу сафар эшикни Гулчеҳранинг отаси очди. У оғир йўталиб Муяссарга хўмрайиб қаради, лекин қиз, гўё унинг ёқтирмаганини сезмагандай, ёнидан ўтиб, ҳовлига кирди.

Эртага тўй бўлишига қарамай, катта уйда бир-икки кампирлардан бошқа одам кўринмас, Гулчеҳра, бир ўзи бир хонада кашта тикиб ўтирарди.

Эгнида ўзига ярашиб тушган хонатлас кўйлак, бошида ғижим рўмол, қандайдир очилиб, юмалоқ юзи тўлин ойдаи яшнаб кетганди.

Қиз Муяссарни кўриб шошиб ўрнидан турди, қўлларини ёзиб:

— Вой, дугонажон,— деди-ю, унинг ранг-рўйига қараб, алланечук типирчилаб қолди.

— Табриклайман,— деди Муяссар.

Гулчеҳра пастки лабини тишлаб, қошиқдеккина амиркон кавушининг учларига тикилди.

— Нима қилай ахир?

— Нима қилай эмиш! Йўқ десанг биров бошингни олармиди?

Гулчеҳра ранги сал ўчиб:

— Чинини айтсам...— деди.— Мен уни... Едгорбек акамларни яхши кўраман...

— А?!

Муяссар бир лаҳза гап тополмай асанкираб қолди, кейин титроқ босиб:

— Бунақа бўлса,— деди,— нега у бечорани... Акмални аҳмоқ қиласан? Нега ростингни айтиб қўя қолмадинг?..

— Мен бир нима дедимми? У хом семиз ўзи-ку...

— Хом семиз! У хом семиз сенинг бу... ёшини яшириб, дадасининг пинжида пусиб юрган севгилингдан минг марта яхши! Билдингми?

Муяссар эшикда ичкарига кириш-кирмаслигини билмай, типирчилаб турган Гулчеҳранинг ойисини кўриб:

— Майли, топишганинг яхши бўпти,—деди.— Мен Акмалга ачинмайман, сенга ачинаман!

Муяссар шундай деди-да, даҳлизда шивир-шивир қилаётган аёлларнинг, ҳовлида, баланд ишкомнинг остида хўмрайиб турган оқсоқолнинг ёнидан ўтиб кўчага отилди.

Кун ботган, изғирин босилиб, аллақандай илиқ, майин қор ёға бошлаган эди. Қишлоқни ўраган майин оқ парда орасидан у ер-бу ерда битта-яримта чироқ милтирарди...

Оқсоқолнинг уйдан «қайнаб» чиққан Муяссар сукутга чўмган кимсасиз кўчалардан бир-бир босиб бораркан, ҳамон Гулчеҳра билан уришар, тортишарди. Ахир... наҳот шундай қилиш мумкин бўлса? Наҳот бугун бировни яхши кўрдим деб, бошини айлантирса-ю, эртага бошкага севги изҳор қилса?

Сойда, қўш ёнғоқнинг тагида, оппоқ қорга кўмилиб узоқ турди. Юрагидаги исёнкор туйғулар аста-секин сўниб, хаёлини аллақандай маъюс ўйлар банд этди...

Ху ана шу жойда, тахта кўприкнинг остида, атрофи қалин ялпиз билан ўралган кичик бир булоқ бор. Одатда ёнғоқлар пишиб, болаларнинг «тошбўрони»га учраганда Машраб ҳар куни кечқурун ўз улушидан беш-олтитасини шу ялпизга ташлаб қўяр, Муяссар эса, кечқурун сувга чиққан маҳалда қидириб топиб оларди... Рост, Машраб кўпинча ёнғоқ ўйнайман деб ютқазиб қўяр, лекин шунда ҳам Муяссарни унутмас ловақал учтўртта бўлса ҳам ялпиз орасига, албатта ташлаб кетарди.

Эҳтимол Машраб... Машраблар бу ерда бўлганда... бунчалик бўлмас эди! Балки Серафима Фёдоровна ҳам касалга чалинмас эди-ю, эҳтимол, ҳозиргача репетициялар тугаб, мактабнинг катта залида одамларни титратиб спектакль кўрсатишарди...

Муяссар бу ўйлардан қутулмоқчи бўлгандай бошини силкиб, рўмолига қўнган майин қорни тўзгитиб

юборди. Қор тўзғиди-ю, бироқ икки кундан бери бутун қишлоқ аҳлини ташвишга солаётган ўйлар хаёлини баттар чулғаб олди: эшак карвонга нима бўлди? Болаларнинг, отасининг аҳволи нима кечди? Бу қорда тоғдан ўта олишадими, ё кун исигуъча қозоқ даштида қолиб кетишадими?

\* \* \*

Бир ҳафтага чўзилган чоп-чоплар, тортишувлар, даста-даста ҳужжатлар, юқорига юборилган сўроқлар, ахийри ўз натижасини берди: сал кам етти тонна ғалла ниҳоят қўлга тегди, бироқ Комил қўрқиб юрган нарса ҳам келиб-келиб ўша куни юз берди: эрталаб ғаллани қўрага ташиётганларида бошланган совуқ ёмғир сал ўтмай қорга айланди. Кетма-кет изғирин туриб, куп шунчалик совидики, туёқлари тўнгиб қолишидан қўрқиб, эшакларни қўрага қамашга мажбур бўлишди.

Намозшомда карвончилар Комил билан Қурбон ота турган қўрага йиғилишди.

Ярадор қўли совуқ тушгандан кейин баттар безиллай бошлаган Комил вазиятни қисқача тушунтириб берди.

Аҳвол қанчалик оғир эканини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ: қор бу ерга тўпиқдан ёғса, тоққа тиззадан ёғиши аниқ. Лекин кун исинини кутиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳавога ишониш қийин, энг муҳими, қор устига қор ёғиб, даштда қолиб кетишлари эҳтимолдан холи эмас. Битта-ю битта йўл — ҳамма қийинчиликни бўйнига олиб, белни маҳкам боғлаб, сафарга чиқиш!

— Бир яхши жойи,— деди Комил.— Эшаклар бир ҳафта дам олиб, жир битиб қолди. Бу ёғи ўзимизга боғлиқ. Иродамизга, кучимизга, сабр-тоқатимизга боғлиқ. Гапнинг пўскалласи... олдимизда турган тоғ мисоли душман қалъаси-ю, биз гвардиячи жангчилармиз! Бу қалъаларни эгаллашимиз шарт!

— Балли! Ўғил бола гап бўлди бу!— Қурбон ота, болаларнинг кўз қисишиб жилмайишларини сезмай, ўрнидан турди, катта фуражкасини ялтироқ бошининг орқасига суриб ва ёнбошидаги чарм сумкасини тўғрилаб хитоб қилди: — Между прочим, биз большевиклар бу тоғ орасида, яъни бундан минг фойиз оғир шароит-

ларда оқ унсурлар билан курашганмиз и тор-мор қилганмиз! Бас, бу тоғни забт этиш лозим и забт эгамиз ҳам!

Вазият қанчалик жиддий бўлмасин, болалар мажлисни тугатиб уйдан чиқишлари билан бир-бирларини туртишиб, кулишди:

— Гапни қойил қилдиларми, бобой!

— «Ўртоқ Чапаев» бўладилару, қойил қилмайдиларми?

Тонг палла Комилни Қурбон ота уйғотди. Комил дарчадан қараб серюлдуз осмонни кўрди-ю:

— Хайрият!— деб юборди.

Ота, эғнида қалин чопон, бир ёнида чарм сумка, бесўнақай фуражкасини бостириб кийиб олган, ўзи жуда бардам кўринади.

— Уч азаматни уйғотиб, болаларга юбордим,— деди у.— Барвақтроқ йўлга тушиб, пешингача Ёмонтошга етиб олмасак, аҳволимиз танг!

Комил бош ирғади:

— Ҳаво очилипти-ку.

— Очилишга очилгану, аммо лекин лёз. Бамисоли ханжар. Қўлингга аҳтиёт бўл, болам!

Қурбон ота барвақт тургани яхши бўлди: эшакларни тўқимлаб, ғаллани ортишга анча фурсат кетса ҳам, йўлга чиқишганда осмонда ҳали юлдуз бор эди.

Изғириндан кўалар ёшланади, оёқ остида қор ғарчиллайди.

Карвон бошида саман йўрғага миниб олган Қурбон ота борар, Комил билан Қўчқор энг орқада, Машраб билан Акмал эса ўртарақда, уларнинг ҳар бири ўн беш-йигирма болага жавобгар.

Кўпчилик болаларнинг кийими юпун: оёқларида йиртиқ-ямоқ этик, эски маҳси-кавуш, тумшуғи тешилган ботинкалар, бошларида дўппи, қулоқлари белбоғ билан тангилган. Битта яхши жойи шуки, кўпларининг оёқ кийимлари катта — топган латта-путтанинг ҳаммаси пайтава қилинган.

Албатта, йўл яхши бўлиб, жадалроқ юришса, совуқ унча билинмас, қулоқ-бурунларни «жаз-жаз» чақмас эди, лекин из тушмаган йўлдан юриш мушкул.

Шунга қарамай, кун чиқар-чиқмас даштни босиб ўтишди-да, тоғ оралиғига кириб боришди. Тоққа ки-

ришлари билан изгирин ҳам пасайди. Даштда ўғайлардай совуқ чақнаган осмон энди ўз фарзандига қараган онадай бирдан мулойимлашди-ю, борлиқ булакча бир майинлик касб этди.

Баланд чўққиларни, адирларни, дарахтларни босиб қолган қор бу ерда шундай юмшоқ ва илиқ кўринадик, гўё тоққа қор тушган эмас, майин оқ кигиз ёпилган. Икки чети музласа ҳам шарқираб оқаётган дарёчалар қайнаган қозондай буғланади, сойда оқ булутлар кўчиб юргандай туюлади. Яқиндагина вазмин шовиллаб, салобат тўкиб турган азим чинорлар энди оқ тўн ёпинган мўйсафидлардай сокин мудрайди. Фақат юксак қоялар бағридаги кўм-кўк арчалар, момик оқ кигиз сатҳида яна ҳам яшилроқ кўришиб, баҳри-дилини очади кишининг. Машрабга шундай туюладик, гўё булар арча эмас, балки оқ рўмолдан чиройига чирой қўшилган сулув келинчаклар... Баъзан бу арчалар уялиб-ийманиб турган Муяссарни эслатади унга... Фақат бир нарса бу гўзалликдан тўйиб баҳра олишга халақит беради, у ҳам бўлса — йўлнинг очилмагани!.. Тоғ оралиғига кириб борган сайин қор қалинлашади. Баъзи жойларда тиззага келади. Бу ҳам етмагандай, кун илиган сайин қор эриб, кийимларни шилта қила бошлади.

Рост, ҳозирча болалар бардам. Баъзилар бошларидаги белбоғларини ечиб, кўкракларини очиб олишган, тез юрганлари қизишиб, юзлари ловиллаб ёнади. Бунинг ҳаммасини кузатиб, гоҳо қўрқиб бораётган биттаю битта одам — Комил. У болаларнинг ҳўл ботинкаларига, маҳси-кавушларига, шилта бўлган почаларига ташвиш билан тикилади. Рустам доvon устида гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ тарқаб кетаётган кул ранг булутларга безовталаниб қарайди. Ахир... олдинда бу доvonдан ташқари Емонтош турибди!

Комил қайта-қайта ёпирилиб келаётган хавотирликдан қутулиш учун хаёлида фронт воқеаларини тирилтиришга уринади, қаттиқ жанглари, хавfli разведкаларни эслайди. Лекин қанча уринмасин, яна бу ташвишларга қайтганини ўзи ҳам сезмайди. Ахир уруш нақадар оғир бўлмасин, Комил бир ўзи учун жавоб берарди. Ҳозир-чи? Уруш бўлмаса уйларида оёқларини танчага тикиб ўтирадиган, мактаб ҳовлисида қорбобо ясаб, яхмалак отиб юрадиган бу бола-

ларга нимаям деб бўлади? Бироқ фалокат юз бериб, битта-яримтаси йўлда қолса... қишлоққа нима деб боради? Усиэ ҳам ҳар куни фронтдан қорахат олаётган бева-бечораларнинг юзига қандай қарайди?

Бу хавотирлар оздай, қўл ўлгур ҳам совуқда бе-зиллаб оғрияпти. Шундай оғрияптики, назарида, ўша лаънати ўқ ҳозир қайта теккану, суякларини қайта мажақлаб ташлаган. Ўзи жонсиэ бўлса ҳам, совуқни сезишини қаранг, касофатнинг! Аттанг, бошда госпиталда кесиэ ташламоқчи бўлишганда бекор кўнмаган эканман. Энди бир умр азоб берадиганга ўхшайди, савил!

Яхшиям Барно тивит рўмолини берган экан, бўлмаса...

Комил Барнони, унинг аллақандай мунгли хатини ўйлаши билан яна юраги ўйнаб, олисларга тикилди. Ана, кул ранг парда каби хира туман орасидан Рустам довони кўзга чалинди.

Комил мадад истагандек олдинга — бир ёнбошида чарм сумка, бир ёнбошида қўштиғ милтиқ, отда гўдайиб ўтирган Қурбон отага, сўнг лочинларга қаради.

Қўчқор, катта ағдарма телпак бошида, чопонининг ёқаси кўкрагигача очиқ, йирик-йирик одим ташлайди. Юзида аллақандай қатъият, шиддат бор, узоқларга тикилган кўзлари эса, аксинча, мулойим чақнайди.

Машраб тамом бошқача: ҳадеб атрофига аланглагани аланглаган. Қўй кўзлари ҳайрат ва таажжуб билан пор-пор ёнади. Акмал ҳам қандайдир ўзгариб қолган, бу ажиб тоғларни кўриб унинг ҳам дили равшан тортгани ғалати кулимсирашларидан сезилиб турибди.

Улар Рустам довонидан ошиб, Ёмонтошга ёндош кичик яйловга етгунларича офтоб ғарбга ёнбошлаб, анча хиралашиб қолди. Кечки совуқда эриган қор музлаб, йўл сирғанчиқ бўлиб борар, чарчаган эшаклар, оёқлари чалишиб, дам-бадам суринар эди.

Аҳволни зимдан кузатиб, Комилдан ҳам кўпроқ безовталаниб келаётган Қурбон ота карвон яйловга етганда Комилни четга имлади.

— Эшакларга бир қара! Ёмонтошда йиқилиб қолиб кетмаса, дейман.



— Илож қанча? Бу ерда тўхтаб, юкни тушириб бўлмайди-ку!

— Илож бор!— деди Қурбон ота.— Эшакларга бир дўппидан ем бериш керак. Уч-тўрт пуд ғалла кетса кетар. Бир қоп ғалла деб, ҳаммасидан айрилиб қолмайлик тагин! Чақир йигитларни!

Отанинг гапи йигитларга ҳам маъқул бўлди. Маслаҳат билан, «Информбюро»нинг қопи сўкилиб, (бу безгакдай қалтираб ҳолдан кетиб қолганди!) ҳар бир болага бир дўппидан буғдой улашилди.

Болалар эшакларга ем бериб, ўзлари ҳам оз-оздан нон еб олишгунча ярим соатча вақт ўтди. Бироқ вақт кетса ҳам, отанинг маслаҳати билан иш тутганлари яхши бўлди, чунки Ёмонтош дараси улар кутгандан мудҳиш эди! Яйловда илиқ туюлган ҳаво дарага кириш билан кескин ўзгариб, изғирин бошланди-ю, эларини жунжиктириб юборди.

Лекин энг ёмони шуки, пешингача қор каттиқ эриб, сойнинг суви анча кўпайиб қолибди! Айни замонда, қирғоқлардаги муз ҳам эримабди.

Энди эшаклар бу муздан юриб сойга тушиши, кейин яна муз босиб қуруққа чиқиши, бир эмас, ўн бир жойдан шу йўсин ўтиши шарт, бошқа илож йўқ эди.

Хайрият, биринчи кечувларда сув сал ёйилиб оққани учун муз юпқароқ экан, Қурбон ота саман йўрғани солиши билан қарс-қурс ўпирилиб тушди. Уч-тўрт кечикдан юкни туширмасдан икки ёнидан суяб ўтиб олишди. Фақат сув кечигга мажбур бўлган болалар бир лаҳзадаёқ юалари, лаблари кўкариб, тишлари тишларига тегмай дир-дир қалтираб қолишди.

Бешинчи, олтинчи кечувга борганда дара анча торайиб қолди. Кун тегмагани учун бўлса керак, сойнинг четларидаги муз шундай қалинлашиб кетган эдики, от туёқлари у ёқда турсин, қулочкашлаб отилган катта тошлар ҳам иш бермай қўйди.

Эшаклар икки ёнидан суялганда ҳам бу муздан юк билан ўтолмайди. Биттаю битта йўл — қопларни кечувдан орқалаб ўтиб, эшакларни салт ҳайдаш. Сипсиллиқ қоя тошлардан иборат тор дарада на қум бор, на шағал, шарқираб оққан сув ҳаммасини ювиб кетган.

Бири кам юз эшакнинг юкни беш-олти кечувдан сув кечиб орқалаб ўтишни ўйлаш ўзи даҳшат, бироқ бошқа чора йўқ!

Буни ҳаммадан бурун Қўчқор тушунди. Кўзи Комилнинг нажот қидирган кўзларига тушди-ю, у бир нима демасданоқ, ҳангисидаги қопни бир силташда елкасига ағдариб, кечувдан биринчи бўлиб ўтди.

Этигининг қўнжидан келган сув оёқларини ханжардай кесиб, кўзидан ёш чиқариб юборди. Шундай бўлса ҳам, вужудини тутган қалт-қалт титроқни босиб ҳазиломуза қичқирди:

— Вой, вой вой! Самовардай қайнаб кетибди-я суви тушмагур! Ким совқотса тушсин сойга!

Комил юраги илиқ бир меҳрга тўлиб:

— Яша Қўчқор! Яша азамат!— деб юборди.

Бу ўртада, Акмал ҳам ўз қопини елкасига ағдарди-да, айиқдай тебраниб, кечикдан ўта бошлади. Уни кўрганда Машраб ҳам ўзини тутолмади. Машрабнинг кетидан Мирза, ундан кейин яна уч-тўртта миқтироқ болалар қопларга тармашди.

Буларнинг ишини совуққонлик билан четдан кузатиб туриш қийин, энг муҳими — мумкин эмас, чунки улар бир кам юз қопни кечувдан ташиб ўтгунча... хуфтон бўлади!

Комил ёнида турган новча қора болага ярадор қўлини узатиб қаттиқроқ боғлатди-да, болаларга юзланди.

— Қани, укалар! Агар ёлғиз шу азаматларга қараб турсак, қолиб кетамиз бу дарада! Икки овора қўллашиб иш бошлайлик, иниллар!

У шундай деди-да, ёнидаги оёғин қора бола билан қўллашиб соғ қўлини тутди:

— Қани, ке ука, оғирликни менга ташла!

Шериғи новча бўлгани учун қопнинг оғирлиги усиз ҳам Комилга тушарди. Бу ҳам етмагандай, юрганда қоп силкиниб, ярадор қўли шундай зирқирардики, назарида, кўзидан ўт чиқиб кетди. Ариқ сувининг бутун заҳари ҳам негадир шу қўлига урди. Чидаб бўлмас оғриқдан кўз олди қоронғилашиб, кечикдан аўрға ўтди-да, ерга ташланган қопга ўтириб қолди. Анчадан кейин кўзини очганда, болаларнинг деярли ҳаммаси жуфт-жуфт қўллашиб, ҳар қадамда бир сирганиб, суриниб бўлса ҳам кечувдан ўта бошлаган эди.

Комил тишини тишига қўйиб ўрнидан турди, соғ қўлини ёнида қалтираб турган боланинг елкасига қўйиб, секин деди:

— Қани, яна бир зўр берайлик, ука!

Шу пайт, орқадан Машрабнинг овози эшитилди:

— Йўқ, сиз ўзингизга қаранг, Комил ака, б-биз ўзимиз бир б-бало қиламиз.

У шунчалик совқотган эдики, тишлари тишларига шақ-шақ тегиб, лаблари гапга келмас, ўзиям чаён чаққандай кўкариб, бурни сўрайиб қолганди.

Комил маъюс кулимсиради:

— Раҳмат, ука. Мени қўявер. Ўзинг бир жойда тўхтама, ҳаракат қил ука, ҳаракат...

Машраб усиз ҳам жон-жаҳди билан ҳаракат қилар, тобора қолдан кетаётганини сезса ҳам, Қўчқор билан Акмалдан қолишмасликка уринарди.

Яхшиям бу орада Қурбон ота «Информбюро»ни ёнига олиб — бола бечоранинг ҳатто қўллашишгаям чамаси келмади! — шувоқ ва ёвшан юлиб гулхан ёқишга киришди.

Намиққан шувоқлар олдин тутаб яхши ёнмаса ҳам кейинроқ чарс-чарс учқун сочи-да, ахийри гуриллаб кетди.

Қопларни ташиб бўлган болалар гулханга қараб чопишди, шолғомдай қизариб кетган оёқ-қўлларини, тарашадай қотиб қолган пайтаваларини ёниб турган оловга суқишди. Ажабо, ёвшан ва шувоқлар гуриллаб ёнаётган бўлса-да, на оёқ-қўллари куярди, на пайтавалар. Шунга қарамай, гулхан ҳар қолда, анча жонга ора кирди, аъзойи баданларига қон югурган болалар ҳар ёқдан хитоб қилишди.

— Яшанг, ота. Зап жонон иш бўлди-да бу гулханнингиз!

— Биладилар-да бу киши. Босмачилар билан олишган-а!

Қурбон ота, бу хитоблардан вақти чоғ, фуражканин баландроқ кўтариб, «Информбюро»га қараб мўйлов қилди:

— Қани, болам, юр! Нарироқдан яна биттасини ёқиб қўяйлик. Между прочим, ўртоқ Чапаев ҳам яхши кўрганлар оловни!

Болалар, бу сафар кулишга ҳам чамалари йўқ, маъюс жилмайишиб, яна юк ортишга киришдилар. Лекин на фойда ариқдай, ўтиб икки юз-икки юз эллиқ қадам юрар-юрмас, илон изи бўлиб оққан асов сой тагин олдиларини тўсди...

Яна ўша аҳвол: тақасиз эшаклар оёғи куйган товуқдай питирлаб, тийганиб, муз устида чўзилиб қолди. Яна Қўчқор бошлиқ лочинлар биринчи бўлиб қопларга тармашишди, тиззадан сув кечиб, ғалла ташишга киришишди. Улардан кейин бошқа болалар ҳам, кўзларида милт-милт ёш, жуфт-жуфт бўлиб қўлашишга мажбур бўлишди?

Буни кўриш, кўзларида милт-милт ёш, муз устида сирганиб, дир-дир титраб кечикдан ўтаётган болаларнинг юзига қараш... даҳшат! Шунинг учун ҳам Комия ҳеч кимга қарамасликка ҳаракат қилар, оғриқ ҳам эсидан чиқиб, ҳадеб қопга тармашарди. Фақат ўқтин-ўқтинда лочинларга кўзи тушиб, аллақандай қайноқ бир туйғу юрагини шиғиллатиб юборар, хаёлида эса ҳадеб бир фикр такрорланарди: «Буни бир кўрсанг эди, Эртоев! Бир кўриб қўйсанг эди буни, лаънати Эртоев!»

Бу сафар ҳам жонларига ора кирган нарса Қурбон отанинг олови бўлди. Бироқ нима фойда. Танларига сал қон югурган болалар қопларни ортиб, икки юз қадам юрар-юрмас, учинчи кечувга дуч келишди.

Энди, эҳтимол, дир-дир қалтираган болалар юк кўтаришга ярамас эди, яхшиям Қўчқор бор экан, кутилмаганда ажойиб бир иш қилди.

Навбатдаги кечувни кўрганда у шундай фиғони чиқиб кетдики, тўсатдан бир пуд келадиган катта тошни боши устига кўтарди. Овозининг борича:

— Ё сен бўласан пачоқ, ё мен!— деб қичқирди-да, тошни куч билан музга шундай урдик, муз қарсиллаб кетди-ю, ўтовдай жойи ўпирилиб тушди.

Кечик олдида йиғилиб турган болалар, бараварига: «О!» деб юборишди.

Қўчқор, мақтов севадиган одати бор эмасми, бу хитоблардан илҳомланиб кетиб, сойнинг у юзидаги музни ҳам шу тош ва шу куч билан уриб парчалади-да, оғир ҳансираб қичқирди:

— Йўл очиқ! Қўшин ўтиши мумкин, ўртоқ командир! Солинглар отларни!

Хайрият, даранинг охирига яқинлашган сайин, асов сой саёзлашиб муз тобора юпқалаша борди-ю, ниҳоят қоя тошлар чекиниб, яйлов кўринди. Бироқ бу ўртада болалар ҳам тамом ҳолдан кетган, баъзиларни турмушдан умидини узган одамлардагина бўлади-

ган ёмон бир бефаҳмлиқ эгаллаб олганди. Бу сафар ҳатто дарадан чиққан жойда ёқилган катта гулхан ҳам фойда бермади. Шунинг учун Комил гулханнинг ёнида кўп тўхтамасдан, йўлга тушишга буйруқ берди.

Тоғ оралиғидаги тунов кунги қишлоқ Ёмонтошдан узоқ эмас, кўп бўлса бир соатлик йўл. Бироқ бу масофа эрталабдан бери босиб ўтилган узоқ йўлдан ҳам мушкул бўлди. Чунки биринчидан, Ёмонтошдан чиқмасданоқ қоронғи тушди, иккинчидан, карвонда ҳамон ўзларини дадил тутиб, болаларни «ҳа-ҳа»лаётган иккита одам қолган, у ҳам бўлса Қурбон ота билан Қўчқор эди. Ҳатто Акмал ҳам маймоқ оёғи қақшаб, оқсоқланиб қолган, Машраб эса боя Ёмонтошдаёқ тамом бўлган, ҳозир йўлда ётиб қолишга тайёр эди. Комилга ўхшаб, уни ҳам биттаю битта нарса — ор-номус ушлаб турар, чунки ён-верида ундан ҳам ёшроқ, нимжонроқ болалар товушсиз юм-юм йиғлашса-да, судралиб боришарди!.. Мана энди, дарадан чиқар-чиқмас унинг иситмаси кўтарилиб, кўз олдини ғалати бир туман қоплаб олди-ю, ҳамма нарса тушдай туюла бошлади. Сал ўтмай, борлиқ чинакам туман орасига шўнғиди: олдинда қандайдир чироқлар милтиради, кимлардир фонус кўтариб чиқди. Аёлларнинг овози, ҳатто чўлпиларнинг таниш шилдираши эшитилди. Анчадан кейин, ичига худди эритилган чўяндай иссиқ ва ёқимли бир нарса қуйилгандай туюлиб, кўзини очди.

У таниш хонанинг бурчагида ётарди. Қўчқор унинг бошини кўтариб турар, ёнгинасига тиз чўккан тунов кунги ёш жувон қуртова ичирмоқда эди.

Токчадаги мойчироқнинг хира шуъласида ёш жувоннинг юзи аллақандай ғамгин кўринарди. Лекин Машраб кўзини очиб билан жувон оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди. Майин товушда:

— Ай қалқамов, нима бўлди сенга? — деди.

Рост, нима бўлди ўзи? Наҳот у шунчалик иродасиз бўлсаки, йўлда йиқилиб қолса?

Машраб қўли билан косани четга суриб, туришга ҳаракат қилди.

— Болалар, нима бўлди? Ҳамма омонми?

— Омон! Омон! — деди Қўчқор. — Қуртовани ур, оғайни!

Машраб ўзини ёстиққа ташлаб, кўзини юмди.

— Хайрият!

Биринчи дарс адабиёт эди. Йигитлар даштга кетгандан кейин анча ҳувиллаб қолган каттагина хонада тўққизинчи ва ўнинчи синф ўқувчиларидан ўн чоғлик қиз ўтирар ва эшикка қизиқсиниб қарашарди: бугун адабиёт дарсига урушдан ярадор бўлиб қайтган ёш ўқитувчи кириши керак эди. Лекин қўнғироқ чалинар-чалинмас, эшикда ярадор йигит эмас, математика ўқитувчиси Азиз домла кўринди. Қўлида бир парча қизил мато. У биринчи партанинг олдида тўхтади, сув қуйгандай жимжит синфда термилишиб қолган қизларга қаради-да, яна ерга тикилди.

— Уқитувчимиз... Серафима Фёдоровна дунёдан ўтди.

У, гўё сукутга чорлагандай, бошини эгиб бир нафас индамай турди, сўнг:

— Мана буни йиртиб, қўлларингга боғланглар, ҳозир дафн маросимига борамиз,— деди-да, қўлидаги қизил латтани Муяссарга тутқазиб, тез юриб чиқиб кетди.

Муяссарнинг кўз олдига Лариса келди. У қизил матони боғлашга ҳам сабри чидамай, Азиз домланинг орқасидан югуриб чиқди.

Моҳира бувининг ҳовлиси билан меҳмонхонаси одамга тўлиб кетган. Бошлари маъжус эгилган рус аёллари айвонда жимгина қаторлашиб туришар, мўйсафидлар ҳовлининг бир четида русча тобут ясашмоқда.

Гулсум опа Муяссарни деразадан кўриб қолиб имо қилди: «Бу ёққа кир».

Муяссар ўзини Ларисанинг ўрнида, олис юртда онаси вафот этган ҳолда кўрди-ю, ўпкаси тўлиб, эшикни секин очди.

Серафима Фёдоровна жасади ўзи ётадиган каравотга қўйилиб, чимилдиқ билан ёпилган.

Моҳира буви билан бир рус кампир, қўлларидан игна, ип, қандайдир матолардан нимадир тикишмоқда.

Лариса эғнида эскироқ шерсть кўйлак, бошида кўк дурра, каравотнинг оёқ томонида, пешанасини каравотга суяб қотиб қолган.

Муяссар киргач, Гулсум опа Ларисанинг ёнига ўтди, елкасидан секин қучоқлаб:

— Қўй энди, жоним,— деди.— Куюнган билан фойда йўқ. Қаддингни тутгин сал...

Лариса қимир этмади.

Моҳира буви кўз ёшларини артиб:

— Йиғлаганда ҳам кўнгли сал бўшармиди?— деди. Рус кампир чуқур энтикиб:

— Эрини кўриб ўлгандаям... бунчалик бўлмас эди,— деди. Телеграмма берганда келиб қолармиди?

Гулсум ола бошини маъюс чайқади.

— Айтдик. Марҳума ўзи хоҳламадилар. Кейин... Магнитогорскдай жойдан ҳозир уч кун тугул бир ҳафтада ҳам етиб келиш қийин, буви...

Ларисанинг оғзин жуссаси бир томонга оғиб, пешанасини каравотга қўйиб ўтиришида, тиззаларда ётган қўлларининг ҳолсиэлигида, бутун қиёфасида шундай мунгли ва ғариб бир ифода бор эдики, усиз ҳам кўнгли бузилиб кирган Муяссар, бу гаплардан ўпкаси тўлиб, қизнинг ёнига тиз чўкди, уни секин қучоқлаб ёш тўла кўзлари билан пастдан юқорига қаради...

— Лариса...

Лариса бошини кўтарди, ҳеч нарса ифода этмаган кўзлари билан унга анча тикилиб қолди, сўнг лаблари титраб ўзини Муяссарга ташлади.

У гўё рўй берган фожианинг бутун даҳшатини эндигина сезгандай, ғариблиги, нотавонлиги, отасининг йўқлиги — ҳаммаси эндигина эсига тушгандай юзини Муяссарнинг юзига босиб, узоқ йиғлади.

Тун ярмидан бери ҳайкалдай қотиб қолганидан безовталанган аёллар бошларини чайқашди.

Майли, кўнгли сал юмшасин. Тошни ҳам эритади бу кўз ёши...

Майда-чуйда нарсалар тахт бўлганда бир от қўшилган аравани ҳайдаб куни кеча фронтдан Ҳошим полвон етиб келди. Полвоннинг қўлтиқтаёқлари ёнида ярим қоп жўхорига суяниб Инобатхон ўтирарди. Солдатча шинель ва телпак кийган полвоннинг бақувват жуссаси ёнида шол рўмолга ўраниб олган раиса опа кичкинагина қизчага ўхшарди.

Арава тўхтар-тўхтамас, қора айғирини ўйнатиб Чавандоз пайдо бўлди. У оддан сакраб тушиб, қорви ғарчиллатиб босганича, уйдан чиққан Гулсум опанинг ёнига борди.

— Хўш, ҳаммаси тайёрми?— деб сўради.

— Билмадим, тайёр бўлса керак,— деди Гулсум опа истар-истамас.

— Тайёр бўлса, нима қиламиз?.. Жиндак русчасига митинг-питинг қиламизми? Яхши одам эди, бечора.

У гапни тугатмаган ҳам эдики, Инобатхон тўсатдан кўзлари чақнаб:

— Яхши одам эканини билсангиз,— деди,— нима қиласиз шу бугун, мотам устига тўй қилиб?

— Тўй қилсам... ўғлим ҳам эрта-индин урушга кетяпти...

— У тенгилар аллақачон урушда юрипти!— деди Инобат.

Чавандоз оғир энтикди. У бир ўйи: «Ёлғиз ўғлим кўзларингга чўп бўлса... эрта-индин қутулсанлар, энди лоақал тўйиниям кўрмайми?»— демоқчи эди, бироқ шу пайт, аравада ёлғиз оёғини силаб ўтирган Ҳошим полвон:

— Ҳей, Чавандоз!— деди қўлтиқтаёғини кўтариб.— Ўғлингни қўйиб тур. Сен менга айт: Эшмат акам қаёқдалар? Эшмат акамни топиб бер аввал!

— «Бошланди!»— Чавандоз совқотгандай бошини елкасига қисиб, четроққа чиқаркан, пўнғиллади:

— Майли, гап тўйда бўлса... бугун қилмасак қилмасмиз.

— Тўй, эмиш. Мен тоғдан келсам, бу боғдан келадими-я!— деди Ҳошим полвон. Бироқ аза устида гижиллашиб ўтиришни эп кўрмади шекилли, қўлини силтаб қўя қолди.

Катта ҳовли бир лаҳзада одамга тўлиб кетди, калхон хотин-қизлар, кампирлар, чоллар, ўқитувчилар — ҳаммаси тўпланди.

Қизил матога ўралган тобутни аравага қўйиб секин йўлга тушишди.

Муяссар билан Мастура йиғидан толиқиб қолган Ларисани қўлтиқлаб олишди.

Кечаги изғирин босилган, лайлакқордай майин, қандайдир илиқ қор ёға бошлаган эди.

Сирғончиқ қишлоқ кўчаларидан бир-бир босиб, қир ён бағридаги эски қабристонга чиқишди.

Қабристоннинг бир четида босмачилар билан урушда ҳалок бўлган уч-тўртта жангининг қабри бор эди.



Темир панжаралар билан ўралган бу қабрларнинг ёнида яна тўртта ёш қабр — икки кампир ва икки ёш боланинг гўри пайдо бўлган. Серафима Фёдоровнанинг қабри ҳам шуларга ёнма-ён тушган.

Азиз домла бошлиқ уч-тўртта мўйсафидлар аёлларнинг деярли товушсиз йиғиси остида, қор ёғиб турган сокин жимликда тобутни аравадан туширишди. Лариса сўнгги марта тобутга бошини қўйиб, оғир тўлғаниб йиғлади, кейин уни қўлтиқлаб четга олиб чиқишди-да, тобутни гўрга қўйишди...

Кампир-чолларни аравага чиқариб, қабристондан чиқа бошлаганларида қир устидаги оппоқ туман орасида секин қимирлаган қора нуқталар пайдо бўлди. Чумолидай қатор чизилган бу нуқталар аста-секин кўпайиб, пастга томон туша бошлади.

— Йигитлар! — деди кимдир. — Даштга кетган йигитлар... Эшак карвон бу!

Одамлар бу мотам устида шодликларини билдиришнйам, билдирмасликниям билмай, тўхтаб қолишди. Ҳамманинг кўзи қирда, лаблар беихтиёр пичирларди:

— Йигитлар!

— Ғалла!

— Хайрият!

Эшак карвон ўтадиган катта йўл қабристондан ярим чақиримча нарида эди. Шунга қарамай, карвондагилар ҳам буларни кўрди шекилли, қаршига келганда бир киши ажралиб қабристон томон юрди. Бу — Қўчқор эди.

Эғнида кўкраги очиқ пахталик фуфайка, бошида елкасига томон сурилган эски қалпоқ, оёғида пачағи чиққан бесўнақай этик, у қандайдир бошқача, жуда катта кўринар, чаккалари ичига ботиб, озиб, қорайиб кетган юзида қандайдир шиддатли бир ифода пайдо бўлган.

У жимгина тикилиб қолган одамларга яқин келиб тўхтади, чуқур ботган ғалати кўк-сағриш кўзлари билан ҳамманинг юзига бир-бир қаради, сўнг, уни кўрган заҳоти яна ўпкаси тўлиб, пиқ-пиқ йиғлай бошлаган Ларисанинг ёнидан ўтиб, қабристонга кирди.

У катта телпагини қўлида ғижимлаб, гўр ёнида анча турди, кейин, ҳамон қошлари чимирилган, араванинг ёнига келди, бир лаҳза иккиланиб тургач,

Муяссарнинг ўрнига ўтиб Ларисани қўлтиқлаб олди, катта, совуқ кафти билан унинг кичкина кучсиз қўларини сиқди.

Арава қўзғалди. Лекин йўлга чиққунча ҳеч ким сукутни бузмади. Йўлга чиққанларидан кейингина Ҳошим полвон:

— Қалай, ука, эсон-омон келдиларингми? — десади.

Қўчқор бош ирғади:

— Раҳмат. Касаллар бору, аммо... тузук. Эсон-омон ўтиб олдик тоғдан.

Ҳамма баравар енгил нафас олди.

\* \* \*

Лочинлар олис қозоқ элига сафарга чиқаётганларида атиги ўн кун ичида қишлоқда шунча кўнгилсиз воқеалар юз беради, деб ўйлашганмиди?

Биринчи «ғалаба» туйғусидан бошлари осмонга етиб, нопок одамлар билан янги курашларга бел боғлаган чоғларида ҳамма ёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетишини хаёлларига келтиришганмиди?..

...Кечгача қазилган бўлса ҳам, оппоқ қорга кўмилиб, бошқа гўрларга ўхшаб қолган қабрнинг олдида уч йиғит бош яланг сукут сақлаб узоқ туришди.

Атрофи азим чинорлар билан ўралган эски қабристон жимжит. Ҳамма ёқда момиқдай юмшоқ оппоқ қор...

Машраб билан Акмални қабристонга Қўчқор бошлаб чиққан эди.

Аллақандай мунғайиб, юзлари бир парча бўлиб қолган Лариса кеча унга кўзи тушган заҳоти пиқ-пиқ йиғлаб юборгани Қўчқорнинг кўз олдидан нари кетмас эди.

Қўчқор дўстлари билан бугун Лариса тўғрисида гаплашмоқчи эди.

Лекин, қабр тепасида бош эгиб тураркан, ҳозир бунга ҳожат қолмаганини сизди. Бу ерда ҳар қанақа яхши гап ҳам ортиқча бўлишини, энг самимий сўзлар ҳам ясама туюлишини ич-ичидан ҳис этди-ю, индамади. Уйлаб қўйган ҳамма гапларини битта-битта кўнглидан ўтказди, холос.

Кун ботган, лекин ҳали ёруғ. Майин оқ кигизга ўранган қишлоқ — қорга кўмилган паст-баланд адирларга ўхшайди. Фақат мўриларида эшилиб-эшилиб чиқаётган тутунлар қор тагида ҳаёт борлигидан далолат беради.

Улар катта йўлдан юриб сой бўйидаги боғларга яқинлашганда, узоқдан афтидан, гузар томондан, «Банг, банг, гиж-банг!» деган садо эшитилиб, ҳавони янгротиб юборди.

— «Банг, банг! Гиж-банг!»

Олдинда бораётган Қўчқор тўхтади.

Машраб ер остидан Акмалга кўз ташлади. У Акмалнинг юрагидаги изтиробини шундай аниқ ҳис этдики, гўё бу «гижбанглар» кўксини ўқ бўлиб тешиб ўтаётгандай туюлди.

— Тўхтанглар!— деди у қўққисдан.— Менда битта таклиф бор: тўйга борамиз ҳозир!

Қўчқор истеҳзоли жилмайди:

— Хўш, тагин қанақа ақлли гапинг бор, девона?

— Гапнинг белига тепмай, «берди» сини эшит, каллаварам!— Машраб кўзлари шиддат билан ялтиллаб бир Акмалга, бир Қўчқорга тикилди:— Дуторни ола-миз!» «Айладинг-кетинг»ни барала қўйиб, кириб борамиз ўша базми жамшидларига!

Бу фикр Машрабнинг хаёлига бугун келаётгани йўқ. Илгари ҳам жуда кўп ўйлаган буни, фақат бошқа муносабат билан.

Бундан бир-икки йил бурун Машраб Муяссарни пинҳон севиб юрган чоғларида унга шундай туюлардики, гўё ахир бир кун Муяссар ҳам бевафолик қилади, ундан айниб, бошқа бировга тегади. Шунда Машраб нима қилади?.. У ўйлаб-ўйлаб бир йўл топган эди: яқин дўстларини эргаштириб, қўлларида дутор, ғамгин ашулаларни айтиб Муяссарнинг тўйига кириб боради...

Бутун тўй аҳли уларнинг мунгли қўшиқларини жим туриб эшитади, кўнгиллари эриб, кўзлари ёшланади, Машрабнинг муҳаббатини эндигина сезган Муяссар эса, чимилдиқдан отилиб чиқиб, унинг қучоғига ташланади...

Ҳозир Машрабнинг назарида Гулчеҳрани ҳам шундай йўл билан қутқариш мумкин эди.

Қўчқор қалпоғини бошининг орқасига суриб:

— Ёмон фикр эмас!— деди.— Ўйлаб кўриш керак.

Акмал қовоғи солиқ, узун бурни ғалати қимирлаб:

— Мен...— деди.— Мен бормайман!

— Нега?

Акмал индамади. Азалдан шодлигини ҳам, қайғусини ҳам ичига ютишга ўрганиб қолган бу камгап йигит кеча тўй бўлишини эшитганда ҳам ҳеч нима демасди, фақат бошини кўрпага ўраб ётиб олди. Рост, тоғдан қайтганда уни «кутиб олган» сопуқ гаплар орасида хушxabар ҳам бор, дадасидан хат келган, Эшмат аканинг ёзишича, ҳужжатларини тўғрилаб тез кунда келиб қолиши керак эди. Лекин Гулчехра...

— Оғзингга сўк солдингми?— деди Машраб титраб.— Бир нима десанг-чи, ахир? Нега бормайсан? Ё кўнглига озор беришдан қўрқасанми ўша... ўша субутсиз читтакнинг?

— Ҳа, қўрқаман!— пўнғиллади Акмал.

Машраб қўлини бир силтаб, қадамини жадаллатди.

— Бормасанг, баттар бўл! Бу ҳам оз сендай лапашангга!

Йигитлар, гарчи қаттиқ араалаб қолган одамлардай қовоқлари тушиб кетса ҳам, бирга бувиникига боришди.

Қўчқор Ларисанинг олдига кирмоқчи эди, меҳмонхонадан чиқиб қолган Моҳира буви йўлини тўсди.

— Қўй, болам, кирмай қўя қол. Яна кўнгли бузилади... Қиз бечора... Узларинг ҳам рангларинг сомон, одам қўрқади қарашга. Катта уйга киринглар. Бир коса иссиқ шўрвам бор, ичларинг-да, ўралиб ётларинг.

Улар уйга кириб, танчанинг атрофига ўтирар-ўтирмас, буғи бурқираб турган декчани кўтариб Шириной кирди. Унинг кетидан, қўлида кўзача, Моҳира буви кўринди.

— Машрабжон сафарга чиққанда атайин ният қилиб пича тариқ солувдим, дори бўлади деб. Кўп эмас, бир пиёладан ичиб, бир терланглар!

Бўза нималигини билмаган йигитлар бир пиёладан ичмасданоқ, кўз олдилари жимир-жимир қилиб, таналари яйраб кетди. Иккинчи пиёладан кейин кўнглидаги ғам-ғусса ҳам тарқагандай бўлди-ю, юракларда сўна бошлаган ўт қайта аланга олди. Энди Машраб билан Қўчқор у ёқда қолиб, Акмал ўзи тўйга толпинди.

Учинчи пиёладан кейин кўчага қараган деразанинг михларини пичоқ билан суғириб, секин очишди-да, бовига билдирмасдан кўчага чиқишди.

Кундузги булутлар тамом тарқаган, осмон асаларининг уясидай ғуж-ғуж юлдузларга тўлган. Изғирин туриб, оёқ остидаги қорлар ғаржиллаб қолган.

Уйлар, ҳовлилар, кўчалар жимжит. Фақат чилдирманинг гоҳ эшитилиб, гоҳ тўхтаб қолаётган «гижбанг-гижбанг»лари қулоққа чалинади.

Улар Машрабларникидан дуторни олиб, қишлоқ ўртасидаги тепага чиққанларида, пастда, Чавандознинг ҳовлиси томондаги кўчаларнинг бирида, гуриллаб ёнган гулханнынг қизғиш шуъласи кўринди.

Қўчқор қадамини тезлатиб:

— Келин келди шекилли!— деган эди, Акмал тўсатдан йўл ёқасидаги қорга тиз чўкди-да:

— Мен... мен бахтсиз!— деди ва бошини қўллари орасига олиб, ётиб қолди.

У кўкрагини қорга бериб, қаттиқ дард тутаётган одамдай тўлғанарди. Машраб билан Қўчқор олдин нима қилишларини билмай, эсанкираб қолишди. Кейин Машраб Акмални елкасидан ушлаб қаттиқ силтади.

— Ўзингда иссат-нафс, гурур деган нарсадан зигирдак борми, ё ҳаммасидан айрилганмисан шу аҳмоқ читтакни деб?

Одатда бундай пайтларда силтаб ташлайдиган Акмал, бу сафар кўзларини тез-тез артиб ва ҳиқиллаб ўрнидан турди.

— Рост-да, ахир!— деди Қўчқор ҳам. У Акмални бир ёнидан қўлтиқлаб олди.— Булар шунақаки, ўзингни паст олган сайин устингга чиқиб тепишади!..

Чавандознинг боғи эски қалъа харобасининг кунгай томонида, унга тепадан шундай тушиб бориш мумкин.

Улар тепага чиқиши билан пастдаги катта ҳовли, дарахтларга осилган фонарлар, қандайдир одамларнинг қораси кўзга чалинди.

Машраб дуторни созларкан:

— Ашулани шундай айтайликки,— деди,— Чавандоз тугул тўйга келган оғайнилариям дод деб юборсин! Улар пахса девор тагида бир зум тўхташди.

— «Абдураҳмон беги!..» — шипшиди Машраб ва

аллақандай ички титроқдан овози хиёл олиниб ашулани бошлади:

«Ул париваш қадрим билмас, то камолга етмагунча...»

Қўчқор девор раҳнасидан ошиб ўтаркан, овози дўриллаб қўшилди:

«Кўнгли қаттиқ, дардим билмас, ул ҳам ошиқ бўлмагунча.»

Бояги танбеҳлар қаттиқ таъсир этган шекилли, ҳовлига кирганларидан кейин ашулага Акмал ҳам қўшилди-ю, уч йнгитнинг жўр овози ҳовлини тутиб кетди:

«Ҳозир ёшдур, вафо қилмас, ўлдим десам бир қарамас, Минг оҳ урсам, бир қайрилмас, то бошига тушмагунча...»

Афтидан, қозон атрофида ўралашиб юрганлар уларни бир ёқдан келган машшоқлар деб ўйлашган бўлса керак, қўл қовуштириб, пешвоз чиқишди, болалар қувониб, қий-чув кўтаришди. Фақат фонарь ёнига борганларида, қайқандир пайдо бўлган Кўр Шерматнинг:

— Ие, ўзимизнинг фирромлар-ку!— деган хитоби эшитилди-да, ҳамма бирдан жимиб қолди.

Ҳаяжондан ҳамма нарса эсидан чиққан Машраб, Кўр Шерматнинг хитобига эътибор бермай, ашуланинг авжига чиқаркан, кўзи меҳмонхонада, деразанинг ёнида турган Барнога тушди.

Барно эғнида хонатлас кўйлак, битта ўрилган майин йўғон сочи белида, гўё тўй билан иши йўқ, ўйга чўмиб турарди.

«Жон ўйнатур қора кўзи, мафтун этур ширин сўзи,  
Қамаштирур кўзни юзи, майда сочи тўсмагунча...»

Тўсатдан айвоннинг ўнг қанотидаги эшик шарақлаб очилди-да, остонада Чавандоз пайдо бўлди:

— Нима гап? Нима шовқин бу?— у текис ерда қоқиниб, айвоннинг четига келди:

— Ҳа, яна келдиларингми? Хўш, мақсадларинг нима? Елғиз ўғлим эрта-индин фронтга кетяпти!

Ниятларингга етдиларинг, тагин нима керак сенларга? Энди бир қилмаганларинг тўйни бузишмиди?

Эшик яна очилиб, олдин Эртоев, унинг кетидан қандайдир нотаниш одамлар кўринди.

Эғнида кўк гимнастёрка ва галифе шим, белида ялтироқ камар, шерсимон қалли сочлари ҳурпайиб, зиёфатда чехраси яна ҳам очилиб кетган Эртоев хром этигини гарчиллатиб Чавандознинг ёнига келди.

— Ким бу? Нима тўполон?

— Мана, қаранг, тўйни бузишмоқчи булар!

Эртоев қаддини сал эгиб пастга қаради, кўзлари қисилиб:

— А-а... эски ошналар-ку!— деди ва илжайди.— Тўғри, Чавандоз, бузуқлик буларнинг ота касби ўзи!

Машраб одамларни четга суриб, олдинга ўтди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, ўртоқ Эртоев! Биз бузуқми ёки муттаҳамларга ҳомийлик қилаётган, қиз-келиндчакларни алдаб йўлдан ураётган одамлар бузуқми?

Чавандоз унга қараб толпинган эди, Эртоев қўлидан «шап» ушлаб тўхтатди:

— Шошманг, Чавандоз!— қичқирди у.— Биласизми, ким ҳаддидан ошириб юборган буларни? Сиз! Қаранг, ҳар бири бир буқага ўхшайди. Аллақачон қайдаш керак эди буларни фронтга! Ҳалиям ҳайданг урушга! Кўриб қўйишсин қутуриш қанақа бўлишини!

Эҳтимол, Эртоев шу топда йигитларнинг устига чиқиб тепдим, деб ўйлагандир. Бироқ... улар ўзлари аллақачон фронтга интилиб, теароқ кетишга ошиқиб юрсалару, бу... аҳмоқ... бу пасткаш одам уларни «фронт» сўзи билан қўрқитмоқчи бўлса!

Машраб асабий кулди. Қўчқор кўксини ўққа тутатгандай кериб:

— Кошки фронтга олишса!— деб қичқирди.— Биз ариза берганмиз кўнгилли бўлиб кетишга!

— Сиз... Сиз!— деди Машраб Эртоевга нафрат билан тикилиб:— Ҳаммани ўзингиздай қўрқоқ деб, фронтдан қочиб юрибди, деб ўйлайсиз шекилли?!

Эртоев қалтироқ босиб, бўғиқ шивирлади:

— Бас! Ҳайданг буларни! Ҳайданг ёки мен, мен ҳозир.

Худди шуни кутиб тургандай, Кўр Шермат бошлиқ бир неча киши уч йигитга қараб ёпирилди-ю, ҳовли қий-чув тўполон бўлиб кетди.

Ёниб турган фонарлар ўзи ўчдимиди, ё биров жўрт-тага ўчирдимиди, ишқилиб, зим-зиё қоронғликда Қўчқор кимнидир уриб қулатди. Акмал эса орқасидан қучоқламоқчи бўлган бировни елкасидан ошириб айвонга отди. Машраб қулоғига теккан шапатидан гангиб қолди. Қўлидаги дутор оёқ остига тушиб қарсиллаб синди... Тўсатдан, бу тўполон қий-чувни босиб, аёл кишининг:

— Қўчқор! Болагинам! Эҳтиёт бўл!— деб қичқирган аламли овози янгради-ю, Қўчқор бирдан ҳушига келди.

— Акмал, Машраб, бўлди! Тартиб билан чекиниш керак!— деди.

Йигитлар кўчада бир зум тўхтаб, у ёқ-бу ёқларини силаб-сийпаб кўришди. Акмал билан Қўчқор, кўйлаклари йиртилгану, бироқ кўп калтак емаган, ёлғиз Машраб ҳам бурни қонаган, ҳам дуторидан айрилган эди.

— Парво қилма!— деди Қўчқор.— Бош омон бўлса дутор топилади. Булар билан ҳали кўп олишамиз. Қани, бошқа ёққа бориб маслаҳатлашайлик!

Улар тепага қараб юрган ҳам эдиларки, орқадан:

— Машраб, Машрабжон!— деган овоз эшитилди.

— Барно!

Машраб девор панасида аёл кишининг қорасини кўриб, нима қилишини билмай тўхтади.

Қўчқор қайрилиб қараб:

— Биз тепада кутиб турамыз, тезроқ бор!— деб шипшиди-да, Акмалнинг кетидан югуриб кетди.

Қорни ғарч-ғурч босиб чопқиллаб келган Барно икки қадам нарида тўхтади.

Эғнидаги пальтосининг олди очиқ, тивит рўмоли елкасига тушиб, боши очилиб қолган, қоронғида юзи, кўзлари аниқ кўринмайди, лекин ҳансираб нафас олиши сезилиб турибди.

— Машраб,— деди Барно.— Машрабжон!..— у ортиқ гапиролмади, гўё қулаб кетаётгандай бир тебранди-да, Машрабни қучоқлаб олди.

— Машрабжон! Нега бундай қиласан? Балодан қочгандай қочасан мендан. Акангни салкам уч йил



кутдим. Йўлларига интизор бўлиб кутдим. Гуноҳим нима менинг?

Машраб титроқ босиб гаранг бўлиб қолди.

. — Қўйинг. Сизни ҳеч ким айблаётгани йўқ.

— Йўқ, йўқ! — Барно майин кафтлари билан Машрабнинг икки чаккасидан ушлаб, кўзларидан, юзидан ўлди, ўпкаси тўлиб, энтикиб гапирди:

— Ойимлар, бувимлар — ҳаммаси, ҳаммаси ҳақ, мен ёмон, ифлос қизман! Улар мендан нафрат қилишса арзийди. Фақат сен... Сен юз ўгирмагин мендан. Мен сени жонимдан азиз қайним демоқчи эдим! Мен сени... сендан айрилганимга ачинаман!.. Мен... бахтсиз, дунёда энг бахтсиз қизман, Машраб!.. — У кўз ёшидан бўғилиб, гапиролмай қолди.

Машраб ҳамон ҳайкалдай қотиб турар, кўкрагида қушдай питирлаётган бу қизни қандай юпатишини билмас, чунки ўзиям томоғи ғип бўғилган, юрагида шу вақтгача тўпланган адоватлар офтобда қолган муздай эриб кетмоқда эди!

— Мен сизни ҳеч қачон айблаган эмасман. Шунчаки... акамни ўйлаб... У сизни... шундай яхши кўрарди...

— Биламан. Ҳаммасини биламан, Машрабжон. Нима қилай, янглишдим, субутсиэлик қилдим. Шунинг учун ҳам, мана, қишлоқдан кетяпман.

— Қаёққа?

— Тошкентга. Бу ерда бундай юргандан кўра, ўқишимни давом эттирай. Одам бўлишга ҳаракат қилай...

Шу пайт боғдан бир неча кишининг баравар:

— Барно! Барнохон! — деган овозлари эшитилди.

Барно шошиб кўзларини артди:

— Мен борай, — деди. — Уша одам билан, Эртөөв билан мен ҳам бугун бир гаплашмоқчиман. Гаплашаману, кетаман. Хайр, Машрабжон... — У Машрабнинг пешанасидан бир ўпди-да, қоронгида қоқиниб-суриниб, дарахтлар орасида ғойиб бўлди.

Машраб, қулоқлари остида ҳамон Барнонинг нидо-си, ҳорғин одимлаб, дўстларининг ортидан кетди.

Йўқ, Барно уни яхши дегани бекор, у нақадар ғўр, бефаҳм одам эканки, шу маҳалгача бу қизнинг кўнглидан нималар кечаётганини билгиси ҳам келмабди? Барно ҳам одам эканлиги, у ҳам хато қилиши мумкин-

лиги, бенуқсон одам йўқлиги хаёлига ҳам кириб чиқмабди Машрабнинг! Ахир... Муяссарни шундай севган унинг ўзи тунов куни Сулувсочнинг бир ширин сўзигаёқ эриб кетмаганмиди? Шундоқ экан, Барциони бунчалик қоралашдан олдин унга ёрдам қўлини чўзса, хато йўлдан қайтарса бўлмасмиди? Зотан, у ўйлагандан мураккаброқ, чигалроқ эмасмикин бу масалалар? Ахир уруш бўлмаганда бу йўлларга Барно кирармиди?.. Бу лаънати уруш бўлмаганда у ҳам бахтли бўлмасмиди?

Машраб, Акмал билан Қўчқор ҳам эсидан чиқиб, қорга кўмилган улкан қишлоққа, совуқ осмонда чарақлаб турган гуж-гуж юлдузларга тикилиб тепада увоқ турди.

Негадир кўзида ёш ҳалқаланар, бироқ бу — кишини дилсиёҳ қиладиган кўза ёши эмас, аксинча, ҳамма гурбатни ювиб ташлайдиган кўз ёши эди...

\* \* \*

Лариса, кўзлари очиқ, Моҳира бувининг катта меҳмонхонасида, қиров босган деразаларга тикилиб уйғоқ ётипти.

Унинг бир ёнида гужанак бўлиб ва ёш болалардай кафтини чаккасига қўйиб, Шириной ухлапти. Бир ёнидаги Моҳира бувининг тўшаги бўш. Машрабларнинг тўсатдан ғойиб бўлишидан безовталанган кампир бир-икки марта ўрнидан туриб чиқиб келди-ю, кейин тагин ухлай олмади шекилли, ҳозир яна хабар олгани кетди.

Бечора буви! У Ларисани ухлаб қолди деб ўйлаб, ҳар сафар жуда аҳтиёт бўлиб ҳаракат қилади, қоронғида калишларини қўллари билан тимискилаб топади, эшикни оҳиста очиб, оҳиста ёпади. Қиз икки кечадан бери мижжа қоқмай тонг отираётганини билмайди.

Лариса қишлоқдан кетишга аҳд қилди. У қишлоқни, бу ернинг одамларини яхши кўриб қолганига қарамай, эндиликда бу ерда туropolмаслигини, ҳатто отасининг келишини ҳам кута олмаслигини сезади. У онаси вафот этгандан бери, бу ердагилар тагин ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолганини кўриб-билиб турар, лекин буни ҳис этган сайин қишлоқда қололмаслигига ҳам ишончи ортиб борарди. Ҳали сабабига ўзи ҳам

аниқ тушунолмаган бир туйғу уни қишлоқдан кетишга даъват этар, қишлоқ одамлари қанчалик меҳрибонлик қилмасин, онасининг қабри, унинг сўнгги кунларда чеккан азоб-уқубатлари кўз олдидан кетмаслигини сезарди.

Ойиси айниқса сўнгги икки кеча кўп қийналди. Худди ўтда куйгандай иситмаси қирқдан тушмай тонг отгунча алаҳлаб чиқди. Алаҳлаганда ҳам ҳадеб Ленинградни эслаб, дадаси билан «гаплашиб» тонг оттирди.

Ларисанинг юрагини тилка-пора қилаётган нарса ҳам — ойисининг бир «ўлиб тирилган» дадасини кўролмайдундан ўтгани!

Албатта, телеграмма бериш мумкин эди, лекин, биринчидан, отаси дастлабки хатларидаёқ бу томонларга келолмаслигини, чунки, чап қўлидан айрилиб, завод касалхонасига ўтганига қарамасдан ҳарбий госпиталда ҳам хирургия бўйича бош консультант эканини айтган, шунинг учун, уй-жой масаласи ҳал бўлиши билан уларнинг ўзларини Магнитогорскка чақириб олишини ёзган эди. Сўнгги хатига қараганда эса уй-жой масаласи ҳам ҳафта-ўн кун ичида ҳал бўлиши керак эди...

Лариса сира унутмайди: ойиси бу хатни Ленинградга мева-чева юбориш билан банд бўлиб, кечаю кундуз югуриб юрганида олган, олгану касали ҳам эсидан чиқиб, ўн ёш яшариб кетганди.

Ойиси алаҳлаган пайтларда негадир доим дадасининг қўлларини гапирарди. Дадаси чиндан ҳам «қўли гул» деганча бор: моҳир хирург эди! Энди бир қўлсиз қандай ишляптийкин, деб қаттиқ ташвишланар, сўнг: «Майли куюнма, азизим, жонинг омон қолганини айт...» деб қайта-қайта такрорларди...

Йўқ, Лариса бир ҳафта туғул, бир кун ҳам туролмайди бу ерда! Майли, уй-жой ҳам керак эмас, дадасини кўрса, бошини унинг кўкрагига қўйиб, соғ қўлини бир ўпса бўлди — бошқаси керак эмас!

Қиз бу фикрини Гулсум опа билан Моҳира бувига, қолаверса, бошқа дўстларига кечаёқ айтмоқчи, ҳатто кечаёқ йўлга тушмоқчи эди. Бироқ бошда осонгина кўринган бу гапни айтиш, кейин маълум бўлишича, осон эмас экан.

Лариса бу оилани, Машраб билан Қўчқорни, Муяс-

сарни, умуман бутун қишлоқни қанчалик яхши кўриб қолганини кетишга бел боғлаганидан кейингина билди. У ўзи билан бу одамлар ўртасида қандайдир жуда самимий ва илиқ туйғулар вужудга келганини, аллақандай мустақкам ришталар билан боғланиб қолганини, бу туйғуларни емириш, ришталарни узиш — кўнглини чил-чил синдириш билан баравар бўлишини тушунди. Ҳар ҳолда, кечадан бери, бу аҳдини бировга айтишга журъат этолмайди, айтиш кераклигини билади. Билади-ю, айтолмайди, ўз ўйлари билан олишиб уйқуси қочади.

Лариса саҳар пайти мизғиб кетиб кампирнинг яна кириб чиққанини сезмаган бўлса керак, бувининг оёқ шарпасини эшитиб кўзини очганида, хона хийла ёришган эди.

Буви камзулини ечиб, секин келиб тўшакка ўтирди. Утираётиб Ларисанинг юзига эгилиб қаради, пешана-сидаги сочларини оҳиста тўғриларкан:

— Ухла болам,— деди секин.— Ҳали барвақт, ухлайвер, бувинг ўргилсин.

У Ларисани ухлаяпти, деб ўйласа керак, шундай секин ва мулойим гапирдики, қиз беихтиёр ўз бувиси ёдига тушиб, юраги «шиғ» этди.

Лариса кичкиналигида ўз бувиси ҳам худди мана шундай ҳар куни эрталаб каравотининг тепасига келар, гоҳ ёстиғини, гоҳ устидаги кўрпасини тўғриларкан, сочларини оҳиста силаб:

— Ухла, болам, ухла, ҳали эрта,— деб пичирларди.

Лариса тўсатдан кўнгли бир хил бўлиб, кўзи очилиб кетди, буви ҳамон тикилиб ўтирганини кўриб, қўлини ушлади.

— Бувижон, мен кетмоқчиман, кетаман,— деди.

Моҳира буви тушунмади. У илгари ҳам Ларисанинг гапларига унча яхши тушунавермас, лекин ўзбек сўзларини бузиб гапириши кампирга жуда хуш ёқар, айниқса «бувиджон» деб хитоб қилишлари кўнглини эритиб юборарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди-ю:

— Қаёққа кетасан, айлансин бувинг,— деди.— Ҳали бомдод ҳам бўлгани йўқ.

Лариса уни қучоқлаб, тиззасига бошнини қўйди.

— Йўқ, буви, сиз тушунмадингиз. Мен мутлақо кетаман. Қишлоқдан кетмоқчиман. Бутунлай. Тушундингизми, буви!

Кампир бир нимадан чўчигандай, сал сурилиб ўтирди.

— Қаёққа кетасан? Нимага кетасан? Биров хафа қилдими, болам. Кўнглингга озор бердими биров?

— Йўқ-йўқ, бувижон, ҳеч ким хафа қилгани йўқ!— Лариса кампирнинг тарашадай қаттиқ, кичкина кафтини ушлаб, кўксига босди.— Дадамларнинг олдига кетмоқчиман. Магнитогорск шаҳрига, тушундингизми, бувиджон, дадамга...

— Ҳа, отамни соғиндим дегин...— буви қизнинг кўнглидаги туғёнга тушунди шекилли, бошини ғамгин чайқаб ўйланиб қолди.— Майли, отанг бечораям сени соғингандир...

— Раҳмат, бувиджон,— деди Лариса.— Катта раҳмат. Ҳаммаларингизга. Мен сизларнинг ойимга... ҳаммамизга қилган яхшиликларингизни ҳеч... ҳеч қачон...

Ларисанинг томоғи «ғиппа» бўғилиб, индамай қолди. У ҳозир Моҳира бувининг саволлар беришидан қўрқар, чунки шу тобда гапиришдан, айниқса уни кетишга мажбур қилаётган нарсаларни тушунтириб беришдан ожиз эди! Бироқ буви ҳам лом мим демади. Фақат кафтини Ларисанинг қўлидан секин тортиб олиб, унинг бўйнида тўзғиб ётган сочларини тўғрилаб қўйди. Шу бир ҳаракатнинг ўзидаёқ Лариса кампирнинг ҳамма нарсага, унинг дилидаги дардларига тушунганини сезди-ю, вужудига иссиқ бир нарса таралиб, бадани жимирлаб кетди.

— Биз нима ҳам дердик, болам, ўзинг биласан,— деди яна буви.— Шунчаки... Ҳалиги... болалар билан туппа-тузук бўлиб қолувдиларинг...

Буви «болалар» деганда Ларисанинг кўз олдига ҳаммадан бурун Қўчқор келди, у кейинги маҳалда қандайдир меҳрибон бўлиб қолганларини эслаб, чуқур тин олди.

— Биламан, бувиджон,— деди Лариса анчадан кейин ва юзи ловиллаб кампирни секин қучоқлади.— Ҳаммасини биламан, бироқ... сира иложим йўқ...

Улар ҳар бири ўз ўйи билан банд, тонг оттиришди. Қисқа қиш куни йўл ҳозирлиги билан ўтди.

«Лариса кетармиш!»

Бу гапни эшитганлар дарҳол: «Нега? Қаёққа?» деб сўрашса ҳам, «отасининг олдига борармиш!» деган жавобдан кейин индамай қолишарди. Ҳатто Машраб би-

лан Муяссар ҳам кўп суриштириб ўтиришмади. Елғиз Қўчқор аллақандай тумтайиб ғалати бўлиб қолди.

У кун бўйи гўё азиз бир нарсасидан айрилган одамдай юраги таскин топмай, маъюс ўйларга чўмиб юрди. Қаерга бормасин, кўз олдидан қизнинг ғамгин чеҳраси, чуқур ботган мовий нигоҳи кетмас, сойда, тахта кўприқда ўтириб ёруғ куз оқшомларида қурган суҳбатлари хаёлидан чиқмас эди.

Ўшанда Лариса унинг ҳазилларига оппоқ тишлари ярқираб, киприklarининг қалинлигидан қоп-қора кўринган чиройли кўзлари чақнаб, кулиб жавоб берган маҳалларда, қиз ҳам унга кўнгил бергандай туюларди Қўчқорга. Туюларди-ю, илгариги журъатини йўқотар, қалби офтобдай мулойим бир ҳисларга тўлиб, кўнгли мунаввар бўларди.

Наҳот Лариса бу сокин куз оқшомларини, сой бўйидаги оқ теракларнинг ғалати ғувиллашини, кўм-кўк майсазорда қўл ушлашиб ва мусаффо туйғулардан эвлари жимирлаб ўтирган бахтиёр дамларни унутса! Бунинг ҳаммасини эсидан чиқариб абадий ташлаб кетса!.. Ёки Қўчқор қозоқ даштида қилган бемаънилигининг жазосини тортяптимикин! Лекин унинг ҳаммаси шунчаки бир ҳазил эди-ку!

Кечқурун, кун ботиш олдидан тўртовлашиб қабристонга чиқишди.

Лариса қабр олдига чўнқайиб, яланг бош, сочлари бўйнида тўзғиган, елкалари титраб, гўё юрагидаги бутун дарди, аламини шу ерга тўкиб кетмоқчи бўлгандай узоқ йиғлади. Ахири Муяссар уни қучоқлаб зўрға тургазди.

Индамасдан, бир-бир босиб орқага қайтишди. Фақат сойга тушганларида ва Лариса йиғидан тўхтаб кўзларини артганида Қўчқор ийманинқираб таклиф қилди:

— Юринглар, жарликнинг устига чиқайлик,— деди.— Эсларингдами, ёзда Ларисалар кўчиб келган кунни чиқиб, гаплашиб ўтирувдик. Ўша кунни бир эслайлик...— У шундай деди-да, яна ўзи:— Сенлар бораверинглар, мен кетларингдан етиб оламан,— деб қаёққадир чопиб кетди.

Қўчқор чорак соатдан кейин Акмални бошлаб чиқди. Акмалнинг юмалоқ юзи сўлиб, қорайиб кетган,

доим мулойим порлаб турадиган қўй кўзлари чуқур ботган.

Лариса уни кўриши билан ёнига бориб қўлини олди.

— Сен хафа бўлма. Дадам дадангининг ҳамма ишларини тўғрилабди. Хатида айтган. Менга, ойимга қилган яхшиликларинг... Мен бораману, яна тезлатаман... Хафа бўлма, Акмал, бу ёғи яхши бўлади.

Машраб ер остидан Қўчқорга тикилди.

— «Нима демоқчисан? Айт!»

Қўчқор негадир хижолат чекиб:

— Эсларингдами, ёзда қасамёд қилувдик,— дедида, бир йўталиб олди.— Рост, баъзилар... мен Гулчеҳрани айтаман, бу қасамни бузди. Вузса... баттар бўлсин. Ачинмайлик унга. Энди мана... Эртага Лариса кетяпти. Шунга мен...— тагин бир томоқ қирди ва тўсатдан товуши жаранглаб кетди:

— Келинлар, шу ерда яна бир аҳду паймон қилайлик — ҳеч қачон бир-биримизни унутмаслик тўғрисида! Умрдбод шу дўстлигимиз эсимиздан чиқмасин!

У баланд довондан ошган одамдай пешанасидаги терларини сидириб ташлади-да, чеҳраси равшан тортиб, қўлини чўзди:

— Қасамёд қилайлик шунга!

Бу сафар ёздагидай «қасамёд» сўзини ҳеч ким такрорламади, лекин беш жуфт қўллар бирлашганда худди ўшандагидай юракларнинг телиши қўлларга ўтиб, ўша беғубор, ўша тиниқ ҳис қалбларини қайта эгаллаб олди.

Йигитлар қизларни кузатиб қўйиб, Акмалларникига қайтишаркан, Қўчқор Машрабни четга тортди.

— Менга қара, дўстим, сенга айтадиган гап бор,— деди у.— Абубакиров рухсат берса мен Лариса билан бирга кетаман. Иложи бўлса Магнитогорсккача бораман. Балки Эшмат акани олиб қайтарман.

Машраб индамади.

— Энди сендан битта илтимос,— деди Қўчқор.— Акмалга эҳтиёт бўл. Бир-икки ҳафта ёнидан жилма. Ўзини бир бало қилиб қўймасин у каллаварам. Мен Комил акага ҳам айтдим бу гапни, у ҳам кўз-қулоқ бўлиб туради...

Улар қаттиқ қучоқлашдилар. Қўчқор Машрабни бағрига босаркан, тўсатдан томоғи гип бўғилиб, узоқ

турди. Машраб эса ёш боладай ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаб қолди.

Эртасига кун чиқар-чиқмас Лариса билан Қўчқор икковлари икки эшакда йўлга чиқишди.

### Бешинчи боб

Гулсум опа йигитлар воқеасидан кейин Чавандозни кўришга тоқати қолмаса-да, мактаб ишлари яна унинг олдига киришга мажбур этди.

Пахтадан қутулгандан кейин ўқитувчилар бош бўлиб, синфларни сал-пал ремонт қилишган, синган деразаларига қоғоз ёпиштириб бўлса-да, эпақага келтиришган, кейин юқори синф ўқувчилари билан бирга оз-моз ўтин ҳам ғамлашган, хуллас, ўқишни бошлаб юборишган эди. Бироқ қор ёғиб совуқ тушиши билан болаларнинг ярми уст-бошлари, айниқса, оёқ кийимлари юпунлик қилиб ўқишга келолмай қолди.

Гулсум опа шу ҳақда гаплашиб, сельпо орқали промкомбинат чиқара бошлаган кавуш-маҳсилардан оз-моз олмоқчи, қолаверса, колхозлардан бир пуд-ярим пуд ғалла сўраб, етим болалар учун мактабда бир маҳал иссиқ овқат ташкил қилмоқчи эди.

Бу ишларнинг бирортаси ҳам Чавандозсиз ҳал бўлмайди. Лекин Чавандоз тўйдан кейин районга, ундан областга кетган экан, Гулсум опа бир-икки марта кириб тополмади, ниҳоят, ҳафтанинг охирида унинг қайтганини эшитиб, яна борди.

Гулсум опа кирганида Чавандоз граммафонга ўхшаган катта телефонга тирсагини қўйиб, ким биландир хушнуд гаплашмоқда эди.

Эғнида янги кўк китель, бошида янги қоракўл телпак, ўсиқ мўйловининг учлари қирқилган, у қандайдир яшариб кетганга ўхшар, ўзиям оппоқ тишларини кўрсатиб ҳадеб кулар эди:

— Ҳа, ҳа, бош устига. Бирваракайга областдаги муваффақиятларни ҳам ювамиз. Бўлмасам-чи? Қулинг ўргилсин ўша қўл бола мусаллас. Лаббай?.. Ҳа-ҳа-ҳа...

У трубкани жойига қўйди-да, худди бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишга ўрганиб қолган моҳир санъаткордай, қалин қошларини чимириб:

— Хўш, хизмат? — деди.



Гулсум опа буни сезмаган бўлиб оҳиста гап бошлади:

— Хабарингиз бор — ўқишни бошлаб юбордик, Холмат ака. Бироқ, қийин бир масалага дуч келиб қолдик, ўзингиз бир ёрдам бермасангиз бўлмайди. Холмат ака...

Гулсум опа Чавандозни «юмшатиб» ишни битириш учун жўрттага ҳар сўзида бир «Холмат ака»ни тилга олиб, жуда мулойим гапирди, лекин дардини айтиб тугатмаган ҳам эдики, Чавандоз бармоқлари билан столни асабий чертиб:

— Сиз... Ҳалиям мактабга директорлик қиляпсизми ўзи? — деб сўради.

Гулсум опа ранги сал ўчиб, кўзини Чавандоздан узди.

— Билмадим энди... Агар ишдан бўшатилганимдан ўзим беҳабар қолган бўлмасам... ҳозирча директорман шекилли...

— Директор бўлсангиз... ўғлингиз бошлиқ бир гуруҳ безори ўқувчиларингиз менинг тўйимда нималар қилганидан хабарингиз борми?

Гулсум опа бу воқеанинг чет-ёқасини эшитган, бироқ бутун тафсилотларидан хабари йўқ эди.

— Қайдам...

— Қайдам дейди-я! Менга қилган дўқ-писандаларини айтмай қўя қолай. Мен бунақаларга ўрганиб қолганман. Аммо лекин, райижроком раисига, ўртоқ Эртоевга бунақа қўполлик қилиш!.. Мактабингизда тартиб-интизом деган нарса борми ўзи?

Чавандознинг гапларидан Гулсум опани қалтироқ тута бошласа-да, у ўзини босиб:

— Билмадим энди... — деди. — Ешлик қилишгандир...

— Билмасангиз нима қиласиз мактабга директорлик қилиб? — Чавандоз қўлларини столга тираб, ўрнидан турди. — Ўз фарзандини тарбия қилолмаган она, бировларнинг болаларини қандай тарбия қилади? Бунақа экан, бўшатиб қўйинг мактабни. Ҳа!

Гулсум опа ҳам ўрнидан турди. Чавандознинг гапларидаги ноҳақлик вужудини қақшатиб юборса ҳам, яна ўзини босиб, истеҳзоли кулимсиради:

— Ёшларнинг битта тўполонига шунча дағдағами? Сиз қанча адолатсизликлар қилганда у бечоралар ҳам

бир марта кўнгилларидаги дардини айтмоқчи бўлишибди-да, Холмат ака! Халқимизнинг: «Пичоқни ўзингга ур, оғримаса — бошқага», деган гапи бор. Сал мард бўлинг, Чавандоз.

Бу мақол аллақачон эсидан чиқиб кетган Чавандозга Гулсум опанинг гапи шундай қаттиқ тегдики, у мўйлови дикрайиб, лаблари пирпираб, сўз тополмай қолди.

— Энди директорлик вазифасига келсак,— деди Гулсум опа.— Ёзда ўзингиз айтгандай, мени бу ишга сиз тайинлаган эмассиз, шунинг учун...

— Уша тайинлаган одамларнинг, шахсан ўртоқ Эртосевнинг буйруғи бор.

— Марҳамат, ўша буйруқни ёзма равишда олиб келинг. Унгача мен сиз билан бу тўғрида гаплашишни ҳам истамайман! Шу!

Гулсум опа, гарчи бу гаплар билан бир оз аламини олгандай бўлса ҳам, кўчага чиққандан кейин кўнгли шундай чўкди, шундай чўкдики, олам қоронғи кўриниб кетди кўзига.

Лекин ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлади, дегандек, турмуш ҳам кишини бир оёғидан чалса, бир бошини силаб қўяркан.

Кўзига ҳеч нарса кўринмай уйга қайтиб борса, меҳмонхонада, қаёқдандир йиғилиб қолган қўни-қўшнилар орасида... Қилич ўтирибди!..

Уша, Аъзам аканинг севикли шогирди, не-не машаққатларда ҳам, шодликларда ҳам бирга бўлган Қилич ўтирибди уйда.

Кўкрагида қўш орден, елкасида майорлик поғони, оёғида хром этик, йигитлик давридагидай шиддатли ва хушқомат. Фақат биқинидан ва елкасидан ўқ еган экан, бўйни оқ дока билан боғланган.

Гулсум опа ўзи тўлиб тургани учунми, тўсатдан ёшлик чоғлари, оғир бўлса-да, дилида баҳордай ёруғ на қолдирган масъуд йиллар, Аъзам аканинг ўлими — ҳаммаси бирдан эсига тушиб кетди-да, Қилич билан кўришаётиб йиғлаб юборди.

\* \* \*

Қилич бир ёнида Акмал, бир ёнида Машраб сойга чиқди. Кечагина кигиз бўлиб ётган оппоқ қор бир кундаёқ эриб кетган, сойдаги ажриқлар ёмғирда ювилган

майсазордай кўм-кўк, сув бўйидаги яланғоч тоғлар, олисдаги қирлар, қизғиш боғлар майин буғланади.

Қилич қўлини кўкрагига қўйиб, тахта кўприкда анча турди. Ҳаво шундай майин, шундай хушбўйки, киши тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келар, лекин осколька туриб қолган кўкрак чуқур нафас олишга қўймас, игна санчилгандай санчиб оғрирди... Қилич болаликдан таниш кенг сойга кўзи тушиши билан юраги «шиғ» этиб эти жимирлаб кетди.

— Майли, сенлар қайтаверинглар, йигитлар. Мен ўзим қишлоқни бир айланиб келмоқчиман.

Машраб илиқ меҳр билан ёнган кўзларини ундан узолмай:

— Сиз кўп ташвишланманг, Қилич ака,— деди.— Қўчқор унақа... бир жойда хор бўладиган йигитлардан эмас, қаерда бўлмасин йўлини топиб кетади у. Тўғри-ми, хомсемиз?

— Ҳа,— деди Акмал, қовоғини очмай.— Нонини ажратиб ейди у.

Қилич йигитларнинг гапига бир жилмайиб қўйди-да, қўш ёнғоққа қараб юрди, сўнг, қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб, тўғонга томон бурилди.

Қўчқор... Қўчқор... Бултур кузда Қилич уни кўп йиллик айрилиқдан кейин биринчи марта кўрганида бутун ўйлари ағдар-тўнтар бўлиб кетган эди. Чунки Қўчқор ўшанда уни қанчалик совуқ қарши олмасин, Қилич ич-ичидан ҳис этган: ўғли баайни унинг ўзгинаси эди. Қўчқор фақат келишган қадди-қомати, қийгир бурни, доим кулиб турадиган кўк-сарғиш кўзлари, умуман ташқи қиёфаси билангина эмас, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, кулгиси билан ҳам худди унинг ўзига, Қиличга ўхшарди.

Кейин Дон даштларида, оғир жангларда юрган пайтларида, Қўчқордан бирин-кетин хатлар бора бошлади. Қўчқор бу ўртада негадир ўзгарган, бултур куздаги совуқ муомаласидан асар ҳам қолмаган, хатлари аллақандай ўғиллик меҳрига, афсус ва соғиниш туйғуларига тўла эди. Шу-шу, Қилич бу хатларни кўкрак чўнтагида асрайдиган бўлди. Эскадрони билан душман орқасига қилган узоқ походларда, ғарбий Дон даштларида бўлган қаттиқ жанглардан кейин, кечалари бир нафас ором олган пайтларида ёлғиз ўғлининг бу илиқ мактубларини қайта-қайта ўқиди. Упкасидан ўқ еб,

оғир операциядан кейин госпиталда ҳолсиз ётган пайт-ларида эса кечаю кундуз Қўчқорни ўйлади. Хаёлида бутун оталик меҳри билан уни бағрига босиб ўтмишдаги бемехрликлари учун кечирим сўрарди. Дилида худди шу гуноҳкорлик туйғуси бўлгани учун ҳам, Қилич госпиталдан унга хат ёзишни истамаган, ҳамма гапни борганда гаплашмоқчи бўлган эди!..

Қўчқор... Қўчқор... Уни энди қаёқдан топса бўлади? Энди у қайтиб келармикин ё ўшанақасига Магнитогорскдан армияга кетиб қолармикин?.. Умуман, дийдор кўришиш насиб бўлармикин, бўлмасмикин?..

Қилич хаёлга чўмганича тўғонга тикилиб узоқ турди. Қор эриб кўпайган сув тўғон қирғоқларидан ошиб, шаршарадай гувиллаб оқар, лекин тўғоннинг сатҳи кўзгудай силлиқ, фақат ўқтин-ўқтин балиқлар чўлп-чўлп сакраганда катта-кичик ҳалқачалар пайдо бўларди. Таниш оқ теракнинг учидаги тандирдай уя ҳозир ҳам бўм-бўш, лайлақлар аллақачон учиб кетган эди.

Қизиқ: бу уя бундан ўн икки-ўн уч йил олдин қандай турган бўлса шундай турар, фақат у маҳалларда бу азим терак анча ёш эди, энди бўлса белидан настроғидаги бир-икки шохлари қуриб қолибди... Қиличнинг эсида бор. Ер ислоҳотидан сал кейин коллективлаштириш арафасида, Аъзам ака шу ерга катта сўри қурдириб, қизил чойхона очдирган эди. Ҳафтада бир марта, одатда жума кунлари, чойхонада овозсиз кино қўйилар, бу киноларга активлар ўз «ўртоқлари»ни ҳам бошлаб келишар, улар орасида... Фотима ҳам бўларди. У аллақачон паранжисини ташлаган бўлса-да, эрининг ёнида ўтиришдан уялиб, Гулсум опанинг пинжига суқулар, тўрт-беш яшар Қўчқор эса, дадасининг тиззасига ўтириб олиб, чойхонани бошига кўтариб гужурларди.

Ундан ҳам олдин, эндигина уйланган пайтларида эса ёруғ ёз оқшомлари куёв-келин баъзан шу тўғон бўйига чиқишар, Қилич қўшни боғларга тушиб, дўппи-дўппи шафтоли узиб келар ва кулиша-кулиша сув бўйида ўтириб ейишарди. Фотима у маҳалда шундай нозик, шундай гўзал эдики, Қилич қайтишда уни қўлларига кўтариб оларди...

Қилич оғир тин олиб, қўш ёнғоқнинг рўпарасидаги тор кўчага бурилди.

У ҳамон хаёл дарёсида сузар, бир маҳалнинг ўзида ҳам маъюс, ҳам аллақандай ёруғ ўйлар фикрини шунчалик эгаллаб олган эдики, у эшик тирқишларидан, паҳса деворларидан мўралаб қараган аёлларни, кетидан эргашган ёш болаларни пайқамас, ҳурмат билан қўл қовуштириб берган саломларига бош ирғабгина жавоб берарди!..

Мана, қишлоқ ўртасидаги кўҳна қалъа жойлашган баланд тепа. Бир маҳаллар қалъага кираверишда, қўш тавақали катта дарвоза бўлар, дарвозанинг ёнидаги супачаларда бошларида салла, эгниларида зарбоф тўн, қишлоқнинг казо-казолари ўтиришарди. Қалъанинг ичида эса узун-узун расталар, қатор-қатор дўконлар бўлар, бир-бирига тутшиб кетган пастқам уйларнинг томларида болалар тўп ўйнашар, қиш кунлари кечаю кундуз варрак учиршар, гоҳ болохоналарга, гоҳ сомхоналарга яшириниб беркинмачоқ ўйнашарди...

Ҳозир эски қалъадан фақат баланд паҳса деворлару, тепанинг қоқ ўртасидаги эски ғишт мачит қолган...

Қанча-қанча тўқнашувлар, оташ нутқлар, баҳс-мунозараларнинг шоҳиди бўлган бу эски мачит... Гулханларда гуриллаб ёнган паранжилару, қулоқ қилинган бойлар исёни, босмачилар таҳликаси-ю, ер-сув олган камбағаллар шодиёнасини кўрган бу кўҳна тепалик!

Қилич ботаётган офтобга, эски мачитнинг қизғиш деворларига, пастдаги баҳор нафаси таралган боғларга тикилиб узоқ турди.

Унинг хаёлидаги маъюс ўйлар аста-секин қандайдир аламли бир туғён билан алмашди.

Ахир... наҳот шафқатсиз курашларни бошлаб берган энг пок одамларнинг бир қисми революция йўлида қурбон бўлиб кетсалар, бир қисми ҳамон ўт ичида юрсалару, Эртосев билан Чавандозга ўхшаган худбинлар, нопок мансабпарастлар бу ерда истаган номаъқулчиликларини қилсалар?

Аттанг! Ўртада Фотима бўлмаганда-ку, Қилич кечаси Гулсум опа билан Қурбон отанинг гапларини эшитган заҳотиёқ Чавандозни топиб бир тўқнашарди. Афсуски, ўртада Фотима бор!..

Йўқ, у ҳалиям бўлса бу ишга бир аралашади. Эртаниндин райкомга боради. Эртосев билан Чавандознинг ҳамма кирдикорларини очиб ташламагунча қўймайди! Лекин... ўша эски дардни деб, киндик қони тўқилган

бу суюкли қишлоқдан, ўз она юртидан кетиши шартмикин? Уша дардни деб салкам ўн беш йил олис жойларда юргани етмасмикин? У ёқларда қанча юрмасин, қанча обрў орттирмасин, бари бир на оила қурди, на бахтини топди! Ўз уясига толпинган қушдай, бари бир шу диёрга, шу она тупроққа талпинди!..

Қилич бир-бир босиб, қоронғида милт-милт юлдузларга тўлган боғларни оралаб, колхоз идорасига томон йўл олди.

\* \* \*

Қиличнинг идорада қиладиган ортиқча ишиям йўқ. Инобатни олиб, уйда тоби қочиб ётган Комилни кўриб келмоқчи эди, холос. Лекин Инобат қарияларни йиғиб, кузги буғдойни экиш керакми, йўқми — шу ҳақда маслаҳатлашаётган экан, идорада анча тутилиб қолди.

Қурбон ота бошлиқ бир гуруҳ чоллар қор эриб, кун илиб кетганидан фойдаланиб қолишни, ҳали фурсат борлигини таъкидлар, бошқа бир гуруҳи, аксинча, ер совуқлик қилмасмикин деб шубҳа билдиришарди. Инобат эса қайси томонга қўшилишни билмас, бир ер совуқлик қилишидан қўрқар, бир уруғлик буғдойни кўкламгача сақлаб қололмаслигини ўйлаб, тараддудга тушарди. Қилич иккала томоннинг мулоҳазаларини ўшитиб бўлгач, кулиб битта таклиф киритди: яна бирикки кун сабр қилинса, кейин, ҳаво шу йўсин исиб кетса, қўрқмай экавериш керак, чунки Инобат ҳақ: уруғлик буғдойни кўкламгача асраб қолишнинг иложи бўлмайди.

Бу гап ҳаммага маъқул тушди-ю, чоллар тарқалишди. Лекин Қилич билан Инобат энди ўринларидан турган эдилар ҳамки, эшик очилиб остонада Комилнинг ўзи кўринди.

Ярадор қўли қалин рўмол билан ўралган, чаккалари ўйиб олингандай чуқур ботган, бурни ҳам сўррайиб қолган, фақат кўзлари иситмаси баланд одамнинг кўзларидай чақнаб турибди.

У елкаларига заррин погон таққан хушқомат майорни кўрганда беихтиёр ийманиб, бир нафас остонада тўхтаб қолди, кейин кулимсираб соғ қўлини чўзиб кўришди-да, Қурбон отанинг ёнига ўтиб ўтирди.

Инобат норози оҳангда: «Иситманг борга ўхшайди-ю, нега келдинг», деган эди, Комил қўйнидан уч букланган бир конверт олиб, столга ташлади:

— Буни бир ўқиб кўринг, кейин биласиз нимага келганимни.

Хат қора қалам билан ёзилган бўлиб, кўп жойлари ўчиб қолган экан, Қилич зўрға ҳижжалаб ўқиди:

— «Ҳурматли ҳамда қадрли инимиз Комилжон Жалоловга етиб маълум бўлсинким, бизким, Эшвой Мўмин олло-таолонинг берган ризқини териб еб, мана, фронтга ҳам етиб келдик, ҳамда сизларнинг ул томонда сиҳат-саломат бўлишларингизни оллодан тилаб турибмиз.

Қадрдон иним Комилжон!

Пешанамизга ёзилган экан— бугунми-эртами урушга кирамиз. Уруш нималигини ўзингиз биласиз. Ундан омон чиқиб, дийдор кўришамизми, йўқми — буни олло ўзи билади. Бироқ сиз инимга айтаман деб, айтолмай кетган бир армоним бор эди, шуни айтиб қолай, дедим.

Ишқилиб, худо ўзи кечирсин, иним Комилжон, мен кўп номаъқулчиликлар қилдим, кўп бадбахтлик қилдим: рабочий батальонига кетаётган жойимда, ўрнимга бечора Эшмат акамларни юбортириб, ўзим қишлоқда қолдим. Қолиб тинч юрсам ҳам майли — қўшмачилик қилдим, ўғирлик қилдим, қаллоблик қилдим, борингки, қилмаган номаъқулчилигим қолмади. Бироқ худо ўзи кўриб турибди, нимаики номаъқулчилик қилмай, ўша икки муттаҳамни деб, Эртөөв билан Чавандозни деб қилдим. Топганимни шулар еди, шулар ичди. Кайф-сафо, айш-ишратни шулар сурди-ю, мен бўлсам... Нима қилай, улар «сени урушдан олиб қоламиз», дейишди, биз турганда кўнглинг тўқ бўлсин, дейишди, хом сут эмган банда эканмиз, шу гапга учдим. Аммо бошимга иш тушди-ю, уларнинг «дўстлигини» кўрдим. Улар ҳамма балога мени рўпара қилиб, ўзлари четга чиқиб олишди.

Энди сиз: ҳамма қилгуликни қилиб бўлиб, бу гапларни айтишдан мақсад нима, дерсиз, иним!

Мақсад шулким, ўлмасам ул икки муттаҳам билан ўзим гаплашарман, аммо ўлиб кетсам бу гаплар дилимда бир армон бўлиб кетмасин дедим, иним. Иккиламчи... Худо ўзи раҳм қилгай, лекин агар бир нарса бўлсам... кетимда қоладиган уч-тўртта жўжаларим

бор, сиз шул норасидалардан ҳол-аҳвол сўраб, бошини силаб турсаңиз... Мен бу гапларни аслида қадрдонларимга айтсам бўлади, аммо ўз қорнидан бошқани ўйламайдиган бу икки муттаҳамда раҳм-шафқат нима қилсин, иним Комилжон!

Хайр, омон бўлинг ука. Агар ўлиб кетмасам мен ҳам одам бўлиб қайтарман, ўлиб кетсам ҳаммаларингдан розилик сўраб... Эшвой Мўмин ўғли деб билгайсиз...

12 ноябрь, 1943 йил. Полевая почта 97615 «Д».

Қилич хатни ўқиб бўлар-бўлмас тўрда ўтирган Қурбон ота ўрнидан турди.

— Қани, хатни бу ёққа бер. Қилич, мен бир гаплашаман бу одамлар билан!

Қилич гўё унинг илтимосига тушунмагандай бир дақиқа юзига тикилиб қолди, кейин хатни буклаб киссасига соларкан:

— Йўқ,— деди қатъий.— Сиз эмас, энди мен гаплашаман бу одамлар билан!

\* \* \*

— Қилич акамлар келдилар, кираверсинларми?

— Қайси Қилич акангни айтяпсан?

— Қайси бўларди? Уша. Урушдан қаҳрамон бўп келган Қилич акамлар-да. Кечадан бери доврўғи қишлоқни тутиб кетди-ку!

— Ҳмм... Айт, кирсин!

Қоровул чол нимагадир мийиғида кулимсираб чиқиб кетди. Чавандоз эса, бошида кўк сур телпак, қўлида қамчи... катта хонанинг ўртасида қозиқдай қоғоз қолди.

У кеча Қилич келганини ва Аъзам ячейканинг уйига тушганини эшитгандан бери бориб кўришини ҳам, кўрмаслигини ҳам билмай, талвасага тушиб қолган, бироқ Қилич ўзи унинг олдига келишини кутмаган эди.

Ҳозир ярим кечада тўсатдан кириб келишидан мақсади нима? Фотима учун ўчини олмоқчими ё Гулсумхонга ён босмоқчими, ёки бошқа бирор нияти борми?

Чавандоз юраги така-пука бўлиб кетганини сезиб, қўлини чойнакка чўзди, лекин шу пайт эшик шиддат билан очилди:

— Мумкинми?



Чавандозга шундай туюлдики, гўё Қилич ўзгармаган, бурунгидай ёш, шиддатли, хушқомат. Эгнидаги заррин погонли шинели ва ярқ-ярқ этган хром этиги уни яна ҳам новча ва чиройли қилиб кўрсатар, фақат фуражкасининг тагидан кўришиб турган сал жингалак сочлари оппоқ оқарган эди, холос.

У Қиличнинг лабларида билинар-билинемас табасум пайдо бўлганини кўриб, ҳушини йиғди.

— Марҳамат...— Чавандоз «дўстим» демоқчи бўлди-ю, деёлмади:

— Ўртоқ майор...

Қилич қалбида мавж урган қандайдир ички бир адоватни енгиб:

— Мен сен билан бир гаплашмоқчи бўлиб келдим, Холматбой,— деди.

Қиличнинг «Холматбой» дейиши Чавандозга жуда илиқ эшитилиб чеҳраси ёришиб кетди.

— Жа соз бўпти-да! Мен келганингни эшитиб чиқиб кўрай дедиму, тагин... ўзингдан қолар гап йўқ. Ёшлик экан...

— Хўп. Ўтган ишга салават. Олдин мана буни бир ўқиб чиқ!— Қилич унинг гапини шартта бўлиб, Эшвойнинг хатини столга ташлади.

Чавандоз ранги оқариб, жойига ўтирди, бошидан қоракўл қалпоғини олиб столга ташлади, шундан кейингина хатни қўлига олди.

Қилич ундан кўзини узмай, рўпарасига ўтирди.

Чавандоз хийла ўзгарган: тўлишган, бағбақа солган, дўнг пешанасида, қисилган кўзларининг атрофида чуқур чизиклар пайдо бўлган... Унинг қиёфасида бир маҳалнинг ўзида ҳам шафқатсиз, ҳам қандайдир аянчли бир нарса бор... Эҳ, мана шу одамни деб, Фотима ундан айниди. Фотима айнидими, ё бу фирибгар уни йўлдан урдими? Йўқ, яхшиси буни ўйламаслик керак...

Тўсатдан Чавандознинг мўйлови типратикандай диккайди, кўзлари олайиб:

— Елғон! Тухмат!— деб бақирди-да, хатни гижимлади. Агар Қилич чаққонлик қилиб қўлидан «шап» ушламаганда уни парча-парча қилиб йиртиб ташларди.

Қилич унинг қўлини қўйиб юбормасдан олайган кўзларига тикилди, овози титраб деди:

— Бу хат ёлгон, ўглингнинг ёшини яшириб, армиядан қочириб юрганинг ёлгон, колхоз мулкига қўл чўзганларинг ёлгон, фронтовик йигитларнинг қайлиқларини йўлдан урганларинг ёлгон, ҳаммаси ёлгон, ҳамма сенларга тухмат қилади-ю, ёлғиз сенлар ҳақсанлар!.. Шунақами?

Чавандоз бармоқларини ёзиб, хатни столга ташлади-да, секин ўрнидан турди, бошига телпагини кияркан:

— Менга қара, Қиличвой,— деди истеҳзоли жилмайиб.— Бунақа иғво гапларни тўплаб нима қиласан, оғайни! Ундан кўра очигини айта қол: Фотима учун ўчимни оляпман, де! Эски кек, эски адоват ҳалиям всимдан чиқмади, деб қўя қол, дўстим!..

Ҳамма қаллоб ва фирибгарлардай Чавандоз ҳам пок қалбларнинг энг нозик торларини яхши биларди!

Қилич бир зум бошини эгиб турди, сўнг кескин юриб Чавандознинг олдига келди:

— Менга қара, Чавандоз! Мен сенинг ёмонлигингнинг бугун эшитаётганим йўқ. Мен буни аллақачон эшитганман, лекин мана шу гапни рўкач қилишингни билиб... индамаган эдим. Энди ўйлаб қарасам, ёшлик қилган эканман. Билиб қўй: энди бу гаплар билан қутулиб кетолмайсан. Энди оғайнинг Эртоев билан бирга қилган ҳамма номаъқулчиликларинг, ҳамма адолатсизликларинг учун... халқ олдида, партия олдида жавоб берасанлар. Тушундингми?

Қилич овозини кўтармади, лекин унинг мушт бўлиб тугилган қўлларида, бошини сал эгиб секин гапиришида шундай аўр бир нафрат ва қатъият бор эдики, ўртада турган Чавандоз оёқларида қандайдир дармонсизлик сезиб, ўзини стулга ташлади.

— Нима қилай, турмуш мажбур қилар экан, Қилич.

— Турмуш мажбур қилар эмиш!— эшикка томон юрган Қилич тўхтаб кескин ўгирилиб қаради.— Бошқаларга қилганларингни айтмай қўя қолай, лекин Аъзам ака... У кишининг оиласига нисбатан бунчаликка боришга қандай виждонинг ёр берди, Чавандоз? У кишининг қилган хизматларини, шу қишлоқ учун, шу қора кўзлар учун кўрсатган жонбозликларини била туриб, бундай қилиш!.. Сенда инсоф, виждон, одамгарчилик дегандан зигирдек қолганми ўзи?

Қилич Чавандознинг тепасида бир нафас жавоб кутиб турди, кейин эшикни қарс ёпиб чиқиб кетди. Бу овоз Чавандозга худди аччиқ хипчиндай тегди-ю, ўр-нидан сакраб туриб, телефонга ёпишди:

— Менга райижроком раисини беринг. Уртоқ Эрт-оевни, Уртоқ Эртоевни даяпман сизга!..

\* \* \*

Гулсум опа педсоветни очиб биринчи масалани му-ҳокама қила бошлаганда, орқадан икки букланган қо-ғоз олди:

«Қишлоқ советига бориб келармишсиз...»

У қоғозни олдидаги китобнинг тагига бостириб, савол назари билан тикилиб қолган ўқитувчиларга қаради. Биринчи масала — Серафима Фёдоровнанинг ўрнига рус тили ўқитувчиси топиш, ҳозирча эса бу ва-зифани яқинда фронтдан қайтган иккита ёш йигитнинг биттасига юклаш лозим эди.

Гулсум опа хатни олганда кўнгли бир хил бўлиб кетса ҳам, бу масалани охирига етказди, лекин иккин-чи масалага ўтганда ортиқ чидай олмади, нимагадир юраги ўйнаб, педсоветни Азия домлага топширди-да, қишлоқ советига қараб кетди.

«Тагин нима гап топдийкин бу попок? Тунов куни айтган буйруғини қўлимга тутқазмоқчимиз ё қишлоқ-дан ҳайдамоқчимиз?»

Тўсатдан унинг хаёлига бошқа бир фикр келиб тир-ноқларигача музлаб кетди: наҳот Ашрафжон?.. Йўқ-йўқ! Баъзан қаёқдаги бемаъни гаплар келади-я, ки-шининг кўнглига? Нима қилади, шунақа бемаъни ўйлар билан ўзини қийнаб?

Гулсум опа бу йўллардан қутулиш учун жўрттага Қилични ўйлай бошлади.

Қўчқор Абубакировнинг рухсати билан Ларисани Тошкентга кузатиб қўйиши ва билетларини тўғрилаб бериб, қайтиб келиши керак экан. Ўғли келавермагач, Қилич кеча эрталаб шаҳарга отланди. Кетишдан олдин Гулсум опани чақириб олиб яна узоқ гаплашди:

— Сиз хафа бўлманг,— деди.— Эҳтимол мен ра-йонда ишда қолсам. Кетмоқчи эдим, очигини айтсам, сизнинг гапларингиздан кейин жуда қайнаб кетдим,

Гулсумхон! Умуман, қаддингизни тутинг. Қўрқманг, юракда қўр бор, булар билан бир курашиб кўрамиз ҳали!

...Гулсум опа, Қиличнинг гаплари эсига тушиб, кўнгли сал ёришса ҳам, гузарга яқинлашган сайин юраги увушиб дармони қуриётгандай бўлди.

Бостирмада таниш қора айғирнинг охурига беда ташлаётган қоровул чол уни кўриб, имо қилди:

— Кираверинг, синглим, сизни кутяптилар хўжайин.

Гулсум опа тор йўлакда навбат кутиб ўтирган уч-тўртта мўсафидларга салом бериб, юзига рўмолини тушириб пиқ-пиқ йиғлаётган аёлнинг ёнига ўтган ҳам ёдики, эшик очилиб Чавандоз кўринди.

У, Гулсум опага кўзи тушиб, негадир: «Кечирасиз, ҳозир»... деди-да, йиғлаётган аёлни ичкарига таклиф қилди.

Аёлнинг яқинда бўйига етиб қолган қизи ўлган, шу баҳонада «рабочий»га кетган эрини беш-олти кунга бўлса-да, чақириб олиши учун справка сўраб келган ёди.

Чавандоз шошиб тургани учун, аёлга ваъда бериб, тез чиқариб юборди-да, Гулсум опани таклиф қилмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, тўсатдан телефон жириглаб қолди.

Узоқ давом этган хириллаш ва тарақлашлардан кейин, ниҳоят, сал бўғиқ ва ўктам овоз эшитилди:

— Бу ким? Раисми?

— Мен, мен!— Чавандоз Эртөөвни таниб, беихтиёр трубкага томон энгашди.— Қулоғим сизда, Эртөөв ака!

Трубка ҳамон хириллар, тарақлар, Эртөөвнинг гапларига тушуниш қийин эди.

— Кечаги гап нима бўлди?

— Қайси гапни айтасиз?

— Қайси гап бўларди,— асабий такрорлади Эртөөв,— Гулсум опани чақириб гаплашдингизми?

— Чақирдим. Негаки, усиз ҳам ўғилларига...

— Ўғилларини қўйиб туринг: кеча ўзини чақириб гаплашинг демаганмидим сизга!

— Ҳозир гаплашаман, ўртоқ Эртөөв, ҳозир...

Чавандоз трубка жимиб қолганини кўриб, энди жойига қўймоқчи эди, тағин ўша овоз хириллади:

— Қилич қайтиб бормадими, хабар олмадингизми?

— Йўқ. Аммо лекин, келсаям яна ўша... ўзингиз билган одамнинг уйига тушади. Хотирингиз жам бўлсин, Эртоев ака!

— Тағин эски ҳаммом, эски тос! Қўйиб туринг ҳозир бу гапни! Ундан кўра топшириқни бажаринг! Яхшилаб гаплашинг. Ҳамма илтимосларини бажо келтиринг. Иссиқ овқат учун дон-дун сўраган амиш, айтинг — ҳаммасини тўғрилаймиз. Эшитяпсизми?

— Эшитяпман, эшитяпман, Эртоев ака.

— Эшитаётган бўлсангиз — гап шу. Кўнглини кўтаринг. Хато қилибман денг. Хуллас, кечаги гап!

Чавандоз трубкани жойига осишни ҳам унутиб, хаёлга чўмиб анча турди.

— «Яхшилаб гаплашинг. Кўнглини кўтаринг! Хато қилибман денг!»

«Нима бало бўлди бу Эртоевга? Е сиёсат ўзгариб қолдими? Наҳот шунча обрўси билан Қиличвой олдида дағ-дағ қалтираб қолса?»

Эртоев кеча ҳам худди шундай ҳовлиқиб, шошиб гапирган, Қиличвой районда қолиш эҳтимоли борлигини айтиб, Гулсум опани ўз ишида қолдиришини тайинлаган эди. Бугун кечагидан ҳам баттар довдираяпти... Ёки каттақон бўляптимикин бу Қиличвой? Ҳали райком бўлиб кетмаса денг! Кўкрагида қўш орден, ўзи майор, райком бўлиб кетсаям ажаб эмас. Негаки... «бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур», дегандай, Эртоев бир нимани сезмасе бунчалик талвасага тушмас эди... Чавандознинг бадани музлаб, стулга ўтириб қолди. Кейин, сувга чўкаётган одам чўпга ёпишгандай, ўзини оқлайдиган сабаблар қидира бошлади.

Ҳамма балони ўша Эртоев бошлаган! Тунов куни Чавандоз Гулсумхонга: «Ишдан бўшадинг», деган бўлса... ўшанинг буйруғи билан айтган, холос. Эшвой-Эшматлар ҳам ўшанинг «дуойи саломи» билан бўлган эди. Мана энди балога Чавандоз қоляпти. Ўша воқеа бўлмаганда, балки Абубакиров ҳам Ёдгорбекка бунча ёпишмас эди. Лекин гап ундаям эмас. Бошга тушганни кўз кўрар. Энг муҳими... Чавандоз ҳам одам, ахир. Эрталаб келган бир даста повесткалар орасида... Машраб ҳам борлигини кўриб юраги зир

титраб кетди. Эртөө бұлса бу гапням эшитгиси келмади. «Хато қилибман денг», дейди-я! Ҳамма балони унга тўнкаб, ўзи яна қутулиб кетмоқчига ўхшайди бу муғамбир.

Чавандоз сапчиб ўрнидан турди. Этигини ғарчиллатиб катта хонанинг у бошидан-бу бошига бир-икки марта бориб келгач, ўзини сал босиб, эшикни очди,

— Марҳамат, Гулсумхон...

Чавандоз, Гулсумхонга юқорироқдан жой кўрсатиб, ўзи жойига ўтиб ўтирди. Нима қилишини билмай, столнинг тортмасини очаркан, кўзи яна бир даста повесткаларга тушиб, негадир дарров қайта ёпди.

У Гулсум опага нима дейишини кечаси Эртөө билан гаплашганидаёқ ўйлаб қўйган эди. Бироқ жабрдийда аёлнинг сал ҳадиксираган кўзларига, қаттиқ қисилган лабларига кўзи тушди-ю, яна боягидай мудҳиш бир шубҳа ва қўрқув юрагини муалатиб юборди.

— Афв втасиз, Гулсумхон,— ниҳоят деди у.— Жаҳл чиққанда ақл қочади деган гап бор. Тунов кун аччиқ устида сизга анча озор берибман...

Чавандоз хижолат чекиб йўталди, дўпписини олиб бошини қашиди.

— Гапимга ишонинг, Гулсумхон, сут билан кирган қон билан чиқади, дегандек, одат экан, жаҳл устида ҳар нима деб юбораману, аммо лекин, худо ҳақи, кейин пушаймон чекаман. Аъзам акамлар ҳам эсимдан чиққан эмас...

Гулсум опа ҳаммадан кўра бу одамнинг мана шундай киши кўнглини овламоқчи бўлишидан қўрқарди, чунки бунинг тагида ҳамиша бир ёмон гап, бир совуқ хабар ётарди.

Гулсум опа тоқатсизланиб:

— Утган ишга салавот,— деди.— Шуни айтгани чақирдингизми мени?

— Чақиритдан мақсад...— Чавандоз дўпписини кийиб, пешанасини қашиди.— Мақсад, ўзингиз айтгандай, утган ишга салавот, Гулсумхон. Кўнглингизни тўқ қилиб вазифангизни бажараверинг. Мен ўртоқ Эртөө билан гаплашдим. Сиз яхши ташаббус кўрсатаётганингизни айтдим. Ёрдам бермасак бўлмайди, дедим. Гапнинг пўскаласи: кийим-кечак масаласидаям ёрдам берамиз, иссиқ овқат масаласидаям. Агар хўп десагиз келинимниям мактабга олинг. Уқисин у ҳам...

«Тўсатдан нима бўлди бу одамга? Наҳот Қиличдан шунчалик қўрқиб қолишган бўлса?» — Гулсум опа Чавандознинг жилмайиб турганини кўриб, аллақандай ижирғаниб кетди:

— Тунов куни ишдан бўшатишганим тўғрисида қўлимга буйруқ бермоқчи эдингиз. Бугун бундай деяпсиз. Нима бўлди ўзи?

— Тунов куни...—Чавандоз зриган кўнгли қайта музлаб, пешанаси тиришди.— Албатта, мендан хафа бўлишга ҳаққингиз бор,— деди у, ўқсиниб.— Ҳаққингиз бору, аммо ўзингиз бир ўйлаб кўринг, эрта-индин урушга кетаётган ёлғиз фарзандингиз тўйида биров шундай қилса... нима дердингиз, Гулсумхон? Мен ўғлингизни ёмонламоқчи эмасману, аммо лекин, жуда... ғалати бола чиқди Машрабвой. На ўзини аяйди, на бировни. Мана! Уэ ихтиёри билан қилган ишининг оқибати!

Чавандоз тортмасидан бир даста қоғоз олиб, биттасини Гулсум опага чўзаркан, уф тортиб деди:

— Военкомдан повестка. Индинга кетиши лозим...

Шундан кейин яна нималар деди Чавандоз — биттаси ҳам Гулсум опанинг қулоғига кирмади.

Йўқ, бу қоғоз янгилик эмас, Гулсум опа повесткани яқин икки ойдан бери кутади. Машраб оёғига чўкка тушиб гапириб берган ўша оқшомдан бери ўзини шунга тайёрлар эди. Лекин қанчалик тайёрланмасин, айрилиш пайти шунчалик яқин деб, ўйлаганмиди? Бундай бўлишини билганда у ўша куни ҳарбий комиссарнинг олдига чопиб бормасмиди?.. Чопиб бормасмиди?! На метрика бор (йигирма олтинчи йили кимнинг эсига кепти метрика олиш), на бошқа ҳужжат, чопиб борганда нима дерди? Зотан, Машрабнинг ўша кунги гапларидан кейин қаёққа ҳам борарди?

Биттаю битта умиди — бу иш ҳали-ҳозир бўлмайди, деб ўйлаганди! Мана бу умиди ҳам пучга чиқди.

Ашрафжон бўлганда ҳам, лоақал ундан хат келиб турганда ҳам бир сари эди! Ашрафжон ўлик-тириги номаълум, хат-хабарсиз кетган бир маҳалда Машрабдан айрилиб, бахти қора қизи билан танҳо қолишди!..

— Бола меники эмас, сизники-ю, аммо-лекин, манман деган йигитлар ўзларини панага олиб юрганда ёшини оширишни ким қўйди унга?.. Унга нима! Сизга қийин, Гулсумхон...

Гулсум опа босинқираб уйғонган одамдай секин ҳушини йиғаркан:

— «Бу нималар деяпти ўзи» — деди хаёлида, бошини ликиллашиб ўтирган Чавандозга ўйчан тикилиб. — «Ҳа, ўғлим нима учун шундай қилганини тушунармидинг сен! Йўқ, сен буни ҳеч қачон тушунмайсан!»

У қандайдир ички бир туйғуга бўйсуниб ўрнидан турди, кўзлари сал қисилиб:

— Майли, — деди. — Отасининг боласи-да. Ўша сен билган Ячейканинг ўғли-да, Чавандоз. Мен унга нима ҳам дердим?

Гулсум опа, нимага шундай қилаётганини ўзи ҳам сезмасдан, бошини мағрур тутиб, хонадан чиқди, чиқди-ю, ҳовлида бирдан бўшашиб, деворга суянди.

Алам қаттиқ бўлса кўз ёши ҳам қуриб қолади дейдилар. Бу гап ростми-ёлғонми, ҳар нечук, Гулсум опа изтироб чеккан сайин юраги музласа музладики, кўзидан бир томчи ёш чиқмади.

У фақат бир нарсани — Машрабни тезроқ топиб бағрига босишни, то кетгунча ёнидан жилдирмасдан бирга бўлишни, юрагида тўпланган ҳамма гапни айтиб қолишни истарди, холос. Ёлғиз Гулсум опа эмас, Мастура, Моҳира буви, уйга йиғилган қариндош-уруғлар — ҳаммаси уни кун бўйи кутишди. Машраб бўлса тун ярмида, ўшанда ҳам усти-боғчи шалаббо, лекин оғзи қулоғида, ширакайф бир ҳолда кириб келди...

\* \* \*

Машрабнинг бу аҳволга тушишига бир жиҳатдан повестка олган йигитлар сабаб бўлди.

Афтдан, йигитлар кечаси повестка тўғрисида гап тарқагандаёқ келишиб қўйган бўлишса керак, Чавандознинг олдидан чиқишлари билан, Машрабни четга чақиришиб, бир жойда жиндай ўтириш борлигини айтишди ва уни ҳам таклиф қилишди.

Машраб йўқ деёлмади, чунки йигитлар ҳаммаси баравар:

«Ке, юр бир отамлашайлик энди!» дейишиб, қўярда-қўймай бошлаб кетишди.

Шу-шу, зиёфатга зиёфат уланиб кетди.



Ҳали улфатчилик нималигини билмаган, чинакам йигитлик даврини бошидан кечирмаган ўспиринлар, гўё повестка қўлларига тегиши билан беш-олти ёш улғайиб қолгандай, ўзларини салобатли тута бошлаган, қадаҳларни қайтармасдан ичишар, қизлар тўғрисида осмондан келиб гапиришар, гўё қолган икки кунда йигитлик инъом этадиган ҳамма хурсандчиликни олиб қолишга ҳаракат қилишарди!

Лекин энг қизиғи — қишлоқ аҳли ҳам уларга аллақандай бошқача қарай бошлаган эди. Бир пиёла мусалласдан кайфлари ошиб, ўзларини жуда салобатли тутаётган бу ўспиринлар уларга ҳам чинакам йигит бўлиб туюлар, йигитлар ҳовлидан ҳовлига ўтганларида ҳатто мўйсафидлар қўл қовуштириб кузатиб қолишар ва қўл қовуштириб кутиб олишарди.

Машраб бу ўйин-кулгига беихтиёр бериларкан, у ҳам ўзини бир неча ёш улғайгандай сезар, айни замонда, ҳамқишлоқларининг саломлашишида, гап-сўзларида бўлакча бир ҳурмат билан бирга аллақандай чуқур бир ғамгинлик борлигини ҳам пайқарди. Шундай пайтларда даврадан чиқиб кетгиси, боғларни, адирларни танҳо кезгиси келар, дам-бадам Муяссар эсига тушиб, юраги бир зириллаб қўяр, зотан, кўнглида уйғонган йигитлик ғурури билан бирга ниманидир йўқотаётганини, қон-қонига сингиб кетган азиз бир нарсасидан айрилаётганини сира унутолмас эди.

Кечқурун зиёфат авжига чиққанда Акмал маст бўлиб қолди. Қайтаётганларида бир неча жойда ўзини гоҳ ариққа отиб, гоҳ учраган дарахтзорга уриб, ётиб олди. У ҳадеб бир сўзни такрорлар:

— Сенлардан қолиб, Гулимдан айрилиб нима қиламан мен бу қишлоқда! — деди. — Йўқ, керакмас менга бу турмуш. Бундан кўра ўлганим яхши. Уламан! — деб бақирарди-да, гўё бунга исбот қилмоқчи бўлгандай, бошини қўллари орасига олиб у ёқдан-бу ёққа ағанар, тўлғанарди.

Акмал айиқдай йигит, Машрабнинг унга кучи етиши амри маҳол. Илгари бундай пайтларда унга ёлғиз Қўчқор бас келарди. Машраб олдин анча олишиб кўрди, кейин бас келолмаслигини сезгач, тўсатдан Қўчқорнинг гаплари эсига тушиб, Акмални елкасидан ушлаб силкиди:

— Бўлди. Хотин кишига ўхшаб кўп хиқиллайверма! Юр, Комил акага борамиз!

— Комил ака? Нима қиламиз?

— Нима қиламиз дейди-я? Қўли газак олиб, уйда касал ётибдику! Бир бориб кўрмайсанми, каллаварам!

Машраб буни фақат Акмални «овутиш» учун айтаётгани йўқ — Комил сафардан қайтгандан бери чиндан ҳам қўли оғриб уйдан чиқолмай қолган эди. Ҳар қалай, бу гап Акмалга таъсир этди чоғи, индамай кетидан эргашди. Лекин идоранинг ёнидан ўтаётганларида Машраб тўсатдан тўхтади: худди ёзда, ҳандалакка бориб қўлга тушган оқшомдагидай, деразаларнинг бири ёруғ эди.

Машраб гўё юрагида кул босиб ётган эски бир дард қайта яллиғлангандай бўлди-да, тўхтади.

— Менга қара. Идорада Инобат опа ўтирганга ўхшайди. Юр, бир кириб чиқайлик. Мен хайрлашиб кетай у киши билан.

Улар қоровул чолнинг: «Ҳой, ҳой, ким бу бемаҳалда дайдиб юрган», дейишига ҳам қарамай, ёнидан ўтиб айвонга яқинлашганларида тўсатдан деразалардаги ёруғ ўчди-да, вшик очилиб икки киши кўринди.

«Комил! Қилич ака!»

Машраб, ҳушини йиғиб, уст-бошини тўғрилай бошлади.

— Бу ким? — Комил бир қадам олдинга юриб, яна тўхтади. — Машраб? Акмал?.. Нима қилиб юрибсанлар ярим кечада? Қани, бу ёққа юринглар-чи?

Комил ўз хонасига кириб, столдаги ўнинчи лампани ёқди, қовоғини солиб, бир Акмалга, бир Машрабга тикилиб қаради, кейин пойгакда бошини бир томонга сал эгиб кулимсираб турган Қилич акага юзланди.

— Қалай, ўртоқ майор? Чинакам разведкачиларга ўхшайдими йигитларимиз?

Қилич чаккасига бостириб кийган ва ўзига ярашиб тушган фуражқасини тўғриларкан:

— Ҳа, душманини кўриб тирақайлаб қочган ботирларга ўхшайди, йигитлар! — деб кулди. — Хўш, нима бўлди, Машрабжон? Ё повесткани ювдиларингми?

Унинг: «Повесткани ювдиларингизми?» дегани Машрабга: «Аламдан ичдиларингми?» дегандай эши-

тилди-ю, ўнғайсиэзланиб, ниманидир ғўлдираган эди, Акмал:

— Адолат қидириб юрибди бу... девонаи Машраб!— деб пўнғиллади.

Комил тивит рўмол билан ўраб олган қўлини ушлай-ушлай яқинроқ келди.

— Бу-ку, адолат қидириб юрган экан, сен-чи? Сен нима қилиб юрибсан?— деди кескин.— Воя ойинг келиб кетди. Кечаю кундуз хотинларга ўхшаб йиғлармишсан! Қишлоқдан бошимни олиб кетаман, дермишсан. Бу қанақа гап? Қанақа лапашанглик ўзи?

Акмал оғир тин олиб, бошини эгди. Комил яна бир нима демоқчи эди, Қилич «индаманг» деб кўзини қисди-да, Акмалнинг елкасига қўлини қўйди.

— Энди... бундай бўлсин, ука. Бугун-эрта бутун қишлоқ буғдой экишга даштга кетяпти. Сен ҳам бир-икки кун шу юмушга бориб келгину, кейин МТС га ўқишга бор. Тракторчилар курси очилибди. Биз сени ўшанга ёзиб қўйдик. Курсни битиргунингча бу ғам-ғусса ҳам асингдан чиқиб кетади. Унғача бу ёқда даданг ҳам келиб қолади. Мана!— У кўкрак чўнтагидан қандайдир қоғоз олиб Машрабга чўзди.— Уқиб бер, дўстингга!

Машраб қоғозни олиб очаркан, юраги бир сапчиб тушди. Бу Ларисадан келган телеграмма эди:

«Богистон райони, «Ленин йўли» колхози, Қўчқор Қиличевга.

Мен соғ-саломат етиб келдим. Дадам билан топишдим. Госпиталга санитарка бўлиб жойлашдим. Эшмат аканинг соғлиги тузик. Эрта-индин йўлга чиқади.

Ҳаммаларингни қаттиқ ўпаман. Ҳеч қачон унутмайман, Лариса».

Машраб, Акмални ҳам унутиб, Қиличга қаради:

— Телеграмма Қўчқорга ёзилипти-ку? Демак... У Магнитогорскка бормапти-да?

— Тошкентданми, бир жойдан поездга чиқариб қайтаётган бўлса керак,— деди Комил.— Ҳарбий комиссарликдан берухсат бир ёққа кетадиган йигит эмас, Қўчқор!

Қилич чуқур тин олди-да, Акмалга юзланди:

— Хўп, гап шу, ука! Ҳозирлигингни кўравер — МТСга ўқишга кетасан. Дўстларинг армиядан офицер бўлиб қайтгунча сен бу ёқда зўр тракторчи-инженер

бўлиб оласан!— Қилич буни кулиб гапиришига қарамасдан, унинг қаттиқ ташвишга тушиб қолгани чеҳрасида шундоқ акс этиб турарди. Машраб ўзи ҳам йўл-йўлакай Қўчқорни ўйлаб кетди: Ларисани Магнитогорскка олиб бормаган бўлса, бир ҳафтадан бери қаёқларда юрипти? Ё қишлоққа қайтгиси келмай, борган жойидан армияга кетиб қолдимикан? Унақа бўлса бу ёқда повесткаси нима бўлади?

Машраб минг хил хаёлда тахта кўприкдан ўтиб, қатор толларга яқинлашган ҳам эдики, боғлардан икки киши чиқиб келди.

Машраб дарҳол таниди: уларнинг бири Шириной, иккинчиси Муяссар эди!

Машраб ўз севгилисини ойда аниқ кўришиб турган таниш қизил дуррасидан, Ширинойга бир нима деб кулган майин овозидан таниди, гўё кечаси офтоб чиққандай бўлиб:

— Муяссар?— деди.

Муяссар олдин ёш қизлардай Ширинойнинг орқасига яширинди, кейин кулиб олдинга ўтди ва бирдан чўчиб Ширинойнинг қўлини ушлади:

— Вой, маст!

Машраб кулди.

— Менми, Муяс!

— Йўқ, йўқ, маст, маст!— қўрқибми, жирканибми, деди Муяссар, сўнг орқага чекинди-да, уйларига қараб чопди, унинг кетидан Шириной ҳам югурди. Машраб эса:

— Муяс... менга қара, Муяс,— деганича ой нурига чўмилган кенг сойда бир ўзи қолди...

\* \* \*

Тўғри, Машраб бунинг ҳаммасини эртасига, пешинга яқин уйғониб эслади. Эслади-ю, меҳмонхонада ҳамон унга тикилиб, афтидан, унинг уйғонишини кутиб ўтирган ойисини, бувисини, қариндош-уруғларини кўриб, уялганидан кўзини қайта юмди. Кейин, тўсатдан кеча йигитларни меҳмонга чақиргани, улар келадиган пайт яқинлашиб қолгани эсига тушиб, ўрнидан туришга мажбур бўлди.

Машраб кутганига қарши, меҳмон тўғрисидаги гап ҳеч кимни ранжитмади, аксинча, уйдагилар буни хурсандлик билан кутиб олишди.

Дарҳақиқат, нимага ҳам қувонишмасин! Ахир... Машраб умрида биринчи марта меҳмон чақирмоқда эди! Бу унинг йигит бўлганидак бир нишона эмасми? Қайси она ўз ўғлининг йигит бўлишини, чинакам эр-каклардай меҳмон чақириб хурсандчилик қилишини истамайди? Ўғлининг илк меҳмонига хизмат қилишни орзу қилмайди?

Моҳира буви, Мастура ва Ширинойгина эмас, ҳатто Гулсум опа ҳам ўзгариб қолган, Машрабнинг ҳар бир тилагини дарҳол бажо келтиришар, гўё улар Машрабнинг эмас, балки рўзгор бошлиғининг хизматини қилишарди.

Зиёфат чакки бўлмади. Кириб келишда сал ҳафaroқ кўринган йигитлар, бир-бир коса бўзадан кейин, анча қизишиб, чеҳралари очилиб кетди. Ҳазил-мутойиба, ашула, ҳатто ўйин-кулги бошланди.

Бунинг устига бир тўрва жўхори кўтариб Инобатхон билан Ҳошим полвон келиб қолишди. Полвон «жўжахўроз»ларни аскияга тутиб ва фронт воқеаларидан гапириб, ҳаммани тоза кулдирди-ю, ўтиришга яна ҳам файз кирди. Ёлғиз Машраб кўнглига қил сиғмас, қанча уринмасин бари бир хаёли Муяссарга қараб учар, кечаси унинг ижирганиб айтган сўзлари эсига тушиб, ич-ичидан зил кетар, назарида, Муяссар энди у билан қайтиб юз кўришмас эди.

Зиёфат кун ботиш олдида зўрға тарқади. Машраб йигитларни сойгача кузатиб қўйиб, энди орқага қайтаётган эди, рўпарасидаги тор кўчадан Қурбон ота чиқиб қолди.

Машраб истиҳола қилиб, салом бериб тез ўтиб кетмоқчи эди, ота бармоғи билан имо қилди.

— Бери кел!

У Машраб ёнига боргунча кутиб турди, сўнг, хина суртилган сарғиш муйловининг учларини бураб:

— Сан — маладес! — деди. — Баайни отангнинг йўлини тутибсан! Между прочим, гражданлар уруши даврида ҳаммамиз ҳам шундай қилганмиз. Кўнгилли бўлиб Қизил Армияга ёзилганмиз. Хуллас калом, маладес йигитсан. Энди... Сенга айтадиган битта гап бор.

Ота, оппоқ қошлари туташиб:

— Менинг қизимни биласан-а? — деб сўради.—

Между прочим, ёмон қиз эмас. Ақлли. Илмли. Ком-сорг. Ну, ҳусниям жойида!

Машраб ер ёрилса ерга киргудай бўлиб, питирлаб қолганини Қурбон ота сезди шекилли, бир йўталиб олди:

— Гапнинг пўскаллеси, билиб қўй: сен қайтгунча келадиган совчиларни қуваман и қувганим-қувган. Қўнглинг тўқ бўлсин. Уқтингми, болам!

Машраб, жавоб беришга ҳам мажоли етмай, ўзини сой бўйидаги толзорга урди. Уят, миннатдорлик ва қувонч туйғуси қўшилиб, гўё зўр бир тошқинга ай-ланди-ю, уни ўз оқимига илаштириб кетди.

У на тиззага келган шудгорни сезди, на дарахт шохларидан ёмғирдай тўкилган совуқ томчиларни! Қирнинг ярмига боргандагина ўпкаси томоғига тиқилиб, ерга ағанай кетди.

Пастда, оёқлари остида гўё ҳарир кўкиш пардага ўранган қишлоқ ётарди.

Таниш уйлар, боғлар, кўчалар... Ҳу ана, хароба тепаликнинг шундоқ ёнбошида бувисининг боғи. Ундан хийла берида, тахта кўприкнинг нариги бошида бир-бирига чирмашиб ўсган қўш ёнғоқ.

Қишлоқ болаларининг сеvimли дарахти, меҳрибон бувиларидай сахий бобоёнғоқ! Қанча марта Машраб унинг шохларига миниб қўйинини ёнғоққа тўлдирган, қўллари, оғизларигача қоп-қора бўлиб, унинг тагида ёнғоқ отиб ўйнаган, гоҳ ютиб, гоҳ ютқазиб, катта бўлган!

Кўприкнинг бу юзида ўз ҳовлилари, унинг ёнги-насида Муяссарларнинг боғи, боғнинг этагида, бир ариқ сув оқиб келиб, эгилган жийдалар орасига кириб кетадиган жойида... яна бир сеvimли дарахт — япроғидан меваси кўп бўладиган кекса шотут кўринади.

Қанча марта Машраб билан Муяссар бу тут тагида ўтириб, Барно билан Зебохонга оқиб келадиган олмаларни бирга тутиб ейишган, йигитларнинг исмлари ўйилган жойларини карс-карс тишлаб, ўзларига ёқмаган поччаларни «ўлдиришган» эди!..

Ана, лайлак уя қурган оқ терак! Четлари қамиш билан қопланган тўғон, худди илк баҳордагидай кўм-кўк бўлиб яшнаб ётган кенг сой!..

Баҳорда Муяссар билан бирга ялпиз терган, бирга копток ўйнаган, илк муҳаббатига шоҳид бўлган, ўн

саккиз баҳори ўтган... Йўқ, нега ўн саккиз бўларкан, ўн етти йил умри ўтган гўзал сой, киндик қони тўкилган она тупроқ!

Йўқ, Машраб ёшини ўзгартириб, фронтга кетаётганидан ўкинмайди, сира ўкинмайди! Фақат кўнглининг бир четида қандайдир ҳазин туйғулар секин тебранади. Видолашув туйғулари, болаликдан қон-қонига сингиб кетган севимли қишлоқ билан, муштипар она, меҳрибон буви, қалбида илк севги уйғотган ажойиб қиз билан хайрлашув туйғулари бу! Бу туйғулар ўз ихтиёрига қарши хаёлида ғамгин ўйлар уйғотади. Бу азиз қишлоққа қайтиб келиш насиб бўлармикин, бўлмасмикин? Бу ям-яшил сойда, оқ терак соясида, тўғон бўйида чалқанча ётиб юлдузларни сайр этиш, Муяссарнинг йўлига тикилиб орзиқиб кутиш, она табассумини кўриш, бувисининг айланиб-ўргилишларини эшитиш насиб бўладими, ёки... ёки тунов кунги қозоқ йиғит айтмоқчи, бир кўролмай олис юртларда ўлиб кетадими?

Йўқ, яхшиси буни ўйламаслик керак! Ундан кўра... Наҳот Муяссар билан кўриша олмаса? Наҳот у кечаги нарсага аччиқ қилиб ҳатто хайрлашишга ҳам келмаса?

Машраб ҳарир кўк туман орасига чўма бошлаган қишлоққа сўнг марта кўз ташлади-да, ўрнидан турди.

Муяссарларнинг боғи ёнида, ёёда шафтоли қоқаётганида кўрган жойида, бир зум тўхтаб синчиклаб қаради. Муяссардан яна дарак бўлмагач, секин боғ оралаб ўз ҳовлиларига ўтган ҳам эди, айвонда ойиси билан гаплашиб турган Шириной тез юриб олдига келди.

— Қаёқларда юрибсан ўзинг?— деди Шириной сал жеркинқираб.— Кечадан бери қорангни кўрсатмайсан. Ўлиб бўлдигу пойлайвериби!

Машраб юраги жиз этиб, ойисига қараганди, Гулсум она кулимсираб, ёнига келди.

— Суюнчи бер, болам. Дўстинг келди, Қўчқор келди...

— Қачон?— Машраб юраги гуп-гуп уриб, уйга талпинди-ю, ойиси бошини чайқаганини кўриб, тўхтади.

— Қўй, болам, охирги кеча ота-бола бир тўйиб гаплашсин. Мен ҳам сен билан бир гаплашсам дев-

диму...— Гулсум опа ғамгин кулимсиради.— Майли, Ширинойнинг гапи муҳимроққа ўхшайди. Аввал бу-нинг ишини битказа қол, болам...

Машраб ойисининг юзига қарашга уялиб, Ширинойга тикилди. Шириной муғамбирона жилмайди.

— Юр, кутавериб кўзлари тўрт бўлди, бечора!

\* \* \*

Мана, ўн йиллаб дийдор кўришиш ишқида ёнган ота-бола, ниҳоят мурод-мақсадларига етди...

Ота!.. Бу сўзнинг қадрини болалиги етимликда ўтган, бошини эркак кишининг меҳрибон ва кучли қўллари силамаган ўғил болаларгина билади, дейишадди. Лекин Қўчқор, балки кичкиналигида олов бўлгани учундир, отасининг йўқлигини унча билмаган эди. Буни у анча улғайганда, ўшандаям отасининг доврўғини, унинг мардлиги ва довюраклиги ҳақидаги гапларни эшитганда тушунган, тушунгану, қалбида ғурур аралаш аламли бир туғён кўтарилган эди. Чунки ҳар сафар дадаси ҳақида ўйлаганда кўз олдига ойисининг мунгли чехраси келарди-ю, кўнглида: «Нега у яхши бўлса ойимларни бу номарднинг чангалидан қутқариб олмади», деган фикр ўтарди. Фақат фронтдан бўлакча бир меҳр билан йўғрилган маънос хатлар кела бошлагандан кейингина юрагидаги музлар эриган эди.

Эсида бор, бултур кузда дадаси келиб кетгандан кейин бир кун Машраб унга «Сўна» деган роман берди.

Китобга унча ихлоси йўқ Қўчқор бу романни бир кечадаёқ мижжа қоқмай ўқиб чиққан, ўшандан бери отаси тўғрисида ўйласа, кўз олдига негадир Артур билан Монтанеллининг учрашуви келар, назарида, уларнинг учрашуви ҳам худди шундай бўларди. Лекин бугун Қўчқор отасини кўрганда тортинчоқликданми ёки, аксинча, йигитлик ғурурими, уни қаттиқ қучоқлашга халақит берди, фақат отаси уни бағрига босаркан, қўллари титраб, «қулт» ютганини кўргандагина юрагига чўғ теккандай «жаз» этиб кўнгли эриб кетди. У ҳам отасини қаттиқ қучоқламоқчи эди, лекин шу пайт, Қилич кўз ёшидан хижолат бўлгандай йўталиб, уни қўйиб юборди-да, деразанинг олдигаги табуреткага бориб ўтирди, Қўчқор эса, Машрабнинг каравотига суянди.



Улар бир-бирларига тез-тез қарашар, лекин кўзлари учрашиши билан дарҳол олиб қочишарди.

Йўқ, Қўчқор янглишмади! Отаси у тасаввур этганидан ҳам келишган, мард, энг муҳими — чинакам қаҳрамон эди! Фақат қиров қўнган сочлари ва кўзларининг атрофидаги ажинлари отасини сал қарироқ ва аллақандай ғамгин қилиб кўрсатарди.

Қилич чиндан ҳам ғамгин эди. У ўғлини узоқдан кўргандаёқ яна дил-дилидан ҳис этди. Қўчқор, гарчи у кутганидан сал бошқачароқ, қандайдир чапанироқ кўринса ҳам, унинг ўзгинаси эди!

Қўчқор ялангтўш кучли қомати, қорайиб кетган шиддатли юзи ва кулимсираб турган кўк-сарғиш кўзларидан тортиб, кенг одим ташлашларигача баайни Қиличнинг ўзгинаси, тўғрироғи, бунинг ҳаммасида унга хуш ёқиб тушадиган алланима бор эди. Ҳатто кўришаётганларида саросимага тушганини билдирмаслик учун қовоғини солиб туриши ҳам Қиличнинг ўзига ўхшарди.

Бунинг ҳаммаси қўшилди-ю, Қилич юраги илгари ҳеч қачон ҳис этмаган илиқ бир меҳрга тўлиб, кўзи беихтиёр намланди. Айни замонда миясида аламли бир фикр чақнаб вужудини қақшатиб юборди:

«Наҳот ёлғиз фарзандини кўришни шунча орзу қилса-ю, бу орзуга аўрға етганида дийдорига тўймасдан яна ажрашса?»

Қилич ўрнидан туриб, уйни бир айланиб чиқди, ўғли билан гаплашишдан ҳам кўра унинг овозини эшитиш учун:

— Қизча нима бўлди? — деб сўради.

— Қизчани Тошкентга олиб бориб поездга солиб юбордим.

Қилич яна юраги «лов» этди: ўғлининг дўриллоқ овози ҳам унга ўз ёшлигини эслатди!

У юришдан тўхтаб, зимдан Қўчқорга кўз ташлади.

— Ҳозир сенга нима дейишимни ҳам билмай қолдим, ўғлим, — деди секин. — Хатларингда кўп яхши гаплар айтибсан. Раҳмат. Аммо... мен сенинг олдингда гуноҳқорман, болам. Ҳар нима бўлганда ҳам мен сени бу ифлос одамнинг қўлида қолдирмаслигим керак эди.

— Мени қўяверинг, дада! — Қўчқор кескин гапирганини пайқаб қолиб, бошини эгди. — Умуман,

энди бу гапларнинг кераги йўқ. Мен ҳаммасига тушуниб турибман. Сиз фақат бир нарсани билиб қўйинг, дада: оймлар ҳам бахтиёр эмаслар. У киши ҳам юраклари ғам-ҳасратга тўла.

— Биламан, ўғлим, Илож қанча? Мен ҳам буни бу ноқасни кўргандан кейин тушундим.

Қилич чуқур антикиб, ўйланиб қолди.

— Билмадим,— деди Қўчқор.— Мен кетяпман, Энди оймнинг аҳволи нима бўлади, ҳайронман!

Ўртага ваоқ жимлик чўкди.

— Майли, бир йўлини қидириб кўрармиз,— деди Қилич, ниҳоят,— Лекин сен...

У тўсатдан юраги қаттиқ санчиганини сезиб, қўлини кўксига қўйди, кўзини юмиб анча турди, сўнг, чуқур нафас олиб, ҳазин кулимсиради:

— Бу қандоқ бўлди, кўришмасдан туриб яна ажрашадиган бўлдигу, ўғлим?

Бу ғамгин табассум гўё музга тушган бир нурдай ўртадаги ётсирашни тамом тарқатиб юборди.

— Ажралиш лозим экан, ажраламиз-да, дада.— Қўчқор кулди.— Уруш!

— Ҳа, уруш!

Қилич қўлларини орқасига қилиб, меҳмонхонанинг у бошидан-бу бошига бориб келди.

Ажабо: на фронтга кетаётганида, на эскадрони билан душманнинг орқасига, Дон даштларига ўтиб, олов орасида юрган пайтларида қўрқув нималигини билмаган одам, у ҳозир бу қийинчиликлар ўғлининг бошига тушишини ўйлаганда юраги без-без қиларди... Ё булар вапас полкка тушиб, бир-икки ой ҳарбий техникани ўргангунча уруш тугаб қолармикин? Йўқ, уруш тугашига ҳали анча бор... Лекин нима қилиш керак? У ҳозир ўғлига нима маслаҳат бериши мумкин? Зотан, ҳеч нарсани писанд қилмай, кулимсираб ўтирган бу йигит маслаҳатга муҳтожми ўзи?

Қилич боя уни биринчи марта кўрган маҳалдаёқ кўпдан бери кўнглида тугиб юрган гапларни айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини тушунди: бу йигит на бировга гина сақлар, на отанинг кечирим сўрашига муҳтож эди!..

— Билмадим энди, сенга бирор ёрдамим тегадими, йўқми?

— Ёрдам,— деди Қўчқор.— Менга ҳеч қандай

ёрдам керак эмас, дада. Юртга келган улуғ тўй. Бош-қалар нима бўлса мен ҳам шу-да!

У қўлини силтаб кулди.

— Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, дада, бош омон бўлса, бир гап бўлар. Сиз... ўзингиз...— Қўчқор отасининг дока ўралган бўйнига қаради.— Яна ўша илгариги ишингизга кетмоқчимисиз?

Қилич унинг гални буриш учун шундай деганини сазди.

— Тўғриси айтсам, ўша томонларга кетмоқчи эдим, аммо қишлоқдаги баъзи гапларни эшитиб шу ерда қолишга қарор қилдим.

— Ростданми?

— Ҳа энди... баъзи йигитлар курашдан чарчагандан кейин нима қиламиз? Курашни давом эттириш керакми ахир?

— О!— хушнуд деди Қўчқор.— Курашдан чарчаган ким? Бизми?

— Билмадим энди?

— О!— деди яна Қўчқор.

Унга отасининг ҳазили, айниқса бир қарашда жуда шиддатли ва аллақандай ўйчан кўринган бу одам билан дўстларча кулишиб, гаплашиш мумкинлиги жуда хуш ёқиб тушди.

— Майли! Танқидингиз ноҳақ бўлсаям қабул қилдик. Аммо сизга ҳам битта маслаҳат!

— Хўш?— деди Қилич ва ўғлига тикилди.

Фақат тенгқурлар ва кўнгли яқин кишилар орасидагина бўладиган бу ҳазил-мутойиба унга ҳам жуда ёқар, шу топда у ўғлидан дил-дилидан миннатдор эди.

— Маслаҳат шуки, ўзлариям эҳтиёт бўлсалар. Бу ерда фош қилган сайин зўрайдиган... урса қўпарлар бор.

— Урса қўпарлар ким? Эртоев, Чавандозми?

— Шулар-да, албатта!

Қилич кулимсираган кўзларини ўғлидан узмай:

— Халқимизда: «Осилсанг баланд дорга осил», деган гап бор,— деди.— Биз ҳам олишгандая кейин ўшанақа урса қўпарлар билан олишамиз-да, ўғлим? Яна шуни ҳам айтиб қўй: эрта-индин бу номардларнинг иши райкомда, лозим бўлса обкомда кўрилади! Мақта-ниб айтай— даданг энди уларни йиқитмагунча қўймайди, болам.

Қўчқор, азбаройи қойил қолганидан ўрнидан туриб кетди, у отасининг қўлини сиқмоқчи эди, шу пайт эшик тақиллаб, меҳмонхонага Гулсум опа кирди.

— Гапнинг белига тепмадимми?

— Йўқ, йўқ, келинг,— деди Қилич.

Қўчқор кўзлари ўйнаб хитоб қилди:

— Девона келдими? Соғиниб қолдигу, опажон!

— Девона келди-ю, бироқ ойисидан ҳам азизроқ бир одами бор экан. Ушанга кетди.

— Шунақами?

— Майли. Йигит бўпти. Мендан ҳам азиз одам топилипти. Шунгаям шукур.— Гулсум опа кулимсираб ер остидан Қиличга қаради.

— Фотима келди. Сени кўрмоқчи, Қўчқор.

Вир лаҳза ғалати жимлик чўкди.

— Сиз чиқмайсизми, Қилич?— деди Гулсум опа.

— Мен...— Қилич пешанасини ишқалаб, йўталди.— Йўқ, мен ҳозир учрашмаганим маъқулдир?

— Майли, ўзингиз биласиз. Сен чиқарсан, Қўчқоржон.

— Ҳозир, ҳозир,— шошиб деди Қўчқор ва отасига қаради.

Қилич ҳамон пешанасини ишқалаб ер остидан ўғлига тикилиб турар, чеҳрасидаги бояги майин табасум сўйган, кўзларининг, лабларининг четида чуқур чизиклар пайдо бўлган эди.

— Ҳа, сен чиқиб гаплаш, кўнглини ол, ўғлим.

Аммо мен ҳозир чиқмаганим маъқул, кечирасан, ўғлим. Кейин бир пайти келар...

У иккала қўлини Қўчқорнинг елкасига қўйди ва тўсатдан озови титраб:

— Сен... жуда яхши йигит бўпсан,— деди.— Афсуски, биз кеч топишдик. Айб сенда эмас, менда албатта.

Қўчқор тирноқларигача жимирлаб:

— Бу гапнинг кераги йўқ, дада,— деди ва қилт этиб ютиниб, қўшимча қилди:

— Мен... сиздай бўлишни орзу қилардим, дада!

Ота-бола, гўё, узоқ айрилиқдан кейин кўришган икки дўст, икки тенгдошдай, қаттиқ қучоқлашдилар.

— Менга қара, Муяссар. Нега бундай қиласан? Нега қарамайсан?

— Чунки... мен сиздан қўрқаман.

— Қачондан бери мени «сиз»лайдиган бўлдинг?

— Сиз эр етиб, маст бўлиш одатларини чиқарганингиздан бери.

Машраб жавоб тополмай қизнинг озгин бўйнидаги майин соч толаларига тикилганича жим қолди.

Муяссар боя Машраб кирганда қандай бўлса шундай — кўкрагига ташлаган бир ўрим сочини ўйнаб, деразадан ташқарига, зим-зиё бўшлиққа тикилиб турибди.

Эгнида қора атлас кўйлак билан хипча белини нафис қучган бархит нимча, бошида чехрасига ярашиб тушадиган ҳарир қизил дурра, қиз илгаригидан ҳам нозик кўринарди. Машраб, агар истаса, шундоқ белидан қучиб, ўзига қаратиб олиши мумкин. Лекин у қучоқлашга журъат этолмади, вужудини чулғаб олган қандайдир илиқ бир титроққа бўйсуниб, қўлини секин ушлади.

— Ахир... мен эрталаб кетяпман-ку, Муяс...

— Кетсангиз... мениям бирга олиб кетинг,— деди қиз.

— Қаёқдаги гапларни айтасан-а!

— Нега қаёқдаги бўларкан. Ана опам, мана сен...

— Мен бошқа гап!

— Бошқа гап! Сен кетиб мен... Мен...— қизнинг овозидаги бутун ноз ва ўйноқилик тўсатдан юрагидан қайнаб чиққан аламли нидо билан алмашди.— Сен кетиб, мен нима қиламан бу ерда!—аранг дея олди у ва юзини кафтлари билан босиб йиғлаб юборди.

Машраб тўсатдан ўзини катта одам ҳис қилиб, қизни ўзига қаратди, кичкина иссиқ қўлларидан ушлаб бир зум ёш тўла мулойим кўзларига тикилди.

Машраб бу сўлим чехрани, доим пориллаб турадиган бу қўй кўзларининг ҳар бир кипригигача би-

ламан, деб ўйларди, йўқ, ҳаммаси бекор экан. Ловиллаб ёнган бу узунчоқ озгин чеҳра у ўйлагандан ҳам мулойим, четларида кулгичлари ўйнаган лаблар яна ҳам нафис эди! Ёш тўла кўзлар эса гўё аллақандай чексиз меҳрга, алам ва садоқат нурларига тўла тиниқ бир чашмага ўхшарди.

— Муяссар, севгилим, жонгинам! — деди Машраб. Қиз кўз ёши аралаш жилмайди. Жилмайганда юзи гўё ёмғир билан ювилган осмондай ярқираб кетди-ю, Машраб уни кўксига босиб, иссиқ лабларидан ўлди, ёш тўла кўзларидан чаккасидаги кулгичларидан ўлди.

Қиз бурунгидай чўчимади, ўзини олиб қочмади ҳам. У кўзларини юмиб, кулчадай қизиган юзини йиғитнинг юзига босди. Фақат кўз ёшлари тўхтамас, киприклари орасидан оқиб чиққан илиқ томчилар худди тиниқ ойнада тирқираб оққан ёмғир томчиларидай лабларининг чуқурчаларига тушар, иягидан бўйнига қуюларди...

...Ҳали висол орзуси, ҳижрон доғларига тўла ойлар, йиллар ўтади. Қизнинг лабларига қуйилган бу шаффоф томчилар аламли кўз ёшларига айланади. Машраб эса, елкасида гоҳ милтиқ, гоҳ зилдай пулемёт, оғир ва узоқ походларда вазмин одимлаб, совуқ окопларда ётиб висол орзусида ёнади, ҳеч бир изтироб бовар келолмайдиган ҳижрон алаmidан тўлғанади... Лекин ҳозир кўксига қизнинг патир-путир қилган юрагини ҳис этаркан, унинг қўш олмадай қаттиқ ва нафис кўкраклари вужудини чўғдай куйдираркан, у, гўё юлдузлар оламида парвоз қилади!

Сўнгги пайтларда хаёлидан чиқмаган оғир ўйлари, чеккан ғуссалари — ҳаммаси бекор, ҳаммаси майда ва арзимас бир нарса бўлиб қолган. Шу топда Машраб бу кенг жаҳонда энг кучли, энг довжорак, энг келишган ва энг бахтиёр йиғит эди. Ажабо: у шундай пок, гўзал, ақлли қизнинг қалбини ўзига шайдо қилади-ю, яна нимага изтироб чекади, бундан аъло яна нимани орзу қилади...

— Сен кетиб... Мен нима қиламан дейсанми, Муяс? Илгаридай қишлоқни тўлдириб, оловдай ёниб юрасан. Менинг йўқлигимни билдирмайсан.

— Қошки сенинг ўрнингни босиш мумкин бўлса?

— Мумкин, Муяс. Мен сенга ишонаман.

— Мен бўлсам... қўрқаман. Сен ўзингни оловгаям урасан, сувгаям.

— Бўлмасам... Ёдгорбекдай қочиб юрганим яхшими?

— Йўқ, ҳар нечук аҳтиёт бўл!

— Сен ҳам.

— Мени бўри ермиди?

— Уйингда сени егиси келган бўрилар йўқми?

— Бор бўлсаям қўрқмайман. Мактабдан кейин ўқишга кетаман. Опамлардай ТошМИга кираман. Майлими?

— Майли, фақат битта шартим бор.

— Айт.

— Мени унутмайсан...

— Нима қиласан буни айтиб?

— Эсингдами... «Мени кутгил ва мен қайтарман...»

— Уқи! Яна ўқи!

..Мени кутгил ва мен қайтарман,  
Улимларни қолдириб доғда.  
Иши ўнган кепти десиялар,  
Кутмаганлар мени у чоғда.

Қандай омон қолганлигимни  
Елғиз сенга айтарман, сирдош,—  
Кута олдинг мени сен фақат,  
Буюк вди сендаги бардosh.

— Қандай яхши шеър экан. Кошки қизлар тилидан ҳам шундай бир шеър бўлса! Ҳозир сенга ўқиб берардим.

— Мен ёзиб юбораман истаган шеърингни!

Машраб унинг кафтини сиқиб, яна кўзларига тикилди, гўё қизнинг чеҳрасидаги ҳар бир чизиғи, ҳар бир кипригини умрбод эсида сақлаб қолгиси келгандай увоқ термилиб қаради...

Олдинда турган олис йўлнинг бутун машаққатларидан, изтиробларидан оғир ҳаёт сафариди ҳали кўп

бўрон ва довуллар кутишидан хабарлари йўқ, улар фақат вафо ва садоқат ҳақида гаплашиб, аҳд-паймон қилиб тонг оттиришди.

Икки қалбнинг иссиқ оғушлари, эҳтиросли бўсалари билан чароғон туюлган узун қиш кечаси бир зумда ўтди-кетди...

\* \* \*

Эрталаб йигитлар йўлга чиқишди. Бутун қишлоқ аҳли уларнинг эсон-омон қайтишларини тилаб, кузатиб қолди.

*Тошкент — Туркистон,  
1962—1965 йиллар.*





## ИЗЛАЙМАН

Қисса

*Укам, Мансуржон!  
Ғалаба кунн Даврон акангизни эслаб ёзган хатингизни ол-  
дим, бунинг учун раҳмат, укажон!  
Сиз у кишининг кундалик дафтари билан хатларини сўраб-  
сиз.*

*Хатлари... ёшликда ҳамма севишганлар бир-бирларига қана-  
қа хатлар ёзишса... бизлар ҳам шунақа хатлар ёзишганмиз,  
укажон. Шунинг учун уларни Сизга юборишни эп кўрмадим,  
кундалик дафтарни эса юборяпман.*

*Сиздан илтимос: дафтарни менга қайтариб юборганингизда,  
ҳар эҳтимолга қарши, заказной бандероль қилиб жўнатсангиз.*

*Ўзингиздан қолар гап йўқ: Даврон акангиздан менга қолган  
битта-ю битта эсдалик — шу кундалик, холос. Яшириб нима  
қилай, Мансуржон, гоҳ-гоҳо юрагим сиқилиб, бир нимадан  
хафа бўлиб, тўлиб кетган чоғларимда, айниқса Ғалаба кунлари  
кўнглимга қил сизмай ёлғиз қолган пайтларимда... шу эски даф-  
тарни варақлаб овунаман, юрагим сал таскин топгандай бўлади.  
Қолаверса, неварам Давронжон, умри узоқ бўлсин, катта бўлга-  
нида ўқиса дейман...*

*Сўнги мақолаларингиз менга анча ёқди. Айниқса уруш  
ҳақида, қуролдош дўстларингиз туғрисидаги эсвализларингизни  
ўқиб, қувондим. Ишларингизга муваффақият тилаб, опангиз*

САЛОМАТ.

1970 йил, 25 август.

Мен коленкор жилдли қалин дафтарни, унинг чу-  
моли изидай майда ёзув билан тўлдирилган оқ-сарғиш  
саҳифаларини секин варақлайман.

Саҳифаларнинг баъзилари қалам билан, баъзилари  
сиёҳ билан ёзилган. Қаламда ёзилган саҳифалар анча  
ўчиб, хиралашиб қолган. Жуда ҳам хиралашиб кетган  
ёзувларининг устидан кимдир, афтидан Саломатхон  
опа бўлсалар керак, сиёҳ юргизган...

Таниш ёзув, таниш саҳифалар!..

Дилимни аллақандай ҳазин туйғулар чулғаб олди.  
Дафтарни бир четга суриб қўйиб, ҳовлига чиқдим.

Шаҳар устига илиқ куз оқшоми қанот ёзган, бах-  
малдай тиниқ осмон гуж-гуж юлдузларга тўлган.

Қўшни ҳовлилардан майин бир куй эшитилар,  
дарахт шохлари орасидан телевизор экрани ялтираб  
кўринади. Тўсатдан олисда, афтидан шаҳар ўртаси-  
да бўлса керак, тўп овози гумбурлади-ю, осмон қаъри-  
га отилиб чиққан қизғиш ва тўқ яшил мушаклар  
қавода бир жом зар бўлиб сочилиб кетди. Кўчани бо-  
лаларнинг хушнуд қий-чуви тутди...

Бу — япон босқинчилари устидан қозонилган га-  
лаба шарафига берилаётган салют эди.

Кўз олдимга гвардиячи капитан Даврон Ғозиев  
келди. Унинг новча, келишган бўй-басти, айни пайтда,  
ҳам шиддатли, ҳам кулганида яшариб кетадиган хуш-  
сурат чеҳраси намоён бўлди. Эсимга Даврон ака би-  
лан бирга ўтган Гоби саҳроси, Катта Хинган тоғлари-  
да чеккан машаққатларимиз, Олянинг меҳрибонлик-  
лари, у билан гвардиячи капитан ўртасидаги ғалати  
муносабатлар тушди. Кейинчалик, Даврон аканинг  
кундалигини ўқиб, мен кўп нарсага тушундим, ал-  
батта. Лекин бошда, улар билан илк бор учрашганим-  
да, мен ўз ихтиёри билан урушга кетган ўн саккиз  
яшар бир йигитча эдим. Ўн саккиз ёшда эса, кишига  
ҳамма нарса бошқача кўринади.

\* \* \*

Мен гвардиячи капитан Даврон Ғозиевни илк бор  
Мўғулистонга борган кунимизнинг эртасига кўрдим.

Биз, бир эшелон солдат, бепоён даштга тушиб, саёз-  
гина дарё бўйида чодир тикиб ётардик. Тушдан кейин  
бизни қабул қилиб олгани сочлари қордай оппоқ кекса  
полковник бошлиқ ўттиз чоқли офицер келди. Улар  
орасида новчагина ёш капитан ҳам бор эди. Мен уни  
кўришим биланоқ «Ўзбек эмасми», деган фикр кўнг-  
лимдан ўтди. У бир қарашда ўзбекка унча ўхшамас,  
оқ-сарикдан келган, қирра бурун, қўй кўз бир йигит  
эди. Лекин қош-киприklarининг қоп-қоралигидами, ё  
қўй кўзларининг сал қийғочлигидами, ишқилиб, чеҳ-  
расида унинг ўзбек ё тожик эканига ишора қилувчи  
алланима бор эди.

Енимда турган Арслон ҳам капитанга ишора қи-  
либ: «Ўзимизнинг элатга ўхшайди-ку!» деб кулди. Мен

ҳам кулдим, чунки ўзбек жангчиларининг урушдаги қаҳрамонликлари ҳақида кўп эшитсак ҳам, тўққиз ой армияда бўлиб, ўзбек офицерини биринчи кўришимиз эди...

Капитан худди Рокоссовскийга ўхшаб, кўкраги тўла орден ва медалларини жаранг-журунг қилиб ёнимиздан ўтаркан, Арслон иккимизга бир қараб қўйди. Бироқ индамади. Унинг чеҳрасида, юпқа лабларида аллақандай бир қатъият бор, ҳаракатлари кескин, шиддатли эди.

Қайтиб келаётиб, капитан яна менга қаради. Мен тиржайиб турган эканманми, билмадим, тўсатдан рўпарамда тўхтаб:

— Хўш, нимага куласан, солдат?— деб сўради.

— Кулаётганим йўқ, ўртоқ гвардиячи капитан...

Капитаннинг қўй кўзлари сал қисилиб, лабларига кулги югурди-ю, чеҳрасидаги қатъият йўқолиб, кўзимга жуда ёш кўриниб кетди.

— Қаерликсан?— деди капитан яна қовоғини солиб.

— Чимкент областиданман, ўртоқ гвардиячи капитан.

— Чимкент?— деди капитан.— Шаҳарнинг ўзиданмисан?

— Йўқ. Қорасув деган қишлоқ бор. Ушатданман, ўртоқ капитан.

— Қорасув?— деб такрорлади у.— Қорасув... фамилиянг нима?

— Муродов, Мансур Муродов, ўртоқ капитан.

— Ҳм...— деди капитан.— Рус тилини яхши биларкансан-ку!.. Қаерда ўргангансан?

— Илгари шаҳарда турардик, ўртоқ капитан. Олтинчи синфгача рус мактабида ўқиганман.

Капитан яна бир марта менга бошдан-оёқ разм солди-да, тўсатдан:

— Хатинг чиройлими?— деб сўради.

— Билмадим...

— Қани, исм-фамилиянгни ёз-чи!— У шундай деб планшетидан қалин блокнот билан ручка олиб қўлимга тутди. Мен исм-фамилиямни ёздим.

— Яхши,— деди капитан ва «Харитонов!» деб чақирди.

Офицерлар орасидан юзида кулгичлари ўйнаб турган ёшгина старший лейтенант чиқиб честь берди. Унинг ҳам кўкраги орден-медалларга тўла эди, честь берганида жаранг-журунг бўлиб кетди.

— Эшитаман, ўртоқ капитан!

— Бу солдатни вақтинча Дмитрий Михайловичнинг ихтиёрига ўтказасан,— капитан ёнидаги шоп мўйловли старшинага ишора қилди, сўнг яна менга юзланди.— Гап шу. Батальон штабида мирзалик қиласан... Қаршилиқ йўқми?—Тўсатдан ўзбекчалаб сўради у.

Мендан олдин Арслон жавоб берди:

— Нега қаршилиқ қилар экан? Биз буни шоир деймиз ўртоқ капитан. Ўзиям кеча-ю кундуз ёзгани ёзган, чизгани чизган!

Капитан мийғида кулиб, Арслонга қаради.

— Сенинг исминг нима?

— Арслоншер! Қалай, ўхшайманми, ўртоқ капитан?— деди Арслон кўкрагини кериб.

— Сен ҳам Қорасувданмисан?

— Худди ўзгинасидан-да, ўртоқ капитан! Қорасувнинг ширин-ширин булоқларидан сув ичиб, арслондай йигит бўлганмиз, ўртоқ капитан!

— Сен ҳам шоирмисан дейман?

— Шоирликка йўл бўлсин, ўртоқ капитан! Қишлоқда кетмончи эдик, армияга келиб, автоматчи бўлдик. Биз фақирга шу ҳам бўлаверади, ўртоқ капитан!

— Молодец!— капитан хурсанд бўлиб Арслоннинг елкасига қоқиб қўйди.— Яхши солдат шунақа бўлиши керак... Хўп, Мансурбек, кечқурун батальон штабига боравер!— Капитан шундай деди-да, ёнидаги офицерлар билан бирга қирдаги чодирларга қараб кетди.

Мўғулистонга келган бир эшелон солдат орасида биз ўзбеклардан беш йигит эдик. Тақсимот пайтида ҳаммамиз ҳар томонга тарқаб кетдик.

Арслон иккимиз биринчи батальонга, ҳамқишлоғим Шоюсуф билан Серкибой деган қозоқ йигит учинчи батальонга тушишди. Лекин энг қизиги, орамизда Мирҳайдар деган кеча-ю кундуз фақат овқатни ўйлайдиган, қорнининг қули бўлиб қолган баланд бўйли галварсроқ бир йигит бор эди, келиб-келиб уни ПФСга, яъни озиқ-овқат омборига олишибди! Буни эшитиб, кулавериб ичагимиз узилай деди.

— Бундан чиқди, омборга каламушни мудир қилишибди-да,— деди Арслон.— Қайси аҳмоқнинг хаёлига келди бу фикр?

— Нега аҳмоқ бўларкан?— пўнғиллади Мирҳайдар, узун гўштор бурнини жийириб.— Армиядан олдин нима иш қилгансан, деб сўрашди. Рабкоопда ишлаганимни айтувдим, ПФСга олсак борасанми, дейишди. Нима, йўқ, дейманми? Жоним билан бораман, дедим...

— Сен-ку, жон-жон дейсан. Лекин омборда сен ўтирсанг, бизнинг ҳолимиз нима кечади?

Мирҳайдар сўйлоқ тишини кўрсатиб ишшайди.

— Қўрқма, менинг чўмичим мой бўлса, сенинг ҳам қошигинг қуруқ бўлмайди, оғайни!

Биз худди қайта кўришмайдигандай қучоқлашиб хайрлашдик.

Мен взводда пулемётчи эдим. Ёрдамчи Вася Колбаскин деган, қош-киприклари оппоқ, кичкинагина бўлса ҳам пишиққина солдат эди. Кечқурун қўл пулемётимни Васяга топшириб, майда-чуйдаларимни буюм тўрвамга жойлаб, штабга кетдим.

Батальон штаби ҳам оддий чодирга жойлашган, фақат бу чодир дарё бўйидан сал баландроққа, қир ён бағрига тикилган эди.

Арслон мени штабгача кузатиб қўйди. У ҳамон капитаннинг Қорасувни суриштирганидан ҳайрон бўлиб:

— Бизнинг қишлоқни қаёқдан билади, а?— деди пилоткаси билан бошини ишқаб.— Қўшни қишлоқданмикан, ҳамқишлоқ чиқиб қолса-я ҳали?

— Ҳамқишлоқ бўлса нима бўпти?

— Нима бўлишини кўриб турибсан-ку!— деди Арслон.— Ҳалитдан штабга мирза қилиб қўйди. Шу кетишда ефрейтор бўл кетишинг ҳам ҳеч гап эмас. У ёғи генерал бўлишингга сал қолади!

Мен ҳам ундан қолишгим келмай:

— Генерал бўлсам, сени ўзимга югурдак қилиб олардим!— дедим.

— Мен югурдак бўлсам ҳам сендақа генералга этигимни тозалатардим!— деди Арслон кулиб.— Мен билан ҳазиллашсанг майли-ю, бироқ капитан билан ҳазиллаша кўрма. Аммо-лекин ўзи ҳам йигитмисан йигит экан-да! Капитанни айтаман. Лочинга ўхшай-

ди-я, азамат! Худо бераман деган бандясига қўш қўлаб бераверар экан-да. Кўкрагидаги орденларини кўрдингми?

— Нима қипти?

— Нима қипти, дейди-я! Кўкрагида Александр Невский ордени ҳам бор-а! Буни ҳаммага ҳам беришавермайди, каллаварам!.. Ана, келдик маконингга!

Биз тепасига қизил бўёқ билан «штаб» деб ёзиб қўйилган катта чодирдан берироқда тўхтадик. Арслон қўлимни қаттиқ қисаркан, яна тиржайди:

— Катта бўлдим, деб, биздақа фақир-фуқароларни ёсингдан чиқариб қўйма. Бориб тур ротага!

— Сен ҳам келиб тур, оғайни. Мен начальник бўлсам ҳам камтарин начальникман.

Биз кулишиб хайрлашдик. Арслон орқага қайтди. Мен шабада тегсин деб, четлари кўтариб қўйилган чодирга кирдим. Кирдиму, бир аум лол бўлиб қолдим. Чодирнинг ўртасида, олдида кичкинагина кўзгу, кўксини тўлдирган узун тилла ранг сочини ўриб, ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бир қиз ўтирарди. Елкасидаги погонига қараганда, қиз кичик лейтенант эди. Қиз мовий кўзаларини кўзгудан узиб, менга қаради.

Унинг худди тагида митти тошларигача кўриниб турадиган тоғ чапмасидай тиниқ кўзаларидан ажиб бир мовий нур қуйилиб турар, бу нур гўё чодирни ёритиб юборган эди.

— Келинг, солдат!— қиз олдин бир ўрим йўгон сочини елкасига ташлаб, менга мулойим тикилди. Кейин... оппоқ сонларига кўзим тушганини кўриб, юбқасини тўғрилади-да, ўрнидан сапчиб турди.

— Командирни кўрганида солдат нима қилиши керак?

Қизнинг овози қатъий бўлса ҳам важоҳати, айниқса кўкракларининг учига тўғри келган медаллари галати туюлиб, кулгим қистади. Ўзимни зўрға босиб:

— Кечирасиз, ўртоқ кичик лейтенант,— деб честь бердим.—Оддий солдат Муродов. Гвардиячи капитаннинг буйруғи билан штабга келдим!

— Ҳа, капитан айтган солдат сенмисан? Капитан ўз ҳамшаҳарларидан топибди-да мирзани!— деди қиз. Бу гап менга қаттиқ текканини сезди шекилли, тиниқ кўм-кўк кўзаларини сал сузиб, қўлини чўзди:

— Танишиб қўяйлик. Кичик лейтенант Оля Куприянова.

— Бўпти, ўртоқ кичик лейтенант!— Мен унинг кичкина узунчоқ кафтини қаттиқ қисдим.— Мансур Муродов.

Қиз тўсатдан қошларини чимириб:

— Нега тиржаясан?— деди.— Қани, смирно!

Мен яна иложсиз ғоз турдим.

— Агар бунақа тиржаядиган бўлсанг, олдимда доим ғоз турасан. Сен тугул офицерлар ҳам тиржайган эмас менга. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ кичик лейтенант!

— Фронгда бўлганмисан?

— Йўқ, ўртоқ кичик лейтенант!

— Ҳали порохнинг ҳиди қанақалигини билмайсану, қизларга кўз қисасан! Ешлик қиласан, йигит! Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ кичик лейтенант!

— Бўпти. Бирга ишлаймиз. Ана у сандиқ сеники. Унда штабнинг лаш-лушлари туради. Сандиқнинг у ёғида сен ётасан, бу ёғида мен. Хўп, мен кетдим. Капитан сўраса, биринчи ротага кетди, де. Тушундингми?

Қиз сочини бошининг орқасига турмаклаб, пилоткасини пешанасига чиройли қилиб қўндирди-да, чодирдан чиқа бошлади. Лекин худди шу пайт чодирнинг олдида... фуражкасини чапаниларча қўндириб олган, бўй-басти келишган, хипчагина, хушқомат бир капитан пайдо бўлди.

Капитан Оляни кўриб, бир қадам орқага чекинди, кўзгудай ялтираб турган хром этикларини шақ-шақ уриб, ғоз турди.

— Салом, ўртоқ кичик лейтенант!..

— Салом,— Оля тўхтади.

Капитаннинг қоп-қора кўзларида ҳайрат порлади, лабларининг четида, ўзига ярашиб турган ингичка мўйловининг тағида мулойим табассум жилва қилди.

— Танишиб қўяйлик, ўртоқ кичик лейтенант,— деди у қўлини чўзиб — Артём.

— Оля...

Капитан қизга бошдан-оёқ разм солиб, оппоқ тўшларини кўрсатиб, яна кулди:

— Полкимизда шундай жозибали қиз бор экану, кўрмабман-а!

— Буни қаранг,— Оля ҳам кулди.— Мен ҳам сизни кўрмабман-а!

— Полкка келганимга уч-тўрт кун бўлди,— деди капитан.— Тўппа-тўғри Кавказдан келдим,— қўшимча қилди у, «Кавказ» сўзини қандайдир бошқача, сирли оҳангда талаффуз этиб.— Бу жазирамага ҳеч ўрганолмаяпман. Сиз ҳам қийналаётгандирсиз, Оленька?

— Йўқ, кўникиб қолдим...

— Қўйинг шу гапларни!— деди капитан кўзини сузиб.— Бизнинг Кавказ тоғларида яйраб юрадиган қиз...

Оля елкасини учирди.

— Худди ҳозир Кавказга олиб кета оладиган одамдай гапирасиз-а?!

— Ноумид шайтон, Оленька. Жон-жон деб олиб кетаман. Фақат сиз розилик берсангиз, бас...

— Бўпти. Олиб кетадиган куни келинг!— Оля шундай деб ҳазиллашди-да, ўзига ярашган брезент этикчаларини дукиллашиб, сойга қараб чопқиллаб тушиб кетди.

Капитан унинг кетидан бир зум тикилиб қолди, кейин томоқ қириб, менга юзланди.

— Тузук нарса экан, а, солдат?— деди у ва чап кўзини қисди.— Комбат ҳам баломи дейман, а?

— Нима?— дедим унинг гапига тушунмаган бўлиб.

— Лапашанг!— капитан қовоғини солди.— Комбат қаёқда?

— Билмасам...

— Келса айт — полкка телефон қилсин. Капитан Ногаевга де! Уқдингми?— У Оля кетган томонга яна бир кўз ташлади-ю, чодирнинг орқасига ўтиб кетди.

Ногаев менга ёқмади... Лекин... нега Оля бу шилқим билан кулиб гаплашди? Нега уни дарҳол силтаб ташламади!.. Бу фикр негадир (балки қиз менга ёқиб қолгани учун бўлса керак) кўнглимни гаш қилди.

Таъбим тирриқ бўлиб, похол устидаги тўшакка чўзилдим.

«Сандиқнинг у ёғида сен ётасан, бу ёғида мен...» Сандиқ жонвор ҳам пастаккина эди. Беихтиёр кулиб қўйдим.



Четлари кўтарилган чодирнинг ичи салқин, кундузги ҳарорат пасайиб, ғир-ғир шабада эса бошлаган эди.

Бу ердан, қир ён бағридан, бутун атроф кафтдай кўринар эди. Тўрт томон, олисдаги япасқи қирларгача кенг дашт, даштда сон-саноқсиз чодирлар, узоқда, чодир тикилмаган жойларда машиналар, от-аравалар, брезент ёпилган тўп ва танклар қаторлашиб турибди. У ер-бу ерда дала ошхоналарининг мўриларидан тутун бурқсийди, солдат қўшиқлари эшитилади.

Бу жазирама чўлда Забайкалье фронтининг янги кўшилмалари, янги полк ва батальонлари ташкил қилинмоқда. Ташкил қилинаётган янги қисмлар орасида Берлин остонасидан кўкраклари орден-медалларга тўлиб қайтган кекса солдатлар ҳам, кечагина запасдаги полкдан чиққан бизлардақа жўжаҳўрозлар ҳам бор эди. Яна бир неча кундан кейин бу қисмлар Манжурия чегарасига қараб йўл олади...

— Ҳа, келдингми, Мансуржон?

Мен ўрнимдан сапчиб турдим.

— Уртоқ гвардиячи капитан! Буйруғингизга биноан...

— Вольно!— деди капитан ва чиройли планшетини темир сандиқчага ташлаб, ечина бошлади.

— Бундай, Мансурбек. Штаб бошлиғимиз касал бўлиб медсанбатга тушиб қолди. У киши қайтгунча қоғозбозлик ишларини ўзинг тўғрилаб турасан...— Капитан кулимсираб қўйди, планшетидан бир варақ қоғоз олиб, столга ташлади.— Буни «форма бир» дейдилар, эртага шунини тўлдириб, полк штабига элиб берасан. Тушунмаган жойинг бўлса, Оля билан старшина Салодан сўраб, билиб оласан... Нега куласан?— тўсатдан сўради у. Бу унинг иккинчи марта шундай дейиши эди. Мен қизариб:

— Кечирасиз, ўртоқ капитан,— дедим.— Сиз Сало деганингизга... Вазвудимизда Вася Колбаскин деган бир солдат бор...

— Э, шунақами?— кулди капитан.— Бунақа ғалати фамилиялар кўп. Лекин ажойиб одам. Старшина Салони айтаман. Олтин одам. Хўш, нима деягандим? Ҳа, ўша одам билан ишлашаверасан. Менинг қоғозбозликка тоқатим йўқ, ука... Мана, Дмитрий Михай-

лович ўзлари ҳам келдилар. Хизрни йўқласак ҳам бўларкан...

Дмитрий Михайлович, бояги шоп мўйлов, миқти старшина, икки қўлида икки котелок шавла, қўлтиғида бир буханка нон, чодирга оҳиста кириб келди.

Мен уни кўриб, ўрнимдан сакраб турган эдим, старшина юзини бужмайтириб:

— Утиравер, ўғлим, Утиравер,— деди.— Бундан кейин мени кўрганда ўрнингдан турмасанг ҳам бўлаверади.— У котелокларни кўчма столга дўқиллатиб қўйди.— Бугун яна сули шавла. Жонга тегиб кетди.

— Иштаҳалар карнай, сули бўлса ҳам ураверамиз,— деб ҳазиллашди капитан.— Қани, ўтиринг, Дмитрий Михайлович.

— Раҳмат. Мени интендант чақирган эди, бориб келай. Бемалол олаверияглар...

Старшина сандиқдан қандайдир қоғозларни олиб, шошиб чиқиб кетди. Капитан гимнастержасини чодирнинг қозигига илиб, қалин қўнғир сочларини силай-силаё ёнимга келиб ўтирди.

— Қани, қошиғингни ол, иккимизга ҳам етади бу овқат!

Қошиғимни олиб, капитаннинг рўпарасига ийманибгина ўтирдим.

Запасдаги полкда командирлар олдида ғоз туришга одатланиб қолганим учунми, капитаннинг бу таклифи ҳам, старшинани «Дмитрий Михайлович» деб чақирिशлари ҳам жуда ғалати туюлди. Афтидан, жанглarda тобланган бу одамлар ўртасида биздай жўжахўрозларнинг ақли етмайдиган бошқача муносабатлар ҳукмрон эди.

Капитан нонни иштаҳа билан чайнаб, шавла ейишга киришаркан, тўсатдан:

— Бу дейман... Қорасув яхши қишлоқми, Мансурбек?— деб сўраб қолди.

Бейхтиёр илжайдим.

— Нимасини айтасиз, ўртоқ капитан! Ҳамма ёқ булоқ, боғ-роғ...

— Шунақами?— деди капитан қошларини чимириб.— Мабодо сен... Саидикром тегирмончи деган одамни танитайсанми?

Мен ҳайрон бўлиб:

— Нега танимас эканман?— дедим.— Жуда яхши танийман. Мен доим ўша кишининг тегирмонида буғдой торттирдим...

Капитан ер остидан менга бир қараб олди.

— Бўлмаса, у кишининг қизи... Саломатхонни ҳам танисанг керак?

Юрагим бир ҳаприқиб тушди.

— Танийман. Лекин сиз... сиз уни қаёқдан танийсиз, ўртоқ капитан?

Капитан қошиғини шавлага қадаб, ўрнидан турди.

— Мен уни таниганим...— деб қизаринқираб кулди.— Техникумда бирга ўқиганмиз...

— Ростданми? Бўлмаса, балки биларсиз,— дедим ҳаяжондан энтикиб.— Саломатхон...

— Чол қалай?— деди капитан сўзимни бўлиб.— Қишлоқдан чиққанларингда тузукмиди?

— Ҳа, ёмон эмас, фақат... катта ўғлидан қорахат келиб, бир оз чўкиб қолувди...

— Ҳмм...— Капитан бошини бир томонга сал эгиб, ўйланиб қолди.— Уруш тугасин-чи, бир борар эканмизда Қорасув томонларга!

Мен: «Албатта борасиз!» демоқчи эдим, шу пайт тўсатдан телефон жиринглаб қолди.

Капитан трубкани олиб, қулоғига тутди-да: «Хўп бўлади, ўртоқ полковник!»— деди. Сўнг, трубкани шақ этиб жойига қўйиб, шоша-пиша кийина бошлади.

— Мен штабга бориб келаман. Балки кечроқ қайтарман. Сен бугун дамингни олавер... Буни қара, салкам ҳамқишлоқ чиқиб қолдик-ку! Ҳали кўп гаплашамиз!— капитан кўзини қисиб кулимсиради-да, фуражкасини пешанасига қўндириб, чодирдан чиқди.

Мен шундагина Ногаев эсимга тушиб, орқасидан қичқирдим:

— Уртоқ капитан! Ногаев деган капитанга телефон қилар экансиз.

— Ким?— деди Даврон ака тўхтаб.

— Ногаев. Капитан Ногаев.

Даврон ака бир нима деб қўлини силтади-да, жадаллаб кетди. Мен унинг орқасидан тикилганимча ўйланиб қолдим.

Минг тўққиз юз қирқинчи йилнинг илиқ ёз оқшоми. Мен мактаб ҳовлисида турган бричка аравада, қалин тўшалган қуруқ пичан устида чалқанча ётибман.

Уша куни товонимга игна кириб, синиғи ичида қолган эди. Мени шаҳар касалхонасига жўнатишяпти. Мен билан бирга ўша аравада етти йиллик мактабни битирган бир гуруҳ қиз-йигитлар ҳам кетишяпти. Мен шаҳарда қоламан. Улар эса поездда Тошкентга, ўқишга жўнашади. Шаҳарга кетаётган иккита араванинг атрофига бутун қишлоқ аҳли йиғилган ҳисоб. Йигитлар хушнуд, шарақлаб кулишади, қизлар эса шодликларини яширишиб, кўз ёши қилаётган хотин-халажнинг пинжига суқилишади...

Тўсатдан: «Ана, келишяпти!.. Қаёқларда қолдингиз, Саломатхон?» — деган овозлар эшитилди.

Мен бошимни кўтариб қарайман: Саломатхон, эғнида атлас кўйлак, бошида зардўзи дўппи, қўлида бир тутам райҳон, ўзини қизларнинг қучоғига отди.

Мен бир йилдан бери унга салгина ошиқман. Ушандан бир ҳафта олдин, унинг мактабни битирувчилар кечасида айтган қўшиқларини эшитганимдан бери эса ҳадеб кўргим келади. Шунинг учун Саломатхон келди дегунча, назаримда, осмонга ой чиқиб, ҳамма ёқ ёришиб кетгандай туюлди...

Саломатхоннинг дадаси соқол-мўйловидан тегирмонгарди аримайдиган (у киши қишлоқда тегирмончилик қиларди) қора қош, қора кўз, хушсурат мўйсафид қизининг пешанасидан ўпиб хайрлашди.

Саломат ҳам бошқа қизлар қатори мен ётган аравага чиқаётганини кўриб, юрагим тотли ҳисларга тўлди.

Шу пайт тоғам — мактаб директори:

— Саломатхон, — деб уни тўхтатди. — Мен эрталаб отда етиб бораман. Ўзим ҳаммаларингни поездга тушириб юбораман. Вокзал ёнидаги боғда кутинглар... Ҳа, айтмоқчи, аравада жияним ётибди. Ёнингиздан жилдирманг...

— Хўп, домла, — Саломатхон аравага чиқиб, бош томонимга ўтди, атлас кўйлагини тўғрилаб, дурустроқ жойлашиб ўтираркан, энгашиб:

— Оёғига игна кирган йигитча сизмисиз? — деб сўради.

— Ҳа,...

— Оғрияптими?

— Йўқ, — дедим мен. Чунки чиндан ҳам оғриқ сезмасдим, агар оймлар, оёққа кирган игна қон билан мияга чиқармиш», деб ваҳима кўтармаганларида балки докторга ҳам бормас эдим. Саломатхон менинг «йўқ» деганимга ишонмай, бошини чайқади.

— О, чидамли экансиз. Мен шунақа бўлсам... Билмадим, ҳозир додлаб ётармидим!.. — У қўли билан пешанамни силаб, мулойим жилмайди.

Унинг чиройли бурун катаклари, кулиб турган қопқора кўзлари, бошимни силаган қўллари шундай мулойим, нафис, шундай гўзал кўринардикки, бир зум сеҳрлангандай тикилиб қоламану, кейин уялиб юзимни четга бураман...

Саломатхон яна кулимсиради.

— Олма ейсанми? — деди у тўсатдан «сансираб» ва менинг жавобимни кутмасданоқ хуржунидан катта бир олма олиб қўлимга тутқазди. — Бу — фақат бизнинг қишлоғимизда, Қорасувдагина ўсадиган, ҳар бири пиёладек келадиган дастор олма.

Саломатхон ўзи ҳам битта олмани карс-карс тишлаб, дугоналарининг ёнига ўтди.

Шу заҳотиёқ қизларнинг сирли шивир-шивир, пиқир-пиқир кулгиси бошланди. Мен олмани кафтларим орасига олиб ҳидладим. Димоғимга олма ва райҳоннинг бир-бирига аралашиб кетган хушбўй ҳиди «гуп» этиб урди. Қаранг, олмага бирпасда Саломатхоннинг қўлидаги райҳон ҳиди урибди... Кўнглим яйраб, кўзимни юмдим, назаримда, аравада эмас, кемада, катта ва сокин дарёда сузиб кетаётгандай бўлдим...

Кўзим илинган эканми, билмадим, тўсатдан олдинги аравадаги йигитларнинг қўшиғини эшитиб, уйғониб кетдим. Бир эмас, бир неча йигит овозлари унча қовушмаса ҳам аллақандай ички бир дард билан тўлганиб, ашула айтишарди:

«Агар тош бўлса ҳам кўнглинг зриб, лозим эди раҳминг,  
Кўзига душманам, ер бирла яксон айладинг кетдинг...»

Билмадим нега, лекин менга шундай туюлдики, гўё йигитлар ашулани ёлғиз Саломатхон учун айтишар, гўё унинг кетаётганидан, шундай қиздан айрилиб қолаётганларидан нола қилишарди...

Бу фикримни тасдиқлагандай, ашула тугаши билан қоронғиликдан:

— Саломатхон!— деган дўрилдоқ овоз эшитилди. — Битта ашула айтиб беринг энди! Бундан кейин овозингизни эшитиш насиб бўладими, йўқми?

— Вой, нега ундай дейсиз?— деди Саломатхон ўп-калаб.

— Энди... ким билади, катта шаҳар, бунақа кенг далалар, бунақа сайиллар қаёқда дейсиз? Айта қолинг энди!

Аравадаги қизлар ҳам:

— Айта қолинг, Саломатхон!

— Йигитларнинг сўзини ерда қолдирманг!

— Бунча ноз қиласиз?— деб чуғурлаб кетишди.

Кўнглимда, Саломатхон ўша битирувчилар кечасида айтган қўшиғини айтса, деб илтижо қиламан, ўша оқшом мактаб боғида ҳаммани ҳайратга солган чашмадай тиниқ, янгроқ овозини яна бир эшитсам дейман, лекин Саломатхон тўсатдан:

— Келинлар, қизлар, «ёр-ёр» айтамыз!— деди. Қизлар жавоб бергунча бўлмай, ўзи секин бошлади:

•Йўлим олис, отим ориқ,  
Етолмайман, ёр-ёр, етолмайман,  
Дарё тошқин, сувлар шопқин,  
Ўтолмайман, ёр-ёр, ўтолмайман...•

Қизлар ҳам кўп ноз қилишмасдан, Саломатхоннинг қўшиғини илиб кетишди.

•Йўлим олис, отим ориқ,  
Етолмайман, ёр-ёр, етолмайман...•

Қизларнинг ҳам ўйноқи, ҳам хиёл куйга йўғрилган қўшиғидан кўнглим сув ичгандай бўлиб, бошимни кўтараман. Назаримда, қоронғиликка чўмган кенг дашт, тўйган қўзичоқлардай мудраб ётган қирлар, олис-олисларда чироқлари милтираб кўринган қозоқ ўтовлари, осмонни тўлдирган митти юлдузлар — ҳам-

ма-ҳаммаси қизларнинг жозибали қўшиғига маҳлиё бўлиб сукут сақлар, эриб, тўлганиб эшитар, мусофир юртта кетаётган бу илк қалдирғочларга бахт тиларди...

Юрагимга қуйилиб келган ажиб бир туйғулардан теримга сизмай чалқанча тушиб ётаман, ётаману, яна боягидай дарё, йўқ, сокин бир денгизда қайиқда сувиб кетаётгандай бўламан, назаримда, узоқда милт-милт этган қозоқ ўтовлари ҳам, ўтов эмас, балки чироқлари ўчиб-ёниб бораётган денгиз кемалари-ю, бу кемалардан ажиб бир ўлан, ҳазин бир куй оқиб келаётгандай туюлади...

«Йўлим оляс, отим ориқ  
Етолмайман, ёр-ёр, етолмайман.  
Дарё тошқин, сувлар шошқин,  
Ўтолмайман, ёр-ёр, ўтолмайман...»

Ширакайф одамдай, дилимдаги ҳислардан маст бўлиб кўзимни юмаман, сўнг қандайдир нозик бармоқлар бошимни, юзимни силаганини сезиб, уйғониб кетаман.

Ашула тинган, Саломатхон ёнимга ўтириб, кўрпасини ёзмоқда эди.

— Совқотмадингми? — деди у, қоронғида қимирлаганимни сезиб.

— Йўқ...

— Кечаси шудринг тушади, — Саломатхон кўрпамнинг устидан наматга ўхшаган бир нарсани ёпдида, ўз кўрпасига ўранди. Сал ўтмай, қизлардан бирининг:

— Саломатхон, ҳо Саломатхон. Уйғоқмисан? — деб шивирлагани эшитилди. — Қўрқмайсанми? Шаҳардан қўрқмайсанми?

— Сен-чи? — деди Саломатхон.

— Менга бало урармиди?

— Менга-чи? — кулди Саломатхон.

— Сен сулувсан. Сулув қизларнинг кетига тушадиганлар кўп бўлади.

— Қаёқдаги гапларни топмай ўл! — деди Саломатхон кулиб.

...Эрталаб мени тоғам уйғотади. Арава касалхонанинг олдида турар, лекин на Саломатхон кўринар эди, на қизлар.

Кўзим жавдираб атрофга қарадим, назаримда, кечаси кўрган-кечирганларимнинг ҳаммаси: йигитларнинг дардли қўшиғи, қизларнинг ҳазин ёр-ёрлари, Саломатхоннинг пешанамни силагани: олисдаги қозоқ ўтовлари, осмон тўла юлдуз, сокин денгизда қайиқда сузиб кетаётгандай бўлганларим — бунинг ҳаммаси ҳақиқат эмас, шунчаки ширин бир рўё, гўзал бир туш вди!..

Мен анчагача бу тушни қўмсаб, ўша ажойиб оқшомни, Саломатхоннинг дилрабо овозини соғиниб юрдим. Шунинг учунми, билмадим, қишлоқда «Саломатхон биров билан қочибди», деган мишмиш тарқалганида, бир неча кунгача ўзимни қаёққа уришни билмай, тўлганиб юрдим...

Саломатхон ҳақидаги мишмишлар бир-биридан хунук, бир-биридан даҳшатли эди!

«Саломатхон безориларга қўшилиб, ёмон йўлларга кириб кетибди!»

«Саломатхонни олиб қочган йигит уни уйдан қувиб юборибди!»

«Саломатхон мусофир юртида хор бўлиб юрганмиш!...»

Эсимда бор, бир куни гузардан ўтаётганимда чойхонадан кимнингдир осмонни бошига кўтариб, бўралаб сўкинаётган бўғиқ овозини эшитиб, чошиб кирдим.

Чинор тагидаги сўрида чарлстон шим ва оқ шойи кўйлак кийган бир гуруҳ йигитлар ўтирар, булар уруш бошлангандан кейин ўқишни ташлаб, қишлоққа қайтган студентлар эди. Уларнинг қаршисида Саломатхоннинг отаси — соқол - мўйловига тегирмон гарди илашган кекса тегирмончи турар ва қўлларини пахса қилиб бақирар эди:

— Ким айтди сенларни белида белбоғи бор йигитлар деб? Мард бўлсаларинг қизимни бир бегонага олдириб қўярмидиларинг. Олдириб қўйиб, кетидан бе-маза гапларни тарқатиб юрармидиларинг?.. Тўғри қилган қизим! Ўзи уdda қилолмай, кетидан хотинлардай фисқи фасод қилиб юрадиган сендақа ҳезлардан ўша бегона яхши! Балли! Қандини урсин ўша йигит!..

Йигитлар чурқ этмай, бошларини эгиб ўтиришар, чунки тегирмончи сўкиниб гапирса ҳам кўзларида оққан ёш тегирмон гарди қўнган юзида тарам-тарам из қолдириб, соқолига сизарди...



Мен ўлкам тўлиб, секин орқамга қайтдим.

Ўшандан кейин бир неча йил ўтди. Болаликда уй-ғонган ғалати туйғу, ширин туш ҳам аста-секин эсимдан чиқиб кетди, чунки бу ўртада Саломатхон ҳақида бир оғиз гап эшитмадим. Фақат ўқтин-ўқтин буғдой торттиргани тегирмонга бориб, кекса тегирмончини кўрганимдагина ўша серюлдуз сокин оқшом эсимга тушиб, кўнглим бир хил бўлиб кетарди. Соч-соқоли, қош-кўзлари тегирмон гардидан оппоқ оқарган тегирмончи, олдида чилим, тегирмоннинг ярим қоронғи зах хонасида доим бошини ҳам қилиб, хаёлга толиб ўтирар, келган-кетганларга унча рўйхуш бермас, «опкет, ташлаб кет»дан бошқа гап айтмас эди. Хотинлар: «Бечора чол! Суюкли қизидан айрилиб савдойи бўлиб қолди!» — деб пичирлашар эди.

... Қирқ тўртинчи йил, сентябрь ойининг ўрталари. Ўқишни йиғиштириб колхозда аравакашлик қилиб юрган пайтларимиз. Бир куни заводга пахта олиб кетган Арслон кечқурун ҳовлиқиб келиб қолди.

— Биласанми, мен шаҳардан кимни олиб келдим.

— Хўш кимни?

— Тегирмончининг қизини. Ўша урушдан олдин фарғоналик йигит билан қочиб кетган қизи бор-ку, ўшани... Аммо-лекин, ўзиям йигитлар куйганича бор экан-да! Ҳалиям онаси ўпмаган қизга ўхшайди-я. Жилмайганда олам ёришиб кетгандай бўлади...

— Ҳа, жигарингдан урганми дейман, а? — деб кулдим.

— Жигаримдан уриб бўпти-ю, аммо сендақа шоир бир кўрса девона бўлиб, «ҳу» деб қишлоқдан чиқиб кетади, оғайни!..

Арслоннинг гапига кулиб қўя қолсам ҳам Саломатхонни бир кўргим келиб, бир-икки марта тегирмончининг уйи атрофидан ўтдим, тегирмонга бордим, лекин уни учратолмадим. Фақат қулоғимга ҳар хил мишмишлар чалинарди:

«Бечоранинг эри урушда ўлганмиш».

«Эрининг қариндошлари айттирган экан, кўнмаганмиш».

«Эрининг опа-сингиллари паранжига ўраб, уйдан чиқармай қамаб қўйишган экан, қочиб келганмиш».

Бир кун қишлоқ советининг котиби мени излаб келиб қолди.

— Кечқурун колхоз боғида қаҳрамон билан учрашув бўлади. Дутор-сеторларингни олиб борар экансан.

Уша маҳалларда биз уч-тўртта қиз-йигит мактабда бадий ҳаваскорлик тўғараги ташкил қилиб, узун қиш кечалари концерт-понцерт кўрсатиб, одамларни овунтириб юардик.

Қаҳрамон — қўшни қишлоқда туғилган йигит, фронтдан ярадор бўлиб қайтган, бир ҳафтадан бери бутун район унинг довуғи билан яшар, учрашув устига учрашув ўтарди. Кечқурун тўгарак аъзолари дутор-сеторларимизни кўтариб бордик.

Колхоз боғига столлар қўйилиб, дастурхонига олма-узум, қовун-тарвуз тортилган, стол атрофига ўттиз-қирқ чоғли актив тўпланган эди.

Қаҳрамон ёшгина, камтаргина йигит экан. Тўрда — ижроком раисининг ёнида, ўз довуғидан уялиб, ерга қараб ўтирарди. Биз боргандан сўнг ижроком раиси мажлисни очмоқчи бўлиб, энди ўрнидан турган эди, қандайдир «шивир-шивир» бошланиб қолди. Кўча томонга бурилиб қарасам... амбулатория, мактаб ва сельпода ишлайдиган бир тўп ёш жувон кириб келяпти. Ораларида Саломатхон!.. Эғнида атлас кўйлак, оёғида пошнаси балағ қ оқ туфли, икки ўрим йўғон сочи белига тушган. Ўзиям, назаримда, ҳеч ўзагармаган, худди ўша олис ёз оқшомидагидай ёш, гўзал эди. Катта қора кўзлари уялганидан жавдираб, ёш жувонларнинг пинжиги суқилиб, нийманқираб кириб келди.

Арслон биқинимга туртиб: «Қалай?» — деб сўради, сўнг: «О-о! — деди уҳ тортиб. — Нега мени ойим беш йил олдин туғмади!»

Жувонларни тўрга, қаҳрамон билан ижроком раисининг ўртасига ўтқазиди. Шундан кейин ижроком раиси кечани очиб, қаҳрамонга сўз берди. Қаҳрамон — шон-шуҳратга ўрганмаган оддий тракторчи йигит — қизариб-терлаб, фронт ҳақида, ўзининг кўрган-кечирганлари ҳақида дудуқлана-дудуқлана гапириб берди. Унинг гапидан кейин навбат машшоқларга келди. Лекин биз биринчи номерни ижро этиб улгурмасимизданоқ, ён ёқдан: «Саломатхон битта қўшиқ айтиб берсинлар!» деган таклифлар ёғилиб кетди.

Саломатхон дарҳол отилиб чиқмаса ҳам, ноз қилиб ҳам турмади, бир-икки марта таклиф қилишгандан

кейин бизнинг ёнимизга ўтиб, иккита ашула айтиб берди... Эсимда бор, биттаси мен яхши кўрадиган «Излайман» деган қўшиқ, иккинчиси фронтдаги йигитларга бағишланган «Кел» деган ашула эди. Унинг овози бурунгидан ҳам очилиб, ажиб бир тиниқлик касб этган эди. У ҳар иккала ашулани, айниқса, фронтдаги ёрига бағишлаган «Кел» деган қўшиқни шундай чуқур бир ички дард билан айтдики, авжига чиққанида ҳаммани зир титратиб юборди. У менинг ўнг томонимда қўлини стулнинг суянчигига қўйиб, хиёл олдинга энгашиб турар, мен унинг юзини кўрмас эдим, фақат атиргул ва райҳон ҳиди димоғимга гуп-гуп урар, назаримда, бу нафис муаттар ҳид оламини тўлдириб юборган эди. Мен пиқ-пиқ йиғлаётган жувонларга қараб дутор чертарканман, дам ўпкам тўлиб, кўз ёшларимни қилт-қилт ютар, дам ўша олис ёз оқшомидагидай, дилим ёруғ ва ҳазин ҳисларга тўлиб-тошарди...

Учрашувдан кейин, дутор-сеторларни кўтариб, боғдан чиқаётган эдим, Арслон қўлимдан «шаппа» ушлаб қоронғи токзорга тортди:

— Шошма, қизларни жўнатиб, кейин кетамиз!

— Нега?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Гап бор!— деди Арслон. — Кейин хурсанд бўласан...

Бир лаҳзадан кейин жувонлар пиқ-пиқ кулишиб, ёнимиздан ўта бошлашди. Шу пайт орқада гурс-гурс қадам товуши, кейин қишлоқ совети котибининг:

— Саломатхон!— деган таниш овози эшитилди.

Жувонлар тўхташди.

— Лаббай?— деди Саломатхон.

— Сизлар кетаверинглар!— деди қишлоқ советининг котиби, — Саломатхонга бир оғиз гапим бор.

— Йўқ, тўхтаглар, қизлар! — деди Саломатхон қатъий овозда. — Булардан сир эмасдир гапингиз...

— Сир эмас... яъни, живдек ўтиришимиз бор эди, ўшанга борсангиз, деб...

— Раҳмат!— деди Саломатхон. — Учрашувга келдим, шу ҳам етар...

— Раис илтимос қилдилар...

— Раисга айтиб қўйинг, менинг хонаки ўтиришларга бориш одатим йўқ!..

— Тўхтанг, Саломатхон! — котиб унинг қўлидан ушлади чамаси, Саломатнинг «Қўйиб юборинг!» деган ўктам овози эшитилди. Бунга чидаб туролмаган Арслон бирдан қаттиқ йўталди. Шундан кейин котиб қўлини тортиб олди шекилли, Саломатхон югуриб бориб, нарироқда шивирлашиб турган жувонларга қўшилди-ю, ҳаммаси «гурр» кулишиб, нари кетишди. Котиб эса тоқзорга яқинлашишга журъат этолмай, бир сўкинди-да, орқасига қайтди.

Арслон яна биқинимга туртди:

— Гапимга энди тушундингми, каллаварам? Мен бунга бая шивир-шивир қилишаётганларидаёқ билувдим. Аммо-лекин, молодес хотин экан-да, Саломатхон! Боллади бу қўшмачини. Қойил!

Мен ҳам қалбимни тўлдирган шодлик, ҳайрат ва ғурурдан теримга сиғмай қувонардим. Арслон иккимиз худди улоқда ютиб чиққан ёш чавандоз, йўқ, оғир курашда голиб келган ёш полвондай, кўнглимиз ўсиб, тун ярмигача Саломатхон тўғрисида, унинг гўзаллиги, поклиги, овози, ақли тўғрисида гаплашиб, сукунатга чўмган қишлоқ кўчаларини айланиб юрдик.

Яна бир-икки ойдан кейин, декабрнинг охирларида, армияга жўнайдиган бўлиб қолдик. Жўнаётганлар орасида тегирмончининг кичик ўғли — Саломатхоннинг укаси ҳам бор эди. У маҳалда Саломатхон мактабда ишлар, бешинчи-олтинчи синфларга адабиётдан дарс берарди. У бир неча аёллар билан бирга бизни вокзалгача кузатиб қўйди. Эғнида эскироқ бўлса ҳам ўзига ярашиб тушган қундуз ёқали қора пальто, бошида тивит рўмол, Саломатхон укасининг қўлидан ушлаб бир четда турар, бошқа хотинлардай дод солиб йиғламас, фақат кўзларидан тирқираб оққан ёшларини жимгина артар, лекин унинг унсиз йиғиси, укасининг чеҳрасига тикилган кўзларидаги мунг бошқа хотинларнинг фарёидан қаттиқроқ эзарди кишини.

...Укаси билан запасдаги полкда бирга бўлдик. Саломатхоннинг «сир»ларини сўрагим келса ҳам ўзи гап очмагандан кейин сўрашга журъат этолмас эдим. Бир кун у қишлоқдан хат олди-ю, нима ҳам бўлиб, ўзи ёрилиб қолди. Гапига қараганда, қишлоқдаги мишмишлар ҳаммаси бекор, лекин поччаси бир йилдан бери дом-дараксиз кетган эмиш...

Саломатхоннинг укаси Читагача бирга келди. Читада уларнинг эшелони Узоқ Шарққа кетди, биз эса бу ёққа, Мўғулистонга бурилдик.

\* \* \*

...Наҳот ман-ман деган қишлоқ йигитларининг орасидан шундай қизни юлиб олиб чиқиб кетган, тегирмончи чол юм-юм йиғлаб бўлса ҳам «Балли! Қандини урсин!» деб тан берган азамат йигит шу ёш капитан бўлса? Ё у ҳам шунчаки Саломатхонга шайдо бўлиб, қуруқ қолган мажнунлардан биттасимикан? Лекин унақа бўлса, нега Қорасувни қайта-қайта сўради, тегирмончини синчиклаб суриштирди?.. «Уруш тамом бўлса қишлоқларингга борар эканмиз-да», деди. Бораман эмас, борамиз-да, деди.

Хаёлим чувалашиб, ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим.

Кўз илғамас кенг дашт, пастдаги қатор-қатор чодирлар, боя кўриниб турган машиналар, тўплар, олисдаги қирлар — ҳаммаси фақат саҳродагина бўладиган майин қоронғиликка чўмган, у ер-бу ерда милтираган битта-яримта чироқ демаса, ҳамма ёқ зим-зиё эди. Лекин ҳар жой-ҳар жойда гармонь овози янграр, солдат қўшиқлари эшитилар, яқиндаги чодир олдида эса бир неча киши гармонга қўшилиб ҳўштак чалар, кимдир этиги билан ер депсиниб ўйинга тушар, бошқалар осмонни бошларига кўтариб қийқиришар эди! .

Мен қовжираб қолган ўтларга ёнбошлаб, осмонни тўлдирган ғуж-ғуж юлдузларга тикилдим. Бундай йирик ва оппоқ юлдузлар фақат саҳро осмонида бўлади... Ана, етти қароқчи, етти қароқчининг устида, қора бахмалга сочилган зардай, нафис ялтираган сомон йўли... Сомон йўлининг пастроғида яна бир ҳовуч оқ юлдуз. Бу — Ҳулкар!..

Беихтиёр қишлоқ кўз олдимга келди.., Бундан бир йил муқаддам, худди шу кунлари, Арслон иккимиз даштда қиз-жувонларга қўшилиб буғдой ўрардик.

Юрагимни яна ҳижроннинг аламли дуди чулғаб олди. Кўз олдимга яна ўша таниш буғдойзорлар, ўроқчи қизларнинг мулойим чеҳралари келди, қулогимга уларнинг шўх кулгилари, ҳазил ва дилрабо ёр-ёрлари эшитилгандай бўлди-ю, ой шуъласида мудраб

ётган бу кенг дашт жуда ёт ва жуда совуқ кўриниб кетди. Мен биринчи марта суюкли она юртимдан нақадар узоқ эканлигимни тушундим, тушуниб, ўзимни жуда нотавон сездим. Фақат бир нарса кўнглимга тасалли берарди — у ҳам бўлса, гвардиячи капитан!

Уни ўйлашим билан урушдан олдин Саломатхонни «олиб қочиб кетган азамат йигит» шу капитан бўлиб чиқишини, у билан яна ҳам яқинлашишимизни дил-дилдан истардим.

Совуқдан жунжикиб, ўрнимдан турдим.

Чодирлардаги ашула ва гармонь овозлари тинган, битта-яримта чироқлар ҳам ўчган, лагерь чуқур сукунатга чўмган, фақат штаб жойлашган чодир ёруғ эди. Мен лагерь чегарасидаги соқчининг: «Тўхта! Ким келяпти?» деган хитобига паролни айтиб чодирга яқинлашдим, яқинлашдим Оля билан гвардиячи капитаннинг кулгисини эшитиб, тўхтадим.

— Интендант бўлса... нега пиёда аскарлар капитаннинг погонини тақади?— деди Оля.

— Погони ҳам «кавказликман» деган гапига ўхшаса керак-да!— кулди Даврон ака. — Шунақа биттасини илгари ҳам кўргандим. Улгудай хотинбоз йигит эди. Ўзи қайси миллатдан эканини тушуниб бўлмасди-ю, чиройли қизни кўрса бас, дарҳол гапни «Серқуёш Кавказдан» бошларди...

Оля қаҳ-қаҳ отиб юборди. Сўнг, яна сирли шивир-шивир бошланди. Мен, Саломатхон ҳақидаги бояги ўйларим эсимга тушиб, ичимда ўзимдан кулдим у секин орқага қайтдим...

\* \* \*

Шундай қилиб, штабда ишлай бошладим.

Иш кўп, сафарда керак бўладиган ҳар хил анжомлар, кийим-кечак, идиш-товоқ дегандек... нарсаларнинг рўйхатини тузиш, штабга минг хил ахборот беришдан қўлимиз бўшамас эди. Бу ишларни старшина Сало ва Оля уқовимиз қиламиз.

Капитан кундуз даштда ҳар хил машгулот ўтказар ё полк штабидаги кенгашларга кетар, бўш вақтларда ётиб китоб ўқир, Олядан немис тилини ўрганар эди. Кечқурунлари эса, Оля билан старшина Сало уқо-

ви штабга йиғилишиб, қўшиқ айтишар, урушда бўлган воқеаларни эслашиб, ярим кечагача суҳбатлашиб ўтиришар, баъзан бу суҳбатларга биринчи рота командирини, худди қизларникидай юзида кулгичлари ўйнаб турадиган ёшгина старший лейтенант Харитоновни чақириб келишар, у келса гурунғ яна ҳам қизир, чунки Харитонов ашулани ҳам, гапни ҳам қойил қилар, умуман, жуда ёқимтой йигит эди.

Баъзан, одатда ёлғиз қолган пайтларида, Даврон ака планшетидан қора жилдлик қалин дафтарини олиб, алланималарни ёзишга киришарди.

Уша пайтларда унча-мунча шеър машқ қилиб юрганим учунми, мен унинг кундалигини бир ўқиш, қора жилдлик қалин дафтарни бир варақлаб кўришни ҳавас қилар эдим, лекин капитан ёзиб бўлиб, дафтарини планшетига соларди-да, ўрнидан туриб кетарди. Баъзан шундай пайтларда Оля ҳазиллашиб:

— Асар тугаб қолдими, ўртоқ ёзувчи?— деб сўрар, капитан ҳам кулиб:

— Йўқ, Оленька,— дерди. — Буюк санъат асарлари йиллаб ёзилади!

Шундан кейин, одатда, адабиёт ҳақида, улуғ санъаткорлар тўғрисида суҳбат бошланар, бу суҳбатлар аксарият баҳсга айланиб кетарди. Мен уларнинг бу суҳбатларини жон қулоғим билан эшитгим келар, лекин кўпинча ийманиб, чодирдан чиқиб кетардим. Чунки ўрталарида аллақандай бир яқинлик бордай туюларди-ю, худди уларга халақит бераётгандай бўлардим. Шундай пайтларда негадир эсимга яна Саломатхон тушиб, ғалати бўлиб кетардим.

Оля иккимиз жуда иноқ эдик. У бошқа офицерларга ўхшаб, доим ғоз туришимни талаб қилмас, аксинча, туғишган опамдай меҳрибон эди. Лекин Саломатхон!.. Мен уни сира унутолмас эдим.

Бир куни ғалати бир воқеа бўлди-ю, хаёлим баттар чувалашиб кетди. Эрталаб котелокни чилдирма қилиб чалиб овқатга кетаётган эдим, тўсатдан... олдимдан Мирҳайдар чиқиб қолди. Мен уни кўриб, оғзим очилиб қолди: эгнида янги гимнастёрка, бошида янги пилотка, оёғида ботинка ўрнига офицерлар кийдиган хром этик, кечагина шумшайиб юрган Мирҳайдар ўрта қўлдек бир йигит бўлибди-қолибди!

— Ие, Мирҳайдар сенмисан?

— Ухшайманми ўзи? — Мирҳайдар курак тишини кўрсатиб хушнуд тиржайди-да, қаппайиб турган буюм халтачасини ерга қўйиб қўлини чўзди. — Омонми-сан, оғайни?

— Ишлар ванг-ку! — дедим унинг аллақандай очилиб кетганини кўриб...

— Худога шукур, оғайни. Ёмон эмас...

— Йўл бўлсин?

— Авваламбор, ўзингни бир кўргим келди, оғайни. Қолаверса... — Мирҳайдар мунчоқдек кўзларини милтиратиб, ғалати жилмайди. — Штабларингда... Оля Куприянова деган қиз борми?

— Хўш? — дедим қизиқсиниб.

— Шунга... бизни хўжайин майда-чуйда, совға-салом бериб юборувди...

— Қайси хўжайининг?

— Қайси бўларди? Битта хўжайиним бор-да — гвардиячи капитан Ногаев... Оляхон шўттами ўзи?

— Шўтта.

— Шўтта бўлса... — Мирҳайдар қаппайган буюм тўрвасини узатди. — Ўзинг олиб кириб бера қол. Илтимос...

Мирҳайдар гўё тўрва эмас, илон чўзаётгандай орқамга тисарилдим.

— Йўқ, йўқ, керак бўлса ўзинг олиб кириб бер! — дедим жеркиб. — Лекин эҳтиёт бўл, совға-саломинг билан афтингга урмасин.

— Ёпирай, а? — деди Мирҳайдар. — Бизнинг хўжайиндай йигит совға-салом юборади-ю, Оляхон олмас эканми? Хотин кишини билмас экансан.

— Кўрамиз! — дедим Олянинг у кунги кулгиси эсимга тушиб.

— Кўрамиз! — Мирҳайдар ғалати кулимсиради-да, штабга қараб кетди.

Мен ҳам йўлимга равона бўлдим, лекин уч-тўрт қадам юрмасданоқ тўхтаб, орқамга қарадим. Мирҳайдар штабнинг олдида тўхтаб:

— Мумкинми, ўртоқ кичик лейтенант? — деб сўради.

Чодирдан Олянинг:

— Марҳамат! — деган мулоким овози эшитилди.

Мирҳайдар менга бир қараб қўйди-да, чодирга шўнғиди.



«Оладими, йўқми? Наҳот олиб қолса?» Назаримда, Оля ҳозир Ногаевнинг совға-саломларини отиб юборадигандек, Мирҳайдар шарманда бўлиб қайтиб чиқадигандек эди.

Билмадим, балки бу мулойим қиз менга жуда ёқиб қолгани учундир, у ҳозир Мирҳайдарни шарманда қилиб, ҳайдаб чиқаришини ич-ичимдан истардим. Лекин анча вақт ўтди ҳамки, ундан дарак бўлмади. Ниҳоят, яна беш минутча ўтгандан кейин, Мирҳайдар оғзи қулоғида чиқиб келди. Мен унинг қўлида буюм тўрваси йўқлигини кўрдиму шартта бурилиб, ошхонага қараб кетдим.

Мирҳайдар мени ошхонага яқинлашиб қолганимда қувиб етди, мунчоқ кўзларини ялт-ялт қилиб:

— Хўш, нима деган эдим? — деб сўради.

— Бор, бор, тошингни тер! — дедим бошқа гап тополмай.

— Жўжаҳўроз! — деди Мирҳайдар. — Сен нимани биласан ҳали?

— Сен жа ақлли бўлиб кетибсан!

— Ҳар қалай аҳмоқ эмасдирман, мана, роҳати-жон иш топиб олдим! Менга қара, шоир, — деди у елкамга қўлини қўйиб. — Хоҳласанг мен хўжайин билан гаплашай. Сенга ҳам иш топилади ПФСдан.

— Раҳмат!

— Аҳмоқсан-да, аҳмоқ! — деди Мирҳайдар худди ёш боладан кулгандай. — Ҳалиям бўлса ўйлаб кўр, кейин афсус қилиб юрасан, ука!

Мирҳайдар шундай деди-да, секин ҳуштак чалиб саёз дарё соҳилига тикилган қатор чодирларга қараб кетди. Мен унинг орқасидан тикилиб қолдим... Наҳот бу запасдаги полкда ҳаммага кулги бўлиб юрган Мирҳайдар бўлса? Қачон бу бунчалик ўзгариб, уда-бурон йигит бўлиб қолди? Лекин энг ёмони... Наҳот шундай мулойим, жозибали, ақлли қиз унинг қўлидан бачкана бир одамнинг совға-саломларини олиб қолса?..

...Чодирга киришим билан димоғимга «гуп» этиб атир ҳиди урди.

Оля эғнида гимнастёрка, бошида эса... гулдор шо-йи дурра, чодирни йиғиштирмақда эди. Уртадаги кўчма стол устида бир уюм қоғозли конфет, шоколад ва печенье турарди...

Кичик лейтенант мени кўриб, қўлидаги супургисини ерга ташлади, кейин бошидаги гулдор дуррасини тўғрилаб, жилмайди:

— Қалай, ярашибдими?

Гулдор дурра унга чиндан ҳам ярашган, чеҳраси яна ҳам очилиб, тиниқ мовий кўзлари порлаб кетган эди.. Лекин бу дуррани унга берган одам...

Мен индамай, юзимни тескари бурдим.

— Сенга нима бўлди, Мансур?— деди Оля. — Қани ўтир, шоколад билан чой ичамиз.

— Раҳмат!

— Гўдак!— Оля қўли билан сочимни тўзгитиб кулди.

Унинг офицер экани эсимдан чиқиб, қўлини силтаб ташладим, худди шу пайт:

— Нима гап ўзи?— деган ўктам овоз эшитилди.

Чодирга кираверишда... қовоғини солиб Даврон ака турарди.

У қошлари чимирилганича:

— Нима гап ўзи?— деб такрорлади.

— Ҳеч гап йўқ!— мен шундай деб ташқарига чиқмоқчи бўлган эдим, капитан йўлимни тўсиб, тўсатдан бақриб берди:

— Сен ким билан гаплашяпсан ўзи? Командир биланми ё...

— Кечирасиз, ўртоқ гвардиячи капитан!— дедим дарҳол ғоз туриб.

— Менга қара,— деди капитан баттар қовоғини солиб. — Бор, бугун ротанг билан бирга машғулотга чиқ!

— Вой, нега?— деди Оля кўзларини катта очиб.

— Қўявер. Бу ерда ўтиравериб, жуда талтайиб кетди бу!..

— Хўп бўлади! Кетишга ружсат беринг, ўртоқ капитан?

— Боравер!— деди капитан юзимга қарамай.

\* \* \*

Ҳарбий машқлар сойнинг кунботиш томонидаги ясси қирларда ўтказилар эди.

Бу машқлар олисдаги мишенларни нишонга олиш,

қошларга сомон тиқиб ясалган «самурайлар»га найза санчиш, ер бағирлаб душман позициясига яқинлашиш каби оғир ишлардан иборат, тўғрироғи, бу машқларнинг оғир-енгил бўлиши рота командирларига боғлиқ эди. Солдатлар одатда рота командирларини икки тоифага бўлар: ҳарбий машқлар пайтида талабчанлик қилганларини «тошюраклар» тоифасига, кўп қийнамайдиганларини эса, «меҳрибонлар» тоифасига кириштишар эди.

Вахтимизга рота командиримиз—старший лейтенант Харитонов «меҳрибонлар» тоифасига кирарди. У кўп қийнамади. Бир-икки соат машқ ўтказди-да, дам олишга рухсат берди.

Офтоб терак бўйи кўтарилган, гиёҳлари қовжираб, тап-тақир бўлиб қолган дашт тандирдай қизий бошлаган эди. Биз гимнастёрка ва ботинкаларимизни ечиб, ярим яланғоч бўлиб, тақир ерга чўзилдик. Бунинг номи «офтобда чиниқиш» деб аталарди. Ҳақиқатан ҳам ҳар куни шу йўсин «чиниқиш» юрган солдатларнинг таналари чўяндай қорайган, ҳатто балиқдай оппоқ Вася ҳам мисдай қизарган эди.

Мен биринчи марта «чиниқаётганим» учун бир лаҳза ётмасданоқ, тер қуйиб, мудраб кетаётган эканман, Харитоновнинг:

— Рота! Встать! Смирно!— деган овозини эшитиб, сапчиб турдим.

Сой томондан Даврон ака билан батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича муовини чиқиб келишди. Старший лейтенант Харитонов шоша-пиша гимнастёркасини кийиб, уларга пешвоз юрди.

— Уртоқ комбат!..

— Вольно!— Гвардиячи капитан, қўлларини орқасига қилганича, ротага яқинлашди. Унинг қовоғи солиқ, қошлари чимирилган эди. Харитоновнинг олдида тўхтаб, истеҳзоли кулимсиради:

— Худди Қора денгиз бўйида курортда ётгандай ётибсизлар-ку!

— Ҳа, энди, оғир сафардан олдин,— деди Харитонов каловланиб.

— Бунинг номи «чиниқиш» бўлса, сафарга чиққанда бутун ротанг йўлда сулайиб қолмасин тагин?— капитан шундай деди-да, тўсатдан бошини баянд кўтариб:

— Рота! Командамга қулоқ сол!— деб буюрди.— Фронтовиклар ўнг томонга, қолган солдатлар чап томонга саflan!

Фронтовиклар — ёшу қари — орден медалларини жаранг-журунғ қилиб ўнг томонга, қолганларимиз чап томонга саф тортдик. Гвардиячи капитан этиги билан тақир ерни тап-тап босиб, олдимизга келди, кафти билан кўзини офтобдан тўсиб узоқларга тикилди.

— Ҳу, анави адирни кўряпсиэларми?— капитан олисадаги бир томони ўпирилиб тушган қирни кўрсатди.

— Кўряпмиз, ўртоқ комбат!

— Кўраётган бўлсаларинг... ўша қирга югуриб бориб, югуриб келасанлар! Қани, бегом марш!

Капитан айтган қир камида бир чақирим келарди. Қўлимда стволи офтобда чўғдай қизиган пулемёт, мен ярим йўлга бормасданоқ ҳансираб қолдим. Қирга яқинлашганимда, солдатларнинг олди маррага етиб, орқага қайтган, улар орасида Арслон билан Вася ҳам бор эди. Арслон ҳансираса ҳам хушчақчақ илжайиб йўлимни тўсди:

— Қалайсан, шоир? Қани, пулемётни бериб, автоматни ол!

Мен тиззаларим қалтираб кетаётган бўлса ҳам капитаннинг эрталабки сўзлари эсимга тушиб, индамай ёнидан ўтиб кетдим. Орқамдан Васянинг кулган овози эшитилди:

— Қўявер, Арслон, штабда орттирган жири сал камайсин. Ёнгиллашади!

Васянинг кинояси қаттиқ тегса ҳам жавоб бермай илгарилаб кетдим. Маррага етиб, орқамга қайтганимда, йўлда қулаб қолган иккита солдатга кўзим тушди. Мен ҳам қулашга яқин эдим, лекин қўлида фляга, қаршимдан югуриб келаётган бўлинма командирим, баджаҳл сержантни кўрдиму, бор кучимни тўплаб, олдинга интилдим. Энди фақат бир нарсадан — Даврон аканинг кўзига тушишдан қўрқардим, чунки аҳволим аянчли эканини сезардим. Хайрият, бахтимга, ротага яқинлашиб қолганимда, сойдан амфибия машинаси чиқиб келди-ю, ундан... кўкрагида олтин юлдузи бор, ўрта бўйли бир полковник тушди.

Гвардиячи капитан:

— Рота! Смирно!— деб бақирди-да, қўлини чакка-

сига қилганича ерни тап-тап босиб, машинага қараб юрди.

Узимни солдатларнинг орасига урдим. Ҳамманинг кўзи полковник билан комбатда эди, атрофдан: «Полк командири, полковник Белобородов!..» деган шивир-шивир овозлар эшитиларди.

Полковник, комбатнинг рапортини эшитиб бўлиб, бир-бир босиб ёнимизга келди.

— Машқлар оғир бўляптими дейман, а, солдатлар? Мен секин Васяни туртдим.

— Тўғри, ўртоқ полковник!— деди Вася ингичка овозини чийиллатиб.— Жир битишга қўймаяпти комбат.

— Жирни нима қилади солдат?— деди Белобородов.

— Энди самурайлар билан урушадиган бўлсак...

— Урушда жир керакми, йўқми, мана бу чоллардан сўра!— полковник кулимсираб четроқда турган уч-тўртта мўсафидга юзланди:

— Яна урушишга тўғри келяпти-ю, чоллар?

«Чоллар» бошларини қашишиб:

— Урушиш керак бўлса урушамиз-да, ўртоқ полковник!— деб жавоб беришди.

Белобородов ҳорғин юзидаги маржон-маржон терларни сидириб ташлаб, бош ирғади.

— Урушиш керак бўляпти, солдатлар, жуда керак бўляпти!

— Иттифоқчилар олдида мажбурият олганмиз, демоқчисиз-да, ўртоқ полковник?— Тўсатдан яна чинқирди Вася. «Гурр» кулги кўтарилди. Ёлғиз полковник кулмади. У бошини чайқаб:

— Йўқ, гап фақат мажбуриятда эмас, ўғлим,— деди. — Ватанимиз чегарасида миллион кишилик Квантун армияси турганида бизга ҳеч қачон тинчлик бўлмайди. Ҳасан кўли-ю, Халхингол эсларингдами?

Капитан қандайдир ранги ўчиб:

— Йигирманчи йиллардаги тажовузлари-чи, — деди.— Паровоз ўтхонасига тириклай ташланган Сергей Лазо-чи? Эсларингдами?

— Эсимизда, ўртоқ капитан!— овози борича яна бақирди Вася.

Яна кулги кўтарилди. Полковник кўзларини катта очиб:

— Узинг кичкинагинасану, овозинг тошни тешади-я!— деган эди, Арслон:

— Уртоқ полковник!— деб кулди. — Бу шунақа... кичкина дема мени, кўтариб ураман сени, дейдиганлардан!

— Ҳа, тузук!— деди полковник. — Хўп, солдатлар, чиниқаверинглар! Эрта-индин юриш бошланади. Оғир, лекин шарафли юриш бўлади бу... Капитан Ғозиев, машинага чиқ, гап бор!..

Даврон ака ёнимдан ўтаётиб бир зум тўхтади.

— Тузук, бўш келмадинг,— деди у кулимсираб.— Штабга бор. Иш чиқиб қолди. Лекин иккивчи марта кичик лейтенантга қўполлик қила кўрма. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ капитан!

\* \* \*

Оля батальоннинг фельдшери ҳисобланар, лекин иши кам бўлгани учун, одатда, менга ёрдамлашар эди.

Оля иккимиз капитан айтган ишни битириб, энди кечки овқатга ўтирган эдик, чодирга Мирҳайдарнинг хўжайини — капитан Ногаев кириб келди.

— Мумкинми, ўртоқ кичик лейтенант?

Оля ер остидан менга қаради, кейин, негадир, қизаринқираб:

— Келинг,— деди.

Капитан пешанасига чапаниларча қўндирилган фуражкасини бошининг орқасига суриб, Олянинг ёнига ўтирди-да, унинг қошиқ тутган қўлидан ушлади.

— Сиздан илтимос, Оленька, шу овқатни емай туринг.

— Вой, нега?— деди Оля чиройли мовий кўзларини катта очиб.

— Иштаҳангизни бузманг. Биз кавказча кабоб тайёрлаётувдик. Шунга сизни таклиф қилиб келдим.

— Раҳмат! — Оля шавладан олмоқчи эди, Ногаев яна унинг қўлини ушлади.

— Йўқ деманг, Оленька, илтимос, атайин сиз учун қялдик бу кабобни. Бирпас гаплашиб ўтирамыз. Кейин танцага борамиз.

Оля менга қаради.

— Кабоб ейсанми, Мансур?

— Мансурга кабобдан бериб юборамиз,— деди Ногаев, худди «хўп» деб қўйишимдан қўрққандай шошиб. — Кабобни бунинг ҳамшаҳари қилган. Узи олиб келиб беради. Бўла қолинг, Оля. Бир ёзилиб келасиз...

— Ҳеч қўймадингиз, қўймадингиз-да... — Оля ўрнидан туриб, сочини турмаклай бошлади: — Сиз чиқиб турунг, ўртоқ капитан, мен ҳозир... кетингиздан чиқаман!

— Есть, ўртоқ кичик лейтенант! — Ногаев ҳазил-омуз итоаткорлик билан честь берди-да, чодирдан чиқди.

Оля сочларини туватиб, ёнимга келди.

— Нега бундай қиляпсан, Мансур?

— Нима қилдим?

— Кўриб турибсан-ку, елимдай ёпишиб олди!

Капитаннинг гапи эсимга тушиб:

— Менга нима, бораверинг! — дедим.

— Гўдак! — Оля эркалаб сочимни тўзгитиб юборди.

Кун ботган, атроф қоронгиликка чўмган, осмонда ялтираб турган бир ҳафталик ой шуъласида даштни тўлдирган чодирлар, сойдаги машина ва танклар, хар-тумларини осмонга чўзган тўплар аллақандай ваҳимали туюлар эди. Сойда, ҳар жой-ҳар жойда қўшиқ ва гармонь овозлари эшитилар, ер депсиниб рақсга тушаётган солдатларнинг ҳуштаклари қулоққа чалинар эди...

Қанча ухлаганим эсимда йўқ, бир маҳал гвардиячи капитаннинг бўғиқ, асабий овозини эшитиб уйғониб кетдим.

— Қани, кечирим сўра! Эшитяпсанми, сенга айт-япман!

— Қивиксан-а, Ғозиев...

— Гапни чўзма! Кечирим сўра деяпман сенга!

Мен четлари кўтарилган чодирдан эгилиб ташқарига қарадим. Чодирнинг ёнгинасида Даврон ака билан Ногаев, улардан сал нарироқда Оля турар эди. Ногаев қаттиқ таҳқирланган одамдай кўкрагини кериб, қотиб қолган: гвардиячи капитан бошини бир томонга эгиб, муштарини тугиб турар, Оля esa юз-ни кафтлари билан тўсиб олган, у йиғлар эди.

— Менга қара, Ногаев! — деди гвардиячи капитан ҳансираб. — Дарҳол кечирим сўра, ё...

— Хўп. Яхши!—Ногаев бошини мағрур кўтарди.— Кечирасиз, ўртоқ кичик лейтенант! Мен билмай қолибман. Кечирасиз. — У Оляга таъзим қилгандай, қадини сал эғди-да, шартта бурилиб, чодирнинг орқасига ўтиб кетди.

Капитан Олянинг ёнига борди. У қизнинг елкасидан қучоқлаганини кўрдиму ўзимни тўшакка ташладим.

— Оля, азизим,— деди капитан худди ёш болани юпатаётгандай мулойим товушда. — Шу ифлосни деб...

— Ўзидан ҳам гапи ифлос... гўё мен... гўё... — Оля давомини айтолмади, унинг пиқ-пиқ йиғлаган овози эшитилди.

— Оля, азизим,— деди капитан. — Сен шундай пок, шундай яхши қизсанки, бу гапларни... елимлаб ёпиштирса ҳам ёпишмайди сенга... Қўй, йиғлама. Кўзингни арт. Юр, қирларни айланиб келамиз. Осмонга бир қара! Юлдузлар худди оппоқ олмаларга ўхшайди. Қани, кўзингни арт... Юр, кетдик.

Секин эшитилган оёқ шарпаси узоқлаша-узоқлаша қоронғиликка сингиб кетди.

Хаёлимда яратган севги дostonим тамоман барбод бўлган эди. Гўё биров мени қаттиқ таққирлагандай туюлиб, бошимни шинелимга ўраб олдим.

\* \* \*

— Эртага юрш!— деди гвардиячи капитан кўзларимга синовчан текилиб.— Ротангга қайтарсам... Саҳрода қийналиб қолмасмикансан?

Қизариб кетганимни сезиб, ерга қарадим.

— Қийналсам... кўпга келган тўй-ку, ўртоқ капитан.

— Балли, ука!— деди Даврон ака. У чодирга кириб келган старшина Салони кўриб кулди. — Мана, Дмитрий Михайловични взводларингизга командир қилиб тайинладик. Бирга бўласизлар...

Старшина Сало, ўнг қўлини орқасига яширганича, кирган жойида тўхтади:

— Битта эрийдиган бўлдингиз, ўртоқ капитан.

— Хатми? Қимдан?— Даврон ака сал ранги ўчиб, старшинага яқинлаша бошлади.



— Йўқ, йўқ, олдин яримтани столга қўйинг, кейин оласиз хатни!

— Дмитрий Михайлович! Яримта эмас, ўнта яримтага эрийман!— Капитан шундай деди-да, старшинани қучоқлаб қўлидан хатни юлиб олди. Лекин уч бурчак хатга кўз ташлади-ю, индамай бир четга бориб ўтирди.

— Яримтани топиб қўйинг, ҳозир газлагини олиб келаман... — старшина менга кўзини қисиб, чодирдан чиқди. Мен негадир ўнгайсизланиб, ёзиш-чизишга киришдим, Даврон аканинг қаттиқ сўкинганини эшитиб ялт этиб қарадим. У олисларга тикилиб турар, сал қисилган кўзларида, лабларини қаттиқ тишлаб туришида аллақандай мунг, йўқ, шафқатсиз бир ифода бор эди.

— Менга қара, Мансурбек,—деди у тўсатдан,—қишлоқдан чиққанингга неча ой бўлди?..

— Салкам бир йил бўлди.

— Бир йил... Мабодо Саломатни кўрмаганмидинг? Юрагим ўйнаб кетди.

— Нега кўрмас эканман? Кўрганман! Биз кетаётганимизда мактабда дарс берардилар! Агар биров уни ёмонлаб хат ёзган бўлса... аҳмоқ экан!

— Хўш? Хўш?— деди капитан. Унинг ҳаяжонланган юзига қарадиму, негадир кечаси бўлган гаплар эсимга тушди.

«Бу одам ким ўзи? Саломатхонни олиб қочиб кетган йигит шуми? Шу бўлса нега очигини айтиб қўя қолмайди? Нега Оля билан...»

— Уртоқ капитан!— дедим юрак ютиб. — Сизга битта саволим бор: урушдан олдин Саломатхон опамлар ўқишда юрганларида фарғоналик бир йигит..

— Тўхта!— капитан тоқатсизланиб афтини буриштирди. — У гапларни қўйиб тур! Сен Саломатхон тўғрисида гапираётган эдинг. Хўш?

Капитаннинг гапи негадир оғир тегди. Шундай бўлса ҳам тутила-тутила бултур қузда колхоз боғида бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бердим. Охири кўз олдимга вокзалда унсиз титраб йиғлаётган Саломатхон келиб, ўзим ҳам титраб кетдим. Шу сабаб бўлдимми ёки ёшлик қилдимми, билмадим, ишқилиб, кечаси бўлган воқеалар яна эсимга тушди-ю, тўсатдан қандайдир ўксиб:

— Нима қиласиз Саломатхонни суриштиравериб? — дедим. — Ҳадеб уни сўрайсизу, ўзингиз бўлса бу ёқда...

— Нима? — деди капитан. — Нима деб алжиралсан?

У ранги ўчиб рўпарамда тўхтади. Лекин мен ҳам энди ўзимни босадиган ҳолатда эмас эдим.

— Нима қиласиз яшириб? — дедим ранжиб. — Ё мени гўл бир қишлоқи дейсизми? Оля билан юргангиз...

— Бас! — тўсатдан бақириб юборди Даврон ака.

Унинг ғазабдан қалтироқ босиб, гапиролмай қолганини кўриб, бирдан ҳушёр тортдим.

— Сен бу... бу бўлмағур гапларни қаёқдан топдинг? — Капитаннинг сўзи оғзида қолди, чунки шу пайт дук-дук қадам товушлари эшитилиб, чодирга Оля кирди.

— Ҳа, нима бўлди, ўртоқ капитан? Тинчликми?

Даврон ака Олянинг саволига жавоб бермай менга юзланиб:

— Қани, йиғиштир лаш-лушларингни! — деб юборди.

Оля бир капитанга, бир менга қаради.

— Нега буни қувасиз? Нима бўлди ахир? Мансур!..

Мен унга жавоб бермай, майда-чуйдаларимни йиғиштира бошладим.

— Ивирсимамай тезроқ бўл! — Бақирди капитан. — Бўлдингми? Қани, туёғингни шиқиллат! Иккинчи кўзимга кўринма!

Мен лоя бўлиб қолган Олянинг ёнидан ўтиб, ташқарига отилдим.

\* \* \*

«Тўғри қилдимми, йўқми? Комбатдай одамга бу гапларни айтишни, унинг шахсий ишларига аралашини менга ким қўйибди? Унинг ўрнида бошқа бир офицер бўлганда нима бўлардим? Лекин унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, Саломатхон турмаганида мен ҳам бу гапларни айтмас эдим-да!..»

Штабдан ҳайдалишга ҳайдалсам ҳам ротага бормай, ўзим билан ўзим олишиб, даштда танҳо айланиб юрган эдим, бир маҳал Арслон қидириб келиб қолди.

— Нима бало, кулоҳидан айрилган қаландардай калланг шалвираб қопти, шоир?— кулди у.— Қани тур. Ҳамқишлоқлар келишди.

— Қайси ҳамқишлоқлар?

— Катта бўламан деб, ҳамқишлоқларни унутиб қўйдингми?— деди Арслон.— Бўл тезроқ. Йигитлар кутиб қолишди. Капитанга айтдим, у киши ҳам бора-ман, дедилар.

«Капитан» сўзини эшитганда, юрагим безилласа ҳам ҳамқишлоқларим сафардан олдин хайрлашгани келишганини ўйлаб, йўқ деёлмадим.

Ҳамқишлоқларнинг биттаси ўша қийғир бурун, барваста Мирҳайдар, иккинчиси колхоз чўпонининг ўғли Серкабой деган қисик кўзли, сўзга чечан дўмб-рачи бола, учинчиси Шоюсуф, ёш уйланган, шунинг учун ҳам Арслоннинг «аския манбаи»га айланган, мў-мин-қобилгина йигит.

Уларни кўрганда кўнглимдаги губор хиёл тарқагандай бўлди. Дўстларим, айниқса, Шоюсуф қўлимни қўйиб юбормас, юмалоқ қорача юзи кулгидан хамирдай ёйилиб: «Бормисан оғайни? Сени кўрадиган ҳам кун бор экан-ку!» дерди энтикиб.

Майсазорга шинелларимизни тўшаб, давра қуриб ўтирдик. Мирҳайдар ўзини кўрсатиш учун бўлса керак, буюм халтасини тўлдириб консерва, нон ва қанд-қурс олиб келган эди. Арслон қаламтароши билан унинг консерваларини очаркан, тегиша кетди:

— Қалай, омборга бориб овқатга кўзинг тўйдими ё ҳалиям қолган-қутган қаттиқ нонларни йигиб юрибсанми, Ҳайдар?

Мирҳайдар узун бурнини ишқаб ишшайди:

— Кўзим тўйса сенга ҳам ёмон бўлмапти-ку!

— Тўғри,— деди Арслон.— Бир жиҳатдан ПФСга борганинг ҳам яхши бўлди. Ротада юрганингда тагин қозондан картошка ўғирлаб, ҳаммамизни шарманда қилардинг!

Картошка воқеаси эсимга тушиб кулиб юбордим.

Биз тушган запасдаги полк қалин ўрмонзорга жойлашган бўлиб, яқин-атрофда битта ҳам қишлоқ йўқ эди. Ертўлада яшаймиз. Ертўланинг бир четига қозиқ қоқилиб, узун «стол» ясалган, ўша жойда овқатланамиз. Кўпчилик берган овқатга қаноат қилса ҳам, баъзилар биринчи кунданоқ ғалати одатлар чиқара

бошлашди. Шулар орасида Мирҳайдар ҳам бор эди. У икки-уч кунгача олган нонини емасдан солдатларга сотар, кейин йиққан ҳамма пулига бир йўла бир буханка нон олиб, бир ўтиришда пок-покиза туширад-ю, кейин яна кўзини лўқ қилиб ўтираверарди. Кейинчалик у ўзига ўхшаган уч-тўрттасини топиб олди, кечалари бир соат бўш вақт берилганида, ҳамма китоб ўқиса, хат ёзса, булар ошхонага тўпланишиб, ҳадеб овқатдан гаплашишар, теккан бир чақмоқ қандини тамакига, тамакисини бир бурда нонга алмаштиришиб «савдогарчилик қилишарди». Буни кўрган солдатлар: Ана Олой бозорида «савдо бошланди», деб кулишарди.

Бир куни кечқурун Мирҳайдар билан овқат олиб келгани ошхонага бордик. Кун совуқ, туф десанг, тупук ерга тушмайди. Қоронғида қоқиниб-суриниб, ўн беш челақ карам шўрва, икки челақ шавла билан икки қоп нонни зўр-базўр кўтариб келдик... Старшина, одатда челақларни санаб олгандан кейин, узун сопли катта чўмич билан шўрвани ковлаб кўриш одати бор эди. Ковлаганда челақлардаги масаллиқ юзага қалқиб чиқарди. Бу сафар баъзи челақлардаги масаллиқ бут чиқди, лекин иккита челақдан на гўшт чиқди, на картошка! У ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Эҳтимол, ошпаз янглишгандир,— дедим хижолат чекиб.

Шу пайт старшина, бу ёққа қара, деб елкамга туртди. Қарасам, Мирҳайдар, орқароқда шумшайиб турар, шинелининг чўнтагидан эса, худди қозон қайнаётгандай, паға-паға буг кўтариларди!..

— Солдат Норбўтаев, бир қадам олдинга марш!— деб буюрди старшина.

Мирҳайдар сувга тушган мушукдай шумшайиб, бир кадам олдинга чиқди. Шунда солдатлар унинг чўнтагидан кўтарилаётган бугни кўриб, бирдан қаҳ-қаҳ отиб юборишди!

Старшина бўлса, бутун ротани йиғди-да, унга қараб:

— Қани, чўнтагингдагини котелокка сол!— деб буюрди.

Илож қанча? Бечора инқиллаб-синқиллаб чўнтақларидан картошка билан гўшт бўлақларини битта-битта олиб, котелокка сола бошлади. Ҳар битта кар-

тошкани олганида, бир қаққақа кўтариларди. Ўзи ҳам ер ёрилмади, ерга кирмади!..

Старшина уни ўша ернинг ўзида тўппа-тўғри гаупвахтага жўнатди...

Арслон шуларни эслаб, яна унга тегиша бошлаган эди, Серкабой:

— Э, қўйсайши, Арстан!— деди энсаси қотиб.— Биз сенинг аскиенгди соғиниб келмадик бу жерга. Элди сагинип, бир ангимелесейик, деп келдик...

Ҳамманинг «сиридан» воқиф бўлган Арслон дарҳол унинг ўзига ёниша кетди:

— Қалай, Чипоргулдан хат келиб турибдими, Серкабой? Бирорта Қўйбой, Йилқибой, Туябойга тегиб кетмабдими ҳайтовур?

Серкабой ҳам бўш келмай:

— Майли,— деб кулди.— Чипоргул қашиб кетса, Паршагул бор. Паршагул бўлмаса, Сапаргул бор...

У қўлларини бошининг орқасига қўйиб чалқанча ётди-да, чуқур хўрсиниб:

— Ёпирай! — деди. — Шу топда «Туя тас»да нималар бўляпти экан? Овулдинг қиз-келиншектери мен бўза болалари жайловга шиқиб ўлан айтисаётгандир-ов!..

Аллақандай майин, тонг шабадасидай илиқ бир туйғу — соғинч туйғуси ёпирилиб келди-ю, дилларни чулғаб олди... Кўз олдимга боғларга кўмилган қишлоқ, икки томони тутзор тор кўчалар, гумбази тагига мусичалар уя қўйган эски мачит, атрофи қорли чўққилар билан ўралган «Туя тош» яйлови, худди тўнтарилган пиёладай ўтовлар, чўлпилари майин пилдираган қозоқ қизлари келди... Сукут чўзилиб, дилларда уйғонган соғинч туйғуси тобора ортиб борар, у дам маъюс хаёлларга олиб кетар, дам кўнгилни равшан қилар, дам киндик қони тўкилган она юртнинг нақадар узоқда қолганини эслатиб, юракни зиркиратар эди...

Уртага чўккан жимликни Серкабой бузди.

— Овулга омон-соғ қайтсам,— деди хўрсиниб.— Тўй қиламан, адирда кўпкар шоптириб, пойга бериб, оламни Чипоргулни.

Арслон унинг биқнига туртиб кулди:

— Сен-ку, тўйни энди қиласан. Аммо Шохусуфга

қийин. Айтмоқчи, хотинингдам хат келиб турибдыми, оғайни? Бевафолик қидмаяптими, ишқилиб?

— Қўйсанг-чи шу гапни!— деди Шоюсуф, унинг овози аллақандай аянчли эшитилди-ю, ўртага яна ноқулай жимлик чўкди.

Қишлоғимиздан армияга чақирилган йигирма чоғлик йигит ичда битта-ю битта уйдаггани шу Шоюсуф эди. Бечора соддалик қилиб, йўлда, эшелонда кетаётганимизда, биринчи никоҳ кечасининг ҳамма тафсилотларини гашириб бериб, кулчига қолган эди. Шоюсуф бу кулги ва қочириқлардан қаттиқ эамлар, хотинидан хат кечиккан пайтларда эса ёш боладай ўксиб йиғламсираб қолар эди. Бу сафар ҳам хат кечиккан эканми, билмадим. Арслон яна тегинча бошлаган эди, ўрнидан туриб кетди.

— Қачон қўйсан шу гапларингни?— деди у йиғламсираб.

Шу пайт қоронгидан:

— Ҳа, нима жанжал, йигитлар?— деган таниш овоз эшитилди. Бу гвардиячи капитан эди. У:

— Қўзағалманглар, қўзағалманглар!— деди-да, ёнимизга келиб ёнбошлади. — Кўш, тинчликми, йигитлар?

— Ҳа, шу... ҳазиллашиб ўтирувдик, ўртоқ капитан!

Арслон Шоюсуфнинг қўлидан тортиб ўтқаади.

— Биз буни Шоюсуф лалашанг, деймиз, ўртоқ капитан. Лекин ўзи лалашанг бўлса ҳам балло! «Қорасув»нинг гулдай қизини тузоғига туширган.

— Демак, маладес экан-да! — деб кулди капитан.

— Маладесликка маладеску-я, лекин бу ёғи қандоқ бўлар экан? — деди Арслон. — Хотини жуда кетиворган эди-да.

Шоюсуф Арслоннинг қўлини силтаб ташляди, боягидан ҳам аянчли асабий овозда:

— Сенга қолса, бу дунёда битта ҳам вафодор хотин йўқ!— деди овози қалтираб.

Мен ер остидан капитанга қарадим. Унинг чеҳрасидаги бояги табассум сўнган, бошини бир томонга эгиб, бир нуқтага тикилиб ётарди.

— О-о, вафо, вафо,— деди Арслон. — Хотининг сени деса қишлоқдан чиқмасингдан туриб, раисга секретарь бўлармиди, каллаварам?

Капитан тўсатдан шахт билан қўзғалиб:

— Нима қиласан шу гапларни гапириб? — деди кескин. — Тушпа-тузук йигит, қаёқдаги бачкана гапларни гапириб ўтирибсан?

Арслон ўнғайсиэланиб йўталиб, бошини пилоткаси билан ишқаб:

— Ҳазил-да, ўртоқ капитан! — деди.

— Йўқ! Вировнинг кўнглини оғритадиган гапларни ҳазил деб бўлмайди! Ҳаммаларинг бир қишлоқдан экансиэллар, дўст экансиэллар, нима қиласиэллар бир-бирларингизни ранжитиб.

Бу гап Шоюсуфга ёқди шекилли:

— Ўртоқ гвардиячи капитан! — деди. — Агар мумкин бўлса... бизни ҳам ўз батальонингизга олсангиз. Ҳаммамиз бирга бўлардик, нима дейсиз?

Капитан кулди.

— Авваламбор, қалиям ҳаммамиз бир полкдамиз. Қолаверса... Ҳаммаларинг бир жойга йиғилиб, бир-бирларингизнинг пинжиларингизга суқилаверишдан фойда йўқ, йигитлар. Армия — сизлар учун катта бир мактаб. Бу мактабдан фойдаланиб... Хуллас, пишиб чиниқиш керак, йигитлар! — Капитан шундай деди-да, соатига қаради.

— Соат ўн бирдан ошибди, ётайлик, йигитлар.

Ҳаммамиз қўзғалдик. Капитан бизни кўргани келган йигитлар билан кўл бериб хайрлашаркан:

— Сизларга айтадиган битта гапим бор, йигитлар, — деди кескин. — Сафар жуда оғир бўлади. Вутун Гоби саяросини пиёда босиб ўтамиз. Белни маҳкам боғланглар. Ҳамқишлоқлар деган номга доғ тушмасин!..

Даврон ака менга қарамас эди. Лекин гапларида бўлакча бир самимият бор эди. Мен бунга сездим, ҳалиги қилигим эсимга тушиб, ўзимдан қаттиқ ранжидим.

\* \* \*

Капитан ҳақ. Бу чиндан ҳам мислсиз машаққатли сафар, чексиз, чегарасиз олис йўл эди. Кўза илғамас бепоён сахро, бир-бирига туташиб кетган пастак қирлар. Кўкдамда униб чиққан гиёҳлар аллақачон жизғанақ

бўлиб, қовжираб ётибди. Гоҳо-гоҳодагина кўкаламзор сойликлар учраб қолади. Сойликларда ёйилиб юрган подалар, саёз дарё бўйларига тикилган ўтовлар кўри-нади. Бу ўтовлар, ўтовлар айланасида ўйнаб юрган болакайлар, сойликда ёйилиб юрган подалар худди яй-ловларимизни эслатади-ю, кўнглим бир хил бўлиб кета-ди... Бошқа пайт, эртадан кечгача бир хил манзара, қо-рамтир қирлар, бепоён жигар ранг саҳро, булутсиз ос-мон сатҳида сокин сузган калхатлар, ерда эса фақат юмронқозиқлар-у, биздан қочиб ўзларини кавакка ур-ган калтакесаклар...

Кенг саҳро қўшинга тўлиб кетган. Олдинда саф тор-тиб кетаётган аскарлар узоқдан ўрмалаб бораётган чу-молиларни эслатади. Ҳатти-ҳатти ўнг ва чап томонла-римиздан тягачларга миниб олган артиллеристлар ва зенитчилар тўпларини судраб ўтишарди, солдатлардай саф тортган оғир танклар ерни ларзага солади. Люклар-ини ланг очиб, яланғочланиб олган танкистлар, биз-ларга қараб, қўл силкитишади, тишларини ярқиратиб кулишади:

— Ҳа, дала маликаси! Аҳвол қалай? Қани, бо-шингни кўтар. Дадилроқ одимла!— деб қичқиришади. Биз бу хушчақчақ, соғлом, бахтиёр йигитларга ҳа-сад билан тикиламиз, улар узоқлашиб кетгунча тер-милиб қоламиз. Лекин баъзан, айниқса туш пайтла-рида, биздан кулиб ўтган танкистлар ўзлари кулги-га қолишади. Бу «дашти Карбало»га, олов пуркаган офтобга ҳатто темир ҳам бардош беролмайди. Мотор-лар қизиб, шарақлаб қолади, радиаторлар очилганда, вақирлаб қайнаган лойқа сув осмонга фонтан бўлиб отилади. Ҳар туёғи ўчоқдай келадиган, филсифат не-мис отлари эса, худди сувдан чиқиб қолган балиқдай, оғизларини каппа-каппа очиб, йўл бўйига йиқилиб қолади... Фақат пиёда аскарлар — оғирга ҳам, енгилга ҳам ўрганиб қолишган, улар бепоён даштни вазмин одимлаб, бир маромда илгарилаб боришади...

Ҳар куни эрталаб, йўлга чиқишда олинадиган бир фляга сув сал ўтмасданоқ исиб қолади, лекин исиб қолган бу шўр сувнинг ҳар бир томчиси бир тиллага тенг. Уни фақат оғизлар қуруқшаб қолгандагина ҳўп-лаш мумкин. Бошқа пайт бир қултум ютсангиз, коман-дирларнинг сўкишига қоласиз. Рост, взвод командири-миз старшина Сало бошқалардай «шафқатсиз» эмас,



аксинча, шунчалик мулойимки, ёш солдатларга «ўғлим» деб мурожаат қилади, ўз тенги солдатларни эса исми фамилиясини айтиб чақиради.

Елкамда қўл пулемёти. Ўқланган иккита дискани ёрдамчим Вася Колбаскин кўтариб олган. Васянинг фамилияси қандай ғалати бўлса, афти ангори ҳам шундай ғалати: сочи, қош-кўзлари, ҳатто киприкларигача оппоғу, юзи қил-қизил, тўғрироғи, аллақандай пушти ранг. Бу ҳам етмагандай узун бурнининг бир қават териси офтобда шилиниб, худди пўсти олинган колбасадай қил-қизариб қолган. Шунинг учун солдатлар унга тегишгани тегишган. Бири: «О, қани энди ҳозир бир кило колбаса бўлса, нон билан пок-покиза тушириб олсанг!» — деса, яна бири бурнига ишора қилиб: «Вася! Офтобда жингиртоб бўлиб кетибди-ку, колбасанг», — деб кулади.

Вася ҳам бўш келмайди.

— Кўп суқланиб қарайверма! — дейди узун бурнини ишқаб. — Кўзинг тегади!

Васянинг қувноқлиги учун ҳамма яхши кўради. Дам олиш пайтлари капитан ҳам келиб: «Ҳа, Вася, ишлар қалай?» деб ҳол-аҳвол сўраб туради. Вася эса:

— Мендан олдин старшинадан аҳвол сўранг, ўртоқ капитан! — дейди муғомбирона кулимсираб. — Бу офтобда колбасадан кўра салога қийин, ўртоқ капитан.

Капитан кулиб, аскияни илиб кетади:

— Ҳа, тўғри, эҳтиёт бўлиш керак. Чунки сало офтобда эриб кетса, колбасанинг ҳам мазаси қолмайди!

Капитан кула-кула бошқа взвод ва роталарга ўтиб кетади. У баъзан Арслон билан ҳам ҳазиллашади, менга эса индамайди, тўғрироғи, ўзини кўриб кўрмаганга солади.

Саҳро қоронғиликка чўмиб, осмонда илк юлдузлар кўринганида бирорта қир ён бағрида тўхтаймиз. Овқат емасданоқ, тақир ерга чодирларни тўшаб, ўзимизни таппа-таппа ерга ташлаймиз. Туннинг совуқлиги ҳам, ернинг қаттиқлиги ҳам билинмайди, буюм халтамызга бошимизни қўйишимиз билан пинакка кетамиз. Эрта саҳар, ҳали осмонда юлдузлар сўнамасдан, яна йўлга тушамиз...

Сафарга чиққан имизнинг бешинчи ё олтинчи куни эди чамаси, саҳрода рўй бериши мумкин бўлган энг даҳшатли ҳодиса содир бўлди.

Тик тепага келган офтоб олов пуркайдди, тандирдай қизиган саҳрода тангадай соя йўқ, гўё бутун табиат солдатга қарши ўчакишгандай, унинг иродасини букишга аҳд қилгандай эди. Адирлар оша ҳориб-толиб қудуққа зўрға етган роталар, икки қир ўртасидаги сойликка таппа-таппа ташлаб, чўзилиб қолди. Қуруқшаган, иссиқдан қовжираган лабларда фақат бир оғиз сўз: «Сув!.. Сув!..» Сергўшт, серёғ шавлага қарайдиган одам йўқ: Сув! Сув!

— Ҳамма офицерлар полк командирларининг олдига йиғилсин! — деган буйруқ келди.

Ярим соатдан кейин офицерлар қайтиб келишди.

— Ротадаги ҳамма идишлар: овқат ташийдиган баклар, флягалар, котелоклар — ҳаммаси старшиналарга товширилсин! — деган буйруқ берилди.

Бу ўртада сойга иккита бензовоз келиб тўхтади.

— Сув келди! Сув! — деган қувончли қийқириқлар эшитилди.

Икки бензовознинг атрофини бир зумда тумонат одам қуршаб олди. Сув тарқатаётган сержантларнинг гапига қулоқ соладиган одам йўқ.

Тўсатдан, учинчи ротанинг старшинаси — ногчадан келган чиройли сержант нима ҳам бўлиб, бизнинг мўмин-мулойим Сало билан олиша кетди. Уларга солдатлар қўшилишди. Тўс-тўполон кўтарилган эди, хайрият, рота командиримиз, старший лейтенант Харитонов келиб қолди. У бир сакрашда бензовознинг устига чиқди-да, тўппончасини қинидан чиқариб, осмонга устма-уст беш-олти ўқ узди.

— Вас! Бўлди! Старшиналар ўз жойларига турсин! Ҳар бир взвод ўз навбати билан келсин сузга!

Харитоновнинг ўт чақнаган кўзларида, қорайиб кетган чеҳраси ва пистолетини ҳавода ўйнатиб буйруқ беришида илгари тасаввур қилиш қийин бўлган бир шиддат ва қатъият бор эди.

Шов-шув, ғала-ғовур бирдан босилиб, ҳамма сафга турди. Бизнинг тўқсон кишилиқ биринчи ротага йигирма котелок — тўрт солдатга бир котелокдан сув

тегди. Сув лойқа, ундан бензий, чалов ҳиди анқиб турарди. Мен котелокни бошимга кўтариб, чалов ҳиди анқиб турган сувни ичаётганимда, ёнимизга кетмакет иккита студебеккер келиб тўхтади-да, ўша томондан:

— Бормисан, шоир?— деган таниш овоз эшитилди.

Биринчи студебеккернинг кузовида, тоғдай уюлган қоплар устида, хушнуд тиржайиб Мирҳайдар ўтирарди! У қўлини кузовга қўйиб, ерга сакраб тушди. Эғнида янги гимнастёрка, оёғида хром этик, бошида пилотка ўрнига офицерлар киядиган фуражка. Мирҳайдар тунов кунгидан ҳам тўлишиб, аллақандай йилтиллаб кетган, агар пешанасидан оққан жимир-жимир терни демаса, саҳрода эмас, курортда юрган одамга ўхшар эди.

— Бурнинг ерга тегай деб қопти-ку, оғайни! Айтувдим-а, қийналиб қоласан, деб! Ўжарлик қилдинг-да, дўстим!

У ачиниб уст-бошимга қараб юзини бужмайтирди. Кўзим беихтиёр бесўнақай катта ботинкаларимга, тердан шури чиқиб, оқариб қолган шимимга тушиб, қизариб кетдиму дағаллик билан:

— Майли! — дедим, — ўжарлик қилган бўлсам жазосини ўзим тортяпман. Сегга нима?

Мирҳайдар дағаллигимни кўнглига олмай мийғида кулимсиради-да:

— Сув ичасанми?— деб, камарига боғланган флягасини еча бошлади. Лекин шу пайт:

— Бу машиналарда нима бор?— деган таниш овоз эшитилди.

Биринчи студебеккернинг ёнида гвардиячи капитан билан батальон штаб бошлиғи, сочларига оқ оралаган кекса старший лейтенант турар эди.

Мирҳайдар ғоз туриб:

— Машиналарда... макарон, ун, қанд-қурс бор, ўртоқ капитан!— деб жавоб берди.

— Қоплар туширилсин!— деди гвардиячи капитан тўсатдан. Мирҳайдар оғзи очилганича бир зум ағрайиб қолди, кейин:

— Ўртоқ гвардиячи капитан!— деб бақариб юборди. — Ахир, мен... ўз хўжайиним, капитан Ногаевнинг буйруғисиз...

Даврон ака ранги ўчиб кескин қўл силтади:

— Юклар туширилсин! Ҳозир сувга боради машиналар!—деди. Сўнг, ёнида турган рота командири-мизга юзланиб, машиналарга ишора қилди.

— Харитонов!

Унинг буйруғини изоҳсиз тушунган Харитонов биринчи машинага сакраб чиқди-да:

— Старшина Сало!.. Солдатлар!— деб бақирди.

«Сув» сўзини эшитган солдатлар кутилмаган бир шодлик билан машиналарга ёпирилиб чиқишди. Саросимага тушган Мирҳайдар: «Ўртоқ капитан! Ахир бу... ахир!» деб дам Даврон аканинг олдига чопиб борар, дам машиналарга қараб югурарди. Тўсатдан у: «Ахир... ахир хўжайиним бор-ку!» — деди-да, қирга қараб чопиб кетди.

Даврон ака ёнидаги штаб бошлиғига юзланиб:

— Ҳамма роталарни шу ерга йиғинг!— деб буюрди.

Солдатлар оғир ҳансирашиб, ҳамон қопларни ағдаришар эди. Мен қаёқдандир югуриб келиб, биринчи машинага тирмашган Арслон билан Васяни кўриб, уларга қўшилмоқчи бўлдим кузовда турган Харитоновнинг:

— Ўртоқ комбат! Ногаев келяпти! — деганини эшитиб беихтиёр Мирҳайдар кетган томонга қарадим.

Капитан Ногаев билан Мирҳайдар ёнма-ён югуриб келишарди. Ногаев дам пешанасига қўндирган фураж-касини бостириңқираб қўяр, дам камарини тўғрилаб, гимнастёркасининг этагини тузатар, важоҳатидан худди кела солиб, муштлашиб кетадиган одамга ўхшарди.

Даврон ака бошини бир томонга сал қийшайтириб жимгина кутиб турар, у жуда вазмин кўринар, лекин қисилган кўзларига қараганда, у ҳам асабий ҳолатда эди. Ногаев ерда тоғдай уюлиб ётган қопларнинг ёнидан ўтиб, Даврон аканинг рўпарасида тўхтади. Унинг чиндан ҳам кавказликларга ўхшаган шиддатли юзида қон қолмаган, бурун катаклари керирилган, кўзлари қисилган эди.

Ғала-ғовур бирдан тўхтаб, ҳамма жим бўлиб қолди.

— Ўртоқ Ғозиев!— деди Ногаев «капитан» сўзини қўшмасдан.—Сизга ким рухсат берди бундай қилишга?

Гвардиячи капитан пешанасини тириштириб:

— Капитан Ногаев!— деди секин. — Юринг, четроққа чиқиб гаплашайлик!

— Йўқ, кечирасиз!— Ногаевнинг овози таҳдид билан янгради. — Мен четга чиқиб гаплашадиган жиний иш қилганим йўқ! Бундай буйруқ беришга ким рухсат берди сизга?

— Вазият!— деди Даврон ака. — Тушундингизми, вазият!— такрорлади у. — Ҳозир сув керак. Биринчи навбатда сув!

— Сув керак бўлса, марҳамат, таъмин этинг!— кичқирди Ногаев. — Лекин сиз... батальон ихтиёрида бўлмаган машиналарнинг юкни тушириш ҳақида буйруқ беришингиз!..

Ногаев Даврон аканинг ёнига келиб тўхтаган Оляни кўриб, бир зум дудуқланиб қолди.

— Сиз бу ишингизга учун полк командири олдида жавоб берасиз!— деди Ногаев.

— Бас!— Даврон ака тўсатдан бақириб юборди. — Мен ҳеч қачон ўз буйруқларим учун жавоб беришдан бош тортган эмасман! Бу сафар ҳам бош тортмайман!

— Яхши... лекин...— Ногаев қулт этиб юттинди. — Сиз нима учун менинг ишларимга тўғаноқ бўлаётганингизни биламан. Сиз мени...

— Гапни айланторманг!— деди комбат ғижиниб.

— Бўпти! Белобородов олдида гаплашамиз!— Ногаев шитоб билан бурилди ва текис жойда қоқилиб-суриниб, келган томонига югуриб кетди. Унинг кетидан Мирҳайдар ҳам лўкиллаб жўнаб қолганди...

Гвардиячи капитан жим бўлиб қолган солдатларнинг ёнидан ўтиб, биринчи машинага чиқди. Роталар машина атрофини қуршаб олган, юзлари чўяндай қорайган солдатлар, жунбушга келган офтобда қуйилаётган терларини артиб, қуруқшаган лабларини ялаб, комбатга жимгина тикилиб туришар эди.

— Уртоқлар! Солдат ва сержантлар!— гвардиячи капитан бошидан фуражкасини олиб, қафти билан пешана терларини сидириб ташлади. — Бу ердан йигирма километр нарида сапёрлар ҳозир қудуқ қазишяпти. Ҳамма куч, ҳамма техника ишга солинган. Бир-икки соатдан кейин сув бўлади. Лекин биз бу ерда сув келишини кутиб, осмонга қараб ётолмаймиз!.. — Комбат сўзидан тўхтаб, сукутга чўмган солдатларга тикилди. —

Ҳозирги вазият — шиддатли жангдан қолишмайди! Умуман, бу юриш, бу жазирама саҳро, бу сувсиз чўлда босиб ўтилган ҳар бир километр йўл... япон империялистарига, мамлакатимиз биқинида бизга таҳдид солиб ётган Квантун армиясига берилган бир зарба демакдир! Шунинг учун шиддатли жангга кирган солдатдан қандай жасорат, ирода, матонат талаб қилинса, ҳозир сизлардан ҳам шундай ирода ва матонат талаб қилинади... Мен сизларда бу ирода, бу матонат етарли эканига аминман!

Капитан пешана терларини яна сидириб ташлади-да, овозининг борича:

— Батальон!— деб буюрди.— Рота-рота бўлиб саф-лан!

\* \* \*

Яна ўша бир-бирига туташган ясси адирлар, ўт-ўланлари офтобда куйиб, оқариб қолган шўрхок сойлар, уфққа туташиб кетган бепоён тақир саҳро...

Эрталабки кулги, ҳазил-мутойиба, ғовур-ғувур тинган, солдатлар қуруқшаган лабларини ялаб, чўян-дай оғир оёқларини базўр кўтариб, оҳиста тебраниб боришади.

Ана, биринчи қир орқада қолди, иккинчи қир ортадан учинчи қир ҳам кўринди... Тишимни тишимга қўйиб, энг сўнгги кучимни йиғиб олдинга интиламан, лекин иккинчи қирга чиқа олдимми, йўқми — билмайман. Фақат Арслон қўлимдан пулемётимни олгани эсимда. Бир маҳал кўзимни очсам... қир ён бағрида ётибман. Бошимда учбурчак чодирнинг дўппидек сояси. Ёнимда Оля, пилоткаси билан юзимни олтиб ўтирибди.

Олянинг бошида фуражка. Фуражка унга жуда ярашгану, офтобда сал қорайган мулойим чеҳраси тагин ҳам очилиб кетган. Негадир капитанга айтган гапларим эсимга тушиб, кўзимни қайта юмдим: билладими, йўқми?

Оля қимирлаганимни кўриб, тепамга энгашди.

— Ҳа, қалайсан, Мансур?— у кўаларини сал сувиб, кулимсирайди,— мен гвардиячи капитаннинг ҳамшаҳарлари иссиққа чидамли бўлади десам, биздан ҳам баттар экансизлар-ку!

Олянинг кинояси оғир ботади-ю, бор кучимни тўплаб қаддимни ростлаб ўтираман. Қуёш уфққа ён-бошлаган, лекин ҳамон ўт пуркайди, жизиллагади. Кунботиш тарафда, то олисдаги қирларга қадар, ҳар жой-ҳар жойда бир чодир. Чодир тагидан менга ўхшаб офтоб уриб, йиқилиб қолган солдатларнинг оёқлари кўринади.

— Сен бошингни сояга яшириб қимирламай ёта-вер!— деди Оля.—Йиқилиб қолдингми, энди номус қилмай қўя қол. Мен бошқа солдатларга қарай...

Тўсатдан қулсғимга гувиллаган бир овоз чалинди. Оля иккимиз баравар ўгирилиб қараймиз. Узоқдаги адирнинг ён бағрида бир нима ўрмалаб келяпти! Йўқ, бу сувга кетган юк машинаси эмас, юриши тез, ўзи ҳам қора қўнғиздай кичкина. «Қўнғизча» йўл ёқасидаги ҳар бир чодирнинг ёнида тўхтаб-тўхтаб келяпти...

— Полковник Белобородов!— дейди Оля ва фуражкасини тўғрилаб ўрнидан туради.

«Оббол Шарманда бўлдим-ку», дейман ичимда ва яна сояга чўзилиб кўзимни юмаман. Бир лаҳзадан кейин «амфибия» тепамда тўхтайди. Эркак кишининг бўғиқ, аллақандай чарчоқ овози эшитилди:

— Батальонда неча киши йиқилиб қолди?

— Анча бор, ўртоқ полковник! Кўпчилиги ёш солдатлар...

Секин кўзимни очаман. Тепамда, Олянинг ёнида, кул ранг гимнастёркасининг кўкрагида Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг Олтин Юлдузи, полковник Белобородов турибди! У тунов кунгидай бардам эмас, кўзлари киртайиб қолган, юзи офтобда қорайган, ўзиям жуда ҳорғин кўринади. Бор кучимни йигиб, қаддимни ростлаб ўтираман.

Оля кўзини мендан узиб, полковникка қарайди.

— Бунга пулемёт эмас, автомат беришсаям бўларди. Ёш солдат...

Полковник индамай ёнимга чўккалаб, елкамга қўлини қўяди.

— Нима бўлди, солдат? Чарчаб қолсан-да, а?

Унинг кексаларга хос бўлакча меҳр билан «солдат» дейиши қулоғимга Салонинг «ўғлим» дейишидай мулойим эшитилади-ю, уялиб ерга қарайман.

— Үзим ҳам билмайман, ўртоқ полковник...

— Сувдан борми?— дейди Белобородов, шофёрга юзланиб.

— Йўқ, ўртоқ гвардиячи полковник. Бинода бир томчи ҳам сув қолмади.

— Флягамни ол!

Шофёр флягани беради, полковник уни менга уза-тади.

— Ма, ич, солдат!

Сув илиқ, лекин боягидай чалов ҳиди йўқ, аксинча, шакардай ширин. Назаримда, томир-томирларимга ҳаётбахш бир нарса таралгандай бўлиб яйраб кетаман. Флягани оғзимдан зўрға олиб, полковникка қарайман.

— Қалай?— дейди у кулимсираб.

— Раҳмат, ўртоқ полковник!— мен тиззаларим қалтираб бўлса ҳам ўрнимдан тураман.

— Қалай, ўзинг юриб кета оласанми, солдат?

— Ҳаракат қиламан, ўртоқ полковник!

— Мана бу бошқа гап!— дейди полковник мийи-гида кулиб.— Сени қара-ю, шундай чиройли қиз ис-сиқни писанд қилмай кулиб турибди. Сен бўлсанг су-лайиб ётибсан. Яхши эмас. Ҳозир сувга кетган маши-налар келади. Балки олдиндан чиқиб қолар...

Ер остидан Оляга қарадим. У негадир қизариб, гимнастёркасининг тугмасини ўйнаб турарди

— Машинага чиқ, Оленька,— деди полковник.— Солдатлардан ҳол-аҳвол сўраб, айланиб келайлик... Комбат сувга кетгандир-да?

— Худди шундай, ўртоқ полковник!— деди кичик лейтенант.

— Ҳмм... анча солдат йўлда ётибди... Хўп, яхши, машинага чиқ!

Белобородов менга қараганини кўриб, секин йўлга тушдим.

Қаршимдаги тепаликнинг устида юк машинаси кў-ринди... Капитан бўлса-я!..

Шу топда мен капитанни кўришдан, тўғрироғи, у мени бу аянчли аҳволда кўриб қолишидан қўрқардим. Шоша-пиша ўзимни қандайдир чуқурга отдим.

Лекин машина гувиллаб келиб, тепамда тўхтади. Кимдир ундан сакраб тушганини сезиб, қизариб-бўза-риб ўрнимдан турдим. Рўпарамда... Даврон ака турар-



ди! Гимнастёркасининг ёқаси кўкрагигача очилган, қорайган юзида маржон-маржон тер, кўзларида ҳайрат.

— Сен нима қилиб ётибсан бу чуқурда?

— Ҳа, шу... ўзим!..

— Қойил!— капитан ғижиниб яна бир нима де-моқчи бўлди-ю, гувиллаган овозни эшитиб, орқасига ўгирилиб қаради.

Мотор қаттиқроқ ўкириб, қаршидаги тепанинг устида студебеккер кўринди. Машинанинг кузовида кимдир кабинага суяниб турарди.

Ногаев!

Студебеккер комбатнинг машинасига етмай тормозларини ғичирлатиб тўхтади. Ногаев кузовдан сакраб тушиб, кабинанинг эшигини очди. Кабинадан баланд бўйли, ёш бўлса ҳам қорин сола бошлаган подполковник тушиб, машинанинг ёнида оёқларини кериб тўхтади.

Капитан Ногаев чиройли мўйловини ғалати қимирлатиб кулимсиради:

— Мана, марҳамат, ўртоқ подполковник...

Подполковник индамай комбатга тикилиб турар, комбат ҳам, бошини бир томонга эгиб, унга қадалиб қолган эди.

— Капитан Ғозиев!— деди ниҳоят подполковник.

Комбат фуражкасини тўррилаб, қақроқ ерни таптап босиб подполковникнинг олдига борди.

— Эшитаман, ўртоқ подполковник!

Подполковник қаддини ростлаб:

— Нимани эшитасиз?— деди жеркиб,— ундан кўра жавоб беринг. Полк ихтиёридаги машиналарни тортиб олишга ким рухсат берди сизга?

— Ўртоқ подполковник...

— Жавоб беринг!

— Ўзингиз кўриб турибсиз, вазият оғир, ўртоқ подполковник. Сув...

— Вазият оғир бўлса қимматбаҳо юкларни ағдариб, машиналарни тортиб оласизми?

— Ўртоқ подполковник!— Комбатнинг овози тўсатдан янграб кетди.— Мен бу ишни ўзим учун эмас, солдатларни ўйлаб қилдим...

Четроқда турган Ногаев асабий кулимсираб елкасини учирди.

— Эшитдингизми, ўртоқ подполковник! Бу киши солдатларнинг ғамхўри-ю, сиз билан биз унинг душманимиз!

Комбат ялт этиб унга қаради, бирдан ранги ўчиб:

— Гапни бурма, Ногаев!— деди титраб.— Агар сен ҳам солдатни ўйлайдиган бўлсанг, арзимаган нарсасага шовқин-сурон кўтариб юрмасдан, солдатнинг жонига ора киришни ўйлардинг!

— Мен ўзимга топширилган вазифани ўйлайман!— деди Ногаев бурун катаклари пирпираб. У яна бир нима демоқчи эди, лекин подполковник оғзидан гапни олди.

— Гоби саҳросидан пиёда ўтишни мен ўйлаб чиқармадим, капитан Ғозиев!— деди у ваэминлик билан.— Бу — қўмондонликнинг стратегик плани асосида бўлаётган иш...

— Тўғри, ўртоқ подполковник. Лекин бу плани амалга оширадиган яна ўша солдат. Демак, унинг қадрини билишимиз, оғирини енгил қилишимиз керак. Бу солдатларнинг кўпчилиги тўрт йил урушган, ҳамма машаққатларни бошидан кечирган одамлар...

Гапга яна Ногаев аралашди.

— Эшитяпсизми, ўртоқ подполковник?— кинояли кулди у.— Бу кишига қўмондонликнинг стратегик плани ёқмаяпти. Балки, сиз умуман бу урушга қаршидирсиз?

Комбат бирдан кўзлари ёниб, Ногаевга қаради. Лекин подполковник уни гапиртирмади.

— Бас!— деди подполковник ва ер остидан машинада ўтирган солдатларга қараб қўйди.

У солдатлар олдида ади-бади айтишиб нотўғри қилаётганини сезиб қолди шекилли, студебеккернинг орқасига ўтаркан:

— Капитан Ғозиев!— деди.— Қани, бу ёққа келинг-чи!

Комбат билан Ногаев унинг кетидан студебеккернинг орқасига ўтышди. Гаплари эшитилмай қолди. Фақат кескин, бўғиқ овозлар қулоққа чалинарди.

Комбат чорак соатдан кейин қайтиб келди. У боғидан ҳам қорайиб кетганга ўхшарди. Ёнимдан ўтаркан, қисқа қилиб:

— Чиқ машинага!— деб буюрди.

Бу воқеанинг эртасига: бундан буён кечаси йўл юриб, кундузи иссиқда дам олинсин, деган янги буйруқ чиқди.

Штабнинг қарори тўғри: кундузи иссиқдан кўра кечаси салкинда юрган яхшироқ. Лекин қабариб, қонталашиб кетган товоғлар барибир чўғ теккандай безиллайди. Ҳар соатдан кейин ўн минут дам олиш эълон қилинганда, йўл ёқасига таппа-таппа ташлаб, зирқираб оғриган оёқларимизни осмонга кўтарамиз. Тагимиздаги қақроқ ер худди пар тўшакдай юмшоқ кўринади, бошлар ерга тегиши билан кўзлар илина бошлайди. Вақт тун ярмига яқинлашганда уйқу шундай қийнайдики, юриб кетаётган солдатларнинг хурраги эшитилади, биров уйқусираб қоқилиб йиқилади, биров бунга кулса, биров сўкинади... Баъзан шундай пайтларда кимдир секин ашула бошлайди:

Малинка, малинка, малинка моя...

В саду ягода малинка, малинка моя...

Ашулага олдин биринчи қатордаги солдатлар, кейин бутун рота қўшилади. Аста-секин бошқа роталар ҳам ашула бошлайди-ю, коронгиликка чўмган бепоён саҳро ларзага келади... Назаримда, саҳро билан бирга солдат қалби ҳам ларзага тушади, юмилиб бо-раётган кўзлар чарақлаб очилиб кетади, қадамлар зарб билан урила бошлайди. Сал ўтмай, ашулага қарсак қўшилади. Кимдир ротанинг олдига тушиб, рақс бошлайди. Ён-ёқадан завқланган овозлар эшитилади:

— Яша, Оля!

— Қиз эмас, бамисоли олов!

— Бу оловнинг таптига бир тушиб кўр — ёндиради!

— Ёнсанг ҳам, шундай қизнинг таптида ёнсанг қанийди-я!

Қарсаклар авжига чиқади. Ён-ёқадан: «Ха, ҳаҳ, ҳаҳ, ҳаҳ!» деган жўр хитоблар янграйди.

— Қани, юрагида ўти бор бирор солдат йўқми? Бор бўлса даврага чиқсин!

Тўсатдан:

— Яша, Арслон!

— Қойил! — деган хитоблар янграйди.

Мен қоқиниб суришиб бўлса ҳам олдинга ўтаман. Ўтаману, уч-тўртта қўл фонарлар нурида юришдан тўхтамай, раҳсга тушиб кетаётган Оля билан Арслонни кўриб, оғриқ ҳам эсимдан чиқиб кетади. Арслон пилоткасини пешанасига суриб, қўллари билан сонларини аёвсиз шапатилаб Олянинг атрофида парвона бўлар, Оля ҳам бўш келмас, бежирим этикчаси билан шафқатсиз ер депсиниб, дам унинг атрофида айланади, дам муком қилиб, орқаси билан юриб узоқлашиб кетар эди. Қарсак, ҳуштак ва қичқириқлар тобора авжига минади, кейин:

— Яша, Вася!

— Бормисан, Колбаскин!—деган хитоблар эшитилди.

— Шоирмисан?— Арслон қоронғида пилоткаси билан бўйнини, юзини артиб ёнимга келади.— Бало-да, бу Оля! Бир ўзи ўн йигитни чўқийди-я, қуриб кетмагур!

— Чарчасанг, нима қилардинг рақс тушиб?..

— Қизиқсан-а?— деди Арслон кулиб.— Шундай қиз таклиф қилади-ю, чарчоқни ўйлайсанми? Хўш, ўзинг қалайсан, оғайни?

Тўсатдан, қаердандир, орқадан — зим-зиё чўлнинг қаъридан гувиллаган овоз эшитилди, сўнг, қоронғиликни машина фараларининг шуъласи ялаб ўтди. Лаҳза ўтмай оғир тўпларни шатакка олган тягачлар ёнгинамиздан «ғиз-ғиз» ўта бошлади...

— Тўхта!— деди Арслон.— Пулемётингни менга бер! Мен тягачларга осилиб оламан. Қўрқма: йигирма-ўттиз чақиримдан кейин тушиб, сенларни пойлаб ётаман!

— Агар булар бошқа йўлдан кетса-чи?

— Қанақа бошқа йўл? Бу саҳрода фақат битта йўл бор!

Арслон автоматини бериб, пулемётимни олди-да, қоронғиликка, машиналар ғиз-ғиз ўтаётган томонга шўнғиди.

Пулемётни Арслонга топширгандан кейин бирдан енгил тортдим, лекин енгил тортганим ҳам қурсин, сал ўтмай юрагимни ваҳима боса бошлади. «Арслон бу поёнсиз саҳрода адашиб кетмасмикан? Агар артиллерия қисми бошқа ёққа кетаётган бўлса-чи? Бир-биримизни қандай топамиз? Пулемёт нима бўлади?...»

Сахар пайти аллақандай бир кўлга яқинлашдик. Ғира-шира қоронғиликда олдинда нимадир ялтирагандай бўлди, кейин билсам, бу шўр кўл экан. Кўлга яқинлашганимизда дам олишга буйруқ берилди.

...Мен қанча ухлаганимни билмайман, юзимга офтоб тегиб уйғониб кетдим. Уйғониб кетдим, Арслонни эслаб апил-тапил ўрнимдан турдим.

Полк рота-рота бўлиб, катта шўрхок кўлнинг айланасига жойлашган, бировлар кўлда чўмилар, бировлар кийим-кечакларини ювиб офтобда қуритар, бировлар сув иситар эди.

Юрагим така-пука, старшина Сало тугул, сержантга ҳам айтишга тилим бормай, у ёқ-бу ёқни айланиб келдим. Арслоннинг қораси кўринмайди! Юрагимдаги ваҳима тобора ортиб борарди: ҳозир йўлга чиқишга буйруқ берилса нима қиламан? Пулемётнинг қани, деса нима деб жавоб бераман?.. Арслон-чи? Бу бепоеён саҳрода адашиб кетмадимикин? Битта-ю битта ҳамқишлоғимдан, акамдай суяниб қолган бу ажойиб йигитдан айрилиб қолмасмиканман?

Бир соатча у ёқ-бу ёқни айланиб келдим, ахири чидай олмай сержантни четга тортиб, бўлган воқеани айтиб бердим. Сержантнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. У қаёққадир югуриб кетиб, старшина Салони бошлаб келди.

— Хўш, нима гап ўзи, ўғлим?

У шу топда «ўғлим» демасдан, бақириб-чақириб берса кошки эди!

— Ҳа, шу... ўртоқ старшина. Кечаси Арслон пулемётни олиб, машинага осилиб кетувди...

— Машинага осилиб кетишга унга ким рухсат берди?— Сало сержантга қаради. Жиккаккина сержант иягини осмонга кўтариб, ғоз турди.

— Ҳеч ким, ўртоқ старшина!

Сало пилоткаси билан жимир-жимир терлаган ялтирок бошини артди.

— Топиш керак Арслонни. Топмасак чатоқ бўлади!.. Колбаскин!— деб чақирди у.

Боши чодирда, оёғи офтобда, мудраб ётган Вася апил-тапил ўрнимдан турди.

— Эшитаман, ўртоқ старшина.

— Оғайнинг пулемётини йўқотиб қўйибди-ю, сен

бўлсанг оёгингни осмонга қилиб ётибсан! Боринглар, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келинглар!

Вася иккимиз кўл ёқалаб кетдик.

— Нима бўлди ўзи? Қачон йўқотдинг? — деди Вася, оппоқ киприklarини пирпиратиб.

Мен бўлган воқеани айтиб бердим.

— Арслон бўлса қўрқма! — деди Вася. — Бало ҳам урмайди унга! Ётгандир бир жойда хуррак отиб! Сен у ёққа бор, мен бу ёқни қарай!

Қуёш шўр кўл ортидаги ясси адирларга ёнбошлаган, кундузги ҳарорат хийла пасайган, афтидан бугун бу ердан жилмасак керак, солдатлар ҳали ҳам дам олиб ётишар, дала ошхоналарининг мўриларидан тун кўтарилмоқда эди.

Старшина айтган ярим соат эмас, бир соатга яқин вақт ўтди ҳамки, Арслоннинг дарагини топмадим... Энди нима қиламан?

Узоқдан Вася кўринди. Юрагим ўйнаб унга қараб чопдим.

— Топилдимми?

— Қаёқда! — Вася кўзини олиб қочди. — Юр, сени комбат сўраяпти.

Комбат билан старшина Сало взвод жойлашган жойдан берироқда, дала ошхонасининг ёнида гаплашиб туришарди.

— Ўртоқ гвардиячи капитан!..

— Рапортни қўйиб тур! — деди капитан. — Арслондан дарак борми?

— Йўқ...

Старшина савол назари билан капитанга қаради.

— Нима қиламиз, ўртоқ капитан?

Капитан ҳамон ер остидан менга тикилиб турар, унинг хиёл ранги ўчган, лаблари қисилган эди.

— Бунақа ишлар учун нима қилиш кераклигини билмайсанми? Иккаласини ҳам... ҳарбий трибуналга бериш керак! — Капитан шундай деди-да, шартта бурилиб кетди.

Мен жон ҳолатда унинг кетидан югурдим.

— Ўртоқ капитан!..

— Хўш?

— Биздан хато ўтди. Лекин... Арслон яхши йигит...

— Йўқ! — капитан кескин бурилди, тўсатдан

кўалари қисилиб.— Эсингдами,— деб сўради,— тунов куни, сафарга чиқишдан олдин, мен сизлардан бир нарсани илтимос қилгандим!

— Эсимда, ўртоқ капитан...

— Йўқ, эсларингдан чиқибди. Ҳозир, уруш пайтида бундай қилиш, ишониб топширилган қуролни бировга бериб юбориш — жиноят!..

Даврон аканинг гапини Олянинг: «Ўртоқ капитан!» деган овози бўлди. Оля, бир ўрим йўғон сочи орқасида ўйнаб, ниманидир боши уара айлантириб, биз томонга қараб чолиб келарди.

— Қани, ўртоқ капитан, битта ўйнаб бериш!

— Оленька! Бошқа пайт...

— Йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди!— Оля қўлидаги хатни орқасига яшириб, бир-икки қадам чекинди.

— Агар ўйнаб беришга арзимайдиган хат бўлсачи? Хўб, мана!..— Капитан бир-икки марта ер депсинган бўлди-да, Олянинг қўлидан «шап» ушлаб хатни юлиб олди, сўнг, конвертга кўз ташлади-да, шоша-пиша нари кетди.

— Ўртоқ капитан!— Қизнинг лаблари тўсатдан аллақандай титраб кетди.— Бу ўша... Сиз кутган хат эканми?..

Капитан кўзини хатдан узиб, Оляга қаради. Унинг хаёли қаёқадир бошқа ёқларда эди!

— А? Ҳа, ҳа... Раҳмат, Оленька!

Капитан йўлида давом этди. Оля эса, пастки лабини тишлаганча, бир-бир босиб, кўлга қараб кетди.

«Хат Саломатхондан!» Сафарга чиққач хаёлимдан кўтарилган эски дард бир зум қайта эсимга тушди. Лекин ҳозир буни ўйлайдиган ҳолда эмас эдим. Нажот кутиб старшинага қарадим. У томоқ қириб:

— Ўртоқ капитан!— деди.— Буни нима қиламиз энди?

Капитан тўхтади.

— Буни ҳозирча гауптвахтага юбор!— деди капитан, сўнг, бу саҳрода гауптвахта йўқлиги эсига тушди шекилли, қўлини силтади.— Арслон топилгунча нарядга юбор! Кечалари соқчиликда турсин, ошхонада ишласин! Шу!

Хаёлимга: «Бу одам... Уша кунги гапларим учун мендан ўч олмоқчимиз», деган фикр келди. Бу фикр-

нинг бемаънилигига ақлим етса ҳам негадир ўқиб,  
кўзим жиқ-жиқ ёшга тўлди...

\* \* \*

Кечаси наряддан қайтиб, энди уйқуга кетганимда  
тревога эълон қилинди.

Саҳрони танк ғилдиракларининг шарақлаши, ба-  
равар ишга тушган юзларча моторнинг гувиллаши ту-  
тиб кетган эди.

Қоронғиликда:

— Биринчи рота, сафлан!

— Учинчи взвод, сафлан! Ортимдан марш!— де-  
ган овозлар эшитиларди.

Кўл бўйида қаторлашиб турган студебеккерлар-  
нинг ёнида бизни рота командиримиз билан яна бир  
нотаниш офицер кутиб олиб, взводимизга ажратилган  
машиналарни кўрсатишди.

Мен капитаннинг кўзига тушишдан қўрқиб, ма-  
шинага тезроқ чиқиб олдим.

Сал ўтмай, «Қўзғалдик!» деган хитоб эшитилди.

Уфқдаги қирлар устида бир чети кемтик сарғиш  
ой ботмоқда эди. Унинг аллақандай совуқ шуъласи-  
да кенг саҳро, теварак-атрофдаги ясси адирлар, кўз-  
гудай ялтираган шўр кўл, ҳаракатга кирган қўшин-  
лар аллақандай сирли ва улуғвор манзара касб этган.  
Солдатлар ҳам худди шу дақиқанинг бутун улуғворли-  
гини ҳис қилгандай, сукутга чўмишган эди. Ёлғиз  
Вася Колбаскин питирлаб, жойида ўтиролмас, ўрнидан  
туриб: «Қойил! Ҳамма ёқни танк босиб кетибди-я!..  
Вой-бў-ўй, машина деганлари жоннинг роҳати экан-  
ку!»— деб пиқир-пиқир куларди. Ниҳоят, у ҳам тин-  
чиб жойига ўтирди.

— Самурайдан келадиган бало танклардан ортмас.  
Яқинроқ кел, оғайни, жиндак мизғиб олайлик!

Мизғиш қаёқда? Кўзимни юмишим билан яна ке-  
чаги ўйлар хаёлимни чулғаб олди. Арслонга нима  
бўлди? Наҳот келиб-келиб бу олис мусофир юртда,  
Хинган тоғларида шундай дўстимдан айрилиб қол-  
сам? Агар у қайтиб келмаса ўзим нима бўламан?..

Кўзим илиндими, йўқми, билмадим, бир маҳал  
машиналарнинг яраланган шердай ўкирган овозини  
эшитиб, уйғониб кетдим.



Тонг отган, биз барханлар орасида турардик. Ал-лақандай намхуш, тупроқдай майин бу қумликларнинг чегараси кўринмас, пўртанадай «тошиб», бир-бирдан баландлашиб кетган кўкимтир барханлар уфққа тақалиб, осмон билан туталиб кетган эди...

Олдимиздаги машиналар, тягачлар, ҳатто виллислар ҳам ҳар жой-ҳар жойда қумга тиқилиб, тўхтаб қолган, солдатлар қўлларида белкурак, шох-шабба ва шувоқ йиғишга киришишган эди.

— Белкураклар олинсин! Шувоқ йиғилсин!— олдинги машиналарнинг бирдан сакраб тушган старший лейтенант Харитонов кимнингдир белкурагини олиб, қум орасидаги шувоқларни чопишга киришди.

Биз ҳам машинадан тушиб шувоқ юлиш, тол ва жингилга ўхшаш қизғиш чакалакни буташга киришдик.

Солдатлар, йиғилган шох-шаббаларни ғилдиракларнинг тагига ташлашаркан, истеҳзоли кулишар, аския қилишарди:

— Йўқ, бунақа машиналардан ўзимизнинг ўнинчи трамвай тузук экан!

— Бўлмасам-чи? Ўнинчи трамвайда ҳозиргача анча жойга бориб қолардик!

— Ҳалиям бўлса ўзимизнинг трамвайда кетаверайлик!

— Йўқ-э, ёмон йўлдош ёлчитмас қабилдан бўлмасин, ёрдамлашиб юборайлик, биродарлар!..

Дарҳақиқат, қумлик бошлангач, ҳамма оғирлик яна шўрлик пиёда аскарларнинг зиммасига тушди.

Кечагина тягачларга миниб: «Дала маликасига оташин саломлар», деб ёнимиздан кулишиб ўтган артиллериячилар қумга киргач, «дала маликаси»нинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолишди. Ҳеч бир ғовни писанд қилмайдиган тягачлар, ўкирганда саҳрони бошига кўтарадиган студебеккерлар, ҳатто танклар ҳам барханлар орасида ғилдираклари урчиқдай айланиб тиқилиб қолар, биз уларнинг тагига саксовул ва шох-шабба босиб, тўпларнинг ғилдиракларига эса арқон боғлаб, «Ҳа, олдик! Қани, ҳа яна олдик!» деб ҳар бир қум уюми, ҳар бир барханга судраб олиб чиқар эдик. Қумлик эса чеки кўринмас, гўё бутун олам чексиз барханларга айлангану, биз ундан ҳеч қачон чиқолмаймиз. Фақат баъзи-баъзидагина аллақандай таш-

ландиқ кўрғонлар, уч-тўрт уйдан иборат мўгул қишлоқлари учрар, гоҳо-гоҳо ярим хароба будда ибодатхоналари кўриниб қолар эди. Четан деворлар билан ўралган кўралар ёнида тўпнига тушадиган узун чакмон кийган чоллар, кокил қўйган, мунчоқдай митти кўзлари ялт-ялт этган болакайлар кўринар, улар бизни жимгина қарши олиб, жимгина кузатиб қолишар эди....

...Хинган қумликларига кирганимизнинг учинчи ё тўртинчи куни кечқурун, баланд бир барханга чиқаётганимизда, гвардиячи капитан билан юзма-юз келдим. У батальон штаб бошлиғи — сочларига оқ оралаган старший лейтенант билан йўл ёқасида турар, ёнларидан ўтаётган машиналар тиқилиб қолса, кифтини тутиб, солдатларга ёрдамлашар эди. Капитан Колбаскинни кўриб ҳазиллашди:

— Бир ой колбаса емагандай шалпайиб қопсан-ку, Василёк?

— Колбаса-ку, ўзимда бор,— деди Вася териси шилиниб қип-қизил бўлиб қолган бурнини жийириб.— Аммо бир ой йўл юриб битта самурайни кўрмагандан кейин кайфинг бузилар экан, ўртоқ капитан.

Комбат кулди.

— Самурайларни кўргани кўзинг учяптими? Бўлмаса билиб қўй: ҳар бир қум уюми самурайларнинг битта ротасига тенг. Ҳар бир барханга чиққанингда Квантун армиясининг битта ротасини тор-мор қилдим, деб ҳисоблайвер, Колбаскин!

Мен унинг кўзига тушишни истамай, машинанинг чап томонига ўтиб олган эдим, Даврон ака тўсатдан:

— Солдат Муродов!— деб чақириб қолди.

Олдига боришга мажбур бўлдим. Капитан уйқусизликдан киртайиб кетган кўзларини четга олиб:

— Кичик лейтенантнинг тоби қочиб қолди,— деди, — ҳу ана у машинада ётибди...— У барханнынг тепасида турган студебеккерга ишора қилди.— Сени сўраяпти. Бор, Харитоновга ўзим айтиб қўяман...

«Демак, Оля бечора менга бўлишибди-да! Демак, ўша куни капитан унга ҳеч нарсани билдирмабди-да!» Бархан тепасига югуриб чиққунча ўпкам оғзимга тиқилиб, ҳансираб қолдим. Лекин пастдаги манзарани кўришим билан чарчоқ ҳам эсимдан чиқиб кетди. Пастда — мен чиққан барханнынг этагида, атрофи

қумликлар билан ўралган кўм-кўк бир водий ёстаниб ётар, водийнинг кунгай томонида эса, қалин дарахтзор орасида гўё қизил мрамрдан қурилган катта бир ибодатхона кўринар, ибодатхонанинг қизғин деворлари, ўймакорлик билан ясалган жимжимадор томи ботаётган қуёш нурида ялтираб турарди.

Оля машинанинг кузовида, сандиқ ва қутилар орасида, шинелига ўраниб, гужанак бўлиб ётар, унинг кўзлари юмуқ, иситмаси баланд бўлса керак, узунчоқ озғин юзи ловиллаб ёнар, лаблари қовжираб қолган эди.

Мен унинг ёнига тиз чўкдим, нима қилишимни билмай:

— Ўртоқ кичик лейтенант, сув ичасизми?— деб сўрадим.

Оля чуқур ботган кўзларини бир очиб яна юмди, қуруқшаган лабларини ялаб: «Совуқ», деб пичирлади.

Мен шинелимни ечиб унинг устига ёпдим. Оля чиндан ҳам титрамоқда эди.

— Безгак тутгандай қалтираяпман!— деди у кўвини очмай.

Машина шарқираб оқаётган сойдан ўтиб, баланд чинор тагида тўхтади. Виз ибодатхонанинг тош қўрғони ёнида турардик. Бошқа машиналар ҳам бирикетин келиб тўхтамоқда, олдин етиб келганлар ибодатхона олдидаги очиқ майдонга чодирларини тика бошлашган эди.

Машинага гвардиячи капитан чиқди. У менга қарамай, ёнимга чўнқайиб, қизнинг пешанасини ушлади.

— Медсанбатга борасанми, Оленька?

Оля кўзини очди-да, Даврон аканинг қўлини ушлади.

— Йўқ, ўтиб кетар... фақат совқотяпман!..

— Айтдим, гулхан ёқишяпти... Тушасанми?

— Майли...— Оля шинелига яхшироқ ўраниб ўрнидан турди.

Кун ботган, боя олтиндай товланиб турган ибодатхона энди жигар ранг тусга кирган эди. Ибодатхонанинг темир панжарали дарвозаси олдида тўпигига тушадиган узун қора духоба чакмон кийган икки кекса монах турар, лабларида сохта табассум, улар

солдатларга таъзим қилар, митти кўзларини қисиб илжайишар, лекин ҳеч кимни ичкарига қўйишмас эди.

Чинор тагида чиндан ҳам ловиллаб гулхан ёнарди. Даврон ака пастда, сой томонда кўринган ғарамга ишора қилиб, бир қучоқ қуруқ пичан олиб келишни буюрди. Мен сойда қаторлашиб турган юк машиналари орасидан ўтиб бораётувдим, тўсатдан:

— Мансур!— деган овоз эшитилди.

Қарасам — Мирҳайдар, қўлида бир фуражка олма, тиржайиб турибди.

— Олма?— дедим ҳайрон бўлиб.— Қаёқдан олдинг?

— Топамиз-да!— деди Мирҳайдар керилиб.— Ма, ол. Сен бўлсанг... Ҳалиям юрибсанми чоригингни судраб?— У қип-қизил катта бир олмани қўлимга тутқазаркан, яна ишшайиб.— Юр қиттай-қиттай қилайлик!..— деди ва қўлимдан ушлаб судрай бошлади. Шундагина мен унинг кайфи тарақ эканини сезиб қолдим... Арслонни ўйлаб кўнглимга қил сиғмай турган пайтда «қиттай-қиттай» дейди-я!.. Қўлимни тортиб олиб, ғарамга югуриб кетдим.

Мен бир қучоқ қуруқ личанни кўтариб борганимда, Даврон ака штабга кетган, Оля эгнида шинель, гулханга қуруқ буталарни ташлаб, жаёлга чўмиб ўтирарди. Бирдан чўнтагимдаги олма эсимга тушиб, уни олиб узатдим.

Олянинг кўзларида болаларга хос қувонч аке этди.

— Олма? Ростакан олма-ку? Қаёқдан топдинг?..

— Топдим-да!— дедим гердайиб.

Оля олмани кафтлари орасига олиб, ҳидлади.

— Бирам хушбўй, бирам хушбўйки!.. Агар...— деди у кўзларини гулхандан узмай,— агар ҳозир бир қултум вино бўлса ичардим...

— Спиртми?

— Йўқ!— Оля ижирганиб юзини буриштирди.— Вино бўлса дейман. Биз ғарбда, Австралияда турганимизда, шунақа винолар бўлардики...

Оля бошимга иш тушиб, бир оғиз илиқ гапга зор бўлиб турганимда чақирди! Мен ундан шундай миннатдор эдимки, агар у анқонинг уруғини топиб келдеса ҳам йўқ демас эдим!...

Ўрнимдан сакраб турдим.

— Қаёққа Мансур?— деди Оля.

— Ҳозир келаман...

Мирҳайдар боя сой бўйида қаторлашиб турган юк машиналарининг бирида бўлиши керак, чунки юкларига қараганда, улар ПФСга тегишли машиналар эди. Лекин машиналар кўп, уларнинг ёнида соқчи турган бўлиши мумкин...

Тўхта! Қулоғимга худди бузилган мотордай хириллаган овоз чалинди. Мирҳайдарнинг машҳур хурраги!

У энг чеккадаги студебеккернинг кабинасига кириб, пинакка кетган эди.

— А? Нима? Қанақа вино?— деди у керишиб машинадан тушаркан.— Спиртми? Боя айтсам ичмовдинг-ку, фирром?

Мен унга спирт эмас, вино кераклигини зўрға тушунтирдим.

— Винони нима қиласан? А-а... ўша, ҳалиги нозанини кўнглини олмоқчимисан?— кулди у.— Сен ҳам балосан!..

— Менга қара, Хаёл!..

— Ҳазилни тушунмайсан-да!— Мирҳайдар елкадан қучоқлаб кулди-да, турган жойимизни сўради.

Мен тушунтириб бердим.

— Вино бор,— деди у.— Лекин хўжайиндан берухсат беролмайман, оғайни. У бир жойга кетувди, ҳозир келиб қолади. Сен боравер, бир оздан кейин ўзим олиб бораман.

Гулхан деярли сўниб қолган. Оля, шинелига ўраниб, ёнбошлаб ётарди.

— Қаёқларда юрибсан?— деди у қаддини ростлаб.

— Бир жойга бориб келдим...— Мирҳайдарнинг олдига борганимни айтгим келмай, гулханга қуруқ буталардан ташлаб, пичанга тўшалган чодирнинг четига ёнбошладим.

— Овқатингни е!— деди Оля.— Совуб қолгандир...— У чирс-чирс сачраётган учқунлардан кўзини узмай, яна хаёлга толди.

— Мансур,— деди у анчадан кейин.— Тошкент яхши шаҳарми?

«Тошкент» сўзи қулоғимга жуда илиқ эшитилиб, юрагим бир ҳаприқиб тушди.

— Яхши бўлганда қандоқ, Оленька! Ажойиб шарҳар!

— У ерда чет тиллар институти бормикан? Билмайсанми?

— Улисини билмадим, лекин университет бор. Буни яхши биламан.

Оля секин хўрсиниб қўйди.

— Июлда, студентларни хизматдан бўпатишганда... кетаверсам бўлар экан. Негадир кетавермай бу ёққа келдим... Мана энди, Хинган тоғларида... будда ибодатхонаси ёнида ётибман... Нега ўшанда кетавермадим? Нега бундай қилдим? Ўзим ҳам билмайман...

Унинг овозида, бошини бир томонга сал эгиб, гулханга ўйчан тикилиб ўтиришида қандайдир нозик бир мунг, киши бировга айтолмайдиган бир ҳасрат бор эди.

— Ўртоқ кичик лейтенант,— дедим.— Сиз ўзингиз... қаерликсиз? Умуман...

— Умуман, қанақа одамсиз, демоқчимисан?— Оля секин кулди-да:— Неча ёшга кирдинг, Мансур?— деб сўради.

— Ўн саккизга. Ҳужжат бўйича ўн тўққиздаману, лекин аслида...

— Ёшингга бир ёш қўшиб, армияга кетгансан, тўғрими?— Оля аллақандай илиқ бир меҳр билан юзимга тикилди.— Мен эсам... Уруш бошланганда ўн еттида эдим, Мансур. Ўша маҳалда Тая деган қизнинг номи чиқувди. Эшитгандирсан балки?

— Эшитганман. Кейин Зоя Космодемьянская бўлиб чиқди-ку!

— Тўғри. Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина... Мен ҳам ўн тўққиз ёшимда, худди шулардай бўламан деб чет тиллар факультетининг иккинчи курсидан фронтга кетганман. Улардай бўлолмаслигимни билмабман.

— Нега бундай дейсиз, ўртоқ...

— Чунки... Менинг фамилиям уларникидай чиройли эмас!— кулди кичик лейтенант.— Оля Куприянова! Йўқ, чиройли эшитилмайди!

— Кейин-чи? Кейин нима бўлди?..— дедим унинг кулгисига эътибор бермай.

— Кейин... Штабда, разведка бўлимларида таржимонлик қилдим. Кейин радистка бўлдим, ҳамшираликка ўқидим. Кейин гвардиячи капитан билан десант-

да бўлдим. Чехословакияда, Словакия тоғларида... Сен душман орқасига десант тушиш иммалигини тасаввур этолмайсан, Мансур. Тўққиз кишидан фақат уч киши омон қолганмиз, гвардиячи капитан, мен ва Дмитрий Михайлович...

— Уртоқ кичик лейтенант!..— Уйқум қочиб ўрнимдан туриб кетдим. Мен «Уртоқ кичик лейтенант, ҳаммасини бир бошдан гапириб бериш», деб ёлвормоқчи адим, лекин худди шу пайт гулхан ёнида капитан Ногаев пайдо бўлди.

— Салом, Оленька!— у кўтариб олган қоғоз қутисини ерга қўйиб, ёнимга чўккалади.— Яхшимисиз, Оленька. Хайрон бўлманг. Тобингиз қочганини эшитиб қолдим. Шунга... шифо бўлармикан, деб бир шиша вино билан майда-чуйда олиб келдим...

Оля ер остидан менга қаради. Мен ичимда Мирҳайдарни сўкиб, ўрнимдан туриб кетмоқчи адим, Оля:

— Қабққа?— деди.— Шошма, штабга кетганлар келишсин.

Мен жойимга ўтиришга мажбур бўлдим.

Ногаев қалин қора қошлари чимирилиб, секин хўрсинди. Сўнг:

— Оленька,— деди аллақандай ёлвориб.— Тунов кунги қилиқларим учун яна бир марта кечирим сўрайман...

— Қўйинг шу гапларни,— Оля кулимсираб, пешанасига тушган соч толаларини тузатди-да:

— Қани олинг винонгизни!— деди.

Ногаев шоша-пиша қоғоз қутидан шампанскоега ўхшаган бир шиша вино олиб ўртага қўйди-да, қутини ағдарди. Қутидан бир кило печенье, беш-олтита олма ва иккита рюмка тушди...

— Рюмка?!— деди Оля, кичкина биллур қадаҳларни шуълага тутиб кўраркан.— Ишлар бошқача-ю, ўртоқ капитан!

Ногаев Олянинг қўлидан қадаҳни олиб вино қуяркан, мамнун илжайди.

— Ногаевнинг ишлари ҳеч қачон ёмон бўлган эмас, фақат сиз... Хўп, сизга шифо келтирсин бу вино! Сиз учун, Оленька!

— Мансур-чи?— деди Оля.

— Мансурга ҳам қуямиз!

Ногаев Оля билан кадаҳ уриштириб ичди-да, менга ҳам бир рюмка вино қуйиб узатди. Мен иккиланиб Оляга қараган эдим, у рюмкасини чўзиб кўзини қисди: «Олавер!»

Мен ҳам таваккал қилиб кўтариб юбордим. Ногаев қадаҳларни яна тўлдирди.

— Ёқдимми? Яна биттадан олайлик, Оля!

Иккинчи рюмкадан кейин дилимдаги ташвиш сал тарқалгандай бўлиб, киприкларим ёпиша бошлади-ю, тўсатдан Ногаевнинг аллақандай дардли овозини эшитиб, кўзим очилиб кетди.

— Оленька! Худо ҳақи, ўшандан бери ҳеч қаёққа сизмай колдим.

— Қўйинг шу гапларни,— деди Оля ҳам ёлвориб.

— Тўхтанг, Оленька. Дардимни айтиб қолай ақалли. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен сиздай қизни биринчи учратишим. Шу маҳалгача бирорта аёл менинг муҳаббатимни рад этмаган эди. Тўхтанг, гапимви бўлманг. Биладан, бунинг ҳаммаси майда, бачкана гаплар! Узим ҳам шу маҳалгача қилиқларим бачкана эканини билмас эдим! Сизни кўрдиму... Сиз шундай маъсум, шундай...

— Капитан Ногаев!— деди Оля.— Ё бу гапларингизни қўйинг, ё...

— Яхши, бас қилдим!— Ногаев оғир хўрсиниб жим қолди. Оля ҳам хўрсинди.

— Яхши гапларингиз учун раҳмат, лекин...

— Лекин нима?— деди Ногаев фиғони чиқиб.— Наҳот сиздай қиз келиб-келиб шу... қўрс, тошюрак одамни севса?

— Яна бачканалик қилиясиз, Ногаев!— деди Оля.— Бас қилинг дедим-ку, сизга!— У бир лаҳза жим қолди, кейин секин қўшимча қилди:

— Сиз нимани ҳам биласиз, Ногаев...

Мен оҳиста чап ёнимга ағдарилиб ётдим. Кўзим ялиндимми, йўқми билмадим, бир маҳал ёнгинамиздан ўтган танк ғилдиракларининг шарақ-шуруғидан уйғониб кетдим.

Гулхан ҳамон ловиллаб ёнар, боя Ногаев ўтирган жойда Даврон ака ўтирар эди. У тиззасига қора жилдлик қалин дафтарини қўйиб, бир нималарни ёзарди.



Оля ҳам уйғонди шекилли, шинелини тўғрилаб, капитаннинг ёнига ўтиб ўтирди.

— Ҳалиям ухламадингми?

Капитан соатига қараб:

— Энди ётишнинг фойдаси йўқ,— деди.— Ярим соатдан кейин қўзғаламиз... Ўзинг нега турдинг? Тузукмисан?

Оля кулди.

— Ногаевнинг виносидан шифо топдим... Айтмоқчи, унинг шикоятини нима бўлди? Белобородов индамадими?

— Гап Белобородовда эмас. Эсингдами, даштда одамлар йиқилиб қолган куни...

— Ногаевнинг машиналарини тортиб олган кунинг...

— Ҳа, ўша куни Белобородовнинг муовини билан қаттиқ айтишиб қолган эдик. Энди Ногаев иккиси шу гапларимга қаттиқ ёпишиб олишди.

— Нима дейишяпти?— деди Оля безовталашиб.

— Пашшадан фил ясашяпти. Майли, қумликдан чиқайлик-чи, бир гап бўлар.

— Айтмоқчи, Арслондан дарак бөрми?

— Йўқ.

— Мансурнинг иши нима бўлади? Бола бечора жуда қийналиб кетди...

— Бола эмас — солдат! Арслон топилса бир гап бўлар. Топилмаса... Ҳайронман! Индинга машҳур Халанга истехкомига чиқамиз. Жангга кирамиз.

— Яна жанг!— деди Оля хўрсиниб.

— Қўрқма, бу уруш кўпга бормади. Улар бизни ҳеч кутаётгани йўқ. Кейин бу куч, қудрат билан...

— Биламан. Ҳаммасини биламан. Бироқ бирор фалокат бўлиб, бу тоғлар орасида, она юртимиздан узоқда, ёт элда қолиб кетишни ўйласам...

— Қаёқдаги совуқ гапларни гапирма! Ким сени душман орқасида десантда бўлган машҳур разведкачи Оля Куприянова дейди. Чарчабсан, Оленька. Ярим соат бўлса ҳам мизғиб ол, азизим!..

«Индинга жанг! Унгача Арслон топилса бир гап бўлар. Топилмаса... Ҳайронман!» Вино таъсирида хаёлимдан кўтарилган оғир ташвиш қайта ёпирилиб келиб, юрагимни яна ваҳима босди.

Осмон билан ўпишган барханлар тўсатдан чекинди. Биз ярим кечагача йўл юриб, қандайдир водийга чиқдик. Машиналар, тўпларни шатакка олган тягачлар, танклар тоғ орасида, панада қолди. Биз рота бўлиб, дарадан чиқишимиз билан бошланган гаолян<sup>1</sup>зорни оралаб кетдик.

Душмандан ҳали ҳам дарак йўқ, лекин буйруқларнинг шивирлаб берилишидан, товуш чиқармай, сокин одимлашимиздан ҳозир комбат айтган жанг бошланишини сезаман, сезаману, аъзойи баданимни нохуш бир қалтироқ босади.

Қамишдай қалин гаоляنزор шатир-шутур бўлиб кетди, гаолянларнинг қуриб-қовжираб қолган япроқлари юзларни тирнар, оёқ остида чирс-чирс синарди. Ҳамма ёқ зим-жмё, фақат беғубор тиниқ осмонда оппоқ йирик юлдузлар чарақларди...

Қаердадир олдинда, гаоляنزор орқасида, гоҳо-гоҳо пулемёт тариллар, сўнг яна жимлик чўкарди... Тўсатдан қоронғиликни ханжардай тилиб, осмонга кўк-қизғиш ракеталар отилди... Ракета отилган жой биздан чапроқда, хийла олисда эди. Шунинг учун бўлса керак, ракетага эътибор бермай бир чақиримча юрдик, кейин гаоляنزор чекиниб олдинда — пастликда, симобдай ялтиллаган дарё кўринди. Юзларга бирдан намхуш ва салқин шабада урилиб, дарёнинг сокин шовиллаши эшитилди.

Дарё бўйида, қамишзор орасида, сапёрлар сувни шалолатиб кўприк қуришмоқда, у ердан секин берилган буйруқ, сўкинган бўғиқ овозлар эшитиларди...

Қоронғиликда старший лейтенант Харитонов билан взвод командиримиз старшина Сало кўринди.

— Пулемёт ва милтиқлар ўқлансин! — секин буйруқ берди Харитонов.

— Пулемёт ва автоматлар ўқлансин!

Мен аллақачон ўқ тўла дискани автоматимга жойлаб қўйганман, чунки бугун, шу жангда ҳаёт-мамотим ҳал бўлишини биламан: агар ўзимни кўрсата олсам, балки гуноҳимни кечирар, кўрсата олмасам... нима бўлишимни ўзим ҳам билмайман. Аксига олиб, дард-

<sup>1</sup> Маккажўхорига ўхшаган ўсимлик.

лашадиган Вася ҳам йўқ, уни капитан ўзига алоқачи қилиб олган.

Тўсатдан ёнимда ётган жиккаккина сержант биқинимга туртди.

— Нима бало, ухлаб қолдингми?.. Олга!

Ҳамма жимгина қўзғалганини кўриб, ўрнимдан сакраб турдим. Старшина Сало бешчилигида соҳилдаги қамишзордан ўтиб, кўприкка чиқдик. Ҳаво тўлдирилган резинка қайиқларга шох-шабба тўшалиб ясалган «кўприк» оёқ остида лапанглаб турарди.

Сувдан фақат бошлари кўринган сапёрлар кўприк остида ҳамон нималарнидир боғлар, маҳкамлар, уларнинг шивирлашлари эшитилар эди.

Мен дорбоздай ликиллаб, кўприкнинг окирига бориб қолганимда, қулогимга гвардиячи капитанининг кескин овози эшитилди:

— Мен ҳам разведкани бўлганман, лейтенант! Лекин мен ҳеч қачон дуч келган солдатни отрядимга олган эмасман!

Унинг гапини нотаниш асабий овоз бўлди:

— Бу солдат қумликда, яқин отлик отряди билан тўқнашганимизда жуда иш кўрсатди...

— У ёғи билан ишим йўқ! Лекин уни биздан берухсат разведкага олишингиз...

— Берухсат эмас. Белобородовда штабнинг буйруғи бор...

— Белобородов менга ҳеч нарса дегани йўқ!

— Демаган бўлса дейди, ўртоқ капитан!

Миямда чақмоқ чақмади: «Арслон!»

Назаримда, тўсатдан Арслоннинг овози қулогимга чалингандай бўлиб:

— Арслон!— деб юбордим, сафдан чиқдим. Лекин шу пайт соҳилдаги қоронғи қамишзор орасидан капитанининг дарғазаб овози эшитилди:

— Ким у бақираётган?

Ёнимда жиккак сержант пайдо бўлди.

— Оламини бошингга кўтардинг-ку, аҳмоқ? Сафни бузма! Олга!

Бўғзимга келган кўз ёшимни қулт этиб ютиб, сафга қўшилиб югуриб кетдим.

«Арслонми, Арслон эмасми? Наҳот Арслон бўлса?»— Қоронғида қоқилиб-суқилиб югуриб бораркан-

ман, «ишкилиб, Арслон бўлсин!» деб кимгадир яли-  
нар, куз ёши аралаш илтижо қилар эдим.

Қамишзордан кейин яна гаолян ва қўноқ экилган  
далалар бошланди. Бу далалардан ўтиб, қандайдир  
пастак қирларга чиқиб олдик. Боя чап томонда оти-  
лаётган ракеталар энди рўпарамда, олис-олисларда  
чакнар, лекин биз тўхтамай, югуришда давом этар  
эдик. Назаримда, водийни солдатларнинг гурс-гурс  
қадамлари-ю, оғир ҳансирашлари тутган, бу овозлар-  
ни ҳатто олисда ракета отаётган японлар ҳам эшита-  
ётгандай туюлар эди.

Ниҳоят, тепасигача тариқ экилган қандайдир ба-  
ланд қирнинг устига чиққанимизда, қоронғида қаёқ-  
дандир Харитонов пайдо бўлиб:

— Ет!—деб буюрди.

Осмон ҳамон юлдузга тўла, зим-зиё қоронғиликда  
ҳеч нарса кўринмас, фақат олисдаги қорли чўққи-  
ларгина кўзга элас-элас чалинар эди.

Ногаҳон биз ётган қир қаттиқ силкингандай, қа-  
ердадир олдинда катта қоя ағдарилиб тушгандай бўл-  
ди. Кейин устма-уст портлаган снарядлардан тоғ ус-  
тига тоғ қулаётгандай туюлди-ю, ҳамма ёқ остин-устин  
бўлиб кетди. Мен қўлларим билан қулоқларимни бе-  
киптиб, юз тубан тушиб ётган эдим, кимдир қувонч би-  
лан «Катюша!» деб юборди.

Катюшалар дарёнинг у юзида жойлашган бўлса  
керак, ўша томондан олов, чинакам олов сели қуйила  
бошлади. Бир-бирини қувган олов тиллар қоронғи-  
ликни ялаб ўтиб, пастдаги ясси тепаликлар, олисда  
қатор тизилган уйлар, қандайдир истеҳкомлар, қўр-  
гонлар, омбор ва вишкалар устига ёғилмоқда эди. Ана,  
бир, икки, уч жойда ёнғин кўтарилди. Назаримда,  
уйлар, вишкалар ва сим билан ўралган аллақандай  
қўрғонларгина эмас, ясси қирлар ўпирилиб тушиб, фор-  
га ўхшаб қолган дотлар, ҳатто олисдаги чўққилар  
ҳам ёнаётганга ўхшар, водийни тутган бу аланга ва  
дуд орасида чумолидай югуриб юрган одамлар кўри-  
нар, бетартиб отилган пулемёт ўқларининг ялтил-  
лаши кўзга чалинар, гоҳо тўп овозлари эшитилиб  
қолар эди...

— Маладес, Катюша!

— Боплаяпти!

Дилимдаги бояғи мудҳиш қўрқув пасайган, айна

замонда, фавқулодда бир иш қилиш тўғрисидаги ўйларим ҳам пучга чиққан эди. Чунки бу жанг мен тасаввур этган жангларга мутлақо ўхшамасди. Бу — самурайлар бошига ёғилган бир офат эди!..

Тўсатдан яқиндаги соҳилда қаққайиб турган икита вишка бирдан ловиллаб ёнди-ю, тош қўрғон ичида осмонга сапчиб, ўзларини у ёқдан-бу ёққа отаётган отлар кўринди. Отларнинг аччиқ ва зорли кишнаши тўп овозларини ҳам босиб юборди.

— Эҳ, отларга жабр бўлди-да!

— Чоп! Қутқар!

Бу гапларни комбатнинг таниш, сал бўғиқ овози бўлди:

— Ҳужумга тайёرمىсан, Дмитрий Михайлович?

— Тайёрман, ўртоқ капитан!

Комбат, қўлида бинокль, тўзғиган сочларини силаб пастдаги водийга тикилиб ётарди. У тўсатдан:

— Колбаскин!— деб чақирди.

— Эшитаман, ўртоқ капитан!

— Ҳу ана у ёнаётган жойни кўряпсанми? Қўрғонни айтаётганим йўқ, бу ёқда: чўққининг тагида...

— Кўряпман ўртоқ капитан.

— Уша жой 478-тепалик деб аталади. Иккинчи ротага чоп. Ведерниковга айт, пистирмада танклар борга ўхшайди. Эҳтиёт бўлсин!

— Ҳўп, ўртоқ капитан!

— Харитонов!— деди комбат.— Сен боя айтилган мўлжалдан сал чапроққа ол! Соҳилни кўзла!

— Ҳўп бўлади, ўртоқ капитан.

— Лекин эҳтиёт бўл, соҳилда амбразура, дотлар кўп!.. Ҳужумга ўтганда ҳамма қуроллардан баравар ўт очилсин! Тушундингми, ҳамма қуроллардан! Ана, танклар келяпти!— капитан шундай деди-да, қир бағирлаб қаёққадир чолиб кетди...

Танклар ерни ларзага солиб яқинлашмоқда эди. Мана улар, тагимиздаги тепаликни титратиб ёнимиздан ўтди. Ўтди-ю, наъра тортганича, пастга — усиз ҳам жаҳаннамга айланган водийга қараб йўналди.

Старшина Сало қўлида автомат, ўрнидан сакраб турди:

— Олға!

Автоматимдан ўқ сочиб, ҳамма билан баробар пастга қараб чопдим. Бутун водий — пастдаги тепаликлар,

тиканли сим билан ўралган қандайдир бино ва қўрғонлар дуд орасида қолган эди. Лекин биз ҳужумга ўтишимиз билан жимиб қолган тепаликларга жон кирди, у ердаги амбразураларнинг оғзи ялтиллаб, ҳавони ўқларнинг ваҳимали виж-вижи тутиб кетди.

— Ёт!— деб бақирди кимдир.

Ўзимни ерга отдим у жон қолатда орқага тисарилдим: мен тиканли симлар устига қулаган эдим, тўп-бозлик пайтида узилиб, ўралиб қолган бу симлар қўларимга чўғдай тегиб, жазиллатиб юборди.

— От! Бу ёққа!— старшина Сало қўлимдан «шап» ушлаб, отлар кишнаётган қўрғон томондаги гумбазсимон тепаликни кўрсатди, тепалик остидан ялт-ялт этган аланга чиқарди. Мен шоша-пиша алангани нишонга олиб, автоматимдан ўт очдим. Старшина эса, бошини кўтариб, уст-устига иккита граната отди-да, «олға!» деб буйруқ берди.

Биз ўралиб-чирмалиб қолган, лекин ҳамон олов тапти келаётган қат-қат тиканли симлар орасидан ўтиб, қандайдир чуқур траншеяларга сакрадик. Шу заҳотиёқ ҳавони қоплаган қўланса тутун ва туман орасида яна пулемётларнинг таниш тариллаши эшитилди. Тўсатдан мендан уч қадам олдинда автоматдан ўт очганича чошиб бораётган бўлинма командирим, жиккаккина сержант, кўкрагини чапгаллаганича секин тиз чўка бошлади... Мен чошиб бориб, уни қучоқлаб олдим, лекин у боши қуйи эгилиб, қўлимда осилиб қолди. Улимни биринчи марта кўрганим учунми, ҳушим учиб, қотиб қолдим. Хайрият, ёнимдан югуриб ўтаётган старшина Сало, тўхтаб орқасига қайтди.

— Ким у? Пронкинми?— Старшина кексаларга хос бир ғамхўрлик билан сержантни четроққа ётқизиб, устига шинелини ёпди.

— Ҳозир санитарлар келади. Олға, ўғлим!

Ўлим юрагимга солган совуқ ваҳимадан ларзага келиб, олдинга интилдим.

Одам бўйи келадиган траншеялар пачақланган пулемёт, милтиқ, сим ўралган ғалтак, снаряд қутилари, яна алланималарга тўлиб кетган, уларнинг орасида самурайларнинг мурдалари ётар, ярадорларнинг инграши эшитилар, лекин отишма тўхтамаган, айвиқса соҳилда, отлар қамалган тош қўрғон томонда жанг сурони давом этарди. У ерда, ўпирилиб тушиб горга ўхшаб

қолган дотларда ялт-ялт аланга сочиб, пулемёт, автоматлар тариллар, гоҳо-гоҳо гун-гун этиб, гранаталар портлар эди.

Траншеянинг охирига етиб, қўрғонга бурилишда кимдир устимга сакраб, яна боягидай:

— Ёт!— деб қичқирди.

Бирдан ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетди. Назаримда, қора тутун орасида қолган тош қўрғон ағдарилди-ю, йўлдаги ҳамма тўсиқларни емирувчи бир куч — қандайдир бир тошқин оқиб чиқди. Бу — отлар эди!

Қўрғон дарвозасини ағдариб, бир-бирини босиб-янчиб чиққан юзларча от дуд орасида аянчли кишнаб, окоп ва траншеяларга гурс-гурс йиқилиб, тасур-тусур қилиб яқинлашиб келди-ю, хайрият, дарё томонга бурилди...

Мен траншеядан бошимни чиқардим, юрагим зирқираб кетди: дуд орасидан отилиб чиққан чиройли оқ от, худди бошимиз устида тўхтаб, олдинги оёқларини кўтариб кишнади-да, ловиллаб ёнаётган думини ҳавода алвондай силкитиб, бояги тошқин кетидан отилди...

— Эҳ, ажойиб арғумоқ экан!— деди биров. Ҳуририлиб қарадим. Ёнимда старший лейтенант Харитонов турар эди. Мен шундагина боя устимга сакраб «Ёт!» деб бақирган одам рота командиримиз эканини ангадим.

Орқадан траншея бўйлаб Вася Колбаскин югуриб келди.

— Уртоқ старший лейтенант!— деб Вася ҳансираб тўхтади.— Комбат эгаллаган позициядан жилмасликни буюрди. Ҳозир яна танклар ўтармиш...

— Жуда соз! Дмитрий Михайлович, буйруқни эшитдинг-а. Эшитган бўлсанг, ҳозирча жилма. Кейин чапдаги ҳу ана у тепаликни кўряпсанми? Тагида дот бор. Ушани эгалла!— Старший лейтенант шундай деди-да, ўзи траншеядан сакраб чиқиб ўнг томонга югуриб кетди.

Вася секин биқинимга туртди:

— Қалайсан? Ҳотанг ёрилмадими, оғайни?

— Сен-чи?

— Биз мана, юрибмиз, бутун батальонни бошқариб,— деб кулди Вася.— Ана танклар!..

Танклар орқадан эмас, водийнинг шарқ томонидан соҳилни ёқалаб келар, дам дуд ичига шўнғиб, ёнаётган

## Анам, атам!

уйлар, ўпирилган тепаликлар панасида кўринмай қолар, дам узун хартумларидан чақмоқ чақиб, қайта пайдо бўларди... Водий яна остин-устин бўлиб кетди, соҳилдаги япасқи тепаликлар, қулаб тушган вишкалар, ҳатто яқиндаги тош қўрғон — ҳаммаси яна тутунга бурканди.

Старшинанинг буйруғи билан иккига бўлиниб, иккита траншеядан югуриб кетдик. Тепаликка яқинлашиб қолганимда, биров:

— Ай, Мансур!— деб чақиргандай бўлди.

— Серкабой?— дедим ҳайрон бўлиб.

Емирилган траншеянинг четидаги чакалакзор орасида Шоюсуп ётар, Серкабой оқ дока билан унинг сонини боғламоқда эди.

— Шоюсупга нима қилди? Қандай қилиб бу ерга келиб қолдиларинг?

— Немене? Борлиқ самурайди жалғиз ўзинг қирдингба?— деди Серкабой.

Шоюсуп мени кўриб тўлғанди.

— Мансур! Дўстим! Агар бир нима бўлсам...

— Ай қўйсайши!— деди Серкабой жеркиб.— Жигитсинғўй! Мансур! Жардем бер!

Мен оғайниларимнинг ёнида қолиш-қолмаслигимни билолмай, иккиланиб турган эдим, траншеянинг муюлишида Оля кўринди.

Қўлида ҳамшираларнинг сумкаси, Оля биз томонга югуриб келар эди.

— Уртоқ кичик лейтенант!

— Тўхта!— деди Оля, гапимга қулоқ солмай.— Жанг тугади. Ана, қара!

Соҳил томонда, дуд ва туман орасида оқ байроқчалар пайдо бўлган эди.

Упирилиб тушган қир ён бағридаги ўнгирлардан афти-башараларини қора қурум босган, кийимлари йиртилиб кетган самурайлар битта-битта бўлиб чиқиб келишарди... Ана, биз турган тепаликнинг у томонида ҳам самурайлар кўринди. Уларни кўриб юрагим орқамга тортиб кетди: қўлларини кўтариб ўнгирдан чиқаётган, юзларини қора қурум босган самурайлар орасида... кўкраги аллақандай ялтироқ медалларга тўла бир япон ғалати қийшанглаб, қўлларини ҳавода ўйнатиб, рақсга тушмоқда эди... Унинг йирик сарғиш тишларини кўрсатиб ишшайишида, хириллаб кулиши



# Раъшан

ва этигидаги шпорларини жаранглатиб қийшанглашларида аллақандай мудҳиш бир нарса бор эди!..

— Ёпирмай! Минавга не бўлган?— деди Серкабой.

— Ақлдан озганга ўхшайди!— деди ёнимизга келиб тўхтаган Вася.

— Қани, ёрдамлашиб юбор, Мансур!— деди Оля. У Шоюсупнинг ёнига тиз чўкиб, ярасини боғламоқда эди.

Мен трансеедан чиқдим. Шу пайт чап қўлдаги ўпирилиб тушган телаликни айланиб ўтаётган ўн чоғлиқ отлиқ кўринди. Мен уларга қарадим, жойимда қотиб қолдим.

Отлиқларнинг орасида... Арслон ҳам бор эди! Елкасида автомат, Арслон келишган тўриқ отини ўйнатиб, бамайлихстир ўтиб борар эди. Жон ҳолатда, «Арслон!» деб бақириб, унга қараб югурдим.

Отлиқлар тўхташди. Арслон тўригининг бошини буриб, чоптириб келди:

— Бормисан, шоир?— у отдан сакраб тушиб, қулочини ёзди. Мен унинг офтобда қорайган шиддатли юзига, шўх чақнаб турган кўзларига тикилдим, ўпкам тўлиб:

— Қаёқларда юрибсан, ахир,— деб сўрадим.

— Э-э, айтаверса гап кўп, оғайни! Қумликда разведкачиларга учраб қолиб, шунақа ишлар қилдикки, бир йилда ҳам айтиб тамом қилолмайман!..

Югуриб келган Вася унга дўқ ура кетди:

— Сен қанақа одамсан ўзи? Бу бечорани балога қолдириб... қаёқларда юрибсан? Пулемёт қани?

— Бунга гап тегмайди. Қўркма!— деди Арслон қўлларини белига тираб.— Пулемётни топширганман. Ҳаммаси жойида.

— Жойида эмиш! Комбат буни исканжага олиб...

— Комбат дейди-я!— Арслон кинояли кулимсиради.— Бизнинг лейтенант генерал билан гаплашган. Ҳаммаси ҳал бўлган!..

Шу пайт отлиқлардан бири:

— Арслон!— деб чақирди.

— Кечирасанлар, оғайнилар. Разведкага кетяпмиз! Арслон Шоюсуп билан хайрлашди-да, тўригини қамчилаб, увоқлашиб қолган отлиқларни қувиб кетди...

Кўнглим бир хил бўлиб, то Арслон кўринмай кетгунча орқасидан тикилиб қолдим.

— Батальон, смирно!

— Вольно!

Комбат штаб бошлигининг рапортини охиригача эшитмай, қўрғон ёнида саф тортган роталарнинг олди-дан ўтиб, ўртада тўхтади.

— Ҳуртоқ офицерлар, солдат ва сержантлар!— Комбат қовоғини солиб томоқ қирди.— Гоби саҳроси ва Хинган тоғларида чеккан мислсиз машаққатларимиз бекор кетмади. Мана, бир қараб қўйинглар!— У қўлини чўзиб, олисдаги қорли чўққиларгача туташиб кетган кенг водийни кўрсатди.

Боя саҳарда водийни қоплаган туман тарқаган, ён-гин ўчган, ўпирилиб тушиб, ғорга ўхшаб қолган тепаликлар аниқ кўринар, қирлар орасидаги уйлар, аллақандай тош қўрғон ва ертўлаларнинг емирилган деворлари хунук сўррайиб турар, қулаб тушган вишкалар қорайиб ётар, отлар қамалган ҳалиги қўрғон олдида ўлжа қилинган милтиқлар, ханжар ва қиличлар тепа-тепа бўлиб уюлиб ётар, қўрғоннинг ичида эса, тиззаларини қучоқлаб олган самурайлар ўтиришар, уэсқдан улар негадир ташландиқ қабрларни эслатар эди...

— Мана!— деди капитан.— Японларнинг машҳур Халанган истеҳкомини бир зарб билан ишғол қилдик. Душманнинг отлиқ полки ва бутун бир пиеда аскарлар дивизияси тор-мор қилинди. Қўмондонликнинг Хинган тоғларидан ўтиб, Квантун армиясининг орқасига чиқиш ва унга фавқулудда зарба бериш ҳақидаги стратегик плани ўз кучи ва пухталигини исбот қилди. Бугун ажойиб ғалабани қўлга киритдик.

Комбат бир зум ўйланиб қолди.

— Лекин... ғалаба ҳурбонсиз бўлмас экан. Бугунги жангда батальондан олти жангчи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уларнинг хотираси учун бош кийимларингизни олиб, бир минут сукут сақлашларингизни илтимос қиламан.

Бошларимиздан шўр босиб, оқариб кетган фураж-каларимизни олиб, сукут сақладик.

Комбат фуражқасивни кийиб, батальонга юзланди.

— Ҳа, батальон бугун мардонавор жанг қилди... Қўмондонлик номидан, полк командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Велобородов номидан ва

шахсан ўа номидан Халанган истехкомини забт этишда кўрсатган қаҳрамонликларингиз учун ташаккур билдираман!

— Совет Иттифоқига хизмат қиламиз!

Одатда бу хитобдан кейин тарқалишга рухсат берилар эди. Лекин комбат қошларини чимириб ўйланиб турар, гўё оғир бир гапни айтишдан ийманар эди.

— Солдатлар!— деди у ниҳоят.— Виламан, сўнгги кунлар ҳаммамиз учун жуда оғир бўлди. Деярли ухламадик ҳисоб. Буни ҳам биламан. Лекин... танк қисларимиз фурсатни бой бермаслик учун илгарилаб кетди. Биз улардан узилиб қололмаймиз! Сизлардан янги куч, янги ирода ва сабр-тоқат талаб қилинади. Ҳозирга қадар кунига олтмиш-етмиш километр йўл босган бўлсак, эндиликда кунига саксон-тўқсон, балки юз километр йўл юришга тўғри келади... Ҳозир уч соат вақтимиз бор. Рота командирлари! Солдатларга дам беринг, овқатлантинг. Соат ўн бешу ноль-полда йўлга чиқамиз.. Бата-льон! Тарқал!..

\* \* \*

Бошқалар дам олса ҳам бизнинг дам олишга вақтимиз йўқ, жангда ҳалок бўлган бўлим командиримизни дафн этишимиз керак эди. Велкуракларни олиб, энди қирга чиқаётганимизда Серкабой илаб келиб қолди.

— Жараланғандарни олиб кетпақши. Шоҳусуп сени бир кўрсем дейди. Жур!

Старшинага мурожаат қилган эдим, нохушлик билан бўлса ҳам рухсат берди. Биз қўрғонни ёқалаб, ўпирилиб тушган дотлар, ўралиб қолган тиканли симларни айланиб ўтиб, соҳилга тушдик. Соҳилда туя бўйи келадиган қалин қамишзордан берироқда иккинчи рота жойлашган. Солдатлар қуроолларини бир-бирига суяб қўйиб пинакка кетган, ҳатто соқчилар ҳам милтиқларига суяниб мудрашмоқда эди. Солдатлардан нарироқда, дарёга қараб эгилиб ўсган қатор толлар соясида иккита студебеккер турар, биринчи машинанинг ёнида гвардиячи капитан билан иккинчи батальон командири — чўпдай оагин майор капотга картани ёйиб, нима ҳақдадир баҳслашмоқда эди. Биз уларнинг ёнидан ўтиб, иккинчи машинага яқинлашганимизда, унинг кузовидан Оля сакраб тушди. Унинг юзидан

шиғ-шиғ тер оқар, гимнастёркасининг ёқаси очилиб, офтоб тегмаган оппоқ кўкраги кўришиб қолган эди.

Мени кўриб, Оля тўхтади.

— Машинага чиқавер,— деди у.— Ҳамшаҳаринг шу ерда. Агар комбат рухсат берса, медсанбатга бирга бориб келамиз. Бир соатда қайтамиз. Рухсат сўрайми?

— Кераги йўқ. Сувга бориб келай, ўзим айтаман.

— Мен бориб кела қолай сувга!— Серкабой унинг қўлидан флягасини олиб, ёлғиз оёқ йўлдан қамишзорга кириб кетди.

— Машинага чиқавер!— кичик лейтенант кафтининг орқаси билан пешанасидаги сочларини тузатиб кулди:— Ҳамшаҳаринг бирам бўш эканки...

Машинанинг пичан тўшалган кузовида ўн чоғлиқ ярадор ётар, бирининг қўли, бирининг оёғи, яна бирининг пешанаси танғилган. Солдатлар секин гаплашиб, ҳатто баъзилари кулишиб ўтирар, фақат боши салладай ўралган кексароқ бир солдат, кўзлари юмуқ, секин инграб ётар эди. Шоюсуп дока билан ўраб-чирмалган сонини ушлаганича кабинага суяниб ўтирар, унинг кўзлари киртайган, пучуқ бурни ичига ботиб, тугмадеккина бўлиб қолган эди.

У мени кўриб, кўзига филт-филт ёш олди.

— Дўстим!— деди у ўпкаси тўлиб.— Келганинг учун раҳмат, бу яхшилигингни ўлгунча унутмайман...

— Нега йиғлайсан?— дедим ҳайрон бўлиб.— Яранг оғир эмас.

— Оғир эмас дейсану, оёғимни кесиб ташлашса... у ёқда хотиним, ўзинг биласан, ёш нарса...

— Қим айтди оёгинг кесилади деб? Кичик лейтенантми?

— Йўқ, у қайтага кўнглимни кўтаряпти. Шунга... бир оғиз гаплашиб берсанг. Врачларга тайинлаб қўйса...

Ерни гурс-гурс босиб комбат келди.

— Кетдик, Оля! Кабинага чиқ!

— Кабинага сиз чиқа қолинг!— деди Оля.

— Мен штабда тушиб қоламан. Сен чиқавер, Оля.

— Йўқ, мен ярадорлар билан бўлай!— Оля, қўлида фляга, кузовга чиқди.

— Қим сув ичади?

Бошини дока билан саллага ўхшатиб ўраб олган кекса солдат секин ингради. Оля автоматини четга суриб, унинг ёнига чўккалади.

Кузовда Серкабойнинг боши кўринди.

— Омон бўл, Шоюсуп. Элга борсанг салом айт!

— Омон бўл, дўстим!— деди Шоюсуп лаблари титраб.

Машина қўзғалиб, соҳилни ёқалаб кетди. Йўл ноте-кис эди. Машина дам ўжириб юқори чиқар, дам ўйдимчуқурларда қаттиқ-қаттиқ силкиниб, ярадорларни бевовта қилар эди.

Бир километрча юрдикми, йўқми, билмадим, тўсатдан «тарс-тарс» этган милтиқ овози янгради ва машина қаттиқ силкиниб тўхтади.

Мен беихтиёр пусиб қолган эканман, автоматни олиб, ўрнидан тураётган Оляни кўриб, сапчиб турдим.

Машинанинг эшиги шарақлаб очилиб, комбат кузовга сакраб чиқди.

— Автомат борми? Чўз бу ёққа!— Ранги ўчган комбат Олянинг автоматини юлиб олиб, менга қаради:

— Қуролинг қани? Нега пусиб қолдинг? Ол милтиқни!

У шундай деб бақирди-да, кабинани паналаб, автоматдан ўт очди.

Мен ҳам жон ҳолатда автоматни қўлимга олиб, кабинанинг панасига ўтдим. Машина соҳилда, пастқамроқ жойда тўхтаб турарди. Дарё бўйидаги ўсиқ қамишзор орасида гоҳ эмаклаб, гоҳ бўйларини ростлаб чопиб бораётган уч-тўртта самурай кўзга чалинди. Кабинани паналаб автоматдан ўт очдим. Қамишсиз тақир жойга чиқиб қолган иккита самурайнинг бири қулади, иккинчиси ўсиқ қамишларга етолмай ўзини ерга отди.

Мен гўё уни капитан эмас, ўзим отиб қулатгандай, қоним қайнаб, тепкини қаттиқроқ босдим, тўсатдан комбатнинг:

— Оля! Тўхта!— деб қичқирганини эшитиб, ялт этиб қарадим.

Оля қўлида автомат, биздан йигирма қадамча нарида тўхтаган иккинчи машинага қараб чопиб борар эди.

У машинага яқинлашиб қолганида, йўл бўйидаги қалин қамишлар чайқалиб... иккита япон офицери кўринди. Бирининг қўлида граната, иккинчисининг қўли-

да ханжар, лой чапланган қоп-қора юзларида ҳам қўрқув, ҳам аллақандай совуқ бир журъат, самурайлар ғалати ишшайиб туришар эди.

Комбат қаттиқ бақирди:

— Ёт!

Лекин шу пайт, ишшайиб турган самурай, қўлидаги гранатани машинага қараб отмоқчи бўлди-ю, Оля автоматини тариллатганича ўзини унга ташлади.

— Оля! — капитан ҳавода умбалоқ ошиб, машинадан сакради. Мен ҳам жон ҳолатда капитаннинг кетидан сакрадим, лекин ҳали оёғим ерга тегмасданоқ иккинчи самурай, ханжарини баланд кўтариб кичик лейтенантга ташланганини кўриб, беихтиёр кўзимни юмдим...

Кўзимни очганимда... самурай қонга бўялган ханжарини ҳавода силкитганича лойда сирганиб, секин орқага тисариларди.

Капитан тўсатдан ўзбекчалаб:

— Ушла, даюсни! — деб бақирди-да, Олянинг ёнига тиз чўкди.

Мен автоматимни бошимга кўтариб, самурайга ташландим. Лекин самурай аллақандай хирилдоқ овозда бир нима деб қичқирди-да, лой чапланган юзи даҳшатли бужмайиб, ханжарини қорнига санчди.

Ханжарнинг қизғиш тиги офтобда икки марта ялт-ялт қилди, учинчисида ханжар қўлидан тушиб кетди. Кўзлари қинидан чиқаёзган самурай кўйлаги остидан ағдарилиб тушган ичак-чавогини чангаллаганича, юз тубан йиқилди.

Кўнглим ағдарилиб юзимни ўгирдим. Тепадан, қўрғон томондан солдатлар югуришиб келар, Оляни икки қўллаб кўтариб олган комбат биринчи машинанинг ёнига чўккаламоқда эди.

— Оля! — тирноқларимгача музлаб, машинага қараб чопдим. Даврон ака оёқ товушимни эшитиб қайрилиб қаради, унинг рангида қон йўқ, катта қўй кўзлари, худди нажот кутаётган боланинг кўзларидай жавдираб турар эди.

Оля, биқинидан яраланган бўлса керак, қўлларини қорнининг пастроқ жойига қўйиб, тол тагида чалқанча ётар, кўзлари юмуқ, ечилиб кетган тилла ранг майин сочлари бўйни ва кўкрагига ёйилган эди.

— Уртоқ кичик лейтенант!..

Оля кўзини очди, лекин шу пайт етиб келган солдатлар мени четга суриб қўйишди. Олдинга старшина Сало билан Харитонов ўтди.

Старшина тиз чўкиб, Олянинг пешанасига қўлини қўйди.

— Оленька?

Оля қуруқшаган лабларини ялаб, тўлганди...

— Дмитрий Михайлович...

— Сабр қил, қизгинам...— старшина Олянинг устига ёпилган шинелни кўтарди-ю, юзи буришиб, дарҳол қайта ёпди: қизнинг гимнастёркаси тилим-тилим бўлиб кетган, кўкраги ва қорни қип-қизил қон эди.

Старшина, мўйлови титраб, капитанга юзланди.

— Тезроқ олиб борайлик медсанбатга...

Оля «кераги йўқ» деган маънода секин бош чайқади. У инграмас, лекин бир зумда сўлиб, саргайиб қолган чеҳрасида, чуқур ботган кўзларида болаларга хос бир илтижо, унсиз бир фарёд бор эди.

У тўсатдан безовталаниб тўлганди, гўё ҳамма билан хайрлашаётгандек, кўзлари чарақлаб, атрофдагиларга тикилди. Назаримда, у менга қараётгандай бўлди.

— Оля!

— Мансур!— деди Оля.— Ўртоқ капитан! Даврон...— Оля гапиролмай секин ингради-да, кўзлари юмила бошлади.

— Оля!— комбат, гўё унинг сўниб бораётган ҳаётини тўхтатиб қолмоқчи бўлгандай бошини кўтариб пешанасидан, кўзларидан ўпди.

— Оля! Оленька!..

Старшина Сало мўйлови титраб, Даврон аканинг елкасига қўлини қўйди.

— Ўртоқ капитан!..

— Ҳа, ҳа, тўғри! Тезроқ медсанбатга олиб бориш керак! Тезроқ!— капитан Оляни даст кўтариб ўрнидан турди.

Мен, йиғлаб юборишдан қўрқиб, сукут сақлаб турган солдатлар даврасидан чиқдим. Шу пайт кимдир «Ногаев!» дегандай бўлди. Бейхтиёр тўхтадим.

Қўрғон томондаги тепаликдан капитан Ногаев билан... елкасида қаппайган буюм тўрва, Мирҳайдар юғуриб келишарди!..

— Нима бўлди? Нима гап ўзи?— Ногаев солдатларни четга суриб олдинга ўтди-ю, Оляни кўтариб олган капитанни кўриб, тўхтади.

— Оля! Қачон? Нима бўлди?

Комбат боши шалвираб қолган қизнинг жасадини кузовда турган старшинага узатиб, секин ўгирилиб қаради.

Капитанга ёрдамлашаётган Харитонов Ногаевнинг қўлидан ушлади.

— Менга қара, капитан.

Лекин Ногаев унинг қўлини силтаб ташлаб, комбатга қараб талпинди.

— Нима бўлди ўзи? Шундай қиз!.. Шундай қизни эҳтиёт қилолмадингми? Нега индамайсан? Сенга айт-япман: шундай қизни эҳтиёт қилолмадингми?— Ногаев кўзлари ёниб, капитанга тикилди. Комбат уни силтаб ташлар деб ўйлагандим, лекин у бошини осилтириб:

— Ҳа, эҳтиёт қилолмадим,— деди секин.

Ногаев қўлларини мушт қилиб:

— Эҳ, сени қара-ю!— деди титраб.— Сен қаерда юрувдинг! Ким жавоб беради бунга? Сендан сўраяпман, бу ўлим учун ким жавоб беради?

Комбат, худди аччиқ қамчи еган аргумоқдай бир сапчиб тушди.

— Старшина Сало! Оляни медсанбатга ўзинг олиб борасан!— у шундай деди-да, Харитоновга юзланди, бирдан ўзгарган, бўғиқ ва шиддатли овозда:

— Старший лейтенант Харитонов!— деб бақирди.— Сен ротанг билан бутун соҳилни титиб чиқ!.. Бир қарич ҳам бўш жой қолмасин! Ҳаммасини титиб чиқ! Йўқ, тўхта, мен ўзим...

— Уртоқ капитан!— деди Харитонов.

Комбат унинг сўзига қулоқ солмай, солдатларнинг олдига ўтди.

— Рота! Менинг орқамдан... Занжир бўлиб, олға!— Капитан пистолетини қинидан суғуриб олиб, қамишзорга кирди.

Биз ҳанг-манг бўлиб қолган Ногаев билан Мирҳайдарнинг ёнидан ўтиб, комбатнинг кетидан қамишзорга шўнғидик.



\* \* \*

...Оляни медсанбатнинг машинасида олиб келишди. Машинада полк командири полковник Белобородов билан иккита ҳамшира қиз ҳам бор эди. Оляни гап-сўзсиз, чуқур сукут ичида қабрга қўйдик.

Бир соатдан кейин соҳилдаги тариқ экилган тепалик ён бағрида, ўша куни пайдо бўлган қабрларнинг ёнида яна бир қабр пайдо бўлди. Сало овози қалтираб, салют беришни буюрди. Биз қуролларимиздан уч марта ўқ узиб, салют бердик, ҳамшира қизлар олиб келган бир даста гулни қабрга қўйиб, орқага қайтдик.

Биз саф тортиб пастга тушаётганимизда ёнимиздан медсанбатнинг машинаси қувиб ўтди. Машинанинг кабинасида, бошини қуйи солиб полковник Белобородов ўтирар, қизлар кузовга жойлашган, Даврон ака кўринмас эди.

Кўнглим вайрон бўлиб орқамга қарадим. Комбат тепалик устида, қабрлардан сал юқорироқда, бошини осилтириб, хаёлга чўмиб ўтирар эди.

\* \* \*

Уч-тўрт кун ўтди. Маньчжурия бўйлаб чекинаётган душманини қувиб кетяпмиз. Қаршилик йўқ ҳисоб. Танк ва артиллерия қисмларининг зарбасига дош беролмаган япон гарнизонлари позицияларини ташлаб чекинмоқда, истеҳкомларини топшириб, таслим бўлмоқда.

Бир кун кечқурун шоли экилган қандайдир сой бўйида тўхтаб, энди овқатга ўтирган эдик, Вася Колбаскин қидириб келиб қолди.

— Қани, юр, оғайни,— деди у ҳовлиқиб,— сени штабга чақиришяпти! Старшинанинг хабари бор. Тезроқ бўл. Комбат кутяпти!

Васянинг авзойи бузуқ эди. Секин четга тортдим.

— Нима гап? Тинчликми ўзи?

— Билмасам,— Вася кўзини олиб қочди.— Штабга биров келди. Погонларига қараганда, ҳарбий прокуратура ходимига ўхшайди.

— Ҳарбий прокуратура?!

— Утаканг ёрилмасин,— деди Вася.— Қўрқма. Пулемёт тўғрисида эмас, кичик лейтенантнинг ўлими тўғрисида келганга ўхшайди.

— Олянинг ўлими?

— Намунча титрайсан?— деди Вася жеркинқираб.— Саволинг бўлса ўайдан сўра. Боравер. Мен ҳали Ведерниковни топишим керак!

Вася штаб жойлашган ерни кўрсатиб, ўзи сой ёқалаб чолиб кетди.

Штаб биз турган жойдан узоқ эмас, шопипоянинг охирида, тариқ экилган қир этагида эди. Кун ботган, лекин ҳали ёруғ эди. Мен взвод-взвод бўлиб жойлашган солдатлар, саф тортган машиналар ва дала ошхоналарини оралаб ўтиб штабни топиб боргунимча ғира-шира қоронғилик тушди. Таниш чодирга яқинлашиб қолганимда ичкаридан штаб бошлиғи — сочларига оқ оралаган старший лейтенант чиқди. У мени кўриб: «Киравер!» деган маънода бош ирғади-да, қовоғини солиб, сойга тушиб кетди. Юрагим гупиллаб чодир томон юрдиму, тўсатдан комбатнинг таниш бўғиқ овозини эшитиб, беихтиёр тўхтадим:

— Кечирасиз, ўртоқ старший лейтенант. Бу фожиа ҳақида қанча сўрасангиз, марҳамат, жавоб бераман. Лекин ана у гапларни қўзғаманг!

— Нега энди?— савол берган одамнинг овози жуда босиқ, ҳатто мулойим эди.

— Чунки бу гаплар кичик лейтенантнинг хотирасига нисбатан ҳақорат бўлади!

— Сиз ҳам мени кечирасиз, ўртоқ капитан. Лекин бу жавобингиз салобатли одамнинг жавобига ўхшамайди.

— Майли, нима десангиз деяверинг, лекин мен бу саволингизга жавоб беришни истамайман!

— Ихтиёр сизда. Бироқ эсингизда бўлсин: бу гаплар масалани баттар чигаллаштириши мумкин, холос!

— Менга барибир! Ўша куни ҳушёрлик қилмадинг, дейишга ҳаққингиз бор... Лекин масаланинг бу томони...

— Хўп. Яхши!

Ичкарида нимадир тарақлаб кетди. Пилоткамни тўғрилаб, чодирга кирдим.

— Ўртоқ капитан. Буйруғингизга биноан...

— Вольно!— Чодирнинг ўртасида турган комбат, рапортимга қулоқ солмай, қўл фонарь нурида столдаги қоғозларни йиғиштираётган юмалоққина одамга юзланди.

— Мана, чақиртирган солдатингиз келди!

Юмалоққина одам қўл фонарини юзимга тўғрилади. Мен унинг синовчан кўзларига кўзим тушиб, ерга қарадим.

— Хўп, мен кетдим,— деди комбат.

Юмалоқ одам яна фонарини ёқиб, менга бошдан-оёқ разм солди-да:

— Рус тилини яхши биласанми?— деб сўради.— Билсанг, Халанган истехкоми ёнидаги жангдан кейин бўлган воқеалар тўғрисида изоҳнома ёзиб берасан. Ҳозир сени сўроққа тутиб ўтиришга вақтим йўқ. Сен ёлгон-яшиқ гапларни қўшмай, бўлган воқеани қисқагина ёзиб, батальон штаб бошлиғига топширасан. У ёгини яна кўрамиз. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ старший лейтенант!

— Яхши!— старший лейтенант кўчма столдаги қоғозларни йиғиштириб папкасига солди-да, чодирдан чиқди.

Мен ҳаяжон устида «уқдим», деган бўлсам ҳам ҳеч нарсага тушунолмайдовдираб қолган эдим. «Нима бўляпти ўзи? Наҳот ўша кунги кўнгилсиз воқеа учун комбат айбдор бўлса! Ё ўртада бошқа гаплар борми? Бор бўлса... нима қилишим керак? Нима деб ёзаман?..

Бошим ғовлаб, чодирдан чиқдим. Теварак-атроф қоронғиликка чўмган, фақат сой бўйида, у ер-бу ерда гулхан ёнарди.

Комбат чодир ёнида қўлларини қовуштириб хаёлга чўмиб турарди.

— Ўртоқ капитан...

— А?—Комбат ўгирилиб қаради.—Хўш?

— Старший лейтенант менга изоҳнома ёзишни топширди, нима деб ёзаман?

— Нима деб ёзишни мендан сўрайсанми?— деди комбат зарда билан.— Билганингни ёзавер!

— Тўғри. Лекин... наҳот ўша кунги кўнгилсиз воқеа учун сиз жавобгар бўлсангиз?..

Даврон ака индамай яна қоронғиликка тикилди.

— Кошки гап фақат жавобгарликда бўлса!— деди у анчадан кейин.— Эҳ, одамлар, одамлар...—Комбат оғир хўрсинди, сўнг шинелини ерга ташлаб, ёнбошларкан:

— Утир, ука, гап бор,— деди.

Мен унинг ёрилгиси келиб, тўлиб турганини сездимда, ёнига чўккаладим.

Бу камгап, камсухан одам, ўша окшом чиндан ҳам ёрилди.

Мана унинг ҳикояси.

\* \* \*

...Қирқ тўртинчи йил. Август ойининг охирлари. Фарбий Украина ўрмонзорларида душман орқасига десант туширишга тайёрланаётган пайтларимиз. Ҳамма нарса тахт бўлган. Отрядга фақат бир жангчи — немис ва чех тилларини яхши биладиган, ҳам радистлик, ҳам ҳамширалик қила оладиган бир одам керак.

Бир кун мени дивизия разведка бўлимининг бошлиғи таклиф қилиб, «Ғозиев, сенга ажойиб бир жангчи топдим», деб қолди. Кейин кулимсираб бориб эшикни очди-да:

— Куприянова!— деб чақирди.

Хонага кичик лейтенант формасида нозиккина бир қиз кириб, полковникка рапорт берди.

Полковник иккимизни таништириб қўйди. Мен уч йил урушда юриб ҳамма нарсага кўниккан, мардликда ман-ман деган йигитларни йўлда қолдирган аёлларни, ҳатто ёш қизларни ҳам кўрдим. Лекин кўм-кўк кўзлари порлаб турган бу қиз... шундай нозик, шундай маъсум туюлдики, ер остидан полковникка қараб, елкамни қисдим. Полковник менинг кўнглимдагини тушуниб, кулимсиради, сўнг Оляни чиқариб юборди-да, қисқа қилиб:

— Олавер, Ғозиев! Пушаймон қилмайсан!— деди.

Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди.

Биз тўққиз кишидан иборат десантчилар гуруҳи самолётда учиб кетяпмиз.

Ёр-дўстлар билан. Москвадан келган вакил, полк командиримиз полковник Белобородов — ҳамма-ҳамма билан хайрлашиб, ҳужжатларимизни, уйга ёзган хатларимизни топшириб, оладиган қурол-яроғ, озиқ-овқат кўйим-кечакларимизни олиб, самолётга чиққанимизга бир соатдан ошган. Самолётнинг ичи зим-зиё. Фақат учувчилар кабинасининг эшигида кўк ва қизғиш нуқталар милтираб кўринади. Оля менинг ёним-

да ғужанак бұлиб, ёш боладай пинжимга суқилиб ўтирибди. Бошқалар ҳам бир-бирининг пинжига кириб, пинакка кетганга ўхшайди. Лекин мен биламан — ухлаган бирорта одам йўқ, ҳамма уйғоқ. Ҳамманинг хаёли бизни кутаётган хатарли операцияда. Йўқ, гап қўрқиш ё қўрқоқликда эмас. Самолётда ўтирган тўққиз жангчининг ҳар бири бир неча мартадан душман орқасида бўлиб, энг оғир, энг хатарли вазиятларда ҳам довдирамаган! Лекин душман орқасига тушиб «иш қилиш» қанчалик оғир бўлмасин, ҳозиргача бу «иш» ўз мамлакатимиз, ўз тупроғимизда амалга оширилар, ҳар бир нигоҳ, ҳар бир дарахт бизга хайрихоҳлик қилар, бизга она юрт ўзи мадад берар эди. Бу сафар эса, биз мутлақо нотаниш мамлакатга, нотаниш халқ орасига бориб тушамиз. Мана, нари борса ярим соатдан кейин люк очилади-ю, пастда зим-зиё бўшлиқ кўринади. Самолётда сукутга чўмиб ўтирган тўққиз жангчи шу тубсиз уммон қаърига, сирли ғордай мудҳиш бўшлиққа сакраши керак. Бу ғор, бу зим-зиё уммон қаърида уларни нималар кутяпти, эсон-омон ерга қўна оладиларми ёки осмондаёқ ўққа тугилдиларми, ерга эсон-омон қўнганда ҳам ёт элда улар нималарга дуч келади — буни ким билади? Ким айта олади?

Мана, ёнимга учувчилардан бири келиб тўхтади.

— Манзилга етдик, старший лейтенант!— деди у.

Мен ҳали команда бериб улгурмаган ҳам эдим, пинжимга суқилиб ғужанак бўлиб ўтирган Оля дик этиб ўрнидан турди.

Люк очилиб, боя мен айтган зим-зиё бўшлиқ кўринди. Пастда, қоронғи ўнғир тубида, тез сузиб ўтаётган булутларнинг сояси кўзга чалинди, самолётга вишиллаган совуқ шамол ёпирилиб кирди.

— Команда, ҳозирлан!— деб буйруқ бердим, лекин ҳеч кимнинг исми фамилиясини чақирмадим.

Ногаҳон кўзим қоронғида Олянинг кўзларига тушди. Унинг бутун отряд мафтун бўлган катта-катта мовий кўзлари ўша мен айтган ўпқонда эди.

Мен унинг қўлини топиб қисган эдим, у ялт этиб қаради-ю, ўпқонга қараб бир кадам ташлади. Хайрият. Ладислав Немец деган чех офицери сезиб қол-

ган экан, қизнинг олдини тўсди-да, ўнгирга биринчи бўлиб сакради, Ладиславдан кейин Оля, Олядан кейин старшина Сало, Салодан кейин бошқалар.

Мен душман орқасига биринчи марта тушишим эмас эди. Лекин учувчи билан хайрлашиб, люкка яқинлашганимда ва қора булут парчалари лип-лип этиб ўтаётган зим-зиё бўшлиқни кўрганимда, бир зум вужудимни совуқ титроқ жимирилатиб ўтди. Иродадан зўр бир куч елкамдан «шаппа» ушлаб, ўпқон олдида тўхтатмоқчи бўлди. Лекин мен бу кучга бир дақиқагина итоат этсам бас, шарманда бўлишимни билардим. Ундан кейин ҳеч бир куч, ҳеч бир ақл-идрок мени бу ўпқонга сакрашга мажбур этолмайди. Мен буни яхши билардим, бу совуқ ваҳимага бир зум таслим бўлиб, кейин ўзини ўнглаб ололмаган не-не одамларни кўрган эдим, шунинг учун кўзимни юмдиму тўққиз жангчи, тўққиз дўст, ака-ука тутинган тўққизта марднинг бири бўлиб тубсиз уммон қаърига қатладим...

Кейин-чи? Кейин нималар бўлганини эсласам, юрагим безиллайди.

Рост, десант тушган кеча отряд учун муваффақиятли ўтди деса бўлади. Немислар бизни пайқашмади, ҳар ҳолда, ўша дақиқада пайқашмади. Буни чинакам омад деса бўлади. Лекин мен учун... Мен қандайдир катта бир дарахтга тўғри келган эканман, чап оёғим бехосдан икки шох ўртасига кириб қолиб... кўзларимдан юлдузлар сачраб кетди. Кейин билсам, тўпигим тойиб, оёғим қаттиқ лат еган экан!

Қоронғида тишимни тишимга қўйиб, оқсаб-тўқсаб бошқаларни излашга киришдим.

Биз тушган жой тоғ ён бағри бўлиб, қалин арчавор эди. Ярим соат ўтар-ўтмас шартли белгилар ёрдамида бир жойга тўпландик... Қўлимиздаги разведканинг ахбороти бўйича биз тушган тоғлиқ жойдан беш-олти чақирим пастда, жанубда, немис дарё флотилиясининг қисмлари бор, бу қисмлар муҳим ҳарбий порт ва темир йўл ўтадиган катта кўприкни мудофаа қилар эди.

Бизга юкланган вазифаларнинг бири шу порт ва шу кўприкка боғлиқ. Лекин бу режани амалга ошириш учун тоғларда ҳаракат қилаётган партизан отрядларини топиш, улар билан алоқа боғлашимиз ке-

рак. Вақтни бой бермасдан, дарҳол тоққа чиқиб кетишга аҳд қилдик.

Мен олдин оёғим лат еганини билдирмасликка уриндим, тишимни тишимга босиб, ўзим юришга ҳаракат қилиб кўрдим. Қаёқда, юролмай ўтириб қолдим. Бир ёнимдан Сало, бир ёнимдан Ладислав қўлтиқлаб олишди. Нотаниш жойда, қоронғида юришдан қийини йўқ. Дам қалин чакалакзорларга дуч келамиз, дам жарликларга тушиб кетамиз, дам қоя тошлар учрайди, айланиб ўтамиз. Мен отрядга заво́л бўлишимдан кўрқиб, ич-ичимдан эзиламан, бир оёқлаб сакраб-сакраб юришга ҳаракат қиламан, чунки тушган жойимиздан мумкин қадар тезроқ узоқлашишимиз, ҳарбийчасига айтганда, изимизни йўқотишимиз керак.

Шу зайлда бир соатча юрганимизда, тўсатдан олдинда ит ҳургандай бўлди. Дарҳол тўхтаб, Ладиславни ўша ерга жўнатдим. Ладислав сал ўтмай қайтиб келиб, тоғ этагида кичикроқ бир қишлоқ борлигини айтди.

Йўлни чапга олиб, қишлоқни айланиб ўтишга аҳд қилдик.

Бу ўртада тоғ чўққиларининг усти оқариб, юлдузлар хиралашиб қолди.

Бир маҳал, олдинда кетаётган Сало тўхтаб, қорайиб турган баланд қояни кўрсатди. Синчиклаб қарасам, қоя деганимиз ярим хароба, эски қаср экан. Ладислав билан Сало бориб келиб, қаср кимсасиз эканини айтишди. Маслаҳат билан кечқурунгача қасрда яшириниб ётишни лойиқ кўрдик, чунки тонг отиб қолган эди.

Битта-битта бўлиб қасрга яқинлашдик. Бу — готик услубида қурилган жуда қадимий бир қаср эди. Кейин билсак, у ўрта асрларда яшаган ва теваракатрофни зир титратган машҳур бир графнинг қасри бўлиб, кўп афсонавий воқеаларнинг шоҳиди бўлган экан. Биз девори емирилиб, ғорга ўхшаб қолган туйнуқлардан ўтиб қоронғи подвалга кирдик. Кейин зах хоналардан, қандайдир тор йўлаклардан ўтиб, зинама-зина юриб, юқорига чиқдик.

Мен ҳамон тишимни тишимга қўйиб, Сало билан Ладиславнинг ёрдамида судралиб келяпман. Охири юқоридаги қоронғи бир хонада тўхтадик. Оля оёғимни тахтакачлаб, маҳкам боғлаб ташлади.

Ладислав атрофни кузатиш учун чердакка чиқиб кетди.

Биз энди маслаҳатга ўтирган эдик, Ладислав чердакдан сакраб тушди.

— Немислар!— деди у.— Биз келган томондан келишяпти. Камида бир взвод бор!

Фурсатни бой берсак, бутун отрядни ҳалок қилишимиз мумкин эди.

— Дмитрий Михайлович!— дедим.— Отрядга командирлик қилишни сенга топшираман! Дарҳол қасрдан чиқиб, ўрмонга киришларинг керак!

Сало бир оёгимга, бир юзимга қараб:

— Шу ерда жанг қилсак, қандоқ бўларкин?— деди.

— Старшина Сало! Буйруқни бажар!— деб бақирдим.— Сўнг, юрагим беихтиёр «шиғ» этиб, тескари бурилдим.— Хайр, омон бўлинглар, дўстлар!

Шу пайт Оля ёнимга келиб:

— Ўртоқ старший лейтенант!— деди. Мен шу ерда қоламан!

Ялт этиб қарадим. Оля, пастки лабини тишлаб, кўзимга тикилиб турар эди.

— Кичик лейтенант Куприянова! Буйруқни бажаринг!— дедим.

Оля рангидан қони қочиб:

— Агар отиб ташласангиз ҳам кетмайман!— деди.

— Майли, ўртоқ старший лейтенант,— деди Сало.— Оля қолсин!

— Буйруқни бажаринглар!

— Кетдик!— Сало зинадан пастга отиларкан, бир зум тўхтаб:— Ўртоқ старший лейтенант!— деди.— Чердакка чиқиб олинглар. Чердакка!

Мен уларнинг оёқ товушлари узоқлашгунча кутиб турдим. кейин секин Оляга қарадим.

— Ўртоқ старший лейтенант! Ахир мен... ҳамшираман-ку!— деди у.

— Хўп, бўлар иш бўлди. Қани, чердакка чиқ!

Мен елкамни тутиб бердим. Оля елкамга миниб чердакка чиқди-да, қўлини чўзди. Мен ҳам бир амаллаб юқорига чиқиб олдим.

Эски-туски, латта-путта, пачоқ қути, мис қандил, яна аллақандай лаш-лушлар билан тўлган чердак



ярим қоронғи, агар шифтдаги туйнук беркитилса, мутлако зим-зиё бўлиши мумкин эди.

Мен энди шуни ўйлаб турган эдим, қаердадир пастда, ўрмон томонда, автоматларнинг тариллаши эшитилди. «Наҳот немислар кўриб қолишган бўлса?»

Мен жон ҳолатда шифтдаги туйнукка тармашдим. Бир зумгина кўз олдимда баланд тоғлар намоён бўлди. Пастда, қасрнинг тагида, жилға оқар, жилғанинг у томони калин арчазор эди. Йигирма чоғлиқ немис автоматларини тариллатганларича арчазорга қараб чопиб борар, бизникилар кўринмас, чамаси, улар арчазорга киришга улгуришган эди.

«Хайрият-э!» Елкамдан тоғ қулагандай бўлиб туйнукдан тушдим. Худди шу пайт, пастда, қасрнинг ичида нимадир портлаб, бўш хоналар вангиллаб кетди. Кетма-кет автоматлар тариллади. Немисларнинг бўғиқ, асабий овозлари эшитилди. Афтидан, тинтув бошланган эди.

— Туйнукни бекитиш керак. Ана уларни олиб бер, Оля!— мен бурчакда уюлиб ётган аллақандай ромлару латта-путталарни кўрсатдим.

Туйнукни шулар билан беркитдик-да, зим-зиё чердакнинг ўртасидаги мўри орқасига ўтиб, писиб олдик. Бу ўртада пастда яна бир-икки марта нимадир портлаб, эски қасрни титратиб юборди. Наздим-да, немислар қоронғи хоналарга киришдан олдин ҳар эҳтимолга қарши граната отишмоқда эди.

Сал ўтмай, зиналардан кўтарилаётган гурс-гурс оёқ товуши ва автоматларнинг тариллаши эшитилди... Мен ҳаммадан бурун бир нарсдан ҳадиксирардим: тинтув қилаётганларнинг итлари йўқмикан?

Йўқ, акиллаган, ириллаган овоз эшитилмас эди. Автоматимни пастдаги туйнукка тўғрилаб, Оляга қарадим. У ҳам қўлида автомат, менга юзланди. Қоронғида унинг кўалари жавдираб турарди. Мен: «қўрқма, Оленька» деган маънода унинг елкасидан секин қучдим. У сал силжиб, пинжимга суқилди-ю, чаккасига тушган майин сочлари билан юзимга суйкалди. Оля ҳеч нима демади, лекин унинг бу ҳаракатида ҳам ишонч, ҳам меҳр, ҳам «йўқ, қўрқаётганим йўқ», деган бир ишора, айти замонда аллақандай илтижо, умид бор эди...

Пастда, боя биз турган хонада пулемёт тариллаб, деворлардан ғишт парчалари кўчиб тушди. Кейин чердакка чиқадиган туйнукда каска кўринди. Каска кийган бош у ёқ-бу ёққа қараб кўзини ўйнатди-да, қаттиқ сўкинди. Немис тилини Олядай мукаммал билмасам ҳам гапларига тушунардим.

— Шайтоннинг макони-ю бу!— деди каска кийган немис.

— Гранатадгни от!— деди пастдагиси.

— Гранатам қолмади. Сенда борми?

— Битта бор. Ҳозир запални тўғрилаб бераман. Бир зум жимлик чўкди. Олянинг елкалари титраб кетдими ё менга шундай туюлдими. Мен унинг қўлига қўлимни қўйдим, у ҳам яна боягидай сочлари билан чаккамга суйкалди...

Пастда нимадир тарақлаб, мрамар полга тушди.

— Цадарига лаънат!— сўкинди немис.— Запалга бир бало бўлибди. Автомат билан тўрт томонга отгину қўрқмай чиқавер!

Тариллаб отилган ўқлар мўрига, шифтга, деворларга тегиб, чанг-тўзон кўтарилди, устимизга кўчиб тушган тош парчалари ёғилди.

Бошимизни кўтармай писиб ётибмиз.

Автомат тариллаши тўхтаган заҳоти пастдан яна бояги овозлар эшитилди.

— Энди мен елкамни тутиб тураман, сен чиқ тепага!

— Нега мен чиқар эканман? Ўзинг чиқавер!

— Навбат билан чиқишимиз керак!

— Нима? Юрагинг пўкиллаяптими?

— Пўкилламаса чиқиб кўр!

— Гапни чўзма! Ҳозир қўндоқ билан думбангга битта тушираман, тўппа-тўғри жаҳаннамга кетасан! Қани, чиқ деяпман сенга!

Қаттиқ сўкинган овоз эшитилди, кейин туйнукда яна бояги каскалик бош кўринди.

«Бош» шифтга қаратиб яна ўқ узди.

— Ким бор? Жонингда умидинг бўлса чиқ бу ёққа!

Каскалик немис бир лаҳза кутиб турди, сўнг, ҳеч бир садо чиқмагач, секин тирмашиб кўтарилди бошлади. Қоронғиликка кўзимиз ўрганган. Ҳамма нарса-ни кўриб ётибмиз. Солдат чердакка чиқиб қўрқа-пи-

са қаддини ростлади-да, худди бир нимага қулоқ солгандай қулоғини «динг» қилиб қотиб қолди. У кўп бўлса ўн тўққизга чиққан, холадай узун, оғзингина ўспирин эди! У тўсатдан бошини кўтариб шифтга қаради, қараганда латта-путта орасидан қуйилиб турган бир ҳовуч нурни кўриб қолди шекилли, автоматини силтаб, ром ва қандилларни учуриб юборди. Чердак ёришиб кетди.

Солдат оёғи остига тушган қандилни шарақлатиб тепиб, бир қадам олдинга юрди, юрди-ю... Ўзига қаратилган иккита автоматни кўриб, оғзини очганча қотди-қолди.

Пастдан:

— Нима бало? Олтин-полтин топиб олдингми? Индамай қолдинг?— деган овоз эшитилди.

Мен ўнг қўлимни автоматнинг тепкисига тутганимча, чап қўлимни лабимга босдим: «Жим!»

Солдат кўм-кўк кўзларини катта очиб, ҳамон серрайиб турар эди.

— Нима бало, тирикмисан? Уликмисан?— қичқирди пастдаги шериги.

Солдат чўчиб тушиб:

— А! Ҳа, ҳа,— деб гудранди.

Мен «орқангга қайт!» деб ишора қилдим.

Солдат «хўп» деган маънода бошини ирғади-да, тўсатдан узун сариқ тишларни кўрсатиб ишшайди.

— Ҳей, жонинг борми, жавоб берсанг-чи?— деди пастдаги солдат.

— Бор! Бор! Бу ердан бир қоп олтин топиб олдим. Шерик бўламан десанг чиқ!

Солдат шундай деди-да, секин орқага тисарила бошлади.

Мен қўлимга гранатамни олиб, «агар ғинг десанг, отаман» деган маънода ишора қилдим. Солдат туйнукдан оёғини тушириб пастга сакраркан «уқдим» деб бош ирғади-да, яна ишшайди. Бу сафар унинг тиржайиши менга қандайдир ғалати туюлди. «Бу аблаҳ бир балони бошламаса эди!»— дедим ичимда.

Йўқ, бир лаҳзадан кейин икки солдат гунгур-гунгур гаплашиб, пастга тушиб кетди. Мен Оляга қарадим, у чуқур тин олди, худди қаттиқ чарчаган одамдай кўзини юмиб, бошини елкамга қўйди... Шу топда

у менга худди бир нимадан қаттиқ қўрққан ёш қизчага ўхшаб кетди-ю, сочларини тузатиб, пешанасидан ўпдим...

\* \* \*

Комбат гап шу ерга келганда ўрнидан туриб кетди...

Икки ҳафтадан кейин, бошқа бир оғир вазиятда у менга коленкор жилдлик қалин дафтарини берди. Дафтарни варақлаб ўтирганимда шу мисраларга кўзим тушди:

«Кеча дивизиядан ҳарбий прокуратура ходими келди. Чамамда, Ногаев бўлса керак, прокуратура ходими бунни айтмади, устимдан махфий маълумот ёзибди. Гўё мен Оля билан эр-хотин бўлиб яшаган эмишману, энди ундан қутулиш учун жўрттага чоҳга итарган эмишман!..

Бу гапни ё ақлидан озган жинни, ё одамгарчилигини тамом йўқотган бир нокас ёзиши мумкин. Хўп, у номард-ку ёзибди, лекин бу мудҳиш тухматга ишониш, ишонмаганда ҳам уни текшириб ўтиришнинг ўзи қаттиқ ҳақорат қилар экан кишини. Айни замонда, бу чиркин гапларга алоқаси бўлмаган бир ўй, бир фикр юрагимни эзади: чамамда, Олянинг кўнглида менга нисбатан аллақандай нозик бир туйғу бор эди. Оля бунни яширишга ҳаракат қиларди. Чунки у жуда мағрур қиз эди. Лекин баъзан беихтиёр билдириб қўярди. Мен эсам.. Йўқ, мунофиқ эмасман. Тўрт йил урушда мен кўрмаган бало қолмади, ҳамма нарсани кўрдим, ҳамма нарсага ўргандим, лекин Оля.. мен уни алдашни истамас эдим! Мен ҳали ҳам бўлса уни алдамай, тўғри қилганимга имоним комил. Лекин ким билсин, балки Олянинг дилида бу маъсум ҳис уйғонмаганда, у кўкламдаёқ армиядан бўшаб кетармиди, бу ёқларга келиб юрмасмиди? Келмаганида бу фожиа ҳам рўй бермасмиди?.. Ҳар сафар хаёлимга шу фикр келса... юрагим зирқираб кетади...»

\* \* \*

Мен бунинг ҳаммасини бир-икки ҳафтадан кейин бошқа бир оғир вазиятда, комбатнинг қалин дафтарини ўқиганимда билдим. Прокурор келган кечаси эса

Даврон ака бу гапларни айтмади. У фақат десантда бошидан кечирган воқеаларни гапириб берди, холос. Шунга қарамасдан мен гап бўлакча бир поклик, биздай ўртамиёна одамларнинг ақли бовар қилмайдиган мусаффо бир дўстлик, ҳамдард-ҳамжиҳатлик ҳақида бораётганини сездим. Сездиму, комбатга саҳрода айтган гапларим эсимга тушиб, ўзимдан ранжиб кетдим...

Эрталаб изоҳномани ёзиб, штаб бошлиғига топширдим-да, Даврон аканинг юзига қарашга уялиб, ротага кетдим.

\* \* \*

Уйқу аралаш қулоғимга бетартиб отилган пулемёт ва автоматларнинг тариллаши эшитилгандай бўлди. «Яна тревогами? Жангми?» ўйладим мен, лекин киприк қоқишга чамам келмай, яна ухлаб қолдим.

Биз кечаси билан йўл юриб, тонг пайтида қандайдир тоғ ёнбағрига келиб ётган эдик. Бир ҳафтадан бери шу аҳвол — илгарилаб кетган танк қисмларидан узилиб қолмаслик учун кеча-ю кундуз йўл юраимиз. Ҳатто, таслим бўлаётган душман гарнизонларини асир олишга ҳам фурсат йўқ, ҳар куни етмиш-саксон километр йўл босамиз.

Сўнгги икки кеча-кундуз айниқса оғир бўлди, биз деярли ухламадик. Лекин бу отишмалар... йўқ, тревогага ўхшамайди!

Мен базўр кўзимни очдим. Пулемёт, автоматлар қаердадир яқинда, биз қўнган жойдан пастроқда тариллар, ялтираб учувчи ўқлар осмонда кўк, қизғиш из қолдириб, қоронғиликка сингиб кетар, сўнг янги ўқлар кўкни ханжардай тилиб ўтар эди.

«Қанақа отишма бу? Наҳот?...»

Хаёлимга келган фикрдан юрагим ўйнаб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим, ёнгинамда комбатнинг овозини эшитиб, қўзғалмадим.

— Унга тегмай қўя қол, Вася, ухлайверсин!

— Наҳот рост бўлса, ўртоқ капитан? — деди Вася.

— Нега энди рост бўлмас экан, кўриб турибсан-ку, салют беришяпти!..

— Одам ишонгиси келмайди, ўртоқ капитан! Жу-да тез тугаб қолди-да!

Капитан кулди.

— Теа тугасин деб, Гоби саҳроси-ю, Хинган тоғ-ларида шунча машаққат чекдик-да! Узинг кўрдинг-ку, қанча танк, қанча артиллерия ўтиб келди!..

— Энди юртимизга қайтамизми, ўртоқ капитан?

— Қайтами, албатта.

Улар студебеккернинг орқасига ўтиб ёнбошлашди шекилли, овозлари эшитилмай қолди. Мен бир ўйим, туриб ёнларига бормоқчи ҳам бўлдим, лекин дилимни чулғаб олган аллақандай ёруғ туйғулардан аъзойи баданим яйраб, кўзимни юмдим... «Уруш тугади! Энди элга — Қорасувга қайтамиз...»

Кўзим илиндими, йўқми, билмадим, яна гангур-гунгур овозлардан уйғондим. Атроф ҳали қоронғи, осмондаги юлдузлар чарақлаб турар, лекин бояги отишмалар тўхтаган эди. Ёнгинамда гулхан ёнар, гулхан тепасида, қўлларида кружка, капитан билан старшина Сало гаплашиб туришар эди.

— Майли, кўп куйинаверманг, ўртоқ капитан, сабаби уруш!..

— Сабаби уруш!..—Комбат оғир хўрсинди.— Илгарироқ бўлса ҳам майли эди! Уруш тугашига бир ҳафта қолганда-я!.. Шундай қизни аҳтиёт қилолмадик!..

— Қўйинг, ўртоқ капитан. Сўнгни пушаймон, ўзингга душман, деган гап бор. Ишқилиб, бу ёғи тинчлик бўлсин. Ғалаба учун!

— Ғалаба учун...

Темир кружкаларнинг шақ-шақи, кейин чўлп-чўлп ўпишган овозлар эшитилди.

— Хўп, ўртоқ капитан, дам олинг!— деди старшина.

— Сендан илтимос, Дмитрий Михайлович, уруш тугади, деб бепарволик қилишмасин. Соқчилардан хабар олиб тур!..

Даврон ака старшина узоқлашиб кетгунча жойидан қимирламади, кейин гулхаянинг ёнига ёнбошлаб, планшетдан таниш дафтарини олди.

«Борайми, бормамайми?..» Олянинг вафотидан кейин комбат менга қандайдир меҳрибон бўлиб қолган, у кунни дардлашганимиздан кейин эса, штабга қайта чақиртириб олган эди... Бирпас иккиланиб ётдим у секин ўрнимдан турдим.

Тоғ яқин бўлгани учунми, тун жуда салқин, рота-рота, взвод-взвод бўлиб, тепалик ёнбағрига жойлашган солдатлар бир-бирларининг пинжига суқилиб ухлаб ётишар, фақат пастроқда яна бир жойда гулхан ёнар, у ердан қўшиқ айтган ширакайф овозлар эшитилар эди.

Капитан ерга тўшалган чодир устида чордона қуриб, дафтарини варақлаб ўтирар, Вася эса, ғужанак бўлиб ухлаб ётар эди.

— Салом, ўртоқ капитан! Ғалабалар билан табриклайман!

— Кел, ука!— капитан сурилиб, ёнидан жой берди.— Мен сени маза қилиб ухлаб ётибсанми десам, эшитибсан-да!

— Ҳа, эшитдим, бироқ тўғриси айтсам, мен ҳам Васяга ўхшаб ҳеч ишоналмаяпман!..

— Ҳозир ишонмасанг, эрталаб ўйин-кулги бошланганда ишонасан.

— Кейин... чиндан элга қайтамизми, ўртоқ капитан?

— Албатта.

— Яна ўша йўлдан юрамизми?

— Йўғ-э! Авваламбор, бир-икки кун шу ерда дам оламиз, кейин боя кундуз кўринган ҳу ана у тоғлардан ўтамиз!— комбат кулди.— Қўрқма, энди Хинган тоғларидаги машаққатлар қайтиб келмайди. Кунига кўп бўлса ўттиз-қирқ километр йўл юрамиз. Ҳаммаси бўлиб юз эллик-икки юз километр масофа. Кейин темир йўлга чиқамиз, поездга миниб, элга қайтамиз. У ёғи — Ўзбекистон, Қорасув, Қорасувни соғиндингми, ахир!

— Соғинмасдан-чи, ўртоқ капитан!

— Мен ҳам соғиндим, ука, жуда соғиндим!

Юрагим ўйнаб, ғалати бўлиб кетдим.

— Ўртоқ капитан!— дедим.— Ҳу ўшанда, саҳрода мен сиздан бир нарсани сўрайман деб хафа қилиб қўйган эдим. Кечиринг, ўртоқ капитан!..

— Майли!— комбат мийиғида кулиб, гулханга тикилди.— Сен Ногаевга ўхшаб туҳмат қилиш ниятинг йўқ эди шекилли?..

— Айтмоқчи, ўша гаплардан тинчиб кетдингизми?

— Қвёқда? Биз, бировдан шикоят тушса бас, ғирт туҳмат экани кўриниб турса ҳам, текшир-текшир қи-

либ, ҳамманинг асабини бузмасдан қўймаймиз!.. Майли, гап унда эмас!— деб комбат қўлини силтади!— Лекин ўша куни саҳрода мен ҳам сени ранжитдим, чамаси? Чунки, десантдан қайтганимдан кейин уйдан хат ололмай ҳар хил хаёлларга бориб юрган эдим... Кисқаси, сен ҳам мени кечир, ука!

— Кейин хат олдингиами, ахир?

— Олдим, ука, олдим. Саволинг ҳам эсимда турибди!— Даврон ака ширакайф одамларга хос бир мулоимлик билан кулди.— Йўқ, ука. Саломатни олиб қочган йигит мен эмасман, қайтага уни олиб қочиб кетмоқчи бўлган йигитлардан қутқариб қолганман! «Қорасув»лик йигитлардан,— деди комбат.

— Йўғ-э!

— Нега ҳайрон бўласан? Ё Қорасувда киз олиб қочадиган юрагида ёли бор йигитлар йўқми?

Кўз олдимга гузардаги чойхонада бошларини қуйи солиб ўтирган йигитлар, кўз ёшлари соқолига томчилаб сўкиниб гапираётган кекса тегирмончи келди.

— Э-э, айтаверсам гап кўп,— деди Даврон ака.— Саломат билан танишишимизга қамоқ сабаб бўлган, ука.

— Қамоқ?

— Шундай...— деди капитан.— Саломат учун қамоққа ҳам тушганмиз, ука. Ё ҳамқишлоқларингдан Саломатни тортиб олиш осон бўлган дейсанми?— Гулхан шуъласида унинг кўзлари шўх чақнади.

— Қиттай-қиттай отамизми?— деди у тўсатдан.— Жиндак спирт бор.

Мен солдат бўлиб ҳам спиртни оғзимга олмаган эдим. Лекин... биз ахир она юртимиздан шундай олисда, бошқа эл, бошқа осмон тагида Қорасувнинг энг суюкли қизи тўғрисида гаплашиб ётар эдик. Ичмасдан бўлармиди?

— Майли, ўртоқ капитан!— дедим таваккал қилиб.

\* \* \*

— Ёшинг нечада, Мансурбек?

— Ўн саккизда, ўртоқ капитан.

— Унда бошингга ҳали ишқ-муҳаббат савдоси тушмабди!— ҳазиллашди комбат.— Ё Арслоншер айтган гўзал маъшуқалардан борми?



— Йўғ-э, ўртоқ капитан.

— Хуллас калом, у маҳалда камина эндигина институтни битириб, ёшлар газетасига ишга борганман. Маданият бўлимида адабий ходим бўлиб ишлайман. Бутун шаҳарни кезиб, ўн беш сатр хабар топсаму бу хабар саҳифага чиқса... ёстиқдай роман ёзган адибдай гердайиб юраман. Бир кун ҳаваскор мухбирчалардан бири хабар топиб келди: «Қизлар билим юртининг талабалари «Майсаранинг иши»ни саҳналаштирган эмиш. Жуда боплашган эмиш. Айнақса, Майсара ролида чиққан Саломатхон Саидкаримова деган қиз қийиб ташлаган эмиш!..»

Саломатхоннинг исмини эшитиб, юракларим така-пука бўлиб кетди. Сабаби — бу гапдан бир ҳафта олдин Саломатхон редакцияга уч-тўртта шеър кўтариб келиб... нима десам бўлади?...— Даврон ака кўзларини юмиб, жилмайиб қўйди.— Хуллас, шеър кўтариб келиб, каминанинг юрагига чўғ ташлаб кетган эди!.. Нега куласан?

— Йўқ, ўзим....

— Бошингга тушмаган-да, куласан! Бошингга тушсин биласан... Уша куни премьер а экан, билим юртининг кичкинагина залига одам сигмайди. Бир томонда ўқитувчилар, бир томонда кечагина паранжидан чиққан ёш жувонлару, студент қизлар гулдай очилиб, яшнаб ўтиришибди. Ҳамма нарса тайёр, фақат... бош қаҳрамон, яъни Саломат йўқ! Спектакль соат олтида бошланиши керак экан, соат етти бўлди ҳамки, Саломатдан дарак бўлмади. Секин саҳнанинг орқасига ўтдим. Қарасам, ҳамма безовта, шивир-шивир гап. Режиссёрдан сўрасам, қишлоқ хўжалик техникумида ўқийдиган уч-тўртта ҳамқишлоқлари бор эди, улар Саломатхоннинг спектаклда қатнашишига қарши эди, ўшалар бир ишқал чиқармаганикан, деб қолди. Маслаҳат билан бир-икки киши Саломат турадиган уйга бориб келадиган бўлди. Мен ҳам қўшилдим.

Саломат қорасувлик дугоналари билан Шайхантаҳурнинг орқасидаги тор кўчалардан бирида турар экан. Борсак, уйда ҳеч ким йўқ, уй бекасининг гапига қараганда, эрталаб чиқиб кетганича қайтиб келмаган... Балки техникумга боргандир, деган умидда орқага қайтдик. Йўқ, бормабди. Спектакль бекор қили-

ниб, одамлар тарқаб кетибди. Режиссёр қишлоқ хўжалик техникумига кетди. Мен вокзал томонда, «Тезикова бозори» деган жойда турардим. Кўнглим хит бўлиб, «Пиён бозори» деган жойгача яёв бордим. Бекатда одам кўп эди. Мен яна пиёда кетмоқчи бўлиб турган эдим, келиб тўхтаган трамвайда... Саломат кўрингандай бўлди. Жон-жаҳд билан тармашиб трамвайга чиқдим. Қарасам... чиндан ҳам Саломат! Эғнида оддий чит кўйлак, қўлида кичикроқ чамадон, деразадан ташқарига қараб турибди. Атрофини эса... олифталарча кийинган уч-тўрт йигит қуршаб олган.

Одамларнинг орасидан ўтиб, яқинроқ бордим.

— Яхшимисиз, Саломатхон!— дедим.

Саломат ялт этиб қаради, мени таниб, ғалати бўлиб кетди...

— Нега спектаклга бормадингиз? Сизга нима бўлди, Саломатхон?— деб ёнига ўтмоқчи эдим, Саломатнинг олдида турган новча қора йигит... Танимайсанми? Оғзида тилла тиши ҳам бор?

Кўз олдимга яна ўша чойхонада хомуш ўтирган олифта йигитлар келди. Уларнинг орасида новча қора йигит йўқ эди шекилли.

— Билмадим...— дедим.

— Сен у пайтда ёш бўлсанг керак!— деди комбат.— Лекин қорасувлик йигит. Йеми Ҳошим. Ҳошим Холматов. Қисқаси, ўша йигит йўлимни тўсиб:

— Менга қара, акаси!— деди шивирлаб,— Саломатхонда нима ишинг бор? Қани, жонингда қасдинг бўлмаса... туёғингни шиқиллатиб қол, акаси!

Қарасам, ёнидаги шериклари ҳам ўдағайлаб, пайт пойлаб туришибди.

Саломат кўз ёшини қулт этиб ютиб: «Булар ёмон, сиз аралашмай қўя қолинг!» деган маънода ишора қилди.

У маҳалда юзи очиқ, кўҳлик қизлар шаҳарларда ҳам оз учради. Ҳамманинг кўзи Саломатда, ҳамма унга нисбатан бир ёмонлик бўлаётганини сезиб турибди, лекин бутун трамвайда жонимизга ора кирадиган бир одам йўқ!..

Ўзимни четроққа олиб, кутиб турибман. Трамвай вокзал олдидаги майдонга яқинлашганда бояги қора йигит, Саломатнинг қўлидан чамадонини олиб, боши билан «туш!» деб буюрди.

Саломат кўзлари жавдираб менга бир қараб қўйди, кейин яна боягидай қулт этиб ютиниб, трамвайдан туша бошлади. Саломатдан кейин тилла тишли қора йигит, ундан кейин ёнидаги шериклари тушишди.

Саломатни зўравонлик билан олиб кетишаётгани аниқ эди. Нима қилиш керак? Арз қиладиган милиционер ҳам кўринмайди. Кетларидан сакраб тушдим.

— Саломатхон, тўхтанг!— дедим.— Бир оғиз гапим бор.

Қора йигит, қалтироқ босиб олдимга келди.

— Сен кимсан ўзинг? Хўш, нима гапинг бор? Айт!

— Ҳозир айтаман, нима гапим борлигини!— дедим.— Саломатхон! Уртоқ Саидкаримова!

Шундан кейин нима бўлганини билмайман. Ҳошим Холматов қулочкашлаб жағимга битта туширди шекилли, қулоқларим шанғиллаб, чалқанча йиқилдим. Лекин бахтимга ёмон тушмаган эканман, ўзимни ўнглаб, қорнига тепганимни биламан, бир маҳал ҳушимни йиғиб қарасам... Ҳалиги йигит трамвайнинг изида сулайиб ётибди, кўзлари юмуқ, оғайдан лахта-лахта қон оқяпти! Атрофимда тумонат одам! Икки милиционер икки қўлимдан маҳкам ушлаб олган. Саломат йиғлаб турибди. Лекин унинг гапига қулоқ соладиган одам йўқ, ҳамма қон қусиб ётган йигит билан овора. Ҳаш-паш дегунча чинқириб иккита машина етиб келди. Биттасига ҳушидан кетган қора йигитни солиб, касалхонага жўнатишди, биттасига каминани тикишиб, милицияга олиб кетишди... Қамоққа тушишимиз ана шунақа бўлган, ука.

— Нега сизни қамашади? Ҳақиқат қилишмадими?

— Ҳақиқат...— комбат гулханга шох-шабба ташлаб, истеҳзоли кулимсиради.— Ҳақиқат қилиш осон бўлса унинг қадри бўлмас эди, ука... Биринчидан, Ҳошим полвон қулаганда бошининг қатиги чиқиб кетган эканми, билмадим, касалхонада икки ой ётиб, ўрnidан зўрға турди. Иккинчидан, биринчи кундавоқ терговчи билан айтишиб қолдигу, иш чаппасига айланди.

Хаёлимдан: «Тунов кунгидай бўлибди-да!»— деган фикр ўтди-ю, индамадим.

— Лекин, ҳаёт қизиқ нарса экан!— Даврон ака гулханга ўйчан тикилиб яна жилмайди.— Шу қамоқ сабаб бўлмаганда вәтимола Саломат билан ҳам топиш-

мас эдик! Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Қамоққа тушганимнинг учинчи ё тўртинчи куни иккимиз терговчининг хонасида учрашдик. Саломат мени кўриб, йиғлаб юборди. «Мени деб бошингиз балога қолди, кечиринг, акажон!» дейди. Мен уни тинчитмоқчи бўлман, у бўлса ҳадеб бир гапни такрорлайди: «Мени деб азият чекапсиз, кечиринг, акажон!» деб йиғлайди.

Ростини айтсам, чеккан ҳамма изтиробларим ҳам бир бўлди-ю, Саломатнинг шу гаплари бир бўлди.. Бахтга қарши, терговчи ёш бўлса ҳам сочлари тўкилиб, тепакал бўлиб қолган, тирноқларигача заҳар бир одам экан, бечорани жеркиб ташлади. Саломатни кўриб, ичи қоралиги тутиб кетдим, билмадим, нуқул бемаза саволлар беради, аблаҳ! Қаёқдаги ифлос нарсаларга шама қилади, кишининг нафсониятига тегадиган тагдор гаплар гапиради. Саломат бечора кўзларини қаёққа яширишни билмайди. Қарасам, аблаҳ тепакал ҳаддидан ошиб кетяпти! Меники ҳам тутиб кетди:

— Бу тагдор гапларингиз билан нима демоқчисиз?— дедим.— Нимага шама қилияпсиз ўзи? Амалингизни суиистеъмол қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?

Гапнинг қисқаси, бирпасда чарс-чурс уришдик-қолдик. Терговчи чаёндай кўкариб, тугмачасини босди. Дарҳол милиционер кириб, каминани яна ўша «роҳатижон» жойга олиб кетди. Саломат кўзида ёш, терговчининг олдида қолди...

Комбат бошини қашиб, хўрсиниб қўйди.

— Уришмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан дегандек, терговчи билан уришаман деб, чиндан ҳам балога қолдим. Сен ёшсан, ука, билмайсан. У пайтларда баъзи нолок одамлар пашшадан фил ясаб, обрў орттиришарди. Қарасам, тепакал ҳам каминига сиёсий айб тақишдан тоймайдиган!.. Дам олиш куни эди. Бир ўзим бир хонада нима қилишимни билмай, бошим қотиб ётган эдим, бир маҳал дастурхонга ўралган бир товоқ ош кирди. Ошнинг устига катта патир босилган!..

Қариндош-уруғлар Фарғонада. Ёр-дўстлар ҳам ўзларини четга оладиган оғир пайтлар. Давр ўзи шунақа. Кимдан бўлиши мумкин бу передача? Ҳайрон бўлиб патирни ушатдим, ушатсам... ичидан икки энлик хат чиқди! Саломатхоннинг хати!.. Бошида яна

ўша гаплар: «Мен деб бошингиз балога колди, кечиринг, акажон!..» Охирида: «Терговчининг нияти ёмон, нима қилай, қаерга борай, кимга арз қилай?» — деб маслаҳат сўрабди.

Хайрият, чўнтагимда қаламнинг синиғи қолган экан: «Билим юртининг парткомига киринг, редакцияга ўтиб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай, муҳаррирга гапириб беринг», деб икки энлик хат ёзиб, дастурхоннинг учига тугиб чиқардим.

Бу ўртада «Уруш бошланганмиш, Гитлер Ватанимизнинг чегарасини бузиб кирганмиш», деган мишмишлар тарқалди. Мен ўша куниёқ кўнгиллилар сафида урушга юборинглар, деб ариза бердим. Лекин терговчи мени ашаддий душманга чиқарган шекилли, аризам жавобсиз қолди.

Бир ҳафтадан кейин яна передача келди. Яна бир товоқ ош, ошнинг ёнида иккитагина олма-ю, ўртасидан тенг бўлинган ёғлиқ патир!

«Наҳот Саломатнинг хатини топиб олишган бўлса?» — ошга қарагим ҳам келмай, олмани олиб ҳидлаб кўрдим. Олма жуда хушбўй эди, ўзи ҳам оппоқ, пиёладай келарди. Кейин билсам, бу Қорасувдан келган олма экан. Уни «дастор олма» дейишар экан. Шунақами ахир?

— Худди шундақа, ўртоқ комбат! — дедим. Бир зумгина кўз олдимга илиқ ёз оқшомида даштда кетаётган арава келди, эсимга райҳон ҳиди уриб қолган Саломатхоннинг дастор олмаси тушди, қулоқларим остида қизларнинг шўх кулгиси янграгандай бўлди...

— Иккинчи олманинг узун банди бор эди, — деди комбат. — Шу бандидан ушлаб, ҳидлаб кўрмоқчи эдим, узилди-ю, олманинг қавагига қистирилган қоғознинг учи кўринди. Саломатнинг хати! «Айтганларингизни қилдим, билим юртининг парткомига ҳам, муҳаррирингизга ҳам учрашдим, улар ҳаракат қиламиз, деб ваъда беришди. Лекин барибир, эрта-индин ўртоқ Охунбобоевнинг олдига чиқмоқчиман...» деб ёзибди.

Комбат: «Қалай!» деган маънода менга бир қараб қўйди.

— Саломат сўзининг устидан чиқди, — деди у. — Лекин унинг Охунбобоевга учраши жуда қизиқ бўлибди. Қамоқдан чиққанымдан кейин Саломат кула-кула гапириб берди: «Бир борибди — қўйишмабди. Икки

борибди — қўйишмабди. Аризангиз бўлса секретариатга ташлаб кетинг, дейишармиш. Учинчи борганида бундоқ қараса... юзи очиқ хотинлар киролмас эмишу, паранжилик хотинлар кириб кетармиш...

Улар Охунбобоевнинг йўлини пойлаб туришармишу, Ота кўриниши билан, унинг олдига дод солишиб, йиғлаб боришармиш... Шундан кейин ота ўзи уларни олиб кириб кетармиш... Тўртинчи куни Саломат ҳам уй бекасининг паранжисини ёпиниб борибди. Тонг отмасдан бориб, Отанинг йўлини пойлаб турибди. Бир маҳал Отанинг машинаси кўринибди. Саломат ҳам кечаги паранжилик хотинларга ўхшаб, дод солиб йиғлаб борган экан, Ота: «Йиғламанг, қизим, йиғламанг», деб ўзи бошлаб олиб кириб кетибди. Қиргандан кейин Ота, албатта, «ким бўласиз, қаердан келдингиз», деб сурштирибдилар... Саломат билим юртида ўқишини айтган экан, «билим юртида ўқисангиз нега паранжи ёпинасиз», деб ҳайрон бўлибдилар.

Саломат паранжи воқеасини гапириб бериб, юздан чимматини олибди. Ота қотиб-қотиб кулибдилару дарҳол республика прокурорига телефон қилибдилар...

Шу телефон сабаб бўлдими, билмадим, ишқилиб, бир-икки кундан кейин ишим бошқа терговчига ўтиб, тезлашиб кетди. Хуллас калом, салкам қирқ кун деганда камина ёруққа чиқиб, офтоб кўрди... Мен осмондаги офтобни айтаётганим йўқ, — кулди капитан. — Ердаги офтобни айтяпман... Қамоқхонанинг кийимларини топшириб ўз кийимларимни кийиб, ҳужжатларимни олиб, дарвозадан чиқсам, кўчада, қўлида гулдаста, Саломат кутиб турибди! Кулмоқчи бўлади-ю, кўз ёшларини тиёлмайди!

Ростини айтсам, ука, уни кўрдиму, қирқ кун чеккен азобларим ҳам эсимдан чиқиб кетди... Эртасигаёқ уч-тўртта ёр-биродарларни тўплаб, кичкина тўй қилиб бердик...

Комбат мийиғида кулимсираб, хаёлга толди. Мен унинг аллақандай мулойимлашиб қолган чеҳрасига тикилиб ётар, лекин хаёлим олис-олисларда, Саломатхонда эди!..

Ҳа, мен янглишмаган эдим! Комбат айтган Саломат худди мен таниган, мен билган Саломатхоннинг ўзгинаси эди!

— Бир ҳафтадан кейин урушга кетадиган бўлдим,— деди комбат.— Маслаҳат билан урушдан қайтгувимча Саломат қишлоқда, ойимларнинг олдида турадиган бўлди. Июлнинг охири. Ватанимиз хавф остида турган кунлар. Қорасувга бориб, тўй-томоша қилиб беришга фурсат йўқ эди... Қишлоқда бор-йўғи уч-тўрт кун турдим, Саломатни мактабга ишга жойлаштириб, урушга кетдим...

— Шундан кейин кўришмагандирсизлар-да?

— Йўқ, кўришдик,— деди комбат.— Яна бир марта кўришдик.— Даврон ака оғир хўрсиниб олди. Унинг чеҳрасидаги мулойимлик таниш шиддатли ифода билан алмашди.

— Ноябрьнинг охири эди. Биз, Семипалатинскда уч ойлик взвод командирлари курсини тамомлаган ёш лейтенантлар, бир эшелон бўлиб, фронтга жўнайдиган бўлдик. Семипалатинскдан кетишимиздан икки кун олдин, фронтга жўнашимиз аниқ бўлгач, Саломатга телеграмма юбориб, Арис деган станцияга келиб туришини илтимос қилдим. Кейинчалик бу телеграммам учун ўзимга айтмаган гапим, сўкмаган сўкишим қолмади, ука. Нега шундай қилганимни ҳали ҳам билмайман, тўғрироғи, билишга биламану, бунинг оқибати нима бўлишини, оғир уруш йили ёш бир жувонни Фарғонадан Арисга чақириш аҳмоқона бир нарса эканини ўйламабман!.. Эшелонимиз Арисга кечқурун, қош қорайиб қолганда кириб борди. Қизил вагоннинг очиқ эшигида кўзим тўрт бўлиб аланглаб турибман. Перронда одам оз, солдатлар билан милиционерларгина кўринади. Саломат билан ойимларни вагонимиз вокзал рўпарасига яқинлашганидагина кўрдим. Улар почта ёнида йўлни тўсиб турган милиционерлар билан олишишмоқда эди! Кейин, хат ёзишича, Саломат ҳам мени худди шу пайт кўрган экан. Мен ўзимни вагондан отдим, мени кўриб Саломат ҳам олдинга талпинди... Ойимнинг йўлини милиционерлар тўсиб қолишди. Саломат бўлса, уларнинг қуршовидан чиқиб, эшелонга қараб югурди. Қўлида тугун, сочлари тўзғиган Саломат қоқиниб-суриниб келиб, ўзини қучоғимга отди... У ёқда дод солиб милиционерлар билан олишаётган онам, бу ёқда беҳуш бўйнимга осилиб қолган Саломат!

Капитан кўзини юмиб, бошини чайқади-да, яна хўрсинди:

— Ҳа, эсимга тушса ҳануз ўзимни сўкаман, ука... Саломатни сал тинчитгандай бўлиб, энди ойимларга қараб югурган эдим, тўсатдан вагонлар шарақ-шурук қилиб, эшелон юриб кетди. Уруш вақтида эшелондан қолишнинг оқибати нима бўлишини биласан!.. Перроннинг ўртасида қотиб қолдим. Эшелон қўзғалганини кўрган Саломат бўлса, ўзини яна менга отди... Унинг кўз ёшларини артиб, ялинаман «хайр, омон бўлинг, эшелондан қолиб кетмай», деб ёлвораман. Қани қўйиб юборса!.. Сўнгги вагон яқинлашиб келяпти... Жон ҳолатда Саломатнинг қўлларини қайириб қучоғидан чиқдим, эшелонга қараб югурдим. Хайрият, вагондаги йигитлар кузатиб туришган экан, қўлларини чўзиб, кўтариб олишди... Вагонга чиққанда кўриб қолдим: Саломат перронда йиқилиб ётарди. Милиционерларнинг даврасини ёриб ўтган ойимлар эса, икки кўзлари эшелонда, яланг бош, уни қучоқлаб ўтирардилар.

Комбат афтини буриштириб, бошини чайқади.

— Тавба! Нега шундай қилдим — ҳалиям тушунолмаيمان!

Капитаннинг ҳолати менга аён эди. Чунки мен ҳам бирор ножўя иш қилиб қўйсам, анчагача қийнаиб юрардим. Лекин тўрт йилгача буни эслаб қийнаlish!..

— Кейин-чи?— дедим гапни буриш учун.— Кейин нима бўлди, ўртоқ капитан?

— Кейин... Кейин фронт. Госпитал. Яна фронт... Сўнгги икки йил десант қисмларида бўлдим. Десант жуда оғир нарса. Не-не йигитлар ҳалок бўлиб кетишди. Мен бўлсам, жоним савил эканми, билмадим, ҳалиям юрибман!— Капитан гўё тирик қолганига таажжубланаётгандай бошини сарак-сарак қилди.— Охирги марта бултур кузда Карпат тоғларига десант тушдик. Чех ва словак партизанларига қўшилиб, душман билан салкам ўн ой олишдик. Бу — бутун бир дoston, ука... Бир кун гапириб бераман... Ўз қўшинларимизга шу йил майда, Прага озод қилингандан кейин қўшилдик... Дарҳол уйга телеграмма бердим, хат ёздим. Бир ой деганда уйдан хат олдим... Саломат ўғилчамни олиб ўз юртига, Қорасувга кетиб қолган экан. Қишлоқда майда-чуйда гаплар... Уша куниёқ Қора-



сувга ҳам хат ёздим. Лекин сал ўтмай бу ёққа қараб жўнадик.

— Боя хат олдим дедингиз-ку?

— Ҳа, олдим. Ўша... Сен пулемётингни йўқотиб қўйган куни олдим,— деди капитан кулиб.— Гап хатда эмас, албатта. Ойлаб хат олмаганимда ҳам хаёлимга ёмон фикр келган эмас. Бу ерда бошқа бир гап бор, ука!

Йўлдан тарақлаб бўш машина ўтди. Машина пастда, гулхан атрофида яшула айтиб ўтирган солдатларнинг ёнида тўхтади.

Даврон ака қаддини ростлаб ўтирди. Гулхан шуъласида унинг мисдай қизарган чеҳрасида, қисилган кўзларида аллақандай ички туғён, йўқ, совуқ бир ғазаб акс этди.

— Сен ёшсан,— деди у.— Биз урушда юрганимизда, фронт орқасида... кўп нопок ишлар қилган ифлослар ҳам бўлган. Хотин-қизларимиз кеча-ю кундуз фронт учун тер тўкиб ишлашганида халқ мулкини шамолга совириб, кўҳлик қиз-келинчакларни йўлдан уриб, айш-ишрат қилган аблаҳлар ҳам бўлган. Менга кўп солдатлар йиғлаб гапириб беришган. Бунақа номардлар менинг қишлоғимда ҳам бўлган... Баъзан шуларни ўйлаб хит бўлиб кетардим. Сен ёшсан, кўп нарсани билмайсан!..

Ҳаяжондан юзимга кон тепиб:

— Йўқ, ўртоқ капитан,— дедим.— Ёш бўлсам ҳам биламан. Сиз айтган номардлар Қорасувда ҳам бор!..

— Шунақами?— деди капитан кўзлари қисилиб.— Биз фронтда юрганимизда қасам ичардик. Элга эсон омон қайтсак, ҳаммадан бурун шунақа номардлар билан олишамиз, деб қасам ичардик!.. Демак, Қорасувга қайтсак, бирга курашар эканмиз-да, ука. Сен ҳам мана, фронтовик бўлдинг-ку!

Комбат кулимсираб менга қаради. У яна бир нима демоқчи эди, лекин шу пайт студебеккернинг орқасидан старший лейтенант Харитонов чиқиб келди. Гимнастёркасининг кўкраги чапаниларча очилган, кўзлари мастона сузилган.

— Ўртоқ капитан!— Харитонов оёқларини кериб гулхан ёнида тўхтади.— Нима бўляпти ўзи? Нега биздан яширасиз?

— Нимани яширибман? — Комбат шахт билан ўрнидан турди.

— Ҳозир биттаси келди, — деди Харитонов. — Юма-лоқ, хомсемиз одам. Ҳарбий прокуратурадан эмиш. Сизни сўраяпти.

— Қани?

— Утирибди ўша ерда! — Харитонов пастдаги гулхан томонга ишора қилди. — Жишдай қуйиб бердик. Ғалаба-ку, ахир, ич, дедик. Лекин... Сизни ғалаба кунни терговчи қидирадиган нима гуноҳ қилдингиз? Нега биздан яширасиз. Агар тўхмат қилишса... Қўйиб беринг, мен ўзим уни...

— Нима? — Комбатнинг овози ғазаб билан янгради. — Нима деб алжираяпсан? Анархияга йўл қўймоқчимисан? Еқангни ил! Кимнинг олдида турибсан?

— Кечирасиз, ўртоқ капитан...

Комбат гимнастёркасини тўғрилаб, ер остидан менга қаради-ю, тўсатдан ёмон бир нарса эсига тушгандай, афтини буриштирди.

— Кайф устида тоза алжирадим шекилли? Бемаза нарса-да, шу ичкилик!

— Нега ундай дейсиз, ўртоқ капитан? Қайтага... Агар керак бўлса мен ҳам борай...

— Кераги йўқ! Қани, юр, Саша, борайлик, — деди комбат тўсатдан қандайдир илиқ бир меҳр билан. У қовоғини солиб турган Харитоновни қўлтиқлаб олди-да, пастга тушиб кетди.

Кўнглим бир хил бўлиб ўрнимдан турдим.

Тонг отган, ҳавони қоплаган ҳарир туман орасидан олисдаги тоғлар элас-элас кўринар эди...

Мана, Маньчжурия бўйлаб чекинаётган Квантун армияси қисмларини қувиб кетаётганимизга ўн кундан ошди, ўн кундан бери шу манзара. Атрофда дўппидай бўш жой йўқ, ҳамма ёқ кўм-кўк экинзор, тариқзор, газлянзор... Ҳатто қир ён бағирлари ҳам зинавина қилиниб, экинзорга айлантирилган, фақат ҳар жой-ҳар жойда ўн-ўн беш уйдан иборат кичик-кичик қишлоқлар учрайди. Томлари қамиш билан ёпилиб, устидан лой босилган бу уйлар, четан деворларига қовоқ ўрмалаган ҳовлилар водийлардаги ўз қишлоқларимизни эслатади-ю, ҳар сафар кўнглим бир хил бўлиб кетади... Мана, бу ерда ҳам ўнг томондаги тепаликда кичик бир қишлоқ кўриниб турибди. Қишлоқ-

нинг орқасида қабристон бўлса керак, кичикроқ ибодатхона кўзга чалинади. Ҳавони қоплаган ҳарир туман орасида ибодатхона ҳам, қишлоқ ҳам тоғларга туташиб кетганга ўхшайди...

«Шу тоғлардан ўтсак бас, у ёғи темир йўл, она юрт, Қорасув!..

Қулогимни динг қилиб, гулхан томонга тикилдим. У ердаги ғала-ғовур босилган, ҳамма ёқ жимжит эди.

«Ростдан ҳам, нима бўляпти ўзи? Наҳот бир ифвогарнинг бемаъни гапларига ишониб, комбатдай одамга осилишса? Ё ўртада мен билмаган сир-синоат бормикан?...»

Хаёлимни нотинч ўйлар чулғаб олди. Мени ҳам чақиринишар, деган умидда жойимга ўтириб кута бошладим.

\* \* \*

Тонг отар-отмас ўйин-кулги, хурсандчилик бошлаиб кетди. Ҳамма бир-бирини ғалаба билан табриклар, қучоқлашиб ўпишар, топганлар темир кружкаларни шақ-шақ уриштириб, қиттай-қиттай ичишар, ёшлар рақсга тушар, кексароқ солдатлар эса, қўноқзорнинг четига ёнбошлаб, суҳбатлашинишар эди.

Мен ҳам хиёл ёзилиб келиш ниятида ўз ротамга бориб, энди даврага қўшилган эдим, комбат чақиртириб қолди.

Даврсн ака, қўлида бир-икки варақ қоғоз, чодирнинг олдида у ёқдан-бу ёққа ўйчан одимлаб юрарди. Мени кўриб, юришдан тўхтади, уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларини олисларга тикиб:

— Ғалаба куни ҳам тинч қўймадим-а,— деди.

— Ҳечқиси йўқ...

Комбат мийиғида кулиб қўйди.

— Битта муҳаббатнома ёзишга тўғри келди. Шунини кўчириб берсанг, ука. Хатимни ўқий оласанми? — деди у, қўлидаги қоғозларни узатиб.

Хат ўчирилавериб, жуда чаплашиб кетган эди.

— Билмадим...

— Бўлмаса қоғоз-қаламингни ол! — деди комбат. — Ҳозир айтиб тураман, сен ёзсан!

Чодирга кирдик. Мен ўртага кўчма столини қўйиб, қоғоз-қаламинини олдим.

Комбат қўллари орақасига қилганича хаёлга чўмиб турар, гўё мени эсидан чиқариб юборган эди.

— Уртоқ капитан...

— А?.. — комбат бошини кўтарди. — Тайёрмисан? Ёз! Лекин шошмай, чиройли қилиб ёз... «Бир юз ўн еттинчи гвардиячи ўқчи десант полкининг командири гвардиячи полковник Белобородовга...»

— Тагини чизиб қўй! Чиздингми? — комбат ёнимга келиб, ёзганларимни ўқиб чиқди. — Яхши. Энди сал чекиниб, майдароқ қилиб ёзасан...

«Хурматли Мстислав Владимирович!

Бу хатни мен сизга полк командири бўлганингиз учун эмас, қўл остингизда салкам уч йил хизмат қилган бир офицер сифатида ёзаяман...»

Комбат юришдан тўхтаб, қўлидаги ёзувларига қараб олди. Сўнг, бир нуқтага тикилиб, давом этди:

«Хабарингиз борми-йўқми, билмадим, бундан бир ҳафта олдин, ҳарбий прокуратура ходими келиб, батальон фельдшери, гвардиячи кичик лейтенант Ольга Куприянованинг ўлими тўғрисида тергов қилди. албатта, ёш офицер аёлнинг жангдан кейин ҳалок бўлиши баъзи одамларнинг қўнглида шубҳа туғдириши мумкин. Демоқчиманки, гап терговда эмас. Гап менга тақалган айбда. Гўё мен кичик лейтенант Ольга Куприянова билан эр-хотин бўлиб яшаган эмишману, энди, уруш тугаш олдида ундан қутулиш учун қасддан чоғга итарган эмишман... Бу айб шунчалик уйдирма ва бемаъники, прокуратура ходимига батафсил жавоб бериб ўтиришни лозим топмадим. Агар менга тақилган айб шу билан чекланганида, бу хатни ҳам ёзиб ўтирмас эдим...»

Комбат ёқасининг тугмаларини ечиб, чуқур нафас олди. Унинг фиғони чиқиб бўғилиб кетаётганини сезиб, қаламимни ушлаганимча қотиб қолдим.

— Хўп,— деди комбат ниҳоят.— Ёз. Хат бошидан ёз.

«Бугун, ғалаба куни эрталаб, прокуратура ходими яна келди. Бу сафар илгаригисига қўшимча яна бир гап топиб келибди. Бу гап чўлдаги машина жанжали ва бу жанжал оқибатида муовинингиз, гвардиячи подполковник Хряшко билан бўлган тўқнашувга боғлиқ. Сиз машина воқеасини яхши биласиз. Лекин муовинингиз, подполковник Хряшко билан бўлган кўнги-

сиз тўқнашувнинг тафсилотларини билмасангиз керак. Бу тўқнашув пайтида айтилган баъзи гаплар бугун менга жиддий айб қилиб тақилаётгани учун унга ба-тафсил тўхтамоқчиман...»

Даврон ака яна гапини бўлиб, чодирнинг четларини кўтариб қўйди. Бирдан ғир-ғир шабада ўйнаб, олисларга чўзилган тариқ ва қўноқ экилган ясси қирлар кўринди. Яқиндаги қир этагида, дала ошхонасининг ёнида бир гуруҳ солдатлар рақсга тушмоқда эди, у ердан гармонь овози ва хушнуд қичқириқлар эшитиларди... Тўсатдан комбат елкамга қўлини қўйиб:

— Уша куни,— деди,— машина жанжали бўлган куни, сен ҳам йиқилиб қолган эдинг шекилли?

Кўз олдимга жазирама даштда чўзилиб ётган солдатлар келди, қулоғим остида: «Сув! Сув!» деб илтижо қилган овозлар янграгандай бўлди.

— Ҳа,— дедим қизариб,— йиқилиб қолган эдим. Ногаевни силтаб ташлаганларингиз ҳам эсимда.

Комбат қовоғини солиб:

— Хўп,— деди.— Ёз!.. Хат бошидан ёз.

•Ҳурматли Мстислав Владимирович!

Мен армияда қаттиқ интизом бўлиш кераклигини, ҳеч бир командир ўз ҳуқуқини сунистеъмом қилишга ҳаққи йўқлигини тушунаман, албатта. Ва буни тушунганим ҳолда, ўша куни ПФС нинг машиналарини тортиб олган эканман, бунга мени вазият мажбур қилган эди. Мен солдатларни ўйлаган эдим. Эсингизда бўлса керак, ўша куни биз сув бор деб умид қилган қудуқлар қуруқ чиқиб, кўп солдатлар саҳрода йиқилиб қолган эди. Йиқилиб қолганлар орасида ёшлар ҳам бор эди, тўрт йил уруш машаққатларини бошидан кечирган кекса солдатлар ҳам. Буни ўзингиз ҳам кўргансиз. Бу тўғрида гаплашганмиз ҳам. Уша куни сиз билан гаплашишдан олдин ПФСнинг бошлиғи капитан Ногаев хўжалик ишлари бўйича муовинингиз, подполковник Хряшкони бошлаб келди. Мен саҳрода йиқилиб қолган солдатларни йиғиб юрган, асабий бир ҳолатда эдим. Лекин ҳамма гап эсимда. Сўзма-сўз баён қилиб беришга уринаман.

Подполковник гапни: «Сизга ким ҳуқуқ берди?» дан бошлади. Мен вазиятни тушунтира бошлаган эдим, подполковник гапимни бўлиб:

— Тўхтанг!— деди. — Сиз ўз ҳуқуқингизни оши-

ришга қандай ҳаққингиз бор? Қимматли юкларни ағдариб, полк ихтиёридаги машиналарни тортиб олишга ким рухсат берди?

Мен солдатларни ўйлаганимни айтдим. Солдатлар ҳам одам, дедим. Уларнинг қадрини билиш керак, дедим. Менинг бу гапим негадир подполковник Хряшкодан кўра капитан Ногаевга қаттиқроқ тегиб кетди.

— Эшитаясизми, ўртоқ подполковник?— деб пичинг қилди у.— Бу киши солдатларнинг ғамхўри-ю, сиз билан биз душманамиз! (Гапни қаранг, ўртоқ полковник!)

— Сиз ҳам ғамхўр бўлсангиз,— дедим мен, — арзимаган нарсага шовқин кўтариб, кетимдан қувиб юрмасдан, солдатларнинг жонига ора киришни ўйлардингиз. Аҳволни кўриб турибсиз-ку, ахир?

Шундан кейин гапга подполковник Хряшко аралашди:

— Гоби саҳросидан пиёда ўтишни мен ўйлаб топган эмасман!— деди у киши. — Бу — қўмондонликнинг стратегик плани асосида бўлаётган иш!..

Ногаев подполковникка қараб:

— Бу киши қўмондонликнинг стратегик планини нима билсин?— деди, кейин менга юзланиб, пичинг билан:

— Балки, сиз умуман, бу урушга қаршидирсиз? (Гапни буришини қаранг, ўртоқ полковник!)

Ростини айтсам, унинг бу гапидан кейин меники ҳам тутиб кетди.

— Гапни бошқа ёққа бурманг!— дедим. — Мен қўмондонликнинг стратегик планини шубҳа остига олаётганим йўқ. Лекин бу планни сен эмас, мана шу солдатлар амалга оширади! Шундоқ экан, уларнинг қадрини билишимиз керак. Бу солдатларнинг кўпчилиги тўрт йил урушда бўлган, ҳамма машаққатларни бошидан кечирган одамлар!..

Менинг бу гапим капитан Ногаевга яна ёқмади, у яна пичинг қилиб, қаёқдаги гапларни гапира бошлади. Ғўё мен, ўзимни солдатларга ғамхўр қилиб кўрсатиб, сохта обрў орттирмоқчи эмишман ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Шундан кейин гап майдаланиб кетаётганини подполковник ҳам сезди шекилли:

— Хўп. Етади!— деди қатъий.— Бундан кейин сиз

бунақа ўзбошимчалик қилманг. Агар бундай ҳодиса қайта такрорланса мен ўзимга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, сиз билан бошқача гаплашаман!..

Бўлган гап шу, ўртоқ полковник...»

— Ёздингми?

— Ёздим, ўртоқ капитан.

Комбат тепамга келиб ёзганларимни кўздан кечирди.

— Яхши...— у пешанасини ишқаб, ўйлашиб қолди.

Мен унинг оаиб, қорайиб кетган шиддатли чеҳрасини, ғазаб билан порлаган қўй кўзларини зимдан кузатардим. Мен комбатнинг бошидаги кўп ташвишлардан беҳабар эдим. Уни ўз муваффақиятларидан эсанкираб, раҳм-шафқатни эсидан чиқариб юборган тошжорак бир одам деб ўйлаган эдим. Мен умуман комбатнинг — тўрт йил урушда жонбозлик кўрсатиб бўксис орден-медалларга тўлиб кетган бу одамнинг бошида бунақа ғурбат бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Менинг назаримда, худо унга ҳамма нарсани қўш қўллаб тутган: ҳам улуг шон-шухрат, ҳам Саломатхондай ёр ато қилган бахтиёр бир йигит эди!.. «Кечиринг, Даврон ака», дедим хаёлимда.

— Ёзи!— деди комбат. У гўё менинг ўйларимни пайқаб қолиб, дарғазаб бўлгандай писанда қилиб гапирди. — Хўш, нимага келиб тўхтадик?

— «Бўлган гап шу, ўртоқ полковник!» деб ёздик.

— Яхши! Ёзи!..

«Ҳурматли Мстислав Владимирович! Балки, мен ўшанда, саҳрода, оғир вазият таъсирида гвардиячи подполковник билан гаплашаётиб қизиққонлик қилгандирман. Балки, янглишгандирман. Чунки кейинчалик, Квантун армияси қўшинлари билан тўқнашганимизда мен кўп нарсага тушундим. Масалан, ҳамма техника қурол-аслаҳа ташишга сафарбар этилиб, тўғри қилинганини тушундим. Чунки бу қурол-аслаҳа бўлмаганида, душман бундай осон тиз чўкмас эди, албатта. Лекин бунинг ҳаммасини тушунганим ҳолда, бугун ҳам қўлимни кўксимга қўйиб айта оламан: ўшанда, саҳрода солдат тўғрисида гапирганимда, кўнглимда қилча ҳам кир йўқ эди!.. Ҳолбуки, бугун баъзилар ўша гапларни рўкач қилиб, менга мудҳиш айблар тақишмоқда: гўё мен ўшанда, саҳрода, қўмондонлик-

нинг стратегик планига қарши чиқибман, гўё умуман бизда одамнинг қадри йўқ, деб гапирган эмишман ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Ҳурматли Мстислав Владимирович! Подполковник Хряшко ҳам, капитан Ногаев ҳам полкимизда янги одамлар. Мен подполковник Хряшкони деярли танимайман, лекин ундан шундай гаплар чиқишига ишонгим келмайди... Назаримда, бунинг ҳаммаси капитан Ногаевнинг иши. Бунинг чуқур сабаблари бор. Мен бу сабабларни батафсил гапириб беришим ҳам мумкин эди, лозим бўлса гапириб ҳам берарман, лекин ҳозирча унга тенг бўлиб, майда-чуйда гапларни ёзиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим... Ўртоқ полковник! Менга тақилган айблар шунчалик уйдирма ва бемаъники, уларнинг пучга чиқишига шубҳам йўқ. Ҳақиқат қарор топади, албатта. Лекин шу сохта маълумот асосида тергов бошланиши (бу тергов ҳақиқат учун бўлаётганига тушунганим ҳолда) мени қаттиқ таҳқирламоқда. Мен сизнинг қўл остингизда салкам уч йил хизмат қилдим. Энг мураккаб операцияларда қатнашдим. Уч марта оғир ярадор бўлдим. Бу баҳона армиядан сизнинггина бўшаб кетишим ҳам мумкин эди, лекин душман Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқарилмагунча фронтдан кетишни ўзимга лойиқ кўрмадим, виждоним йўл қўймади бунга!..»

Комбат тўсатдан сўзида тўхтаб, ўйланиб қолди, сўнг: кутилмаган бир қатъият билан:

— Учир!— деб буюрди. — Уч йил хизмат қилдим, уч марта оғир ярадор бўлдим, мураккаб операцияларда қатнашдим. Бунинг ҳаммасини ўчир. Ўчирдингми?

— Учирдим. Лекин... тўғри-ку, ахир?..

— Кераги йўқ! — деди капитан, юзини буриштириб. — Ёз! Янги хат бошидан ёз!

«Ўртоқ полковник!

Кейинги кунларда батальонда содир бўлган янгиликлардан бири — шу. Бу янгиликлардан хабарингиз борми-йўқми, билмадим, лекин сизни бундан хабардор қилиб қўйишни лозим кўрдим.

Сизга ҳурмат билан *гвардиячи капитан Ғозиев*.

3 сентябрь 45 йил».

— Ёздингми? Яша! Демак, бояги гапларни ўчириб, охириг бетни қайта кўчириб ёзасан. Эсингда бўлсин:



бу ҳам ҳужжат. Махфий гап... Ёзиб бўлгандан кейин сандиққа солиб қўй. Полковникка ўзим жўнатаман. Уқдингми?

— Уқдим, ўртоқ комбат! Лекин...

— Хўш?

— Ўртоқ капитан!— дедим, ҳаяжондан қулт этиб ютиниб. — Наҳот энди шу арзимаган гапни деб, сизни?..

Комбат ер остидан хўмрайиб қаради.

— Тухматнинг умри қисқа. Қўрқадиган жойим йўқ. Шунчаки... полковник билиб қўйсин, дедим. Қисқаси, охирги бетини кўчириб сандиққа солиб қўй. Тушундингми? Кейин дамингни олавер. Солдатларга кўшилиб ўйнаб-кул. Бугун ғалаба куни, ахир. Буйруқ берганман: сергўшт шавла пиширишади. Қиттай-қиттай қуйиб беришади...

Комбат кўзини қисиб кулди-да, чодирдан чиқди.

\* \* \*

Уч кун ўтди. Кечқурун кун ботиш олдида тоғ оралиғидаги кўкаламзор сойликда тўхтадик.

Сойликнинг икки томонидаги чўққиларнинг ён бағирлари туташ олмазор боғлар билан қопланган, боғлар орасида томлари черепица билан ёпилган уйлар кўринар, ўнг қўлдаги тоғ тепасида қизилга бўялган нақшинкор ибодатхона кўзга чалинар эди...

Биз тўхташимиз билан сой ярим-яланғоч болакайларга тўлиб кетди. Улар чуғур-чуғур қилишиб, мунчоқ кўзлари чақнаб тиржайишар, қўлларини чўзишиб, бош бармоқларини кўрсатишиб:

— Шанго! Руси солдат шанго!— деб қичқиришар эди.

Болалардан кейин юзлари шафтоли қоқидай буришган аллақандай митти кампирлар, мункиллаб қолган кўса чоллар кўринди. Чоллар қамишдан ясалган узун чилимларини бурқсатиб, жимгина кузатишар, ликопчага ўхшаган похол шляпа кийган, қотма озгин деҳқонлар қисиқ кўзлари юмилиб, илжайиб қўйишар, аёллар, қизлар кўринмас эди.

Сал ўтмай, сойликни оқиш ҳарир туман қоплади, олмазор боғлардан тутун кўтарилиб, димоққа болалик-

дан таниш аччиқ тезак ҳиди урди, бир дақиқа, гўё олис Маньчжурияда эмас, ўз қишлоғимда, таниш сойликда юргандай туюлиб, ғалати бўлиб кетдим...

Вася Колбаскин иккимиз штаб чодирини тикиб бўлиб, энди овқатга ўтирган эдик, иккита хитой деҳқонини бошлаб, старшина Сало келиб қолди. Старшина ҳам, шимларининг почалари тиззаларигача шимарилган, ялангбош, ялангоёқ деҳқонлар ҳам жуда ҳаяжонда эдилар.

— Комбат қани?

Комбат штаб бошлиғи билан чодирда нима ҳақидадир маслаҳатлашиб ўтирар эди. Старшина чодирга кириб, лаҳза ўтмай комбат билан штаб бошлиғини бошлаб чиқди.

— Мен буларнинг гапларига унча тушунмадим, ўртоқ капитан. Лекин, назаримда, японлар тўғрисида гапиришяпти...— Старшина деҳқонларнинг ёнига бориб: «Жапон! Да? Жапон?» деб сўради: «Жапон» сўзини эшитган деҳқонлар тақир бошларини силкитишиб бидирлашди:

— Жапон! Жапон!

Улар ибодатхона томонга ишора қилишиб, бармоқларини кўрсатишарди.

— Кўп дейишяптими?— деди штаб бошлиғи. У ҳам бармоқларини кўрсатиб:

— Жапон кўпми? Жапон?— деб сўради.

Деҳқонлар илжайишиб, бош ирғашди, кафтларини томоқларига ишқашиб, қўрқув билан такрорлашди:

— Жапон! Жапон!

— Японлар зулм қияпти, ўлдирияпти, — дейишяпти шекилли,— деди комбат... У пешанасини тириштириб, олдин соатига, кейин осмонга қаради. Осмонда илк юлдузлар пайдо бўлган, тоғ чўққилари устидаги нафис шафақ сўниб, ибодатхона кўринмай қолган эди.

— Бундай қилайлик!— деди комбат ниҳоят. — Бугун кеч бўлди. — У бошини кўтариб юлдузларни кўрсатди, кейин имо-ишоралар билан офтоб чиқишини тушунтирди. Деҳқонлар «тушундик» дегая маънода сарғиш тишларини кўрсатишиб, яна илжайишди.

— Бу самурайлардан ҳар нарсани кутиш мумкин,— комбат штаб бошлиғига юзланди.— Сиздан илти-

мос: роталарни шахсан айланиб чиқинг. Соқчиларга қўшимча ҳар ротада биттадан пулемётчи тайинланг. Гулханлар ўчирилсин! Дмитрий Михайлович Харитоновга ҳам айт: эҳтиёт бўлсин!

Старшина ҳалиги хитой деҳқонларни бошлаб келган томонига, старший лейтенант эса роталарни айлангани кетди. Комбат қўлларини орқасига қилиб, анчагача чодир олдида айланиб юрди. Кейин бир нарса эсига тушгандай, тез-тез юриб, шовиллаб оқаётган сойга тушди.

— Капитанга нима бўлди? Бир нарсадан хафами?

— Билмасам! — дедим.

— Адъютантсан-ку, сўрамадингми? Адъютант деган ҳамма нарсени билиши керак!

— Мен адъютант бўлсам, сен ҳамшаҳарсан. Менга айтмаган сирларини сенга айтиши керак!

Мен индамадим. Даврон ака чиндан ҳам мени ўзига яқин олиб, ҳеч кимга очмаган юрак сирларини менга очди, менга ёрилди. Агар ғалаба кечаси прокуратура ходими келмаганида, балки яна кўп нарсаларни гапириб берарди... Ғалаба куни эртасига Белобородовга ёзган рапортини кўчириб берганимдан кейин биз умуман гаплашмадик, чунки, ўшандан кейин комбат қандайдир жуда хаёлчан, камгап бўлиб қолди... Мана, йўлга чиққанимизга уч кун бўлди, шундан бери биров билан кулиб гаплашганини кўрмадим.

Вася қаққини ростлаб, сойга тикилди.

— Комбат қаёққа кетди? Ёлғиз юриши мумкин эмас-ку? — У автоматини олиб, капитан кетган томонга югуриб кетди.

Атроф қоронғиликка чўмган, фақат икки томондаги тоғ чўққилари осмон сатҳида элас-элас қорайиб кўринар эди... Жимжит. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Фақат сой шовиллаб оқади. Гўё бу сойликда бутун бир батальон эмас, ёлғиз ўзим қолгандай, юрагимни хатарли бир туйғу чулғаб олди... Шинелимга бурканиб ёнбошладим, қулоғим эса, шовиллаб оқаётган сойда: на комбат кўринади, на Вася! Қаёққа кетишди? Боя Вася билан бирга кетаверсам бўлар экан...

Ваҳима босса ҳам кўзим илинган эканми, билмадим, тўсатдан Арслоннинг овози қулоғимга чалингандай бўлиб, уйғониб кетдим... Тушимми, ўнгимми?

Йўқ, ўнгим! Чодир ёнида уч тўрт киши комбатни қуршаб олган, қоронғида иккита от кўринар, Арслон ҳаяжонланиб гапирмоқда эди:

— Изига кеча кечқурун тушган эдик, бугун ҳаммасини аниқладик. Камида уч юз киши бор, ўртоқ капитан. Ҳаммаси деярли офицерлар...

— Қурооллари?— деди комбат, унинг гапини бўлиб.

— Яхши қуроолланган. Кўпчилигида автомат. Пулемётлари ҳам бор.

— Кўприкни портлатиш ниятлари борлигини қаёқдан билдиларинг?

— Кўриниб турибди!— деди Арслон. Унинг гапини ёнидаги шериги бўлди:

— Кўприк ёнида, шаҳар чегарасида озиқ-овқат, қуроол-аслаҳа омборлари бор. Балки уларнинг мақсади кўприк эмас, шу омборларни талашдир! Чунки булар бир ҳафтадан бери атрофдаги қишлоқларни талаб бўлган!..

— Хуллас, ниятлари бузуқ!— деди Арслон.

Мен «Арслон!» деб юборгим келди-ю, комбат уришиб беришидан қўрқиб, секин ўрнимдан турдим.

— Шаҳар комендатураси-чи?— деди комбат.

— Комендатурада бўлса бир вазод одам бордир,— деди Арслон.

Гапга яна шериги аралашди:

— Танкчилар кетиб бўлишгач, фақат медсанбат қолган. Беш-ўнта ярадорлар...

Комбат тоқатсизланиб томоқ қирди.

— Йўл яхшими? Қоронғида адашиб қолмаймизми?

— Йўқ,— деди Арслон қатъий. — Мана шу сой олиб чиқади. Наридан борса етти-саккиз чақирим келар...

— Ҳмм...

Мен яқинроқ бордим. Арслон мени кўрди, лекин индамади. Қоронғида у отининг жиловидан ушлаб, кўкрагини кериб турар, бутун вазоҳати билан: «Мен билан ҳазиллаша кўрма. Разведкачиман!»— дерди.

— Яхши!— комбат негадир оғир хўрсиниб, ёнида турган штаб бошлиғига мурожаат қилди:

— Сиз, комиссар иккинги, учинчи рота билан шу ерда қоласиз! Эрталаб боя хитой деҳқонлари айтган жойлардан ўтиб, соат ўн иккида кўприкка етиб борасиз. Лекин тонг отгунча қўзғалмайсиз. Уруш тугаган—

да беҳуда талафотнинг кераги йўқ. Мен билан алоқани уаманг. Душман сон жиҳатдан кўп бўлса жанг қилишдан олдин менга хабар беринг. Мен икки рота билан булар айтган жойга бораман. Рота командирларига буйруқ беринг. Ярим соатдан кейин қўзғаламиз!

Комбат кетиши билан Арслонга отилдим. Биз узоқ жудоликдан кейин мусофир юртда учрашган ака-укалардай қучоқлаша кетдик. Арслон, назаримда, бўйи чўзилиб, забардаст йигитга айланган эди. Хатти-ҳаракатларида аллақандай салобат, гап-сўзларида эса, ҳамма разведкачиларга хос бўлакча бир ғурур пайдо бўлган эди.

Арслоннинг айтишича, разведкачилар изига тушган самурайлар — императорнинг энг содиқ офицерлари экан.

— Ҳаммаси генерал ва офицерлар, — деди Арслон негадир шивирлаб. — Бу капитуляция тўғрисидаги буйруққа бўйсуншдан бош тортиб, тоққа чиқиб кетишган. Сабаби дейсанми? Сабаби... жа зўр яшашган, аблаҳлар. Ҳар бирида бир қаср. Шоҳона уйлар, боғроғлар. Кўрсанг, оғзинг очилиб қолади. Лекин... эҳтиёт бўл, оғайни: жуда ашаддийлари булар!

Арслоннинг сал мақтаниб, лоф уриб гапираётганини сезсам ҳам негадир кўнглим ғаш бўлиб, тафсилотларини суриштирмай қўя қолдим.

Сал ўтмай, тревога эълон қилиниб, икки рота йўлга чиқди.

Тревогани кутмаган, ширин уйқуда ётган солдатлар уйқусираб пўнгиллашар, секин сўжинишар эди:

— Уфф... тагин нима бўлди?

— Нима бало, яна уруш бошландими?

— Ғалабадан кейин ҳам тинчлик йўқ экан-да, биз бечорага!

Мен штаб бошлиғи билан қолишим ҳам мумкин эди, лекин Арслон билан гаплашмай туриб ажрашгим келмай, комбатдан рухсат олиб, бирга кетдим.

Биз шовиллаб оқаётган сойни ёқалаб борардик. Икки томондаги тоғ чўққилари гоҳ чекиниб, сойлик кенгаяр, гоҳ торайиб, худди чуқур жар орасига тушиб қолгандай бўлардик. Шунда бошимиз устида, тубсиз кўкда ғуж-ғуж ёнган юлдузлар биз билан бирга секин жилиб бораётганга ўхшарди.

Бир оз юрганимиздан кейин комбат Арслон билан унинг шеригини олиб, от чоптириб илгарилаб кетди.

— Эҳ, биз ҳам юрган эканмиз-да, чоригимизни судраб?— деди Вася Колбаскин, узоқлашиб бораётган от дупурига қулоқ солиб. — Бўлганга яраша разведкачи бўлиш керак экан-да, оламда!

— Ҳамма разведкачи бўлаверса... подани ким боқади, дўстим,— дедим кулиб.

— Ҳамма эмас, мен ўзимни, Вася Колбаскинни айтяпман, каллаварам! — деди оғайним хуноби чиқиб.

Атроф жимжит, ҳеч қандай хавф-хатар сезилмас, тоғ ён бағридаги боғларда итлар акиллар, жўроз қичқириқлари эшитилар, бир зум хаёлга чўмсам, гўё кечаси ўз қишлоғимни оралаб бораётгандай туюлиб, юрагим ҳаприқиб кетар эди...

Тўсатдан, олдиндан от туёқларининг дупури, сўнг Арслоннинг овози эшитилди.

— Уртоқ старший лейтенант!

— Эшитаман,— деди Харитонов қоронғида.

— Комбат жадаллашни буюрди! Вақт зиқ, ўртоқ старший лейтенант...

Худди унинг гапини тасдиқламоқчи бўлгандай, қардандир олдинда тўсатдан пулемёт тариллади, гул-гул портлаган овозлар эшитилди:

Харитонов, гўё севиниб кетгандай:

— Рота!— деди хушчақчақ овозда. — Бегом марш!

Қўлимда автомат. Вася Колбаскин билан ёнма-ён чопиб борарканман, худди бойўғлининг ҳув-ҳувлашидай совуқ бир туйғу вужудимни чулғаб олди. Гўё мудҳиш бир воқеа содир бўлишини сезгандай, юрагим орқага тортиб кетди... Кўп бўлса бир километрча югургандирмиз, тўсатдан икки томондаги чўққилар чекиниб, атроф хиёл ёришгандай бўлди, олдинда — қоронғида, баланд осма кўприк кўринди. Отишмалар шу кўприк орқасида, дарёнинг у томонида давом этарди.

Кўприкка етиб қолганимизда йўлимизни қандайдир отлиқлар тўсди, қоронғида комбатнинг таниш, ўктам овози эшитилди:

— Ведерников!

— Эшитаман, ўртоқ комбат.

— Кўприқдан ўтиб, нариги соҳилни эгаллайсан. Самурайлар озиқ-овқат омборларига ҳужум бошлади. Бир ротача келади. Икки взводни омбор соқчиларига ёрдамга юборасан. Мана, разведкачи бошлаб боради. Учинчи взвод билан соҳилни эгаллаб, душманнинг чекиниш йўлларини тўсасан... Вазифа ойдинми?

— Ойдин, ўртоқ комбат.

— Ойдин бўлса бажаравер!.. Харитонов! Сен ўнг соҳилни эгалла! Самурайлар ҳозир чекиниши керак. Йўлини тўсиб, қопқонга туширасан. Арслон! Йўл кўрсат буларга!.. Қолбаскин!

— Эшитаман, ўртоқ комбат!

— Ёнимдан жилма!

Дарёнинг у юзида пулемёт ва автоматлар ҳамон тариллар, гранаталарнинг гуп-гуп портлаши эшитилар эди. Биз ўнгга бурилиб, соҳил бўйлаб чопиб кетдик. Дарёнинг у юзидаги отишма тобора кучайиб борар, зим-зиё қоронғиликда пулемёт ва автоматларнинг тариллаши қандайдир мудҳиш туюлар эди...

Тўсатдан йўлимизни нотаниш одамлар тўсди, сўнг: «Ёт!» деган буйруқ эшитилди. Бу буйруқ занжирдай чўзилган саф бўйлаб шарпадай елиб ўтди: «Ёт! Ёт!..»

Биз занжирдай тизилиб, дарёга қараб ётдик. Бу ерда дарё бир оз торайган, қамиш ҳам сийраклашган, сув ғалати мавжланиб ялтиллаб оқар эди. Ўнг томонда, кийла олисда, дарёга туташиб кетган қандайдир чўққилар ваҳимали қорайиб турарди...

Орт томонимдан гурс-гурс қадам товушлари эшитилиб, лаҳза ўтмай, комбат билан Вася келиб ёнимга чўзила кетишди.

— Харитонов? Шу ердამисан?

— Шу ердаман.

— Лейтенант қани?

Қоронғида ҳаяжон билан шивирлаган овоз эшитилди:

— Секироқ, ўртоқ капитан. Чиқишяпти... Қолнинг чап томонида. Дарёга қаранг. Учта қайиқ. Ана, яна иккитаси чиқди...

Бошимни сал кўтариб лейтенант айтган томонга қарадим, лекин ҳеч нарсани кўролмадим.

— Бургут бўп кет-э, лейтенант!— деди комбат завқланиб... — Ҳаммаси шуми? Асир нима деяпти?

— Ҳаммаси шу бўлса ўзимизоқ боплардик. Пистирмада ётганлари яна бир ротача келади, ўртоқ комбат.

— Улар ёрдамга келишармикан?

— Ким билади? Тоққа чекинишлари ҳам мумкин.

— Чекинишга йўл қўймаслигимиз керак. Боя деҳқонлар мадад сўраб келишди... Сойлик каттами?

— Йўқ, катта эмас. Уч томони қир...

— Қуршаш керак!— деди комбат. — Нима дейсан, Харитонов?

Харитонов хушнудлик билан қувватлади:

— Албатта: қуршаш керак!

— Бундай қиламиз...— Комбатнинг овозида бўлакча бир шиддат, чапаниларча мардлик, йўқ, завқ бор эди.— Бу ерда бир взводни қолдирсак бўлади... Дмитрий Михайлович!

Старшина Сало қоронғида пишиллаб, яқинроқ келди.

— Эшитаман, ўртоқ капитан!

— Сен шу ерда қолиб, қайиқларни ўққа тутасан. Биттасини ҳам ўтказмайсан. Агар яна келишса яна ўққа тутасан. Эҳтиёт бўл! Император учун жонларини тиккан ашаддийлари булар. Беҳуда талафот бўлмасин. Тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ комбат!..

— Харитонов! Ротани бошла! Кетдик!

— Ўртоқ комбат, сиз қолаверинг, мен ўзим!

— Кетдик!— деди комбат. У ўша жасорат ва завқ билан ўрнидан сакраб туриб, ўзини қоронғиликка урди.

Зум ўтмай, улар қоронғиликка сингиб, узоқлашиб кетишди...

Биз старшина Салонинг буйруғи билан эмаклаб, беш-олти қадам олдинга силжидик. Дарё ўртасидаги қора нуқталар секин яқинлашмоқда эди...

— Командасиз отилмасин!— старшинанинг буйруғи саф бўйлаб секин такрорланди:

— Командасиз отилмасин!

Мана, биринчи қайиқ рўпарамдан ўтиб, учинчи бўлинма солдатларининг қаршисига борди, иккинчи қайиқ ҳам... Ҳар бир қайиқда учта, баъзиларида тўртта одамнинг қораси кўринар, қирғоққа қаратилган милтиқ стволлари кўзга чалинар эди.



— От!

Салкам ўттиз автомат, милтиқ ва бир неча қўл пулемётининг баравар тариллаши атрофни янгротиб юборди.

Қатор келаётган қайиқлар, худди ҳурккан отлардай, бир зум дарё ўртасида чайқалиб тўхтаб қолди, битта-иккита одам қулаб тушди шекилли, сув шалоплаб кетди, ҳавода тартибсиз отилган ўқларнинг машъум виз-визи эшитилди...

— От!

Японлар жон ҳолатда қайиқларини нариги қирғоққа қараб буришди, бироқ сал ўтмай у томонда ҳам пулемётлар тариллади-ю, гранаталар гуп-гуп портлаб, иккита қайиқ ағдарилиб тушди... Қолган қайиқдаги японлар ўзларини сувга отиб, қамишларга уришди. Лекин автомат, пулемётлардан ёғилган ўқлар қамишзорни ҳам титиб юборган эди.

Отишма тўхтаб, ғовур-ғувур, кулги эшитилди:

— Ўзларини императорларига бағишлаганлар шуларми?

— Императорга бағишласа ҳам жон ширин-да, оғайни!

— Жон ширин бўлса ким уларга уруш тугагандан кейин ҳужум қил деди?

Солдатларнинг овозини пулемётларнинг тариллаши бузди. Олисда, қоя томондан отишма бошланган эди... Старшина Сало ўрнидан туриб кетди. Буни кўриб, қулоғимни динг қилиб қотиб қолдим. Атроф ёришгандай бўлди. Қоя орқасида, тоғ чўққилари устида, муздай ялтиллаб бир парча ой кўринди...

Тўсатдан қоронғида от туёқларининг дупури эшитилди. Қоя томондан кимдир жон ҳолатда отини чоптириб келарди. Отлиқ тепамизга келиб тўхтади. Арслоннинг ҳаяжонли бўғиқ овози эшитилди:

— Разведкачилардан ҳеч ким борми?

— Бор, — қоронғида кимдир ўрнидан турди.

— Арслон?— деди старшина Сало.— Тинчликми? Самурайлар қуршалдимми?

— Қуршалди, ўртоқ старшина, қуршалди... Взводнинг машинаси қаёқда?— деди Арслон.

— Кўприк ёнида, — деди ўрнидан турган солдат.

— Ўт олдир. Тезроқ!— тўсатдан бақириб юборди Арслон.

Старшина отнинг жиловидан ушлади.

— Нима бўлди? Нега бунча шошяпсан...

— Уртоқ старшина,— деди Арслон.— Қўйиб юборинг... Комбат яраланди...

— Нима?— деди старшина.

— Комбат дейман... яраланди...

— Оғирми?

— Билмадим. Граната парчалари тегди... Вася икиси... — Арслон сўзининг охирини айтмай, отини қамчилаб, кўприк томонга чопиб кетди.

Мен тирноқларимгача музлаб, ерда ўтириб қолдим.

\* \* \*

Тушдан кейин олисда элас-элас кўриниб турган шаҳар томондан от чоптириб Харитонов келди.

Рота осма кўприк ёнидаги соҳилда дам олмоқда эди. Старший лейтенант тўғри ёнимизга келиб, отдан сакраб тушди... Кўйлаги жиққа ҳўл, юзидан оққан тер томчилари очиқ кўкрагига қўйилар, кулгичлари ўйнаб турадиган мулойим чеҳрасида шафқатсиз бир ифода бор эди.

У оқ кўпикка ботган отининг жиловини пешвоз чиққан биринчи солдатга тутқазиб, ёнимизга келди.

— Қалай, тинчликми, Дмитрий Михайлович?

— Бизда-ку, тинчлик!— деди старшина Сало, кўзлари жавдираб. — Комбатдан гапиринг...

— Комбатнинг аҳволи оғир,— деди старший лейтенант. — Жуда оғир, Дмитрий Михайлович...— У ер остидан менга бир қараб қўйди.— Комбат сени сўрапти, Мансур. Тайёрланиб тур. Ҳоазир кетамиз... Учинчи рота келдими?

— Келди,— деди старшина.

— Штаб қаерда? Мен штаб бошлиғига учраб келай. — Харитонов соҳил бўйлаб, учинчи рота жойлашган томонга югуриб кетди.

Старшина оғир хўрсиниб жойига ёнбошлади. Биз эрталабдан бери Харитоновни тоқатсизлик билан кутар эдик, чунки комбат тўғрисида кечаси Арслон айтган гаплардан бошқа тузукроқ хабар эшитолмаган эдик. Харитонов ҳам гапни мужмал қилди, унинг бу мужмаллигида қандайдир мудҳиш бир нарсa бор эдики, киши тафсилотларини сўрашдан ҳам қўрқарди.

— Тўққиз кишилик десантдан бор-йўғи уч киши осмон қайтувдик,— деди старшина.— Бири Оля, бири мен, бири комбат... Капитан мени «старшина» демасдан, Дмитрий Михайлович, деб чақирса ҳамма ҳайрон бўларди! Билмадим, нимага ҳайрон бўлишди? Биз ота-бола бўлиб кетган эдик.

Мен унинг оқиш мўйлови титрай бошлаганини кўриб, шоша-пиша буюм халтамини ковлашга киришдим. Кўзимга ёш олганимни пайқаган старшина:

— Йўқ,— деди қовоғини солиб. — Метин одам Даврон Ғозиев! Тузалиб кетади у!

«Айтганингиз келсин, ўртоқ старшина»,— дедим ичимда.

Сал ўтмай, Харитонов қайтиб келди.

— Аксига олиб, штабнинг машинаси ҳам шаҳарга кетибди,— деди у. — Нима қиламиз, қирчанғига мивгашиб кетаверамизми? Қани юр!

Кўприкнинг олдида борганимизда олисда биз томонга қараб келаётган юк машинаси кўринди.

— Штабнинг студебеккери эмасми?— деди старшина.

— Кошкнийди!

Машина кузовида кимдир кабинага суяниб турарди.

— Йўқ, штабнинг машинасига ўхшамайди,— деди старшина. Кузовда турган солдатни таниб, юрагим «шиғ» этди. Мирҳайдар!

— ПФСнинг машинаси-ку, ўртоқ старший лейтенант!

— Тўғри, — деди старшина. — Ногаев ўтирибди кабинада!

— Тўхтат! — Харитонов ранги ўчиб, йўлнинг ўртасига чиқди.

Мирҳайдар мени таниб, сўйлоқ тишини кўрсатиб ишшайди, бошидан тўпчи офицерлар киядиган фуражкасини олиб, осмонда силкита бошлади. Машина кўприкка уч-тўрт қадам ўтмай тўхтади, Ногаев кабина ойнасидан бошини чиқариб:

— Хўш, нима гап?— деб сўради.

У тунов кунгидан ҳам қорайиб, озиб кетган, жингалак сочлари ўсиб, чеҳрасида аллақандай шерсифат бир ифода намоён бўлган эди.

Ранги ўчган, лаблари каттиқ қисилган Харитонов яқинроқ борди.

— Ярим соатга машинангни бериб тур, бизни шаҳарга ташлаб келсин!

Ногаевнинг ингичка чиройли мўйлови ғалати қимирлаб кетди.

— Мен ҳу ана у омборларга кетяпман... — Ногаев қўлини силтаб, дарёнинг нариги юзидаги кечаси жанг бўлган қатор қўрғонларни кўрсатди. — Кўп нарса қабул қилиб олишим керак. Умуман... Нега ҳадеб менинг машинамга ёпишиб олдиларинг?

— Менга қара, Ногаев,— деди Харитонов,— шу омборларни деб кечаси жангда бир неча киши оғир ярадор бўлди... — Старший лейтенант негадир комбатнинг исмини айтмади. — Биз бориб, кўриб келишимиз керак.

— Марҳамат, кўриб келинг, лекин...

— Лекин-пекини йўқ! — Харитонов бир ҳатлашда машина ёнига бориб, кабина тутқичини ушлади. — Яхшилиқча туш! Бўлмаса машинангни тортиб оламан! Кейин... комбатнинг устидан ёзган ўша ғаламис арзингга ўхшатиб менинг устимдан ҳам маълумот ёзсан!

Ногаев кабинани очиб ерга тушди. Икки офицер бир дақиқа юзма-юз туриб қолишди. Ногаев чиндан ҳам нимаси биландир шерга ўхшар, у новча, яғриндор, бақувват эди, Харитонов эса, Харитоновнинг пайдан иборат пишиқ қоматида, чақнаб турган кўзларида шундай бир нафрат ва ғазаб бор эдики, капитан беихтиёр орқага тисарилди, тисариларкан:

— Мен... ёзган бўлсам,— деди овози қалтираб.— Принципиал масалалар устида ёздим...

— Принципиал эмиш! — деди Харитонов.— Қайси гапларинг принципиал? Кичик лейтенант ҳақидаги ифлос шамаларингми?

Ногаевнинг бурун катаклари керилиб, кўзлари чарақлаб кетди.

— Менга қара, Харитонов,— деди у ҳансираб.— Мен ҳеч қачон кичик лейтенант тўғрисида ёмон гапирган эмасман. Агар билсанг, мен уни... яхши кўрардим. Ҳа!..

— Сен-а?!

— Ишонмайсанми?— деди Ногаев аллақандай ранжиб.

— Йўқ! Севгига қодир одам бунақа пасткашликка бормади.

— У-чи?— тўсатдан бақириб юборди Ногаев.— Ғозиев-чи? Унинг кўрсатган наъмалари эсингдан чиқдимми? Бутун полк олдида менга солдатга бақиргандай бақириб, ноҳақ ҳақорат қилганлари эсингдан чиқдимми? Арзимаган гап учун Олянинг олдида кечирим сўрашга мажбур қилиб, нафсониятимга текканлари-чи?.. Йўқ, кечирасан, Ногаев буни ҳеч қачон эсидан чиқармайди!..

Харитонов кинояли кулимсиради.

— Бунақа экан, принципга бало борми? Ундан кўра, қасд олиш учун тўхмат қилипман, деб қўя қолмайсанми?

— Нима қиласан билмаган ишингга аралашиб?— деди Ногаев яна боягидай ранжиб. — Сенинг суюкли комбатинг қўмондонликка қарши чиққанда, бизда одамнинг қадри йўқ, деб бўҳтон гаплар айтганда сея йўқ эдинг, Харитонов?

— Комбат-а?— деди Харитонов.— Капитан Ғозиев-а?! Улимларни писанд қилмай, тиззадан қон кечиб, тўрт йил урушган, неча марта десантда бўлган мард жангчи-я?! Сен «десант» деган сўзнинг маъноси-га тушунасанми? Биз десантда юрганда сен қаёқларда юрувдинг ўзи? — Харитонов, муштарини сиққанча, бошини эгиб, Ногаевга қараб юрди. Ногаев қўллари билан кузовни пайпаслаб, орқага чекинаркан:

— Сен фронтдаги ишларингни кўп пеш қилаверма!— деди қўрқув аралаш писанда қилиб.— Уруш тугади. Энди тинч турмуш бошланди!..

— Ҳа, сенга бу гаплар ёқмайди!— деди Харитонов.— Сендақалар энди бизнинг оғзимизни юмишга ҳаракат қилади! Ишқилиб... комбат бир нима бўлмасин, агар бир нима бўлса...— Харитонов гапининг охирини айтмади, кабинани шарақлатиб очиб, машкнага чиқди-да, менга юзланиб: «Кузовга чиқ!» деб ишора қилди.

Мен машина ғилдирагига оёғимни қўйиб, боядан бери анграйиб турган Мирҳайдарнинг ёнига чиқиб олдим. Мирҳайдар тушиб қолишини ҳам, қолмаслигини ҳам билмай Ногаевга қараган эди, машина қаттиқ

силкиниб қўзғалди. Ногаев нимадир деб қичқирганл-ча кўприк ёнида қолди...

Мен ер остидан Мирҳайдарга қарадим. У худди ҳеч нарса бўлмагандай, сўйлоқ тишини кўрсатиб яна ишшайди.

— Тавба! Бу офицерларга ҳам ҳайронсан киши. Худди жўжахўрозлардай арзимаган нарсага тегишгани тегишган... Хўш, аҳволлар қалай, оғайни? Тузукмисан?

— Юрибмиз...— дедим гаплашгим келмай.

— Тўғри,— деди Мирҳайдар.— Бош омон бўлса кун ўтаверар экан. Мана, ўзимдан қиёс. Кечагина ҳаммангга кулги бўлиб юрган оддий бир солдат эдим. Мана энди, худога шукур, жир битиб, одам бўлиб қолдик...— У бағбақаси осилиб, тўлишиб қолган юзини силаб кулди, сўнг «кўриб қўй» дегандек, жун газламадан тикилган яшил гимнастёркасининг этакларини тузатиб, фуражкасини тўғрилади. Дарҳақиқат, унинг эгнидаги гимнастёрка, оёғидаги ғарчли хром этик Харитонов у ёқда турсин, комбатда ҳам йўқ эди! Бирдан юрагимга қуйилиб келган нафратни яширишга уриниб, тескари қарадим...

Машина икки томони қўноқзор тош йўлдан ғизиллаб учиб борарди. Йўлдан пастроқда, ёйилиб оққан дарё бўйидаги шопипояларда ярим яланғоч деҳқонлар бамайлихотир шопи ўришарди. Йўлда эшак, хачир қўшилган резинка ғилдиракли кичкина аравачалар учрар, уларда шаҳардан қайтаётган кўса чоллар, тақир бошларининг тепасида бир тутам сочлари қилпираган болакайлар ўтиришар, болалар машинани кўрганда қий-чув кўтаришиб, қичқирришар эди. Шаҳар яқинлашган сари аллақандай кичик-кичик ибодатхоналар, қандайдир тош қалъалар, пишиқ ғиштдан қурилган қадимий деворларнинг харобалари учрай бошлади...

Бефаросат Мирҳайдар кўнглимга қил сиғмай тўлиб турганимни пайқамай, тинмай вайсар эди:

— Сенларга ҳам ҳайронман. Манманлик қилиб, гапимга кирмадиларинг. Оқибат нима бўлди? Жисларингга жавр қилдиларинг, холос!.. Мана мен ўзимни олай. Бир кун пиёда юрмадим. Саҳрода ҳам, қумликда ҳам жонимни койитмадим. Сабаб? Сабаб, одамини топиб, яхши муомала қилиб келяпман... Не-

га юзингни буриштирасан? Мен унақа нозик томонларини билмайману, лекин ёмон одам эмас хўжайиним! Худо ҳақи. Фақат ҳурматини бажо келтириб, сиздан яхши одам йўқ, деб турсанг бас. Бошқаси билан иши йўқ... Халанган истеҳкомидан кейин не-не мол-дунё қўлимизга тушмади... Сенга ёлғон, худога чин, оғайни, қанча олсам — иши йўқ. Агар Германиядагидай посилка қилишга рухсат беришганида, миллионер бўп кетардим! Лекин, бир томони посилкага рухсат беришмагани ҳам яхши. Бош омон бўлса, мол топилади. Нима дейсан, оғайни?..

Ғашим келиб, яна индамадим. Олдинда, шаҳарга кираверишда, кечаси асир олинган самурайлар колоннаси кўринди. Икки юз эллик, балки уч юз кишидан иборат самурайлар колоннаси бир километрча масофага чўзилиб, тош йўлнинг четида қуюқ чанг кўтариб, аста одимлаб борарди... Уст-бошлари йиртилиб, соч-соқоллари ўсиб кетган, кўпчилиги яланг оёқ-яланг бош самурайлар бизга ер остидан хўмрайиб қарашар, баъзилари лаблари пичирлаб, қисик кўзлари чақнаб алланималарни гапириб қолишар эди.

— Тавба! — деди Мирҳайдар. — Боя ҳам шунақа бир колонна ўтувди. Қаёқдан келяпти? Осмондан туш-яптими булар?

Мирҳайдарнинг гапи юрагимга гўё ханжар бўлиб қадалди-ю, боядан бери ичимда дуд бўлиб йиғилаётган алашим бирдан «портлаб» кетди.

— Осмондан тушган дейди-я! Булар таслим бўлишдан бош тортиб тоғларга чиқиб кетган... императорнинг содиқ фарзандлари бўлади, нодон! Деҳқонларни талаб бўлиб, ўша сен қабул қилиб оладиган омборларни талагани келган самурайлар булар! Тушундингми? — деб бақирдим, бақирдим, негадир кўзимдан ёш чиқиб кетди. — Осонликча жон бергани йўқ булар! Кечаси жангда бир неча кишининг бошига етишди. Бир неча киши ярадор бўлди. Булар қаёқдан келганини энди тушундингми, гўрсўхта!

Мирҳайдар узун гўштдор бурнини жийириб, лоқайд кулди.

— Энди... уруш бўлгандан кейин шунақа бўлар экан-да, оғайни, илож қанча?

— Ҳа, шунақа бўлар экан! — дедим титраб. — Бировлар жон аямай душман билан олишар экан, биров-

лар машиналарда катаяса қилиб юрар экан. Яна баъзан буларнинг ғаламис гаплари инобатга олинар экан...

Мирҳайдар мунчоқ кўзларини лўқ қилди:

— Нима деяпсан ўзи, огайни? Қанақа ғаламис гаплар?

— Нима деганимни эшитдинг-ку, — дедим титраб. — Қолганини ўша яхши кўрган хўжайинингдан сўраб ол!

Биз самурайлар колоннасини қувиб ўтиб, шаҳарга кирдик. Худди қурум босгандай қорайиб кетган бир қаватли тош уйлар бошланди. Бу уйлар билан сиқилган тор кўчаларда одам гавжум, одатда бошқа шаҳарчаларда ёпиқ бўладиган қатор дўкончалар бу ерда очиқ эди. Яна ҳамма ёқ бола. Кўзлари қисик митти болакайлар одатдагидай қўлларини чўзиб, бош бармоқларини кўрсатиб: «Шанго!» деб қичқиришар, яланг оёқ, яланг бош йигитчалар ёғоч челақларда кўчаларга сув сепишар, тўпиғига тушадиган узун кўйлак кийган қийғоч кўз, калта соч қизлар панароқ жойларда бир-бирларини туртишиб, бизларга имо қилишиб кулишар, фақат кўса чоллар, сочлари тўкилиб кал бўлиб қолган кампирлар, оғизларида узун чилим, раста олдида лоқайд тикилишиб ўтиришар эди.

Уйлари, дўконлари бир-бирига туташиб кетган сершовқин тор кўчалардан кейин шаҳарнинг японлар яшаган қисми бошланди. Тош ётқизилган, кенг, ўқдай тўғри кўчанинг икки юзида оқ, кўк, пушти, сариқ рангга бўялган бир қаватли бежирим уйлар. Ҳар бир уйнинг олди чиройли гулзор. Уйлар ва кўчалар бўм-бўш, ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит...

Машина уйларнинг ёнидан ўтиб, катта майдонга чиқди, сўнг ўнгга бурилиб, баланд тош девор билан ўралган боғнинг темир панжарали дарвозаси олдида тўхтади. Дарвозанинг олдида полк командирининг таниш амфибияси турарди.

Мирҳайдар билан совуққина хайрлашиб, ерга сакраб тушдим. Харитонов дарвоза ёнида турган солдатга ҳужжатини кўрсатиб, ичкарига кираркан, менга қараб «юр» деб ишора қилди. Ичкарига қадам қўяр эканман, негадир ваҳима босиб оёқларим қалтираб кетди. «Ишқилиб, тинчлик бўлсин!» — дедим, кўнглимда кимгадир илтижо қилиб. Дарвозадан киргач,



икки ёнида худди ҳозиргина ювиб таралгандай кўм-кўк арчалар ўсган узун йўлка бошланди. Йўлканинг охирида сариқ мрамрдан қурилган икки қаватли бежирим бино, худди ювилгандай ялтираб турарди. Бинонинг мрамр зиналари ёнида полк командири полковник Белобородов билан эғнида оқ халат, бошига оқ қалпоқ кийган йўғон барваста бир одам гаулашиб турарди. Старший лейтенант иккимиз баравар честь бериб берироқда тўхтадик.

Белобородов бизга ер остидан бир қараб қўйди, сўнг оқ қалпоқли барваста одамга юзланиб:

— Машҳур дегин? — деб сўради.

— Машҳур, — деди барваста одам. — Армияда энг катта нейрохирург. Сталин мукофотининг лауреати.

— Тушунтириб айтдингми, ахир?

— Айтдим. Хўп дейишди. Лекин, фурсатни бой беряпмиз. Ахир бош мия...

Белобородов соатига кўз ташлаб:

— Бундай қиламиз, майор, — деди. — Яхшиси, Харитоновни юборамиз!.. — У ҳовоғини солганича биз томонга юрди. — Қани, бу ёққа қара, Харитонов. Ҳозир армияга бориб келасан. Госпиталга. Нейрохирург... ким эди фамилияси?

— Левитанус, — деди майор. — Медицина хизматлари полковниги Левитанус.

— Ушани топиб келасан. Икки соат муҳлат. Ерининг тагидан бўлса ҳам топиб келасан!

Улар ёнимдан ўтиб дарвозага қараб кетишди. Мен, ёпирилиб келган совуқ туйғудан юрагим увишиб, арчага суюниб қолдим.

\* \* \*

Барваста майор полковник билан Харитоновни кузатиб қўйиб орқасига қайтаркан:

— Сен узоққа кетма, солдат, — деди. — Ҳозир капитаннинг олдига кириш мумкин эмас. Қачон киришни ўзим айтаман...

Эсимга Вася тушиб, майорни тўхтатдим.

— Солдат Колбаскинни-чи? Уни кўрсам бўладими?

— Йўқ, — деди майор. — Мумкин эмас. Лекин... қани, юр-чи, суриштириб кўрайлик...

Мармар зиналардан юриб, бинонинг биринчи қаватидаги кенг фойега кирдик, фойенинг шифтидаги олтин қандиллар, ёнгоқ ёғочидан ясалган ойнабанд эшиклар, сариқ чарм қопланган диван ва креслолар — ҳаммаси аллақандай ялтиллаб, чарақлаб турар эди. Мен госпиталь эмас, худди хон саройига кирган фақир-бечорадай кўзгудек ялтираб турган паркет полни босишга ийманиб, остонада тўхтадим.

Майор ўнг томондаги очиқ эшикдан мўралаб:

— Роза Моисеевна! — деб чақирди.

Эшикдан капитан формасида заҳил юзли кичкинагина аёл пайдо бўлди.

— Роза Моисеевна, — деди майор. — Ғозиев илтимос қилган солдат келди, нима қиламиз?

Роза Моисеевна нимжон елкаларини қисди.

— Билмасам?

— Мен суриштириб кўрай-чи, — деди майор. — Сиз бунга халат беринг, солдат Колбаскинни кўриб чиқсин...

Роза Моисеевна ҳайрон бўлиб кўзини катта очган эди, майор «майли» деган маънода қўлини силтадида, ялтироқ мармар зиналардан юриб, иккинчи қаватга чиқиб кетди.

Роза Моисеевнанинг буйруғи билан фойеда ўтирган ҳамшира қиз елкамга оқ халат ташлаб, деразалари боққа қараган каттагина чорси хонага бошлаб кирди. Хонада ҳаммаси бўлиб учта карзот турар, бир-бирига яқин қўйилган иккита карзотда бирининг боши, бирининг ўнг қўли боғланган иккита солдат шашка ўйнаб ўтирар, дераза ёнидаги учинчи карзотда... юзи худди ганчдан ясалгандай оппоқ оқарган кичкинагина бир солдат ётар, бу — Вася эди! Васиенинг бир парчагина юзи жонсиз илқобни эслатар, ҳатто ҳамманинг кулгисини қўзғайдиган машҳур бурни ҳам узун оппоқ бўрга ўхшаб сўррайиб қолган эди!

Юрагим увишиб остонада тўхтадим. Шу пайт Васиенинг таниш ингичка овози эшитилди:

— Ха, нимадан қўрқасан, Мансур? Кел, келавер, огайни!..

Мен унинг ёнига бориб, юмшоқ креслога ўтирдим. Вася безгак тутгандай титрар, чуқур ботган кўм-кўк кўзлари бежо ёнарди.

— Гўзал қиз, сув! — деди у. — Бир қултум!..

Ҳамшира қиз тумбочкада турган бежирим оппоқ чойнакни олиб, унинг лабига тутди.

— Кўрдингми,— деди Вася лабларини ялаб.— Генералнинг чойнагидан чой ичяпман... Нега кўзингни олиб қочасан? Аҳволим чатоқми? Қўрқма. Қорнимнинг ярминигина кесиб ташлашди, холос. Хирургнинг айтишича, фақат сало билан колбаса еёлмас эмишман. Йўқ, дедим, сало билан колбасани мясорубкадан ўтказиб бўлса ҳам ейман, дедим...

Вася — шу аҳволда ҳам Вася эди! Кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай ерга қарадим.

— Нима бўлди, Вася? Граната ташлашдими?

— Битта граната бўлса бунчалик бўлмас эди-я!— деди Вася кўзларини юмиб. — Белига беш-олтита граната боғлаб олган битта аблаҳ самурай ўзини оёғимиз остига ташлади... Биз уларни қуршаб олганимиздан кейин бўлди. Генерал эканми, билмадим, жуда ашаддийси экан, аблаҳ! Ўзи парча-парча бўлиб кетди, капитан иккимиз ҳам... — Вася сўзида тўхтаб, чуқур ботган бежо кўзлари билан юзимга тикилди.

— Комбатни кўрдингми?

— Йўқ, рухсат беришмаяпти...

— Комбат!— деди Вася тўлғаниб,— ўртоқ комбат...—Йиглаб юборишдан қўрқиб ўрнимдан турдим.

— Омон бўл, Вася.

— Омон бўл,— деди Вася кўзини очмай.— Ҳамма дўстларга салом айт. Кўришолмасак хайр, оғайни...

Упкам тўлиб фойега чиқдим узимни четроқдаги креслога ташладим.

Енимдаги зинада оёқ товушлари эшитилди. Ялт этиб қарадим. Тепамда майор турарди.

— Бу нимаси?— деди у кўз ёшларимни кўриб.— Ҳалитдан кўз ёши тўксанг, ҳамшаҳарингни кўрганда дод солиб йиғлар экансан-да? Арт кўз ёшингни! Солдатмисан ё?... Қани, юр!

Кўз ёшларимни артиб, кийимларимни тузатдим. Майорнинг кетидан иккинчи қаватга чиқарканман, юрагимни яна бояги мудҳиш қўрқув чулғаб олди...

Иккинчи қаватда ҳам пастдагидай кенг фойе бўлиб, ўнг қўлда яллақандай нафис гулларга тўла катта балкон кўринар эди. Майор балкондан ўтиб, ойнабанд эшикни очди. Юрагимда ўша совуқ мудҳиш туйғу билан майорнинг кетидан ичкарига кирдим.

Деразаларидан арча шохлари мўралаб турган кенг ёруғ хонанинг тўридаги икки кишилик қиммат баҳо диванда... комбат, тўғрироғи, боши ёстиқдай қилиб ўраб ташланган бир одам чалқанча ётар, унинг юзи, кўзи, ҳатто бурни ҳам қўшиб ўраб-чирмаб ташланган, фақат оғзигина қорайиб кўринар эди. Адёлнинг устида, икки ёнида ҳолсизгина ётган қўллари ҳам тирсақларигача боғланган эди...

Диваннинг бош томонида, қандайдир шишачалар, ялтироқ пичоқ ва шприцлар терилган стол ёнида ўрта ёшлардаги ҳамшира аёл ўтирарди.

Киришимиз билан ҳамшира аёл жимгина ўрнидан турди, майор оёқ учиди юриб диванга яқинлашди.

— Капитан Ғозиев!

— А? Ҳа, ҳа, уйғоқман... — комбатнинг овози ҳам таниш, ҳам аллақандай нотаниш, хирилдоқ эди!..

— Мана, чақирган солдатинг келди...

— М-Мансурбекми? — деди комбат дудуқланиб. — Қаёқдасан, ке-ке, ука, ке-ке...

Унинг «ука» деганини эшитиб, яна ўпкам тўлди-ю, майорнинг қадалиб қараганини кўриб, қаддимни ростладим:

— Ўртоқ капитан, буйруғингизга биноан келдим!

— Б-буйруғингизга биноан! — деди комбат энтикиб. — Намунча р-расмий гапирасан, ука? Қ-қани, яқинроқ к-кел. Анюта, стул бўлса б-бер бунга...

Ҳамшира хотин чарм қопланган креслони диваннинг бош томонига суриб берди.

Юрагимни ҳовучлаб секин ўтирдим, ўтирдиму, бошдан-оёқ докага ўраб ташланган комбатни яқиндан кўриб, вужуд-вужудларимгача зирқираб кетди: ёш гўдакдай ўраб-чирмаб ташланган бу одам қандайдир оташ ичида ёнар эди!

Хонага совуқ жимлик чўкди. Комбат индамас, у дам энтикиб, чийиллаб нафас олар, дам аллақандай қўрқинчли жимиб қолар эди.

— Капитан Ғозиев! — деди майор.

— А? Ҳа, ҳа?.. — деди комбат чўчиб уйғонган одамга ўхшаб, сўнг дудуқлана-дудуқлана энтикиб гапира бошлади:

— Менга қ-қара, ука. К-кўриб турибсан, аҳволим оғир. М-мен сенга айтадиган бир-икки оғиз г-гапим бор. Ж-жуда муҳим гаплар. Лекин булар қўйишмаял-

ти. К-кечаси тилка-тилка қилиб сўйишганлари етмагандай, яна н-нималардир қилишмоқчи эмиш... А? Н-нима деётган эдим? Ҳа, с-сенга айтадиган гапим бор. К-кечаси чақиртириб оламан. Унгача... Анюта, п-планшетимни олиб бер!..

Ҳамшира хотин тумбочкадан комбатнинг таниш планшетини олди.

— Мана, ўртоқ капитан.

— Солдатга бер... Планшетда бир дафтар б-бор, Мансурбек. Уша дафтарни ол. Олдингми? Балли!.. Шу дафтар ҳар эҳтимолга қ-қарши сенда турсин. Йўқолиб қолишидан қ-қўрқаяпман. Уқдингми?

Бу ўша кора жилдлик қалин дафтар эди.

Ўзимни тутолмай йиғлаб юборишдан кўрқиб, секин ўрнимдан турдим.

— Уқдим, ўртоқ комбат.

— Яхши... Жаҳлинг чиқмасин, К-Котельников. Мана, айтганингдай, уч м-минутдан ортиқ гаплашмадим...

Майор иккимиз оёқ учида юриб хонадан чиқдик.

— Нима? Яна кўз ёшимиз? — деди майор йўлакда тўхтаб.

— Ўртоқ майор. Ахир наҳот... У киши менинг қариндошим, ҳамшаҳарим, ахир!..

— Одам қандай бўлиши кераклигини ҳамшаҳарингдан ўрган! Қаддингни тут! Агар яна ҳиқилласанг, кечаси киритмайман. Овқатланасанми?

Шу топда томоғимдан овқат ўтармиди? Юрагимни эзиб, кўкрак қафасимни ёриб юборгудай бўлаётган алам ва фарёдга чидай олмай, секин боққа чиқдим.

Кун ботган, боғнинг ҳар жой-ҳар жойидаги чирмовуқ гуллар билан ўралган шийпонларда чироқлар ёнган эди.

Мен комбат ётган балконли хонанинг рўпарасидаги шийпонга кириб ўтирдиму, дафтарни очганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

\* \* \*

«21 август 45 йил.

Икки кунгача қўлимга қалам ололмадим. Мен учун бу урушда рўй бериши мумкин бўлган энг оғир

Фожиа рўй берди: Олядан — синглимдай яқин бўлиб қолган ажойиб қиздан, ҳаётим қил устида турганда ёлғиз ташлаб кетмаган, ҳамма қийинчиликларни баравар ўртоқлашиб, ҳамдард, ҳамнафас бўлиб келган дўстимдан айрилдим...

Уни гаолян экилган кир ён бағрига дафн этдик. Ҳамма кетди-ю, мен ҳали тупроғи қуримаган янги қабр ёнидан кетолмай узоқ ўтирдим...

Дилимизни ажиб нурга тўлдириб юрган бу маъсум қиз наҳот абадий кўз юмган бўлса? Наҳот биз кетсагу, Оля бу ёт элда, бу совуқ тупроқ тагида қолса?..»

Қалбимни аллақандай тиниқ, теран бир мунг чулғаб олди. Секин олдинги саҳифани очдим.

«6 август 45 йил.

Мана, салкам уч ой соғиниб кутганим хат — С.нинг хати, ниҳоят, етиб келди!

Азизим! Кўз ёши нималигини аллақачон эсимдан чиқариб юборган эдим. Лекин хатингни ўқиб, титраб кетдим. Қўрқма, жонгинам: бу уруш кўпга чўзилмайди. Насиб бўлса дийдор кўришадиган кун яқин. Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади...»

Юрагим зирқираб, дафтарни ёпмоқчи бўлдим, ёзувлар орасида ўз исмимга кўзим тушиб, яна ўқий бошладим.

«7 август 45 йил.

Кеча С.нинг ҳамқишлоғи, Мансурбек деган ёш солдатни қаттиқ... хафа қилдим. У кечаси саҳрода кетаётганимизда қўл пулемётини шериги Арслон деган солдатга берибди. Арслон унинг қўл пулемётини олиб, машинага осилиб кетибди. Энди на Арслондан дарак бор, на қўл пулемётдан!

Мансурбек кўзига ёш олиб, ўксиб қолди. Лекин командир сифатида бошқача қилишим мумкин эмас эди, чунки ҳамшаҳарларимга «кўнгилчанлик» қиламан деб, уларга яхшилик эмас, ёмонлик келтирган пайтларим ҳам бўлган. Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Қирқ иккинчи йилнинг декабрь ойи. Воронеж фронтининг юз ўн тўртинчи ўқчи дивизиясида рота командириман. Бир кун полкимизга, шу жумладан, менинг ротамга янги солдатлар келишди. Ротамга келган йигирма беш солдатнинг ҳаммаси Фарғона водийсидан эди.

Урушда юрганимга бир ярим йилдан ошган, она юртни, ўзбек диёри, тили қон-қариндош кишиларни жуда соғинган пайтларим. Ротамга келган ҳамшаҳарларимни кўрганимда, улар билан ўз она тилимда гаплашиб ҳол-аҳвол сўрашганимда, худди Фарғонага бориб, ёр-биродарларни кўргандай бўлдим. Сезиб турибман, ротага келган ҳамшаҳарларим ҳам мени кўриб қувониб кетишди. Уларнинг кўпчилиги ўттиздан ошган, баъзилари қирққа бориб қолган соддагина колхозчи йигитлар эди. Улар бўлимларга тақсимлаб юбормасдан, ўзларини алоҳида бир взвод қилиб ажратиб қўйишимни мендан илтимос қилишди. Офицерлар кам эди, ўзлари билан бирга келган старший сержантни командир қилиб тайинладим-да, алоҳида бир взвод қилиб ажратиб қўйдим. Кейин то жангга киргунимизча оғир фронт шароитида қўлимдан келганча енгиллик бериб, яхшилик қилиб турдим. Бечоралар хурсанд. «Сизни бизга ота-боболаримизнинг арвоқлари дуч келтирди», деб дуо қилишади.

Ниҳоят, биринчи жангга кирдик. Тиззадан қор, туф деган тупук ерга тушмайди. Тўпбозликдан кейин ҳужумга ўтиб, душман позициясига қараб чопиб боряпмиз. Бир маҳал, душман миномётлари ишга тушиб қолди. Бундоқ қарасам... ҳамшаҳарларимдан биттаси йиқилган экан, қолганларининг ҳаммаси тепасига бориб, айюҳаннос солиб йиглашяпти!.. Худди шуни кутиб турган лаънати душман ҳамшаҳарларимни мўлжалга олиб, минани ёмғирдек ёғдирди. Жон ҳолатда чопиб бориб, тўппонча ўқталиб, биттасини у ёққа, биттасини бу ёққа отдим!.. Лекин мен бориб, уларни қунгунимча ҳамшаҳарларимдан етти-саккиз киши ҳалок бўлган эди!..

Шу-шу кўнгилчанлик балосидан қутулишга, ҳамшаҳарларимга нисбатан бошқа миллат солдатларидан ҳам кўра талабчанроқ бўлишга онт ичдим.

Мўғулистонда учраган ёш солдатлар Фарғонадан бўлмаса ҳам (ҳаётдаги тасодифни қаранг!) С.нинг ҳамқишлоқлари бўлиб чиқди. Шунинг учунми, билмадим, уларни кўрганда худди ўз укаларимни кўргандай бўлдим. Лекин Воронеж фронтидаги фожиа ёдимда, мен бу йигитларнинг бошларини силамадим. Улар оқ кўнгиллик билан ўзларини менга яқин олишга интилаётганларини, ёзилиб гаплашгилари, дардлашгилари

борлигини кўриб турсам ҳам, жўрттага ўзимни четга олиб юрдим, совуқроқ муомала қилдим. Улар орасида энг ёши — Мансурбек деган шоир табиат йигитчани эса, бир-икки марта силтаб ташлашга тўғри келди. Мана бу сафар яна жазолашга мажбур бўлдим. Мансурбек пулемётини Арслонга бериб, ҳам дўстидан, ҳам пулемётидан айрилгани учун ўзи ҳам изтироб чекяпти. Кўриб турибман. Лекин бошқача қилишим мумкин эмас эди!

Майли, бу қийинчилик, бу жазолардан чиниқиб, пишиб чиқишсин. Уруш тамом бўлсин, кейин йигитлар билан бир отамлашиб, йиғилган ҳамма гина-кудуратларни кўнгилларидан чиқариб юбораман...»

Бошимни қўлларим орасига олиб узок ўтирдим. Комбатнинг охирги гаплари мени титратиб юборди... Наҳот у менинг қалбимда ёмон таассурот қолдирдим деб ўйласа?.. Даврон ака, азизим, ишқилиб, худо сизга шифо берсин! Бизнинг кўнглимизда сизга нисбатан қилча ҳам гина-кудурат йўқ! Биз сизни туғишган акамиздай яхши кўрамыз? Сиз билан фахрланамиз, Даврон ака!..

Шип-шип оёқ товушларини эшитиб, бошимни кўтардим. Йўлка бўйлаб ҳамшира аёл келарди.

— Юр, солдат,— деди у.— Сени капитан йўқлаяпти...

\* \* \*

Боққа аллақачон қоронғи тушган, иккинчи қаватдаги комбат ётган хонанинг деразаларидан аллақандай кўк-яшил шуъла ёғилиб турар эди. Хона ичи ҳам, ундаги жиҳозлар ҳам ўша кўк-яшил шуълага чулганган. Комбат ҳамон боягидай чалқанча ётар, унинг боши, юзи, қўлларига ўралган оқ докалар ҳам гўё кўк-яшил рангга бўялгану, аллақандай совуқ бир руҳ касб этган эди.

— К-келдингми, Мансурбек? — деди комбат тез тез нафас олиб.— Утир! Мен сени қ-қийнаб юбордимми? Умуман, сени к-кўп хафа қилдим, кўнглингни кўп оғритдим...



— Ұртоқ капитан! Наҳот сиз мени шунчалик...

— Т-тўхта!— деди комбат. — Бундай дейишимдая м-мақсад... шафқатсизлик қилганим учун к-кечир, қ-қаттиққўл бўлсам ҳам аслида яхши одам эдим, д-демоқчи эмасман. М-мендан кейин батальонда с-сизлар қоласизлар... Гапимни б-бўлма! Усиз ҳам хаёлим чувалашиб к-кетяпти... Нима д-демоқчи эдим? Ҳа, эсларингда бўлсин, ҳар бир с-солдат ўз халқининг армиядаги вакили! Бошларингга қандай иш тушмасин, нолиманглар! Халқимиз номига иснод келтирманглар. Сенга, б-батальондаги ҳамма ҳамшаҳарларга айтадиган б-битта васиятим — шу, ука!

— Ұртоқ капитан!..

— Н-нега ҳиқиллайсан?— деди комбат ҳансираб.— М-мен сени йиғласин, деб ч-чақирганим йўқ бу ерга! Кўзингни арт! М-менинг аҳволим оғир. Ҳали сенга айтадиган анча гапим бор!..

Комбат тўсатдан гапини узиб, жим қолди. У қандайдир чидаб бўлмайдиган оғриқ ва ҳарорат ичида тўлғанар, менга эшиттирмасликка ҳаракат қилиб, секин инграр эди.

— Анята! Сувинг б-борми?

— Бор, бор...— ҳамшира хотин комбатнинг лабларидаги докани тузатиб, оғзига чойнак тутди.

Комбат тишлари чойнакка шақ-шақ тегиб, уч-тўрт қултум чой ичди-да, тинчигандай бўлиб жим қолди.

— Анята, п-планшетимни олиб бер, бу йигитга!— деди у тўсатдан.— Олдингми, М-Мансурбек?

— Олдим, ўртоқ капитан.

— Планшетнинг ичида битта хат б-бор. Саломатнинг хати. Ҳа хатни ол!.. Т-топдингми?

— Ҳозир...

— Ҳа битта-ю б-битта хат... Эсингдами, сен п-пулемётингни йўқотиб қўйган куни олувдим. Оля бечора олиб к-келиб берувди...

— Топдим, ўртоқ капитан!— дедим қўлимга илинган қалин конвертни олиб.

— Я-яхши, сендан илтимос, ука...— комбат эшик очилганини эшитиб, сўзида тўхтади.

Остонада майор Котельников билан... эғнида оқ халат, полковник Белобородов турар эди. Ҳурнимдан сакраб турдим.

— Б-бу ким?— деди комбат ёқтирмай.

— Мен Даврон, мен...— Полковник оёқ учида юриб келиб, менинг ўрнимга ўтирди.

— М-Мстислав Владимирович! С-сизмисиз?— деди комбат ҳаяжонланиб.— С-сизмисиз, Мстислав Владимирович?

— Бу учинчи келишим, Даврон,— деди Белобородов,— боя келганимда мана, Котельников киритмади...

— Ҳа, К-Котельников шафқатсиз одам,— деди комбат.

— Аҳволинг қалай? Тузукмисан?

— Аҳволимни Александр Ф-Федорович айтгандир, ахир?

— Айтди. Тузалиб кетади деяпти.

— Александр Федорович айтса, д-демак, тузалиб к-кетаман. Лекин... К-келганингиз яхши бўлди, Мстислав Владимирович. Жуда яхши бўлди. Сизга айтадиган г-гапларим бор эди. Айтолмай кўнглимда қолиб к-кетармикан, деб қўрқаётувдим.

— Даврон!— деди Белобородов овози қалтираб.— Сенга нима бўлди? Бунақа тушкунликка тушиш одадинг йўқ эди-ку!

— Тўхтанг, ўртоқ полковник. Олдин айтинг: Бу ж-жанг учун мендан н-норози эмасмисиз? Лекин норози б-бўлсангиз ҳам айтай: бошқа иложим й-йўқ эди. Деҳқонлар арз қилиб к-келишди, ўртоқ полковник, деҳқонлар...

— Йўқ, норози эмасман,— деди Белобородов. — Сенинг ўрнингда бўлсам, мен ҳам шундай қилардим. Фақат... ўзингни эҳтиёт қилмабсан, Даврон.

— М-майли! — деди комбат тоқатсизланиб. — Энди бу гаплардан фойда йўқ. Ундан к-кўра айтинг: рапортимни олдингизми?

Белобородов кўзини юмиб, секин бош ирғади:

— Олдим, Даврон, олдим. Сен ҳақсан: ҳаммаси фиқу фасод гаплар.

— Ўртоқ полковник!..

— Даврон! Тинчлан, азизим... Арзимаёди...

— Йўқ, ўртоқ полковник. Арзийдими-йўқми, б-билмадим, лекин бу фиқу фасод гаплар кейинги кунларда ичган ошимни заҳарлаб, юрагимни қ-қон қи-

либ юборди! — деди капитан. Тўсатдан унинг дудуғла-ниши йўқолиб, титроқ босиб, ёниб гапира бошлади. — Сиз арзимайдиган дедингиз, туҳмат гаплар, дедингиз. Хўш, туҳмат экани кўриниб турса... нега менга қар-ши иш қўзғашади? Нега тергов қилишади?

— Даврон, азизим! — деди полковник. — Сен таш-вишланмай қўя қол...

— Мен ҳалиям ташвишланаётганим йўқ! — деди комбат куйиниб. — Шунчаки... юрагимни қон қилаёт-ган нарса... менга бўлган ишончсизлик. Мени шубҳа остига олишлари эзипти дилимни!

— Гап ишонмасликда эмас, биров маълумот бер-гандан кейин, уни текшириш керак бўлгандир, ҳақи-қат қилиш керак бўлгандир, Даврон!..

— Ҳақиқат! — деди комбат фигони чиқиб. — Ҳа-қиқат қилиш учун нега терговни мендан бошлаш ке-рак экан? Нега ўша одамдан, гирт туҳмат гапларни тўқиб юрган ўша нокасдан бошлашмайди? Мени тер-гов қилишдан олдин кимлигимни суриштириб кўриш-са бўлмайдимми? Ё тўрт йил фронтда тиззадан қон ке-чиб қилган хизматларим инobatга олинмайдимми? Жо-нимни аямай тўрт йил душман билан олишганимда, уч марта яраланганимга қарамай жанг майдонини ташлаб кетмаганимда... ахир оқибат қадрим шу бўл-димми? Қилган шунча хизматларим, чеккан азобла-рим, тўккан қоним... Бунинг ҳаммаси битта галамис-нинг аблаҳона туҳматига бас келолмадимми? Менга — жанговар совет офицерига ишонч шу бўлдимми, ўртоқ полковник?

Белобородов индамади. У уйни чулғаган кўк-яшил шуъла акс этиб ялтираган катта бошини эгиб сукут сақлар, комбат эса, нафас етмаётгандай кўкрак қафа-си паст-баланд кўтарилиб энтикар, тўлганар эди. Эшик олдида қотиб турган майор оёқ учида юриб, полковникнинг ёнига келди ва унинг елкасига қўлини қўйди.

Белобородов чўчиб, бошини кўтарди-да, «тушун-дим», деб ишора қилди.

— Ўртоқ полковник! — деди комбат. — Нега инда-майсиз?

— Даврон, азизим! — полковник қўлини аста унинг қўлига қўйди. — Ҳозир сенга бир нима дейишим қийин, лекин сенинг ҳамма гапларингни қўмондон-

ликка оқизмай-томизмай етказаман. Бунга имонинг комил бўлсин.

— Р-раҳмат Мстислав Владимирович?— Раҳмат...

— Капитан Ғозиев!— деди майор.

— Т-тўхта, Александр Федорович!— комбат бақириб юборди. — Яна б-битта гап... Эшитяпсизми, ўртоқ п-полковник.

— Эшитяпман, азизим...

— Эсннгиздами, шу йил б-баҳорда, десантдан қайтиб полкка қўшилганимизда к-кичик лейтенант билан старшина Салога «лейтенант»лик унвонини б-беришларини сўраган эдик.

— Эсимда...

— Кичик лейтенант-ку, майли, ўлиб к-кетди. Лекин старшина Сало... унинг хизматларини б-биласиз-ку, ўртоқ полковник.

— Биладан, азизим, биладан. Яхши. Яна хат ёзиб, эслатамиз.

— Тўхта, К-Котельников, охирги г-гап! Ўртоқ полковник... М-Мстислав Владимирович...

— Айтавер. Эшитяпман, Даврон.

— Х-Харитонов... — деди комбат. — Батальсонда, балки б-бутун полкда энг яхши офицерлардан бири шу Х-Харитонов. У ўсиши к-керак, Мстислав Владимирович.

— Яхши. Яна нима гапинг, нима илтимосинг бор?

— Узим учун... ҳеч қандай илтимосим й-йўқ. Фақат... мендан к-кейин... Ногаевга ўхшаган п-пасткаш одамлар... номимга доғ туширмасалар б-бас. Битта ю битта тилагим шу, Мстислав Владимирович...

— Даврон, азизим,— деди Белобородов. — Ногаев тугул юзта Ногаев ҳам сенинг номинг, сенинг Ватан олдидаги хизматларингга доғ туширолмайди...

Комбат индамади. У қандайдир ҳуштакка ўхшаш овоз чиқариб, чийиллаб нафас оларди...

Белобородов тўсатдан тиз чўкиб, унинг дока билан ўралган пешанасига лабини босди...

— Бардам бўл, Даврон. Ҳозир машҳур нейрохирург келади. Яхши бўлиб кетасан, азизим.

— Х-хайр, М-Мстислав Владимирович,— деди комбат, эшитилар-эшитилмас товушда.

Белобородов оёқ учида юриб, эшикка борди, лекин

чиқишдан олдин тўхтаб соатига қаради. Котельников «ҳайронман», деган маънода елкасини учирди, сўнг: «Ҳозир, ўртоқ полковник», деди-да, комбатнинг ёнига келди.

— Ғозиев! Энди бас. Укол қиламиз, операцияга тайёрланамиз!

— Я-яхши. Фақат ўн минут рухсат б-бер.

— Менга қара, Ғозиев...

— Котельников!— деди комбат инграб.— Мени к-кечир, Александр Федорович, лекин сенга б-битта саволим бор: сен ҳам шу аҳволга т-тушсанг... охириги дақиқаларда она юртингни э-эслармидинг?

— Ёш болага ўхшаяпсан, Ғозиев. Мен сендан буни кутмаган...

— Саволимга ж-жавоб бер. Оилангни, б бола-ча-қангни эслармидинг? Она тилингда бир оғиз г-гаплаш-гинг келармиди? Лоақал ўн м-минут. Фақат ўн ми-нут!..

— Хўп, яхши!— Котельников бошқа ҳеч нарса де-май, секин юриб хонадан чиқди.

\* \* \*

Хонага яна аллақандай совуқ жимлик чўкди.

Комбат ҳаво етишмаётгандай, ҳуштак чалиб ҳамон энтикиб нафас олар, дам-бадам секин инграб, лекин индамас, гўё мени эсидан чиқарган эди.

Ташқаридан йўлкада у ёқдан-бу ёққа югуришиб юрган ҳамшираларнинг шип-шип оёқ товушлари, баъ-зан буйруқ берган бўғиқ овозлар эшитилар, хона эса, сув қуйгандай жимжит эди. Мен, комбат ҳушидан кетиб қолмадими, деган хаёлга бориб, қўрқиб кет-дим. Лекин шу пайт, Даврон ака яна қаттиқ дудуқла-ниб:

— М-Мансурбек,— деб чақирди.

— Эшитаман, ўртоқ капитан.

— М-мен жуда... ғ-ғалати кўриняпманми?

— Йўқ, нега энди?

— Миям... қопқоғи к-кўтарилиб кетяпти...— деди комбат. — Г-граната парчаси ўрнаб қ-қолган эмиш.

Балки шунинг учун ёш болага ўхшаб қ-қолгандирман...

Юрагим увишиб:

— Нега ундай дейсиз, ўртоқ капитан?— дедим.

— Майли!— деди комбат.— Х-хўш. С-Саломатнинг хати қўлингдами? Ғ-ғалати кўринсам ҳам майли... Унинг хатини... эшитгим к-келяпти. Оч!..

Хат оддий серкатак дафтар варақларига ёзилган эди. Аёлларга хос йирик юмалоқ ҳарфлар билан ёзилган мактубнинг биринчи сатрларига кўзим тушиши билан, худди хат ёзиб ўтирган Саломатхоннинг маъ-юс чеҳрасини кўргандай бўлиб, аъзойи баданим жи-мирлаб кетди.

— Очдингми?— деди комбат.— Ўқи! Й-йўқ, т-тўхта!..

У ўлим билан олишиб қийналар, тишларини ғичирлатиб тўлганар эди. Юрагим эзилиб, кўзимни олиб қочдим. Шу пайт эшик қаттиқ очилиб, хонага Котельников билан кичкинагина, чўққи соқол бир чол кирди. Чол олтин бандли кўзойнагини ярқиратиб:

— Бу ким?— деди менга қараб.— Қани, хона бўшатилинсин!

Мен жон ҳолатда комбатнинг дока билан ўралган қўлига қўлимни қўйдим.

— Ўртоқ комбат... Даврон ака...

— М-майли, к-кераги йўқ!— деди комбат.— М-мабодо мен... С-Саломатга айт... Й-йўқ, тўхта. М-мен ўлишим мумкин эмас... Н-ноҳақлик бўлади. Ж-жуда к-катта ноҳақлик...

Чол кўзойнаги ялтираб, Котельниковга қаради. Котельников менга қараб, «чиқ» деб ишора қилди.

— Хайр, ўртоқ капитан!— дедим ўпкам тўлиб.— Операция муваффақиятли ўтсин!

— Р-раҳмат, ука... С-сен билан хайрлашмайман, ука...

Мен комбатнинг дилида аллақандай эзгу бир тилак борлигини, у бу гапни дам айтгиси келиб дам айтолмай қийналаётганини сездим, сездиму, дод деб юборишимдан қўрқиб ўзимни ташқарига отдим.

Яшил лампочкалар билан ёритилган ярим қоронғи

йўлкада Белобородов билан Харитонов гаплашиб турар, оғизларини боғлаган ҳамшира аёллар у ёқдан-бу ёққа шарпасиз одимлаб югуришиб юришарди.

Боғ зим-зиё эди. Тоғдан салқин шабада эса бошлаган, арчазор боғ ҳазин гувиллар, гўё алланимадан нолир, зорланар эди. Кимсасиз хиёбон бўйлаб, боғ оралаб кетдим. Қаёққа кетаётганимни, нима қилиб юрганимни ўзим ҳам билмас эдим. Бир маҳал қарасам... бояги шийпонга бориб қолибман. Бошимни кўтариб иккинчи қаватга қарадим. Комбат ётган хона деразаларидан ҳамон ўша кўк-яшил шуъла ёғилиб турар, лекин тиқ ётган товуш эшитилмас эди.

Арчазор боғ ҳамон гувиллар, кимгадир нолир, зорланар эди. Тўсатдан комбат ниманидир айтолмай қийналгани, унинг юрагида қандайдир бир армон қолгани эсимга тушиб, ўрнимдан туриб кетдим. Қарасам... қўлимда... Саломатхоннинг хати! Хат менда қолганини на мен билибман, на комбат!

«Даврон ака! Азизим!

Ҳар куни минг кунга татиган, салкам бир йилга чўзилган дараксизликдан кейин бугун кечқурун, ниҳоят, табаррук мактубингизни олдим, олиб кўзларимга суртдим.

Сиз тириксиз! Тирик! Жонимдан азиз ёрим, меҳрибоним, ёлғизим тирик!

Хатингиз кечаси келди. Ташвиш чекиб, тўлиб юрганимни биладиган почтачи — инвалид йигит кеч бўлса ҳам олиб чиқибди. Хатингизни ўқибману, нега шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман, қабристонга чиқибман.

Келсангиз кўрарсиз, боғимизнинг орқасида, тегирмоннинг устида эски қабристон бор. Қабристон ўртасида Ғойиб ота деган авлиёнинг қабри турибди. Бувим раҳматлик оиламизнинг бошига бирор мусибат тушса ё аксинча, бирор қувончли воқеа содир бўлса (бувим бечора бахтдан ҳам, бахтсизликдан ҳам баравар қўрқардилар) шу авлиёга чиқиб, қуръон ўқир, шам ёқиб, қабр устидаги архар шохига оқ мато боғлаб тушардилар.

Кечаси тиқ этса юраги «шиғ» этадиган одам, зим-зиё гўристонни оралаб ўтиб, авлиё бобо қабри олдида тиз чўкибман.

Нималар деганим ҳозир эсимда йўқ. Нима ҳам дер-

дим? Сизнинг тирик қолганингиз, урушдан эсон-омон чиққаннингиз рост бўлсин, деб илтижо қилиб йиғладим шекилли. Кейин никоҳ кечамиз ўзингиз ҳадя қилган оқ шойи рўмолимни (сиз кетгандан кейин уни сандиққа солиб қўювдим) архар шохига боғлаб, орқамга қайтдим...

Сиз тириксиз, тирик!.. Шу бир оғиз сўз билан тўрт йил чеккан ҳамма уқубатларим, сизни ўйлаб, бедор ўтказган тунларим, хатларингиз кечикканида кечалари қирларга чиқиб, телбалардай тентираб юрганларим — ҳамма--ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди. Қўйинг, тўрт йил чеккан изтиробларим беҳуда кетмай, сиздан хушхабар келган бахтиёр кунда мен бу ғуссаларни эсламай, сиз эшитмай қўя қолинг!..

Сиз Фарғонадан Қорасувга кетишимнинг сабабларини сўрабсиз, биров ранжитмадим, дебсиз. Йўқ, ҳеч ким ранжитмади. Ойимлар, опамлар, акамлар, ҳамма қариндош-уруғларингизга минг-минг раҳмат. Улар бизни — мени ва ўғлингизни — уч йил қўлларидида кўтариб юришди, десам муболаға бўлмас. Ишқилиб, уларнинг менга кўрсатган яхшиликларини қайтаргилик қилсин, яхши кунларидида хизматларидида бўлай, битта-ю битта тилагим шу, азизим.

Кетишимга сабаб эса... қирқ тўртинчи йилнинг ёзида директоримиз вафот этиб, мени директор қилиб тайинлашди. Августнинг охири, хатларингиз тўхтаб, эзилиб юрган пайтларим. Бир кун район маориф бўлимига Холматов деган янги бошлиқ келди, сиз билан шахсан танишмоқчилар, деб чақириб қолишди.

Соддалик қуриб кетсин, «Холматов», деганларида ҳам хаёлимга ҳеч нарса келмабди. Бордим. Секретарь қиз: «Кираверинг, эрталабдан бери ўн марта сўрадилар» деди.

Кирдим. Кирдиму ҳушим бошимдан учиб, остонада лол бўлиб туриб қолдим. Қарасам (турмушнинг ўйинлари кўп экан, азизим!), кабинетнинг тўрида ўша «қадрдон» оғайнингиз, урушдан олдин мени олиб қочиб кетмоқчи бўлган, сиз аралашиб, бошингиз балога қолган... Ҳошим Холматов ўтирибди!..

Тўрт мучаси тугал, давангирдай йигит урушга ҳам бормабди. Институтни битириб, областда уч-тўрт ой ишлаб, маорифга мудир бўлиб келибди!..



Гап-сўалари, муомалалари бирам мулойим, бирам меҳрибон денг! Шунчалик меҳрибонки, шаҳарга аравада келганимни эшитиб, азбаройи хафа бўлиб кетганларидан шахсий файтонларини бердилар!.. Орадан икки кун ўтмай, шахсий файтонларида мактабни кўргани келдилар, яна бир-икки кун ўтказиб, файтонларини юбориб, шаҳарга бу сафар ўтиришга таклиф қилдилар.

Ўртоқ Холматов таклиф қилган ўтиришга бормадиму, лекин ўша куниеъ Қорасувга кетишга аҳд қилдим.

Албатта, менинг кетишим «эрини кутишга сабри етмади, бевафо!» деганга ўхшаган майда-чуйда миш-мишларга сабаб бўлишини билардим, лекин Фарғонада қолиб, «Холматов» билан гап-сўз бўлишдан кўра, бу ноҳақ «миш-мишлар»га чидаб беришни афзалроқ кўрдим. Чунки бизнинг муҳаббатимизга биров доғ туширишини, айниқса, рақибингиз Холматов доғ туширишини истамас эдим. Кетишимнинг сабабини ҳеч кимга айтмаганим ҳам шундан. Агар бу ишда мендан хато ўтган бўлса, кечиргайсиз, жонгинам!

Эртага кетаман деган куни кечқурун Нориннинг бўйига тушиб, мажнунтоллар ёнида (эсингиздами) узоқ ўтирдим. Ўша кеча гапирган гапларингиз, берган насихатларингиз, иккимиз жўр бўлиб «Излайман»ни айтганларимиз ёдимга тушиб, ўзимни тутолмай бўзлаб юбордим.

Бу оламда бахт деган нарса борми ўзи, йўқми, билмадим, лекин инсон боласи уни излагани излаган экан. Мен ҳам сизни излай-излай базўр топган эдим, қаёқларда қолдингиз, қаёқларда юрибсиз, азизим?..

Мана, вақт тун ярмидан оғди. Суратингизга тикилиб, бидирлаб ўтирган Улуғбек (ажабо, сиз урушда юрганингизда туғилган ўғлингиз уч ярим ёшга тўлибди!) бобосининг қўйнига кириб ухлаб қолди. Мен эсам уйда, ўнинчи лампа шуъласида сизга хат ёзиб ўтирибман...

Даврон ака, азизим! Тўрт йил урушганингиз етмаганмиди? Нега бир урушдан чиқиб, бошқа урушга кетдингиз? Ё отпуска беришмадими? Ёки биз бечорани унча соғинмадингизми?.. Соғинмасангиз ҳам майли, ишқилиб, сизни бир кўрсам, кўкрагингизга бошим-

ни қўйиб, юрак уришингизни бирпас эшитсам бўлди, шундан бошқа тилагим йўқ худодан...»

Кўзимни хатдан узиб кўк-яшил шуълага чўмган хонага қарадим. У ердан тиқ этган товуш эшитилмас, арчалар билан ўралган икки қаватли мрамар бино аллақандай мудҳиш сукут сақларди... Наҳот Саломатхоннинг нидоси кўкларга бориб етмаса? Наҳот тўрт йил урушда не-не ўлимлардан омон қолган Даврон акадай одам, уруш тугаб, ҳамма ўйнаб-кулиб бола-чақасининг олдига қайтаётганда Саломатхонни доғда қолдириб, оламдан ўтса?

Боғни чулғаб олган мудҳиш сукут тонг пайти бузилди. Саломатхоннинг ноласи кўкларга бориб етмаган, комбат, операциядан кейин, бир неча соат ўлим билан олишиб, тонг пайти жон берган эди...

\* \* \*

Эрталаб госпиталь жойлашган боғ олдидаги майдонга бутун полк йиғилди. Майдоннинг ўртасида, агрофи арчалар билан ўралган гулзор орасида уч-тўртта янги қабр пайдо бўлган, қабрларнинг ёнида ҳарбий оркестр мотам маршини чалар, ҳавода қандайдир улуғвор сукут ҳукм суларди.

Ногаҳон худди ўзбек сурнайининг овозидай ингичка, чийиллоқ овоз эшитилди. Майдонга сурнай чалиб, мис лаганчаларини жаранг-журунг уриб бир тўп хитойлар кириб келишди. Булар дафн маросимига қатнашгани келган деҳқонлар эди!

Мен ҳалиям ҳушимга келолмай, ўзим билан ўзим овора, хаёлга чўмиб турган эдим, тўсатдан Харитоновнинг «Сен нима қилиб юрибсан бу ерда?» деб бақирганини эшитиб, бошимни кўтардим.

Биздан сал нарироқда, гулзорнинг четида, қўлида фуражка, бошини ҳам қилиб капитан Ногаев турарди!..

— Нега келдинг? — деди Харитонов қалтироқ бошиб.

Ногаев, рангида қон йўқ, кўзини олиб қочди.

— Харитонов, — деди у секин. — Кеча нега айтмадинг?

— Нимани айтардим?— деди Харитонов.

— Капитан Ғозиев... ярадор бўлганини...

Харитонов кўзлари ёниб:

— Айтганимда нима қилардинг? — деб сўради.—  
Кечирим сўрармидинг?

Ногаев ерга тикилганича:

— Билганимда... сўрар эдим,— деди.

Харитонов индамай тескари бурилди.

Ногаев бошини ҳам қилиб яна бир оз турди, сўнг,  
бир-бир босиб, орқасига қайтди...

Ўлимнинг кучини мен биринчи марта ўшанда ту-  
шундим. Даврон аканинг ўлими... ўзидан бошқани  
ўйламайдиган бу мунофиқни ҳам инсофга чақирган  
эди!..

Сал ўтмай боғнинг икки тавақали дарвозаси очи-  
либ, қизил мато ёпилган тобутни кўтарган офицер-  
лар чиқиб келишди. Офицерлар орасида кичик лейте-  
нант Сало ҳам бор, энг охирида эса... Арслон келарди.

Васяни таниса бўлар, унинг бир парча бўлиб қол-  
ган юзи ганчдан ясалгандай оқариб кўринар, Даврон  
аканинг юзи эса... гуллар билан ёпилган эди.

Мотам митингини кўкраги орденларга тўлиб кетган  
ёш генерал очиб, Белобородовга сўз берди. Белоборо-  
дов, сийрак, оппоқ сочлари шабадада қилпираб, қай-  
та-қайта томоқ қириб, анчагача гапиролмай турди.  
Унинг нималар дегани эсимда ҳам йўқ. Фақат бир  
нарса ҳануз ёдимда: Белобородов гвардиячи капитан-  
нинг Ватан учун қилган хизматлари, мардлиги, жасур-  
лиги, десантчи қўшинлар сафида кўрсатган қаҳрамон-  
ликларини битта-битта санаб, халқимиз шундай ажой-  
иб фарзандидан айрилгани ҳақида гапирганида яна  
овози қалтираб кетди-ю, назаримда, бутун полк бир  
тўлгангандай бўлди...

Юракларни зир титратган мотам марши садолари  
остида тобутларни қабрларга туширишди. Ҳалок бўл-  
ган ўғлонлар шарафига етти марта ўқ узиб, салют  
бердик...

Мотам митингидан кейин полк рота-рота бўлиб,  
арчалар билан ўралган янги қабрлар ёнидан ўтди.  
Утаётганда мен секин сафдан чиқиб, гулларга кўмил-  
ган қабрларнинг ёнида тўхтадим. Кейин Арслон би-  
лан Серкабой келди. Биз жимгина қўл бериб кўриш-

дик. Уртадаги қабрнинг бошида ўтирган старшина Сало ер остидан бизга бир қаради-да, яна кўзини олиб қочди. У офтоб тегмаган катта ялтироқ бошини эгиб, оқ оралаган шоп мўйловининг учини лаби билан ҳимарганича кўзини юмиб ўтирар, оқиш киприклари орасидан қалқиб чиққан ёш томчилари катта гўштдор бурнининг четидан юмалаб, мўйлови орасига сингиб кетарди...

Қайси бир китобда «йигит кишининг йиғисидан даҳшатли нарса йўқ», деган гапни учратган эдим. Кечаси билан йиғлайвериб, кўзимда ёш қолмаган эди, старшинанинг унсиз йиғисини кўрдиму, кўнглим яна вайрон бўлиб, Даврон аканинг қабри ёнига тиз чўкдим. Ёнимга Арслон келиб чўккалади, чўккаларкан:

— Нега йиғлайсан? — деб бақирди. — Гвардиячи капитаннинг гаплари эсингдан чиқдими? Йиғлоқи одамни жонимдан ҳам ёмон кўраман, демаганмиди у? Ундан кўра бор, Саломатхон опамларга хат ёз! Шоирона қилиб ёз! — деди у. Ўзи эса... тирқираб оққан кўз ёшларини тиёлмас эди...

Ўша оқшом комбатнинг қабри ёнида мен дўстларимга Даврон аканинг ўлим олдида айтган ҳамма гапларини, сўнги васиятини гапириб бердим.

Биз комбатнинг қабри ёнида унинг васиятларига ҳамиша содиқ қолиш тўғрисида бир-биримизга сўз бериб, қасамёд қилдик.

## Хотима

Беш йил ўтди. Беш йил Порт-Артур шаҳрида хизмат қилдим.

Эллигинчи йил, сентябрь ойининг бошларида, ниҳоят, хизматдан бўшадим.

У маҳалда Порт-Артур — Владивосток поезди қатнарни. Шу поездга миниб, беш йил кутган соғинганимиздан ҳар кеча тушларимизга кирадиган суюкли эл — Она юртимизга қараб йўл олдик.

Олис сафарнинг ўн тўртинчи куни поезд таниш станцияга келиб тўхтади. Офтоб ғарбга ёнбошлаган, лекин ҳали барвақт эди.

Вокзалдан Қорасувга машина қатнар эди. Лекин Даврон аканинг кундалигида: «Агар урушдан эсон-омон қайтсам, қишлоққа пиёда кириб бораман», деган гап бор эди. Шу гап эсимда, хизматда юрган чоғларимдаёқ «мен ҳам урушдан эсон-омон қайтсам, Қорасувга пиёда кириб бораман», деб ният қилган эдим.

Шаҳар билан Қорасув ораси ўн беш йигирма чақирим келади. Чор-атроф кенг дашт, худди Гобн саҳросидагидай гиёҳлари қовжираб қолган ясси қирлар. Фақат ҳар жой-ҳар жойда ўсган тўп-тўп толлар, олис уфқда кўринган қишлоқ боғлари гўё илиқ куз офтобида эркалагандай дам пушти ранг, дам қирмизи тусга кириб товланади. Лекин менинг кўзимга олисда оловдан ёнган бу боғларгина эмас, ёзги жазирамада қовжираб қолган бу дашт ҳам жуда иссиқ кўринади, ерга тиз чўкиб, бу тупроқни ўпгим, кўзларимга суртгим келади, негадир қайта-қайта Даврон ака эсимга тушиб, дилимни қандайдир ҳазинлик чулғаб олади.

Ниҳоят, кун ботиш олдида, боғларга кўмилган Қорасув ҳам кўринди.

Мен хизматдан бўшаб, уйга қайтаётганим ҳақида хабар бермаган эдим. Лекин қишлоқнинг «узун қулоқ» — телеграфи ўз ишини қилган эди: қишлоққа кираверишдаги боғларга яқинлашганимда... олдинда ойимлар билан опамлар бошлиқ бир тўп хотин-халаж, қийчув кўтарган болалар, беш йил ичида бўй етган нотаниш қизлар кўринди... Улар билан энди кўришиб бўлганимда, қаёқдандир, етти-саккиз ёшлардаги кўзлари катта-катта бир бола чопқиллаб келиб, тиззамни қучоқлади, қучоқлади-ю:

— Акажон! — деди кўзлари жавдираб. — Дадамларни кўрган солдат амаким сиз бўласизми?

Бу — Улуғбек эди. Кўнглим вайрон бўлиб, уни даст кўтариб бағримга босдим. Улуғбек ҳам бўйнимдан мажам қучоқлаб олди...

Саломатхон опа кўринмас эдилар. Буюм халтамни жиянимга бериб, Улуғбекни кўтарганимча тўғри Саломатхон опамларникига кетдим.

У киши мени боғ эшиги олдида қарши олдилар. Кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш, жимгина келиб пешанамдан ўпдилар.

Мен ўша маҳалдаёқ Саломатхон опага Даврон аканинг кундалигини, ҳамма ҳужжат ва хатларини юборгандим. Биз беш йил давомида хат ёзишиб турган эдик, айтилмаган гап ҳам қолмаган эди.

Саломатхон опанинг юрагидаги эски ярани тирна-масликка ҳаракат қилиб, Даврон аканинг сўнги дақиқалари тўғрисида эҳтиёткорлик билан гапириб бердим.

Саломатхон опа бошини эгиб, гапларимни жимгина эшитдилар. У кишининг сочларида битта-яримта оқ толалар пайдо бўлган эди. Лекин гўзал чеҳрасида, маъюс кўзларида, бошини эгиб, гапларимга жимгина қулоқ солишида фақат дард эмас, оғир мусибатларни бошидан кечирган одамларда бўладиган бўлакча бир бардош, қандайдир юксак бир мунг бор эди. Мен унинг ғамгин нигоҳига тикилиб, мусибат ҳам кишини улуғлай олиши ҳақида ўйлар, улкан фожиаларни бошидан кечирган олижаноб аёлларни эслар эдим.

Кетаётганимда Саломатхон опа яна пешанамдан ўпиб:

— Бизникига келадиган йўлни эсингиздан чиқариб қўйманг, гоҳида йўқлаб туринг,— дедилар.— Улуғбекка: дадангни кўрган солдат амакинг келади, деб ўйламай гапириб қўйган эканман, ҳар куни сизни сўрайвериш эси кетди...

Саломатхон опа шундай дедилару, аёл эмасми, бирдан ўзини тутолмай, юм-юм йиғлаб юбордилар...

...Йиллар ўтди. Улуғбек катта йигит бўлди, институтни битирди, уйланди. Саломатхон опа неvara кўриб, исмини Даврон қўйдилар...

Мен Саломатхон опани тез-тез йўқлаб тураман. У кишига тасалли бериш учун эмас, аксинча, ўзим Саломатхон опадан тасалли истаб йўқлаб бораман.

Ҳар сафар бошимга бирор мусибат тушса ё бирор ноҳақликдан ранжиб тўлиб кетсам, негадир эсимга Даврон ака тушади, тушади-ю, Саломатхон опани қўмсаб қоламан. Ва ҳар сафар у кишининг меҳрига қониб, кўнглим тоғдай ўсиб қайтаман.

Даврон ака оламдан ўтганда Саломатхон опа атиги йигирма уч яшар гўзал бир жувон эди. Даврон аканинг вафотидан кейин кўп йигитлар ўртага одам қў-

йишди. Лекин Саломатхон опа ҳаммасига рад жавобини берди. Бировлар буни маъқуллашса, яна бировлар: «Еш умрини жувонмарг қилди», деб койишди. Уларнинг қайси бири ҳақ — билмадим, лекин ҳар сафар бу тўғрида ўйласам, барча Саломатхон опалар тўғрисида шоир айтган тиниқ мисралари эсимга тушади:

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб эиёда,  
Ҳайкал ҳам ўрнатинг бамисли хаёл.  
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,  
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

*Тошкент — Туркистон.  
1970—1971 йиллар.*



## ВИДО

Ҳикоя

Уста Қобилнинг аҳволи оғирлашганига бир ҳафтадан ошди. У катта меҳмонхонанинг тўрида, боққа қараган очиқ деразанинг олдидаги ёғоч каравотда бошига қўш ёстиқ қўйиб чалқанча ётарди. Катта қирқилган оппоқ соқоли шифтга қараган, икки чаккаси худди ўйиб олингандай чуқур ботган, узун қирра бурни сўррайиб қолган. Фақат кўкрагида ётган қўллари, айниқса томирлари бўртиб чиққан катта суякдор кафтлари, гарчанд тарашадай қотиб кетган ва дағал бўлса ҳам, бурунгидай бақувват ва гўзал кўринади.

Устанинг дарди ошқозонида. Назарида, ичига очкўз бир типратикан киргану, бир ойдан бери гоҳ ичакларини тирнаб тимдалайди, гоҳ чангаллаб ғижимлайди, гоҳ усиз ҳам безиллаб турган жойига мисоли чўғ босгандай қовуриб-куйдиради...

Мана бир ҳафта бўлдики, уста овқатдан қолди. Фақат ичи ёниб кетган маҳалда сопол кўзада турган муздай қатиқдан бир қултум ютиб қўяди, холос.

Хасталик енга бошлаганидан кейин уста шаҳардаги кенжа ўғли Нодирга хабар бердирган эди. Бурноғи куни келини олиб у ҳам етиб келди.

Устанинг дарди оғирлашиб қолганидан буён уйдан одам аримас эди. Нодир келгандан бери келди-кетди яна ҳам авж олди, шунчалик авж олдики, катта келини Гулжаҳоннинг қозон-ўчоқдан қўли бўшамай қолди. Йўқлаб келувчиларнинг аксарияти бир-икки соатсиз тарқашмас эди. Одатда улар меҳмонхонага ғамгин бир қиёфада кириб келишар, хусусан, ҳол-аҳвол сўрашаётганларида кўзларида, овозларида чуқур ачиниш, ҳатто изтироб акс этиб турар, аммо, эҳтимол, уста озор чекаётганини сира билдир-



магани учундир, эҳтимол, ҳамманинг саволига бир хилда «Худога шукур!» деб жавоб бергани учундир, хиёл ўтмасдан уни унутиб қўярдилару, суҳбат қизиби, ҳазил-мутойиба, кулги бошланиб кетарди. Мана ҳозир ҳам катта деразанинг олдидаги сўрида уч-тўрт киши пешиндан бери чақчақлашиб ўтиришибди.

Тўрда сочлари оппоқ оқарган бўлса ҳам ўзи хийла ёш кўринадиган Азиз домла ўтирибди. Унинг ёнидан Нодир жой олган. У ҳаво ранг ипак бриджа кийган, эгнидаги нафис ипак майканинг орасидан думбадай оппоқ юмалоқ қорни кўришиб турибди. У шундай ғалати семирганки, тарам-тарам қип-қизил юзи, қовоқлари шишиб, кўзлари қисилиб қолган. Ҳазиям қандайдир салобатли, вазмин кўринади, шоҳи рўмолчаси билан бўйнини, мунчоқ-мунчоқ терлаган узун қирғий бурнини тез-тез артиб, сукут сақлайди, саволларга кўпроқ бошини қимирлатиб жавоб беради ёки жилмайиб қўя қолади.

Эҳтимол, уч-тўрт йилдан бери кўрмагани учундир, ўглининг бунчалик ўзгариб кетиши устага қандайдир ғалати туюлади.

Нодир охириги марта, бундан тўрт йил муқаддам, раҳматлик кампир вафот этганида келин билан бирга келиб, бир ҳафта-ўн кун туриб кетганди. Шундан кейин иши оғирлашиб кетди чамаси, чақиртирса ҳам келмаган, фақат бултур кузда «илмий асаримни тугатиб олгунимча қишлоқда туриб турсин», деб тўнғич қизлари Фирузани бериб юборганди. Мана, ниҳоят ўзи ҳам келди, келди-ю устани ҳайратда қолдирди: тўрт йил ичида тамоман бошқа одам бўлган-қолган. Ё уста азалдан семизликни хуш кўрмаганидан шундай туюляптимикин?.. Нодирнинг рўпарасида чордона қуриб, колхоз бухгалтери Икром деган йигит ўтирибди. У ҳам шунчалик семирганки, боши билан бўйни қўшилиб кетганга ўхшайди, катта юмалоқ қорни чордона қурган оёқларининг ўртасида ҳўппайиб турибди, фақат раисликка яқинда сайланган Самад деган йигитгина қотма, новча, Ҳазиям юзлари кунда куйиб қорайиб кетган.

Уларнинг суҳбатиям ғалати. Мана, бир соат бўптики, гап ҳозирги ёшларнинг ахлоқи устида кетяпти. Бу гапни одатдагидай Азиз домла бошлаган. Узун, нимжон бармоқлари билан лабларини тез-тез

силаб, ҳозирги ёшларда одоб қолмаганидан, ўқишга, илмга қизиқиш сўниб бораётганидан шикоят қилади, куюниб-тутақиб гапиради:

— Тўғри айтасиз, домла!— дейди Икром бутун гавдаси билан қўзғалиб.— Ҳозирги ёшлар на урф-одатни билишади, на иззат-икромни!

Самад пешанасини тириштириб:

— Сен ҳам жа... — дейди. Унинг овозида, чўзиқ, қорамағиз юзида қандайдир ўнғайсизлик ифодаси жилва қилади. Аммо Икром буни сезмайди.

— Нима, ёлғонми?— дейди у калта, семиз қўлини силкитиб. — Бизлар ўқиган маҳалда қанақа эдик? Мана, домла ўзлари айтсинлар!

Домла лабларини тез-тез силайди:

— Ҳа, у чоғлар бошқача эди!— дейди у ва галати жилмайиб қўяди.

«Эски ҳаммом — эски тос!— ўйлайди уста. — Ёшларни камситишгани камситишган...»

Икром яна бир қўзғалиб:

— Яшанг, домла! — дейди мароқ билан ва Самадга юзланади. — Нафсиламрига бизлар бошқача эдик! Ораминдан тузук-тузук одамлар чиқиши ҳам бежиз эмас!..

— Масалан, машҳур бухгалтерлар,— дейди Самад кулиб.

— Мен ўзимни айтаяпганим йўқ... Мана, масалан, Нодирни олайлик. Олим бўлди. Диссертация ёқлапти.

Ҳамма Нодирга тикилди. У бир қўзғалиб, кулимсираб қўяди, аммо юзи ҳамиша қип-қизил бўлгани учун Икромнинг сўзларидан ўнғайсизландими, йўқми, буни билиб бўлмайди.

«Ҳа, олим!— дейди уста хаёлида. — Улуғ сўз, табаррук сўз!»

Азиз домла қандайдир бўлакча ҳурмат билан жилмайиб қарайди. У Нодирни ёшлигидан севади, уни ўзининг энг яхши шогирди деб билади, ҳамиша ундан фахрланиб юради.

— Бизни қўявер,— дейди у қўлини Нодирнинг тиззасига қўйиб.— Қани, ўзингдан гапир. Қалай, диссертация битдимми?

Нодир рўмолчаси билан бўйнини, юзларини артади, қошларини чимириб, хиёл сукут сақлайди.

— Битди, — дейди у ниҳоят. — Авторефератниям ёзиб тарқатганмиз. Башарти бобой бунақа бўлмаганлариди эди... — У кўз қири билан уста ётган томонга бир қараб қўяди, — келаси ҳафталарда ёқлаган бўлардим. Энди кузга қолиш хавфи бор, аммо бобой бунақа бўлганларидан кейин... илож қанча?

Ўртага жимлик чўкади.

•Ҳа, бобой,— дейди уста.— Бобой...•

Бу сўз, эҳтимол, Нодир уни шу маҳалгача «дада» деб чақиргани учундир, қулоғига ғалати эшитилади, негадир дилини оғритади.

Бир ойдан бери ёпишиб олган бу дард асабларини қақшатиб қўйган эканми, ё Нодирни азалдан яхши кўргани учунми, ишқилиб, бурноғи кун эрталаб келин иккиси кириб келганлариди, устанинг кўнгли бирдан эриб, қўлларини ёғоч каравотнинг қирраларига тираб, ўрнидан тура бошлади. Лекин шу пайт, худди уни биринчи марта кўргандай тикилиб қолган Нодир шошиб қўлларини чўзди:

— Қўзғалманг, қўзғалманг!— деди у энтикиб. Сўнгра каравотнинг четига ўтираркан:

— Ҳа, бу қандай бўлди, бобой?— деб сўради.

Қизиқ, уста шу сўзни эшитди-ю, Нодирни кўрганида тарқагандай туюлган дармонсизлик аъзойи баданини қайта чулғаб олди. У остонада ранги ўчиб турган келинига: «Омонмисан, болам?»— деди-да, ўзини ёстиққа ташлади...

Шундан бери уста «бобой» сўзини Нодирнинг оғзидан ҳар кун бир неча марта эшитади, бироқ, ажабо: унга ҳеч ўргана олмайди...

Ўртага чўккан сукутда Икромнинг гўлдираган овози эшитилади:

— Ҳа, бобой... бобой молодец, шифо берса ҳали отдай ўйнаб кетадилар.

Нодир оёқларини йиғиштириб чордона қуриб ўтирди, бир-икки марта йўталиб қўйди.

— Ҳа, албатта,— деди у. — диссертацияни олдинроқ ёқлаш ҳам мумкин эди. Аммо ўзларингдан қолар гап йўқ. Оила қурдик. Янги уй, янги рўзгорнинг ташвиши ҳам осон бўлмас экан...— у кўпроқ домлага мурожаат қилар, домла эса, бошини тез-тез ирғаб, кулимсираб қўяди.— Илгари бошимизга тушмагунча

билмас эканмиз,— дейди Нодир кулиб. — Ипидан-игнасигача деганларидек, қозон-товоғу, чўмичгача муҳтож бўларкансиз, киши. Тўғри, бобой ёрдам бериб турдилар. Буни инкор этиш адолатдан бўлмайди. Лекин оила бўлгач, моддий ва маънавий эҳтиёж ҳам минут сайин ўсиб бораркан... Аммо... — Нодир қийғир бурнининг учларидаги терларни бармоғи билан сидириб ташлаб илжаяди. — Аммо бу ташвишлардан қутулиб олдик. Борсаларингиз кўрасиз, ҳеч нарсадан муҳтожлигимиз йўқ. Ҳаммасини саранжом-саришта-лаб олдик...

«Саранжом-саришта,— дейди уста.— Қозон-товоқ...»  
Самад секин йўталади:

— Диссертациянгининг темаси?.. — дейди у қошларини чимириб.

— Темаси... — Нодир бир қўзғалиб қўяди, пешанасини артади.— Шу соҳада мўътабар бўлмаган кишиларга бир қадар ғалати туюлиши мумкин. «Бақанинг асаб системаси...»

— Йўқ, йўқ, нега? — дейди Самад.

— Гап шундаки, бақа билан одамнинг асаб системаси ўртасида маълум яқинлик бор. Мана, домла биладилар.— Нодир Азиз домлага юзланади, домла шошқалоқлик билан бош ирғайди:

— Албатта, албатта,— деди у лабларини силаб.

«Бақа, — ўйлайди уста,— одам, асаб...»

Тўсатдан у бу гаплардан боши оғрий бошлаганини сезади, бор кучини тўплаб ёнига ёнбошлаб ётади. Ётган заҳоти юзини майин тоғ шабадаси силаб ўтади, димоғига райҳон ҳиди уради. Уста бошини кўтариб олманинг соясига қарайди. Соя у мўлжаллаган жойга борибди: демак, Абдуллажоннинг қайтиш маҳали яқинлашибди.

Мана, бир ой бўлтики, Абдуллажон, қурилаётган шифохонада унинг ўрнига усталик қияпти. Ҳар куни кечқурун ишдан қайтганидан кейин устага ҳисобот беради.

Уста кўнглининг бир четида бу бино ундан қоладиган сўнги ёдгорлик бўлишини сезгани учунми, ё бу ишни савоб деб билиб, тўшак ёзиб ётиб қолгунгача унга бор кучи, ҳунари, меҳр-муҳаббатини бериб келгани учунми, ишқилиб, ҳар куни Абдуллажоннинг йўлига интизорлик билан тикилар, унинг қурилмиш тўғ-

рисидаги гапларини эшитаётганда эса ҳатто оғриқ ҳам эсидан чиқиб кетарди.

Шифохона ярми район ҳисобига, ярми колхоз ҳисобига қурилмоқда эди. Ўзи унча каттаям эмас, саккиз хоналик оддийгина бир бино эди. Лекин ўтган йил район катталари айни иш қизиган бир маҳалда, шаҳардан копток тепадиган майдон қуриш баҳонаси билан ўз улушларини олиб қўйдилару (копток тепадиган майдон қаёқда-ю, шифохона қаёқда?), колхознинг қуввати етмасдан, қурилиш тўхтаб қолди. Башарти уста масалани йиллик-ҳисобот мажлисида кўтариб чиқмаганида, эҳтимол, бу йил ҳам битмас эди. Мана энди раис ҳам хурсанд, аҳли қишлоқ ҳам.

Уста шу бинони битказсам бас, кейин кампирнинг ёнига жўнасам ҳам розиман деб ўйлаганди, аммо ниятига етолмади — унинг тўрт деворини тиклаб, энди устани ёпаман деб турганида тўшак ёзиб, ётиб қолди.

Устанинг хаёлини рўпарадаги шафтолизорда пайдо бўлган бир тўп болалар бўлиб юборди. Болалар орасида Абдуллажоннинг иккита ўғли билан Нодирнинг кизи Фируза ҳам бор эди. Қизиқ: уста шу неварасига бўлакча меҳр қўйганди. Айниқса, унинг кўзларини яхши кўрар, унинг ҳамиша кулиб турадиган чарос кўзлари устага негадир кампирни, тўғрироғи, унинг ёшлик чоғидаги кўзларини эслатарди... Нодирлар келгунча Фируза ҳам Абдуллажоннинг болаларидай кийим-боши лой бўлиб, яланг оёқ, яланг бош чопқиллаб юрарди, онаси келгач, қизига калта оқ қўйлак кийгизиб, сочларига оқ лента боғлаб қўйди. Мана энди дарахтлар орасида бир қарашда шохдан шохга учиб қўнган ниначига, бир қарашда капалакка ўхшаб яйраб-яшнаб юрибди.

• Ишқилиб умри узоқ бўлсин... •

Уста унинг шўх қилиқларини суқланиб кузатаркан, хаёлига фавқулудда бир фикр келди, у Нодирни ҳам бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ севган, болалигиданоқ унга муҳаббат қўйганди.

Эсида бор: урушдан олдин уста йигирма тўрт хоналик янги мактаб солган, тўғрироғи, ҳамма усталарнинг тепасида туриб, қурилишга бошчилик қилганди. У маҳалда умуман қурилиш кам экан чамаси, унинг бошланиши қишлоқда катта воқеага айланган, фақат колхозчилар эмас, ўқитувчилар ҳам ишга енг шима-

риб киришгандилар. Ушанда баъзан тушда, баъзан кечқурун Нодир устага овқат олиб келарди. У пайтда Нодир ё иккинчи, ё учинчи синфда ўқир, ўзиям устага ўхшаган новча, озгин, аммо юлдузи иссиққина, ниҳоятда озода бир бола эди. Уста уни ҳаминша ёнига ўтқазиб бағрига босарди. Уни бошқалар ҳам очиқ чеҳра билан қарши олишар, эркалашар, ўқитувчилар эса бири биридан ошириб мақтаб кетишарди. Айниқса, Азиз домла кўп мақтар, «ўзи иккинчида-ю, аммо зеҳни бешинчи синф боласининг зеҳнидан ўткир буни!» дерди қайта-қайта таъкидлаб ва бу билан даврадагиларга: «Сенларнинг фарзандларинг ҳам шундоқ бўлсин» демоқчи бўларди.

Дастлабки пайтларда Нодир бу гаплардан жуда ийманар, юзини устанинг елкасига яширар, уста эса кулиб қўя қоларди. Лекин Нодир бу гапларга ўрганиб қолди, ҳатто мақтов кутиб одамларнинг оғзига қарайдиган бўлди.

Сўнгра уруш бошланди-ю, ҳар ким ўз гами, ўз ташвиши билан бўлиб қолди. Аммо уруш тамом бўлгач, бу гаплар қайта бошланди. Бу сафар Нодирнинг шуҳрати тонг юлдузидай чарақлаб кетди, бир-икки марта газетада сурати босилиб чиқди, ёш бўлса ҳам баланд минбарлардан гапирадиган, чет элдан келган меҳмонларни табриклайдиган одат чиқарди, ўқитувчилари эса катта олим бўлишини каромат қила бошладилар. Аста-секин уста ҳам унга бошқача қарайдиган, у билан фахрланадиган бўлди. Ўзиям китоб мутолаа қилишдан, бошқа ҳамма рўзгор ишларидан озод бўлди. Бир жиҳатдан шундай қилганлари ҳам чакки бўлмаган экан, мактабни юксак баҳо билан тугатди. Кейин шаҳарга кетди. Уста ундан топганини аямади. Абдуллажон ҳам ойма-ой қарашиб турди. Нодир бу сафар ҳам яхши ўқиди, яхши ўқигани учун бўлса керакки, шаҳарда олиб қолишди... Бу жиҳатдан уста ўғлидан мамнун, ҳатто узоқ вақт жимиб кетганида ҳам ранжимаган, негаки, улуғ мақсад йўлида юрганини тушунар, бу тўғрида домлалар, айниқса, Азиз домла гапирганда, кўнгли тоғдай ўсарди. Ҳалиям бўлса уста ундан ранжимас эди, фақат бир нарса унга ғалати туюлади: шунчалик ўзгариб кетган, илгариги Нодирга, устанинг ўзидай новча, қадди-қомати келишган ўғли Нодирга сира ўхшамайди.

Тўсатдан уста ичидаги типратикан бир ағнаб, юрагининг тагига қаттиқ қадалганини, оғзи, томоқлари қуруқшаб қолганини сизди.

Бош томонида сопол кўза, кўзада муздай қатиқ. Уста ичини аланга олганда қатиқдан бир-икки қошиқ ичади. Лекин ҳозир буни ўзи олиши керак, токи улар сезиб қолишса, ҳаммаси сапчиб туришади, яна ўша жонга теккан бир хил савол-жавоблар бошлади...

Уста бор кучини тўплаб, ўнг ёнига секин ағдарила бошлади, бироқ қанчалик аҳтиёт бўлмасин, Самад пайқаб қолди чамаси, ўрнидан сакраб турди.

— Уста ака!

Самадан кейин Нодир ҳам оғир қўзғалди:

— Ҳа, бобой, нима гап?

— Йўқ-йўқ, — деди уста, — ўзим, бир қошиқ қатиқ...

У Самад тутган қатиқдан икки-уч қошиқ ичди. Муздай қатиқ, назарида, худди жиз-жиз куйиб турган жойига бориб тегди-ю, ором берди. У ўзини ёстиққа ташлаб кўзаларини юмганди, Самад энгашганини сезиб, қайта очди.

— Хўп бўлмаса, уста ака, — деди Самад, — яхши ётиб туринг...

— Барака топ, болам.

— Рангингиз анча яхши. Умуман... у ёққа кўп шошаверманг, уста ака. Ҳали қиладиган иш кўп-а, ўзингиз биласиз-ку?

Самаднинг кулимсираганини кўриб, уста ҳам жилмайди. Сўнгра яна кўзини юмди.

«Кўп бамаъни йигит. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин! Шу раис бўптики, колхознинг иши юришиб, турмуш пича тузалди. Ташвиши бошидан ортиб ётибди-ю, ҳар куни, жилла бўлмаса, кун ора бир келиб хабар олиб кетади...»

Уста ўз ўйлари билан бўлиб, кўзи илинганини пайқамай қолган экан, бир маҳал Абдуллажоннинг овози қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди.

Ўрнидан қўзғала бошлаганди, остонада Абдуллажон кўринди.

Устанинг ўзидай, балки ундан ҳам озгин, новча, шунчалик новчаки, яғриндор бўлишига қарамасдан, хипча, ҳатто нозик кўринади. Калта қирқилган, аммо

қалин қора соқоли, учлари сағал олифталик билан буралган мўйлови юзининг чўзиқлигини билинтирмайди.

— Уйғоқмисиз, дада?— овози бўғиқ, аммо мулоғим.

Уста бошини қимирлатди. Абдуллажон четроқдаги стулни каравотнинг ёнига суриб ўтирди, энгашиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

— Худога шукур...

— Оғриқ, босилай дедими?

— Оғриқ...— деди уста. — Шу гап кимга керак, болам?

Абдуллажон тирноқлари синиб, ёрилиб кетган узун бармоқлари билан мўйловининг учини тўғрилиб, кулимсиради. Шунда худди раҳматлик онасиникига ўхшаган қуралай кўзлари ҳам кулди-ю, чеҳраси ёришиб кетгандай туюлди. Шу сабабданми ё бошқами, уста унинг ниҳоятда кўҳлик, хушбичим эканини, қирқдан ошганига қарамасдан ҳали жуда ёш кўринишини кўнглидан кечирди. Уста ўзи ҳам шундай бўлган — эллик ёшида уни ўттиз беш-қирқ яшар деб ҳисоблашарди.

Абдуллажон ҳисобот бера бошлади.

— Бугун, ниҳоят, бинонинг устини ёпиб бўлишди. Аммо, на шифер, на тунока топилмагани учун қора қоғоз билан ёпишди. Эрталаб, эҳтимол ганч сувоққа киришсалар.

Бунинг ҳаммаси деярли маълум гаплар эди. Лекин уста одатда унинг бу гапларини зўр эътибор билан эшитар, маслаҳатлар берар, гоҳ койинса, гоҳ қувонарди. Бугун эса, гарчи Абдуллажонни ҳар кунгидай сабрсизлик билан кутган бўлса ҳам, унинг гапларига одатдагидай эътибор қилмас, гапидан ҳам кўра кўпроқ нигоҳини, худди кампирникига ўхшаш қуралай кўзларидаги илиқ, майин табассумни кузатиш билан банд эди.

Улар йигирма беш йилдан бери ёнма-ён меҳнат қиладилар, аммо уста шу бугунгача унинг нақадар хушбичим, мўмин-мулойим бир йигит бўлганини сезмабди! Бирор марта унинг чеҳрасига суқланиб қарамабди, ишидан, гап-сўзларидан миннатдор бўлиб: балли болам, демабди!..



Йўқ, бу фикр ҳозир устанинг дилига азоб бераётгани йўқ, у шунчаки, буни пайқамганига ажабланипти, ҳатто бу кашфиётидан қувоняпти...

Абдуллажон гапириб бўлдими, йўқми — уста буни англай олмай қолди: уйга катта келин Гулжаҳон кирди.

Уста унга кўзи тушган ҳамон қандайдир қимтиниб, безовталаниб қолди. У бир ойдан бери ҳаммадан кўра шу келинидан тортинар, ҳатто виждонан эзиларди. Ёш аёл унинг қуриб-қовжираб қолган суякларини кўриб, таъби хира бўлишидан қўрқар ва иложи борича уни ташвишлантирмасликка ҳаракат қиларди. Буни Гулжаҳоннинг ўзи ҳам сезса керак, эшикдан кирган жойида тўхтади: бўйи новча бўлса ҳам, эрига ўхшаган яғриндор, ҳатто қўллари ҳам Абдуллажоннинг қўлларидай катта-катта, меҳнатдан дағаллашиб, қотиб кетган. Фақат чакка суяклари туртиб чиққан озғин, юмалоқ юзи мулоғим, аллақандай тиниқ, қўй кўзларидан меҳр ёғилиб турибди.

— Келди-кетди билан бўлиб, сизга қарай олмай-дими, тузукмисиз, дада?

Уста сийрак, оппоқ қошларини чимиради, бошини чайқайди.

— Раҳмат, болам, ишингни қилавер, сенгаям қийин бўлди...

Гулжаҳон рўмолининг учини узун бармоқларига ўрайди, секин энтикади.

— Менга нимага ҳам қийин бўларди, дадажон, ишқилиб, сиз... худо сизга шифо берсин... — у нажот сўраган назар билан Абдуллажонга қарайди:

— Ақалли бир-икки қошиқ ош ичинг, дада, қатиқлаб берай, мадад бўлади.

— Майли, — дейди уста, — кўп эмас...

Унинг овқатга тоби йўқ, аммо Гулжаҳоннинг кўнглини қолдиргиси келмайди...

Эр-хотин секин уйдан чиқишади.

Гулжаҳоннинг келин бўлиб тушганига йигирма йил бўлди. Аммо уста унинг лоақал бир кун тиниб-тинчиганини билмайдя. Йигирма йилдан бери ҳам уйнинг, ҳам даланинг иштини ўтайди. Ҳар куни эрта наҳорда туриб, ярим кечада ётади. Кампир раҳматлик кўзини юмибдики, бутун рўзғор, ҳатто Нодиржоннинг қизи ҳам унинг зиммасида. Шундай бўлса

ҳам уста на бир марта унинг турмушдан нолиганини эшитди, на бирор муносабат билан қовоғини солганини кўрди. Аммо уста энди ўйлаб қараса, унга жабр бўлибди! Абдуллажонга айтиш керак: жонига ора кирсин, у ёқ-бу ёққа олиб борсин...

Уста Абдуллажон келтирган угра ошдан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди. Абдуллажон косани четга суриб, сўнгра қўлини устанинг қўлига қўйди.

— Нима бўляпти ўзи, дада? Шаҳардан тунов кунги докторни чақиртирсакмикин?

Уста бошини чайқади:

— Бор,— деди у,— дамнингни ол, бугун анча тузукман, дармоним йўқ, холос.

Йўқ, уста Абдуллажонни авраётгани йўқ, дард, оғриқ чиндан ҳам деярли тўхтаган, фақат беҳол эди.

Ниҳоят, у уйқуга кетган бўлса керак, туш кўрди. Гўё меҳмонхонанинг ёнида яна бир ҳужра қура бошлаган эмиш. Уни уста гўё кампир иккисига мўлжаллаган, қариган чоғимизда осойиштароқ кун кечирайлик, деб ўйлармиш. Шунинг учун ҳам кеча-ю кундуз ҳордиқсиз ишлар, ўсиям жуда чарчаган эмиш.

Бир маҳал қўлида тугун, ҳужрага кампир кириб келганмиш. Эғнида кўк кўйлак, бошида кўк рўмол, кўзларига ҳам ғалати кўк сурма қўйганмиш.

— Шу ҳужрага жуда шошилдингиз-да, дадаси,— дермиш у бошини ғамгин чайқаб.— Олдин болаларни уй-жойлик қилиб, кўнглини олсангиз девдим.

Уста мўйловини силаб кулармиш:

— Қачонгача бола-чақани деймиз? Ўзимизниям бир ўйлайлик-да. Сенга яқинроқ бўлай деб қурыпман бунини!

Уста бу гапни ҳазил қилиб, кўзларини ғалати қисиб айтармиш. Шундан кейин кампир ёшлигиндаги истараси иссиққина келинчак қиёфасига кирганмиш ва устадан уялган бўлиб юзини ўгирармиш:

— Қўйинг, ҳар нимани гапираверманг,— дермиш у ва ташқарига шошилармиш.

Уста уни тўхтатмоқчи бўлиб янтилармишу, аммо ўрнидан қўзғалолмас эмиш... Уста уйғониб кетди.

Кун чиқмаган бўлса ҳам меҳмонхона ёп-ёруғ, кўчадан подачининг: «Ҳей, ҳайда!» деган овози эшитилиб турарди.

Устанинг нафаси бўғилган, дармонсизланган эди.

У бир дақиқа қўй-қўзиларнинг маърашига қулоқ солиб тушини ўйлаб ётди. Шу пайт рўпарадаги деразанинг орқасидан икки кишининг паст, аммо асабий товуши қулоғига чалинди.

— Сиз масалага тушунмадингиз!

«Нодир!» — хаёлидан ўтди устанинг.

— Ўзи тушунмайдиган гап бўляпти-да, ука, ахир кўриб турибсан-ку!

Бу Абдуллажоннинг овози эди.

— Кўриб турибман. Аммо сиз ҳам бир мулоҳаза қилиб кўринг, ахир: башарти шу сафар ёқлаб олмасам, олти-етти ойга сурилиб кетади бу савил.

— Сурилса нима бўпти? Дадамиз бу аҳволда ётганда...

У киши яна бир йил шу кўйда ётишлари мумкин. Биламан бу дардни.

— Ҳар қанақа олим бўлсанг ҳам шу сафар пайгамбарлик қилма, ука.

— Майли.

Нодирнинг овози бирдан ўзгарди, худди кўнгли озор чеккан ёш боланинг овозидай титраб кетди...

Уста кўзини секин юмди... Қани энди бу овозни эшитмаса, билагида қуввати бўлса-ю, тескари ўгирилиб ётса. Аммо ўгирилиш у ёқда турсин, қимир эгишга мажоли йўқ, асабий овоз эса тобора баланд пардаларга кўтарилмоқда эди.

— Майли, танаси бошқа дард билмас, деб бекор айтмабдилар. Аксинча, наҳотки, менинг бутун келажаким, ҳаёт-мамотим шунга, фақат шу нарсага боғлиқ эканини тушунмасаларинг? Бу ишнинг юзага чиқиши фақат мен учун эмас, ҳаммамиз учун катта бир обрў бўлишини айтмай қўя қолай (бунга барибир тушунмайсиз!), пул деган савил ҳам бир неча марта ошади-ку: ошса зарар бўлмас дейман? Сизларгаям нафимиз тегармиди дейман?

— Раҳмат. Шу кунимизга ҳам шукур.

— Ана! Тагин пичинг отадилар.

— Хўп, — тўсатдан Абдуллажон бўғиқ йўталди. —

Аммо шуни билиб қўйгинки... ўзинг уятга қолсан, — деди у, — одамларнинг гап-сўзи...

— Мен мешчанлик ботқоғига ботиб қолган чиркин одамларнинг гап-сўзини сариқ чақага ҳам олмайман, ҳа!

Бир дақиқа ғалати жимлик чўкди, сўнгра Абдуллажон:

— Шунақами?— деди секин.— Майли бўлмаса, ўзинг биласан...

Овозлар тинди, вазмин қадамларнинг «гурс-гурс»и эшитилди...

Устанинг кўзи секин очилди. Назарида, ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит, ҳовлида тирик бир жон қолмаган эди.

«Нодирмиди у ё уста янглишдими? Наҳот Нодир, унинг кенжатойи, эркаси, фахри — Нодир шу гапларни айтса?...»

Уста нимадир томоғидан қаттиқ бўғганини, икки томчи илиқ кўз ёши чуқур ботган ёноқларига юмалаб тушиб, соқолига сингиб кетганини ҳис этди...

«Бу... сенга нима бўлди, қария?»— деди уста, лекин худди шу саволни кутиб тургандай, кўз ёшлари соқолига оқиб туша бошлади. Назарида, бошига оғир мушкул тушган маҳалда ҳам бунчалик эзилмаган, хўрланмагандай эди. У умрида биринчи марта шундай йиғлаши эди, айни маҳалда кўз ёши оғриган кўнгилга тасалли беришини ҳам биринчи дафъа ҳис қилиши эди...

Ҳар холда бир оздан кейин Абдуллажон кириб келганида, уста уни одатдаги қиёфада қарши олди, сўнгра ишга боришга ижозат этди-да, Нодирни чақириб юборишини илтимос қилди.

Абдуллажон бир дақиқа қошларини чимириб, савол назари билан тикилиб қолди, кейин индамай чиқиб кетди-да, хиёл ўтмасдан Нодирни бошлаб кирди.

Нодирнинг эғнида ипак пижама, оёғида ўша шиппак, фақат кечаси яхши ухламаганми ё кечқурун ичкилик қилишганми, ишқилиб, қовоқлари шишинқираган, кўзлари ҳам кичрайганга ўхшар, ранг-рўйи ҳам қандайдир тунд эди.

— Қани, ўтир, ўтирларинг-чи,— деди уста,— бир оғиз гапим бор...

Нодир Абдуллажоннинг ёнидаги стулга ўтираркан, унга ер тагидан бир қараб қўйди.

Уста бир оз сукут сақлаб, ўзини босиб олди.

— Мен бугун анча тузукман,— деди у ниҳоят,— уйқум тинч бўлди, оғриқ ҳам қўйди ҳисоб... Сен дол-

зарб маҳалда келганга ўхшайсан,— уста кўзларини секин очиб, Нодирга тикилди. Нодирнинг узун, қийғир бурни бирдан ялтиллаб кетди, у шошиб рў-молчасини қидира бошлади.

— Йўқ, гап унда эмас...

— Мен... иккаловингдан ҳам розиман. Сен ҳам рози бўл, болам...— уста кўзини юмди. Уртага оғир сукут чўкди, сўнгра Нодирнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Иш бўлса, бир гап бўлар... Сиз бу аҳволда ётганда...

Уста кўзини қаттиқроқ юмди, ҳаво етишмаётгандай бўлиб, чуқур тин олди.

— Аҳволим... Аҳволимга нима бўпти?— деди у.— Бу дард ўзи шунақа: бир йилга чўзилса ҳам ажаб эмас...

Нодир кўзларини отасининг юзидан узиб, очиқ деразадан боққа қаради.

«Бу бобой нима демоқчилар ўзи? Ё унга пичинг отмаган энди шу киши қолганмиди?»— Нодирнинг юзига қуйилган қирмизи бўёқ секин тарқади.— Ҳа, булар учун, бутун қишлоқ учун у катта олим, турмушда кам-кўсти йўқ. Мана, тўрт йил бўптики, бир кун тиниб-тинчимасди. Кундуз диссертация устида тер тўкса, кечалари чакана иш олди: мақолалар ёзди, кечки мактабларда дарс берди. Фақат тирикчилик тебратиб, инсонга ўхшаб кун кечириб учунгина қилди бу ишларни.

Рост, бобой ҳам ёрдамлашиб турди унга. Буни Нодир инкор этмайди, инкор этиш адолатдан эмасди, аммо унинг ёрдами Нодир учун, ёш оила учун мисоли, дарёдан томчи эди, холос! Буни на ота тушунди, на ака, Нодир ўз ёғида ўзи қовурилди. Ниҳоят иши юришиб, эрта-индин ёқлаб мен ҳам ёруғликка чиқаман деб турганда бундай бўлди!..

Албатта, бобой жўрттага касал бўлгани йўқ. Лекин...

Майли, нима дейишса ҳам ихтиёр ўзларида. Фақат... кўнглида уйғонган тугёнга йўл бермаслик керак, холос... Жаҳл чиққанда ақл қочади дейдилар. Индамай энгиш керак буларни!»

Уста бошини секин ирғатди:

— Вас. Гап шу. Рози бўл, болам!— деди у эшитилар-эшитилмас, кейин бошини қуйи солиб ўтирган Абдуллажонга юзланди:

— Келинга айт, менинг яктагим билан ҳассамни берсин...

Уста бир неча дақиқа кўзларини юмиб қимир этмай ётди: у Нодир чиқиб кетишиниям-кетмаслигиниям билмай ўтирганини сезди, аммо чурқ этмади, зотан чурқ этишга мажоли ҳам йўқ, дилида уйғонган аўр ғалаён билан олишмоқда эди.

Ниҳоят, Абдуллажон, унинг кетидан Нодир ҳам қўзғалди.

— Майли, ишқилиб, омон бўл!— деди уста энтикиб.

Бир оздан кейин «шип-шип» этган овоз эшитилди. Уста Гулжаҳонмикин деб ўйлади, бироқ оёқ товуши ниҳоятда енгил эди. Шу пайт кўзи яктагини стул суянчигига илаётган қўлларга тушди: бу қўллар, тилла занжир чуқур ботган юм-юмалоқ билаклар оппоқ пуфакка ўхшарди.

Уста кўзини юмди. У ўрнидан туришга аҳд қилганди. Туришга мадори етармикин? Аммо турмаса Нодир кетмайди, негаки боя уста қанча уринмасин, гапи хиёл илмоқли чиқди чамаси, довдираб қолди.

Довдирамасин! Иши шунчалик зарур экан, бора-версин. Унинг тобути устида бир одам ортиқ бўлди нима-ю, кам бўлди нима?

Уста оёқларини қимирлатиб кўрди, худди чўян! Гўё белидан юқори томонида жон бору пастида жон йўқ!

Аммо туради, чўян тугул симобдан ясалган бўлса ҳам туради у.

Уста қўлларига бутун кучини тўшлаб, тирсакларини каравотнинг четларига тиради, сўнгра тишини тишига қўйиб, қаддини тутиб ўтирди. Нафасини ростлагач, чойшабни очиб, оёқларига қаради, қаради-ю, жўзларида илиқ табассум пайдо бўлди: ахир, наҳотки унинг оёқлари шунчалик узун, бесўнақай, хунук бўлса-ю, у ҳеч қачон буни сезмаган бўлса!

Ниҳоят, уста қўлларини каравотга тираб секин гура бошлади, аммо энди қаддини ростлаб олганида, қўсатдан, кечадан бери тинчиб қолган типратикан, каварида, уйғониб кетди-ю, бир ағдарилди.

Уста кўзларини юмганича қотиб қолди. Хайрият, гипратикан фақат бир ағанаб тинчиди...

Эгнида узун яктак, қўлида ҳасса — уста тўсатдан ҳовлида пайдо бўлганида ҳамма, ҳатто ёш болалар ҳам бирдан жим бўлиб қолишди.

Уста ҳассага суянганича кўзларини юмиб айвонда анча турди.

Ҳовли гарчанд қуюқ сояга чўмган бўлса ҳам жуда ёруғ кўринди унга. Дарахт япроқлари гўё гард юқмагандай тиниқ, ям-яшил эди. Айвоннинг олдидаги, сўрининг теварагидаги ҳар бири пиёладай атиргуллар эса шундай очиқ қизил рангга бўялган, хиналар шундай нафис пушти рангга чўмилган эдики, дилини равшан қилиб юборди унинг!

Ҳаммадан олдин болалар шов-шув кўтаришди. Улар еб ўтирган қаймоқларини ташлаб чопиб келишди. Фируза устанинг оёғини қучоқлаб, тиззасига юзини ишқалади. Ошхонадан икки коса овқат кўтариб чиққан Гулжаҳон, севинганидан, овқатни қаёққа қўйишини билмасдан қолди.

— Вой ўлмасам, нима бўлди, дадажон, ё ҳовлига жой солиб берайми?— деди у устага гирдикапалак бўлиб.

Ниҳоят, сўрида кичик келин билан нонушта қилиб ўтирган Нодир ҳам етиб келди:

— Ие, бу қандоқ бўлди, бобой? Турниш ман қилинган эди-ку сизга?

— Сен қачон кетмоқчисан?— деди уста унинг сўзини бўлиб.

Нодир елкасини қисди, ўнғайсизлангандай жилмайди.

— Билмадим энди, сиз бу аҳволда...

— Аҳволимга нима бўпти? Айтдим-ку, тузукман деб! Мана... Шифохонага боряпман... бир хабар олиб келмоқчимая...

Нодир яна ўнғайсизланиб кулимсиради.

— Қайдам. Боя раисдан машина сўрагандик. Аммо, тўғриси айтинг: мабодо ҳалигидақа... Сиз турганда ҳар қанақа иш бўлсаям!..

Нодир сўзидан адашиб, дудуқланиб қолди. Уста секин ерга қаради:

•Машина сўраб кўйиб, тагин бу гапни айтасанми, болам?•

— Хўп, мен кетдим, мендан хавотир олма,— деди уста.— Кўриб турибсан, тузалиб қолдим.

У бошини кўтарди, назарида, тўсатдан иликларига қандайдир бир куч қуйилиб келгандай, ҳатто чўяндай оёқлари ҳам енгиллашгандай туюлди унга.

Қуёш терак бўйи кўтарилган бўлса ҳам кўча салқини, деворлардан осилиб тушиб, чирмашиб кетган олча ва гилослар ажойиб бир чодир ҳосил қилган.

Олчалар териб олинган, ўриклар ҳам хазон бўлган, фақат чанг япроқлар орасида чуғурчуқ чўқиган ва туршак бўлиб қорайиб қолган мевалар кўзга чалинади.

Уста гузарга буриладиган жойга етганида, чап қўлдаги боғ эшикдан катта саватда олма кўтарган бир кампир чиқди. Устани кўрди-ю, саватини ерга қўйиб йиғлаб юборди:

— Вой, айланай, уста акажон, тузалиб кетдингизми?

Уста аёлнинг ажин босган озғин, қорамағиз юзига, ёш билан пардаланган нурсиз кўзларига хиёл тикилиб турди-ю, тўсатдан, уруш тамом бўлган йили кузда, биринчи ёмғирдан кейин бу жувон эрталаб унинг олдига йиғлаб келганини, ёмғирда уйининг бир томон девори қулаб тушиб, тўрт боласи билан кўчада қолганини гапириб бергани эеига тушди.

Уста ўшанда, гарчи совуқ тушган бўлса ҳам, паҳса девор олиб уйини тузатган, томини ҳам суваб берганди.

«Ўшанда хўп бамаъни иш бўлган экан, савоб иш...» — ўйлади уста аёлнинг фронтда дом-дараксиз кетган эри ҳам ёдига тушиб...

Шу бўлди-ю, уста йўл-йўлакай ўзи қурган уйларни кўздан кечириб кетди. Санаб қараса, гузарга етгунча ўн олтита уйни ўз қўли билан қурган экан.

Бу уйлар сал илгарироқ солинган бўлиб, кўпчилиги қамиш билан ёпилган, аммо шундай бўлса ҳам мустаҳкам, яна юз йил турадиган, ихчам, хушбичим бинолар эди! Ҳозир одамлар қамишни менсимамай қўйишди, томини шифер, ҳатто тунука билан ёпишади, элликдан ортиқ хонадон шунақа янги уйларга кўчиб ўтишди. Бу уйларни ҳам, ярмини деса лоф урган бўлар, учдан бирини Абдуллажон билан бирга уста қурган!

Ҳа, уста қурилишни севарди! Бундан беш йил муқаддам бир кунда беш минг гишт терган пайтлари бўлган!.. Гоҳо йигитлардан иккитаси унга гишт ташлаб



етказа олмас, уста эса уларни шундоқ илиб оларди-ю, териб кетаверарди. Ёишти ҳам аини кўзлаган жойига бориб тушаверар, унинг бу ишини томоша қилгани ман-ман деган усталар келишарди...

Гузардаги анҳорнинг бўйида, мажнунтоллар орасига яширинган шинамгина чойхонадан йигитларнинг хушчақчақ қаҳқаҳаси эшитиларди. Улар устани узоқдан кўриб қолиб, «гур» қўзғалиб, пешвоз чиқишди. Таниш чойхоначи, шошганидан бўлса керак, чойнагини ҳам қўймасдан югуриб келди.

— Э, вой, уста акамларми? Бормисиз? Балли сизга, балли!..

Уста бутун оғирлигини ҳассага ташлаб мажнунтолнинг тагида (бу толнинг соясида не-не гулгун суҳбатлар ўтганди) бир нафас турди, кўнгли, бутун вужуди билан сўрига ёнбошлаб дам олгиси келади, лекин ўтирса қайта тура олармикин, туришга мадори ётармикин?

— Раҳмат! — уста бошини чайқади. — Мен шифохонани бир кўрай дедим...

Қурилаётган шифохона гузардан атиги юз эллик қадам нарида эди. Бу масофа устага Маккадан ҳам узоқ туюлди. Аммо кўча юзида қад кўтарган баланд пештоқли бинога кўзи тушиши билан бу чарчоқнинг ҳиссаси чиқиб кетди!

Шифохонанинг лойиҳасини уста ўзи чизганди. Бошда шаҳардан келган лойиҳа бўйича хоналарнинг ҳаммаси қуёшга тескари эди, сабаби — бетоблар учун соя-салқин лозим эмиш! Бўлмаган гап! Авваламбор, оламда тирик бир жон йўқки, унга эфтоб ёқмаса, қолаверса, дард деган нарса кўпроқ қари-қуриларга ёпишади, қари одамга эса, дори-дармондан кўра ҳам кўпроқ иссиқ керак!

Ҳа, уста лойиҳани тузатиб тўғри қилган экан. Шифохона жуда серқуёш, ихчам бир бино бўлибди! Лекин устани бир нарса салгина ранжитди: қурилиш тугаган бўлса ҳам, атроф ахлатга тўлиб ётарди!

Уста буни Абдуллажонга айтишга аҳд қилди, аммо кириб бориши билан қурилишда шундай шов-шув кўтарилдики, уста ўйлаган гапларини ҳам унутди.

Илк таажжуб ва шодлик хиёл босилиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин, уста ичкарига кирди.

Одамларнинг самимий қувончи сабаб бўлдими ё бинони кўриб кўнгли кўтарилиб кетдими, ишқилиб, чарчоқ тарқаб оёқларига қувват киргандай туюлди-ю, хоналарни битта-битта айланиб чиқди. Иш кеча Абдуллажон айтгандек борар — ҳамма хоналар сомон сувоқдан чиқарилиб, ганч сувоққа киришилган эди.

Сомон сувоқ чакки бўлмаган: фақат бир-икки хонанинг бурчаклари нотекисроқ чиққанди. Бунинг сабаби—газчўп ишлатишни яхши билмасликда эди. Уста буни айтмоқчи ҳам бўлди-ю, кейин бу ўйидан қайтди, чунки нотекис жойларни ганч сувоқда тўғри-лаб юбориш қийин эмас эди, қолаверса, уста умуман камчилик қидиришни ёқтирмас, буни «қариллик касали» деб биларди.

Уста хоналарни айланиб бўлиб, ташқарига чиққач, ҳамма унга жимгина тикилиб қолганини кўриб, шогирди Комилжонга юзланди:

— Раҳмат!— деди секин, сўнгра чуқур нафас олиб қўшимча қилди:— Кўп яхши иш бўпти, балли, азаматларим!

Уста азалдан шогирдларини кўп мақтамас, мақтагиси келганда: «Балли, азаматлар!» деб қўярди. Аммо бу икки оғиз сўз шогирдларига гўё қанот боғларди. Бу сафар ҳеч ким чурқ этмади. Уста одамларнинг юзига яна бир қаради-ю, дарҳол тушунди: афтидан, унинг аҳволи яна ҳам оғирлашганга ўхшайди...

— Машина чақиртирайми, дада?— деди Абдуллажон. Уста бошини чайқади.

— Йўқ, асло!

— Бўлмаса ўтиринг, бир оз дамингизни олинг, устоз.

Бу гапни Комилжон айтди, аммо уста яна бошини чайқади.

— Йўқ, ўзим аста-аста...— деди у, кейин атрофидаги ўраб олган одамларга тикилди.

— Мен розиман, чироқларим,— уста энтикди.— Рози бўлинглар..

— Розимиз, мивг марта розимиз, устоз...

Бурилаётиб, бир неча киши ганч юқи қўллари билан кўзларини артаётганларини кўриб қолди. Абдуллажон билан Комилжон орқасидан баравар эргашганларини сезиб, тўхтади:

— Хотиржам ишлайверинглар, мен ўзим аста-секин етиб оламан...

...Уста ҳовлига етганида, ҳолдан тойган, зўрға турарди. Эшик олдида раиснинг «Волга»си кўринар, афтидан, Нодирлар жўнаб кетаётган бўлса керам, қўни-қўшни, хотин-халаж йиғилган эди.

Уста етиб борганида, ичкаридан нимагадир қизариб кулган келини билан Нодир, уларнинг кетида катта тугун кўтарган Гулжаҳон чиқди.

Устани кўриб ҳамма, ҳатто «Волга» теварагида қий-чув қилишаётган болалар ҳам бирдан жимиб қолишди.

Нодир «бобой» юзма-юз келишини кутмаган эканми, уни кўриб доврираб қолди.

— Қалай, бобой... чарчаганга ўхшайсизми?

Тўладан келган қип-қизил юзини тер босиб, чуқур ботган кўзларида изтиробга ўхшаш бир ифода жилва қилди.

Йўқ, устанинг ундан ранжиши адолатдан эмас! У ҳам одам! Афтидан, у ёқдаги иш ниҳоятда зарур бўлса керакки, ўзиям хижолат чекапти!

— Ҳа, чарчадим... Чарчадим, холос.— Уста четроқда турган ва энди қандайдир жимиб, бошини эгиб қолган келинга бир қараб қўйди.— Хайр, омон бўл, болам, омон бўлинглар...

Ҳовлининг сатҳи кўчага қараганда бир оз баланд. Ишқилиб, йиқилиб тушмаса бўлгани. Йўқ, хайрият йиқилмади. Мана сўри. Яна олти-етти қадам босса — айвон. Устунга суяниб хиёл дам олиш мумкин... Ажабо: худди оёқлари йўққа ўхшайди. Аммо, оёқлари бўлмаса ҳам босиб ўтади шу масофани! Ҳеч кимнинг ёрдамисиз, фақат ҳассага таяниб ўтади бу масофани!

Ҳа, ҳаракатда баракат деб бежиз айтмаганлар! Мана, уста каравотининг олдида турибди. Барака топкур Гулжаҳон тўшагини янгилаб, ёстиқларини тўғрилаб қўйибди.

Уста бир амаллаб яктагини ечди, ҳассасини четга суяб қўйди. Сўнгра худди жазирама ёз куни сувга шўнғиган одамдай, роҳат билан, бўлакча бир лаззат билан тўшакка секин чўзилди...

... У вақт ҳисобини билмай қолди, бир ўйида кўзи илингандай, бир ўйида ҳушидан кетгандай туюл-

ди унга, ўзига келиб кўзини очганда эса, назарида, қўл-оёғидан айрилгандай эди! У тўсатдан умри ту-гаганини, эҳтимол, шу кечадан ўтмаслигини, балки ундан ҳам олдин жон таслим қилишини тушунди. Аммо бу фикр унинг дилида на қўрқув, на бир аф-сус уйғотди! Аксинча, кўнгли осойишта, дили равшан эди. Унинг қалбидаги бу туйғу кун бўйи қаттиқ иш-лаган ва ўз ишидан мамнун бўлган одамнинг уйқуга кетиш олдида ҳис этадиган кечирмаларига ўхшарди!..

Хаёли худди қўқон араванинг ғилдирагидай ваз-мин ва секин айланарди: ҳа, у энди кампирнинг қо-шига боради! Уста унинг қабри ёнидан аллақачон ўзи-га жой танлаб қўйган...

Бу ўй, кампирнинг ёнига бориш фикри, кўнглига бўлакча ором бергани учунми, уста бу ҳақда узоқ ўйлади, сўнгра, ўзиям сезмасдан хаёли яна қури-лишга кетди...

У эсини танибдики, усталик қилади. Аммо ҳеч қачон, ҳатто донғи узоқларга кетганда ҳам нафсга берилган эмас, бир кунлик иш ҳақини эски пул ҳисо-бида етмиш беш, янги пул ҳисобида етти сўм эллик тийиндан оширмади. Ҳатто турмуш анча яхшиланиб, қурилиш авж олиб номига уста одамлар кунига юз-юз эллик сўмга чиққан маҳалда ҳам уста ўз аҳдидан қайтмаган, фақат ўзи эмас, Абдуллажон, ҳатто шо-гирдларининг нархини ҳам шундан оширмаган эди.

Бунинг учун кўплар устани «ғалати одамга» чи-қаришган, аммо уста ўз йўлидан сира қайтмаганди. Негаки, у бир нарсага амин эди: бурунги замонда, энг яхши устанинг нархи бир пуд бугдойдан ошмас эди, ҳозир етти ярим сўмга қанча бугдой беради — тўрт ярим пудми? Ҳа, балли, инсоф қани, азизим? — дерди уста ўзича...

Ҳа, уста буни жуда тўғри қилган экан, мана, ўлим тўшагида ётиб билипти — жуда тўғри қилган экан...

Уста ўз хаёллари билан банд бўлиб, унча пайқа-маган бўлса керак, кеч кирганини Абдуллажон кириб келганидагина билди.

Устанинг унга кўзи тушди-ю, назарида, ичига яна чироқ ёқилгандай бўлиб, дили ёришиб кетди! Ҳа, Абдуллажон унинг ўзига ўхшайди, худди ўзгинаси!..

Абдуллажон стулни суриб ўтирди-да, одатдагидай эгилиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

Уста бошини қимирлатди, ўзича жилмайган бўлди:  
«Раҳмат, болам, тузукман...» Сўнгра:

— Болаларни олиб кир, кўрай,— деди секин.

— Дада,— деди Абдуллажон. Бироқ кўзи отасининг кўзи билан учрашди-ю, индамай чиқиб кетди.

Бир оздан кейин Фирузани кўтариб қайтиб кирди, кетма-кет иккита ўғлини етаклаб олган Гулжаҳон кўринди. Унинг киприклари орасида дўланадай-дўланадай ёш томчиларини кўриб, устанинг кўнгли эриди:

«Умрингдан барака топ, болам!»— деди ўзича.

Уста невараларига бир нафасгина тикилиб ётди, кейин кўзи билан имо қилди: «Бўлди».

У невараларидан мамнун эди. Фақат бир нарсадан рози бўлмади: Нодирнинг қизи ниҳоятда озода кийинган, ўзиям Абдуллажоннинг тиззасидан тушмас, афтидан, жуда эркатой эди. Гулжаҳоннинг икки ўғли эса, юпунроқ кийинган, яланг оёқ, яланг бош эди.

Абдуллажон қайтиб киргач, уста ўзига имо қилди:

— Болалар...— деди энтикиб,— ҳаммасига бирдай қаранглар. Баравар кўринглар уларни... Уқдингми?

— Тушундим, дада.

— Кейин ҳалиги... Гулжаҳонни ҳам қадрини бил... Унга жабр.

Абдуллажон бошини эгиб маъқуллади.

— Домла келдилар, Азиз ака,— деди у,— кирсалар майлими?

— Майли.

Уста бу кекса ўқитувчини яхши кўрарди. У жуда содда, ниҳоятда оқ кўнгил бир одам эканини биларди.

Азиз домла кириб Абдуллажоннинг ўрнига ўтирди. Лабларини тез-тез артиб, устага энгашди.

— Қалай, тузукмисиз, уста ака?

Уста кўзлари билан ташаккур билдирди: «раҳмат».

Домла бошини секин чайқади.

— Нодиржон... кетиб қолибди-да!— Унинг овози қалтираб кетди.

— Ҳа, кетди,— деди уста эшитилар-эшитилмас бир овозда. Уста бу сўзни астойдил, чин кўнгилдан

айтди, аммо шундай бўлса ҳам, тўсатдан нимадир томоғини гип бўғди-ю, кўзлари жиққа ёшга тўлди, сўнгра Азиз домла ҳам рўмолча қидириб қолганини кўриб, ўзини босишга ҳаракат қилди:

— Майли, омон бўлсин...

Шу гапдан кейин уста, назарида, бир зум кўзи илиниб кетгандай туюлди. Кўзини очганида домланинг ўрнида Самад ўтирар, унинг ёнида соқолини тутамлаб Абдуллажон турарди.

Уста кўзини очганини кўриши билан Самад унга томон талпинди, қўлини қўлига қўйди:

— Сизга нима бўлди, уста ака?— деди у.— Мен правлениенинг қарорини олиб келдим. Шифохонани сизнинг номингизга қўядиган бўлдик. Тўйингизни қиламиз ҳали, қаёққа шошасиз, уста ака?..

«Номингизга қўйдик... Кимга керак бу?»

Уста Самаднинг кўзлари ялтиллаб кетганини кўриб бор кучини тўплади, ўнг қўлини кўтариб елкасига қўйди:

— Сен мени қўявер,— деди титроқ бир товушда.— Халқни ўйла, болам. Ёш бўлсанг ҳам шу халққа ота бўлдинг, халқни ўйла. Бева-бечоралар бор, ўшаларни ўйла, болам, ўшаларни...

У ҳолдан кетиб, индамай қолди, ёнига тиз чўккан Абдуллажонга сўнгги марта қаради:

«Раҳмат, болам, рози бўл!»— деди заиф овоз билан.

...Устани кампирнинг қабри ёнига, ўзи ҳаёт вақтида белгилаб қўйган жойга кўмдилар. Кўмиш маросимига бутун қишлоқ кўчиб чиқди, атроф қишлоқлардан ҳам жуда кўп одам келди, фақат бир киши — Нодир бўлмади, лекин унинг йўқлигини ҳеч ким сезмади ҳам.

1963 йил.



## БАХТ ҚУШИ

Ҳ и к о я

Жамшид «Кўк сой»ни шундай соғиндики, эсига тушса кўз олдига ёз бўйи қармоқ билан балиқ тутган катта тўғон, бутун қишлоқ болалари йиғилиб кураш тушадиган, чиллак ва ёнғоқ ўйнайдиган кенг сойлик, сойликнинг четидаги нон оқизиб ейдиган муздай чашма келарди. У айниқса қўшнилари Санобар деган эркакшода қизни, унинг «Қоровой» деган катта қора мушугини кўп эслар, уларни эслаганда негадир Моҳира холанинг қўрда кўмилган жўхори сўталари-ю, муздай гўжаси кўз олдига келиб, оғайдан суви қочарди.

Жамшид «Кўк сой»ни бултур ёзда акасиникига меҳмон бўлиб борганида кўрган. Акаси билан келин ойиси эса у ерга узоқ йили, институтни битиришгандан кейин врач бўлиб боришган, қишлоқда уларни «қўш дохтур» деб аташар ва жуда ҳурмат қилишарди.

Кечқурунлари акаси Суръатжон қўштиғ милтиғини елкасига илиб атроф боғлардан мусича, тўғондан балиқчи қушлар отар, Қоровой эса худди овчи итга ўхшаб уларни йиғиб келарди. Баъзан акаси билан келин ойиси Тамиллахон сойда бекинмачоқ ўйинларига қўшилиб кетишар, сувга чиққан аёллар турна қатор бўлиб уларни томоша қилишар, «Вой ўлмасам», деб юзларини четга буришар, ёшлар эса азбаройи хурсанд бўлганларидан уларни қийқиришиб қарши олишарди. Шундай пайтларда Жамшид акаси билан келин ойисидан дил-дилидан фахрланар, акасининг чаққон ҳаракатлари, ундан қочган кенвойисининг шамолда тўзғиган бир ўрим сочлари, оловдай ёнган чиройли юзи, кулгидан чақнаган катта қўй кўзларига завқ билан боқарди.

Кузда, Жамшид кетишдан сал олдинок, акаси тажриба учун, деб уч-тўртта қуён боқа бошлаган эди. Жамшид кетишидан икки кун аввал қуёнларнинг биттаси қушчадай-қушчадай тўққизта қуёнча туққан эди, акаси сўнги хатида: «Қуёнчаларинг ҳалиям сени эсидан чиқаргани йўқ, ҳар куни: «Жамшидни соғиниб қолдик, қачон келади», деб сўрашяпти!» деб ёзди-ю, усиз ҳам тоқати тоқ бўлиб юрган Жамшидга ҳар бир соат бир йилдай туюла бошлади.

Ниҳоят, бахтиёр дам етиб келди. Ойиси майда-чуйда олиб берди. Жамшид ўзи Санобарга катта копток олди. Уйдагилар бунинг ҳаммасини бир чамадончага жойлаб, уни поездга олиб чиқиб қўйишди.

Поезд станцияга кечаси келди. Акаси негадир кўринмай, Жамшидни қарши олгани Санобарнинг дадаси — Шомурод ака чиққанди. Шомурод ака унинг қўлидан чамадонини олиб, олисроқда турган шотилик аравага бошлаб кетди.

Арава ҳам, отлар ҳам Жамшидга таниш — бу аравада у қанча марта пичан ташиган, отларни тўғонда чўмилтирган. Жамшид дили илиқ бир меҳрга тўлиб, отларнинг бошини силади, сўнг, аравага чиқиб қуруқ бедага чўзилди. Димоғига какра, ялпиз ва яна аллақандай ўтларнинг сал тахир ва хушбўй ҳиди «гуп» урди-ю, дили яйраб кетди.

Шомурод ака аравага чиқиб ўа жойига ўтираркан, қоронғида ниманидир чўзди: «Ма, болам, чиллаки ўрик. Санобар бериб юборди...»

Жамшид бир дўппи ўрикни олиб кўкрагига босаркан:

— Санобар!— деди кўнгли сув ичгандай бўлиб.— Санобар...

Арава қўзғалди. Бахмалдай тиниқ осмон оҳиста айланиб, битта-битта терилган йирик кўкиш юлдузлар дарёда оққандай секин оқа бошлади.

Жамшид кўзини юмди-ю, назарида, шу заҳотиёқ кимдир сочларини секин тортқилангандай бўлди, қулоқлари остиде қиз боланинг мулойим овози эшитилди:

— Тур, Жамшид, тура қол энди...

У кўзларини очмоқчи бўлди-ю, очолмади, киприклари бир-бирига ёпишиб қолгандай оғир эди.

— Санобар,— деди у хаёлида.— Санобар...



— Тура қол,— ёлворди Санобар.— Мен сенга лайлак кўрсатаман. Тўғондаги оқ теракка кўкламда лайлак уя солган...

Санобарнинг гапини Моҳира холанинг ўктам овози бўлди:

— Бировнинг боласига тега кўрма, ҳой, Эркакшода. Йўл юриб келган—ухласин. Ундан кўра ўрик қоқ, бола бечора турса ейди!

Жамшид ўзича кулимсиради, кўзи яна илина бошлади-ю, ёнгинасида «дув-дув» тўкилган ўрикларнинг патирлашидан уйғониб кетди.

Ажабо: Жамшид аравада эмас, сўрида ётарди! Моҳира хола Санобарни Эркакшода деганича бор, у бутун ҳовлига шох ёзиб ўсган кекса ўрикнинг энг учида катта бир шох устида депсиниб турибди. Энди чиққан офтобда унинг оддийгина қизил чит кўйлаги хонатласдай товланади, ўзиям прожектор шуъласида баланд гумбаз остида ўйин кўрсатаётган акробат қизга ўхшайди.

Жамшид ўрнидан сакраб турди:

— Санобар!

Санобар эгилиб пастга қаради, кейин худди маймундай бир шохдан иккинчи шохга сакраб, «тап» этиб ерга тушди.

Юмалоқ қоп-қора кўзлари артилган чаросдай чарақлайди, қалин паҳмоқ сочлари саватдай тўзгиган, бурун катаклари кулгидан керилган.

— Юр,— деди Жамшиднинг қўлидан ушлаб.— Мен сенга лайлак кўрсатаман!

Улар пахса девордан ошиб боққа тушишди, япроқлардаги қалин шудрингни ёмғирдай «дув» тўкиб, олчазор орасига шўнғишди.

Жамшид уст-боши шудрингдан ҳўл, яланг оёқ юришга ўрганмаган оёқларига тикан қадалиб, ҳар қадамда бир тўхтар, Санобар эса на шудрингни парво қилади, на тиканини, унинг қўлидан тортқилаб, дарахтлар орасига боши билан бузоқдай шўнғиб кириб, шўнғиб чиқарди... Тўсатдан олисроқда сойга қараб чопқиллаб бораётган нозиккина бир жувон кўринди. Жувон йўл-йўлакай эгнидаги ҳаво ранг кўйлагининг устидан оқ халат киймоқда эди.

Жамшид беихтиёр унга томон талпиниб:

— Кенной!— деб юборди.

Жувон тўхтади, дарахтлар орасидан мўралаб қара-

ди-да, чопқиллаганича келиб, Жамшиднинг пешанасидан, икки юзидан чўлп-чўлп ўпди, сўнг, ўзини сал орқага ташлаб, қуралай кўзларини «юмалоқ» қилди:

— Вой-бўё... бирам катта, бирам чиройли йигит бўпсан!..— деди Тамилла ва кулиб қўшимча қилди:— Санобарга қара: уям чиройли қиз бўлди!

Санобар:

— Боринг-э!— деди тескари бурилиб.

Тамилла Жамшидга қараб кўзини қисди. У шошапиша эсон-омонлик сўрашди, Жамшиднинг овқати ошхонада столда турганини, у эса шошаётганини, сойда «скорая помощь» кутаётганини айтди-да, чопиб кетди. Лекин сал юрмай тўхтаб қичқирди:

— Аканг қирдадир. Айтиб қўй, мен касал кўргани кетдим!

Жамшид эндигина акасини эслаб, Санобарнинг кўлидан тортди:

— Юр, олдин акамни кўрайлик.

Санобар негадир қовоғини солди, ювилган чаросдай чақнаган кўзларини ерга тикди.

— Шунақами? Акангни соғиниб қолдингми?

— Биз ҳали кўришганимиз йўқ ахир. Мен кечаси сизларникида ухлаб қолибман...

Санобар кўзлари сал қисилди, ранги ўчиб:

— Билиб қўй, Жамшид,— деди.— Аканг — ёмон одам! Кеннойинг... яхшилару, аканг ёмон одам! Ўзиям, қуёниям жонимга тегди. Тушундингми?

Жамшид нима дейишини билмай лол бўлиб қолди.

— Нега энди? Ахир бултур ўзинг бу қуёнларни...

— Лайлакни кўрасанми ё суюкли акажонингнимми?— деди Санобар ва жавоб кутмасдан боғларнинг ортидаги сойга қараб кетди. Сал юрмасдан боғ чекиниб терак бўйи келадиган чуқур жарлик кўринди. Жарликнинг тагида кенг ажриқзор сой, сойнинг у юзида тўғон, тўғоннинг устида бир-бирига туташиб кетган шафтолизор боғлар.

Жамшид тўғон бўйидаги оқ теракнинг учида пайдо бўлган катта уяни, ҳатто ундан чиқиб турган иккита лайлакнинг бошини Санобар айтмасданоқ кўрди, лекин кўнглидаги бояги илиқ нур сўнган эди, у шафтолизор боғларга, пастдаги сойга маъжос тикилди.

Бултур ёзда Санобар иккиси ҳар куни шу боғлардан дўппи-дўппи луччак шафтоли ўғирлаб чиқиб, тўғон бў-

йида ўтириб ейишар, кузда эса қўйнилари ни ёнғоққа тўлдириб, сойда болалар билан ёнғоқ ўйнашарди. У пайтларда акаси Суръатжон Санобарни жуда яхши кўрар, Жамшид ҳатто рашк қиларди. Бу йил қанақа ола мушук ўтдийкин ораларидан. Тўсатдан ён томондаги мажнунтоллар орасидан иккита боланинг боши кўринди. Уларнинг биттаси — паканагина қора бола Жамшидни кўриб ёнидаги кўк кўз болани туртди:

— Бу ёққа бир қара: бултурги олифта кепти!

— О! — деди кўк кўз кемшик тишларини кўрсатиб. — Уст-бошига бир қара: худди қизлардай гулдор кўйлак кийибди!

— Стилляг да стилляг! — кулди қора бола.

Жамшид ҳали ўзига келмаган эди ҳамки, Санобар бир ҳатлашда уларнинг ёнига борди, сочларидан «шап» ушлаб, бошларини бир-бирига уриштира кетди:

— Мана сенга стилляг! Мана сенга олифта! Мана! ✓

Санобар улардан бўлса бир ёш каттадир, лекин у шундай чаққон ва чаптаст эдики, болалар унинг қўлидан базўр чиқиб жуфтакни отиб қолишди ва анча узоқлашгандагина тўхтаб Жамшидга муштларини кўрсатишди:

— Шошмай тур сен олифта! Бир кун учрайсан ҳали!

— Бор, бор, туёқларингни шиқиллатларинг! — деди Санобар. — Бўлмаса тутиб олиб, тумшукларингни тошга ишқайман!

Жамшид Санобарни унга бўлишгани учун эмас, мана шунақа абжирлиги, «эркакшода»лиги учун ҳам яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам унинг акаси билан аразлашиб қолгани кўнглини яна оғритди.

— Санобар, — деди. — Нима бўлди ўзи? Эсингдами, бултур акам тўртта қуён олиб келганда...

— Тўртта қуёни энди юзта бўлди! — деди Санобар.

— Кузгача бутун бир ферма бўлади!

— Юзта бўлса нима қипти?

— Нима қилганини ҳозир биласан!

Санобар Жамшидни уйларининг орқасидаги ошхоналарига — сузма, ачиган қатиқ, қуриган райхон, қалампир ва яна алланималарнинг ҳиди анқиб турган катта хонага бошлаб кирди.

Ошхонанинг ўртасида, шифтдаги туйнукдан тушиб

турган бир тогора офтобда, худди занжирбанд шердай, бошини оёқларига қўйиб Санобарнинг суюклиси «Қоровой» — кучукдай келадиган бир мушук мудраб ётарди. Мушук Санобарни кўриб секин ўрнидан турди, хушнуд ғингишиб роҳат билан керилди-да, эшикка томон юрди, лекин бўйнидаги чилвир тутиб қолди.

Санобар тиз чўкиб уни қучоқлаб олди. «Қоровой» чиндан ҳам жуда чиройли, қоп-қора жунлари қундуздай майин, силлиқ, йўлбарсифат бир мушук эди.

Санобар мушукнинг олдига қосада сут қўйиб бошини силаркан:

— Мана, кўрдингми акажонингнинг қилганини? — деди Жамшидга юзланиб. — Унинг дастидан итгаям кун йўқ, мушуккаям!

Жамшид бирдан енгил тортиб кулиб юборди.

— Энди шу... «Қоровой»ни деб!..

— Нима, «Қоровой» худонинг махлуқи эмасми? — деди Санобар, кимгадир тақлид қилиб. — Агар билсанг, мушукни пайғамбар силаган. Томдан ташласанг оёғи билан тушади. Ишонмасанг, ана, ойимлардан сўра! — Санобар лабини чўччайтириб тескари бурилиб олди. — Шундай дейишингни билувдим. Ҳар қанча дўст бўл-сак ҳам акангга бўлишасан-да!

Жамшид ялиниб-ёлвориб, ўшандаям унга атаб олиб келган коптогини берганидагина Санобар сал паст тушди ва «қуён фермага» бирга чиқишга рози бўлди.

«Қуён ферма» боғнинг бошида, бир маҳаллар тупроқ олиниб, бир томони ғорга айланган тепаликнинг ён бағрида эди. Бултур тўртта қуён шу ғорда яшарди, бу йил тепалик тўқилган сим билан ўралиб, қуёнларнинг инидан илма-тешик бўлиб кетган, ўзиям ҳар бир чангал, ҳар бир янтоқнинг соясида иккита қулоқ дикрайиб турарди!.. Ғорнинг оғзида худди эндигина тухумдан чиққан оппоқина жўжаларга ўхшаш ўн чоғлик қуёнчалар дам ғуж-ғуж бўлиб, катта оқ қуённинг эмчакларига ёпишар, дам митти оёқчалари билан «тапта» ер депсиниб ўйноқлашар эди.

Санобар, бояги адоват ҳам эсидан чиқиб, ариқ бўйидаги жийдалар орасидан ўт юлишга киришиб кетди. Жамшид ҳам ариққа тушаётган эди, тепаликнинг орқасидан беда ортилган эшагини хиҳ-хиҳлаб акаси чиқиб келди.

Қизиқ: одатда беками кўст кийиниб юрадиган Суръ-

атжон, ҳозир оёғида бесўнақай этик, эғнида доғ тушган сур ранг кўйлак, бошида эски похол шляпа, камарида ўроқ, Жамшиднинг кўзига жуда ғалати кўринди. Узиям шундай озиб кетибдики, гўё шохлари буталган мирзатеракдай сўррайиб қолибди!

— Э, қаёқларда юрибсан, огайни?— деди у Жамшидни кўриб ва оппоқ тишларини кўрсатиб кулди.— Менга ёрдамчи келди деб қувонсам, келмасдан туриб бу пууқ билан топишибсан-да!

Суръатжон Жамшидни эркалаб, осмонга отиб қоқиб олди, сўнг, тескари ўгирилиб турган Санобарга қараб:

— Қалай, «Қоровой»ни қўйиб юбормадингми?— деб сўради.

— Нега қўймас эканман, қўйиб юбордим!— деди Санобар.

— Йўқ, рост айтаман, пучуқ! Кеча кечқурун ариқда «Қоровой» юргандай бўлувди...

— Вой тавба!— деди Санобар ўксиб.— Жинингиз ит-мушукка тушди...

Суръатжон унинг гапига қулоқ солмай, шляпасини олиб, бошини қашиди:

— Ҳайронман, боя санадим, иккита қуён йўқ. Қаёққа кетади бўлмаса...

— Ҳа, ўша иккита қуёнингизни менинг «Қоровойим» еган!— Санобар ранги ўчиб, лаблари титраб шундай деди-да, ўзини боққа уриб кўздан ғойиб бўлди.

Суръатжон «парво қилма» деган маънода қўзини қисди ва Жамшиднинг тумтайиб қолганини кўриб деди:

— Тентак қиз. «Қоровой» деган битта мушуги бор — буридай келади. Кўк қуён туққанда битта боласини олиб қочганини ўз кўзим билан кўрганман. Айтсам ишонмайди... Қани, қарашиб юбор, ука!

Ака-ука эшакдаги бедани тушириб ярмини қуёнларга сочиб, ярмини жийдаларнинг соясига элтиб қўйишди, сўнгра уйга бориб,— Суръатжонлар Шомурод аканинг урушда ҳалок бўлган укасининг уйида туришарди,— нонушта қилишди. Нонуштадан кейин Суръатжон Жамшидни яна тепага бошлаб чиқди ва қуёнларга сув бериб, қараб туришини тайинлаб, ўзи ишга кетди.

Жамжид тепада, атрофида дик-дик сакраган қуёнлар орасида ёлғиз қолди. Унинг дилидаги эрталабки

сфтсб сўнган, кўнгли куа ҳавосидай сербулут эди. Теварагида дик-дик сакраган қуёнлар, ҳатто олпоқ жўжалардай митти қуёнчалар ҳам кўзига қандайдир совуқ кўриниб кетди...

Шу кундан бошлаб «қуён ферма»нинг ҳамма майдачуйда ишлари Жамшиднинг зиммасига тушди.

У ҳар куни эрталаб акасига ўт ўришар, сўнг бу ўтларни уч маҳал қуёнларга улашар, уларга сойдан сув ташиб берарди. У «ферма»дан акаси билан келин ойиси ишдан қайтгандагина озод бўлар, ўшанда ҳам уни акаси эмас, келин ойиси озод қиларди. Баъзан Тамилла унинг важидан Суръатжон билан уришиб ҳам қолар, гўё эрининг шафқатсизлиги учун Жамшиддан уэр сўрагандай, ҳар хил ширинликлар бериб, бошини силарди.

Жамшид эса ишнинг оғирлигидан эмас, фақат бир жарсадан эзилар, у ҳам бўлса Санобар билан оралари бузилиб қолгани эди.

Санобар биринчи кунданоқ тўнани тескари кийиб олди. У Жамшид билан деярли гаплашмас, гаплашсада, «салом»дан нарига ўтмас эди. Рост, Санобар уни ўйинлардан ҳайдамас, лекин кўрганда илгаригидек кўзлари чақнаб, чопқиллаб пешвоз чиқмас, фақат болалар «стиляга-стиляга!» деб мазах қилган пайтларидагина: «Тегмаларинг унга!» деб жеркиб ташлар, сўнг, истеҳзоли кулимсираб қўшиб қўярди:

«Ҳозир бу хаёлида минг қуёни олдига солиб ҳайдаб кетяпти! Аттанг, хаёлини бўлдиларинг!»

Жамшидга ҳаммадан кўра Санобарнинг мана шу қочириқлари алам қилар, шундай пайтларда акасига билдирмасдан секин қишлоқдан чиқиб кетгиси келарди.

Вунинг устига сўнгги пайтларда қуёнлар тўқилган сымнинг тагини ковлаб қўни-қўшнилариинг экин-тикижга тушиш одатларини чиқарди. Қўни-қўшнилари ҳар куни уларни қарғаб-сиқтаб қувиб келишарди. Суръатжон бу қарғиш-сўкишларни писанд қилмас, Жамшид эса ич-ичидан эзилар, чунки қўни-қўшнилари аксарият ҳамма аччиқ гапларни унинг юзига солишар: «Ҳой, бола, акажонингга айтсанг-чи, ўлиб бўлдигу, бу ер юткир шалпақ қулоқларингдан!» деб нола қилишарди. Шундай пайтларда ер ёрилмас эдики, Жамшид кирса! У ариқ бўйидаги жийданинг соясига чўзилиб узоқ ўйга толар: «Акамга нима бўлди? Шундай яхши, мард,

хушчақчақ йигит, бир йилда нега бунчалик ўзгариб кетди?» деган фикр унга тинчлик бермас, лекин ўйлаб ўйининг тагига етолмас эди.

Бир кун Жамшид очиқ деразадан келин ойисининг қаяжонли овозини эшитиб, беихтиёр тўхтади.

— Сизга нима бўлди ўзи?— дерди Тамилла куйниб.— Узингизни бир кўзгуга солиб кўринг! Бу қанақа юриш ахир?

Суръатжон аввал қаҳ-қаҳ отиб кулди, кейин:

— Хўш, нима бўпти ўзи?— деди.— Оддий меҳнаткаш одамнинг юриш-туриши, вассалом!

— Қўйинг энди шу қуён-муёнингизни!— деди Тамилла ёлвориб.— Сизга ҳеч ярашмайди шу иш!

Суръатжон бир зум жим қолди, кейин Жамшидга аллақандай маънос туюлган бир товушда:

— Биламан, ҳаммасини биламан, жонгингиз!— деди чуқур тин олиб.— Лекин... бир-икки ой сабр қилинг. Кузда ҳаммасини шартта сотамизу, кўчамиз-кетамиз.

— Кўчсак бир кунимизни кўрармиз.

— Гап унда эмас, жонгинам. Мен сизни ўз дугонларингиз, қариндош-уруғларингиз олдида юзингиз ёруғ бўлсин деб!..

— Мени ҳалиям бировнинг олдида юзим қора эмас.

— Йўқ, жонгинам, мен сизнинг олдингизда гуноҳкорман. Сиз ҳаммадан яхши кийиниб, ҳаммадан... Сиз катта бахт... сазоворсиз..

— Вой тавба! Мен сизга бахтсизман дедимми? Ахир одамлар, бутун маҳалла, гап-сўз...

— Ўргилдим ўша одамлардан! Мен сизни шундай яхши кўраманки, ҳар қанақа фисқ-фасодга...

Жамшид бу гаплардан кейин эшитилган бўса ва кулги овозларидан уялиб, унинг орқасига бурилиб кетди.

Лаҳза ўтмай уйдан кулимсираб Суръатжон чиқди ва тепага қараб йўл олди. Унинг кетидан бир ўрим майин сочларини тузатиб ва кўзалари ўт чақнаб Тамилла чиқди. Жамшидга кўзи тушиб кулди-да, қўлидан ушлаб, югурганича сойга етаклади...

Жамшид ҳайрон эди. Акаси билан келин ойисининг гаплари унинг кўнглидаги жумбоқни ечиш у ёқда турсин, баттар чигаллаштириб юборди. Бу ўртада бир воқеа юз берди-ю, Жамшид ахири акаси билан гаплашишга аҳд қилди.

Жамшид кечқурун нимадандир кўнгли чўкиб уйга кирган эди, Тамилла Санобар келиб, уни гўжага таклиф қилиб кетганини айтиб қолди.

Жамшид гўжадан ҳам бурун Санобар чақириб келганидан хурсанд бўлиб, Моҳира холаникига қараб чопди.

У чиққанда бутун оила ишкомнинг тагидаги сўрига йиғилган эди. Санобарнинг дадаси Шомурод ака ёнбошлаб гўжа ичмоқда, Санобар «Қоравой»ни силаб ўтирар, Моҳира хола эса қўлини пахса қилиб ниманидир қаттиқ-қаттиқ гапирар эди. Жамшид унинг гапидан фақат: «Қўни-қўшниларнинг таънасидан ўлиб бўлдик!» деган сўзларини эшитиб қолди. Гап Суръатжон ҳақида бўлса керак, Шомурод ака Жамшидни кўриб Моҳира холага бир нима деди ва бошидаги эски дўппиясини тўғрилаб кулимсиради:

— Ке, Жамшидбек ўғлим, сўрига чиқ! Қишлоққа кепсану, кўринмайсан. Оббў сени-эй!..

Моҳира хола эса, Жамшиднинг олдига бир коса гўжа қўяркан, деди:

— Жамшиджон ўзиям билади. Акасининг дастидан бутун сой маҳалла дод деяпти... Йўқ, адаси, айтинг дўхтирингизга: ё қуённи қуритсин, ё кўчсин боғимиздан! Ё бўлмаса боғни уларга бериб биз кўча қолайлик!

Шомурод ака яна боягидай хижолат чекиб йўталди, Жамшидга қараб: «Бу гапга парво қилма», деган маънода кўзини қисди, сўнг:

— Отанг тақачи бўлсаям қўйгин энди, хотин,— деди бошидаги дўппиясини тўғрилаб.— Улар ўқиган одамлар, биз айтмасак ҳам ўзлари тушуниб қолишади, ҳа!

— Ўқиган одамлар!— деди Моҳира хола,— Тамиллахонга даъвом йўқ, олим деса арзийди. Мен айтсам бунинг акасини айтаман!

— Бунинг акаси қуён боқиб бой бўлмоқчи!— деди Санобар.

Моҳира опанинг ҳамма гапи бир бўлди-ю, Санобарнинг сўзи бир бўлди. Жамшид ичган гўжаси томоғига тиқилиб, ўрнидан сапчиб турди. У анча жойга бориб қолганида Шомурод аканинг:

— Шуям иш бўлдимиз? Ўзинг чақириб, ўзинг тағин бола бечоранинг ошини заҳар қилдинг!— деганини эшитиб қолди.



Суръатжон ғорнинг олдида «қирт-қирт» беда чай-наётган қуёнларга тикилиб, нимагадир кулимсираб ўтирарди. У Жамшидни кўриб имлади: «Бери кел, ука!»

Жамшид унинг хушнуд чеҳрасидан беихтиёр кўзи-ни олиб қочди.

— Акажон!— деди титраб.— Қўйинг шу ишингиз-ни. Сиз шундай яхши... йигит эдингиз. Ҳамма Сизни яхши кўрарди!

Суръатжон қовоғини солиб:

— Ҳази нима гап?— деди.

— Шу... ҳамма бизни ёмон кўради. Қуён боқиб бой бўлишмоқчи, деб масхара қилишади...

Суръатжоннинг узунчоқ юзи оппоқ оқариб, қизлар-никидай катта, серкиприк кўзлари қисилди. Жамшид акаси уни силтаб ташлар, деб ўйлаган эди, лекин Суръ-атжон бир зум ўйлангач:

— Қани, ўтиргин-чи, ука, бир гаплашайлик,— де-ди оҳиста.

Жамшид кўнгли умидга тўлиб унинг ёнига чўн-қайди.

— Қуён боқиб бой бўлмоқчи эмишманми?— Суръ-атжон истеҳзоли жилмайди.— Сен шу гапларга ишона-санми, ука?

— Йўқ, бироқ...

— Хўп,— деди Суръатжон.— Сенга битта савол: дейлик сен жонингни ҳам аямайдиган бир... дўстинг бор, кимни айтсак бўлади, масалан... Санобар!

— Санобар мен билан гаплашмайдиам!— деди Жамшид.

— Йўқ,— деди Суръатжон.— Гап очилдими, тўғри-сини айтиб қўя қолай. Мен бу ишни бойлик орттириш учун эмас, кеннойинг учун, Тамилла учун киялпман ука?

— Биламан. Лекин...

— Йўқ, билмайсан, ука. Гапимга қулоқ сол ав-вал...— Суръатжон чуқур хўрсинди, сўнг, худди юрак сирларини очишга қийналаётгандай, секин гап бош-лади:

— Ҳали катта бўласан, ука, севги нималигини би-ласан... Тамилла кеннойингни ўзинг биласан. Бундан уч-тўрт йил аввал танишганимизда кеннойинг шун-дай... кўҳлик эдики, ман-ман деган йигитлар, казо-ка-

юларнинг ўғиллари унинг изини... унинг бир оғиз сўзига вор эди. Лекин кеннойинг уларни эмас, мени деди. Мен бу олис қишлоққа кетганимда, тўғрироғи, юборилганимда лом-мим демасдан бирга келди, мана уч билдирки, шу тешикда ётибмиз... Ҳозир, бир маҳаллар кеннойингдан рад жавобини олган ўша йигитлар, ҳар биттасининг тагида битта «Волга», юришипти катта мансабларни эгаллашиб!.. Мен эсам... кеннойинг бечора нима кўрди менга келиб?

— Ахир... кеннойим Сизга таъна қилаётгани йўқ-ку, буни!

— Бундан кўра таъна қилгани яхши эди!— деди Суръатжон оғир хўрсиниб.— У ақлли, олижаноб инсон. Шунинг учун ҳам таъна қилмайди. Мен эсам унга сайин қийналяпман, ука! Нега десанг, кеннойинг ўзи тушунса ҳам, ота-онаси, қариндош-уруғлари тушунмайди. Бизнинг гапимизга кирмай топганингдан кўрганинг шуми дейишади. Яқинда шаҳарга кўчамиз. Нима, икки қўлимизни бурнимизга суқиб борамизми? Ҳамма тушунмаса ҳам сен тушунишинг керак, ука. Мен ўғирлик қилмасам, бошқа қилмасам. Ўзинг биласан — бошда бу ишни тажриба учун қилувдим, кейин қарасам етти хазинанинг биттаси шу экан... Хуллас, яна бирикки ой тишни тишга қўйиб чидаш керак, ука... Бойлик орттирмоқчи эмишман! Йўқ, ука, бойлик учун эмас, Тамилла кеннойинг учун қиляпман бу ишни. У мисоли... бошимга қўнган бир бахт қуши, ука. Учиб кетмаса деб қўрқаман. Сен ҳам ёшсан. Бу гапларга катта бўлганингда тушувасан, ука.— Суръатжон маъюс худимсираб укасининг елкасига қўлини қўйди. Унинг «ука» деб гапиришида, овозида, худимсирашида бўлакча бир самимият бор эдики, Жамшид ўпкаси тўлиб, акасининг қўлини қаттиқ сиқди.

Кечаси Жамшид тўғондаги бақаларнинг сайрашига, узоқ-яқиндаги итларнинг вовиллашига, шамол ўйнаган дарахт япроқларининг шитирлашига қулоқ солиб қўл чўзса етадиган юлдузларнинг милт-милт ёнишига кўз тикиб, узоқ ётди.

Дам унинг эсига Моҳира бувининг аччиқ гаплари тушар, дам кўз олдига Санобарнинг истеҳзоли табассуми келар, дам қулоқлари остида акасининг аллақандай мунгли овози янграрди...

У энди акасини қораламас, унинг яхши одам экани-

га деярли шубҳа қилмас, айна маҳалда уни тамом оғлаш ва Санобарни қоралашга ҳам тили бормас, бунинг учун нимадир етишмас, лекин етишмаётган нарса нима аканини тушунолмас эди...

Бир ҳафта ўтди. Уша суҳбатдан кейин анча мулоҳимлашиб қолган Суръатжон уст-устига бир-иккита кўён йўқолиб, асабийлаша бошлади.

Бир кун кечқурун тўғонда чўмилаётган Жамшид акаси чақираётганини эшитиб қолди.

Борса, акаси Суръатжон беда ташийдиган кўк эшакни эгарлаб, шай қилиб турибди. Жамшид бориши билан у икки кўзи қаппайган хуржунни эгарга ташлаб, қирга имо қилди:

— Ана у қирнинг орқасида яна бир пастроқ қир бор. Унинг устига чиқсанг пастда чуқур жар кўринади. Мана бу хуржунда...— У хуржуннинг қаппайиб турган ўнг кўзига қўлини қўйди.— Жун қоп бор. Шу қопни олиб, жарга отгину, дарҳол қайтгин!

Жамшид акаси кўрсатган томонга қаради. Ҳали қоронғи тушмаса-да, қирга туташган осмон қизғиш тусга кира бошлаган эди.

— Нима, қоронғи тушиб қолади, деб қўрқяпсанми? Ё жин-шайтон, бўри-мўрига ишонасанми?— Суръатжон аллақандай асабий кулди.— Бекор гап, оғайни! Кўк ҳангичинг бошини қўясану, чопиб бориб, чопиб келсан!

Жамшиднинг кўнглидан: «Шу ишни эрталаб қилса нима бўларди?» деган гап ўтди-ю, акасини ранжитмай деб, тўғрироғи, унинг кўзига қўрқоқ бўлиб кўринмай деб, эшакка миниб йўлга тушди.

Жамшид акаси айтган жарликни бултур ёзда кўрган, бир кун кечқурун Санобар иккиси йўқолган кўзини қидириб бориб, ваҳимага тушиб қайтишган. Жамшид кўк ҳангини савалай-савалай биринчи қирга чиққанда олисга чекинган уфқ кул ранг тусга кирди, иккинчи қирга чиққанида гира-шира қоронғилик тушиб қолди.

Мана, таниш жарлик, тўғрироғи, таги чангал билан қопланган, қоронғи ўнгирга ўхшаш ваҳимали чуқурлик...

Жамшид шу ўнгирдай қора ваҳима босиб, эшакдан зўрға тушди. У хуржундаги жун қопни тортиб оларкан, қўлига оғир ва юмшоқ бир нарса тегди, нимадир

хириллагандай бўлди-ю, сочлари тиккайиб, тиззалари қалтираб кетди. Шу пайт қопдаги оғир ва юмшоқ нарса яна типирлаб, хириллаган овоз такрорланди.

«Ит! Йўқ, мушук!...» тўсатдан Жамшиднинг миясида нимадир ярқ этгандай бўлди: «Қоровой!...»

У боғични қандай ечгани ҳам эсида йўқ, қопнинг тагидан ушлаб силкиган эди, боши латта билан ўралган, оёқ-қўли боғланган «Қоровой» қора қундуздай юмалаб тушди. Жамшид «Қоровой»нинг бошидаги латтани юлиб олди, оёқларини ечиб юборди. «Қоровой» бир ағанаб ўрнидан турди, кўзлари олазарак бўлиб атрофга тикилди, сўнг, Жамшидни таниди-ю, аянчли миёвлаб, оёқларига сурканди.

Бояги ваҳимадан асар ҳам йўқ, Жамшид «Қоровой»ни кўтариб бағрига босди-да, эшакка миниб, орқага қайтди.

У ҳали акасига нима дейишни билмас, тўғриси, бу ҳақда ўйлагани ҳам йўқ, бутун хаёли Санобарда эди!.. У акасининг бу қилиғини изоҳлашга ақли етмас, фақат бир нарсани сезар — тунов куни Суръатжон уни алдаган, у энди акасининг мунгли гапларига ишонмас эди!

Жамшид, акам кўриб қолмасин, деб, анча жойни айланиб, олдин пахтазорга тушди, кейин ариқ ёқалаб кетди ва Санобарларнинг ҳовлисига сой томондан кирди.

Санобар қўйларини тушовлаб, сигир-бузоғига ўт бераётган экан, Жамшиднинг олдига истар-истамас чиқди-ю, «Қоровой»ни кўриб, оғзи очилиб қолди.

— Вой, «Қоровой»? Яна бўшаб кетибдими бу тентак!

Жамшид ҳаяжондан нафаси тикилиб, тили гулдурай-гулдурай, бўлган воқеани айтиб берди.

Санобар қоронғида кўзлари чақнаб, Жамшиднинг қўлини «шап» ушлади, энтикиб гапирди:

— Жамшид! Мен... Мен сени акангдай деб ўйловдим. Хафа қилган бўлсам кечиргин! Энди биз... Энди биров сенга тегадиган бўлса!—деди-ю, тўсатдан иссиқ лаблари билан Жамшидни «чўлп» этиб ўпиб олди.

Жамшид, назарида, офтоб чиқиб, ҳамма ёқ ёришиб кетгандай туйилиб, Санобарларнинг ҳовлисидан қушдай энгил тортиб чиқди.

Суръатжон сўрида овқатланиб ўтирарди. У Жамшидни кўриб, кўзини қисди.

— Қалай, буйруқ бажарилдими?

Жамшид акаси кўз қисиб кулганини кўрганда бир зум ҳақиқатни айтгиси ва тунов кунгидай уни қучоқлаб, бундай қилманг, акажон, деб ёлворгиси келди-ю, нимадир бунга халақит берди.

— Бажарилди,— деди у ва гапни калта қилиш учун ювиниш баҳонасида сочиқни олиб сойга қараб кетди.

— Молодец!— деди акаси.— Катта бўлсанг яхши солдат бўласан!

Эртасига Жамшид аллақандай ёқимсиз, ваҳимали бир қийқириқдан уйғониб кетди. Овоз бир зум тинди-ю, яна такрорланди. Бу сафар у худди бўғизланаётган одамнинг товушини эслатди Жамшидга.

У ўрнидан сакраб турди, лекин овоз келган томонни билмай жойида қотиб қолди. Ошхонада газ плитада чой қайнатаётган Тамилла ҳам бир зум тўхтаб, қулоқ солди, сўнг яна ўз ишига киришди. Шу пайт аянчли гингшиган товуш гўё ёрдамга чақиргандай чинқириб юборди-ю, Жамшид қирга қараб чопди. Энди шубҳа қолмаган: бола йигисига ўхшаш чинқириқ ариқ бўйидаги қатор жийдалар орасидан келарди. Жамшид нафаси томоғига тиқилиб ўша томонга отилди, отилди-ю, юраги шартта узилгандай бўлиб, жийдага суяниб қолди.

Акаси Суръатжон, қўлида жингил солли узун қамчи, жийдага ортки оёғидан осилган «Қоравой»ни қулочкашлаб урмоқда эди!

Суръатжон қулочини ёзганда кўзи косасидан чиқаёзган «Қоравой» гужанак бўлиб осмонга сапчир, арқондай эшилиб тўлғанар, қамчи текканда одамдай зорланиб чинқирар, сўнг оғзидан қон қусиб, бир зум тинчиб қоларди...

Жамшид ҳали ҳушини йиғиб олмаган эди ҳамки, Тамилла билан Санобар, уларнинг орқасидан яна аллакимлар кўринди...

Жамшид бирдан ҳушига келиб, ўзини акасига ташлади:

— Ака! Тўхтанг, ака!

Суръатжон, кўзлари қон талаган, ўгирилиб қаради. Жамшид унинг қўлига осилиб қолди. Кетма-кет етиб келган Санобар эса, дод солиб Суръатжонни муштлай кетди:

— Жаллод! Нима қилиб қўйдинг, жаллод! Оппоғим, «Қоровой» жон! Қамаб қўювдим-ку, қанақа қилиб учрай қолдинг бу жаллоднинг қўлига, жонгинам!

Хамма, худди «Қоровой»нинг ўлими эмас, катта бир фожианинг устидан чиққандай сукут сақлар, ёлғиз Санобар ҳамон Суръатжонни дўппослаб йиғларди. Суръатжон эса, гўё бу ишни мастликда қилгану, ҳушига келиб, қўрқиб кетган одамдай, давранинг ўртасида беҳол турар ва ён-верига аланглаб қарарди. Шу пайт қаёқдандир етиб келган Шомурод ака, бошидаги дўпписини тўғрилаб:

— Бу қандоқ бўлди, дохтур ука,— деди.— Мушук ҳам худонинг махлуқи-ку...

— Мен... нима қилай, ҳар куни битта-иккита қуён йўқоляпти. Шундан бошқа...

— Ёлғон!— қичқирди Санобар.— Сиз қуён боқиб-сизки, «Қоровой» бечора қамоқда!..

— Санобархон, сен билмайсан...— Суръатжон гапиви тугатмади, Тамилла, ранги девор, ўзини боққа урганини кўриб, унинг кетидан талпинди.

— Тамилла! Тўхтаг, Тамилла...

Тамилла тўхтаб кескин бурилиб қаради-ю, гўё шилимшиқ бир нарсадан ижирғангандай, юзи буришди:

— Қўлингизни артинг... Қон!...

Суръатжон дармони қуриган одамдай қўлидан қамчиси тушиб, лол бўлиб қолди. Шомурод ака камаридаги қиндан пичоғини олди, «Қоровой»нинг оёқлари боғланган чилвирни кесди ва мушукни ўтга ўраб кўтариб олди.

— Бўлди, қизим, бўлди, юр, бир жойга кўмайлик бу бечорани...

Жамшид ҳозир акасининг чиндан изтироб чекаётганига дил-дилидан ишонар, шунинг учун Санобарларга эргашишини ҳам, Суръатжоннинг ёнида қолишини ҳам билмас эди. Тўсатдан Суръатжон худди бир нима эсига тушгандай бошини кўтариб:

— Шомурод ака!..— деб хитоб қилди.— Худо ҳақи... нимага шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман.

Падарига лаънат шу қуёнларнинг! Кечиринг мени! Менга биттаси ҳам керак эмас! Олинг шуларни! Илтимос қиламан — олинглар шу қуёнларни!

Шомурод ака тўхтади, шошмасдан бир-икки марта томоқ қирди, кейин:

— Раҳмат, ука,— деди ўйчан товушда.— Биз деҳқон одам. Қуён жонивор боғ-роғни-ю экин-тикиннинг заволи. Деҳқон одамга тўғри келмайди бу иш, ука...

«Қоравой»ни боғнинг қоқ ўртасидаги бир туп бозор ўрикнинг тагига кўмишди. Бечора шу ерда ўтириб ўриш пишганда чумчуқ пойларди.

Суръатжон ўзича ниманидир мулоҳаза қилиб, пешанасини ушлади, лекин қўли қон экани эсига тушди шекилли, юзи буришиб, уйга қараб югуриб кетди.

Суръатжон шу кетганича тушдан кейин усти берж бир машина олиб чиқди. Ҳамма қуёнларни ўшанга тикиб, шофердан қаёққадир жўнатиб юборди. Кейин кун ботгунча тепанинг атрофидаги ҳамма қозиқларни сугуриб, симларни йиғиштириб ташлади.

Жамшид унинг юзига қарашга юраги дов бермас, юзига қараса жон-жони ачишиб кетарди.

Тамилла эрталаб кетганича кечаси алламаҳалда қайтиб келди. Жамшид унинг:

— Рухсат беришди, кетаман,— деганини эшитиб қолди. Суръатжон нимадир деган эди, у асабий товушда:

— Йўқ, бир кун ҳам туropolмайман,— деди кескин.— одамларнинг юзига қарай олмайман. Қўйинг, гапирманг. Жазонгиз...

Тамилла кийимларини бир чамадонга жойлаб эртасига кун чиқар-чиқмас жўнаб кетди. Жамшид билан Суръатжон юкларни шайлаб, яна бир кеча тунадилар.

Эртасига юкларни машинага ортиб бўлиб, энди жўнамоқчи бўлиб турганларида Санобар кўринди. У секин имлаб Жамшидни четга чақирди.

— Жамшид,— деди у,— «Қоравой» бўлса, ўлди. Сен кетмай қўяқол. Ё кетсанг ҳам... келиб тур... мени... бизни унутма. Унутмайсанми?

Жамшид «ялт» этиб акасига қаради. Суръатжон

машинанинг кабинасига суяниб, хаёлга чўмиб маъюс ўтирарди.

Жамшид акасидан кўзини узиб, тўғонга, оқ теракнинг учида ўтирган иккита лайлакка, сойликда кураш тушаётган болаларга тикилди. У бултур ёнғоқ отиб, ағнаб ўйнаган бу сойликни, жарликнинг тагидаги муздай булоқни, балиқ тутиб, кечаю кундуз чўмилган бу тўғонни, эркакшода бўлса-да, ҳозир кўзларида ёш, мўлтираб турган бу ажойиб қизни энди ҳеч қачон кўрмаслигини биларди. Лекин... Санобардан айрилиш — қанчалик оғир бўлмасин, акасини бу аҳволда ташлаб кетиш мумкин эмас, Жамшид ҳозир унинг ёнида бўлиши керак эди.

Жамшид «қилт» ютинди-да, кескин бурилиб, кутиб турган машинага қараб чопди.

1964 йил.



## МУНДАРИЖА

Эр бошига иш тушса (роман) . . . . .	3
Излайман (қисса) . . . . .	285
Видо (ҳикоя) . . . . .	436
Бахт қуши (ҳикоя) . . . . .	459

*На узбекском языке*

**Адыл Якубов**

**ВЕЧНЫЙ ПОИСК**

**роман, повесть, рассказы**

**Редактор *Ж. Насриддинова***

**Рассам *Б. Будаев***

**Расилар редактори *А. Бобров***

**Техн. редактор *Т. Смирнова***

**Корректор *Ш. Собирова***

Босмахонага берилди 20/VII-1976 й. Босишга рухсат этилди 27/IX-1976 й. Формати 84×108<sup>1/2</sup><sub>мм</sub>. Босма л. 18,0. Шартли босма л. 25,2. Нашр. л. 24,93. Тиражи 48000. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 77—78.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1 қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1977 йил. Заказ № 363, Баҳоси 93 т.

**Еқубов Одил.**

**Ислайман. Роман. Қисса. Ҳикоялар. Т., Адабиёт ва санъат  
нашриёти, 1977.  
480 б.**

Қўлингиздаги ушбу китобга ёзувчи Одил Еқубовнинг «Эр бошига иш тушса» романи, «Ислайман» қиссаси ва бир нечта ҳикоялари киритилди. Ёзувчининг бу асарларида Улуғ Ватан уруши йилларида этик билан суз кечиб хизмат қилган ёшларимизнинг олижаноб фазилатлари, уларнинг пок муҳаббати, изтироблари, кураши яқин эътиририлган. Ҳикояларида эса бугунги кун кишилари улуғланган.

**Якубов А. Вечный поиск. Роман, повесть, рассказы.**

**Уз2**